

Янги программага мувофиқ тузилг ан ушбу қўлланмада мактабда физика ўқитишининг I ва II босқичларида физикадан масалалар ечишининг энг умумий усул ва методлари баён қилинган, ўқувчилар учун физикадан типавий масалалар минимуми ташлаб берилган, мактаб физика курсининг ҳамма темалари бўйича масалалар ечиш тартиби кўрсатилган, масалаларнинг шартлари батафсил таҳлил қилинган ва масалаларнинг батафсил ечимлари берилган.

На узбекском языке

**Самуил Ефимович Каменецкий,
Виктор Петрович Орехов**

**Методика решения задач по физике
в средней школе**

Пособие для учителей

Перевод соответствует первому изданию
изд-ва „Просвещение“, М., 1971.

**Издательство „Ўқитувчи“
Ташкент — 1976**

Таржимолар М. Усмонов, Б. Мирзаҳмедов
Редакторлар Р. Сайдалиев (22–29- боблар), Р. Пирмуҳамедова
Баданий редактор Е. Соин
Техредактор О. Чиграйева
Корректор Ж. Нуритдинова

Теришга берилди 21/ХI-1975 й. Босишга руҳсат этилди 13-II-1976 й.
Қогоз № 3. 60×90^{1/4}. Физ. б. л. 29,25. Нашр л. 30,0.
Тиражи 15600

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент, Навоний кўчаси, 30. Шартнома 79-74.
Бахоси 8: т. Муқоваси 20 т.

ЎзССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб саводси ишлари Давлат комитетининг 1- босмахонаси, Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1976 й.
Зак. № 879.

Типография № 1 Государственного Комитета Совета Министров УзССР
по делам издательства, полиграфии и книжной торговли. Ташкент, Ҳамзы, 21.

© Ўзбек тилига таржима, „Ўқитувчи“ нашриёти, 1976 й.

K 60501 № 98
353 (06) 76 223 — 76

СҮЗ БОШИ

Үрта мактаб физика курсининг илмий-назарий даражаси ортиши муносабати билан физикадан масалалар ечишга тобора катта эътибор берилмоқда.

Үрта мактаб физика курсида масалаларнинг умумтаълим, политехникаий ва тарбиявий аҳамияти ниҳоятда каттадир. Физикадан масалалар ечмай туриб, физика курсини ўзлаштириш мумкин эмас. Кўпчилик мактабларда физикага оид масалалар ечишга катта аҳамият берилади. Шунга қарамай, кўпчилик ўқувчилар масалалар ечишда доим қийналадилар, бу ҳол мактабни битириш имтиҳонларида ва олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларида яққол сезилади. Бунга бу хилдаги машғулотларнинг ўқувчилар учун мураккаблигигина эмас, балки мактаб физика курси бўйича масалалар ташлаш ва уларни ечиш методикасида камчилик мавжудлиги ҳам сабаб бўлади.

Физикани ўрганишда масалалар ечиш муҳим эканлигини назарга олиб, кўпчилик ўқитувчилар, масалалар ва айниқса, қийин масалалар қанча кўп ечилса, шунча яхши деган принципда иш тутадилар. Бу ўқувчиларга оғирлик қиласди, натижада улар ўз кучларига ишонмай қўядилар ва уларнинг бу фанга бўлган қизиқишлари йўқолади. Шунинг учун ўрта мактабда физика-тан масалалар ечиш методикаси ҳозирги вақтда алоҳида аҳамият касб этади. Қўлланмада ўқитувчини ўқувчиларнинг физикавий тафаккурини шакллантирадиган, уларга тегишли амалий ўқув ва малакалар берадиган, вақтларини тежайдиган типавий масалаларни ечишининг энг муҳим умумий усул ва методлари билан таништириш мақсад қилиб қўйилган. Буларни амалга оширишда фундаментал физикавий принципларга асосланган икиги программа қулийлик яратади. Ушбу қўлланмада ўқув программасининг ҳар бир бўлинининг спецификаси ҳисобга олинган ҳолда турли хилдаги типавий масалаларни ташлашга ҳаракат қилингани. Буида авторлар ўқувчиларни физика ўқитишининг бутун беш йили давомида тайёрлашни кўзда тутадилар. Шунинг учун ўртача қийинликдаги масалалардан кейин мураккаброқ масалалар ҳам берилган, уларни ўқувчиларга такрорлаш ёки битириш имтиҳонларига тайёрланниш вақтида юқори синфларда бериш керак.

Құлланмага ўқитувчилар учун қийинроқ масалалар ҳам киритилған, бу масалаларни киритишдан мақсад ўқитувчилор шартынан үдерні ечишиңиң „нозик“ томонлари ёки қийинчиликларыса жағдай қалыпты, ўқитувчи бу масалалардан ўқувчилар билан индивидуал ишлешіде ҳам фойдаланышы мүмкін.

Масалалар күплөб фактік материалларга асосланған бўлиб, китоб авторлари бу материаллардан ўқитиш ва тарбия мақсадларыда максимал ва ҳар томонлама фойдаланишга катта аҳамият бердилар. Шу мақсадда күп ҳолларда масаланы бир неча усул билан ечиш тавсия қилинған, олинганд патижаларни анализ қилиш ёки текширип кўзда тутилған, саволлар шартларининг бир неча варзишлари ҳақида тавсиялар берилған. Ечилүш ҳаммага маълум бўлган масалалар анализ қилинмайди.

Құлланмада ҳаммаси бўлиб 900 дан ортиқ масала кўрилған бўлиб, уларнинг күп қисми авторлар томонидан тузилған. Ўқувчилар билан ишлешіде бу масалаларни асос қилиб олиш мумкин. Ўқувчиларни машқ қилириш учун зарур бўлған қўшимча масалаларни ўқитувчи дарслик ва масалалар тўпламидан олиши мумкин.

Авторлар китобхон диккәтини қўлланманинг охирида келтирилған адабиёт рўйхатига жағдай қиладилар. Ўқитувчи бу адабиётдан фойдаланиб кўп дидактик материал олади ва масалалар ечинининг баъзи, маълум сабабларга кўра бу китобда кўрилмайдиган маҳсус ечимлари ҳақида тўлароқ тасавнурлар ҳоснл қиласидилар. Янги программа билан амалий ишлеш тажрибаси яна янгиликлар қўшиши ва кўп нарсаларни аниқлаштириши щубҳасизdir.

Қўлланмадан фойдаланишда қуйидагиларни назарда тутиш керак. Масалаларнинг номерлари кетма-кет қўйилған. Масала номеридан кейинги „Э“ ҳарфи масаланинг экспериментал эканлигини билдиради. Қавс ичидан (№ 75, 105) сингари эслатмалар ушбу қўлланмадаги тегишли масалаларга берилған изоҳдир. Қавслардаги рақам, масалан (60), қўлланманинг охиридаги адабиёт рўйхатидаги тегишли маибани билдиради. 2,1- боб сингари эслатмалар 2- бобнинг 1- бўлимими кўрсатади.

Мураккаб масалалар юлдузча билан белгиланған. Бундай масалаларда, одатда, ўқитувчига тегишли бирор маълумот берилған бўлади. Бу масалаларни тақрорлаш вақтида таништириши маъносида ёки физикага алоҳида қизиқиши билан қәрайдиган айрим ўқувчилар билан ечиш тавсия қилинади.

Қўлланманинг: 2-, 11-14-, 26-29-, 31-32-, 35-38- бобларини С. Е. Каинецикӣ, сўз боши, 1-, 3-10-, 15-25-, 30-, 33-34- бобларини ва адабиёт рўйхатини В. Н. Орехов ёзған.

Қўлланмани тайёрлашда Вячеслав Анатольевич Балаш ва Сергей Яковлевич Шамаш ўзларининг қимматли маслаҳатлари билан катта ёрдам бердилар, авторлар уларга ўз миннатдорчилигини билдирадилар.

ИКИСМ

ЎРТА МАКТАБ
ФИЗИКА КУРСИДА
МАСАЛАЛАР ЕЧИШ
МЕТОДИКАСИНИНГ
УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

МАСАЛАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ЕЧИШ МЕТОДИКАСИННИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

1. Масалалар ўқувчиларга физика машғулотларида таълим ва тарбия бериш воситасидир

Ўқув практикасида умумий ҳолда мантиқий хуносалар, математик амаллар ва физикадаги қонунлар ҳамда методларга асосланган ҳолда эксперимент ёрдамида ечиладиган кичик муаммо, одатда, физикавий масала деб юритилади. Аслида физика машғулотларида ўқув материалини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган ҳар бир жумбоқ ўқувчилар учун масала бўлади. Маълум мақсадни кўзлаб фаол фикр юритиш „масала ечишдан иборатdir"¹. Методик ва ўқув адабиётларида эса маълум мақсал учун танлаб олинган ва физикавий ҳодисаларни ўрганиш, тушунчаларнинг шаклланиши, ўқувчиларниг физикавий тафаккурини ривожлантириш ва уларга олган билимларини қўллай олиш ўқувини беринши мақсад қилиб олган машқлар масала деб юритилади. Масалалар ечишининг бошқа кўй мақсадлари ҳам бор, масалан, ўқувчиларни тарбиялаш, уларнинг билимларини ҳисобга олиш ва контрол қилиш, ўқув ва малакаларини аниқлаш ва ҳоказо.

Ўқувчиларга физикавий ҳодисаларнинг моҳиятини турли йўдлар билан таништирилади: ҳикоя қилиб берилади, тажрибалар намойиш қилинади, лаборатория ишлари бажарилади, экскурсиялар ўтказилади ва ҳоказо. Бунда ўқувчиларнинг фаоллиги, демак, улар билимларининг чуқурлиги ва мустаҳкамлиги „муаммоли вазият“га боғлиқ радиша юзага келади. Қатор ҳолларда бундай муаммоли вазиятни масала шаклида бериш ва уни ечиш процессида ўқувчи физикавий қонуниятни ўзи учун „қайта очади“, лекин уни тайёр ҳолда олмайди. Бу ҳолда масала физикавий ҳодисани ўрганиш воситаси бўлади. Бу мақсадда сифатта оид масалалар ҳисоблаш масалалари,

¹ „Психология“, А. А. Смирнов ва бошқалар таҳрири остида, М., Учпедгиз, 1962, 241- бет.

экспериментал масалалар ва бошқа хил масалалардан фойдаланиш мүмкін (№ 116, 208, 399 ва бошқалар).

Үқувчилардаги бор билімларга таяниб, масалаларни ечиш жараёнда үрганилаётган физикавий ҳодисаларни анализ қилиш, физикавий ҳодисалар ва катталиклар ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш мүмкін.

Экспериментал масалаларни ечишда физикавий эксперимент ҳақида үқувчиларға эксперимент табиат ҳодисаларини тадбиқ қилиш методи бўлиб, унинг асосида ўлчашлар ва физикавий катталиклар орасидаги функционал боғланиши математик тадқиқ қилиншлар ётиши ҳақида баъзи тушунчаларни бериш мүмкін.

Масалан, VI синифдаёқ қўйидаги масалалар ечилиши мүмкін:

1 (Э). Пружинани даражалаңг ва унинг узайишини қўйилган куч катталигига боғлиқлигини формула билан ифодаланг.


2 (9).. Гидравлик пресс моделидан фойдаланиб (1- расм) поршенларнинг мутарииш катталиги билан уларнинг юзалари катталиги орасидаги боғланиши ациқланг.

Үқувчиларга эмпирик формулалар тузишини үргатишга доир қизиқ тажрибани Б. Р. Андрусенко баён қилиб берган [50].

Масалалар үқувчиларга политехник таълим беришда ҳам катта аҳамиятга эга. Уларда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига, транспорт, алоқа, замонавий техникага ва бошқаларга оид маълумотлар бўлиши мүмкін. Бундай масалалар үқувчилар учун назарияни амалиёт билан, ўқишини турмуш билан боғлайдиган енгил, тушунарли воситалардан бири бўлиши мүмкін.

Техникавий мазмундаги масалалар қўйидаги асосий талабларни қаноатлантириши керак.

Масаланинг мазмуни үрганилаётган программа материали билан чамбарчас боғланган бўлиши керак. Кўрилаётган техника обьекти ёки ҳодиса ҳалқ хўжалигига кенг қўлланадиган бўлиши керак. Масалада машиналар, процесслар ва ҳоказолар ҳақидаги реал маълумотлардан фойдаланилган бўлиши керак, амалда ҳақиқатан дуч келинадиган саволлар қўйилган бўлиши керак. Техникага оид масалалар фақат мазмунни жиҳатидан эмас, балки шакли жиҳатидан ҳам турмушда учрайдиган ҳолларга иложи борича яқин бўлиши керак, „хеч қайси катталиқ берилмаган“ масалаларда эса зарур маълумотларни схемалардан, чизмалардан топишга, справочниклардан олишга ёки тажриба маълумотларидан фойдаланишга тұғри келади. Техникавий мазмундаги масалаларга намуналар келтирамиз.



1-расм.

3. Агар токарлик станогининг кесиги тезлиги 80 м/мин, ишлов берилаётган деталнинг диаметри 40 мм бўлса, станок шпинделининг айланышлар сони аниқлансин.

Бу масалада ҳамма зарур маълумотлар берилган ва фақат ҳисоблаш керак.

4. Электродвигателга ток қелтирувчи симни ташланг.

Бу масалани ечиш учун двигатель паспортидаги маълумотларга кўра унинг қувватини ва фойдали иш коэффициентини, щитдаги кучланишини, симларнинг узунлигини ва уларда кучланишининг тушишини аниқлаш зарур.

Ишлаб чиқариш мазмунидаги масалалар билан бир қаторда ўқитишни турмуш билан боғлаш учун турмушда учрайдиган физикавий ҳодисаларга багишлиланган масалалар ҳам катта аҳамиятга эгалdir. Бундай масалалар „атрофимиздаги“ физикавий ҳодисаларни кўришига ёрдам беради, ўқувчиларнинг кузатувчалигини оширади.

Бундай масалаларга қўйидагилар мисол бўла олади:

5. Уйингиздаги кир ювадиган машинанинг З соат давомида сарф қиласидиган электр энергияси цархини аниқланг.

6. Вертикал ўрнатилган кўзгуда ўз бўйингиз тўлиқ кўриниши учун кўзгунинг баландлиги камидан қанча бўлиши керак? Уни қандай жойлаштириш керак?

Политехник ўқитиш мәқсадларида масалалар қатор ёмалий малака ва ўқувларнинг шаклланиши учун ҳам муҳимdir. Масалалар ечиш жараёнида ўқувчилар табиат, техника ва турмушдаги турли физикавий ҳодисаларни анализ қилиш учун ўз билимларини қўлланига доир малака ва ўқувлар ҳосил қиласидилар; чизмалар, расмлар, графиклар чизишга, ҳисоблашларни бажаришга; справочниклардан фойдаланишга; экспериментал масалаларни ечишда асбоб ва ускуналардан фойдаланишга доир уқув ва малакалар ҳосил қиласидилар ва ҳоказо. Бу жиҳатдан ўқувчиларнинг меҳнат ва ҳаётий тажрибалари, уларнинг экскурсиялар вақтида, мактаб устахоналарида иш қилиш вақтида, шунингдек турмушда учрайдиган кузатишларидан фойдаланиб ечиладиган масалалар жуда фойдаидир. Қишлоқ мактабларидағи ўқувчиларга, масалан, қўйидаги саволларни бериш мумкин.

7. Тракторнинг гидравлик кўтаргичининг схемасини чизинг. Гидросистемадаги босимни аниқланг, кўтаргич поршенининг диаметрини ўлчанг ва кўтаргич эришадиган кучнинг максимал катталигини аниқланг.

8. Шудринг тушишини кузатинг. Қуёш ботишидаги ва шудринг тушиш вақтларидағи температурани аниқланг. Қандай жойларда шудринг қалироқ тушади? Нима учун?

Уй шароитларида олиб бориладиган кузатишлар ва физикавий тажрибалар материаллари асосида масалалар тузиш учун кўплаб мисолларни ўқитувчи С. Ф. Покровский китобидан топиши мумкин [133].

Г Масалалар ечишининг тарбиявий аҳамияти катта. Масалалар ёрдамида ўқувчиларга янги прогрессив ғоя ва дунёқарашларнинг пайдо бўлиши билан (**№ 515 – 517**) Ватанимиз олимларининг қашфиётлари билан таништириш (**№ 636, 797**) уларнинг эътиборини ~~советскими~~ ва техникасининг улкан ютуқларига жалб қилиш мумкин. Бу жиҳатдан жаҳонда биринчи совет космик кемаларининг парвозига доир, бизнинг дарёлари миздаги улкан электр станицяларга доир, янги техник ихтийоларга доир маълумотлар бўлгаган масалалар жуда қизиқарли бўлади. Масалан, қўйидаги масалаларнинг материаллари ўқувчиларда ҳақли равишда мағуруланиш туйғусини уйгодади:

9. „Восток-1“ космик кемаси двигателининг қуввати 20 млн. оқ га тенг. Бундай қувват ҳосил қилиш учун нечта „Днепр“ прогрэс керак бўлади?

10. „Мечта“ совет космик ракетаси Қуёш системасининг биринчи сунъий йўлдоши бўлиб қолди, унинг Қуёшдан узоқлиги ўртacha 170 млн. км. Унинг Қуёш атрофида айланиш даворини аниқланг [88, № 256].

Масалалар ўқувчиларда меҳнатсеварлик, журъатлилик, ирода ва характёри тарбиялашда ҳам катта тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади. Масалалар ечиш осон ин эмас, бунда бутун кучни жалб қилиш керак бўлади, масала ечиш билан ютуқларнинг ижодий севиичига эга бўлиш, предметга муҳаббат ортириш, шунингдек, ихлосдан қайтиш, ўз кучига ишончсизлик, физикага қизиқишни ўйқотиш ҳам мумкин. Масалалар ечиш ўқитувчи учун ўқувчиларнинг ютуқлариши ва қайфиятларини, шунингдек ўзининг ўқув-тарбия ишларининг самарадорлигини доимо кузатиб бориши мумкин бўлган аниқ барометрdir.

2. Масалаларнинг классификацияси

Физикага доир масалалар кўп белгиларига қараб, масалан, уларнинг мазмунига, қандай мақсадда берилганига, бирор масалани қандай даражада татбиқ қилишишига, ечиш усуllibарига, шартларининг берилиши усуllibарига, қийинлик даражасига ва бошқа белгиларига кўра классификациялаш мумкин.

Масалаларни мазмунига қараб улардаги физикавий материалларга кўра тажртиш мумкин. Механикага, молекуляр физикага, электрга доир ва ҳоказо масалалар бўлиши мумкин. Бундай турларга бўлиш шартли, чунки кўпинча, масаланинг шартида физиканинг бир неча бўлимларидаги маълумотлардан фойдаланилади.

Масалалар абстракт ва конкрет мазмуни бўлиши мумкин. Абстракт мазмунли масалаларга қўйидагилар мисол бўлади:

Агар қия текисликнинг узунлиги l , баландлиги h бўлса, ундан m массалали жисмни кўтариш учун қандай куч қўйиш керак? Жисмнинг текисликка босим кучи қандай бўлади?

Агар масалада айнан қандай текисликдан фойдаланилаётгани, жисмнинг ўзи нима ва у текислик бўйлаб қандай кўтарилиши кўрсатилган бўлса, у ҳолда бу масала конкрет мазмуни масала бўлади.

Абстракт мазмуни масалаларнинг афзаллиги шундаки, унда физикавий моҳияти ажратилиб қайд қилинади ва унинг аниқланишига аҳамиятсиз деталлар тўсқинлик қилмайди. Конкрет масалаларнинг афзаллиги шундаки, улар аниқ ва турмуш билан боғланган бўлади.

Техника, саноат ёки қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, транспорт ва алоқага оид материаллар бўлган масалалар политехник мазмундаги масалалар деб аталади. Бундай масалалар физика масалаларининг катта қисмини ташкил қилиши керак.

Қатор масалаларда тарихий характердаги маълумотлар бўлади: классик физикага доир тажрибалар, кашфиётлар, ихтиrolар ёки ҳатто тарихий афсоналар ҳақида маълумотлар бўлади (**№ 133, 526**).

Шунингдек, қизиқарли масалалар ҳам кенг тарқалган. Улар одатдан ташқари парадоксал ёки қизиқарли далилларнинг бўлиши билан ажralиб туради (**№ 360, 383**). Бундай масалаларни ечишда дарсларда жонланиш юзага келади, ўқувчиларни физикага қизиқтиради. Я. И. Перельман [131, 132], М. И. Ильин [128], Б. Ф. Билимович [122] китобларида бундай масалалар жуда кўп.

Физикага оид масалаларни, шунингдек, мураккаблик дараҷасига қараб ҳам класификациялан мумкин. Мазмунан мураккаб бўлмаган, масалан, формулаарниң маъносини таҳлил қилиб бериш, бирликлар системасини ташлаш, тайёр формуладан бирор физикавий катталикни топиш сингариларни, одатда, темани ўрганиш процессида ечилади.

Мураккаброқ масалалар эса муаммоли вазиятни ва янгилик элементларини ўз ичига олади. Физика машғулотларида ана шундай масалаларга катта аҳамият берилади. Уларни ечиш учун маҳсус вақт, жумладан, масалалар ечишга доир алоҳида дарслар ажратилади.

Масалаларнинг бу кўрсатилган турлари орасида кескин чегара йўқ. Масалаларни тобора мураккаблаштира бориб, кўпинча турмушда бўладигандек, фақат муаммо қўйилган ва „Хеч қайси катталик берилемаган“ масалаларга келинади. Бундай масалалар (**№ 116, 396**)ни методистлар „ижодий“ масалалар деб юритадилар. Кўп соидаги қизиқ ижодий масалаларни ўқитувчи В. Г. Раզумовскийнинг [37] китобидан топишлари мумкин, автор уларни иккى асосий турга: тадқиқий (*нима учун?* деган сўроққа жавоб бериш керак бўлган) ва конструкторлик (қандай қилиш керак? деган саволга жавоб бе-

риш керак бўлган) турларига ажратади. Ижодий масалалар сифатга оид, ҳисоблашга доир ёки ~~экспериментал~~ масалалар бўлиши мумкин.

Характери ва масалаларни тадқиқ қилиш методлари жиҳатдан масалаларни сифатга оид ва миқдорий масалаларга бўлинади. Физикавий катталиклар орасида фақат сифатга оид боғланишлар аниқланадиган масалаларни сифатга оид масалалар дейилади. Одатда бундай масалаларни ечишда ҳисоблашлар бажарилмайди (~~№ 52, 53~~). Баъзида бу масалаларни методик адабиётларда бошқача: саволли масалалар, мантиқий масалалар, сифатга оид саволлар леб аталади.

Изланаётган физикавий катталиклар орасидаги боғланишлар миқдорий аниқланадиган ва масаланинг жавоби формула ёки аниқ сон сифатида олинадиган масалалар миқдорий масалалар дейилади. Бундай масалаларни счишда ҳисоблашлар олиб бориш зарур. Масаладаги саволга бериладиган охирги жавоб миқдорий ҳисоблашларсиз бўлмайди (~~№ 110, 111~~).

Ечиш усуулларига кўра масалаларни оғзаки, экспериментал, ҳисоблаш ва график масалаларга бўлинади. Биргина масалани ечишда бир неча усуулдан фойдаланилгани учун масалаларнинг бундай бўлиши шартлидир. Масалан, экспериментал масалани ечишда оғзаки мулоҳазалар, шунингдек, кўп ҳолларда ҳисоблаш ишлари ва графиклардан фойдаланиш керак бўлади.

Маълум даражада экспериментдан фойдаланилдиган масалалар экспериментал масалалар дейилади (~~№ 56, 77~~). Ўқитувчи бундай масалаларни С. С. Можковщининг [~~25~~] ва В. А. Зибернинг [~~25~~] қитобларидан кўплаб топиши мумкин.

Ечишда графиклардан фойдаланилдиган масалалар график масалалар дейилади (~~№ 323, 543~~). Бундай масалаларни ечиш методикаси Л. И. Резников томонидан батафсил баён қилинган [~~16~~].


Турли типдаги масалаларни ечиш тартиби турлича бўлади ва кўп шароитларга боғлиқ. Баъзи ҳолларда дастлаб экспериментал масалалар, бошқа ҳолларда дастлаб ҳисобланни масалалари очилади ва ҳоказо. Бироқ кўп ҳолларда масаланинг физикавий можиятини аниқлаш учун дастлаб сифатга оид ёки экспериментал масалаларни ечиш, сўнгра ҳисоблаш ва график масалаларни ечиш мақсадга мувофиқдир. Шунга боғлиқ- ҳолда турли хиёдаги масалаларни ечиш методикаси ҳам 2- бобда худди шу тартибда қаралади.

2.3. Физикавий масалани ечиш методи

Масалани ечиш методикаси кўп шароитларга; унинг мазмунига, ўкувчиларнинг тайёргарлигига, ўқитувчининг қўйиган мақсадига ва ҳоказоларга боғлиқ. Шунга қарамай кўпчилик

масалалар учун ўқувчилар билан масала ечишда назарга олиш керак бўлган қатор умумий қоидалар бор. Физикавий масалани ечиш методикасининг бу умумий масалаларини қўйидаги мисолда кўрамиз, бу масаланинг маълумотлари тажрибадан олинган.

12. Баландлиги $h = 40 \text{ см}$ бўлган қия текисликдан массаси $M = 0,120 \text{ кг}$ бўлган a брускот сирпаниб, горизонтал таҳтада ётган ва массаси $m = 0,072 \text{ кг}$ бўлган b брускот урилади. b брускот ҳандай масофага силжийди? b брускотнинг таҳта билан ишқаланиш коэффициенти 0,37 га teng. Брускотнинг қия текисликка ишқаланишини ҳисобга олманг. Урилишни нозистик деб ҳисобланг.



2- расм.

Масала ечишни уни дикқат билан ўқишидан ва шартларини аниқлашдан бошланади. Синфда масаланинг шартини ўқигандан сўнг ўқувчилардан биридан уни ўз сўзи билан айтиб беришни сўраш фойдали. Шундай қилингандан ўқувчиларни дикқат билан эшитишига ва масаланинг мазмунини ўйлаб кўришга чорлайди. Бунда яиги терминаларнинг аҳамияти, тушунаренсиз ифодаларининг мазмунни аниқланади ва ҳоказо. Сўнгра стулларга масаланинг маълумотларини унинг шартига берилган тартибда ёзib олинади. Пастроқдан бошлиб „ҳар эҳтимолга қарши“ жадвал маълумотлари учун бир неча қатор бўш жой ташлаб кетилади.

masala

$$h = 40 \text{ см}$$

$$M = 0,120 \text{ кг}$$

$$m = 0,072 \text{ кг}$$

$$k = 0,37$$

$$s = ?$$

Ечилиши

$$v^2 = 2as; S = \frac{v^2}{2a};$$

$$a = \frac{F_{\text{инк}}}{M + m};$$

$$F_{\text{инк}} = k(M + m)g;$$

$$Mv_0 = (M+m)v; v = \frac{Mv_0}{M+m}; v^2 = \frac{M^2 v_0^2}{(M+m)^2};$$

$$\frac{Mv_0^2}{2} = Mgh; v_0^2 = 2gh;$$

$$s = \frac{M^2 2gh (M+m)}{2(M+m)^2 k (M+m) g} = \frac{M^2 h}{(M+m)^2 k}.$$

Үнг томонга „Ечилиши“ деб ёзилади ва гарчи масаланинг чизмаси китобда берилган бўлса-да, тегишли чизмасини чизб олинади. Чизмадан фойдаланиб, масаланинг шарти анализ қилинади, бунда деярли ҳар бир масалада бўладиган фаразларга алоҳида аҳамият берилади.Faразлардан баъзилари масаланинг шартида берилади, бошқаларни ўқитувчининг қўйган мақсадига, ўқувчиларнинг тайёргарлигига ва бошқа шароитларга қараб масалани ечиш давомида ҳал қилишга тўғри келади.

Юқоридаги ҳолда масаланинг шартида зарбанинг ноэластик эканлигини ҳисобга олиш кераклиги айтилган. Бу билан масаланинг шарти конкретлаштирилган ва ечилиши осонлашган. Ўқувчиларнинг диққатини мутлақ ноэластик жисмлар бўлмаса-да, амалда кўп ҳолларда жисмларнинг урилишларини ноэластик деб олиш мумкин эканлигига жалб қилиш керак.

Бошқа ҳамма шароитлар бирдай бўлганда қия текисликдаги ишқалиш кучи горизонтал текисликдагидан кичик бўлади. α бурчак катта бўлганда нормал босим кучи жисмнинг оғирлигидан кам бўлади, шунинг учун ишқалиш кучи кичик бўлади ва уни ҳисобга олмаса бўлади.

Бундай фараз масалани ечиши анча соддалаштиради.

Бошқа қилинадиган фаразлар ҳақида масалани ечиш процессида гапириб ўтамиш.

Кўни масалалар аналитик-синтетик метод билан ечилади (2.3- боб, 21—25- бетлар). Лекин бунда ҳар ҳолда ўқувчиларни масаланинг „охиридан“ бошлаб ечишга, яъни изланадиган катталик кирган ифодани анализ қилишдан бошлани керак. Буни ўқоридаги 12- масалани ечиш мисолида батафсил кўрсатамиз.

Ечилиши (1- варианти). Брускларга катталиги тенг бўлган ишқалиш кучи таъсир қилгани учун брусклар текис сеқинланувчан ҳаракат қиласи. Бунда брускларнинг ўзаро урилиш вақтлари шунча кичики, ўзаро урилган жисмларнинг силжишларини ҳисобга олмаса ҳам бўлади, деб оламиш. (Акс ҳолда б бруск ластлабки вақтда тезланма ҳаракат қиласи деб олинадиган мураккаброқ ҳаракатни ўрганишга тўғри келар эди.)

Биз кўраётган секинланувчан текис ҳаракат учун шундай формулани ёзиш мумкин: $v^2 = 2as$, бундан $s = \frac{v^2}{2a}$.

Тезланиш a ни Ньютоннинг иккинчи қонутидан фойдаланиб топамиш: $a = \frac{F_{ишк}}{M+m}$.

Тезлик v ни топиш учун ҳаракат миқдорларининг сақланыш қонунидан фойдаланамиз: $Mv_0 = (M+m)v$, бундан $v = \frac{Mv_0}{M+m}$, бу ерда v_0 — a брусканинг b брускакка урилишидан олдинги тезлиги.

v_0 нинг қийматини энергияниң сақланыш қонуни $\frac{Mv_0^2}{2} = Mg h$ дан топамиз, бундан $v_0^2 = 2gh$ (агар бу формулани ўқувчилар билса, уни тайёр ҳолда ёзиш ҳам мумкин).

Бироқ бу ҳолда биз a брусканинг урилишдан олдинги тезлиги унинг қия текисликнинг пастки нуқтасидаги тезлигига тенг деб қабул қилишимиз керак. Бу фақат a брусканинг тезлиги қия текислик билан b брускок орасидаги кичик горизонтал қисмидаги ҳаракати давомида ўзгармайди деб олгандағина мумкинdir. Ньютоннинг иккинчи қонунига мувофиқ агар ҳаракатланиш вақти ва ишқалиш күчлари кичик бўлса, тезликниң $\Delta v = \frac{F_{ишк} t}{M}$ ўзгариши унча катта эмас.

Керакли барча ҳисоблашлар бажарилгандан кейин ечиши 12—13- бетда кўрсатилганидек қилиб ёзил қўямиз.

Расмда горизонтал қисми бекорга кўрсатилмаган. Агар a брускок b брускакка бирор a бурчак остида урилган бўлса, масаланинг ечилиши анча мураккаблашар эди (№ 369 га қаранг).

Ечилиши (2- варианти). Ишқалиш күчларига қарши сарфланган или ҳаракатланаётган брускларнинг кипетик энергиялари ҳисобига бажарилгани учун

$$F_{ишк} s = \frac{(M+m)v^2}{2}, \text{ бундан } s = \frac{(M+m)v^2}{2F_{ишк}}.$$

Сўнгра $F_{ишк}$ ва v ни худди биринчи вариантда қилганимиздек топамиз.

Кўичилик масалаларни, айниқса юқори синфларда, ластаввал умумий кўринишда ечиб олишга ҳаракат қилиш, сўнгра эса ҳисоблашларни бажариш керак. Бу вақти тежайди, чунки оралықда бажариладиган миқдорий ҳисоблашлар ортиқча бўлиши мумкин, бу шунингдек ечими текширишини ва уни анализ қилишини ҳам осонлаштиради.

Сонли ҳисоблашлар учун бирлilikларни таилани катта аҳамиятга эга бўлади. Программада СГС ва СИ бирлilikлар системаларидан баравар фойдаланиш тавсия этилади. Алоҳида темаларни, масалан, иссиқлик ва молекуляр физикага доир темаларни ўрганишда, шунингдек системага кирмайдиган бирлilikлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бироқ бир неча бирлilikлар системасидан бирваракайига фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун масалаларни асосан СИ системасига ечишга ҳаракат қилиш керак. Кўлланмада келтирилган масалаларнинг кўпчилигининг ечими СИ системасига берилган.

Агар масаланинг шартида катталиклар турли бирликлар системасида берилган бўлса, у ҳолда масалани ечишдан аввал уларни бир системага СГС ёки СИ системасига келтириб олиш ва сўнгра масалани ечишга ўтиш керак. Бундай усул, айниқса VIII синифда механикадан биринчи масалаларни ечишда фойдали бўлади, уларда бирликлар системаси ҳақида тушунча киритилади. Бироқ келгусида ўқувчилар бирликлар системасини ўрганиб олганларидан сўнг бундай талаб ортиқча бўлади. Бирликлар системасини асосли равишда ташлашни масалани умумий равишда ечиб олгандан сўнг амалга оширилиши маъқул. Чунки бунда катталикларни бирликлар системасидан бирига ўтказишнинг кераги йўқлиги кўриниб қолиши мумкин. Масалан, топилган катталиклар иропорционал эканлиги, ёки масаланинг қўйилишига кўра бир катталиктининг иккинчи катталиктан неча марта катта эканлигини топиш керак бўлганда шундай ҳол бўлади. Масалаи, юқорида кўрган масаламиизда охирги формулага массаларнинг нисбати киради, шунинг учун силжишнинг ўлчамлиги h баландликнинг ўлчамлигига мувофиқ келади. Бу ерда барча катталикларни бир системага ўтказиш шарт эмас. Бироқ фақат яхши тайёрланган синфларда ва ўқитишининг маълум босқичидагина шундай қилиш мумкин эканлигини қайд қилиб ўтамиш.

Формулаларга катталикларнинг сон қийматларини уларнинг ўлчов бирликлари билан бирга қўйиш яхши. Бунда бирликларни қандай ташлангани кузатиб борилади ва масаланинг ечилишини бирликлар устида олиб борилган амаллар билан бирга текширишга имкон беради.

Масалаларнинг берилганларини бир системага ўтказиш зарур бўлганда қўйидагида қилинади. Паст синфларда бундай ўтказиш аввал арифметик амаллар ёрдамида олиб борилади, сўнгра аста-секин ўқувчиларни умумий қоидадан фойдаланишга ўргатиб борилади (№ 70 масаланинг ечилишига қаранг).

Юқори, ~~XI~~ ~~X~~ синфларда ўқувчилар алгебраик алмаштиришларни яхши биладилар, шунинг учун бу синфларда бир системадан иккинчи системага ўтишда ҳисоблашларни охиригача олиб бориш шарт эмас. Янги бирликлардаги катталилар каср ёки кўпайтма шаклида охирги формулага қўйилади ва тегишли қисқартиришлар, соддалаштиришлар бажарилади.

Келгуси босқич ҳисоблашларни бажаришидир. Кўпинча бунга кўп вақт сарф қилинади. Бунинг асосий сабаби ўқувчиларнинг математик билимларини амалда қўллай билмасликларига тегишли формализмнинг мавжудлигидир. Шунинг учун масалани ечишда унинг физикавий томонини биринчи навбатга қўйиш, шундан сўнг эса рационал ҳисоблаш йўлларини қидириши ва бажариш керак. Бунинг учун ўқувчиларни справочниклардан фойдаланиш, логарифмик линейкадан фойдаланиш, тақрибий сонлар устида амаллар бажариш қоидаларига тўла риоя қилишга ўргатиш керак.

25 см узунликдаги логарифмик линейка ёрдамида етарлича аниқликда бўлиш, кўпайтириш, даражага кўтариш, квадрат ва куб илдиз чиқариш, тригонометрик функцияларни ёки уларга тегишли бурчакларни аниқлаш мумкин. Бунинг учун 12,5 см ли қисқа логарифмик линейкадан ҳам фойдаланиш мумкин.

Логарифмик линейкалардан фойдаланиш масалалар ечишда вақтнинг муҳим резервидир.

Тахминий ҳисоблаш қоидалари билан ўқувчилар математика дарсларида физикани ўргангунларича танишадилар. Бироқ бу қоидалар биринчи марта физика дарсларида қўлланилади ва шу дарсларда ҳисоблаш малакалари чинакамига шаклланади. Бу иш уччалик осон эмас, чунки ўқувчилар дастлаб „аниқ“ ҳисоблашларга ўргангани учун, биринчи даврларда бу қоидаларга унчалик сидқидилдан қарамайдилар.

Тахминий ҳисоблашларга доир қоидалар ҳақида В. П. Демкович [21] нинг китобида етарли маълумот берилган. Яна ҳам тўлароқ маълумотларни ўқитувчи В. П. Демкович ва Н. Я. Прайсман [2] китобида топиши мумкин.

13- бетдаги формулага катталикларнинг сон қийматларини уларнинг ўлчов бирликлари билан бирга қўямиз ва юқоридаги сабабларга кўра уларни бир системага ўтказмай, барча арифметик амалларни бажарамиз:

$$s = \frac{0,120^2 \cdot \kappa z^2 \cdot 40 \text{ см}}{0,37(0,072 \cdot \kappa z + 0,120 \cdot \kappa z)^2} \approx 42 \text{ см.}$$

$$1. 0,120 \cdot 0,120 = 0,014400 \approx 0,0144;$$

$$2. 0,0144 \cdot 40 = 0,576;$$

$$3. 0,072 + 0,120 = 0,192;$$

$$4. 0,192 \cdot 0,192 = 0,036\ 864 \approx 0,0369;$$

$$5. 0,0369 \cdot 0,37 = 0,013\ 653 \approx 0,0137;$$

$$6. 0,576 : 0,0137 \approx 42.$$

Ниҳоят, масаланинг ечилиши текшириб кўрилади ва анализ қилинади.

Дастлаб олинган катталиқнинг тартиби аниқланади, бунда сонларни тақрибий сонлар билан амаллар қоидаларига нисбатан қўполроқ ҳисоблашлар билан йириклиши ва шу йўл билан сонларни дилда бажаришини анча осонлаштириш мумкин. Бундай текширишни ўқитувчининг ўзи ўқувчиларни жалб қилган ҳолда бажариб, тахминий ҳисоблаш малакалари кам бўлгани учун ҳамма вақт „вергуллар“ни адаштирадиган ўқувчиларни ўргатиб бориши керак. Энг содда ҳолларда бундай ҳисоблашларни оғзаки бажариш, қийинроқ ҳолларда эса қисқагина ёзувлардан фойдаланиш керак, чунки қўилаб сондаги маълумотларни „дилда сақлаш“га мутлақо ҳожат йўқ.

$$1. 0,12 \cdot 0,12 \approx 0,014;$$

$$2. 40 : 0,37 \approx 100;$$

$$3. 0,014 \cdot 100 = 1,4;$$

$$4. 0,072 + 0,120 \approx 0,2;$$

$$5. 0,2 \cdot 0,2 = 0,04;$$

$$6. 1,4 : 0,04 \approx 40.$$

Сўнгра ўлчов бирликлар устида амаллар бажарилади. Жавоб узунлик бирликларида — сантиметрларда чиқади, бу ҳам масаланинг ечилиши тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Масаланинг тўғри ечилигини текшириш ва анализ қилиш учун кўп ҳолларда уни бир неча усулда ечиш ёки экспериментдан фойдаланиш маъқул.

Биз кўраётган ҳолда тажриба гояси 2- расмдан равшан кўриниб турибди. б брускни Γ -симон шаклда қилинади, бунда қия текисликдан тушаётган жисм унда тутилиб қолади. Урилиш ноэластик бўлиши учун унга кичик пластилин бўлагини ёпиштириб қўйиш етарли.

a брускни $h = 40 \text{ см}$ баландликдан сирпанириб, уни ҳисоблаб чиқарилган қийматга яқин масофага силжиганини кўрамиз.

Бунинг ҳисобланган қийматдан фарқли бўлишига сабаб шуки, биз a брусканинг қия текисликка ишқаланишини, ҳавонинг қаршилигини енгишда учинг йўқотган энергиясини ҳисобга олмаганимиз ва брускларнинг ўзаро урилиши ноэластик жисмларнинг урилиши сингари деб фараз қилганимиздадир.

Сўнгра ўқувчиларга ишқаланишни енгишдаги энергия сарфни ва бу билан назарий ҳисоблар ва тажриба маълумотлари орасидаги фарқни камайтириш масаласини топшириш мумкин.

Ўқувчилар сирпаниш ишқаланишини юқоридан шарчани думалатиш йўли билан думалаш ишқаланишига айлантиришни таклиф қилишлари мумкин. Бунда ўқитувчи шарчанинг кинетик энергияси $W_k = \frac{mv^2}{2} + \frac{I\omega^2}{2}$ бўлишини назарда тутиши кепрак, бунда айланма ҳаракат энергияси $\frac{I\omega^2}{2} = \frac{2}{7} W_k$ бўлади. Шунинг учун шарчанинг илгариланма ҳаракати тезлиги ишқаланишсиз сирпанаётган жисмникига нисбатан 1,18 марта кам бўлади. Ўқувчиларга бу формууларни кўрсатмасдан, масаланинг можиятини сифат жиҳатидан тушунтиришнинг ўзи етарли.

Бу ҳолда яхшиси кичкина ғилдиракчали массив аравачанинг ғилдирашини мисол қилиб тушунтирган маъқул, бунда ғилдиракчаларнинг айланма ҳаракат энергиясини назарга олмаса ҳам бўлади.

Юқорила кўрсатилган умумий масалалардан ташқари, турили хилдаги масалаларни ечишда баъзи ўзига хос хусусиятлар бўлади. Улар кейинги 2- бобда батафсил қараб чиқилади.

ТУРЛИ ХИЛДАГИ МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШ МЕТОДИКАСИ

1. Сифатта оид масалалар

Сифатта оид масалаларни ҳаммадан аввал ўрганилган материални мустаҳкамлаш мақсадида берилади. Физиканинг шундай бўлимлари ҳам борки, сифатта оид масалалар унда асосий бўлиб хизмат қиласди, бу бўлимларида миқдорий масалалар деярли ечилмайди. Гидродинамика бўлими ана шундай бўлимларданadir. Материалнинг ўзлаштириш даражасини сўраб билишда ҳам сифатта оид масалалар ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Сифатта оид масалалар қисқа вақт ичидаги кўрилаётган масаланинг физикавий моҳиятини аниқлаштира имкон беради, ҳолбуки бошқа турдаги масалалар бу соҳада самара сизроқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ўқувчиларнинг сифатта оид масалаларни муваффақиятли еча билишлари билимларнинг сингганини, материални ўзлаштиришда расмиятчилик бўлмаганини билдиради. Сифатта оид масалалар тематикаси, мазмуни ва мураккаблиги жиҳатдан хилма-хилдир.

Сифатта оид масалаларни ечиши, одатда индукция ва дедукция ёрдамида физика қонунларига асосланган мантиқий хуносалар қила билишдан иборат бўлади. Бууда анализ ва синтез бир-бирига шундай чамбарчас боғланганки, бу ерда сифатта оид масалаларни аналитико-синтетик метод ҳақидагина галириш мумкин.

Сифатта оид масалаларни ечиш схемаси тахминан қуйидагича:

Масаланинг шартини ўқиш, масаланинг шартидаги барча терминларни аниқлаш.

Масаланинг шартини анализ қилиш, физикавий ҳодисаларни аниқлаш, керак бўлса схема ёки чизмани чизиш.

Аналитик ва синтетик мулоҳазалар занжирини тузиш (сифатта оид масалаларни ечишда бу момент айниқса характерли ва муҳимдир).

Олинган натижани унинг физикавий маъносига кўра анализ қилиш масаланинг шартига ва воқеёнкка мувофиқ келишини аниқлаш.

Сўнгра сифатта оид масалаларни ечиш методикасини баён қилиб уларни икки асосий группага бўламиш:

а) Сифатта оид содда масалалар, ёки уларни баъзида масала-саволлар деб ҳам аталади. Улар одатда битта физикавий қонунга асосан ечилади ва бунда бир қатор мантиқий хуносалар чиқариш анча осон бўлади.

б) Ўзизда бир неча содда масалани мужассамлаштирган сифатта оид мураккаб масалалар. Уларни ечишда бир қатор

анча узоқ мантиқий холосалар чиқариш, бир неча физикавий қонунларни анализ қилишга тұғри келади.

Солдароқ масалаларни ечишдан бошлаймиз.

13. Нима учун юриб кетаётган одам қоқилиб тушганда олдинга йиқилади?

14. Кийимни қоқиб уни чанғдан тозалаш нимага асосланған?

15. Болтага даста үрнатишининг мумкин бўлган қандай усуллари бор? Бу усуллар нимага асосланған?

Бу масалаларни ечиш учун ҳар бир конкрет ҳолга Ньютонынг биринчи қонуни қўлланади.

Бу масалаларни ечишда ўқувчилар биринчи наебатда масаланинг шартини аниқлашлари, нима устида гап кетаётганини тушунишлари керак. Биринчидан, берилган вазиятда қандай физикавий ҳодиса кузатилабтганини аниқлаш керак. Равшанки, бу ҳолда инерция ҳодисаси кузатилади, шунинг учун қилинадиган мулоҳазалар инерция ҳодисасини тушунтирувчи қонуига асосланған бўлиши керак. Бу ҳолларда бу қонун Ньютонынг биринчи қонуни — инерция қонуни бўлиб, ўқувчилар масалалар ечишда унинг ифодаланишини такрорлаб ўтадилар.

Шундай қилиб, масалан, қоқилиб тушган одамнинг сёғи қандайдир тўсиқда ушланиб қолгани учун тўхтайди, унинг қолган қисмлари эса инерция бўйича олдинга ҳаракат қилгани учун, одам қоқилганда олдинга йиқилади деб холоса қилинади.


16. Қандай усул билан полда турган одам ўзининг полга босимини икки баравар орттириши мумкин?

Даставвал бўлаётган ҳодисанинг физикавий можияти аниқланади. Масалада босим сўралаяпти. Босим r эса куч F нинг ана шу куч таъсир қилаётган S юзга нисбати билан аниқланади, яъни $r = \frac{F}{S}$. Шундай қилиб, бериладиган босим босим кучи F га ҳам, у таъсир қилаётган S юзга ҳам боғлиқ бўлади.

Агар худди шу юзга таъсир қилувчи босим кучи икки марта ортаси, босим ҳам икки марта ортади. Одам ўз қўлига ўз оғирлигига тенг бўлган юк олганда ана шундай бўлиши мумкин. Бироқ босимни икки марта орттиришининг бошқа йўли ҳам бор, таянч юзини икки марта камайтириши мумкин. Бунинг учун одам битта оёқда туриши ва ўз мувозанатини йўқотмаслик учун ўз вазиятини бирмунча ўзгартириши етарлидир.

Энди сифатга оид мураккаброқ масалаларни кўрайлик.

17. Реостатнинг жилгичини ўнгга, чаңга сурганда, занжирдаги асбобларнинг кўрсатишлари қандай ўзгаради (3- расм)?



3- расм.

Масала шартини анализ қиласыз. Амперметр занжирдаги токнинг кучини, вольтметр эса реостатдаги кучланиш тушувини күрсатади. Реостат жилгичини чапга сурганда реостатнинг қаршилиги камаяди, ўнгга сурганда унинг қаршилиги ортади. Реостатдаги кучланиш тушуви қандай ўзгаради? Бу саволга занжирнинг бир қисми учун Ом қонуни ёрдамида жа-воб бериш мүмкін эмес. Ҳақиқатан ҳам, $U = IR$, бироқ агар R ортса, у ҳолда I камаяди. IR күпайтма нима бўлишини камайиши ёки ортишини айтиб бўлмайди. Бу ҳолда бутун занжир учун Ом қонуни $I = \frac{E}{R+r}$ дан фойдаланиш керак, буни қўйидаги кўринишда ҳам ёзиш мумкин: $IR + Ir = E$.

$IR = U$ реостатдаги кучланиш тушуви бўлгани учун, $E = \text{const}$ ва $r = \text{const}$ эканини назарга олиб қўйидагича холоса чиқариш мумкин.

Реостатнинг жилгичи чапга сурилганда реостатнинг қаршилиги камайиб, ундаги ток кучи ортади. Амперметрнинг кўрсатиши ҳам ортади. Айни вақтда элементнинг ички қаршилигида кучланиш тушуви Ir ҳам ортади, реостатдаги кучланиш тушуви эса камаяди. Вольтметрнинг кўрсатиши ҳам камаяди.

Жилгични ўнгга сурилганда реостатнинг қаршилиги R ортади, ток кучи I камаяди, U эса ортади. Амперметрнинг кўрсатиши пасайиб вольтметрнинг кўрсатиши ортади.

Жавобнинг тўғрилигини тажрибада текшириш осон. Экспериментдан фойдаланилганда бу масала сифатга оид экспериментал масала бўлиб хизмат қиласди.

2. Экспериментал масалалар

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бундай хил масалаларнинг характерли хусусияти уларни ечишда лаборатория ёки демонстрацион экспериментдан фойдаланишдир.

Демонстрацион экспериментал масалаларни ечишда тажрибалар мактаб демонстрацион экспериментнинг барча шартларига амал қилиган ҳолда қўйилиши керак. Бунда асбоблар ва ҳодисаларнинг яхши кўришетганига алоҳида эътибор бериш керак. Асбобларни ишлатишга кўлинича, демонстрация столи олдига чақирилган ўқувчилар жалб қилинади, бунда улар демонстрациянинг бу томонига эътибор бермайдилар, шунинг учун ўқитувчи бу нарсага албатта аҳамият бериб бориши керак.

Демонстрацион экспериментал масалаларга бир неча мисоллар келтирамиз.

18. Елкалари тенг бўлган ричагнинг икки учига массалари тенг, лекин ҳажмлари турлича бўлган жисмлар осилган.

Агар жисмларни сувга туширилса, мувозанат сақланадими?

Суҳбат вақтида жисмларни сувга ботирилганда уларга итариб чиқарувчи куч таъсир қилиши аниқлаб олинади. Бу куч-

нинг катталиги жисмнинг ҳажмига ва сүоққликнинг зичлигига пропорционал бўлади. Ҳажми кичикроқ жисмга камроқ итариб чиқарувчи куч таъсир қиласди. Йўнинг учун сувда кичикроқ ҳажмдаги жисм ричаг учини кўпроқ торгади. Жавобни тажрибада текшириб кўрилади.

Бу масалада экспериментнинг ёрдамчи роль ўйнаётгани кўриниб турибди. Масалани экспериментсиз ечиш ҳам мумкин, бироқ бунда кўпроқ нарса ютқазилиди.

19 (ә). Схемаси 4- расмда кўрсатилган қурилма йиғилган. R_1 ва R_2 демонстрацион қаршилик магазинлари. Шкаласи беркитилган вольтметр V_2 нинг кўрсатишларини аниқланг.

Ечилиши. Схемани анализ қилиб, R_1 ва R_2 қаршиликларнинг кетма-кет уланганилиги аниқланади. Вольтметр V_1 нинг кўрсатишлари ва R_1 ҳамда R_2 қаршиликларнинг қийматлари ёзиб олинади.

Кетма-кет уланганде кучланиш тушишлари қаршиликларнинг катталикларнiga пропорционал бўлади, шунинг учун қуидагини ёзиш мумкин:

$$U_1 : U_2 = R_1 : R_2, \text{ бундан } U_2 = U_1 \frac{R_2}{R_1}.$$


U_2 қиймат аниқлангандан кейин ўқитувчи вольтметрнинг шкаласини очди ва ўқувчилар ўзларининг топган ечимлари тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлайдилар.

Лаборатория экспериментал масалалари фронтал экспериментнинг кўринишларидан бирилди (№ 162, 179, 187). Буларнинг фарқланувчи хусусиятлари шундаки, бунда ўқувчилар масаладаги зарур маълумотларни олиш учун тегишли тажрибалар ва кузатишларни ўzlари мустақил равишда олиб борадилар.

3. Ҳисоблаш масалалари

Ҳисоблаш масалаларини ечиш методлари уларнинг мураккаблигига, ўқувчиларнинг тайёргарлигига, ўқитувчининг қўйган мақсадига ва бошқа кўпгина сабабларга боғлиқ.

Ҳисоблаш масалаларининг ечиш методлари ёки усуllibар уларда қўлланиладиган математик аппаратга кўра арифметик, алгебраик, геометрик ва график усуllibарга бўлинади. Ечиш процессида фойдаланиладиган мантиқий амаллар характеристига қараб аналитик, синтетик ёки аналитико-синтетик методларга бўлинади.



4- расм.

Арифметик метод. Бу методда физикавий катталиклар уст�다 фақат арифметик амаллар бажарилади. Физикавий масалаларни худди арифметика дарсларида сингари ечилади: формуулаларни қўлламасдан саволлар ёзилади. Арифметик метод мактабда физика ўқитишининг бошланғич даврасида, ҳали ўқувчилар алгебрадан тегишли билимга эга бўлмаган ёки физикавий формуулаларга кирган катталиклар орасидаги боғлашишини чукур тушумаган пайтда қўллацилади.

Баъзан арифметик методнинг ўзига хос хусусияти унда ҳарфий ифодаларининг бўлмаслиги деб тушунилади. Бироқ гап ҳарфий ифодаларда эмас, балки бунда тенгламалар тузилемаслигига ва тенглама ечилемаслигидадир. Масалани арифметик метод билан, бироқ ҳарфий ифодаларни қўллаб ечишга мисол келтирамиз. Архимед қонунига тегишли масала олайлик, бу қонундаги тегишли катталикларнинг ҳарфий ифодаларини ўқувчилар биладилар.

20. 25 дона қарағай ғўласидан ясалган сол чучук сувда энг кўпи билан қанча юк кўтара олади? Ҳар бир ғўланинг ҳажми ўртача $0,8 \text{ m}^3$.

Масаланинг шартини тушунигач, аввал чизма чизамиз (5- расм). Ечишини саволлар билан олиб борамиз.

$$1. \text{ Сол ғўлаларининг ҳажми қанча? } V = 0,8 \text{ m}^3 \cdot 25 = 20 \text{ m}^3.$$

$$2. \text{ Солнинг массаси қанча? Жадвалдан } 1 \text{ m}^3 \text{ ёғочнинг массаси } 500 \text{ kg} \text{ эканини топамиз } m_{\text{сол}} = 500 \text{ kg} \cdot 20 = 10000 \text{ kg}.$$

$$3. \text{ Солнинг оғирлиги қанча? } P = 9,8 \text{ N} \cdot 10000 = 98000 \text{ N}.$$

$$4. \text{ Сол сувга бутунлай чўқтирилганда сиқиб чиқарган сувнинг массаси қанча? Жадвалдан } 1 \text{ m}^3 \text{ сувнинг массаси } 1000 \text{ kg} \text{ эканини топамиз. } m_{\text{сув}} = 1000 \text{ kg} \cdot 20 = 20000 \text{ kg}.$$

$$5. \text{ Сиқиб чиқарилган сувнинг оғирлиги қанча? } P_{\text{сув}} = 9,8 \text{ N} \cdot 20000 = 196000 \text{ N}.$$

$$6. \text{ Юкининг оғирлиги қанча? } F = 196000 \text{ N} - 98000 \text{ N} = 98000 \text{ N}.$$

Алгебраик метод. Бу методда ўқувчиларнинг алгебрадан олган билимларидан фойдаланилади, формуулалар ишлатилади, тенгламалар тузилади ва ечилади.


Алгебраик метод қўлланиладиган энг содда ҳол масалаларни ечишда тайёр формуулалардан фойдаланишдир. Мисол тариқасида қўйидаги масалани кўрайлик.

21. Кесим юзи 10 mm^2 бўлган бир километр узунликдаги мис симнинг қаршилигини аниқланг.

Симнинг қаршилигини $R = \rho \frac{l}{S}$ формууладан аниқланади.

Солиштирма қаршилик мис учун $\rho = 0,017 \frac{\text{ом} \cdot \text{мм}^2}{\text{м}}$ эканлиги жадвалдан топилади.

$$R = 0,017 \frac{\text{ом} \cdot \text{мм}^2}{\text{м}} \cdot \frac{1000 \text{ м}}{10 \text{ mm}^2} = 1,7 \text{ ом}.$$



5- расм.

Мураккаброқ масалаларда изланаётган катталиқ ҳисобла- надиган охирги муносабатни бир нұча формулалар ёки теңг- ламалар системасидан фойдаланиб топилади.

Геометрик метод. Масалаларни геометрик метод билан ечишда изланаётган катталиктің үқувчиларға маълум бўлган геометрик муносабатлардан топилади. Геометрик методдан статикада, геометрик оптикада, электростатикада ва ўрта мак- таб физика курсининг бошқа бўлимларида кенг фойдаланилади.

Масалаларни геометрик метод билан ечишга мисол келтирамиз.


22. Узунлиги $l = 10 \text{ м}$ бўлган троснинг ўртасига $m = 10 \text{ кг}$ массали фонарь осилган. Агар эгилиш стреласи $h = 0,5 \text{ м}$ бўлса, троснинг таранглиқ кучини топинг.

Чизмасини чизамиз (6- расм). Оғирлик кучи F ни трос бў- лаклари бўйлаб йўналган F_1 ва F_2 ташқил этувчиларга ажра- тамиз (6- б расм). $F_1 = F_2$, $MN = \frac{F}{2}$ ва $\triangle OMB \sim \triangle MNF$, эканлигини исбот қилиш қийин эмас. Учбурчакларнинг ўхаш- лигидан: $\frac{BM}{OM} = \frac{F_1 M}{MN}$. Эгилиш стреласи унча катта бўлмагани учун $MB = \frac{l}{2}$ деб оламиз, у ҳолда $\frac{l}{2h} = \frac{2F_1}{F}$. Бундан

$$F_1 = \frac{Fl}{4h} = \frac{mg l}{4h} = \frac{10 \text{ кг} \cdot 9,8 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot 10 \text{ м}}{4 \cdot 0,5 \text{ м}} = 490 \text{ н.}$$

Троснинг биз излаётган таранглиги F_1 кучга тенг ва унга қарама-қарши йўналган.

Масалаларни геометрик ечиш методида фақат геометрик муносабатдан эмас, шунингдек тригонометрик формулалардан ҳам фойдаланилади (№ 411,905).



6- расм.

График метод. Геометрик метод билан масалаларни график ечиш методи чамбарчас боғланган. График методда изланаётган катталиктар графикдан фойдаланиб топилади. Бу хил масалалар ўзига хослиги туфайли уларни алоҳида қараб чиқамиз (25- бетга қаранг).

Масалалар ечишдаги мантиқий амалларнинг характеристирига кўра ечишнинг аналитик ва синтетик мулоҳаза қилиш усуллари бўлади. Аналитик усулда мулоҳазалар изланаётган катталикини толишдан бошланади, бу катталиктар билац қандай боғланганини аниқлаб, кетма-кет физикавий формулалардан фойдаланига ҳолда энг қисқа йўл билан изланаётган катталиктарни келипнади (№ 12).

Мулоҳаза қилишнинг синтетик усулида изланаётган катталиктин аниқлашга асос яратиш учун дастлаб берилган физикавий катталиклар орасида оралиқ муносабатлар аниқланади. Маълум қисми ортиқча иш бўлиши мумкин бўлган барча амалларни бажариш натижасида изланаётган катталиктопиладиган ифодани ҳосил қилинади.

Ўқувчилар кўпинча синтетик метод билан ечишга мойил бўладилар: улар то исталган катталиктин топишга имкон берадиган боғланишни топгуниларича катталиклар орасидаги турли боғланишларни ёза берадилар. Бунда, албатта, исталган натижага олиб келмайдиган йўлларга ҳам кетиб қолиш мумкин. Ечишнинг синтетик усули энг содда, бироқ ҳамма вақт ҳам қисқа бўлавермайди.

Аналитик усул қийин, чунки амалларнинг қатъий мантиқий тартибида бўлишини талаб қиласди, бироқ бу усул охирги натижага тезроқ олиб келади.

Масалалар ечишда, айниқса юқори синфларда, аналитик усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқdir, чунки бу усул мантиқий фикрлашнинг ривожланишига ёрдам беради. Масалани аналитик ва синтетик усуллар билан ечишга мисоллар келтирамиз.

23. Массаси 280 кг бўлган бадъя шахтага текис тезланувчан ҳаракат билан тушиб бормоқда. Биринчи 10 сек давомида у 35 м масофани ўтди. Канатнинг таранглигини топинг.

Аналитик усул

Бадъя канатда тушиб бормоқда, бу ҳолда оғирлик кучи (mg) пастга, канатнинг тарантлиги F_t , эса юқорига йўналган. Бадъя пастга ҳаракатланаётган бўлгани учун тенг таъсир этувчи куч $R = mg - F_t$ га тенг бўлади. Ньютоннинг II қонунига кўра

$$R = ma, \text{ яъни } mg - F_t = ma,$$

Синтетик усул

Бадъя текис тезланувчан ҳаракат қиласди, бинобарин, $s = \frac{at^2}{2}$. Текис тезланувчан ҳаракат тенгламасидан (агар s йўл ва ҳаракат вақти t маълум бўлса) тезлананиши аниқлаш мумкин: $a = \frac{2s}{t^2}$.

бу ерда a — бадъя ҳаракатининг тезланиши.

Капатнинг изланаштиришган таранглиги

$$F_t = mg - ma.$$

Бу ифодадан бизга фоқат a но маълум. Биз уни $s = \frac{at^2}{2}$ формула ёрдамида топамиз: яъни $a = \frac{2s}{t^2}$.

$$\text{Демак, } F_t = mg - \frac{m2s}{t^2} = m\left(g - \frac{2s}{t^2}\right).$$

$$F_t = 280 \text{ кг} \cdot \left(9,8 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} - \frac{2 \cdot 35 \text{ м}}{10^2 \text{ сек}^2}\right) \approx 2500 \text{ н.}$$

Мулоҳазалар мантиқини стрелкалар ёрдамида қўйидагича ёзиб тушуниши мумкин:

$$\begin{array}{l} \text{а } mg - F_t = ma \\ \text{н } \quad \downarrow \\ \text{а } \quad F_t = mg - ma \\ \text{л } \quad \quad \quad \downarrow \\ \text{и } \quad \quad \quad \quad a = \frac{2s}{t^2}. \\ \text{з } \downarrow \end{array}$$

$$\text{Ниҳоят, } F_t = m\left(g - \frac{2s}{t^2}\right).$$

Масалаларни ечишда анализ ёки синтезни бир-биридан ажратиш қийин, улар ҳамма вақт ўзаро боғланган ҳолда келади. Шунинг учун масалаларни ечишнинг аналитико-синтетик усул ҳақида гапирилади. Бирор биринчи ҳолда, муҳокамани масаланинг саволидан бошлаганимизда, ҳар ҳолда анализ биринчи ўринда бўлади. Тўғри, масалани ечиш учун умумий формулини „йигаётганда“ синтез қилинади. Шунда ҳам масалани ечишнинг бу усулини аналитик усул дейиш мумкин.

Иккинчи усулда биринчи планда синтез туради, чунки бунда масаланинг маълумотлари ва шартига кўра аниқланиши мумкин бўлган турли муносабатлар синтез қилинади. Бунда, гарчи анализнинг айрим элементлари бўлса-да, бу усулни синтетик усул дейиш мумкин.

4. График масалалар

Ўрганиш обьекти физикавий катталикларнинг боғланиш графикларидан иборат бўлган масалалар график масалалар дейилади. Баъзи ҳолларда бу графиклар масаланинг шартида берилади, баъзи ҳолларда эса уларни ясаш керак бўлади. Биринчи график масалалар графикларини „ўқишидан ва содда графиклар ясашдан иборат (№ 193, 323) бўлиши керак. Сўнг-

Бадъя тенг таъсири этувчи куч R таъсирида шундай тезланишга эришади. Ньютоннинг II қонунига кўра шундай ёзиш мумкин:

$$\sum \vec{F} = \vec{ma}.$$

Бадъя пастга қараб ҳаракатланмоқда, унга иккита куч таъсири қиласи: оғирлик кучи $F = mg$ ва канатнинг таранглик кучи F_t . Бу кучларининг тенг таъсири этувчиси $R = mg - F_t = ma$ бўлади. Бундан

$$\begin{aligned} F_t &= mg - ma = m(g - a) = \\ &= m\left(g - \frac{2s}{t^2}\right). \end{aligned}$$

Кўриниб турибдики, биз бу йўл билан ҳам F_t нинг аналитик усулда топилган қийматига келдик.

ра графиклар билан ишлашни тобора мураккаблаштириб, ўқувчиларга катталиклар орасидаги миқдорий боғланишларни топишни тавсия қилиш, то формуулаларни тузишгача мураккаблаштириб бориш керак [50].

График масалалар ечишнинг асосий босқичлари қўйидаги лардан иборат.

Агар катталиклар орасидаги боғланишлар графиги берилган бўлса, у ҳолда уни тушуниш, ҳар бир участкадаги боғланишнинг характерини ўрганиш керак. Масштабдан фойдаланиб, графикдан изланётган катталикларни (абсцисса ва ордината ўқларидаги қийматларни, абсцисса ўқи билан тегишли ордината ва график орасидаги юзни ва ҳоказоларни) топиш керак.

Агар боғланиш графиги берилмаган бўлса, у ҳолда маҳсус жадваллардан ёки масаланинг шартидан олинган қийматларга кўра график ясалади. Бушиг учун координаталар ўқи чизилади, уларда маълум масштаб танланади, жадваллар тузилади, шундан кейин координата ўқлари бўлган текисликка тегишли ордината ва абсциссаларга мос нуқталар қўйилади. Бу нуқталарни бирлаштириб, физикавий катталиклар орасидаги боғланиш графиги ясалади, сўнгра юқорида айтиб ўтилган тартибда уни ўрганилади.

Мисол тариқасида қўйидаги масалани кўрайлик.


24. График бўйича (7- расм) жисмнинг ҳаракатини тавсифланг, йўлнинг айрим участкаларида вақт, тезлик ва тезланишини аниқланг.

Ўқувчилар графикни анализ қилиб, биринчидан, у тезликнинг вақтга боғланишини ифодалашини аниқлашлари керак. Жисмнинг бошлангич тезлиги $v_0 = 0$. Вақтнинг $t = t_1$ пайтида жисм v_1 тезликка эришиди. $t = 0$ дан $t = t_1$ гача тезлик ортди. Графикда v тезликнинг t вақтга чизиғий боғланишда эканлиги кўрсатилган, бинобарин, жисм текис тезланувчан ҳаракат қилган. Вақтнинг $t_1 - t_2$ оралиғида тезлик ўзгартмаган. Жисм текис ҳаракат қилган. $(0 - t_1)$ вақт оралиғи учун тезланишини аниқлаймиз, $v_1 = a_1 t_1$, бундан $a_1 = \frac{v_1}{t_1}$. Вақтнинг $t_1 - t_2$ оралиги учун тезланиш $a = 0$.

Жисмнинг текис тезланувчан ҳаракатда t_1 вақт ичидаги ўтган s_1 , йўли OAD учбуручакнинг юзига сонжиҳатидан тенг бўлади:

$$s_1 = \frac{v_1 t_1}{2} = \frac{a_1 t_1 t_1}{2} = \frac{a_1 t_1^2}{2}.$$

Шундай қилиб, график ёрдамида бошланғич тезликни шартли равиша



көлгө тенг деб текис тезланувчан ҳаракатда ўтилган йўл учун мұхым формуланы аниқладик.

t_2 -вақт ичидә ўтилган йўл сон жиҳатидан $OABC$ трапециянынг юзига тең:

$$s = \frac{v_1 t_1}{2} + v_1 (t_2 - t_1) = \frac{v_1 (2t_2 - t_1)}{2}.$$

График берилмаган, балки уни ўқувчиларнинг ўзлари справочник маълумотлари орқали тузган жадваллар бўйича ясаш керак бўлган график масалаларга (№ 554, 561, 626) ларни мисол тариқасида олиш мумкин.

3- Б О Б

МАСАЛАЛАР ЕЧИШГА ДОИР МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

1. Масалалар ечишга доир машғулотларнинг турлари ✓

Масалалар ечиш кўпгина физика дарсларининг таркибий қисмидир. Сўраш, янги материални баён қилиш, мустаҳкамлаш ва уйга вазифа бериш босқичларига бўлинган энг кўп тарқалган „тўрт босқичли“ дарсда масалалар ечишдан машғулотнинг бошида, ўқувчиларнинг билимларини синаш мақсадида ҳамда дарснинг охирида ўрганилгац темани такрорлаш ва чуқурлаштириш мақсадида фойдаланилади. Масалалар ечиш ҳақида айрим тушунтиришларни ўқувчиларга уй вазифаси беришда ҳам берилади. Умуман, бу типдаги дарсларда масала ечиш учун ўқув вақтининг 30% ига яқини сарфланади. Масалалар ечиш такрорлаш дарсларида яна ҳам кўпроқ вақтни олади ва инҳоят, дарсларнинг маҳсус бир қисмини масалалар ечишга бағищланади. Масалалар ечиш дарсликдаги назарий материални ўрганиш билан бирга физикадан бериладиган уй вазифаларининг ҳам мұхым қисмидир.

VI — X синфларда бутун ўқитиши даврида физика дарсларида ва уйда ечиладиган масалаларнинг умумий соинин тахминан кўрсатиш мумкин. Бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам, ўртача 1000 та масала ечиш керак.

Физикадан масалалар ечиш ўқувчиларни ўзларининг мазмунин билан ҳам, ечиш методларининг „гўзаллиги“ билан ҳам ўзига жалб қиласди, бундай ечишлар табиат ҳодисалари ёки жисмлар хоссаларини аввалдан кўришга ёки кашф этишга имкон беради. Масалалар ечиш, бошка ҳар қандай қийиничиликни ентишдаги сингари „спорт“ характеристига ҳам эга Шунинг учун

кўплаб мактабларда физикадаи масалалар ечиш тўгараклари ташкил қилинади. Кейинги йилларда мактаб, район, область, республика миқёсидаги физика олимпиадалари ҳам кенг тарқалди. Бундан ташқари газета ва журналларда масалалар ечиш бўйича конкурслар ўtkазилади.

Айтилганлардан, ҳозирги вақтда мактабда ҳам, мактабдан ташқарида ҳам қанчалик катта аҳамият берилаётгани ва ўқувчилар билан физикавий масалалар ечишининг турли-туман шаклларда олиб борилаётганилиги кўриниб турибди.

2. Дарсларда масалалар ечиш

Янги материални тушунтириш дарси. Бу хил дарснинг бошида масалалардан, одатда ўқувчиларнинг билимларини текшириш ва ўтилган материални мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилади. Бунда ўқитувчилар кўпроқ қўйидаги усулларни қўллайдилар:

доскага ўқувчилар чақирилади ва улар навбат билан берилган масалаларни ечадилар;

бир неча ўқувчи масалаларни дафтарларида ёки варақларда ечади;

янги материални тушунтиришдан аввал бутун синф ўқувчиларига 10—15 минутлик ёзма иш берилади.

Бу усуллар ўқувчиларнинг билимларини оператив равишда текшириб боришга имкон беради, ўқувчиларнинг ўз ишларига масъулият билан қарашини оширади, вақтни тежайди.

Бироқ бу усуллар ҳам камчиликлардан холи эмас. Улар дарс вақтининг энг маҳсулдор қисмини эгаллаб қўяди, бунинг устига бу вақт плаилаштирилганидан анча ортиб кетади ва янги материални тушунтириш учун кам вақт қолади. Масалалар ечиш, айниқса синф бўйича ёзма равишда ечиш, ўқувчиларни жуда безовта қилиб қўяди, улар анча вақтгача ҳаяжонланиб юрадилар. Шу сабабли ёзма контрол ишларни дарснинг бошида бермаслик керак. Бу ҳолда масалани, асосан, ўтилган материални умумлаштириш, дарсда кўриш керак бўладиган муаммони ҳал қилиш мақсадида ечтириш керак.

Дарснинг бошида янги материални баён қилиш олдидан бериладиган масалалар жуда катта бўлмаслиги керак. Физикавий ҳодисаларнинг моҳиятини аниқлашга имкон берадиган сифатга оид масалаларга катта аҳамият бериш керак.

Янги материални ўрганишда унинг мазмунига ва ўқитиш методларига боғлиқ ҳолда масалалар физикавий ҳодисаларни ўрганишнинг асосий воситаси бўлиши ёки иллюстрация ролини ўйнаши мумкин.

Масалан, маятник тебранишларини ўрганишда аввал ўқувчиларга $T = 2\pi \sqrt{\frac{l}{g}}$ формуласи тайёр ҳолда берилади, сўнгра маятник тебраниш даврининг маятник узунлиги ҳамда эркин

тушиш тезланишига боғлиқ эканлигини тушунтирувчи масалалар ечилади. Бироқ дарсни шундай ташкил қилиш ҳам мумкини, бу формулатин масалалар ечиш жараёнида келтириб чиқарилади, сўнгра уни турли хусусий ҳолларга қўлланади (№ 749, 750).

Янги материални мустаҳкамлашда ечиладиган масалаларни ўқитувчи бутун синф билан биргаликда ҳал қиласди, бунда мустақил ёзма иш тарзида кўриш ҳам мумкин. Буниинг қийинчилик туғдирадиган томони барча ўқувчиларни бу ишда фаол қатнашишга эришиш ва унинг натижалари ҳақида ўз вақтида информация ола билишдадир. Буниинг учун шундай усульдан фойдаланиш мумкин. Янги материални тушунтириб бўлгандан кейин дарс тугашига 10—12 минут қолганда ўқувчиларга уй вазифасини бериш, бунда одатдагидан 1—2 та масалани кўпроқ кўрсатиш ва уни ечишга киришишин таклиф қилиш керак. Бунда дарс тугашига 3—4 минут қолганда бир нечта дафтарни текширишга олинишини эълон қилиш керак. Ўқувчилар иложи борича уй вазифаларини камайтириш ва яхшироқ баҳо олиш учун масалаларни кўпроқ ва яхшироқ ечишга ҳаракат қиласдилар.

Масалалар ечиш дарси. Ўқитувчи аввалдан тематик планлаштириш давридаёқ дарснинг мақсадини аниқлади: тушунчаларни шакллантириш, ўрганилган материални мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, уқуввлар ҳосил қилиш, ўқувчиларнинг билимларини текшириш ва шунга ўхашлар. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлигӣ, унинг мазмунини ва ўтказиш методларини аниқлаши кўп жиҳатдан бунга боғлиқ бўлади.

Шунингдек ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги, аввало уларнинг назарий материални тақрорлашлари ва ўрганишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу материални энг қисқа ҳолда ўқувчилар билан дарснинг бошида ёки тегишли масалани ечиш олдидан бевосита тақрорлаш фойдалидир (албатта, дарсда контрол иш ўтказиш ҳолларида бундай қилинмайди).

Масалалар ечиши дарсларида синф ишини ташкил қилишининг икки асосий шаклидан фойдаланилади: масалаларни ўқитувчининг ўзи ўқувчиларнинг актив иштирокида доскада ишлаб кўрсатади (ёки ўқувчилардан бири доскада ўқитувчининг раҳбарлигига ишлаб чиқади) ва ўқувчилар масалаларни ўз дафтарларинда мустақил ечадилар. Биринчи усульдан кўпинча, масалаларнинг янги хилларини тушунтиришда, ечиши методлари, ёзиш шаклари, бирликлар системалари ҳақида янги маълумот бериш лозим бўлганда ва бошқа шунга ўхаш ҳолларда, иккинчи усульдан асосан ўқувчиларда амалий ўқув ва малакалар ҳосил қилиш, шунингдек уларнинг билимларини текширишда фойдаланилади.

Масалаларни доскада ечишда икки хил чекланишини цазарга олиш керак. Баъзида ўқитувчи чақирилган ўқувчига масалаларни ҳамма амалларини айтиб беради ёки масалани ўзи ечади.

Иккинчи ҳолда эса ўқитувчи ўқувчилардан уларнинг кучлари етмайдиган жавобларни ҳам „тортиб“ олишга ҳаракат қиласди. Бунилг натижасида вақт бекорга сарф бўлади ва ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам масала счишдан қаноат ҳосил қилмайди.

Ўқитувчи ўқувчиларга янги типдаги масаланинг шартларини ёзиши намуна қилиб кўрсатиб ечиш принципини, ҳисоблашларни ёки чизмаларини қандай чизилишини янги назарий материални ўтаётгандаги сингари тушунтириб бериши керак. Шу муносабат билан темаларга мос масалаларни уларнинг мураккаблигига қараб танлаш масаласи қолади. Илгаридан амалда бўлган анъанага кўра янги назарий материал ўтишда ҳам, масалалар ечишда ҳам, кўпинча далиллар ва қоидаларни тобора тўплаб бориб, сўнгра умумлаштириладиган индуктив методдан фойдаланилади. Бу ўқитишига кетадиган вақтни орттиар ва ўқувчиларнинг билиш қобилиятларини, уларнинг ўқув ва малакаларини бир томонлама ривожланишига олиб келар эди. Бироқ юкори синфларда масалалар қийинликгининг ҳаддан ташқари секин тарзда ўсиб боришидан керагидан кўп ҳолда фойдаланмаслик керак. Кўп ҳолларда вақтни тежашнинг бирдан-бир тежамли йўли дедуктив метод хисобланади. Бу метод мақсадга энг қисқа йўл билан олиб келади. Бироқ мактабда бу методдан ўз вақтида фойдаланиш керак.

Ўқувчилар асосий тушунчалар, бирликлар системаси ва формулаларни ўзлаштириб олганларидан кейин ўртача қийинликдаги масалаларни қараб чиқиши фойдали. Ўқувчилар темаларга оид типик масалаларни ечиш усусларини яхши билишлари ва улардан амалда фойдалана билишлари керак.

Юкорида айтганимиздек, масалани доскада ечишда иложи борича ҳамма ўқувчиларнинг билиш фаолиятини активлаштириш керак, аks ҳолда дарснинг кўп қисми улар учун ўқитувчи тушунтиришларини ва доскага чиқарилган ўртоқларининг жавобларини пассив эшишиб ўтиришларига сарф бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун қуидаги умумпедагогик воситалардан фойдаланилади.

а) Ўқувчиларга материални ўрганишда муҳим ва зарур бўлган ушибу масалани ечишнинг мақсадини аниқлаш. Масалан, айлана бўйлаб ҳаракатланастгани нуқтанинг чизигий тезлигини топишга доир масалани ечиш олдинан бундай ҳисоблашни металлни қирқишиш тезлигини билиш учун ҳар бир токаръ, сунъий йўлдошнинг айлана бўйлаб ҳаракат тезлигини ҳисобловчи ҳар бир олим билиши зарур эканини айтиб ўтиш керак ва ҳоказо. У ёки бу масаланинг бундан кейинги материални тушуниш учун ҳам муҳим эканлигини уқтириб ўтиш керак.

б) Ўқувчиларни қизиқтириб қўйиш ва уларнинг ҳодисалардаги турли томонларни кўришга, тайёр шаблонга ўрганмасликларига ўргатиш учун бирор гипотеза, ҳатто бир-бирига

қарама-қарши фаразларни ўртага ташлаш. П. А. Знаменский „бир-бирига қарама-қарши маълумотларни таққослашда ҳайрои қилиб қўядиган ёки оддий йўл қўйиладиган хатоларни ва тушунмовчиликларни ҳал қилиб берадиган масалалар ўқувчиларда алоҳида қизиқиш ўйғотади”¹ — деб айтган эди. Бунииг учун баъзан масалаларни икки ўқувчи ўртасидаги ёки ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги диалог сифатида қўйиш ҳам фойдали бўлади. Бундай усуслни айниқса А. Б. Цингер [43] усталик билан ва кенг қўллаган.

в) „Қизиқарли“ масалалардан фойдаланиш. Ўқувчиларнинг физикадан қизиқарли кечаларда, физиковий викториналар ва КВН ларда физика масалаларини қандай қизиқиши ва энтузиазм билан ечишлари ҳаммага маълум. Ўқувчилар ҳали болалар эканини ва шунинг учун дарсларда маълум даражада ўйин ва мусобақа элементлари бўлиши, айниқса қўйи синфларда жуда фойдали бўлади.

Ўқитувчи бундай масалалар намуналарини Я. И. Перельман [132—133], М. Ильин [128], В. С. Билимович [122] китобларидан топиши мумкин.

г) Кўрсатмавий қуроллар ва физиковий тажрибалардан фойдаланиш. Ўқувчилар масаланинг шартини яхши тушунишлари ва уни ечишда физиковий ҳодисалар ва асбоблар ҳақида кўпроқ қўшимча маълумотлар олишлари учун улардан кенг фойдаланиш керак. Баъзи ҳолларда кўрсатмавий қуроллар (картиналар, диапозитивлар, макетлар, коллекциялар) ва физиковий асбоблар масаланинг шартини тушунишни осонлаштирувчи ёрдами чи восита бўлиши, бошқа ҳолларда эса, экспериментал масалалар ҳақидаги бўлимда айтганимиз каби, ўрганиш объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин.

д) Синфда мустақил ва колектив ишлашни тўғри йўлга кўйиш. Юқорида айтиб ўтилганидек ўқувчилар масалани ўзларининг дафтарларида мустақил равища ёки ўқитувчининг ёрдамида колектив бўлиб ечишлари мумкин. Колектив бўлиб масала ечиш пайтида, кўпинча масаланинг ечими доскага ёзилади. Бунда синфга бериладиган саволга қарамай, агар ўқувчилар масаланинг шартини етарлича сеза олмаган ёки доскадан тайёр ечимини кўчириб олишга ишонаётган бўлсалар, бир қатор ўқувчиларнинг фикрлаш фаолияти учун юқори бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳар бир масалани ўқувчилар дастлаб бир неча минут давомида ўйлаб олишлари ва мустақил ҳолда ечишга уринишларига йўл қўйиш ва шундан кеингина бутун синф бўйича масала ечишни бошлиш керак. Тайёр ечимларни ёки баъзи ўқувчиларда ҳали ечимнинг йўқлигини дарснинг охирида баъдо қўяётганда назарга олиш керак, бу нарса синфиннинг ишини активлашишига сабаб бўлади.

¹ П. А. Знаменский. Методика преподавания физики. Л., Учпедгиз 1955. 87- бет.

е) Масалани ечиш учун қайси ўқувчини доскага чақириш кераклигини ҳал қилиш ҳам мұхимдир. Баъзи ўқитувчилар дарсда вақтни тежаш учун ҳадеб кучли ўқувчиларни чақира-верадилар. Бошқалари эса қолоқ ўқувчиларни доскага чақиришга ва улар билан ишлашға ҳаракат қыладылар. Албатта шароитта қараб доскага кучли ўқувчиларни ҳам, күчсиз ўқувчиларни ҳам чақирилиши керак. Бироқ янги масалани ечишда доскага ўртача ўқувчини чақириш фойдалидир. Кучли ўқувчининг доскада масала ечаётганда бошқа ўқувчилар, күлинча улгура олмай қоладылар. Иккинчи томондан доска олдида қийинчиликларга дуч келиб қолингандаги мажбурий паузалар баъзан бирор масалани күриб чиқиш учун фойдали бўлади. Бундай мұхокама вақтида кучли ўқувчилар ҳам жалб қилиниши ва шу йўл билан бутун синф билан актив ишлаш мумкин. Мураккаб масалаларни ечишда доскага навбат билан бир нечта ўқувчини чақирилиши ва улар алоҳида амалларни бажаришлари, ечиб бўлгандан кейин эса яна 1—2 ўқувчини чиқариб масалани батамом такрорлаш ҳам мумкин.

ж) Ўқувчиларнинг масалалар тузиши. Ўқувчиларнинг ўзларининг масала тузишлари фойдали педагогик усуудир. Буннинг учун баъзи ўқитувчилар ўқувчилардан дарсларда фақат ўртоқларининг жавобларини тўғрилашини ёки тўлдиришини эмас, балки берилган темалар бўйича саволлар бериш, соддороқ масалалар тузишни талаб қыладылар. Ўқувчиларнинг синфда ёки уйда ўрганилган қонуниятлар ва формуалаларни ўрганишга доир масалалар тузишлари иккинчи қадам бўлиши мумкин. Ўқитувчи бу масалаларни текшириши, улардан энг қизиқариллари бутун синфи жалб қилган ҳолда ечилиши ниҳоятда фойдалидир.

Ниҳоят, ўқитувчининг топширигига мувофиқ ўқувчиларнинг баъзи темаларини ўргангандаридан сўнг унга доир турмушдаги, мактаб устахоналаридаги ҳамда ишлаб чиқаришга қилинган экскурсияларидаги тажрибалар ва кузатишлар материалларидан тузган масалалари катта фойда келтиради. Ўқувчилар тузган шундай масалаларга намуналар келтирамиз.

25. „Ока“ кир ювиш машинасининг 5 соат ишлагандаги сарф қилган энергиясининг нархини ҳисобланг. Машинанинг куввати 300 *вт*, 1 *квт·соат* энергиянинг тарифи 4 тийин.

26. Сирти 7 *дм²* бўлган детални никеллашда қалинлиги 0,1 *мм* никель қатлами қопланиши керак. Агар ток зичлиги 2 *а·дм²* бўлса, никеллаш жараёни қанча вақт давом этади? (Бу масала заводнинг гальваник цехига экскурсия қилиб боргани ўқувчи томонидан олган маълумотлари асосида тузилган.)

Масалаларни мустақил ечиш учун алоҳида дарслар ёки уларнинг бир қисми бағишиланади. Ўқувчиларнинг бундай машғулотлардаги мустақиллiği ва фаоллиги топширикнинг мураккаблигига борлиқ бўлади. Бериладиган топшириқ ўқувчининг кучи этадиган ва шу билан бирга етарлича мураккаб

ва қизиқарли бўлиши қерак, бунинг учун шубҳасиз ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндошишни талаб қиласди.

Бунга турли йўл билан эришиш мумкин. Масалан, ҳар бир ўқувчига унинг тайёргарлигига боғлиқ ҳолда карточкада алоҳида топшириқ бериш мумкин ёки бутун синфга тобора мураккаблиги ортиб борувчи бир неча масала берниш мумкин, ўқувчи булардан ўз кучи етганини седаки.

Иккинчи усул афзалроқдир. Бунда ечилаш масалаларни таҳлил қилиш осонлапади, ечиш жараёнинг мусобақа элементини киритади, чунки ҳар бир ўқувчи кўпроқ ва қийинроқ масалаларни ечишга ҳаракат қиласди. Бу усул ўқитувчи учун ҳам осон бўлади.

Мустақил ишлаш давомида ўқувчилар турли саволлар билан ўқитувчига мурожаат қилишлари мумкин, ўқитувчи бу саволларга ўз вақтида жавоб берипи, бироқ ўқувчиларнинг ўзлари қилиниш мумкин бўлган нарсаларни қилиб кўрсатмаслиги керак. Ишдан сўнг уни анализ қилиш, масалалар ечишининг турли усусларини ва ўқувчиларнинг жавобларини муҳокама қилиши керак.

Мустақил ишларнинг алоҳида тури контрол ишлардир. Улар ўқувчиларнинг мутлақо мустақил ишлашлари билан ажралиб туради. Контрол ишларида ўқувчиларга топшириқларнинг бир неча варнантлари берилади.

Икки вариантили масалаларни айтиб турилади ёки доскага ёзилади, 4 – 6 вариантили топшириқларни эса алоҳида карточкаларга ёзилади. Топшириқларнинг иккинчи тури ўқитувчидан анчагина тайёргарлик ишларини, текшириш бўйича кўп меҳнат талаб қилас-да, афзалроқдир.

Контрол ишлар катта темаларни ўтиб бўлингандан кейин якупловчи (улар бутун дарсга мўлжалланади) ва қисқа муддатли А. И. Штеренталь ибораси билан айтганда „учувчан“ [46] бўлиши мумкин. Қисқа муддатли контрол ишларда ўтилган материал бўйича саволлар ва масалалар берилади, контрол ишларга дарснинг бир қисми сарф қилинади. Бу тур контрол ишларга ўқувчиларнинг ўтилган материалнинг физикавий моҳиятини қандай тушунганиликларини аниқлашга имкон берувчи масалалар, шунингдек содда ҳисоблаш масалалари киритилади.

Катта темалар бўйича бир нечта қисқа муддатли контрол ишлар ўтказиш мумкин, уларни дарснинг охирида ўтказган яхши. Агар ишни машғулотларнинг бошида ўтказилса, у ҳолда бу ишдан кейин ё ечилаш масалаларни таҳлил қилиш, ё кинно, фронтал эксперимент сингари „кучли“ воситалардан фойдаланиш керак. Акс ҳолда ўқувчилар узоқ вақт давомида қилинган иш таъсирида бўладилар ва янги материалга ўзларини жалб қила олмайдилар.

„Модданинг зичлиги“ (VI синф) темаси бўйича енгил контрол ишга мисол кўрамиз.

I вариант

27. Музнинг зичлиги $900 \text{ кг}/\text{м}^3$; водороднинг зичлиги (0°C да) $1,290 \text{ кг}/\text{м}^3$ дегани нимани билдиради?

28. Жадваллардан фойдаланиб, 1 м^3 симобининг массаси каттами ёки 5 м^3 тоза сувнинг массаси каттами эканини аниқланг.

29. Формуладан фойдаланиб, 26 тоинасининг ҳажми 10 м^3 бўлган модданинг зичлигини аниқланг.

Бундай контрол ишларни ўтказишда қатор ҳолларда программалаштирилган контрол воситаларидан фойдаланган яхши.

Масалан, „Иш, иш бирликлари“ темаси (VI синф) бўйича олинга билимларни текшириш учун ўқувчиларга карточкаларда қўйидаги мазмундаги топшириқ варианtlарини бериш мумкин.

II вариант

№	Савол №	Саволлар	Жавоблар
30	I.	Лебёдка билан массаси 400 кг бўлган жисмни кўтаринимоқда. Бажарилган иш катталигини билиш учун яна қандай катталиклни билиш керак?	1. Жисмнинг оғирлигини. 2. Жисмнинг оғирлиги ва кўтариш баландлигини. 3. Кўтариш ба-ландлигини.
31	II.	Елканли яхта кўлда сузмоқда. Уни силжитишида қандай куч иш бажаради?	1. Оғирлик кучи. 2. Шамол кучи. 3. Сувнинг босим кучи.
32	III.	Иш қандай бирликларда ўлчанади?	1. Жоулларда. 2. Ньютонларда. 3. Клилоууларда.
33	IV.	Қайси ҳолда кўпроқ иш бажарилади: 1) 50 кг куч билан 6 м масофадами? 2) 150 кг куч билан 2 м масофадами? 3) 3 кг куч билан 200 м масофадами?	1. Биринчи ҳолда. 2. Иккимиchi ҳолда. 3. Учинчи ҳолда.

Ўқувчилар варақда қўйидаги кўринишда жавоб ёзадилар.

Алиев В. II вариант.

№ 1—2; № 3—1 ва 3;
№ 2—3; № 4—3.

Жавобларни кўргач, ўқитувчи шу ернинг ўзидаёқ ўқувчинг билимни (ўқувчи бу ерда иккимицидан бошқа ҳамма саволларга тўғри жавоб берган) баҳолаши мумкин.

Танланадиган жавоблардан фойдаланиладиган бундай типдаги ишларда перфокарталардан фойдаланиш ҳам қулайдир

(8- расм). Одатта перфокарталар ҳар бир қаторида 5 тадан тешиклари бўлган 5 қаторли тўғри бурчакли тунука ёки қаттиқ картондан қилинган жадваллардир. Йерфокартани тоза қоғоз вараги устига қўйиб, ўқувчи ўзича қайси померли жавобни тўғри деб топса, ўша тешикни қалам билан белгилайди. Юқоридаги ҳолда ўқувчи биринчи қатордаги иккиси тешикни, иккиси қатордаги учинчи тешикни ва ҳоказо белгилаган бўлар эди. Аввалдан тайёрланган тўғри жавобларга мосланган дешифратор—трафаретлар ёрдамида (9- расм) ўқитувчи кўнинча бир қарашда ўқувчининг ишини баҳолаши мумкин. Бу билан ўқитувчи ва ўқувчилар орасида „тескари алоқа“ амалга ошади.

Якунловчи контрол ишларга кўпроқ ўйлашни талаб қиласиган мураккаброқ масалалар киритилади. Уларда „етмайдиган“ ёки „оргиқча“ маълумотлар ҳам, ўқувчилардан алоҳида эътибор беринши талаб қиласиган баъзи „нозик“ томонлари бўлиши ҳам мумкин, бу билан ўқувчиларнинг тегишли тушунчаларни ифодалани, тегишли уқув ва малакалар ҳосил қилиш, масаланинг шартини диқкат билан анализ қилиши ўргатишга эришилади.

Бироқ барча ҳолларда ҳам иш ўқувчиларнинг кучи етадиган, улар ўтган, ўзлаштирган материалнигина ўз ичига олган бўлиши керак.

„Кинематика“ бўлими бўйича якунловчи контрол иш тарикасида қўйидагиларни мисол қилиб олиш мумкин:

34. Темир йўл изини текшираётган ичинчи семафордан станцияга томон 150 м йўлни қараб чиқди, сўнгра орқага қайтиб, семафордан бошқа томондаги 300 м йўлни текшириди. Ишчи қанча йўл босган ва у қанча „кўчган“?

35. Ҳаракатга келган бошлангич тезликсиз жисм биринчи секундда 2 м, иккиси секундда 4 м, учинчи секундда 6 м,

	1	2	3	4	5
I	○	●	○	○	○
II	○	○	●	○	○
III	●	○	●	○	○
IV	○	○	●	○	○
V	○	○	○	○	○

8- расм.

	1	2	3	4	5
I		○			
II		○			
III	○		○		
IV				○	
V					

9- расм.

түртінчи секундда 8 м масофани ўтди ва ҳоказо. Бу ҳаракат текис тезланувчан ҳаракат бўладими?

36. Жисм бошлиғиң тезлиқсиз текис тезланувчан ҳаракат қилиб, бешинчи секундда 45 м масофани ўтди. Жисмнинг 3 секундда ўтган йўлини аниқланг.

Биринчи масалада атайлаб ҳаракат траекторияси ҳақида гапирилмаган. Ўқувчиларнинг ўзлари тегишли фаразни қилишлари керак.

Иккинчи масала эса текис тезланувчан ҳаракатда айни бир вақт бирлиги ичиде айни бир катталикка йўл эмас, тезлик ўзгаради деган фикрни ўқтириши мақсад қилиб қўйган.

Учишли масала эса тегишли формулаларни билишдан ташқари, ўқувчиларнинг онгидаги „учинчи секундда ўтилган йўл“ ва „уч секундда ўтилган йўл“ тушунчаларининг фарқ қилишини тушуниб олишларига бағишиланган.

Такрорлаш дарслари. Такрорлаш дарсларида ўқувчилар тегишилича ўзлаштириб олмаган масалалардан, бундан ташқари, физикавий ҳодисаларни чуқурроқ аниқлашга имкон берадиган масалалардан; теманинг материалини умумлаштиришга имкон берадиган масалалардан; бир неча темалар материаларини бирлаштирувчи комбинацион масалалардан фойдаланилади.

Масалан, буғлар ҳақидаги темани такрорлашда қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш фойдалидир.

37. Модданинг температураси унинг молекулаларининг ҳаракатига боғлиқ. Қайнаганда „энг тез“ молекулалар суюқликдан чўқиб кетади. Нима учун бу ҳолда қайнайтган суюқлик ва унинг буғларининг температураси бир хил бўлади?

38. Жадвалларда 0°C да буғланиш иссиқлиги $2,5 \cdot 10^6 \text{ ж/кг}$ га тенг эканлиги, 100°C да эса $2,25 \cdot 10^6 \text{ ж/кг}$ га тенг эканлиги кўрсатилади. Бу фарқни қандай тушунтириш мумкин?

Комбинацион масалаларни, одатда темаларнинг якунловчи бўлимларини, ўзининг хусусияти жиҳатидан умумлаштирувчи ва такрорловчи бўлимларини ўрганишда фойдаланилади. Масалан, механика бўйича „Иш ва энергия“ (VIII синф) иссиқлик темаси бўйича „Иссиқлик двигателлари“ (VII синф) ана шундай бўлимлардир.

3. Синфдан ташқари машғулотларда масалалар ечиш

Физикадан синфдан ташқари машғулотининг энг кўп тарқалган турлардан бири масалалар ечиш бўйича ўтказиладиган тўғараклардир. Бундай тўғараклар ўқувчиларнинг ўзлаштиришларига бевосита ижобий таъсир кўрсатади, шунинг учун кўп ўқитувчилар бундай тўғаракларни жон-дили билан ташкил қиласидилар.

Масалалар ечиш бўйича тўгарак ишини мазмунли ва қизиқарли уюштириш ўқитувчидан анчагина тажриба ва кашфиётчиллик талаб қиласди. Акс ҳолда тўгарак қолоқ ўқувчилар ёки яхши ўқувчилар билан ўтказиладиган одатдаги қўшимча дарснинг ўзи бўлиб қолади. Бундай машғулотларда яхшиси олимпиадаларда ёки олий ўқув юртларига кирин имтиҳонларида учрайдиган қийин масалаларни таҳлил қилинади.


Ҳозирги вақтда бундай масалалар мавжуд бўлган кўплаб қўлланмалар бор [12, 13, 16, 24, 28, 44], шунинг учун тўгарак машғулотлари учун масалалар танлаш унчалик қийин эмас.

Тўгарак ишини мазмунли ва қизиқарли қилиши учун унинг олдига кенгроқ доирадаги вазифаларни қўйиш керак: ўқувчиларниг дунёқарашларини ривожлантириш, уларни табиатни билишининг илмий методлари билан тапиштириш, ўқувчиларни фақат математик малакалар билан эмас, шунингдек экспериментал методлар билан ҳам қуроллантириш ва ҳоказо.

Шунинг учун тўгарак машғулотларида фақат юқори қинликтаги масалаларни ечишгина эмас, балки тарихий обзорлар, ўрганилаётган ҳодисаларниг амалий аҳамияти ҳақидаги докладлар, физикавий эксперимент ва ҳоказолардан ҳам фойдаланиш керак. Бундай тўгарак машғулотларида масалалар ечиш энг муҳим бўлса-да, ҳар ҳолда бундай машғулот элементларидан бири бўлиши керак ҳолос.

Масалалар ечишига бағишлиланган синфдан ташқари тадбирлардан яна бир кенг тарқалгани физикавий олимпиадалардир. Олимпиадалар — зеҳн, топқирлик, илмий билимдонлик ва уқувлар соҳасидаги қизиқарли мусобақадир. Улар ўқувчиларниг қизиқувчанлигини оширади ва улардан кўпларига ўз истеъдодини топишга имкон беради. Олимпиадаларни айрим мактабларда ҳам, алоҳида район, область, республика ва ҳатто бутун мамлакат масштабида ҳам ўтказилади. Шунингдек олий ўқув юртлари ҳам ўқувчилар олимпиадаларини ўтказади. Олимпиадалар бевосита қатнашадиган ва сиртқи бўлиши ҳам мумкин. Уларни кўпинча уч турда ўтказилади. Одатда район, область миқёсида ўтказиладиган олимпиадалардан аввал мактабларда ўтказиладиган олимпиадалар биринчи тур ҳисобланади. Уларда асосан VIII—X синф ўқувчилари қатнашади. Лекин бир қатор мактабларда ўтказиладиган олимпиадаларда VI—VII синфларининг ўқувчилари ҳам қатнашади (118).

Одатда дарсларда ечиладиган масалаларга нисбатан олимпиадаларда ечиладиган масалаларниг ўзига хос хусусиятлари бўлади: улар анчагина қийинроқ бўлади; ҳар бир масала ўзида физикавий мөддияти биринчи планга чиқадиган кичик проблемада иборат бўлади, шунинг учун кўплаб олимпиадаларда сифатга оид масалалар берилади, улар ўқувчиларниг кўпроқ мантиқий тафаккур қилишларини талаб қиласди; кўпинча олимпиадаларда „одатдан ташқари“ ҳодисалар ёки кў-



10- расм.

пинча одатда нотүғри тасаввурлар тарқалған „үз-үзидан күриниб турған“ далиллар келтирилған масалалардан фойдаланилади; олимпиада масалаларының янгилик элементтериге бой бұлиши зарурлығы үз-үзи-дан күриниб туриди.

Олимпиада масалаларының асосан маълум синф үкүвчиләри учун билимләрига мөс қилиб олинади, бироқ түрли синфлар, масалан VIII—IX синфлар учун берилеши мүмкін бўлган масалалар ҳам олинавера-ди. Мисол тарикасида 1967 йилда ўтка-зилган Бутунитифоқ физика-математика олимпиадасида физикадан область турлари-га тавсия этилган масалалардан бир неч-тасини келтирамиз.

39. (VI—IX синф.) Самолёт тоғ массиви устидан учмоқда. Ўндан 6000 м балаанд-ликда икки парашютчи сакрайди. Парашютчилардан бири 4500 м баландликдаги чўққига, иккинчиси эса деңгиз юзидан 1500 м баландликдаги горга қўнади. Қўниш вақтида улардан қайси бирининг тез-лиги катта бўлади?

Жавоб. Парашютчи текис тушади. Унинг тушиш тезлиги ҳавонинг зичлиги қанча кичик бўлса, шунинг учун чўққига қўнган парашют-чининг тезлиги катта бўлади.

40. (IX—X синф.) Блок орқали арқон тортилған, бунда ар-қоннинг бир бўлаги столда, бир бўлаги полда ётибди. Арқон қўйиб юборилганда у ҳаракатлана бошлади. Арқоннинг бар-қарор текис ҳаракати тезлигини топинг. Столнинг баландлиги h га teng (10- расм).

Жавоб. Арқон текис ҳаракатланганда Δt вақт оралигида арқоннинг $\Delta l = v\Delta t$ узунлиги ҳаракатда иштирок этади (v ар-қоннинг тезлиги), арқонга $F = \rho gh$ куч ρ ($v\Delta t$) $v = \rho h \Delta t$ ҳаракат миқдори беради (бу ерда ρ — арқоннинг бир бирлик узун-лигининг массаси). Шунинг учун $\rho gh \Delta t = \rho v^2 \Delta t$, бундан $v = \sqrt{hg}$.

41. (IX—X синф.) N_1 ва N_2 қувватли двигателлар ўрнатилған автомобилларнинг тезликлари мөс равишда v_1 ва v_2 . Агар автомобилларни трос билан бир-бирига уланса, улар қандай тезлик билан юради?

Жавоб. Қаршилик кучларини F_1 ва F_2 билан белгилай-миз. У ҳолда

$$N_1 = F_1 v_1, N_2 = F_2 v_2 \text{ ва } N_1 + N_2 = (F_1 + F_2) v,$$

бундан

$$v = \frac{N_1 + N_2}{F_1 + F_2} = \frac{(N_1 + N_2) v_1 \cdot v_2}{N_1 v_2 + N_2 v_1}.$$

42. (VI—X синф.) Нима учун чақмоқ ойи равишда бўлиб ўтади-ку, момақалдироқ узоқ вақт давом этади?

Жавоб. Чақмоқнинг нури ҳавода ёруғликкниг бўшилиқдаги тезлигига яқин тезлик билан тарқалади ва кузатувчига осмоннинг кўзга кўринадиган барча жойларидан айни бир вақтда етиб келади.

Учқун разряднинг товушлари эса ёргулидан кўплаб марта секин тарқалади ва бир-биридан узоқ масофаларда жойлашган объектлардан қайтиб, момақалдироқ гумбурлашини ҳосил қилиб кузатувчига узоқ вақт эшитилади.

4. Турли синфларда масалалар ечишнинг баъзи хусусиятлари хақида

Ўрта мактаб физика курсида масалалар ечиш методикасининг биз юқорида кўриб ўтган умумий масалалари ўқувчиларнинг ёни, уларнинг тайёргарлиги ва ўрганилаётган материалнинг спецификасига қараб ўзининг хусусиятларига эга бўлади. VI—VII синфларда масалалар ечиш учун VIII—X синфлардагидан кам вақт ажратилган бўлади. Бунинг сабаби курснинг маълум даражада тавсифий, пропедевтик характеристига ва шунингдек ўқувчиларнинг ёшига боғлиқ ҳолда вақтнинг кам ажратилишидадир (хаммаси бўлиб ҳафтасига 2 соат физика дарси бўлади). 1- бобда айтганимиздек, масалаларнинг вазифаларида бирим билимларни амалда қўллаш малакасини шакллантиришидир. Бироқ VI—VII синфларда бундай билимлар эндиғина олини бошлинимоқда. Янги программага кўра бу синфларда қатор масалаларни ечиш ўқувчилар тайёргарлигининг, айниқса математикадан тайёргарлигининг камлиги туфайли ҳам кўзда тутилмайди. VI синфларда ўқувчиларни формууларни алгебраик ўзgartиришлар анча қийнайди, арифметик амаллар анча вақтни олади. Ҳозир бу камчиликлар ҳатто VII синфда ҳам билиниб қолмоқда, бундан ташқари бу синфда биринчи даражали тенгламаларни ечишда ва графикларни қўллашда қийинчиликлар юзага келади. Бундан бўён янги программаларга мувофиқ, ўқувчиларнинг математик тайёргарлиги анча ўсади.

Бироқ ана шу сабабларга кўра ўқитишининг биринчи босқичида ҳисоблаш масалалари юқори синфлардагидан кўра камроқ бўлади. VI—VII синфларда сифатга оид ва экспериментал масалаларга кўпроқ эътибор бериш керак бўлади. Улардан бир қисмини қизиқарли масалалар тарзида бериш

ҳам фойдали. Бироқ ҳисоблаш масалаларга ҳам етарлича аҳамият бермаслик тузатилмас хато бўлар эди, бундай масалаларсиз ўқувчилар VIII синфда ўқитишига тайёр бўла олмайдилар.

Бунда VI синфдан бошлаб формулаларни қўллашнинг муҳимлиги ва зарурлигини қайд қилиб ўтиши керак. Ҳарфли белгилашлар ўқувчиларнинг билимларига маълум даражада бўлса-да формализм киритишига йўл қўймаслик ҳақида ғамхўрлик қилиш керак. Бунинг учун дастлабки вақтларда масалаларнинг алгебраик ечимларини арифметик ечимлар билан қўшиб олиб борини керак.


Ўрта мактаб физика курсининг қатор мураккаб бўлимлари VI—VII синфларда ўрганилади (атмосфера босими, Архимед кучи, жисмларнинг суюқлик ва газларда сузиши, иссиқлик двигателлари). Бу темалар анчагина мураккаб ҳисоблаш масалаларини ечиши талаб қиласиди, уларнинг кўпি биринчи босқич ўқувчилари учун қийинлик қиласиди (масалан, иссиқлик баланси тенгламасини тузишга доир масалалар). Бу масалаларнинг энг соддаларинигина ечиб, қолганларини юқори синфларда такрорлаш сифатида ечиш керак. Унбу қўлланмада бундай масалалар „юлдузча“ билан белгиланган.

Энг қийини VIII синфdir. Бу синфда кўплаб ҳисоблаш масалалари билан тўлиб-тошган мураккаб систематик механика курси бошланади. Ўқитувчи бу ерда масалалар қийинлигининг тобора ортиб бориши ва ўқувчиларнинг математик ҳисоблашларга муҳаббатини ошириб бориш ҳақида гамхўрлик қилиши керак. Бунда шу нарсадан фойдаланиш керакки, курсининг охирида „Ньютон ҳаракат қонунларининг қўлланishi“ деган маҳсус умумлаштирувчи бўлим бор, энг мураккаб масалаларни ана шу ерда ечиш керак. Баъзи комбинацион масалаларни охирги „Иш ва энергия“ темасида ҳам ечиш керак. Бу кўрсатилган тадбирларга қарамай, механикага оид қатор масалаларни IX—X синфларда такрорлашда, ўқувчилар математик жиҳатдан яхшироқ тайёргарликка эга бўлганда ечиш керак.

IX—X синфларда масалаларни умумий тарзда ечиш ва олинган ифодаларни анализ қилишга, шунингдек тенгламалар системасини тузишига катта эътибор бериш керак бўлади. Келгусида ўқувчиларнинг математикадан олган интеграл ва дифференциал ҳисобига доир билимларидан фойдаланиш керак.

IX—X синфларда ўқувчиларни битириши имтиҳонларига тайёрлаш муносабати билан VI—VII синф, айниқса VIII синф масалаларини ечиш муҳим аҳамият касб этади. Бу масалалар паст синфларда ўтилган материалларни такрорлашнигина эмас, балки чуқурлаштиришни ҳам кўзда тутади. VI синфдан Архимед кучлари ва жисмларнинг сузишини ҳисоблашга, VII синфдан иссиқлик миқдорини, жумладан мoddанинг агре-

гат ҳолати ўзгаришларидаги иссиқлик миқдорини (иссиқлик баланси тенгламасини тузишга доир) ҳисоблашга доир масалаларни албатта ечиш керак. VIII синф масалаларини бутун бўлимлар бўйича такрорлаш керак. X синфда, шунингдек, IX синфдаги масалаларини ечишни, айниқса молекуляр физикага доир масалаларни такрорлаш керак. Ўтилган материалларга доир масалаларда янги ўтилган материалнинг мазмунини билан умумийлик бўлиши жуда мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, калориметрик ҳисоблашларга доир масалаларни молекуляр физикани ўрганиш муносабати билан, потенциал энергия ҳақидаги масалаларки электр майдоннинг потенциали темасини ўтганда такрорлаш керак ва ҳоказо.



II қисм

ФИЗИКА КУРСИННИГ
БҮЛІМЛАРИ БҮЙІЧА
МАСАЛАЛАР ЕЧИШ
МЕТОДИНАСИ

6

синф

4- БОБ

МОДДА ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА ДАСТЛАБКИ МАЪЛУМОТЛАР

Ушбу тема бўйича масалалар ечиш ўқувчиларда моддаларнинг молекуляр тузилиши ҳақида дастлабки тушунчаларнинг шаклланишига ёрдам берishi керак.

Масалаларда аввало шундай далилларга аҳамият бериш керакки, уларни илмий тушунтириши жисмларнинг жуда майдадарралар — молекулалардан ташкил топганини кўрсатсан.

Кейин молекулаларнинг ўлчамлари, шунингдек, уларнинг ҳаракати ва ўзаро таъсири каби хоссалар тўғрисида тушунча берадиган қатор масалалар ечиш керак. Ўқувчиларнинг математик тайёргарлиги етарли бўлмагани учун масалаларнинг кўпчилиги сифатга оид масалалар бўлиши керак.

Шунингдек экспериментал масалаларга ҳам кўпроқ эътибор берини керак. Ўқувчилар унча мураккаб бўлмаган экспериментал масалаларни уй шароитида ҳам ечишлари мумкин.

Моддаларнинг молекуляр тузилиши ҳақида олинган маълумотлар кейинчалик модданинг қаттиқ, суюқ ва газсимон ҳолатлари орасидаги фарқни тушунтириш учун фойдаланилади.

1. Молекулаларнинг мавжудлиги. Молекулаларнинг ўлчамлари

Молекулалар ва уларнинг ўлчамлари ҳақидаги дастлабки түнчунчани молекуланинг электрон микроскопда олинган фотосурати берилган масалалар ёрдамида аниқлаштириш ва чукурлаштириш фойдали бўлади.

Молекулаларнинг мураккаб тузилишини кўрсатувчи масалаларни ечиш шарт эмас. Бироқ мураккаб моддаларнинг молекулалари янада майдароқ заррачалар — атомлардан ташкил топганини кўрсатувчи 2—3 масалани ўзлаштириши юқори бўлган синфларда тушунтириш тарзида қараб чиқиш мумкин.

Сифатга оид масалалар билан бир қаторда молекулаларнинг абсолют ва нисбий ўлчамларини ҳисоблаш осон бўлган масалалар ҳам берини мумкин.



11- расм.

43. 11- расмда қаттиқ жисем заррасининг электрон микроскоп ёрдамида олинган фотосурати¹ кўрсатилган. Бу фотосуратга асосан қаттиқ жисем тузилиши ҳақида қандай холосага келиш мумкин? Фотосуратда көлтирилган масштабдан фойдаланиб, бир заррачанинг ўлчамларини аниqlанг.

Ечилиши. Бу фотосуратда барча молекулаларнинг бир хил ҳамда қаттиқ жисмда муайян тартибда ва зич жойлашганини эътиборни жалб қиласди. Молекулалар орасидаги оралик жуда кичик.

Молекулаларнинг диаметрини аниqlаш учун уларнинг кўрсатилган $0,00017 \text{ см}$ масофадаги сони (50) ҳисобланади ва сўнгра молекуланинг диаметри тахминан $0,000003 \text{ см}$ эканлиги топилади.


Ўқувчиларга бу жуда улкан молекула эканини айтиш кепрак. Сув молекуласининг кўндаланг ўлчами бундан юз марта кичик бўлади.

¹ Нобуд бўлган протеин вирусининг фотосурати.

44. Оптик микроскоп ўлчамлари 0,00003 см га яқин бўлган объектларни ажратса олишга имкон беради. Бундай микроскоп ёрдамида диаметри бўйлаб юз, минг, миллионта молекула жойлашган сув томчисини кўриш мумкинми? Сув молекуласининг диаметри тахминан 0,00000003 см га тенг.

$$\begin{aligned} \text{Ечилиши. } 0,00000003 \text{ см} \cdot 100 &= 0,000003 \text{ см}; \\ 0,00000003 \text{ см} \cdot 1000 &= 0,00003 \text{ см}; \\ 0,00000003 \text{ см} \cdot 1000\,000 &= 0,03 \text{ см}. \end{aligned}$$

Бинобарин, оптик микроскопда диаметри сув молекуласининг диаметридан 1000 марта катта бўлган сув томчисинигина кўриш мумкин. Сув молекулаларининг ўзини эса оптик микроскопда кўриб бўлмайди.



12- расм.

45.* Нормал босим ва 0°C температурада 1 см³ ҳаводаги молекулалар сони $27 \cdot 10^{18}$ га тенг. Газнинг бир молекуласининг диаметрини тахминан 0,00000003 см га тенг деб олиб, шуича молекулаларни бирор кўринимас илга зич терилганда қандай узуниликдаги „мунчоқ тизими“ ҳосил бўлишини ҳисобланг.

Жавоби. 8 млн. км.

46 (э).* Сувга тубини юқорига қилиб икки пробирка тусирилганда уларга батарейканинг қутбларига уланган яланғочланган симлар жойлаштирилган (12- расм). Газ пулфакчаларини кузатини газларни таркибини ҳосил бўлган ёлқин нурланиш ёрдамида текширилган. Газлар қаердан пайдо бўлди?

Ечилиши. Нуринг бир пробиркада разшан ёниши ва иккинчисида чақнашидан пробиркаларини бирида кислород, иккинчисида эса водород бор экан деб хуласа қилинади.

Газлар сув молекулалари парчалашганда юзага келди деб тушунирилади. Бинобарин, молекула ўзидан кичик зарраларга бўлинганда унинг хоссалари сақланмайди. Ўқувчиларга сувнинг водород ва кислородга ажralиши сув бугларини жуда юқори температуранарда қизитганда ҳам рўй бериши мумкин эканлигини айтиб ўтиш керак.

2. Молекулаларнинг ҳаракати

Бу бўлимда диффузия ва Броун ҳаракати тўғрисидаги масалаларга катта эътибор берилади. Бунда молекулаларнинг ҳаракат тезлиги ва температура орасидаги боғланиш аниқланади.

Молекулаларнинг суюқлик ва газлардаги диффузияси ҳақида кўплаб қизиқ экспериментал масалалар счиш мумкин.

47. Нима учун тиич ҳавода ҳам турли ҳидлар тарқалади?

48 (ә). Стаканнинг тубига қанд чақмоғини ташланг ва сўнгра стаканга аста сув қўйинг. Бирмунча вақтдан кейин сувиниғ фақат стакан тагидагина эмас, балки устки қисмида ҳам ширин бўлишини текшириб кўринг. Молекуляр нуқтаи назардан бу ҳодисани қандай тушунтириш мумкин?

49. 1827 йилда инглиз олими Броун суюқликдаги муаллақ зарраларнинг тартибсиз ҳаракатини микроскоп остида кузатган эди. Молекуляр назария нуқтаи назаридан буни қандай тушунтириш мумкин?

Жавоби. Зарраларнинг ҳаракати микроскопда кўринмайдиган молекулаларнинг ўзаро тўқлашишидан юзага келади.

Зарралар ҳаракатининг характеристини тушунтиришда Броун молекуляр ҳаракатининг модели намойиш қилинадиган асбобдан, шунингдек, доскага чизилган расм ва деворий жадваллардан фойдаланиш яхши фойда беради.

50 (ә). Икки стакан олинг, ўндаи бирини калий марганец оксидининг қуюқ эритмаси, иккинчисини эса тоза сув билан тўлдиринг. П ҳарфи кўринишидаги шиша най олиб, уни сувга тўлдиринг ва бармоқларнинг билан беркитиб туриб найни тўнкаринг ҳамда унинг бир учини эритмага, иккинчи учини эса тоза сувга туширинг (13- расм). Диффузия ҳодисаси қандай бораётганини ҳар куни кузатиб боринг [133].


51 (ә). Икки чақмоқ қанд олиб, улардан бирини совуқ сувли стаканга, иккинчисини эса иссиқ сувли стаканга солинг. Қайси чақмоқ қанд тез эриб тамом бўлади ва нима учун?

Ушбу масалани ўқувчиларга экспериментал масала сифатида уйга вазифа қилиб бериш мумкин. Масалани синфда счганда тажриба яхши намойиш қилиниши учун икки чақмоқ тез эрийдиган қанд олиб, уларнинг ҳар бирига сиёҳ томизинг. Қанд чақмоқлари пинацет ёрдамида кичик ёқли томони билан тиккасига қўйилади ва унинг иссиқ сувда совуқ сувдагига қараганда тезроқ эриб тамом бўлиши кузатилади.

52. Нима учун бодринг тезроқ тузланиши учун унга иситилган намакоб қўйилади?

53. Нима учун температура ортиши билан Броун ҳаракатининг идденсивлиги ортади?

Жавоби. Температура ортиши билан молекулаларнинг тезлиги ортади ва демак, уларнинг заррага урилиш қучи ҳамда сони ҳам ортади.



13- расм.

3. Молекуляр кучлар

Масалалар ёрдамида икки хил молекуляр куч — итаришиш кучлари ва тортишиш кучлари ҳақидаги тушуунча аниқланади. Молекуляр кучларнинг таъсири молекулаларнинг ўлчамлари билан таққослаш мумкин бўлган жуда кичик масофалардана гина намоёни бўлади.

54. Нима учун жуда кўп сонли молекулалардан ташкил топган қаттиқ жисмлар алоҳида зарраларга бўлинib кетмай, ўз шаклини сақлаб туради.

Жавоби. Қаттиқ жисмларнинг мустаҳкамлиги молекуляр тортишиш кучлари орқали тушунтирилади.

55. Кўргошин ёки пластилишнинг икки бўлагини бирлаштиринг. Нима учун улар бир-бирига „ёпишиб“ қолишини тушунтиринг. Нима учун шундай тажрибани темир ёки синган ойна бўлаклари билан ўтказиб бўлмайди?

Жавоби. Масалан, синган ойна бўлаклари фақат бир нечта нуқталардагина бир-бирига тегишади, тортишиш кучлари парчаларни мустаҳкам улашга етарли бўлмайди.

56 (э). Суюқлик молекулалари орасида тортишиш кучлари мавжудми? Жавобинигизни мисол ва тажрибалар билан тушунтириб беринг.

57. Агар сувни океанинг 10 км чуқурлигига таъсири қилувчи куч билан сиқилса, унинг ҳажми дастлабки ҳажмининг 0,046 қисмiga камаяди. Нима учун сувни сиқиш шунчалик қийин эканлигини ва нима учун сув кучлар таъсири тўхтагандан сўнг дастлабки ҳажмини эгаллашини тушунтириб беринг.

Жавоби. Молекулалар орасида итаришиш кучлари мавжуд бўлади.

4. Газлар, суюқликлар ва қаттиқ жисмлар тузилишининг хусусиятлари

Бу бўлимдаги масалаларда асосан газ молекулаларининг суюқлик ёки қаттиқ жисм молекулаларига нисбатан катта масофада жойлашганлиги, газ молекулалари орасидаги тортишиш кучлари жуда кичик бўлиши ва шунинг учун газларнинг катта ҳажм эгаллаши таъкидланади. (Суюқлик ва қаттиқ жисмлар тўғрисида шунга ўхшаш муҳокама юритиш нотўғри. Қаттиқ жисмларда шунингдек молекулаларнинг жойлашиш тартиби ҳам жуда катта аҳамиятга эга.)

Ушбу бўлимга доир масалаларни ечишда VI синфда шакллападиган иккинчи тушунча—газларда, суюқликларда ва қаттиқ жисмларда молекулаларнинг ҳаракати характеридаги фарқдир.

58 (ә). Түппонча наидаги пүкакни таёқча ёрдамида сурис (14- расм), ҳаво ҳажмининг камайишини кузатинг. Найни сувга түлдириб, шу тажрибани тақрорланг. Сувниң ва ҳавонинг сиқилишидаги фарқни молдапарнинг молекуляр тузилиши асосида тушунтириш.

59. Сувниң қайнапидан ҳосил бўлган буғнинг қайнаш температурасидағи сув ҳажмидан 1700 марта катта ҳажм эгаллашини қандай тушунтириш мумкин?

Жаоби. Буғнинг молекулалари бир-биридан шунча узоқ масофада жойлашганки, уларнинг орасидаги тортишиш кучлари жуда кичик ва щунинг учун улар қайнаш температурасида (молекулаларнинг берилган ҳаракат тезлигига) буғнинг конденсацияланышини ҳосил қила олмайди.

60 (ә). Бир метрли шишия найнинг ярмигача сув қўйинг ва унинг устига спирт қўйиб, сўнг аралаштириш. Шундан кейин суюқликнинг ҳажми қандай ўзгарганини тушунтириб беринг.

Жаоби. Молекулалар аввалгидан зичроқ жойлашиб олгани учун умумий ҳажм камайди.

61. Америкалик физик Брижмен пўлат цилиндрда мойни жуда катта қуч билан сиқди. Цилиндрда ёриқлар бўлмаса ҳам мой зарраларининг цилиндр ташқарисига чиқиши қандай тушунтирилади?

62. Агар қўрошин ва олтин пластинкаларини бир-бирига зич сиқиб қўйилса, бирмунча вақт ўтгандан кейин олтинда қўрошин молекулалари, қўрошинда эса олтин молекулалари борлигини пайқаш мумкин. Буни қандай тушунтириш мумкин?

61- ва 62- масалалар ечими. Қаттиқ жисм ва суюқликларда молекулаларнинг зич жойлашганига қарамай, улар орасида кичик бўшлиқлар мавжуд. Молекулалар биринчи галда тебранма ҳаракат қиласди. Бу худди одамлар билан лиқ тўла автобусда тиқилинч бўлишига қарамай одамларнинг бир-бirlари билан ўрин алмашинишлари ва тасодифан бўшаб қолган жойга ўтиб силжишларига ўхшаш маизарани эслатади.

63 (ә). Слюда пластинкасини қараб чиқинг ва уни янада юпқароқ варақларга ажратинг. Катта ош тузи бўлагини майдаланг ва уни синчиклаб текшириш. Слюда ва тузнинг турли йўналишлар бўйича хоссалари турлича эканлигини модданинг молекуляр тузилиши асосида қандай тушунтириш мумкин?



14- расм.

64 (Э). Қора мүмни бўлакларга майдаланг ва нима учун ҳар гал бўлишган жойда силлиқ сирт ҳосил бўлишини тушуниринг.

Жавоби. Қора мум қуюқлашган суюқлик бўлгани учун унинг молекулалари кристалл жисмдаги каби тўғри павбатлашувчи қатламлар ҳосил қилмайди.

Б-БОБ

ҲАРАКАТ ВА ҚУЧЛАР

Бу катта ва мураккаб темани ўрганинда асосий эътибор текис ҳаракатдаги тезлик, йўл ва вақтини ҳисоблашга; жисмининг зичлиги, массаси ва ҳажмини ҳисоблашга; босим, куч ва таянч юзини аниқланишга доир масалаларга берилади.

Ўқувчилар ўрганилган қонуниятларнинг моҳиятини яхши ўзлаштиришлари учун биринчи ҳисоблаш масалаларини арифметик ечишлари ва фақат шундан кейингина тегишли формулалардан фойдаланишлари керак.

Юқорида кўрсатилган масалалардан ташқари, инерция, кучлар, тортишиш ва вазнсизликка доир масалалар ҳам ечилади. Бу масалаларнинг кўпичилиги сифатга оид масалалардир.

1. Механикавий ҳаракат. Тезлик

Бу бўлим бўйича аввал механикавий ҳаракатнинг нисбийлигини тушунишга имкон берувчи сифатга оид масалалар, сўнгра эса текис ҳаракат тезлигини ҳисоблашга оид масалалар ечилади. Бунда тезлик бирлигини бир системадан иккичисига ўтказишга жiddий эътибор берини керак (№ 70). Шундан кейин ҳаракатнинг йўли ва вақтини ҳисоблашга оид етарли миқдорда масалалар ечилади. Шунга ўхнаш масалаларни ўқувчилар математика дарсларида арифметик метод билан ечганлар, шунинг учун бундай масалалардан айниқса теманинг бошларида фойдаланиш керак. Бўлим ҳаракатнинг ўртача тезлиги тушунчасидан фойдаланиб ечиладиган масалаларни ечиш билан тугалланади.

65. Ҳаракатланаётган автобусдаги йўловчининг; дарё бўйлаб сузаётган қалқовичнинг; чархда чархланаётган искананинг; орбитага чиқарилган йўлдош кабинасидаги космонавтнинг қандай жисмларга нисбатан тинчликда ёки нисбий ҳаракатда бўлишини кўрсатинг.

66. Пиёсданинг тезлиги 5 км/соат ; ёруғликининг тезлиги $300\,000 \text{ км/сек}$; товушнинг тезлиги 340 м/сек деган ёзувлар нимани билдиради?

67 (ә). Сув билан түлдирилган, вертикаль қүйилган наңда шарчанинг тушиш тезлигини анықланг.

Ечилиши. Шарчанинг наңдаги ҳаракати кузатилади ва тажрибанинг схемаси доскада ёки ўқувчиларнинг дафтарларидан чизилади. Тезликнинг таърифи такрорланади ва масаланинг ечиш плани белгиланади. Сўнгра пайнинг узунилиги ва шарчанинг ҳаракат вақти анықланади, доскага қўйидаги ёзувлар ёзилади.

67- масала.

Ечилиши.

$$\begin{array}{l} \text{Йўл } s = 120 \text{ см} \quad \text{Тезлик } v = \frac{\text{йўл}}{\text{вақт}} = \frac{120 \text{ см}}{3 \text{ сек}} = 40 \frac{\text{см}}{\text{сек}} \\ \text{Вақт } t = 3 \text{ сек} \end{array}$$

$$\text{Тезлик } v = ?$$

Иккинчи масаланинг шарти ҳарфий белгилар ёрдамида ёзилади.

68. Агар Ої Ер атрофида 1 минутда 60 км йўл босиб ўтса, унинг ҳаракат тезлигини м/сек ларда ҳисобланг.

68- масала.

Ечилиши.

$$\begin{array}{l} \text{Йўл } s = 60 \text{ км} \quad \text{Йўл } s = 60 \text{ км} = 60000 \text{ м}; \\ \text{Вақт } t = 1 \text{ мин} \quad \text{Вақт } t = 1 \text{ мин} = 60 \text{ сек}. \end{array}$$

$$\text{Тезлик } v = ?$$

$$\text{Тезлик } v = \frac{\text{йўл } s}{\text{вақт } t} = \frac{60000 \text{ м}}{60 \text{ сек}} = 1000 \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$

Кейинги масалаларни ечишда ўқувчиларнинг тайёргарлигига қараб тезликнинг формуласи одатдаги $v = \frac{s}{t}$ кўринишда ёзилаверади.

Шундан кейин тезлик бирлигини бир системадан иккинчисига ўтказишга оид бир нечта масалалар ечилади.

69. Нима тезроқ ҳаракатланади: 0°C да 1700 м/сек тезликка эга бўлган водород молекуласими ёки 8 км/соат тезлик билан учётган Ернинг сунъий йўлдошими?

70. „Чайка“ автомобили 160 км/соат тезликка эга, почта кабутари эса — 16 м/сек. Кабутар автомобилини қувиб ўтиши мумкини?

Ечилиши. 1- усул. Тезлик катталиги бирликларнинг бир системасидан иккинчисига аввал қўйидагича арифметик йўл билан ўтказилади.

1 соат давомида автомобиль $160 \text{ км} = 160000 \text{ м}$ йўл босиб ўтади. $1 \text{ соат} = 3600 \text{ сек}$. Бинобарин, 1 сек вақт давомида автомобиль $\frac{160000}{3600} \text{ м} = 44 \text{ м}$ йўл босиб ўтади, демак, автомобилинг тезлиги 44 м/сек . Кабутар автомобилини қувиб ўта олмайди.

2- усул. Кейинчалик, ўқувчилар формулаларни яхши ўзлаштириб олганларидан кейин, катталикларнинг қийматлари

уларни бирликларнинг бир системасидан иккинчисига ўтказишида ҳисобланади. Бунда исмли сон олдига аввалги бирликлари янги бирликлар билан алмаштирилган ифода қўйилади;

$$160 \text{ км/соат} = 160 \cdot \frac{100 \text{ м}}{3600 \text{ сек}} = 44 \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$

71. Дарсликда¹ келтирилган тезликлар жадвалидан фойдаланиб, товушнинг 0°C да 1 минутда қанча масофага тарқалишини аниқланг.

Ечилиши. Ўқувчилар жадвалдан товушнинг тезлик қийматини топадилар ва масаланинг шартини ёзиб оладилар. Сўнгра қўйндагича мулоҳаза юритадилар. 1 секундда товуш 332 м масофага тарқалади. $1 \text{ мин} = 60 \text{ сек}$. Бинобарин, 1 минут давомида товуш 1 секунд давомида босиб ўтган масофасидан 60 марта узоқ масофани босиб ўтади, яъни

$$332 \text{ м} \cdot 60 = 19\,920 \text{ м} = 20 \text{ км}.$$

Кейин шу масаланинг ўзини формуладан фойдаланған ҳолда ечиш фойдали бўлади.

Йўл $s =$ тезлик v -вақт t , ёки $s = vt = 332 \frac{\text{м}}{\text{сек}} \cdot 60 \text{ сек} = 19\,920 \text{ м} \approx 20 \text{ км}$.

72. Агар конъкида югурувчи 12 м/сек тезлик билан ҳаракатланса, у 100 м масофани қанча вақтда босиб ўтади?

Ечилиши. 1- усул. Конъкида югурувчи секундига 12 м масофа босиб ўтади. Бинобарин, конъкида югурувчи $100 \cdot$ да 12 сони неча марта бўлса, шунча секунд югуради.

$$100 : 12 = 8,3. \text{ Вақт } 8,3 \text{ сек га teng.}$$

2- усул.

$$\text{Вақт } t = \frac{\text{йўл } s}{\text{тезлик } v} \text{ ёки } t = \frac{s}{v} = \frac{100 \text{ м}}{12 \frac{\text{м}}{\text{сек}}} = 8,3 \text{ сек.}$$

73. Ю. Гагарин „Восток“ космик кемасида биринчи марта Ер атрофини 2800 км соат тезлик билан $89,1$ минутда нарвоз қилиб ўтди. Бу вақт ичиди космик кема ўтган йўлни аниқланг.

Ечилиши. Масалани алгебраик ечишда дастлаб $v_{\text{ср}} = \frac{s}{t}$ асосий формула ёзиб олинади ва ундан изланаётган катталик аниқланади:

$$s = v_{\text{ср}} \cdot t = 2800 \frac{\text{км}}{\text{соат}} \cdot 89,1 \cdot \frac{1}{60} \text{ соат} \approx 42\,000 \text{ км.}$$

Ўқувчилар ҳосилавий формулаларни ёдламасликлари, балки уларнинг физикавий маъносига кўра, шунингдек математикадан ўзларига маълум бўлган номаълум бўлинувчини, бўлув-

¹ А. В. Перецкии, Н. А. Родина. Физика, 6- синф. Т., „Ўқитувчи“, 1972.

чини ёки бўлинмани топиш ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиб уларни чиқара билишлари керак.

Жавобини текширишда Ер экваторининг узунлиги 40 000 км эканлигини назарга олни мумкин. Космик кема унчалик баландда учмагани учун олинган натижага ҳақиқатга яқин келади.

74. Бир минут давомида автомобиль 50 км/соат тезлик билан, сўнгра 2 минут давомида 60 км/соат тезлик билан ҳаракатланди. Автомобилнинг ўртача ҳаракат тезлигини топинг.

Ечилиши.

$$v_{\text{ср}} = \frac{s}{t}; t = t_1 + t_2 = 1 \text{ мин} + 2 \text{ мин} = 3 \text{ мин};$$

$$s = s_1 + s_2,$$

$$s_1 = v_{1\text{ср}} \cdot t_1 = 50 \frac{\text{км}}{\text{соат}} \cdot \frac{1}{60} \text{ соат} \approx 0,83 \text{ км};$$

$$s_2 = v_{2\text{ср}} \cdot t_2 = 60 \frac{\text{км}}{\text{соат}} \cdot \frac{2}{60} \text{ соат} = 2 \text{ км};$$

$$s = 0,83 \text{ км} + 2 \text{ км} = 2,83 \text{ км};$$

$$v_{\text{ср}}^t = \frac{2,83 \text{ км}}{\frac{3}{60} \text{ соат}} \approx 57 \frac{\text{км}}{\text{соат}}.$$

Бу масаланинг асосий мақсади ўқувчиларни ўртача тезлик катталигини берилган тезликларнинг ўртача арифметик қиймати сифатида иотўғри аниқлашда огоҳ қилишидир.

75. Автомобиллар, троллейбуслар ва мотоциклларнинг кабиналарида ўтилган йўлнинг счётчиги ва тезлик кўрсаткичидан иборат асбоб – спидометр ўрнатилади (15- расм). Йўл счётчикининг кўрсаткичларидан фойдаланиб, ҳаракатнинг ўртача тезлигини қандай аниқлаш мумкин? Қандай ҳолларда ва қандай қилиб, асбобнинг кўрсатишиларидан фойдаланган ҳолда ҳаракат вақтини аниқлаш мумкин?

Ечилиши. $v_{\text{ср}} = \frac{s}{t}$. Бу ҳолда s – йўл счётчикига кўрсатишиларининг фарқи, t – ҳаракат вақти.

Йўлнинг берилган участкасида v тезлик ўзгармас бўлган дагица асбобнинг кўрсатишиларидан фойдаланган ҳолда ҳаракат вақти t ни аниқлаш мумкин, у ҳолида

$$t = \frac{s}{v}.$$



76. Водород молекуласининг ўртача тезлиги 0°C да 1700 м/сек.

15- расм.

Молекула ҳавода 5 сек давомида қанча йўл босиб ўтади? Молекула ҳаракатининг таҳминий траекториясини чизинг. Молекула ўзининг дастлабки турган жойидан ўтилган йўл каттагига тенг масофага қўчадими?

2. Масса. Модданинг зичлиги

VI синфда масса тўғрисидаги дастлабки тушунча икки жисмнинг тўқнашиши ёки итаришишига доир энг содда тажрибаларни қарашдан бошланади.

Шунга мувофиқ равишда сифатга оид масалалар, шунингдек жисмларниңг массаларини таққослаш учун асосан ҳаракат миқдорининг сақланиши қонунидан фойдаланиладиган энг содда ҳисоблаш масалалари ечилади. Биз кўраётган ҳол учун $m_1\Delta v_1 = m_2\Delta v_2$ ёки $\frac{m_1}{m_2} = \frac{\Delta v_2}{\Delta v_1}$, яъни ўзаро таъсирилашаётган жисмларниңг массалари уларнинг тезликлари ўзгаришига тескари пропорционалдир.

Жисмларнинг зичлигини ёки унинг зичлигига кўра массаси ва ҳажмини ҳисоблашга доир масалалар кетма-кет қўйидаги кўринишларда қўлланиладиган формуулардан фойдаланиб ечилади: зичлик $= \frac{\text{масса}}{\text{ҳажм}}$; зичлик $\rho = \frac{\text{масса}}{\text{ҳажм } v}$; $\rho = \frac{m}{v}$ (бу формууладан худди тезлик формуулаларидан фойдаланилгани каби фойдаланилади).

Қатор масалалар молекулаларнинг массаларини аниқлашга ва жисмлар зичлигининг молекулалар массасига ва уларнинг бирлик ҳажмдаги сонига боғлиқлигини ойдинлаштиришга бағишиланиши керак.

77 (Э). Ўзун резинка ипдан фойдаланиб, икки ўйинчоқ аравачалардан қайси бирининг массаси катта эканини аниқланг. Ўз холоссангизни аравачалар массаларини ричагли тарозида тортиш йўли билан тексиринг.

Ечилиши. Аравачаларни бир-бирига резинка ип билан боғланади ва уларни икки томонга узоқлаштирилиб, ипни таранг торган ҳолда қўйиб юборилади. Катта массали аравача секинроқ ҳаракатланади.

Аравачаларни ричагли тарози паллаларига қўйиб, катта массали аравачанинг тарози палласини кўпроқ босгани кузатилади.

78. Конъкида югурувчи икки бола бир-бирларидан қўллари билан итаришиб, турли томонга 5 ва 3 м/сек тезлик билан кетдилар. Қайси боланинг массаси катта ва неча марта катта?

Ечилиши. Ўзаро таъсирилашаётган жисмларнинг массалари уларнинг тезликлари ўзгаришига тескари пропорционал. Шунинг учун 3 м/сек тезлик билан кетган боланинг оғирлиги иккинчисиникидан 5/3 марта катта.

79. Ҳар қандай газнинг 1 m^3 ида 0°C температура ва нормал босимда $27 \cdot 10^{24}$ та молекула бўлади. Агар битта водород молекуласининг массаси $33 \cdot 10^{-28} \text{ кг}$ бўлса, шу шароитда 1 m^3 водороднинг массаси қанча бўлади?

$$\text{Ечилиши. Масса} = \frac{33 \cdot 27 \cdot 10^{21} \text{ г}}{10^{28}} \approx 0,09 \text{ кг.}$$

Масалани доскада ўқитувчи ёрдамида ечиш керак, чунки ўқувчилар масала шартида келтирилган катта сонларни ёзиш тартиби билан таниш эмаслар.

80. Олмоснинг зичлиги $3,5 \text{ г}/\text{см}^3$; гранитнинг зичлиги $2600 \text{ кг}/\text{м}^3$; ҳавонинг зичлиги $1,29 \text{ кг}/\text{м}^3$ деган ёзувлар нимани билдиради? Гранитнинг зичлигини $\text{г}/\text{см}^3$ ларда, олмоснинг зичлигини эса $\text{кг}/\text{м}^3$ ларда ифодаланг.

Ечилиши. Ҳисоблашларни ҳам арифметик, ҳам бир ўлчов бирлигидан иккинчисига ўтищнинг умумий қоидаларига амал қилган ҳолда, бажаринг.

1) 1 m^3 гранитнинг массаси $2600 \text{ кг} = 2600000 \text{ г}$; аммо $1 \text{ m}^3 = 1000000 \text{ см}^3$, шунинг учун 1 см^3 гранитнинг массаси $\frac{2600000}{1000000} \text{ г}$ ни ташкил этади, бинобарин, гранитнинг зичлиги — $2,6 \text{ г}/\text{см}^3$.

$$2) 3,5 \frac{\text{г}}{\text{см}^3} = 3,5 \cdot \frac{0,001 \text{ кг}}{0,000001 \text{ м}^3} = 3500 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3}.$$

81. Қайнастган сувнинг зичлиги каттами ёки унинг устида ҳосил бўлган буғнинг зичлиги каттами? Нима учун?

Жавоби. Буғ молекулалари сув молекулаларига қаранди бир-бираидан катта масофада жойлашган (№ 59). Бинобарин, буғнинг ҳажм бирлигидаги молекулалар сони сувнинг ҳажм бирлигидаги молекулалар сонидан кам бўлади, шунинг учун буғнинг зичлиги сувнинг зичлигидан кичик бўлади.

82. Ҳар қандай газнинг 1 m^3 ида нормал босим ва 0°C да молекулалар сони бир хил бўлади. Нима учун кислороднинг зичлиги водороднинг зичлигидан 16 марта катта бўлади?

Ечилиши. Кислород молекуласининг массаси водород молекуласининг массасидан таҳминан 16 марта катта, шунинг учун кислороднинг зичлиги катта бўлади?

83. 10 см^3 пўлатнинг массаси 78 г га тенг. Пўлатнинг зичлиги нимага тенг? 20 см^3 пўлатнинг массаси қандай бўлади?

84. 8 кг керосин сифадиган бидоннинг ҳажми қандай бўлади? Керосиннинг зичлиги $800 \text{ кг}/\text{м}^3$.

83—84- масалаларга ўхшаш масалалар оғзаки ечилади ва сўнгра тегишли формуулалари ёзилади. Ўқувчилар формуулаларнинг маъносини тушуниб олганларидан сўнг масалаларни бирмунча мураккаблаштириш мумкин.

85. Ўлчамлари $300 \times 20 \times 5 \text{ см}$ бўлган қарағай ёғочининг массасини аниқланг.

Ечилиши. Шунга ўхшаш масалаларни ечишда одатла ўқувчилар масаланинг шартини тўла анализ қилиб ўтирмаӣ, дарҳол ҳажмни толадилар, яъни масалани соғ синтетик метод билан ечадилар. Масала ечишнинг бундай методини рад этмаган ҳолда ўқитувчи ўқувчиларни аста-секин аналитик методга ўргатиши керак. Шунинг учун шу тирадаги масалалардан бирини қўйидагича мулоҳаза юритиб, „охиридан ечиш“ фойдали бўлади.

Масалада ёғочнинг m массасини аниқлаш талаб қилинади. Бу катталикни $\rho = \frac{m}{v}$ формуладан топиш мумкин, бундан $m = \rho v$. Формулани анализ қилиб, массани аниқлаш учун дастлаб ёғочнинг зичлигини билиш (жадвалдан) ва ёғочнинг ўлчамларига кўра унинг ҳажмини ҳисоблаш керак деган хуносага келамиз.

3. Инерция


Бу темага оид масалалар ўқувчиларда ҳаракат жисмларнинг ажралмас хоссаси эканлиги ҳақидаги тушунчани мустаҳкамлаши керак. Шунинг учун энг аввал инерция қонунининг асосий мазмуни ҳисобланган жисмларнинг текис ва тўғри чизиқли ҳаракатининг сақланиши ҳақидаги масалаларга катта эътибор бериш керак. Сўнгра жисмлар нисбий тинчлик ҳолатининг сақланиши ҳақидаги масалалар ечилади. Масалалар ёрдамида, шунингдек жисмларнинг массаси ҳақидаги тушунча ҳам чуқурлаштирилади.

86. Автобус тормоз берганда, ўнга бурилганда, чапга бурилганда йўловчилар қаёққа қараб оғадилар ва нима учун?

87. Нима учун исканжа ва сандонлар жуда массив қилиб ясалади?

88. 16- расмдаги схемадаи фойдаланиб, галла ғарамида уруғларни енгил аралашмалардан тозалайдиган дон пультининг ишлаш принципини тушунтириб беринг.

Ечилиши. Уруг ва аралашмаларни дон пульти бирдай тезлик билан отади. Бироқ, ҳавонинг қаршилиги массаси кинчик бўлган енгил аралашмаларнинг ҳаракатини кўпроқ секинлаштириб, дони тўқ бўлган уруғларнинг ҳаракатини эса камроқ секинлаштиради ва шунинг учун бу уруғлар узоқроқ масофага тушиб, енгил аралашмалардан ажралади. Масалани VIII синфда қайта ечишда аэродинамик кучларнинг таъсири батафсилоқ қаралади ва бу кучларнинг фақат аралашма зарраларининг массасига эмас, балки



16- расм.

уларнинг шакли ва ўлчамларига ҳам боғлиқ эканлиги назарга олинади.

(Шунингдек № 13—15 ва уларнинг ечимларини ҳам кўринг.)

4. Оғирлик кучи. Жисмларнинг оғирлигиги

Ушбу темани ўрганишда дастлаб Ернинг маълум массали жисмга таъсир қилувчи оғирлик кучини ҳисоблашга доир масалалар ешилади. Кучларнилг катталиги асосан ньютоналарда ифодаланади. Оғирлик кучини ҳисоблашга 1 кг массали жисм Ер сиртида таянчга тахминан 9,8 н куч билан таъсир қилади деб олинади. Жисмнинг ньютоналарда ҳисобланган оғирлигини ҳисоблаш учун унинг килограммларда ифодаланган массасици 9,8 н/кг га кўпайтирилади. Ҳисоблашларни соддалаштириш учун кўпинча $9,8 \text{ н/кг} \approx 10 \text{ н/кг}$ деб олинади.

Кейинроқ жисм оғирлигининг унинг Ердаги ўрнига боғлиқ эканлиги, шунингдек шу жисмнинг бошқа планеталардаги оғирлиги қандай бўлиши кўриб чиқилади. Жисм оғирлигининг Ернинг айланишига ва Ер қобигининг геологик тузилишига боғлиқлиги VI синфда ешиладиган масалаларда эътиборга олинмайди.

89 (э). Энг содда динамометр конструкциясини ўйлаб топинг ва винтли пружина ёки резинка ил ва пўлат чизгичдан фойдаланиб уни ясанг. Динамометр ёрдамида турли буюмлар: танга, қалам ва ҳоказоларнинг оғирликларини таққосланг.

90. 45° кенглик ва денгиз сатҳида 1 dm^3 сувнинг оғирлиги қандай бўлади? Сигими 200 dm^3 бўлган бочкадаги керосиннинг оғирлиги-чи?

Ечилиши. 1 dm^3 сувнинг массасини аниқлаймиз.

$$m_{\text{сув}} = \rho_{\text{сув}} V_{\text{сув}} = 1000 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3} \cdot 1 \cdot \frac{1 \text{ м}^3}{1000} = 1 \text{ кг}.$$

Сувнинг оғирлиги $P_{\text{сув}} = 9,8 \frac{\text{n}}{\text{кг}} \cdot 1 \text{ кг} = 9,8 \text{ н.}$

Керосиннинг массаси $m_k = \rho_k V_k = 800 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3} \cdot \frac{200}{1000} \text{ м}^3 = 160 \text{ кг.}$

Керосиннинг оғирлиги $P_k = 9,8 \frac{\text{n}}{\text{кг}} \cdot 160 \text{ кг} \approx 1600 \text{ н.}$

91. Агар жисм экватордан қутбга кўчирилса, унинг оғирлиги қандай ўзгаради? Тоғ этагидан чўққига кўчирилса-чи? Кемада Ер шарининг ўша кенглигидаги бошқа жойга кўчирилса-чи? Ердан Ойга кўчирилса-чи?

Ечилиши. Жисм Ер марказидан қанча узоқда бўлса, оғирлик кучи шунча кам бўлади, шунинг учун жисмнинг оғирлиги Ернинг қутбида экватордагидан, тоғ этагида унинг чўққисидагидан катта бўлади ва Ернинг айни бир кенглиги-

дати турли жойларда эса деңгиз сатқыда бирдей бўлади. Бошқа осмон жисмларинда оғирлик кучи Ердагидек эмас, масалан, у Ойда Ердагидан тахминан 6 марта кичик.

92 (ә).^{*} Динамометрга (ёки резинка ипга) юк осинг ва динамометрия кескин пастга туширинг. Бундай ҳаракатда жисмнинг оғирлиги ўзгарадими?

93 (ә).^{*} Эски резинка контокда чўтланган мих ёрдамида тешик очинг. Контокни сув билан тўлдириб, вертикал юқорига отинг ва ундан учиш вақтида сув отилиб чиқадими ёки йўқми, кузатинг. Тажриба натижаларини тушунириб беринг.

94. Ерининг сунъий йўлдошида тошли соатлар юрадими?

5. Кучларни график тасвирлаш ва қўшиш


Унбу темада дастлаб кучларнинг вектор катталиқ ækанлиги ҳақидаги тушунча машқлар воситасида мустаҳкамланади, сўнгра эса бир тўғри чизиқ бўйлаб таъсир қилувчи кучларни қўшишга доир масалалар счилади. Бунда векторларни тўғри тасвирлашга (масалан, масштаб танлаш кучларнинг йўналишини ва қўйилиш нуқталарини тўғри аниқлашга) катта эътибор бериш керак.

95. 1 кг ва 5 кг лик тарози тошларининг таглилка қандай куч билан таъсир қилишини график равишда тасвирланг.

96. Жисмнинг бир нуқтасига 45° бурчак остида таъсир қилаётган 5 н ва 20 н кучларни график равишида тасвирланг.

97. Бир бола чапани унинг орқасидан 10 н куч билан итармоқда, иккинчи бола эса унинг олдидан арқон билан 15 н куч билан тортмоқда. Кучлар горизонтал йўналган деб қабул қилинг ва уларни график тасвирлаб, тенг таъсир этувчисини топинг.

Масаланинг ечими 17-а расмдан равшан кўриниб турити. (Кўпинча ўқувчилар орқадан итараётган кучни 17-б расмда кўрсатилгандек потўғри тасвирлайдилар.) Расмларнинг бирида (17-а расм) ташкил этувчи кучлар, иккинчисида (17-в расм) уларнинг тенг таъсир этувчиси тасвирланади. Агар ташкил этувчи кучлар ва уларнинг тенг таъсир этувчиси битта расмда тасвирланса, расм ифодали чиқмайди ва баъзи ўқув-



17- расм.

чила尔да жисмга учта куч (иккита ташкил этувчи ва битта тенг таъсир этувчи куч) таъсир қилади деган тушунча ҳосил бўлиб қолади.

6. Босим кучи. Босим

Бир нечта масалалар арифметик, сўнгра эса қўйидаги: босим $p = \frac{\text{босим кути } F}{\text{юза } S}$; $p = \frac{F}{S}$ формуласида ёрдамида ечилади. Босим Н/м^2 ва Н/см^2 ларда ҳисобланади.

98 (Э). Турли вазиятдаги тўғри бурчакли брусконинг столга босимини аниқланг.

Ечилиши. Диаметр ёрдамида брусконинг оғирлиги ньютоналарда аниқланади ва сўнгра учининг учта ёгининг юзи см^2 ларда топилади.

Ҳар бир ҳол учун босим $p = \frac{F}{S}$ формула бўйича аниқланади.

99. Агар тракторнинг тупроққа босими 40 000 $\frac{\text{Н}}{\text{м}^2}$, икки гусеницасининг таянч юзи эса $1,3 \text{ м}^2$ бўлса, тракторнинг оғирлиги қандай бўлади?

Ечилиши. 1- усул. 1 м^2 юзага 40 000 Н куч таъсир қиласи. Босим кучи ва демак, жисмнинг оғирлиги $40 000 \text{ Н} \cdot 1,3 = 52 000 \text{ Н}$ га тенг.

2- усул. $p = \frac{F}{S}$, бундан $F = pS = 40 000 \frac{\text{Н}}{\text{м}^2} \cdot 1,3 \text{ м}^2 = 52 000 \text{ Н}$.

100. Бармогимизни 10 Н куч билан босиб, $10 000 000 \text{ Н/м}^2$ босим ҳосил қилиш мумкинми ва қандай қилиб?

Ечилиши. $p = \frac{F}{S}$. Бундай улкан босимни жуда кичик F куч билан ҳосил қилиш учун, равшанки, жуда кичик $S = \frac{F}{p} = \frac{10 \text{ Н}}{10 000 000 \frac{\text{Н}}{\text{м}^2}} = 0,01 \text{ см}^2$ юзага таъсир қилиш керак. Бу юза тахминан мих ёки ишни учининг юзасига тенг.

7. Ишқаланиш кучи. Молекулаларнинг ўзаро таъсир кучлари

Улибу темага доир масалаларни ечишда ишқалиш кучларининг келиб чиқишининг икки сабаби: ишқаланувчи сиртларнинг текис эмаслиги ва улар орасидати молекуляр тутиниши кучлари қаралади. Масалалар ишқаланишнинг турли хиллари ва уларни амалда қўллаш ҳақидаги тушунчани аниқлаштириши ва чуқурлаштириши керак. Материал шунингдек ишқаланиш кучларининг жисмларнинг ишқаланувчи сиртларига иш-

лов берилшигага, нормал босим кучига ва материалларнинг турига боғлиқ эканини яқол кўрсатувчи кўп сонли экспериментал масалаларни ечишга имкон беради.

Ишқаланиш коэффициенти ҳақидаги тушунча киритилмайди, бироқ масаланинг шартида ишқаланиш кучи нормал босим кучининг қандай қисмини ташкил қилишини кўрсатиш мумкин.

Молекуляр кучлар ҳақидаги маълумотларни такрорлаш учун аввал № 54—57 ларга ўхшаш масалалар ечиш керак.

101. Нима учун оёқ кийимларнинг тагчармлари, велосипед ва автомобилларнинг покришкалари қиррали қилиб ясалади?

102. Икки сиртни яхшилаб силлиқлаб, улар орасидаги ишқаланишини йўқотиш мумкини?

Жавоби. Мумкин эмас. Сиртлар қанча яхши силлиқланган бўлса, молекулаларнинг тортишиши натижасида юзага келадиган тутиниш кучлари шунча катта бўлади.

103 (ә). Кўп тахланган китобларнинг тагидагисини суғуриб олиш осонми ёки кам тахланганиданми? Нима учун? Фикрингизнинг тажрибада текширинг.

104 (ә). Илга юк осинг ва ипни қаламга счилиб кетмайдиган даражада етарли қилиб ўранг. Сўнгра қаламга мой томчинини томизиб, ипнинг қаламдан сурилишини кузатинг. Бу ҳодисани тушунтиринг. Техникада мойлашдан қачон ва қайси жойларда фойдаланишга мисоллар келтиринг.

105 (ә). Китобни қия текисликка (тактага ёки бошқа китоб устига) пастга сирпанмайдиган қилиб қўйинг. Сўнгра китоб остига иккита думалоқ қалам қўйинг ва китобининг пастга қараб қандай думалашини кузатинг. Бу тажрибадан сирпанини ва думаланиш ишқаланиши ҳақида қандай холоса қилиш мумкин? Техникада ва турмушда қандай жойларда сирпаниш ишқаланиши билан ва аксинча алмаштирилади.

106.* Ҳамма вақт ҳам сирпаниш ишқаланиши думаланиш ишқаланишидан катта бўладими?

Ечилиши. Агар думалагич ва у думалаётган сирт жуда кам деформацияланса, думаланиш ишқаланиши айниқса кам бўлади, масалан, темир йўлда шундай бўлади. Агар деформацияланниш катта бўлса (масалан, юмшоқ ер, қор, қум), у ҳолда думаланиши ишқаланиши сирпаниш ишқаланишидан катта бўлиши мумкин (қорда аравани тортишдан кўра чанани тортиш осонроқ).

107 (ә).* Совун билан тоза ювилган идишга эҳтиёткорлик билан сув томизинг ва унга мойланган пичоқ тифини тегизинг. Тажрибанинг расмини чизинг ва натижани тушунтиринг.

108.* Нима учун мисни кавшарлашда қалай қўлланилади-ю, шишани улашда ундан фойдаланилмайди?

109 (ә).* Совун билан ниҳоятда тоза ювилган иккита ойна парчасини бир-бирига бурчак остида V ҳарфи шаклида вертикал қўйинг ва уларнинг ярмини сувли идишга туширинг. Бурчакни ўзгартириб ойна парчалари орасида сувнинг кўта-

рилишини кузатинг. Тажрибанинг расмини чизинг ва тушунтиринг. Сувнинг кўтарилиш баландлиги ойналар орасидаги масофага қандай боғланган?

110.* Сувга босма қофознинг бир четини туширинг ва сувнинг қофоз бўйлаб қандай баландликка кўтарилишини аниқланг. Сувнинг қофоз бўйлаб кўтарилиш баландлиги нимага боғлиқ? Табиатда бу ҳодисанинг қандай аҳамияти бор? Мисоллар келтиринг.

6- БОБ

СУЮҚЛИКЛАР ВА ГАЗЛАРНИНГ БОСИМИ (ГИДРО- ВА АЭРОСТАТИКА)

Ушбу материал фақат VI синфда ўтилади, шунинг учун ўқувчилар уни мустаҳкам ва чуқур ўзлаштиришлари керак.


Дастлаб Паскаль қонунига оид масалалар счилади. Сўнгра бу қонунинг қўлланиши ва натижалари, шу жумладан Архимед кучи қаралади.

Кўп турли масалаларни, масалан, суюқликлар ва газларда жисмларнинг сузишига оид масалаларни ечишда ўқувчилар анча қийналишади. Шунинг учун VI синфда асосан сифатга оид масалалар ва содда миқдорий масалалар счилиши керак. Мураккаброқ масалалар IX синфда суюқликлар ва газларнинг хоссаларини ўрганишда гидро- ва аэростатиканинг асосий қоидаларини такрорлаш тартибида ечилади ва шунингдек бундай масалалар X синфда битириш имтиҳонларига тайёртарлик кўришда ҳам қаралади.

1. Паскаль қонуни

Паскаль қонуни дастлаб „соф“ ҳолда, яъни унинг вазнисиз суюқликлар ва газларга қўлланиши қаралади. Масалалар ўқувчиларга босим нима учун тинч турган ёки газнинг ҳамма нуқталарида бир хил бўлишини ойдинлаштиришга ёрдам бериши ва Паскаль қонунининг баязи техникавий қурилмаларда (насослар, гидравлик пресслар ва ҳоказоларда) қўлланиши ҳақида тушунча бериши керак. Бу масалаларни ечишда ўқувчилардаги суюқликлар ва газларнинг молекуляр тузилиши ҳақидаги билимлардан фойдаланилади.

111. Ҳавоин насос поршени билан сиқилганда унинг босими қандай ва нима учун ўзгаради? Велосипед насосининг шлангидаги босим шлангни цилиндр билан улайдиган тешикнинг цилиндр ён томонидан ёки тубидан очилганига боғлиқ бўладими?



18- расм.

Жавоби. Ҳаво ҳажмининг каманиши билан унинг зичлиги, бинобарин, ҳажм бирлигидаги молекулалар сони ортади. Молекулаларнинг деворга урилишлар сони ортиб, ҳаво босимининг ортишига сабаб бўлади. Ҳаво зичлиги насос цилиндрининг ҳамма қисмида бирдай бўлгани учун шлангдаги босим шлангнинг цилиндрга қаерда уланишига боғлиқ бўлмайди.

112. Ҳаво насоси ва гидравлик машина вазисизлик ҳолатида ишлайдими?

Жавоби. Ҳаво насоси ва гидравлик машина вазисизлик ҳолатида ишлайди. (Суюқликният босимни узатиши молекулаларнинг ўзаро яқинлашганларнда ҳосил бўладиган итаришиш кучлари туфайли юзага келадиган эластиклик кучларининг таъсири билан тушунирилади. Бу кучлар суюқликният оғирлигига боғлиқ эмас.)

113. Идишининг тешиклари (18- расм) поршенинг юзаси 10 см^2 , каттасиники эса 50 см^2 . Кичик поршенга 1 кг массали тош қўйилди. Суюқлик мувозанатда қолиши учун катта поршенга қандай P юк қўйини керак?

Ечилиши. Кичик поршеннинг суюқликка берадиган босими:

$$P = \frac{F_1}{S_1} \approx \frac{10 \text{ н}}{10 \text{ см}^2} = 1 \frac{\text{н}}{\text{см}^2}.$$

Паскаль қопунига кўра бу босим ҳамма томонга, шу жумладан катта поршенга ҳам ўзгаришсиз узатилади. Катта поршенга таъсир қиласидиган босим кучи:


$$F_2 = pS_2 = 1 \frac{\text{н}}{\text{см}^2} \cdot 50 \text{ см}^2 = 50 \text{ н. } P = 50 \text{ н.}$$

Агар кўндаланг кесими турлича бўлган иккита медицина шприцидан гидравлик машина модели ясалса, бу масалани экспериментал қўйиш ҳам мумкин (1- расм).

114 (Э). Мактаб гидравлик пресси кучдан қандай ютуқ беришни ҳисоблаш. Ричагларни қўллаш ҳисобига бўладиган ютуқ ва ишқалалишни ҳисобга олманг.

2. Суюқликният оғирлик босими

Суюқликният оғирлик босими аввал ўқувчиларга маълум бўлган $p = \frac{F}{S}$ формуладан, босим кучи эса $P = 9,8 \frac{\text{н}}{\text{кг}} m$ формуладан аниқланади, бу ерда m — тўғри бурчакли идишга



19- расм.

қүйилган суюқликнинг килограммларда ифодаланган массаси. Сўнгра ўқувчиларни суюқлик босимини ҳисоблашнинг янада умумийроқ, яъни суюқликнинг зичлиги ва чуқурлигига кўра ҳисоблаш методи билан таништирилади. Биринчи масалалар арифметик ечилади. Сўнгра $p = 9,8 \frac{N}{kg} \cdot \rho h$ формуладан фойдаланишга ўтилади.

Ўқувчиларни атмосфера босими ҳақидаги темани ўрганишга тайёрлашда баландлиги 76 см бўлган симоб устунининг босимини ҳисоблаш фойдали бўлади.

115. Қандай идишларда (19- расм) идишнинг тубига босим катта ва нима учун?

Ечилиши. Тубларининг юзаси бир хил бўлган идишларнинг тубига бўладиган босим ҳақида гап боргандা уларга солинган суюқликларнинг оғирлигига қараб мулоҳаза юритилади. Биринчи идишда босим иккинчисига қаратанда кам, бешинчى идишда эса тўртинчисига қаратанда катта ва ҳоказо. Суюқликнинг чуқурлиги ва унинг зичлиги қанча катта бўлса, босим шунча катта бўлади.

116. Суюқликнинг босими унинг чуқурлигига боғлиқлигини кўрсатувчи асбоб ўйлаб топинг.

117. Тубининг юзаси $S = 250 \text{ m}^2$ ва чуқурлиги $h = 4 \text{ m}$ бўлган тўгри бурчакли бассейн зичлиги $\rho = 1030 \frac{kg}{m^3}$ бўлган дengiz суви билан тўлдирилган. Сувнинг бассейн тубига бўлган босими ва босим кучини аниqlаанг.

Ечилиши. 1- усул. Босим кучи сувнинг оғирлигига тейиғ:

$$P = 9,8 \frac{N}{kg} \cdot m; m = \rho V; V = Sh = 250 \text{ m}^2 \cdot 4 \text{ m} = 1000 \text{ m}^3;$$

$$m = 1030 \frac{kg}{m^3} \cdot 1000 \text{ m}^3 = 1030000 \text{ kg}; P = 9,8 \frac{N}{kg} \cdot 1030000 \text{ kg} \approx \approx 10000000 \text{ N}.$$

$$\text{Босим } p = \frac{P}{S} = \frac{10000000 \text{ N}}{250 \text{ m}^2} = 40000 \frac{N}{m^2}.$$

2- усул. Агар сувнинг чуқурлиги 1 м га тенг бўлганда эди, 1 m^2 юзага 1 m^3 сувнинг оғирлигига тенг куч таъсир қилган бўлар эди.

$$P_1 = 9,8 \frac{N}{kg} \cdot m = 9,8 \frac{N}{kg} \cdot 1030 \text{ kg} \approx 10000 \text{ N}, p_1 = 10000 \frac{N}{m^2}.$$

Бироқ сувнинг чуқурлиги 4 м га тенг, шунинг учун босим $p = 10000 \frac{N}{m^2} \cdot 4 = 40000 \frac{N}{m^2}$ га тенг бўлади.

Босим кучи $P = pS = 40000 \frac{N}{m^2} \cdot 250 \text{ m}^2 = 10000000 \text{ N}$. Кейинчалик $p = 9,8 \frac{N}{kg} \cdot ph$ формуладан фойдаланиб, ҳисобларни соддалаштириш мумкин.

118 (Э). Иккита шиша ва битта резинка найдан фойдаланиб, тулаш идишлар ясанг ва улар ёрдамида стол сиртнинг, дераза токчаларининг ва бошқаларнинг горизонталлигини текширинг.

119. Сув босими ҳосил қилувчи минора резервуарида сувнинг сатҳи сув ҳавзасидан 30 м баландда туради. 20 м баландликда жойлашган водопровод трубасидаги босимни аниқлананг.

Ечилиши 1. 1 м чуқурликдаги босим сон жиҳатдан 1 m^3 сувнинг оғирлигига тенг эканлиги аниқланади:

$$P_1 = 9,8 \frac{N}{kg} \cdot 1000 \text{ kg} \approx 10000 \text{ N}; p_1 = 10000 \frac{N}{m^2}.$$

10 м чуқурликдаги сувнинг босими $p = 10 \cdot p_1 = 100000 \frac{N}{m^2}$.

$$\text{Ечилиши 2. } p = 9,8 \frac{N}{kg} \cdot 1000 \frac{kg}{m^3} \cdot 10 \text{ m} \approx 100000 \frac{N}{m^2}.$$

120. 76 см чуқурликдаги симобининг босими қандай? Бу босими N/m^2 ; N/cm^2 ларда ифодаланг.

Ечилиши 1. 1 м чуқурликдаги симобининг босими сон жиҳатдан 1 m^3 симобининг оғирлигига тенглиги аниқланади:

$$P_1 = 9,8 \frac{N}{kg} \cdot 13600 \text{ kg} \approx 133000 \text{ N}, p_1 = 133000 \frac{N}{m^2}.$$

76 см = 0,76 м чуқурликдаги босим $p = 133000 \frac{N}{m^2} \cdot 0,76 = 101000 \frac{N}{m^2} \approx 100000 \frac{N}{m^2}$ бўлади.

$$p = 100000 \frac{N}{m^2} = 100000 \cdot \frac{1 \text{ N}}{10000 \text{ cm}^2} = 10 \frac{N}{cm^2}.$$

Ечилиши 2. $p = 9,8 \frac{N}{kg} \cdot ph = 9,8 \frac{N}{kg} \cdot 13600 \frac{kg}{m^3} \cdot 0,76 \text{ m} = 10000 \frac{N}{m^2}$.

121.* Туташ идишларда қандай баландликдаги керосин үс туни 16 см баландликдаги симоб устунини мувозанатга келтириши мүмкін?

$$\text{Ечилиши. } \frac{h_k}{h_{\text{сим}}} = \frac{\rho_{\text{сим}}}{\rho_k}; h_k = \frac{\rho_{\text{сим}} \cdot h_{\text{сим}}}{\rho_k} = \frac{13600 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3} \cdot 0,16 \text{ м}}{800 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3}} \approx 2,7 \text{ м}$$

3. Атмосфера босими

Ушбу тема бүйіча асосан бирор сиртта бўлган атмосфера, босимини аниқлашга доир содла ҳисоблаш ҳамда сифатга оид масалалар ечилади. Босим бирликларини бир системадан иккинчисига ўтказишда ўқувчилар анча қийналадилар. Аввал ўрганилган бирликларга қўшимча қилиб, ўқувчиларга физикавий атмосфера бирлиги (*атм*) ҳақида маълумот берилади: 1 *атм* = 760 *мм сим уст.* ≈ 10 *кН/см²*.

Атмосфера босимини техникада ҳисобга олиш ва ундан фойдаланишга мисол сифатида насосларнинг ишлиши ва атмосфера босимининг баландликка қараб ўзгариши тўғрисида бир неча масала ечиш керак.

122 (ә). Оғзингизга тоза қоғоз варағини келтириб нафас олинг. Бунда қандай ҳодиса кузатилади ва нима учун? Нафас олиш процессини физикавий нуқтаи назардан тушунтириб беринг.

123. Китобнинг муқовасига таъсир қилувчи атмосфера босими ҳисобланг. Нима учун китобни қўлингизда ушлаб турганингизда бу кучни сезмайсиз?

Ечилиши. Паскаль қонунига кўра китобнинг ҳамма томонига бир хил босим таъсир қиласи. Босим кучи $F = 10 \frac{\text{Н}}{\text{см}^2} \cdot S$, бу ерда S — китоб муқовасининг юзаси (ўлчаб тошилади).

124.* Полга таъсир қилаётган атмосфера босимининг кучи уйдаги ҳавонинг оғирлигига тенгми? Агар уй герметик беркитилса, унинг ичидаги босим ўзгарамиди?

Ечилиши. Нормал атмосфера босимида ҳавонинг оғирлиги қўйидагига тенг:

$$P = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot m = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot \rho V = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot 1,29 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3} \cdot V = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot 1,29 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3} \cdot Sh,$$

бу ерда S — полининг м^2 ларда ифодаланган юзаси. h — уйнинг метрларда ифодаланган баландлиги.

$$\text{Босим учун } F = 100000 \frac{\text{Н}}{\text{м}^2} \cdot S.$$

Баландлик $h \approx 3 - 5 \text{ м}$ бўлгани учун $F \gg P$ бўлади.

Ҳаво босимининг вужудга келишига молекулаларнинг урилишлари сабаб бўлади. Ҳавонинг зичлиги ва температураси бирдай бўлганда унинг босими очиқ бинода ҳам, герметик спилган бинода ҳам бирдай бўлади.

125. Нормал атмосфера босимида насос поршени ортидаги сув 10 м дан юқорига күтарилемайды. Сувни юқори баландликтарга қандай чиқарыш мүмкін? Сувни 8 м баландликка күтариш учун насоснинг цилиндрі 8 м дан ортиқ бўлиши шартми? Жавобларингизни чизмалар билан тушунтириб беринг.

126. Насос учун мўлжалланган вакуум тарелкадаги қисқартирилган ёпиқ манометрни қараб чиқинг ва унинг ишланини тушунтиринг. Бу манометр ва симобли барометр ўтрасида қандай ўхшашибек ва қандай фарқ бор? Ҳаво насосининг қалпоги остидаги босим нима учун очиқ симобли манометр билан ўлчаммайди?

127 (э). Барометр-анероид билан мактабнинг турли қаватларидаги босимни ўлчанг ва олинган маълумотларни тушунтириб беринг. Ер сатҳидан баландликни анероид ёрдамида қандай аниқлаш мүмкін?

128. Нима учун самолётда учганингизда юқори баландликларда чўнтақка авторучка солмаслик тавсия қилинади?

129. Нима учун күтарилиш олдидан стратостат қобиғини водород билан батамом тўлдирилмайди?

4. Архимед кучи

Ушбу тема бўйича дастлаб суюқлик ёки газга ботирилган жисмга таъсир қилувчи, итариб чиқарувчи кучни топиш талаб қилинган содда ҳисоблаш ҳамда сифатга оид масалалар ечилади. Сўнгра ўқувчиларга жисмнинг оғирлигини сиқиб чиқарилган суюқлик ёки газнинг оғирлиги билан таққослаш тавсия қилиниб, масалалар бирмунча мураккаблаштириб борилади, бу эса жисмларнинг сузиши ҳақидаги масалаларни ечишни осонлаштиради. Дастлабки масалалар сиқиб чиқарилган суюқлик (газ) нинг массаси ва оғирлигини мос равишда $m = \rho V$, $P = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot m$ формуласлар бўйича кетма-кет аниқланиб, саволлар билан ечилади. Ўқувчилар архимед кучини аниқлашнинг бу усулини ўзлаштириб олганларидан сўнг уларни $F = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \times \times \rho V$ умумий формула билан таништириш мүмкін, бу ерда ρ — зичлик, V — жисм сиқиб чиқарган суюқликнинг ҳажми. Жисмларнинг суюқликларда сузиши ҳақидаги масалаларни ечишда суюқлик ҳажм бирлигининг итариб чиқарувчи кучи тушунчасини киритиш мүмкін. Бу ушбу тушунчани газларга нисбатан қўллашни осонлаштиради, газларда эса бу тушунчанинг киритилиши мажбурийдир.

130 (э). Резинка ипга картошкага бояланг ва уни сувга тушуниш, ипнинг қанча сантиметрга қисқарганини белгиланг. Картошканинг бир қисмини, сўнгра каттароқ ҳаждаги картош-

кани сувга ботириб, тажрибани тақрорланг. Итариб чиқарувчи куч ботирилган жисмнинг ҳажмига қандай боғланган?

131 (ә). Резинка илга боғланган картошкани керосинга, тоза ва шўр сувга тушириб, итариб чиқарувчи кучнинг суюқлик зичлигига боғлиқлиги ҳақида холоса чиқаринг.

132. Итариб чиқарувчи куч жисмнинг қандай мoddадан қилинганига ва шаклига боғлиқ бўладими? Тегиншли тажриба бажаринг.

130—132- масалаларни ўқувчиларга уйга вазифа қилиб топшириш мумкин. 132- масалани ечишда картошка ва пластилиндан тенг ҳажмли қилиб тайёрланган жисмлардан фойдаланиш қулай. Синфда демонстрацион динамометрдан, фронтал масала-тажрибалар ўтказишда эса Бакушинский динамометридан фойдаланиш керак.

133 (ә). Шўр намакоб тайёрланг ва картошкани юлقا қилиб текис қирқинг. Нима учун картошка намакобда сузиб юради-ю, лекин яssi томони билан идиш тубига босиб қўйилса, сув юзига кўтарилмай идиш тубида қолади.

Жавоби. Яssi томонга юқорига қараб сувнинг босим кути таъсир қilmайди ва картошка идиш тубида қолади.

134. Ҳажми 1 m^3 бўлган жисм сувдан, керосиндан ва симбодан қандай куч билан итарилади?

Ечилиши. Масала жисмларнинг зичликлар жадвалидан фойдаланган ҳолда оғзаки ечилади. Архимед кучи ботирилган жисм ҳажмидаги суюқликнинг оғирлигига тенг. Суюқлик оғирлигини аниқлашда ластаввал унинг массаси топилади. Жисмнинг ҳажми 1 m^3 га тенг бўлгани учун суюқликнинг массаси сон жиҳатдан унинг зичлигига тенг. Сувнинг массаси $m_{\text{сув}} = 1000 \text{ кг}$, унинг оғирлиги эса $P_{\text{сув}} = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot 1000 \text{ кг} \approx \approx 10000 \text{ Н}$. Архимед кучи $F_{\text{сув}} = 10000 \text{ Н}$. Керосиндан ва симбодаги итариб чиқарувчи кучлар ҳам шундай топилади: $F_{\text{к}} = 8000 \text{ Н}$, $F_{\text{сим}} = 136000 \text{ Н}$.

135. 40 dm^3 гранит парчасини сувда ушлаб туриш учун қандай куч талаб қилинади?

Ечилиши. Бундай масалалар мураккаб бўлганлиги сабабли, улардан биринчисини саволлар билан ечиш керак.

1. Гранит парчасининг оғирлиги қандай?

$$P = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot m = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot \rho V = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot 2700 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3} \cdot 0,040 \text{ м}^3 \approx 1000 \text{ Н}.$$

2. Архимед кучининг катталиги қандай?

$$F_{\text{к}} = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot m_{\text{сув}} = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot \rho_{\text{сув}} V = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot 1000 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3} \cdot 0,040 \text{ м}^3 \approx 400 \text{ Н}.$$

3. Гранитни сувда ушлаб туриш учун қандай куч керак?

$$F = 1000 \text{ Н} - 400 \text{ Н} = 600 \text{ Н}.$$

136. Сувдаги ҳажми $V = 0,5 \text{ м}^3$ бўлган қарағай гўласи $m = 70 \text{ кг}$ массали одамни кўтариб тура оладими? (Шунингдек № 20 ни ҳам қаранг.)

Ечилиши. 1- усул. Фўланинг массаси $m_r = \rho_k V = 440 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3} \times 0,5 \text{ м}^3 = 220 \text{ кг}$; унинг оғирлиги $P_r = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot 220 \text{ кг} \approx 2200 \text{ Н}$.

$$F_s = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot \rho_{\text{сую}} V = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot 1000 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3} \cdot 0,5 \text{ м}^3 \approx 5000 \text{ Н.}$$

Фўла $P = 5000 \text{ Н} - 2200 \text{ Н} = 2800 \text{ Н}$ юкини кўтара олади. Одамнинг оғирлиги $P_0 = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot 70 \text{ кг} \approx 700 \text{ Н.}$

Бинобарин, фўла одамни ҳатто сувга батамом ботмаган ҳолда кўтара олади.

2- усул. 1 м^3 қарағайнинг оғирлиги $P_{1k} = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot 440 \text{ кг} \approx 4400 \text{ Н}$. 1 м^3 фўлага таъсир қилувчи архимед кучи $F_{1a} = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} \cdot 1000 \text{ кг} \approx 10000 \text{ Н.}$

1 м^3 фўлага таъсир қилувчи кўтарувчи куч $F_1 = 10000 \text{ Н} - 4400 \text{ Н} = 5600 \text{ Н}$ га тенг. Тўла кўтарувчи куч $F = 5600 \text{ Н} \cdot 0,5 = 2800 \text{ Н.}$

Кейинги масалаларда ўқувчиларнинг диққатини 1 м^3 суюқлик (газ) нинг кўтарувчи кучини ҳисоблашни бирмунча соддалаштириш мумкин эканлигига қаратиш фойдали:

$$F_{1a} = 9,8 \frac{\text{Н}}{\text{кг}} (\rho_{\text{сую}} - \rho_{\text{ж}}),$$

бу ерда $\rho_{\text{сую}}$ — суюқликнинг (газнинг) зичлиги, $\rho_{\text{ж}}$ — ботирилган жисмнинг зичлиги.

Дастлаб бу турдаги масалаларнинг бир нечтаси биринчи усул билан ечилади, сўнгра, айниқса ҳавода сузиш ҳақидаги масалаларни ечишда иккинчи усулга ўтилади.

137. Денгиз сувидаги сув сиқими (сиқиб чиқарган сувининг оғирлиги) юксиз бўлганда 3000 T , тўла юк ортилганда эса 5000 T бўлган кеманинг қанча юк кўтаришини аниқланг. Кеманинг юк кўтара олиш қобилияти чучук сувда ўзгарадими?

138. Қадимги юнон олим Аристотель чарм қопни ицида ҳавоси билан ва ҳавосиз тортиб кўрди. Иккала ҳолда ҳам чарм қопнинг оғирлиги бирдай чиққани сабабли Аристотель ҳаво вазнисиз бўлади деган холосага келди. Аристотелнинг холосаси нотўғри эканини исбот қилинг.

139. Ўқувчи Аристотелнинг тажрибасини такрорлаш мақсадида, футбол тўпини аввал ҳавосиз, сўнгра унга насос билан ҳаво бериб тортиб кўрди. Ицида ҳавоси бўлганда тўп оғир бўлиб чиқди. Нима учун ўқувчи Аристотелдан бошқача цатижга олди?

140. Ҳажми 1 м^3 бўлган шар водород билан тўлдирилганда қанча юк кўтара олади? Гелий билан тўлдирилганда-чи?

Массаси 70 кг бўлган одамни кўтариш учун водород билан тўлдирилган шарнинг ҳажми тахминан қандай бўлиши керак? (Шар қобиғининг оғирлиги назарга олинмасин.)

Ечилиши. Архимед кучи 1 м³ ҳавонинг оғирлигига тенг.
 $F_a = 9,8 \frac{N}{kg} \cdot 1,29 kg \approx 12,9 N.$

1 м³ водороднинг оғирлиги $P_{10} = 9,8 \frac{N}{kg} \cdot 0,090 kg \approx 0,9 N.$
 Кўтариш кучи $F_b = 12,9 N - 0,9 N = 12 N.$ Худди шунга ўхшаш гелий учун $F_r \approx 11 N.$ Одамнинг оғирлигига $P_0 = 9,8 \frac{N}{kg} \cdot 70 kg \approx 700 N.$ Шарнинг ҳажми

$$V = \frac{700}{12} \approx 60 (m^3).$$

141. Улуғ Ватан уруши вақтида Москвани душман самолётларидан сақлаш учун ингичка пўлат тросларга боғланган аэростатлардан фойдаланилган эди. Фашист самолётлари уларга қўйқисдан келиб урилиб, ҳалокатга учрар эди. Ҳажми 1000 м³ бўлган водород билан тўлдирилган аэростат қандай оғирликдаги тросли кўтара олишини ҳисобланг. Аэростат қобиғининг оғирлигига 2000 N га тенг.

Ечилиши. 1 м³ водороднинг кўтариш кучи $12 \frac{N}{m^3} \cdot 1000 m^3$ водороднинг кўтариш кучи $F = 12 \frac{N}{m^3} \cdot 1000 m^3 = 12000 N.$ Троснинг оғирлигига $P = 12000 N - 2000 N = 10000 N.$

Масаланинг ечилишини анализ қилишда аэростат 10000 N юкни фақат Ер сиртида кўтариши мумкинлигини, юқори баляндликларда эса ҳавонинг зичлиги ва бинобарин, унинг кўтариш кучи ҳам кам бўлишини ўқувчиларга тушунтириб ўтиш фойдали бўлади.

7- БОБ

ИШ ВА ҚУВВАТ. ЭНЕРГИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Ушбу тема бўйича механикавий ишни ва қувватни ҳисоблашга, содда механизмлар (ричаглар ва блоклар) га ҳамда кинетик ва потенциал энергияларнинг ўзаро айланишларига доир масалалар ечилади. Катта ҳисоблашлар талаб қиласидиган мураккаб масалаларни ечиш керак эмас, чунки бу материалнинг кўп қисми VIII синфда такрорланади ва чуқурлаштирилади.

I. Механикавий иш

VI синфда иш ҳақидаги масалалар $A = Fs$ формуладан фойдаланған ҳолда, яғни күч доимий бўлиб, унинг йўналиши силжиш йўналиши билан бир хил бўлган ҳол учун ечилади. Кўпчилик масалалар F кучни ёки S йўлни топишга эмас, балки бевосита A ишни топишга мўлжалланған.

Бу бўлимда асосан ишнинг физикавий катталик эканлиги ҳақидаги тушунчани ва унинг ўлчов бирликларини мустаҳкамловчи ўрганиш (машқ қилиш) масалалари ечилади. Ишни ҳисоблашга оид мураккаброқ масалалар оддий механизмларни ўрганишда ечилади.

142. 1 н куч 1, 2 ва 10 м йўлда қандай иш бажаради?

143. Кўтариш кранининг 30 000 н юкни 7 м баландликка кўтаришда бажарган ишини аниқланг.

Ечилиши. 1- усул. Ишини ҳисоблашга доир боцланғич масалаларни қўйидагича мuloҳазалар юритиб ечган маъқул.

Юкни кўтариш учун унга 30 000 н куч қўйиш керак. І н куч 1 м йўлда 1 ж иш бажаради. 30 000 н куч 1 м йўлда 30 000 ж иш бажаради, 7 м йўлда эса 30 000 ж · 7 м = 210 000 ж = 210 кж иш бажаради.

2- усул. $A = Fs = 30 000 \text{ н} \cdot 7 \text{ м} = 210 \text{ кж.}$

144 (ә). Брускни стол бўйлаб 1 м силжитиш ёки уни шундай баландликка кўтариш учун бирдай иш бажариладими? Жавобингизни тажрибада текширинг.

Бу масаланинг мақсади кўпинча йўл қўйиладиган хато — жисмнинг сирт бўйлаб силжишида бажарилган ишини жисм оғирлигини йўл ғузунлагига кўпайтириб топишдан огоҳ қилишdir.

145. Тракторининг ер ҳайдаш вақтидаги тортиш кучи 10 000 н, тезлиги эса 7 км/соат . Тракторнинг двигатели 8 соат давомида қандай иш бажаради?

Ечилиши. $A = Fs$, $s = vt = 7 \frac{\text{км}}{\text{соат}} \cdot 8 \text{ соат} = 56 \text{ км} = 56 000 \text{ м.}$

$$A = 10 000 \text{ н. } 56 000 \text{ м} = 560 000 \text{ кж.}$$

2. Қувват

Кувват кўпинча $N = \frac{A}{t}$ формула бўйича ҳисобланади.

Кувватнинг ўлчов бирликларига катта эътибор бериш керак, чунки ўқувчилар кўпинча қувват бирликлари билан куч ва иш бирликларини аралаштириб юборадилар.

Бошланғич масалаларда масала шартидаги катталикларни битта СИ системасида бериш керак, бу асосий эътиборни масаланинг физикавий маъносига қаратишга имкон беради. Кеинироқ масалаларни ўқувчиларнинг ўзлари ўлчов бирликларидан бирор тарзда топишга мөмкунлосига эга.

рини танлайдиган қилиб, бирмунча мураккаблаштириш мумкин.

146. Одам 80 н куч таъсир қилиб, 10 м чуқурликдаги қудудан сувли челякни 20 секунлда кўтариб олади. Одамнинг қувватини толинг.

Ечилиши. Кувватнинг таърифини эсга олиб, $N = \frac{A}{t}$ формула ёзилади. Формулани анализ қилиб, қувватни аниқлаш учун аввал ишни топиш керак деган холосага келинади. $A = Fs = 80 \text{ н} \cdot 10 \text{ м} = 800 \text{ ж.}$

$$N = \frac{800 \text{ ж}}{20 \text{ сек}} = 40 \frac{\text{ж}}{\text{сек}} = 40 \text{ вт.}$$

Келгусида ўқувчиларни бундай содда масалаларни аввал умумий кўринишда ечишга ўргатиш керак.

147. Троллейбус тортиси двигателининг қуввати 86 квт . Двигатель 2 соат давомида қандай иш бажариши мумкин?

148. Чуқурлиги 150 м бўлган шахтадан 200 м^3 сувни тортиб олиш учун қуввати 50 квт бўлган насос қандай иш бажариши керак?

147–148– масалалар ўқувчиларнинг қувват формуласидан A ва t катталикларни топишга ва бирликлар системасидан тўғри фойдаланишга ўргатишга мўлжалланган.

149.* Олимлар китнинг сув остида 27 км/соат тезлик билан сузуб, 180 o.k. қувватга эришишини ҳисоблаб чиқсанлар. Сувнинг кит ҳаракатига қаршилик кучини аниқланг [34,631]. ($1 \text{ от кучи} = 736 \text{ вт.}$)

Ечилиши. $A = Fs$, шунинг учун изланаётган куч $F = \frac{A}{s}$ бўлади. s катталик учун 1 соат давомида ўтилган йўл, яъни 27 $\text{км} = 27000 \text{ м}$ олинади. У ҳолда A катталик учун ҳам 1 соатда бажарилган иш олиниши керак.

Ўчов бирликларини алмаштириш ўқувчилар учун бирмунча қийинлик туғдиришини ҳисобга олиб, уларни алоҳида амаллар сифатида бажартириш керак. $N = 736 \text{ вт} \cdot 180 \approx 133000 \text{ вт.}$ Бинобарин, 1 сек да бажарилган иш 133000 ж га тенг экан. $1 \text{ соат} = 3600 \text{ сек.}$ 1 соат да бажарилган иш:

$$A = 133000 \text{ ж} \cdot 3600 \approx 479000000 \text{ ж.}$$

$$F = \frac{479000000 \text{ ж}}{27000 \text{ м}} \approx 18000 \text{ н.}$$

3. Ричаглар. Блоклар

Ричаглар ҳақида масалалар ечишда, одатда фақат икки кучнинг мувозанати қаралгани учун, $\frac{F_1}{F_2} = \frac{l_2}{l_1}$ ёки $F_1 l_1 = F_2 l_2$ формуладан фойдаланилади. VI синфда ричагнинг мувозанат шартини пропорция шаклида ёзиш тавсия қилинади, чунки

бу кучлар ва елкаларнинг нисбати түғрисида анча яққол тасаввур беради.

Аввал таянч нуқтаси кучлар қўйилган нуқталарнинг орасида бўлган түғри чизиқли ричаглар ҳақидаги, кейин эса кучларнинг қўйилиш нуқталари таянч нуқтасининг бир томонида бўлган ричаглар ҳақидаги масалалар ечилади. Ундан сўнг эгри чизиқли ричаглар ҳақидаги масалаларга ўтилади.

Ричаглар ҳақидаги масалаларда одатда ричагнинг кучдан берган ютуги аниқланади. Шу билан бирга қатор ҳолларда кучдан эмас, балки масофадан ютиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлишини кўрсатиш керак, бу билан ўқувчиларнинг „механиканинг олтин қоидаси“ни яхши ўзлаштиришларига эришилади.


Ричагларнинг ишлаш принципи мисолида ўқувчилар шунингдек оддий механизмлар учун ишнинг тенглик принципи билан ҳам танишадилар.


150. Қўйидаги ричагларнинг чизмасини чизинг ва уларнинг ҳар бири учун таянч нуқтаси, елка ва кучларни кўрсатинг: 1) паллаларида юклар билан мувозанатлаштирилган ричагли тарози; 2) горизонтал турган темир йўл шлагбауми; 3) қудукдан тортиб олинган сувлий чеълак осилган қудук ҳавозаси. Бу ричагларнинг умумий томони ва бир-биридан фарқини айтиб беринг.

Масала ечишда ўқувчилар елка ва кучлар орасидаги нисбатни назарда тутган ҳолда ричагларнинг схемасини чизадилар. Ўқувчиларнинг эътиборини айниқса учичи саволга түғри жавоб беришга қаратиш керак. Қудук ҳавозасининг ричаги биз кўраётган ҳолда горизонтга қия туради. Бироқ ўқувчилар кўпинча елканинг узунлиги учун айланниш ўқидан кучнинг қўйилиш нуқтасигача бўлган масофани оладилар, аслида эса кучнинг таъсир чизиғигача бўлган масофани олиш керак.

151 (э). Ричаг мувозанатда бўлиши учун ўнг елканнинг (20- расм) қаерига қандай юк осиш керак?

Демонстрацион столда чап елкасига юклар осилган ричаг ўрнатилади ва ўқувчиларга ричаг мувозанатда бўлиши учун ўнг елканнинг қаерига қандай юклар осиш кераклигини ҳисоблаш топшириллади. Жавоб тажрибада текшириб кўрилади.






21- расм.

152 (ә). 21- расмда кўрсатилган қурилманинг расмини чизинг ва сўнгра уни ясанг. Ричагга таъсир қилаётган кучларнинг йўналиши, таянч нуқтаси ва елкаларни кўрсатинг. Бу ҳол учун ричагларнинг мувозанат қоидасини кўллаб бўладими, текшириб кўринг. Ушбу ричагнинг сиз бунгача ўргаиган ричаглардан фарқи нима? Елка ва кучларнинг ричаг мувозанатда бўладиган бошқа қийматларици танланг.


153. 22- расмда автосуғоргич педалининг схемаси кўрсатилган. Ричагнинг таянч нуқтаси, елкалари ва унга таъсир қилувчи кучларни кўрсатинг.

154. Омбур, кескич омбур ёки қандни майдалайдиган қисқишининг расмини чизинг ва уларнинг кучдан қандай ютуқ беришни ҳисобланг.


Ечилиши. Кескич омбурнинг COD ярми таянч, иккинчи AOB ярми O айланиш ўқига эга бўлган ричаг деб қабул қилинади (23- расм). F_1 ва F_2 кучларнинг қўйилни нуқталари ва таъсир йўналишилари кўрсатилади. F_1 кучни материалнинг босими, F_2 кучни эса қўлнинг босими юзага келтиради. L_1 ва L_2 елкаларнинг узуилиги ва омбурнинг кучдан қандай ютуқ беришни кўрсатувчи $\frac{L_2}{L_1}$ нисбат аниқланади.



22- расм.



23- расм.



24- расм.

155. 24- расмда одамнинг қўли тас-
вирланган. Ядронинг оғирлиги 80 к.
Ядронинг марказидан тирсаккача бўл-
ган масофа 32 см. Тирсакдан мускуллар
бирлашган жойгача бўлган масофа 4 см.
Мускуллар қандай куч билан тортилган
[34, № 654].


Е ч и л и ш и. Схематик чизма чизила-
ди (25- расм). Бу ерда $\frac{OB}{OA} = 8$. Бино-

барин, F_1 куч F_2 дан 8 марта катта.


$F_1 = 80 \text{ к} \cdot 8 = 640 \text{ к}$, яъни мускулларнинг таранглик кучи
ядронинг оғирлигидан 8 марта катта. Бироқ қўлнинг ядро
турган бармоқлари мускулнинг күч қўйилган нуқтасига қара-
ганда каттароқ масофага кўчади. Қўл кучдан ютқазгани ҳозда
масофа ва тезликтан ютади.

156. Чигирнинг моделини қараб чиқинг ва расмини чи-
зинг. Бу оддий механизм турмушда қаерда ва қандай мақ-
садларда қўлланилади? Чигир модели кучдан қандай ютуқ
беришини ҳисобланг ва тажрибада текширинг.

157. Қўзғалмас блок кучдан ютуқ берадими? Жавобини гизни
асосланг ва тажрибада тек-
ширинг.



25- расм.



26- расм.

158. Полда турган оғир-
лиги 700 к бўлган одам
қўзғалмас блок ёрдамида
500, 800 к юкни кўтара
оладими?

159. Юкни кўтариш учун
арқонни қандай куч билан
тортиш керак (26- а расм).
Агар блоклардан фойдала-
нилса, ишдан ютиш мум-
киними? Блокларнинг оғир-
лиги ва ишқаланишини на-
зарга олманг.

Бу турдаги масалаларда
оддий механизм ишдан ютуқ
бермаслиги ҳақидаги хуло-
са ўқувчиларни бир оз ўй-
лантириб қўяди. Бу ерда
 F_1 сўнгайтма билан аниқла-
надиган „иш“нинг физика-
вий тушунчаси билан ин-
соннинг меҳнат фаолияти-

даги „иш“ тушунчасининг фарқини уқтириб ўтиш керак. Оддий механизм, ушбу ҳолда блок, инсоннинг меҳнат операцияларини қулайлаштириши ва меҳнат унумдорлигини ошириши мумкин.

160. Ўқувчи динамометр ёрдамида арқонинг таранглик кучини ўлчаб (26- б расм), унинг 12 н га тенг эканини аниқлади. Бу ўлчашиб натижалари назарий ҳисобланган натижалар билан мос келадими ва агар мос келмаса, нима учун?

161. 160- масаладаги маълумотларга кўра блокларнинг фойдалари иш коэффициентини аниқланг.

$$\text{Ечилиши. Ф. и. к.} = \frac{A_{\text{фой}}}{A_{\text{сарф}}} \cdot 100\%; A_{\text{фой}} = Ps,$$

$$A_{\text{фой}} = 20 \text{ н}\cdot\text{s}; A_{\text{сарф}} = 12 \text{ н}\cdot\text{s};$$

$$\text{Ф. и. к.} = \frac{20 \text{ н}\cdot\text{s}}{12 \text{ н}\cdot\text{s}} \cdot 100\% \approx 83\%.$$

Бу масалани ечишда VI синф ўқувчисига дуч келадиган асосий қиёйинчилик — амалларни умумий кўринишда бажариш. Бунга алоҳида эътибор бериш ва ўқувчиларни тобора масалаларни умумий кўринишда ечишга ҳамда маълумотлари тўла бўлмаган масалаларни ечишга ўргатиб бориш керак.

4. Механикавий энергия

Ушбу темага оид масалалар ўқувчиларда энг муҳим физикавий тушунча — „энергия“нинг ҳаракатни характерловчи ва Ф. Энгельснинг таърифича, унинг меъёрини билдирувчи катталик сифатида шаклланишига ёрдам бериши керак. Шунинг учун дастлаб кинетик энергияга, ёнгра эса потенциал энергияга оид масалалар ечиш мақсаддага мувофиқ. VI синф программасига ҳали $W_k = \frac{mv^2}{2}$ формула киритилмагани учун кинетик энергия ҳақида фақат сифатга оид масалалар ечилади. Бироқ ўқувчиларга жисмнинг массаси ва тезлиги қанча катта бўлса, унинг кинетик энергияси шунча катта бўлиши тўғрисида умумий тушунча бериш керак. Потенциал энергия ҳақидали масалалар ҳам асосан сифатга оид масалалардир, аммо Ер сиртига нисбатан кўтарилиган жисмнинг потенциал энергияси доир масалалар ҳамда ҳисоблаш масалалари $W_n = Ph$ формулага мувофиқ счилиши керак.

Жисм кинетик ёки потенциал энергияга эга ёки эга эмаслигининг умумий критерииси бўлиб, жисм энергияси ўзарининг ўлчови — унинг иш бажара олиш қобилияти хизмат қилиши керак. Ниҳоят, механикавий энергия бир турининг иккинчи турга ўтишига оид масалалар ечилади, бу масалалар ўқувчиларни энергиянинг сақланиш ва алланиш қонуни ҳақидаги тушунчага олиб келади.

162 (з). Турли массадаги бир неча шар, горизонтал жойлашган ков ва бу новда ётувчи кичик бруск ёрдамида қу-

йидагиларни исботланг: а) ҳаракатланаётган шар энергияга эга бўлади; б) ҳаракатланаётган шарларнинг массаси ва тезлиги қанча катта бўлса, уларнинг энергияси шунча катта бўлади.

Ечилиши. Шар нов бўйлаб қўйиб юборилади ва унинг брускни қандай сурини кузатилади. Шар ишқаланиш кучларига қарши иш бажаради ($A = F_s$), бинобарин, у энергияга эга бўлган. Шарнинг ҳаракат тезлигини бир неча марта ўзгартириб ва массалари бир-биридан анча фарқ қилувчи шарлардан фойдаланиб, юқоридаги тажриба тақрорланади. Бунда шарларнинг тезлиги ва массаси қанча катта бўлса, унинг энергияси шунча катта бўлиши кузатилади.

163 (Э). Футбол тўпи ичига қамалган ҳаво энергияга эга эканлигини исботловчи тажриба ўйлаб топинг ва уни бажаринг.

Ечилиши. Тўп камераси ичидаги ҳаво оқимини столдаги енгил шарга ёки сувли идишдаги ўйинчоқ кемага йўналтирасак, улар силжийди. Ҳаво иш бажаряпти, демак, у энергияга эга.

164. Тоғдаги кўлнинг суви қандай турдаги механикавий энергияга эга? Дарёдаги сув-чи? Соатнинг буралган пружинаси-чи? Муз бўйлаб сиринанаётган шайба-чи? Ҳавода учётган шайба-чи?

165. Массаси 1 кг бўлган жисм Ер сиртидан 1 м кўтарилиганда қандай потенциал энергияга эга бўлади? 100 м кўтарилиганда-чи?

166. Массаси 2 кг ва 10 кг бўлган икки жисмнинг потенциал энергияси тенг бўлиши мумкинми? Жавобингизни мисоллар билан тушунтиринг.

167. Резинка тўл полга тушганда энергиянинг қандай айланышлари рўй беради? Сиқилган ҳаво футбол камерасидан чиқаётгандачи (163- масала)?

168. Ирга осилган жисмининг ҳаводаги ва сувдаги тебранишларини кузатинг. Бу тебранишларнинг фарқи нимада ва бу фарқ тебранаётган жисм энергиясининг айтанишлари билан қандай боғланган?

169. Гидравлик ва шамол двигателларида механикавий энергиянинг қандай турларида фойдаланилади?

170. Красноярск ГЭСининг тўғони Енисей дарёсининг сатҳини 100 м га кўтарди. Бундай баландликдан тушишда ҳар куб метр сув қандай иш бажаради?

Ечилиши. $A = Ph = 9,8 \frac{m}{kg} \cdot mh = 9,8 \frac{m}{kg} \cdot 1000 kg \cdot 100 m \approx \approx 1000 kJ$.

171. Аввалги масаланинг ечилишидан фойдаланиб, Красноярск ГЭСи турбинасининг тахминий қувватини аниқланг. Турбина орқали сарфланган сув 600 $m^3/\text{сек}$, унинг фойдали иш коэффициенти (η) = 94% деб олинг.

Ечилиши. Сув оқимининг қуввати $N = 1000 \cdot 600 \text{ кн/сек} = = 600 \text{ минг квт}$. Турбинанинг қуввати $N_t = N_{\eta} = 600 \text{ минг квт} \cdot 0,94 \approx 560 \text{ минг квт}$.

ИССИҚЛИК УЗАТИШ ВА ИШ СИНФ

Бу бўлимда молекуляр физика элементлари энергетик нуқтати назардан ўрганилади. Йчки энергия ва уни ўлчаш усуллари ҳақидаги тушунчалар айниқса муҳимдир. Иссиқлик миқдорини ҳисоблаш малакаларини шакллантириш учун унчалик мураккаб бўлмаган ҳисоблаш масалалари ечиш керак.

Иссиқлик миқдорининг бирлиги сифатида асосан жоулдан фойдаланиш керак. Калориядан ҳам фойдаланиш мумкин, чунки бу бирлик ҳали амалда стабил дарсликларда қўлланилади. Масса унча катта бўлмай, граммларда ўлчангандан калориядан фойдаланиш ҳисобни соддалаштиради.

1. Йчки энергия

Ушбу бўлимга тегишли масалаларни ечишда ўқувчиларда ички энергия молекулаларнинг кинетик ва потенциал энергиясига боғлиқ бўлиши ва шунинг учун уни иш ва иссиқлик узатиш йўли билан ўзгартириш мумкин эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил бўлиши керак; барча жисмлар ички энергияга эга бўлади, бу энергиядан маълум шароитлардагина фойдаланиш мумкин.

172 (Э). Колбадаги ҳаво энергияга эгами? Буни тажрибада қандай исботлаш ва молекуляр назария асосида қандай тушунитириш мумкин?

Ечилиши. Колба пўрак билан ёпилади ва ҳаво насосишиг қалпоғи остига қўйилади. Қалпоқ остидаги ҳаво бир оз сийраклаштирилганда, у колбадаги пўракни итариб, молекулаларнинг кинетик энергияси ҳисобига иш бажаради.

173 (Э). Уй температурасидаги сув энергияга эга эканлигини тажрибада исбот қилинг.

Ечилиши. Ҳаво тўлдирилган колбани пўрак билан ёпиб, пўрак орасидан бир томчи сув томизилган шиша найда ўтказмиз (27- расм). Колба аввал совуқ сувга, сўнгра уй температурасидаги сувга туширилади. Колбадаги ҳаво кенгаяди ва байнидаги α сув устунини кўтаради. Сув устунини уй температурасидаги сувнинг энергияси ҳисобига бажарилган иш кўтаради.

174. Тоғдаги күл суви ва ундан бошланувчи дарё суви сиз билган энергияларнинг қайси турига эга?

Жаоби. Күлдеги сув потенциал ва ички энергияга, дарёдаги сув эса потенциал, кинетик ва ички энергияга эга.

175. Нима учун броун ҳаракати температура күтарилиган сари интенсивлашади? Бундан жисмлар ички энергиясининг уларининг температура ларига боғлиқлiği ҳақида қандай хулоса чиқарып мумкин?

176. Қисилган ёки чўзилган резинка мисолида жисмнинг ички энергияси унинг зарраларининг ўзаро жойлашишига боғлиқ эканини кўрсатинг.

177. Пўлат пластиканинг учунин қум тошли чарх ёрдамида ёки печда қиздириш йўли билан қип-қизил қилиб чўглатиш мумкин. Молекуляр назария ва энергиянинг сақланиш қонуни нуқтаи назаридан бу процессларнинг қандай умумий томони ва қандай фарқи бор?

2. Иssiқлик узатиш усуллари

Дастлаб қаттиқ жисмларнинг иссиқлик ўтказувчанлигига доир масалалар ечилади. Бу масалалар одатда қийинчилик тутдирмайди. Суюқлик ва газларнинг иссиқлик ўтказувчанлигига доир масалалар мураккаброқ, чунки бунда иссиқлик ўтказувчанлик билан бирга конвекция ҳам кузатиласди. Шунинг учун бу темага доир бошланғич масалаларни диққат билан танлаш ва ечишда конвекцияни назарга олиш керак бўлган масалаларни киритмаслик керак.

Конвекция ҳақидаги масалалар конвекциянинг келиб чиқиш сабаби, табиатдаги аҳамияти, техника ва турмушдаги хизматини тушунишга ёрдам бериши керак.

Нур чиқариш ва нур ютишга доир масалаларни ечишда кўзга кўринмайдиган инфрақизил нурларнинг мавжудлиги ўқувчиларга тўла ойдин эмаслигини назарда тутиш керак. Ўқувчилар нур энергияни кўп ютган жисмлар (масалан, қора жисмлар)нинг нур чиқариш қобилияти катта бўлиши ҳақидаги фикрни қийин ўзлаштирадилар. Шунинг учун бир қатор экспериментал масалалар ечини ва бунда тажриба ва кузатиш натижаларини тушунтиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Ниҳоят иссиқлик узатишнинг бир вақтда иссиқлик ўтказувчаликни, конвекцияни ва нур чиқаришни назарга олиш керак бўлган янада мураккаб ҳоллари кўрилади.

178. Агар стаканга қайноқ сув қуицса, қўлингиз шишанинг исиганини дарҳол сезади. Молекуляр назария ёрдамида стакан деворларининг иссиқлик узатиш процессини тушунтиринг.

179 (э). Қўлингизга 5–6 см узунликдаги мих олиб, унинг учини гугурт алангасига тутинг. Тажриба асосида ёғоч ва темирнинг иссиқлик ўтказувчалигини таққосланг. Гугурт ўчгандан сўнг қўлингиз нима учун михни айниқса иссиқ сезишни тушунтиринг.

180.* Тупроқнинг турли чуқурликларида сутка давомида температуранинг ўзгаришларини кўрсатувчи қўйидаги жадвалга қаранг ва ундаги маълумотларни тушунтириб беринг.

Тупроқ қатламининг чуқурлиги	Температуранинг максимумга кўтарилиш вақти	Температуранинг минимумга тусишиш вақти
Тупроқ сиртида	соат 13,2	соат 3,4
20 см чуқурликда	• 18,2	• 8,1
40 см чуқурликда	• 23,7	• 12,8

181. Шимолда совуқдан сақланиш учун, жанубда эса (масалан, Туркманистанда) иссиқдан сақланиш учун мўйна қалпоқлар кийиб юрилади. Бунинг мақсадга мувофиқлигини тушунтириб беринг.

182. Кузги буғдој сингари қишлоандиган экинларни юмшоқ қор совуқдан яхши асрайдими ёки зич босилган қорми?

183. Нима учун гулхан устидаги тутун баландга кўтарилади?

184. Шам космик кемадаги вазнисизликда яхши ёнадими ёки Ердами?

Жавоби. Шам Ерда яхши ёнади, чунки бу ерда архимед кучига мувофиқ ёниш маҳсулотларини олиб кетувчи ва кислород келтирувчи конвекцион оқимлар ҳосил бўлади.

185. Майиший холодильникларда музлатгич қаерга ўрнатилиди ва нима учун?

186. Чўғланган темир печь, кўмир ёки электр плитканинг „ховури баланд“ бўлиши ҳаммага маълум. Бу ҳолда одам энг аввал нурлар сифатида берилаётган иссиқликни сезишини исбот қилинг.

187 (э). Бир қора ва иккинчиси оқ рангга бўялган иккита бир хил идишга (масалан, иккита чуқур консерва банкасига) қайнаган сув солинг ва термометрлар тусиринг. Бир неча минутдан сўнг сувнинг температурасини ўлчанг ва термометрлар кўрсатишларидаги фарқни тушунтириб беринг.

188.* Бир ўқувчи ёз вақтида оқ кийимда юриш салқинроқ бўлади, чунки у нурларни яхши қайтариб, камроқ қизийди деб, иккинчи ўқувчи эса қора кийимда юриш салқинроқ, чунки у нурларни кўп нурлайди деб баҳс қилдилар. Уларнинг қайси бири ҳақ?

Ечилиши. Кийимнинг бирдай бошлангич температурасида уч ҳол бўлиши мумкин: а) ташқаридан кам иссиқлик келмоқда. Бу ҳолда аввалги масаладаги сингари қора кийим оқ кийимдан кўра кўпроқ совийди; б) ташқаридан кўп иссиқлик келмоқда. Бу ҳолда қора кийимда нур ютиш ва нур чиқариш мувозанати оқ қийимдан кўра баландроқ температурада юзага келади. Бу амалда ёзинг Қуёш қиздираётган кунларида бўллади; в) шундай ўртача шароитлар ҳам бўлиши мумкини, бунда икки фактор (нур чиқариш ва нур ютиш)нинг йиғиндиси оқ ва қора кийимнинг сиртидаги температуранинг бирдай бўлишига олиб келади.

189. Нима учун чуқур сув ҳавзалари тубигача музламайди?

Жавоби. а) сувнинг иссиқликдан кенгайиш хусусияти туфайли сув ҳавзаларида қишида конвекция бўлмайди: температураси 4°C га яқин бўлган энг зич қатламлар пастда жойлашади; б) сувнинг иссиқлик ўтказувчанлиги ёмон; в) сув ҳавзасини қоплаган муз ва қор қатлами иссиқликни ёмон ўтказади; г) музнинг сирти ҳавзанинг тубидан келаётган иссиқлик нурларини қайтаради.

3. Иссиқлик миқдори. Солишлирма иссиқлик сигими

Иссиқлик миқдорини ҳисоблашга доир масалалар $Q = cm(t_2 - t_1)$ формуладан фойдаланиб ечилади. Формулани фақат меҳаник ёдлаб қолмаслик учун тема ўрганила бошаётганда ўқувчилардан унинг маъносини сўраш ва улардан молданинг солишлирма иссиқлик сигими тушунчасидан фойдаланган ҳолда формулани чиқариб беришларини талаб қилиш керак. Дастреб формулага мувофиқ фақат бевосита ҳисоблашлар бажарилади, яъни иссиқлик миқдори Q топилади. Бошқа катталиклар ва айниқса t_2 ва t_1 температуralарни топиш ўқувчилар учун қийин масала. Бунда ҳамма вақт ўқувчиларнинг математикадан олган билимларига таяниш ва масаланинг моҳиятини оддий соили мисоллар билан эринмасдан тушунириш керак. Айни вақтда математика ўқитувчиси билан алгебра дарсларидан унинг ўқувчилар билан $a = bc(d - x)$; $a = b(c - d)x$ каби тенгламаларни ечишга келтириладиган бир неча масалаларни таҳлил қилиши ҳақида келишиб олиш керак. Бу айниқса ўқувчилар иссиқлик баланси тенгламасидан фойдаланиб счиладиган масалаларни ечишга киришгандарида зарурдир.

$Q = cm(t_2 - t_1)$ формула бўйича масалалар ечаётганда ўқувчиларнинг диққатини жисемнинг олган ёки берган иссиқлигини аниқлашда температуralар фарқининг абсолют қийматини билиш зарур эканлигига қаратиш керак. Шунинг учун ҳисоблашларда абсолют қиймати жиҳатидан катта бўлган температурадан кичиги айрилади. Охирги температурадан бош-

ланғыч температураин айниш қатор ҳолларда иссиқлик миқдорининг мағній бўлишига олиб келиши мумкин, бу эса қўшимча тушунтиришларни талаб қиласди ёки иссиқлик баланси тенгламасига доир масалаларини ечишда умуман иотўғри жавобга олиб келади.

Иссиқлик миқдорини ҳисоблашга доир масалалар иложи борича содда бўлиши керак. Мураккаброқ масалалар IX синифда молекуляр физикани ўрганишда материални такрорлаш ва чуқурлаштириш тартибида ечилади. Иссиқлик процесслари ҳақида аёний образ ва тасаввурлар ҳосил қилиш учун масалалар ечишининг график методидан кенгроқ фойдаланини мақсадга мувофиқдир. Бироқ бу материални ўрганиш вақтида VII синф ўқувчилари ҳали гравилар чизиш малакаларига эга бўлмайдилар. Шунинг учун физика ўқитувчиси шу темага бағишилаб махсус машғулот ўтказиши зарур.

190. 1 кг сув ва 1 кг темир 1°C қиздирилди. Уларнинг ички энергиялари қанча ўзгарган ва бу ўзгариш молекуляр назария асосида қандай тушунтирилади?

191. 100°C температурадан уй температурасигача нима тезроқ совийди: темир дазмолми ёки ичидағи суви билан биргаликдаги массаси дазмол массасига тенг бўлган алюминий чойнакми?


192 (ә). Термометр ҳамда иссиқ ва совук сувли стаканлар ёрдамида иккита ҳажми унчалик катта бўлмаган ($50-100 \text{ см}^3$) жисмлардан қайси бирининг иссиқлик сиғими катта эканлигини аниқланг.

193. 28-расмдаги графикда сув, мис ва темир температураларининг ўзгариш графиклари берилган. Бу жисмлар тенг вақт ораликларида бирдай иссиқлик миқдори чиқарадиган горелкаларда қизиган. Графикларнинг қайси бири сув, қайси бири мис ва қайси бири темир учун чизилган эканлигини кўрсатинг.

194. Плитада ичидаги суви бўлган алюминий кастрюлька қиздирилди. Кастрюлканинг массаси 400 г, сувники — 3 кг. Вақт ўтиши билан сув ва кастрюлька олган иссиқликнинг ортиб бориш графикини чизинг.

195. Юқоридаги масаланинг шартларидан фойдаланиб, сув ва кастрюльканни 10°C дан 60°C гача иситиш учун қанча иссиқлик миқдори керак эканлигини аниқланг.

Ечилиши. Кастрюльканинг олган иссиқлик миқдори:



28-расм.

$$Q_1 = c_a m_a (t_2 - t_1) = 880 \frac{\text{ж}}{\text{кг}\cdot\text{град}} \cdot 0,400 \text{ кг. } (60 - 10)^\circ = 17600 \text{ ж} \approx 18 \text{ кж.}$$

Сувнинг олган иссиқлик миқдори:

$$Q_2 = c_c m_c (t_3 - t_1) = 4200 \frac{\text{ж}}{\text{кг}\cdot\text{град}} \cdot 3,0 \text{ кг. } (60 - 10)^\circ \approx 630 \text{ кж.}$$

Кастролька ва сувнинг олган иссиқлик миқдори:

$$Q = Q_1 + Q_2 = 18 \text{ кж} + 630 \text{ кж} = 648 \text{ кж} \approx 650 \text{ кж.}$$

196. Пўлатнинг солиширига иссиқлик сифимини аниқлаш учун 500 г 13°C температурали сув солинган калориметринг ичига массаси 400 г бўлган ва 700°C температурагача қиздирилган пўлат жисм солинди. Калориметрдаги сувнинг температураси 20°C гача кўтарилиди. Пўлатнинг солиширига иссиқлик сифимини аниқланг.

Ечилиши. Масалани қаттиқ жисмнинг солиширига иссиқлик сифимини аниқлашга доир лаборатория ишининг баҳарилиши билан боғлаб етган маъқул. Масалада иссиқлик баланси тенгламасини тузиш ва ечиш талаб қилинади.

Ўқувчилар математик тайёргарлигининг етарли эмаслигини назарга олиб, изланаётган тенгламага дастлаб қатор оралиқ ҳисоблашлар бажариб аста-секин келинади. Яъни масалани умумий кўринишдаги тенгламани тўғридан-тўғри олмасдан иложи борича саволлар билан синтетик усуlda ечиш мақсадга мувофиқдир.

Аралашманинг температурасини θ ҳарфи билан маҳсус белгилашни VII синфда киритмаслик керак.

1. Сув қанча иссиқлик миқдори олган?

$$Q_1 = c_c m_c (t_3 - t_1) = 4200 \frac{\text{ж}}{\text{кг}\cdot\text{град}} \cdot 0,5 \text{ кг } (20 - 13)^\circ = 14700 \text{ ж.}$$

2. Жисм қанча иссиқлик миқдори берган?

$$Q_2 = c_n m_n (t_3 - t_2) = c \cdot 0,4 \text{ кг } (100 - 20)^\circ = c \cdot 32 \text{ кг}\cdot\text{град.}$$

Энергиянинг сақланиш қонунига мувофиқ $Q_1 = Q_2; 14700 \text{ ж} = c \cdot 32 \text{ кг}\cdot\text{град.}$

3. Пўлатнинг солиширига иссиқлик сифими нимага тенг?

$$c = \frac{14700 \text{ ж}}{32 \text{ кг}\cdot\text{град}} = 460 \frac{\text{ж}}{\text{кг}\cdot\text{град}}*$$

Ечилишни анализ қилишда ўқувчилар диққатини биринчи яқинлашишда калориметр, ҳаво ва бошқаларни қиздиришга сарфланган иссиқлик назарга олинмаганига қаратиш керак. Ўқувчилар иссиқлик баланси тенгламаси тузиш усулларини IX синфда тўла-тўқис ўзлаштириб олишлари керак. Бу типдаги масалалар ечиш методикасининг баъзи масалаларини 197, 198- масалалардаги мисолларда ойдинлаштирамиз.

197. Идишга дастлаб 10°C температурали 200 г сув қўйилди, сўнгра эса 50°C температурали 100 г сув қўйилди. Аралашманинг тэмпературасини аниқланг. Идишнинг қизишини ҳисобга олманг.

Ечилиши. 1- усул. Тенгламанинг чап томонига жисмлар берган иссиқликка тегишли ҳадларни, ўнг томонига эса жисмлар олган иссиқликка тегишли ҳадларни ёзишга шартлашамиз.

Берилган иссиқлик

$$Q_1 = c_1 m_1 (t_1 - \theta)$$

$$4200 \frac{\text{ж}}{\text{кг} \cdot \text{град}} \cdot 0,1 \text{ кг} \cdot (50 - \theta)^{\circ} = 4200 \frac{\text{ж}}{\text{кг} \cdot \text{град}} \cdot 0,2 \text{ кг} (\theta - 10)^{\circ},$$

бундан

$$\theta = 23^{\circ}\text{C}.$$


Агар бу масалани ечишда ўқувчи бошланғич ва охирги температуранинг фарқини топса, у ҳолда қўйидаги

$$4200 \frac{\text{ж}}{\text{кг} \cdot \text{град}} \cdot 0,1 \text{ кг} (\theta - 50)^{\circ} = 4200 \frac{\text{ж}}{\text{кг} \cdot \text{град}} \cdot 0,2 \text{ кг} (\theta - 10)^{\circ}$$

тенгламани ва буидан эса $\theta = -30^{\circ}$ деган маъносиз жавобни олади.

2- усул.* Жадвал тузамиз ва ундаги маълумотлардан фойдаланиб, олинган миқдордаги сувнинг исили ва совиш графикларини чизамиз (29- расм).

Ўқувчи дафтарининг катак қозозига чизилгай график ўнлар хонасигача аниқлик билан иссиқлик баланси тенгламаси бўйича топилган қийматларни беради.



29- расм.

Температуранинг ўзгариши	$Q_1 = c_1 m_1 \Delta t$	$Q_2 = c_2 m_2 \Delta t$
10°	4 200 жс	8 400 жс
20°	8 400 жс	16 800 жс
30°	12 600 жс	25 200 жс

198. 200 г массали 20° С температурадаги сувга 10°С ли 300 г темир ва 25°C ли 400 г мис солинди. Аралашманнинг температурасинни топинг.

Ечилиши. Масаланинг қийинлиги шундаки, бу ерда сув иссиқлик оладими ёки берадими ноаниқ. Агар ечишда юқорида қабул қилинган қоидага амал қилинса, яъни жисмлар берган иссиқликни тенгламанинг чал томоцига ёзилса ва фараз қилинган катта температуралан паст температура айрилса, тўғри жавоб чиқади. Манфий ишорали ҳаддиниг ҳосил бўлиши бу ҳадни тенгламанинг ўнг томонига плюс ишора билан кўчиришга тенг кучли (бу қонда агрегат ўзгаришлар бўлмаганда ўринли).

Сув

$$c_m m_m (t_m - \theta) = c_f m_f (\theta - t_f) + c_c m_c (\theta - t_c).$$

иссиқлик олади деб фараз қиласлил.

Агар сув совийди деб қарасак, у ҳолда тенглама қийидаги кўринишга келади:

$$c_m m_m (t_m - \theta) + c_c m_c (t_c - \theta) = c_f m_f (\theta - t_f).$$

Иккала тенглама ҳам айни бир жавобни беради. Бироқ иккичи тенглама процесни тўғри баён қиласди ($\theta = 19^\circ$), олинган натижани анализ қилишда ўқувчиларнинг диққатини шунга жалб қилиш керак.

4. Ёкилғининг ёниш иссиқлиги. Иссиқлик бериш

Бу тема бўйича асосан иссиқлик миқдорини, ёкилги массасини, унинг иссиқлик бериш қобилиятини ёки қурилманинг иссиқлик самарадорлигини (фойдали иш коэффициентини) аниқлаш талаб қилинадиган масалалар сиплади.

VII синф ўқувчилари кўпинча фойдали иш коэффициенти ҳақидаги маълумотлардан тўғри фойдалана олмайдилар. Физика ўқитувчиси масалаларнинг физикавий моҳиятини аниқлаш билан бир қаторда ўқувчиларга сонни унинг бўлакларига кўра топиш ва сонга кўра унинг бўлакларини топиш ҳақидаги математикадан маълум бўлган маълумотларни эслатиши керак, уларнинг диққатини сонни тўғри касрга кўпайтиришда

унинг камайиши, тўгри касрга бўлишда эса катталаниши сингари формал белгиларга қаратиши керак.

199. Антрацитнинг ёниш иссиқлиги $3,4 \cdot 10^7 \text{ ж/кг}$, мазутнинг ёниш иссиқлиги 42 Мж/кг деган ёзувлар нимани билдиради?

200. 10 кг антрацит ёнганда қанча иссиқлик миқдори беради?

201. $4,6 \cdot 10^9 \text{ ж}$ иссиқлик олиш учун қанча кросони ёкиш керак?

202. Қуруқ қайин ўтиналарининг иссиқликтарини берниш қобилияти $1,4 \cdot 10^7 \text{ ж/кг}$, қарағай ўтиналарини эса $1,3 \cdot 10^7 \text{ ж/кг}$. Нима учун харидорлар қарағай ўтиналаридан кўра қайин ўтиналарни харид қилишни маъқул кўрадилар?

Ечилиши. Ўтиналарни массасини тортиб эмас, балки ҳажмини ўлчаб сотилади. Қайин ўтиналарининг зичлиги (700 кг/м^3) қарағайнинг (600 кг/м^3) ишсабатан катта. 1 м^3 қайин ўтини $1,4 \cdot 10^7 \frac{\text{ж}}{\text{кг}} \cdot 700 \text{ кг} = 9,8 \cdot 10^9 \text{ ж}$ иссиқлик беради, 1 м^3 қарағай ўтини эса $1,3 \cdot 10^7 \frac{\text{ж}}{\text{кг}} \cdot 600 \text{ кг} = 7,8 \cdot 10^9 \text{ ж}$ иссиқлик беради.

203. Нима учун иситиш қурилмасининг фойдали иш коэффициенти ҳамма вақт 100% дан кам бўлади?

204. Кормозапарникда (молларга бериладиган овқатларни буғлайдиган асбоб) 10°C температурали 100 кг сувни қайнатиш учун 6 кг торф сарф бўлган. Кормозапарникининг фойдали иш коэффициентини топингт.

$$\begin{aligned} \text{Ечилиши. } \Phi. \text{ и. к. } (\eta) &= \frac{Q_\Phi \cdot 100 \%}{Q_c} = \frac{c_c m_c (t_2 - t_1) \cdot 100 \%}{q m_t} = \\ &= \frac{4200 \frac{\text{ж}}{\text{кг}\cdot\text{град}} \cdot 100 \text{ кг} (100 - 10)^2 \cdot 100 \%}{1,4 \cdot 10^7 \frac{\text{ж}}{\text{кг}} \cdot 6 \text{ кг}} = 45 \%. \end{aligned}$$

205. Спирт лампасига 100 г спирт қўйилди. Шу миқдордаги спирт 20°C температурали $0,5 \text{ кг}$ сувни қайнатиш учун етадими? Спирт лампасининг фойдали иш коэффициенти $\eta = 25\%$.

Ечилиши. 1. Сувни иситиш учун қанча иссиқлик кетади?

$$Q_\Phi = c_c m_c (t_2 - t_1) = 4200 \frac{\text{ж}}{\text{кг}\cdot\text{град}} \cdot 0,5 \text{ кг} \cdot (100 - 20)^2 = 1,7 \cdot 10^5 \text{ ж.}$$

2. Спирт лампаси ҳаммаси бўлиб қанча иссиқлик берниши керак?

$$\eta = \frac{Q_\Phi \cdot 100 \%}{Q_c}; Q_c = \frac{Q_\Phi \cdot 100 \%}{\eta} = \frac{1,7 \cdot 10^5 \text{ ж} \cdot 100 \%}{25} = 6,8 \cdot 10^5 \text{ ж.}$$

3. 100 г спирт ёнганда қанча иссиқлик миқдори ажралади?

$$Q_{\text{ен}} = q_{\text{ен}} m_{\text{ен}} = 2,7 \cdot 10^7 \frac{\text{ж}}{\text{кг}} \cdot 0,1 \text{ кг} = 2,7 \cdot 10^6 \text{ ж.}$$

Жавоби. Спирт сувни қиздириш учун етади.

МОДДА АГРЕГАТ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Бу бўлимга оид масалалар ечишда ўқувчилар диққатини энг аввал моддалар агрегат ҳолатлари ўзгариш процессининг хусусиятларига жалб қилиш керак:

а) қайнаш ва эришда жисмларга маълум иссиқлик миқдори берилишига қарамай жисмлар температураларининг ўзгармаслиги;

б) суюқликларнинг кристалланиши ва бугнинг конденсацияланишида жисмлар температураси пасаймагани ҳолда иссиқлик ҳосил бўлиши.

Бу мақсадларда кўпроқ моддалар агрегат ҳолатларининг бирор ўзгаришлари молекуляр-кинетик назария ва энергиянинг сақланишиш ва айланиш қонуни асосида тушунтириш талаб қилинадиган сифатга оид масалалар ечиш керак. Шунингдек, график масалаларни ечиш ҳам катта роль ўйнайди, чунки модда агрегат ҳолатларининг ўзгариш графиклари бу процессларнинг ўзига хослигини яққол кўрсатади. Графиклар деярли ҳар бир масалада кутилган натижаларни „чамалаб кўриш“, кўрилаётган ҳодисани аввалдан баён қилиш, олишган жавобни тушунтириш учун жуда фойдалидир.

1. Эриш ва қотиш

Бу бўлимга доир масалаларни ечишда ўқувчиларнинг суюқ ва қаттиқ жисмларининг молекуляр тузилиши ҳамда ички энергия ҳақидаги билимларидан фойдаланиш керак. Қаттиқ жисмнинг эришида олган (суюқликнинг қотишида берган) иссиқлик миқдорини ҳисоблаш аввал жисм эриш (қотиш) температурасига эга бўлган ҳол учун бажарилади. Сўнгра бошланғич температураси эриш нуқтасидан паст бўлган жисмнинг қизиши ва кейинги эриши учун зарур бўлган иссиқлик миқдори ҳисобланади.

IX синфда иссиқлик баланси тенгламасини тузиш талаб қилинадиган мураккаброқ масалаларни қараш керак.

Тенгламанинг чап қисмига совиётган жисмларининг берган иссиқлик миқдорини ёзиб, бу иссиқлик миқдори қизиётган жисмларда қандай ўзгаришлар юзага келтириши мумкинлигини тахминлаб кўриш керак. Агар қизиши агрегат ўзгаришларни юзага келтирмаса, у ҳолда тенглама $84-$ бетда берилган кўринишнанда бўлади. Агар жисмлар агрегат ҳолатларининг айланишлари рўй берса, умумий ҳолда тенглама $Q_1 = Q_2 + Q_3 + Q_4 + Q_5 + Q_6$ кўринишга келади, бу ерда Q_1 — совиётган жисм ёки иситгичнинг берган иссиқлик миқдори; $Q_2 = c_1 m (t_2 - t_1)$ — қаттиқ жисмни t_1 температурадан t_2 эриш

температурасынча қизитищ учун кетган иссиқлик миқдори; $Q_3 = \dot{m}t$ — жисмни әритиш учун кетган иссиқлик миқдори; $Q_4 = c_2 m (t_k - t_3)$ суюқликни t_3 әриш температурадан t_k қайнаш температурасынча иситищ учун кетган иссиқлик миқдори; $Q_5 = rm$ — суюқликни қайнаш температурада бүрга айлантириш учун зарур бўлган иссиқлик миқдори; $Q_6 = c_3 m (t - t_k)$ — бүрги қайнаш температурадан $t^{\circ}\text{C}$ температурагача иситищ учун зарур бўлган иссиқлик миқдори.

Моддалар агрегат ҳолатларининг ўзгаришига доир масалаларни ечишда қизитилаётган жисмда содир бўлувчи процесс графигини қўлда чизиш фойдалидир (№ 212 га қаранг). Ўқувчиларга жисмларнинг солиширма иссиқлик сифимлари унинг суюқ ва қаттиқ ҳолатларида бирдай бўлмаслигини уқтириш керак. Мактаб практикасида кўпинча бунга аҳамият берилмайди ва ҳатто жадвал ҳамда масалалар тўпламларида металларнинг қаттиқ ва суюқ ҳолатлари учун солиширма иссиқлик сифимининг битта қиймати берилади. Аслида эса қўрғошин учун қаттиқ ҳолатда $c_1 = 130 \frac{\text{ж}}{\text{кг}\cdot\text{град}}$, суюқ ҳолатда эса $c_2 = 163 \frac{\text{ж}}{\text{кг}\cdot\text{град}}$.

206. Бир хил массали муз ва сувнинг температуроси ҳам бирдай — 0°C . Улар молекулаларининг потенциал ва кинетик энергияларини тақосланг.

Жавоби. Жисмларнинг температуроси бирдай бўлгани учун молекулаларининг кинетик энергиялари ҳам бирдай бўлади. Сувнинг ички энергияси эса музнидан катта. Шунинг учун сув молекулаларининг потенциал энергияси муз молекулаларининг потенциал энергиясидан катта бўлади.

207. Ҳаво, сув ва муз кўчада 0°C температурага эга. Сувда муз парчаси сузиб юрибди. Бир ўқувчи сув 0°C да музлагани учун ҳозир у музлаб қолади деб, иккинчи ўқувчи эса муз 0°C да эригани учун муз парчаси ҳозир эриб кетади деб баҳслашмоқда. Ўқувчиларнинг қайси бири ҳақ?

Жавоби. Ҳар иккаласи ҳам ҳақ эмас. Сув музлаши учун унинг ҳар бир килограми атрофидаги жисмларга $3,4 \cdot 10^5 \text{ ж}$ иссиқлик миқдори бериши, муз парчаси эриб кетиши учун унинг ҳар бир килограми шунча энергия олиши керак. Бироқ ҳамма жисмлар бирдай температурада турибди, шунинг учун улар орасида иссиқлик алмашиниш бўлмайди ва жисмларнинг агрегат ҳолатлари ўзгаришсиз қолади.

208. Эриш температурадаги 1 кг алюминийни әритиш учун қанча энергия сарфлаш керак? 10 кг темирни әритиш учун-чи? 2 кг қўрғошинини әритиш учун-чи?

Масала дарслидаги солиширма эриш иссиқлиги жадвалидан фойдаланган ҳолда оғзаки ечилади.

209. Нима учун иситилмайдиган сабзвот сақланадиган омборларга сабзвотлар музлаб қолмаслиги учун сувли катта

идишлар ўрнатылади? Массаси 1,5 m бўлган гиштдан ясалган пеъ 70° дан 20°C гача совиганда кўп иссиқлик берадими ёки ичидаги 1,5 m суви 0°C да музлаб қолган бак кўп иссиқлик берадими?

Ечилиши. Печнинг берадиган иссиқлик миқдори:

$$Q_1 = c_f m_f (t_1 - t_2) = 0,75 \cdot 10^3 \frac{\text{ж}}{\text{кг} \cdot \text{град}} \cdot 1500 \text{ кг} (70 - 20)^\circ = \\ = 5,6 \cdot 10^6 \text{ ж.}$$

Сувнинг берадиган иссиқлик миқдори

$$Q_2 = \lambda_c m_c = 3,4 \cdot 10^5 \frac{\text{ж}}{\text{кг}} \cdot 1500 \text{ кг} = 5,1 \cdot 10^8 \text{ ж. } Q_2 > Q_1.$$

210. — 10°C температурали 10 кг музни эритиш учун қанча энергия керак?

Ечилиши. Музни эриш нуқтасигача иситиш учун керак бўлган энергия:

$$Q_1 = c_m m_m (0^\circ - t_s) = 1800 \frac{\text{ж}}{\text{кг} \cdot \text{град}} \cdot 10 \text{ кг. } 10^\circ = 1,8 \cdot 10^5 \text{ ж.}$$

Музни эритиш учун керак бўлган энергия:

$$Q_2 = \lambda_m m_m = 3,4 \cdot 10^5 \frac{\text{ж}}{\text{кг}} \cdot 10 \text{ кг} = 3,4 \cdot 10^6 \text{ ж.}$$

Энергиянинг умумий миқдори:

$$Q = Q_1 + Q_2 = 1,8 \cdot 10^5 \text{ ж} + 3,4 \cdot 10^6 \text{ ж} \approx 3,6 \cdot 10^6 \text{ ж.}$$


211. Идишда — 10°C температурали муз бор эди. Идиш тенг вақт ораликларида бирдай иссиқлик миқдори берувчи горелка устига қўйилган. 30- расмдаги графиклардан ушбу ҳол учун тўғри бўлган, яъни вақтнинг ўтиши билан температуранинг ўзгаришини кўрсатувчи графикни кўрсатининг ва бошқа графикларнинг хатоси нимада эканлигини айтинг.

Жавоби. 2 график тўғри. 1 графикнинг нотўғрилиги шундаки, AB ва CD чизиқларининг O ўқ билан қиялиги бирдай. Бироқ CD чизиқ сувнинг исишини кўрсатади, сувнинг исиши эса музнинг исишидан секунроқ бўлиши керак, чунки музнинг солиштирма иссиқлик сифими сувнинг солиштирма иссиқлик сифимидаи кичик.


Бу айтилганлардан сўнг 3 графикнинг хато эканлиги ўз-үзидан кўринниб турибди.

212. Агар 27°C температурали 2 кг қўрғошинга $2,1 \cdot 10^5$ ж энергия берилса, у қандай температурагача исийди?

Ечилиши. Кўрғошицининг эриши учун қанча иссиқлик кераклигини текширамиз. 2 кг қўрғошинни эриш температурагача иситиш учун $130 \frac{\text{ж}}{\text{кг} \cdot \text{град}} \cdot 2 \text{ кг} (327 - 27)^\circ = 7,8 \cdot 10^4 \text{ ж}$, эритиш эса $0,25 \cdot 10^5 \frac{\text{ж}}{\text{кг}} \cdot 2 \text{ кг} = 0,50 \cdot 10^5 \text{ ж}$ энергия керак.



30- расм.



31- расм.

Бинобарин, құрғошин суюқ ҳолатда бүлади. Құрғошиннинг иссиш процесси 31- расмда берилған графикка мөс келади. Шунинг учун иссиқлик баланси тенгламасы қуидидеги күришида өзилади:

$$Q = c_1 m_1 (t_3 - t_1) + \lambda m + c_2 m (t_2 - t_3).$$

Берилғанларни тенгламага қўйиб, $t_2 = 580^{\circ}\text{C}$ эканини топамиз.

Агар агрегат ҳолатларнинг айланышларини назарга олмай, тенгламани қуидидеги $Q = cm (t_2 - t_1)$ кўринишда ёзсанк, $t_2 = 860^{\circ}\text{C}$ жавобни оламиз, бунинг хато эканлиги аниқ, чунки бу температурада құрғошин суюқ ҳолатда бүлади.

2 Буғланиш

Одатда буғланиш тўғрисида асосан молекулляр назария асосида буғланишиннинг суюқлик температурасига, унинг эркін сирти ва ҳавонинг ҳаракатига боғлиқлигини тушунтирувчи сифатга онд масалалар ечилар эди. Ҳозирги вақтда ўқувчилар ички энергия ҳақидаги тушунчага эга бўлганликлари туфайли бу темага доир масалалар ечишда буғланиш процессига энергетик нуқтаи назардан ҳам катта аҳамият бериш керак. Ўқувчиларга иложи борича таништириш планида буғланиш иссиқлиги ва унинг температуррага боғлиқлиги ҳақида тушунча бергани маъқул. Бу ўқувчиларни қайнаш ҳодисасини ўрганишга тайёрлайди.

213 (ә). Буғланиш интенсивитгининг суюқликнинг турига, унинг температурасига, әркін сиртінинг ўлчамига ва ҳавонинг ҳаракатига боялғық эканини күрсатувчи тажриба ўйланг ва уни бажаринг.

214 (ә). Нафталин ва қорни ҳайдашга доир тажриба ўйланг ва уни бажаринг.

215 (ә). Буғланишда суюқликнинг совишини күрсатувчи тажриба ўйланг.

Е ч и лиши: Иккита стаканға иссиқ сув қойлади. Сүнгра бир стакандаги сув сирти ёғ қатлами билан қопланади. Бирмунча вакт ўтгандан сүнг сирти ёғ билан қопланмаган стакандаги сувнинг температураси пасайғанини күриш мүмкін. Шунингдек, С. Ф. Покровскийнинг китобига ҳам қаранг (133, 351—355- бетлар).

216.* Сувнинг солищтирма буғланиш иссиқлиги учун құйидаги тахминий формула тажриба йөли билан ҳосил қилинган:

$$r = 567 \frac{\text{кал}}{\text{г}} - 0,60 \frac{\text{кал}}{\text{г·град}} t^{\circ}\text{C}.$$

1 г сувни 0,50 ва 100°C температурадарда буғга айлантириш учун қанча иссиқлик миқдори керак? Нима учун формулада 0,60 коэффициент олдига минус ишораси қўйилган?

Ж а в о б и. $r_0 = 597 \text{ кал/г}; r_{50} = 567 \text{ кал/г}; r_{100} = 537 \frac{\text{кал}}{\text{г}}.$


Температура ортиши билан буғнинг зичлиги ва буғ билан сиртқи қатлам молекулалари орасидаги тортишиш кучи ортади. Молекулаларининг чиқиши енгиллашади, солищтирма буғланиш иссиқлиги камаяди (шунингдек № 582 га ҳам қаранг).

3. Қайнаш ва конденсация

Қайнаш ва конденсацияга доир масалаларни ечиш кўп жиҳатдан эриш ва қотишга доир масалаларни ечишга ўхшаб кетади. Бу ўқувчиларда тегишли тушунчаларнинг шаклларини ва малакалар пайдо бўлишига ёрдам беради. Шу билан бирга материал чуқур ва мустаҳкам ўзлаштирилмаса, яъни номлари қайд қилинган процесслар, масалан, буғланиш ва қайнашнинг ҳар бирининг ўзига хос бўлған ҳарактерли томонлари таъкидлаб ўтилмаса, ўқувчilar ўхшаш тушунчаларни аралаштириб ёки янгиштириб юборадилар ва уларда ўхшаш малакаларнинг „интерференцияси“ кузатилади.

Ўқитувчи бунга жиддий эътибор бериши керак. Бу камчиликни бартараф қилиш воситаларидан бири такрорлаш вақтида комбинацион масалалар ечишdir, бу масалаларда ўрганилган модда агрегат ҳолатининг барча ўзгаришлари кўрилади (№ 222, 223).

Кўпчилик масалалар сифатга доир масалалар ёки ҳисоблаш осон бўлған масалалар бўлиб, уларда масалан, маълум



32- расм.

массали суюқликнинг қайнашда буғга айлантириш учун керак бўлган иссиқлик миқдорини аниқлаш талаб қилинади.

Эт қийини буғ ҳосил бўлиш солиштирма иссиқлигини ҳисоблашга доир масалалардир. Бундай масалаларни синфда ўқитувчи ёрдамида очиш керак. Ҳисобларни солдалаштириши учун масаланинг шартига калориметр ҳақидаги маълумотларни киритмаса ҳам бўлади.

217. Сувнинг, спиртнинг ва эфирнинг қизиш ва қайнаш графиклари берилган (32- расм). Графикларнинг қайси бири қайси суюқликка тегишли эканини аниқланг.

218. Тенг миқдорларда 100°C да олинган сувнинг ички энергияси кўпми ёки буғнингми? Холосаларингизни тажрибада текшириб кўринг.

Ечилиши. Сувни буғга айлантириш учун унга маълум иссиқлик миқдори бериш керак. Бинобарин, буғнинг ички энергияси катта. Буни текшириш учун қайнаган сув солинган стаканга бирмунча буғ ўтказамиз, сувнинг ҳажми ортганини ва температураси кўтарилиганини кўрамиз. Шундай сатҳда сув солинган бошқа стаканга буғдан конденсация бўлган сув қуямиз. Сувнинг температураси биринчи ҳолдагидан камроқ ўзгаради.

219. Қайнаш температурасида ва нормал босимдаги 10 kg сувни буғга айлантириш учун қанча миқдорда энергия керак? 2 kg спиртни-чи? 5 kg эфирни-чи? Агар бу суюқликлар дастлаб 20°C дан қайнатиш температурасигача иситилган бўлса, уларни буғга айлантириш учун қанча энергия керак бўлади?

Ечилиши. Буг ҳосил бўлиш солиштирма иссиқлиги жадвалларидан фойдаланиб, ўқувчилар масаланинг биринчи қисмини оғзаки очишлари керак. Бунинг учун шундай муҳокама

қилинади. Қайнаш температурасидаги 1 кг сувни буғга айлантириш учун $2,3 \cdot 10^6$ ж энергия керак. Бинобарин, 10 кг сувни буғга айлантириш учун 10 марта күш, яғни $2,3 \cdot 10^7$ ж керак. Худди шунингдек, спирт ва эфир учун керак бўлган иссиқлик миқдори ҳам ҳисобланади. Сўнгра $Q = rm = 2,3 \cdot 10^6 \frac{\text{ж}}{\text{кг}} \times 10 \text{ кг} = 2,3 \cdot 10^7$ ж формуладан фойдаланиш керак.

Масаланинг иккинчи қисми шундай ечилади. Сарфланган энергиянинг умумий миқдори $Q_0 = Q_1 + Q_2$. $Q_2 = 2,3 \cdot 10^7$ ж. $Q_1 = cm(t_2 - t_1) = 4200 \frac{\text{ж}}{\text{кг} \cdot \text{град}} \cdot 10 \text{ кг} \cdot (100 - 20)^\circ = 3,36 \cdot 10^6$ ж.

$$Q_0 = 2,3 \cdot 10^7 \text{ ж} + 3,36 \cdot 10^6 \text{ ж} \approx 2,6 \cdot 10^7 \text{ ж}.$$

2 кг спирт ва 5 кг эфирни буғга айлантириш учун керак бўлган умумий иссиқлик миқдори ҳам худди шундай йўл билан топилади.

Масалани счишда асосий эътиборни ўқувчиларнинг жадваллардан фойдаланишига ва берилган катталикларнинг физавий маъносини билишларига қаратиш керак.

220.* Пробиркага сув қўйинг ва унинг температурасини ўлчанг. Пробиркани қиздириб, қайнагунча ва сув батамом буғга айлангунича ўтган вақтларни қайд қилинг. Тажриба маълумотларига қараб буғ ҳосил бўлиш солиштирма иссиқлигини тахминий толинг, уни жадвалдаги қийматлар билан солиштиринг, натижанинг аниқлигини пасайтирувчи сабабларни кўрсатинг.

Ечилиши. Тажрибалардан бирида қуйидаги маълумотлар олиниган. Бошланғич температура $t_1 = 20^\circ\text{C}$. Қайнагунича қизиган вақти 2,5 мин, қайнаш вақти 20 мин.

Сувни қиздириши учун кетган иссиқлик $Q_1 = cm(t_2 - t_1)$; буғ ҳосил бўлиши учун зарур бўлган иссиқлик $Q_2 = rm$.

$$\frac{Q_2}{Q_1} = \frac{rm}{cm(t_2 - t_1)}, \text{ бундан } r = \frac{Q_2 c (t_2 - t_1)}{Q_1}.$$

Иситгич берган иссиқликнинг қизишига кетган вақтга пропорционал деб ҳисоблаб, қуйидагини оламиз:

$$r = \frac{20}{2,5} \cdot 4200 \frac{\text{ж}}{\text{кг} \cdot \text{град}} \cdot 80^\circ \approx 2,7 \cdot 10^6 \frac{\text{ж}}{\text{кг}}.$$

Натижанинг аниқлигини бир қатор факторлар пасайтириб юборган; иссиқ сув атроф муҳитга совуқ сувга қараганда кўп иссиқлик беради, шунинг учун сувнинг олган иссиқлик миқдори вақтга қатний пропорционал әмас. Пробиркада сув оз қолганда иссиқликнинг кўп қисми ҳавони ва пробирканинг ўзини қиздиришига сарф бўлади.

221.* Ўқувчи лаборатория ишини бажараётганда ичидаги 40°C температурали 350 г сувни бўлган калориметрга 100°C температурали буғни киритди. Бунинг натижасида сувнинг температураси 42°C га кўтарилиди. Агар сувнинг массаси 20 г

га күпайған бўлса, бу тажриба маълумотлари асосида буг'хосил бўлиш солиштирма иссиқлик қандай бўлади?

Масалани доскада

$$Q = rm; \quad Q = cm(t_2 - t_1)$$

формулаларни ёзган ҳолда саволлар билан ечиш керак. Агар ўқувчилар бу формулани яхши ўзлаштириб олган бўлса, у ҳолда ҳар бир конкрет ҳол учун уни қайта ёзиб ўтиришининг ҳожати йўқ: формулага бирданига катталикларнинг сон қийматларини қўйиш мумкин. Юқори синфларда ҳам шундай қилиш керак, чунки калориметрик масалаларнинг умумий ечилиш формулалари жуда катта бўлиб кетади.

1. Буғ конденсация вақтида қанча иссиқлик берган?

$$Q_1 = r \cdot 0,020 \text{ кг.}$$

2. Буғдан ҳосил бўлган сув совигандага қанча иссиқлик миқдори берган?

$$Q_2 = 4,2 \cdot 10^3 \frac{\text{ж}}{\text{кг} \cdot \text{град}} \cdot 0,020 \text{ кг} \cdot (100 - 42)^\circ \approx 4870 \text{ ж.}$$

3. Сув қанча иссиқлик миқдори олган?

$$Q_3 = 4,2 \cdot 10^3 \frac{\text{ж}}{\text{кг} \cdot \text{град}} \cdot 0,350 \text{ кг} \cdot (42 - 10)^\circ = 47000 \text{ ж.}$$

Буғнинг берган иссиқлик миқдори ва сувнинг конденсация вақтида олган иссиқлик миқдори калориметрдаги сувнинг олган иссиқлик миқдорига тенг бўлгани учун қўйидагини ёзиш мумкин:

$$r \cdot 0,020 \text{ кг} + 4870 \text{ ж} = 47000 \text{ ж}$$

ёки

$$r \cdot 0,020 \text{ кг} = 42130 \text{ ж}; \quad r = 21 \cdot 10^3 \frac{\text{ж}}{\text{кг}},$$

222. 15°C да олинган 10 кг музни буғга айлантириш учун қанча иссиқлик миқдори керак? Процесснинг тахминий графигини ясанг.

223. 100°C да олинган 200 г буғнинг конденсацияланиши ва кейин сувнинг музга айланнишида қанча иссиқлик миқдори ажralади? Процесснинг тахминий графигини чизинг.

10. БОБ

ИССИҚЛИК МАШИНАЛАРИ

VII синфда ички ёниш двигатели ва турбинанинг тузилиши ҳамда ишлатишни ҳақидаги сифатга онд масалалар ечилади, шунингдек, газ ва буғнинг кенгайинида бажаргақ ишини,

машиналарнинг фойдалари иш коэффициентини, ёқилғи сарфи ва ҳоказоларни ҳисоблашга доир осон ҳисоблаш масалалари ечилади. Энергия ўзгаришларига алоҳида эътибор бериш керак, бунда иссиқлик двигателининг механикавий иш бажарини ишчи жисм (буғ, газ) ички энергиясининг камайиши билан боғлиқ эканини кўрсатиш керак. Юқори синфларда такрорлаш вақтида совитгич машиналарнинг ишлаш принципини кўрсатувчи бир неча масалани таништириши планида ечиш фойдалидир.

Бу темаларга доир масалалардан, иссиқлик бўйича аввал ўрганилган қатор тушунчаларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда ўқувчиларни политехник ўқитиш мақсадларида ҳам кенг фойдаланиш керак.

224. Цилиндрдаги сиқилган газ оғир поршенини кўтаради. Бунда газнинг ички энергияси ва температураси қандай ўзгариади?

225. Ёниш маҳсулотларининг температураси қаерда баландроқ бўлади: ички ёнув двигателининг цилиндридами ёки чиқиши трубасидами? Нима учун?

226.* Ички ёнув двигатели цилиндрида ишчи юриш вақтида кенгаювчи газларнинг бажарган ишини аниқланг, поршенинг юзи $S = 200 \text{ см}^2$, поршеннинг йўли $h = 300 \text{ см}$, ишчи цилиндрдаги ўртача босим $p = 50 \text{ atm}$ деб олинг.


Ечилиши. $A = Fh$; $F = pS$; $A = pSh$.

$$p = 5 \text{ atm} = 5 \frac{\text{кг/см}^2}{\text{с.м}^2} = 5 \cdot \frac{9,8 \text{ н}}{0,0001 \text{ м}^2};$$

$$S = 200 \cdot 0,0001 \text{ м}^2; h = 0,30 \text{ м}.$$

$$A = \frac{5 \cdot 9,8 \text{ н} \cdot 200 \cdot 0,0001 \text{ м}^2 \cdot 0,30 \text{ м}}{0,0001 \text{ м}^2} \approx 3 \text{ кж.}$$

227. 33- расмдан фойдаланиб, агар биринчи цилиндрга ёнилғи аралашмасининг кириш процесси бораётган бўлса, бошқа цилиндрларнинг ҳар бирида қандай процесс бораётганини аниқланг.



33- рамс.

228. Энг яхши ички ёнув двигателида ёнилғи сарфи соатига $0,18 \text{ кг/о.к. га}$ яқин бўлади. Бу қандай фойдали иш коэффициентига мос келади? Ёнилғининг ёниш иссиқлиги $q = 4 \cdot 10^7 \frac{\text{ж}}{\text{кг}}$.

Ечилиши. Қуввати 1 о. к. га тенг

бўлган двигателнинг 1 соатда бажарган иши

$$A_{\phi} = 736 \text{ см} \cdot 3600 \text{ сек} \approx 2,64 \cdot 10^6 \text{ ж.}$$

Сарф қилинган энергия $Q = qm = 4 \cdot 10^7 \frac{\text{ж}}{\text{кг}} \cdot 0,18 \text{ кг} = 7,2 \cdot 10^6 \text{ ж.}$ Фойдали иш коэффициенти $= \frac{A_{\phi}}{A_{\text{сарф}}} \cdot 100 \% = \frac{2,64 \cdot 10^6 \text{ ж}}{7,2 \cdot 10^6 \text{ ж}} \cdot 100 \% \approx 37 \%$.

229. Поршенли иссиқлик двигателидан турбинанинг қандай афзаллиги бор? Буғ турбинасининг ишлашида бугнинг ички энергияси қандай ўзгаришини ўрганинг ва уни тушунириб беринг.

11- БОБ

АТОМ ТУЗИЛИШИ

Бу темага тегишли масалаларнинг кўпи сифатга оид масалалар бўлиши керак, чунки ўқувчилар атомлар тузилиши ҳақида фақат элементар маълумотлар оладилар, электростатикани ўрганишда эса улар Кулон қонунини ўрганмайдилар. Материалнинг бир қисмини умуман танишиш тариқасида ўрганилади. Атом тузилишига оид масалалар атомлар (водород, гелий, литий) моделларининг схемаларини чизишдан иборат бўлмоғи керак. Бу темада асосан электростатик масалалар ечилади, уларда электрон тасаввурлар ва электр майдони ҳақидаги тушунчадан фойдаланилади.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, бу ерда вазифа ечиладиган масалаларнинг сонида эмас, балки оз сонли масалаларни батафсил таҳлил қилиш, сухбат шаклида масала шартларини тушуниришадир. Бу ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантириш учун ниҳоятда муҳимдир.

Масалаларнинг бир қисми электр майдони ҳақидаги тушунчани тасвирлашга бағишиланган. Ўқувчиларга электр майдонининг аниқ илмий таърифи берилмайди, бироқ улар электр майдонининг асосий хоссаларини, унинг намоёни бўлишини билишлари, энг асосийси электр майдонининг реал эканлигига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Масалаларни таҳлил қилиш натижасида ўқувчилар жисмларнинг электрланиши, заряднинг бир жисмдан иккинчи жисмга узватилиши ва ҳоказоларни тушуниришда электрон тасаввурлардан эркин фойдаланишлари керак.

Электростатик индукция ҳақидаги масалалар катта қизиқиши туғдиради. Уларни ечиш учун дастлаб зарядлар ўзаро таъсиригининг улар орасидаги масофага боғлиқлиги ҳақидаги тушунча киритилади. Бу муносабатнинг характеристи сифат жиҳатдангина берилади: масофа қанча катта бўлса, куч шунча кам бўлади.

Рұзие Әмбембет

Электр зарядининг бўлинишини кўрсатувчи Иоффе тажрибасига доир, шунингдек, атомларнинг ядро тузилишини исботловчи Резерфорднинг юлقا фольгада альфа зарраларнинг сочилишига доир масала ва машқлар берилмайди. Бу масалаларни ўқитувчанинг ўзи ниҳоятда элементар равишда баён қилиб беради.

Электростатикадан қўйидаги мазмундаги масалалар ечилади.

230 (ә). Эбонит таёқчани мовутга ишқаланг, сўнгра уни мовутга ўраб электрометрга маҳкамланган шар ичига солинг. Таёқчани мовутдан чиқариб олинг ва бунда стрелканинг нима учун оғаётганини тушунтиринг. Мовут ичига таёқчани қайта тиқиб, стрелканинг нима учун яна ноль вазиятга келганини тушунтиринг.

Бу масалаларнинг натижаларини муҳокама қилишда зарядлар йўқдан бор бўлмайди ҳам, йўқ бўлмайди ҳам, фақат бўлиниади деган фикрии уқтириб ўтинг. Бунда ишқаланишда бир-бирига тегиб турган жисмларда катталиги жиҳатидан тенг, бироқ қарама-қарши ишорали зарядлар бўлади. Умумий заряд нолга тенг. Таёқчадаги заряд манфий, мовутдаги эса мусбат. Электрометр мовутдаги зарядни намоён қиласи, бироқ табиийки мовут билан таёқча бирга турганида унинг кўрсатиши ноль бўлади.

Эслатма. Тажриба учун шунингдек Главучтехпром томонидан шу маҳсадда чиқариладиган икки электрлаштириш пластинкасидан ҳам фойдаланиш мумкин.

231. Органик шинадан қилинган пластинканни жун матога ишқаланди. Пластинка қандай зарядга эга бўлади ва унинг пайдо бўлишини электрон назария асосида қандай тушунтириш мумкин?

Жавоби. Юқорида шартлашилгандек, пластинканинг заряди мусбат бўлади. Бу демак, қисман электронлар пластинкадан мовутга ўтади, шунинг учун пластинкада электронлар етишмайди, мовутда эса улар ортиқча бўлади.

Электрон назария асосида олдинги масалада бўладиган ҳодисани тушунтириш фойдалидир. (Таёқчада электронлар ортиқча, мовутда эса етишмайди; таёқча ва мовут бирга қўйилганда электронларнинг етишмаслиги ҳам, ортиқчалиги ҳам бўлмайди, таёқча ва мовутнинг умумий заряди нолга тенг бўлади.)

232. Электр майдонини биз кўрмаймиз, эшитмаймиз ва ҳоказо, чунки у бизнинг сезги органларимизга бевосита таъсир қилмайди. Электр майдонининг мавжудлигини қандай усувлар билан пайқаш мумкин? [23, №1162].

Жавоби. Электр майдони шу майдонга киритилган электр зарядларига таъсир қиласи. Электр майдони, масалан, зарядланган бузина шарчага ёки ипак ипга осиб қўйилган қоғоз гильзаларга таъсир қилганида уларнинг оғишидан сезилади.

233. Ёнма-ён турган икки штативда ипак ипларга енгил станиол гильзалар осилган. Бу гильзалардан бири манфий, иккинчиси мусбат зарядланди. Манфий зарядланган гильзада 3 млн. та электрон ортиқча, мусбат зарядланган гильзада эса 1 млн. та электрон етишмайды. Гильзалар қандай ўзаро таъсирда бўлади?

Жавоби. Ҳар бир гильзанинг электр заряди бошқа гильза заряди ҳосил қилган электр майдони таъсирида бўлади. Электр майдонлари турли ишорали зарядлар томонидан ҳосил қилинган бўлгани учун гильзалар бир-бирига тортилади. Гильзалар бир-бирига тесса, зарядлар қисман нейтралланади. Бундан кейин умумий заряд манфий бўлади ва 2 млн. та электроннинг зарядлига тенг бўлади. Гильзалар энди бир исмли зарядланган бўлиб, бир-бирини итаради.

Масаланинг ечимини текшириб кўриш фойдалидир, бунинг учун иккала гильзани ишораси ва катталиги турлича бўлган зарядлар билан зарядлаб тажриба ўтказиш мумкин.

234 (э). Ингичка ипак ипда зарядланган қофоз гильза осилган. Эбонит таёқча ва мовут парчасидан фойдаланиб, унинг зарядини аниқланг.

Ечилиши. Эбонит таёқчани мовутга ишқалаб, уни гильзага яқинлаштирилади. Эбонит таёқчанинг заряди манфий. Агар гильза таёқчага тортилса, у ҳолда унинг заряди мусбат, таёқчадан итарилса, унинг заряди манфий бўлади. Гильзанинг таёқчага тегишига йўл қўймаслик керак. Агар улар бир-бирига тегиб кетса, у ҳолда бўладиган ҳодисани ўқувчиларга тушунитириш керак. Гильза билан таёқча бир-бирига текканда уларнинг зарядлари бир хил бўлиб қолади ва гильза ҳамма ҳолда ҳам таёқчадан итарилади. Ўқувчиларнинг электр майдони тушунчасини ишлатишлари жуда муҳим: таёқчанинг атрофида зарядланган гильзага таъсир қилиб, уни итарадиган ёки тортадиган электр майдони мавжуддир.

235 (э). Агар гильзага эбонит таёқчани эмас, балки таёқча ишқаланган матони яқин келтирилса, тажрибада нима ўзгарили (234- масаланинг шартига қаранг).

Жавоби. Мато мусбат зарядланган. Агар гильза газламага тортилса, у ҳолда унинг заряди манфий, агар ундан итарилса, унинг заряди мусбат бўлади. Гильзага мусбат зарядланган мато атрофида мавжуд бўлган электр майдони таъсир қиласди.

236 (э). Қўлингизга бирор металл предмет олинг ва уни мовутга ишқалаб, электрлашга ҳаракат қилинг. Электрланганлик сезилмайди. Металл предметларни умуман электрлаш мумкинми? Агар электрлаш мумкин бўлса, уни қандай амалга оширилади?

Жавоби. Металл предметларни электрлаш мумкин. Бироқ бунинг учун бу предметлар Ердан яхшилаб изоляцияланган бўлиши керак. Бу ҳодисани изоляцияланган дастаси бўлган металл предметни мовутга ишқалаб кўрсатиш керак.

Агар электрланаётган металл предмет (изоляциясиз) қўлда ушланса, у ҳолда предмет одамнинг қўли ва танаси орқали Ерга уланиб қолади. Уни электрлаш, табиийки, мумкин эмас.

237 (э). Столга қоғоз бўлагини қўйинг ва уни мато билан ишқаланг. Қоғоз бўлаги электрланади. Ўнга юқоридан қўлингизни яқинлаштиринг. Қоғоз бўлагишинг нима учун қўлингизга тортилишини тушунтиринг.

Ж а в о б и. Электростатик индукция ҳодисаси рўй беради. Қўлнинг қоғоз бўлагига яқин томонида шу қоғоз зарядига тескари ишорали, ундан узоқ томонида эса қоғоз бўлаги заряди билан бир хил заряд ҳосил бўлади. Турли ишорали зарядлар бир хил ишорали зарядларга нисбатан бир-бирига яқинроқ бўлади ва шунинг учун тортишиш кучлари итаришиши кучларидан каттароқ бўлади ва қоғоз бўлаги қўлга тортилади.

Электростатик индукция ҳодисасини электрон назария пуктai назаридан тушунтириши ўқувчилар билан муҳокама қилиш фойдалидир. Электрланувчи жисмда электр майдон кучлари таъсирида эркин электронларнинг силжиши рўй беради, бунинг иттихасида жисмнинг бир учидаги электронлар этишмайди ва иккинчи учидаги ортиқча бўлади.


Охирида ўқувчилар билан атомларнинг ядро тузилиши муҳокама қилинади, энг содда атомларнинг схемалари чизилади.

238. Водород, гелий ва литийнинг мос равишида 1,2 ва 3 электронга эга эканини назарга олиб, уларнинг атомлари схемасини чизинг.

Схемаларни чизишда (34- расм) ўқувчилар атомнинг ядроси шу ядро атрофида айланадиган барча электронларнинг манфий зарядига тенг мусбат зарядга эга эканлигини кўрсатишилари керак. Атомнинг умумий заряди нолга teng.

Электронларнинг орбиталари доиравий қилиб тасвирланади. Орбиталарни эмас, балки электрон қатламлари тасвирлаш ҳам мумкин. У ҳолда водороднинг биринчи қатламида битта электрон, гелийнинида иккита электрон бўлади. Биринчи қатламда максимум иккита электрон бўлиши мумкин. Шунинг учун литий атомида учинчи электрон иккинчи электрон қатламда бўлади.

Бундан мураккаброқ бўлган атомларнинг схемалари VII синфда қаралмайди.



34- расм.

ТОК КУЧИ, КУЧЛАНИШ, ҚАРШИЛИК

Бу темага доир масалалар электр токи ва электр катталиктар (ток кучи I , кучланиш U ва қаршилик R) ҳақидаги тушиналарнинг шаклланишига, шунингдек, ўқувчиларни мураккаб бўлмаган электр занжирларини ҳисоблашга ўргатиши керак. Асосий эътибор Ом қонунига тегишли ва ўтказгичлар қаршилигининг уларнинг материалига, геометрик ўлчамлари (узунлиги l ва кўндаланг кесим юзи S) га боғлиқлигини ҳисоблашга доир масалаларга, шунингдек, ўтказгичларнинг кетма-кет, параллел ва аралаш уланиш усулларини ўрганиб, уларга тегишли масалаларни ечишга қаратилиди. Умумий қаршиликини ҳисоблаш маҳсус усулларни талаб қиладиган мураккаб масалалар VII синфда кўрилмайди. Мураккаб занжирларга тегишли масалалар IX синфда ечилади.

Политехник таълим бериш мақсадида электр схемаларини ўқиш, чизиш ва тузишга доир масалаларга ҳам катта эътибор берилади, бунда ГОСТ белгиларига амал қилишга алоҳида қаралади. Экспериментал масалалардан ўқувчиларда амалий, жумладан, ўлчаш малакалари ҳосил қилиш учун фойдаланилади.


1. Электр токи. Электр занжири

Электр токи электр зарядларининг электр майдонидаги ҳаракати деб таърифланади. Металл ўтказгичларда электр майдони кучлари таъсирида эркин электронлар ҳаракат қилишини ўқтириб ўтиш жуда муҳим.


Фақат содда электр занжирларигина қаралади. Уларда электр манбаси сифатида электр токининг химиявий манбалири — гальваник элементлар ва аккумуляторлар олинади.

239 (э). Иккии электроскопни турли исмли зарядлар билан зарядланг ва уларни МН-5 неон лампаси орқали металла ўтказгич билан уланг. Ўтказгич бўйлаб электронлар қайси йўналишда ҳаракатланади? Электр токининг йўналиши қандай? Нима учун лампочка фақат қисқа муддат чақнайди?

Тажрибани муҳокама қилишда унинг чизмаси чизилади



35- расм.



36- расм.

(35- расм), электроскопнинг шарчалари орасида электр майдони мавжуд бўлиш ва унинг таъсирида металл ўтказгичда электронлар *a* дан *b* га ҳаракатланishi тушунтирилади. Токниг йўналиши учун эса қарама-қарши йўналиш, яъни мусбат зарядлар ҳаракат қилиши керак бўлган йўналиш қабул қилинади,

бунда ток *b* дан *a* га томон оқади. Зарядларнинг ҳаракати узоқ давом этмайди, чунки улар электроскоплардаги зарядлар нейтраллашгунча ҳаракатланади.

240 (Э). Неон лампасини электрофор машинасигинг кондукторларига уланг ва машинани айлантиринг. Нима учун бу ҳолда лампа узоқ вақт ёнади?

Жавоби. Электрофор машина механикавий энергия ҳисобига ишлатган вақтда зарядларнинг бўлиниши содир бўлади. Кондукторларда турли исмли зарядлар пайдо бўлади, шунинг учун лампадан ҳамма вақт ток ўтиб туради.


241. Дафтaringизга 36- расмда тасвиirlанган қурилманинг электр занжирини чизинг.

Курилма демонстрация столиди йигилади ёки унинг тасвири ўқувчиларга алоҳида карточкаларда берилади, уларни эса фото тўғарагида ёки ҳаваскор фотограф ўқувчилар ёрдамида кўплаб тайёрлаш мумкин.


Электр занжирининг схемаси 37- расмда берилган.

242 (Э). Схемага кўра (38- расм) электр занжирини йиғинг ва унда токниг йўналишини кўрсатинг. Бу занжирда виключатель ва лампочканинг ўринини алмаштириш мумкини? Жавобингизни тажрибада текшириб кўринг.

Бу масаланинг ечилишини лаборатория ишига қўшимча фронтал эксперимент сифатида бериш мумкин. Занжирдаги ток ток манбанинг мусбат қутбидан манфий қутбига қараб йўналган. Ток манбай клеммаларининг қутблилиги „+“ ва



37- расм.



38- расм.

ишоралар билан белгиланни. Бунда электронларнинг қараша-қарши томонга ҳаракатланнишини таъкидлаб ўтиш керак.

Ўқувчилар элементлар электр занжирига кетма-кет уланганда бу элементларнинг уланиш тартибida фарқ бўлмаслигига ишонч ҳосил қилишлари керак. Виключатель занжирнинг исталган жойида бўлиши мумкин.

243. Электр занжирининг ҳамма элементлари ролини тушунтириинг: ток манбаи, истеъмолчи, уловчи симлар, виключатель.

Занжирда қандай энергия айланишлари рўй беради?

Жавоби. Ток манбаи электр зарядларини иккiga ажратади, буниг натижасида ҳамма вақт электр токи мавжуд бўлади. Ток манбаида бирор энергия албатта электр энергиясига айланади. Токнинг химиявий манбаида химиявий энергия электр энергиясига айланади. Истеъмолчида электр энергияси ички энергияга (электр лампа) ёки механик энергияга (электр двигатель) айланади.

Симлар бўйлаб эркин электронлар ҳаракатланади ва виключатель занжирни улайди ёки узади.


Ток манбанин зарядлар тўпланиб турган манба, ўтказгичларни эса „бўш труба“ бўлиб, улардан электронлар эркин оқади деб тасаввур қилишининг иотўғри эканини ўқувчиларга тушунтириш керак. Бунда шундай берк система сифатидаги гидродинамик аналогияга ўрин бўлиши мумкин: ток манбини насос билац, ўтказгичларни эса сув билан тўлган трубалар билан таққослаш мумкин (39-расм). Электр занжиридаги ток ҳаракатини тўхтатувчи виключатель гидродинамик берк занжирдаги сув ҳаракатини тўхтата оладиган кран ролини ўйнашини айтиш керак.

Ана ўгу гидродинамик аналогия ёрдамида электронларнинг бирор тезлик билан йўналиши ҳаракати ва электр токининг занжирдаги бир онда тарқалиши орасидаги фарқни ҳам кўрсатиш мумкин.

Электр занжирини ўрганишда электр занжирлари билан ишлашда техника хавфсизлиги масалалари кўриладиган масалаларни ечиш фойдалидир. Биринчи навбатда изоляция қилишининг зарурлиги масаласи кўрилиши керак.

244. Нима мақсадда электр симлари резинка, пластмасса, лак ва бошқа қатламлар билан қопланади, парафин суртилган короз тўқималар билан уралади?

Жавоби. Симларга тегилганда ток билан шикастланмаслик учун симлар изоляция қатламлари билан қопланади. Агар



39-расм.

симлар очиқ бўлса, қўл тегиб кетганда улардаги зарядлар одамнинг қўли ва танаси орқали ерга ўтади. Одам танаси орқали электр токи ўтиши маълум шароитларда одам ҳаёти учун ҳавфли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари устида изоляцияси бўлмаган симлардан амалда занжир тузиш ниҳоятда қийин, чунки бундай симлар бир-бирига тегиб кетиши ва қисқа туташув содир бўлиши мумкин. Натижада истеъмолчига ток бормай қолади.

245. Нима учун электромонтёрлар электр тармоқлари ва қурилмаларини ремонт қилаётганда қўлларига резинка қўлқоп, оёқларига резинка пойабзал кийиб оладилар ва резинкадан қилинган гиламчаларда турив, дастаси пластмассадан қилинган асбоблардан фойдаланадилар.

Жавоби. Электромонтёрлар электр тармоқлари ва қурилмаларини ремонт қилаётганида симларнинг очиқ жойларига ва мосталл қисқичларга тегиб кетишлари мумкин. Шунинг учун улар электр токидан шикастланмаслик учун ё резинка қўлқоп кийиб ҳамда пластмасса дастали асбоблар ишлатиб сим ва қисқичлардан, ё резинка гиламчаларда турив ердан изоляцияланган бўлишлари керак.

246. Эҳтиёtsизлик натижасида изоляцияланмаган симга тегиб кетган ва электр токидан шикастланган одамни қутқариш учун нима қилиш керак (23, № 1230)?

Жавоби. Даставвал занжирни узиш керак. Бунинг учун рубильникни узиш, виключателни бураш зарур ва ҳоказо. Агар бирор сабабга кўра дарҳол бундай қилиш мумкин бўлмаса, шикастланган кишини очиқ сим ёки клеммадан ажратиб олиш керак. Бунда, албатта, ўзининг хавфсизлигини ҳам ўйлаш керак: сим ёки клеммага, унга тегиб турган кишига очиқ қўл билан тегиб бўлмайди. Бунинг учун ён атрофида бўлган нарсалардан фойдаланиш мумкин: масалан, қўлни қуруқ ип газлама ёки жуни газлама билан ўраб олиш мумкин. Шикастланган киши токдан ажратиб олингандан сўнг, унга медицина ёрдами кўрсатиш зарур.

2. Ток кучи

Маълумки, ток кучи ўтказгичнинг кўндаланг кесимидан 1 сек да ўтган электр миқдори билан аниқланади. Ўқувчилар ўтказгичнинг кўндаланг кесими тушунчасини қийинроқ ўзлашибтирадилар. Бу тушунчани чизмалар ёрдамида тушунтириш керак. Бу ерда ток кучи тушунчасининг моҳиятини тушунишга ёрдам берувчи гидродинамик аналогидан фойдаланиш ҳам фойдали. Ўқувчиларнинг ток кучи ва кучланиш тушунчаларини аралаштириб юбормасликлари муҳимдир.

Хозирги вақтда ток кучининг „ампер“ бирлиги электр токининг магнит таъсиридан аниқланади. Бу таърифдан фойда-

даниб, VII синфда масалалар ечиб бўлмайди, чунки токли ўтказгичларнинг ўзаро таъсирини ифодаловчи формула ҳали ўрганилмаган бўлади. Бу боғланиш фақат IX синфда ўрганилади. Ток кучи ва заряд бирликларини токнинг химиявий таъсирига кўра аниқлаш ҳозир амалда қўлланилмайди, шунинг учун электролит орқали электр заряди ўтганда ажралиб чиққан модда миқдорини ҳисоблашга доир масалаларни ечишга ўрин қолмайди. Бу масалаларга ҳам ўқувчилар IX синфда электролиз қонунларини ўрганишда дуч келадилар.

Шундай қилиб, VII синфда ток кучи ва ток кучининг бирлиги турушунчаларини ўрганишда фақат $I = \frac{q}{t}$ ифода қўлланадиган ҳисоблаш масалаларигина қолади.

Бу масалалар ўқувчилар учун қийинлик қилмайди. Бунда фақат ҳисобларнинг тўғри бажарилиши ва ўқувчиларнинг I ва q нинг турли бирликлари (каррали ва улушли) орасидаги муносабатни тўғри ўзлаштиришларига аҳамият бериш зарур.

$I = \frac{q}{t}$ муносабатга доир ҳисоблаш масалалари даставвал маълум q ва t га кўра I ток кучини аниқлашдан иборат тўғри масалаларни ечишдан бошланади, сўнгра $q = It$ ва $t = \frac{q}{I}$ формулалар бўйича ҳам ечилади, лекин бу формулаларни ёдда сақлаш шарт эмас. Улар ҳар қандай конкрет ҳолларда асосий формуладан келтириб чиқарилади.

247. Кўндаланг кесимидан 1 минутда 48 μ электр миқдори ўтадиган симдаги ток кучини ҳисобланг.

Ечилиши. Маълумки, $I = \frac{q}{t}$. Бу формулада q ни кулонларда, t ни эса секундларда олиш керак. Бинобарин, $I = \frac{48 \mu}{60 \text{сек}} = 0,8 \text{ а.}$


248. Асбоб орқали ўтаётган токнинг кучи 6 мкА га тенг. Асбоб орқали 1 соатда қашча заряд ўтади?

Ечилиши. $I = \frac{q}{t}$ асосий формуладан: $q = It$. Зарядни кулонларда ҳисоблаш учун ток кучини амперларда, вақтни эса секундларда ифодалаш зарур. $I = 0,000006 \text{ а.}$, $t = 3600 \text{ сек.}$ Ҳисоблаймиз:

$$q = 0,000006 \text{ а.} \cdot 3600 \text{ сек} \approx 0,022 \text{ к.}$$

249. Агар ўтказгичнинг кўндаланг кесими орқали 25 мА ток кучида 100 μ электр заряди ўтган бўлса, ўтказгичда қанча вақт ток мавжуд бўлган?

Ечилиши. $I = \frac{q}{t}$ асосий формуладан: $t = \frac{q}{I}$. 25 мА токни амперларда ифодалаймиз, яъни $I = 0,025 \text{ а.}$ Формулага $q = 100 \mu$ ва $I = 0,025 \text{ а.}$ қийматларни қўйиб, вақтни ҳисоблаймиз: $t = 4000 \text{ сек.}$



40- расм.

Ток кучи тушунчасини ўрганишда электр занжирларининг схемаларини чизиш ва „ўқиши“ машқларини давом эттириш керак. Амперметрнинг шартли равишда қандай ифодаланиши ва шунингдек, унинг электр занжирига қандай уланиши тушунтирилгандан сўнг, электр занжирларининг 40-расмда тасвирланган схемасига ўхшаш схемалар чизилади ва қуида келтирилган типдаги бир-иккита масала ечилади.

250 (з). L_1 ва L_2 лампочкалардаги токни ўлчаш учун амперметрни қаерга улаш кераклигини схемада кўрсатинг (40-расм). Агар амперметр AB ва CD участкаларга уланса, у бир хил ток кучи кўрсатадими? Жавобинизни тажрибада текширинг.

Амперметр қайси истеъмолчидагиток кучини ўлчаши керак бўлса, занжирга ўша истеъмолчи билан кетма-кет уланиши зарурлигини ўқувчилар мустаҳкам ўзлаштиришлари керак.

3. Кучланиш

Кучланиш тушунчаси VII синф ўқувчилари учун мураккаблик қиласи. Масалалар ечиш уларга кучланиш энергетик таърифининг маъносини ўзлаштиришларига ёрдам бериши керак. Шу мақсадда дастлаб қуийдаги сифатга оид масалалар ечилади.

251. Иккита ўтказгичдан бирдай электр миқдори ўтди. Агар бир ўтказгичда бошқасига қараганда 3 марта кўп энергия ажралган бўлса, ўтказгичларнинг қайси бирида кучланиш катта бўлган?

Жавоби. Ўтказгичлардан айни бир заряд ўтганда қаерда кўп иш бажарилган бўлса, ўша ерда кучланиш катта бўлади.

Ушбу мулоҳазани кучланишнинг таърифи асосида ҳам, $U = \frac{A}{q}$ формуладан фойдаланиб ҳам юритиш мумкин. Ҳар ҳолда формуладан фойдаланмаган маъқул, чунки бу ҳолда формуладан дарҳол ва формал чиқариладиган жавобдан кўра масаланинг моҳиятини аниқлаш мүҳимдир.

252. Занжирининг бир қисмида кучланиш 2 в. Бу нимани билдиришини тушунтиринг.

Жавоби. Занжирининг бу қисмида 1 к электр ўтганда 2 ж энергия ажралади.

Кучланишга доир ҳисоблаш масалалари $U = \frac{A}{q}$ формула бўйича ечилади. Биринчи навбатда маълум A ва q га кўра U ни топишга доир тўғри масалалар ечилади. Сўнгра бошқа маълум катталикларга кўра A ва q ни ҳисоблашга доир масалалар ҳам ечиш мумкин.

253. Занжирнинг бир қисмидаги заряд ҳаракатланиб, 1270 жс иш бажарган. Занжирнинг шу қисмидаги кучланиши аниқланг.

$$\text{Жавоби. } U = \frac{A}{q}, \text{ яъни } U = \frac{1270 \text{ жс}}{10 \text{ к}} = 127 \text{ в.}$$

254. Агар занжирнинг бир қисмидаги кучланиш 1000 в бўлиб, 25 к заряд ҳаракатланаётган бўлса, занжирнинг шу қисмидаги қанча иш бажарилади?

Жавоби. Таърифга кўра $U = \frac{A}{q}$. Бундан $A = Uq$. Ҳисоблаймиз: $A = 1000 \text{ в} \cdot 25 \text{ к} = 25000 \text{ жс}$.

Шуни айтиб ўтиш керакки, $A = Uq$ ва $q = \frac{A}{U}$ формуулаларни ўқувчилар ёдда сақлашлари шарт эмас. Бу формуулаларни улар ҳар гал $U = \frac{A}{q}$ асосий формуладан топишлари керак, бу VII синф ўқувчилари учун яхши машқ бўлади.

Ўқувчиларни вольтметр билан таништиргандан сўнг қуидагига ўхшаш масалалар ечилади.


255 (Э). 41-расмда тасвирланган схема бўйича занжир тузинг.

- вольтметр қайси участкадаги кучланиши ўлчайди?
- L_1 лампадаги кучланиш қандай ўлчанади?
- агар вольтметр ток манбанинг қисқичларига уланса, унинг кўрсатишлари ортадими ёки камаядими?
- агар амперметр C ва A нуқталар орасига уланса, унинг кўрсатишлари ўзгарадими?

Ўқувчилар вольтметр занжирнинг қайси қисмидаги кучланиши ўлчалини керак бўлса, у ўша қисминг учларига уланиши зарурлигини билишлари керак. Бундан ташқари, келишилган шартга биноан, электр занжирларининг схемалари шундай тасвирланади, унда уловчи симларда кучланиш тушиши рўй бермайди. Электр энергия ташки занжирда фақат нагрузкадагина бошқа тур энергияга айланади. Кейинроқ электр занжирлари схемаларидаги уловчи симларнинг қаршилиги жуда кам бўлгани туфайли, уни назарга олинмаслигини айтиш мумкин.

4. Ўтказгичларнинг қаршилиги

VII синфда $R = \rho \frac{l}{S}$ муносабат ўрганилади. Қаршиликнинг температурага боғлиқлиги киритилмайди. Солиширма қарши-



41-расм.

лик эса узунлиги 1 м ва күндаланг кесим юзи 1 мм^2 бўлган материалнинг қаршилиги деб таърифланади:

$$[p] = \frac{\text{ом} \cdot \text{мм}^2}{\text{м}}.$$

Солиширма қаршиликнинг СИ даги ўлчамлиги VII синфда қўлланилмайди.

Машқларни солиширма қаршилик тушунчасининг маъносини ойдинлаштиришга ёрдам берадиган масалаларни ҳал қилишдан бошлаш керак, сўнгра эса асосан ўтказгичларнинг қаршилиги ҳисобланадиган миқдорий ва сифатга оид масалаларга ўтилади.

256. $p_{\text{темир}} = 0,12 \frac{\text{ом} \cdot \text{мм}^2}{\text{м}}$; $p_{\text{мис}} = 0,017 \frac{\text{ом} \cdot \text{мм}^2}{\text{м}}$ деган ёзувлар нимани билдиради?

Ўқувчилар биринчи ҳолда узунлиги 1 м ва кўндаланг кесим юзи 1 мм^2 бўлган темир ўтказгичнинг қаршилиги 0,12 ом, иккинчи ҳолда эса худди шуидай ўлчамли мис ўтказгичнинг қаршилиги 0,017 ом экалигини тушунириб беришлари лозим.

Р инг моҳиятини тушунириб бўлгандан кейин сифатга оид масалалар ёрдамида ўтказгичнинг қаршилиги унинг узунлигига ва кўндаланг кесим юзига боғлиқ эканлиги, яъни $R \sim l$ ва $R \sim \frac{1}{S}$ боғланишлар аниқланади.

257. Материали ва кўндаланг кесим юзи бир хил бўлган иккита ўтказгичнинг қайси бирининг қаршилиги катта ва неча марта катта: узунлиги 10 м ва 15 м; 12 м ва 120 см; 15 км ва 150 м?

258. Материали ва узунлиги бир хил бўлган иккита ўтказгичнинг қайси бирининг қаршилиги катта ва неча марта катта: кўндаланг кесим юзи 5 см^2 ва 30 мм^2 ; 10 мм^2 ва 25 см^2 ?

259. Бир кесма симни иккига бўлиб, бу икки бўлак бирорига ўралди. Ўтказгичнинг қаршилиги қандай ўзгаради?

Жавоби. Ўтказгичнинг узунлиги 2 марта қисқарди, бунинг натижасида унинг қаршилиги 2 марта камайди. Бироқ, бундан ташқари унинг кўндаланг кесим юзи ҳам 2 марта ортди, бунинг натижасида унинг қаршилиги яна 2 марта камайди. Ўтказгичнинг умумий қаршилиги 4 марта камайди.

Сўнгра $R = p \frac{l}{S}$ муносабатга доир оддий ҳисоблаш масалаларини ечишга ўтилади.

260. Узунлиги 5 м ва кўндаланг кесим юзи 3 мм^2 бўлган темир ўтказгичнинг қаршилигини аниқланг.

Бу хилдаги биринчи масалани қўйидагича мулоҳаза юритиб, арифметик ечиш керак: кўндаланг кесим юзи 1 мм^2 бўлган 1 м узунликдаги темир ўтказгичнинг қаршилиги 0,12 ом, 5 м узунликдаги симнинг қаршилиги бундан 5 марта кўпбўлади, яъни $0,12 \text{ ом} \cdot 5 = 0,6 \text{ ом}$; ўтказгич кўндаланг ке-

Сим юзининг 3 марта ортиши эса унинг қаршилигини 3 марта камайтиради, яъни $R = \frac{0,6}{3} \text{ ом} = 0,2 \text{ ом}$.

Ушбу муроҳазани қисқа қилиб, жадвал кўринишида ёзиш фойдали:

$$1 \text{ м} - 1 \text{ мм}^2 - 0,12 \text{ ом};$$

$$5 \text{ м} - 1 \text{ мм}^2 - 0,12 \text{ ом} \cdot 5 = 0,6 \text{ ом};$$

$$5 \text{ м} - 3 \text{ мм}^2 - \frac{0,6}{3} \text{ ом} = 0,2 \text{ ом}.$$

Бу ерда сонлар билан арифметик амаллар бажарилади, уларнинг исмлари билан эса амаллар бажарилмайди.

Масала, арифметик равишда ечилгандан кейингина унинг $R = \rho \frac{l}{S}$ формула бўйича ечилиши кўрсатилади:

$$R = 0,12 \frac{\text{ом} \cdot \text{мм}^2}{\text{м}} \cdot \frac{5 \text{ м}}{3 \text{ мм}^2} = 0,2 \text{ ом}.$$

Бунда ўқувчиларнинг диққатини икки нарсага жалб қилиш керак. Биринчидан, масалаларни формуулалардан фойдаланиб ёчиш вақтни анча тежайди ҳамда қулай ва содда ёзилади.

Иккинчидан, бундай ечишда сонлар билан амаллар бажариш билан бирга исмлар билан ҳам амаллар бажарилади.

261. Кесим юзи $0,65 \text{ см}^2$ бўлган 5 км узунилкдаги трамвай симининг қаршилиги топилсан.

Масала бундан аввалги масалага ўхшаш, бироқ буни ечишда бирликларнинг тўғри танланишига аҳамият бериш керак. Симининг узунлигини, албатта, метрларда, кўндаланг кесим юзини эса мм^2 ларда ҳисоблаш керак.

$$\text{Жавоби. } R = \frac{0,017 \text{ ом} \cdot \text{мм}^2}{\text{м}} \cdot \frac{5000 \text{ м}}{65 \text{ мм}^2} \approx 1,3 \text{ ом}.$$

Бу масалалар ўқувчилар учун унчалик қийин эмас, шунинг учун улардан бир нечтасинингни ечиш етарли. Берилган барча масалаларни ечавериш шарт эмас, чунки $R = \rho \frac{l}{S}$ муюносабат занжирнинг бир қисми учун Ом қонуни ўрганилгандан кейин анча мураккаб комбинацион масалаларни ечишда яна ишлатилади.

Ҳар ҳолда ρ , l ва S га кўра R ни топишга оид тўғри масалаларни ечгандан кейин $R = \rho \frac{l}{S}$ муюносабатдан ρ ёки l , S ни топишга оид масалалар ҳам ечиш керак.

262. Кўндаланг кесим юзи 10 мм^2 бўлган алюминий симининг қаршилиги $0,032 \text{ ом}$ га teng бўлиши учун ундан қандай узунилкда олиш керак?

Бу хил масалаларнинг ечилишида бирликлар танлашни ҳисобга олмагаизда, ўқувчилар дуч келадиган асосий қийинчиллик $R = \rho \frac{l}{S}$ формула билан математик амаллар бажаришdir. Тегишли ўзгаришларни доскада бажариб ва тушунтириб бунга

аҳамият бериш керак ҳамда ҳамма ўқувчиларнинг ўзгартиришларни мустақил бажаришларини кузатиб бориш керак.

$$\text{Жавоби. } l = \frac{RS}{\rho}; \rho = 0,032 \frac{\text{ом} \cdot \text{мм}^2}{\text{м}}; l = 10 \text{ м.}$$

Олинган жавобларни мантиқий равишда тақрибий текширишга ҳам аҳамият бериш керак. Бундан шундай „қўпол“ текширишдан фойдаланиш мумкин. $\rho = 0,32 \frac{\text{ом} \cdot \text{мм}^2}{\text{м}}$ ва $R = 0,032 \text{ ом}$ қийматлар 1 мм^2 дан катта кесимга тегишли бўлгани учун симнинг узунлиги 1 м дан ортиқ бўлиши керак, ҳақиқатан ҳам шундай.

Шунга ўхашаш ўтказгичнинг кўндаланг кесим юзини $S = \frac{l}{R}$ формуладан, солиширма қаршилигини $\rho = \frac{RS}{l}$ формуладан аниқлаш мумкин. I, S ва ρ ни аниқлаш формулаларини ўқувчилар ёдда тутишлари шарт эмас.

Масалалар ечишда асбобларнинг, хусусан, реостатларнинг паспорт маълумотларидан фойдаланиш ҳам фойдалидир.

263. Реостат табличкасида 30 ом, 3 а деган ёзув бор. Бу нимани билдиради? Занжирга уланган чулғамишинг қаршилиги тахминаи қандай? Қаршиликни қандай кўпайтириш (камайтириш) мумкин? Занжирга уланган реостатнинг қаршилиги ортганини (камайганини) қандай билиш мумкин? Бу масалани экспериментал масала сифатида ҳам қўйиш мумкин.

Ўқувчилар реостат 0 дан 30 ом гача қаршиликка эга деб жавоб беришлари керак. Реостат қаршилигининг катталиги унинг сургичини силжитиб ўзгартирилади. Бунда занжирга уланган реостат чулғами симининг узунлиги ўзгаради. Кучланиш ўзгармас бўлганда ($U = \text{const}$) қаршилик ортирилса, занжирдаги ток кучи камаяди. Реостатнинг R қаршилиги камайгандада эса I ток кучи ортади.

Ток кучи 3 а дан ортиқ бўлмаслигини уқтириб ўтиш керак. Акс ҳолда реостат чулғамлари қаттиқ қизиб, куйиб кетади.

5. Занжирнинг бир қисми учун Ом қонуни

$I = \frac{U}{R}$ муносабатга доир масалалар аввал машқ тарзида оғзаки ешилади.

264. Ўтказгичдаги ток кучини қандай қилиб икки марта камайтириш мумкин?

Жавоби. Агар $R = \text{const}$ бўлса, у ҳолда ўтказгичдаги ток кучини 2 марта камайтириш учун U кучланиши 2 марта камайтириши керак. Агар $U = \text{const}$ бўлса, занжирнинг қаршилигини 2 марта ортириш керак.

265. Реостатдаги кучланиш икки баробар орттирилди, унинг қаршилиги эса 3 марта камайтирилди. Реостатдаги ток қандай ўзгарди?

Жавоби. Занжирдаги ток кучи 6 марта ортди.

266. Масалани оғзаки ечинг:

а) $U = 20 \text{ в}, \quad R = 10 \text{ ом}, \quad I = ?$

б) $I = 10 \text{ а}, \quad R = 5 \text{ ом}, \quad U = ?$

в) $I = 5 \text{ а}, \quad U = 15 \text{ в}, \quad R = ?$

Масаланинг шартида берилган I , U ва R нинг қийматларини доссага ёзиб қўйган маъқул, чунки уни хотирада сақлаб бўлмайди. Ўқувчилар биринчи ҳолда $I = \frac{U}{R}$ ток кучини, иккинчи ҳолда $U = IR$ кучланишини ва учинчи ҳолда $R = \frac{U}{I}$ қаршиликни оғзаки аниқлашлари керак. Ўқувчилар фақат $I = \frac{U}{R}$ формуласин ёдда сақлашлари керак, бошқаларини эса анашу асосий формуладан чиқарадилар. Улар аста-секин U ва R ни аниқлаш формулаларини ҳам эсда сақлаб қоладилар.

Жавоби. а) $I = 2 \text{ а};$ б) $U = 50 \text{ в};$ в) $R = 3 \text{ ом}.$

Шундан кейин мураккаброқ ҳисоблаш масалалари ечилади.

267. Масалани ечинг:

а) $R = 2 \text{ Мом}, \quad U = 350 \text{ в}, \quad I = ?$

б) $I = 10 \text{ а}, \quad R = 10 \text{ ком}, \quad U = ?$

в) $I = 15 \text{ ма}, \quad U = 30 \text{ кв}, \quad R = ?$

Бу масалалар Ом қонуни формуласини мустаҳкамлаш ва ундан керакли катталикларни топиш малакаларини ҳосил қилишдан ташқари, ўқувчиларни ток кучи, кучланиш ва қаршиликнинг турли бирликлари билан танишириш ҳамда уларни бир масштабдан иккинчи масштабга ўтказишни машқ қилдиришга хизмат қиласди.

Жавоби. а) $I = 0,175 \text{ ма};$ б) $U = 100 \text{ кв};$ в) $R = 2 \text{ Мом}.$

Шунингдек, асбобларнинг паспорт маълумотларидан фойдаланишга онд масалалар ҳам фойдалидир.


268 (э). Чўнтак фонари лампочкасининг цоколидаги ёзилган маълумотлардан фойдаланиб, лампочканинг қаршилигини топинг.

Ечилиши. Лампочка олиб, унинг цоколида $3,5 \text{ в}; 0,28 \text{ а}$ деган ёзувлар ўқиласди.

Ом қонунига кўра $I = \frac{U}{R}$, бундан $R = \frac{U}{I}$. Ҳисоблашларни бажарамиз:

$$R = \frac{3,5 \text{ в}}{0,28 \text{ а}} = 12,5 \text{ ом}.$$

Агар масала синфда ечилса, ўқувчиларга керакли маълумотларни ўзлари топишлари учун лампочка улашиш керак.



42- расм.

Масаланинг биринчи қисмини ечиш учун U нинг бирор қиймати олинади ва графикдан бунга мос келувчи I нинг қиймати топилади. Ўтказгичнинг қаршилиги $R = \frac{U}{I}$ формуладан аниқланади. Ушбу ҳолда $R = 100 \text{ ом}$. Масаланинг иккинчи саволига жавоб бериш учун графикдан $I = 3,5 \text{ а}$ қиймат олинади ва унга мос келувчи 350 в кучланиш топилади. Жавобни ҳисоблаб текшириш фойдалидир:

$$U = IR = 3,5 \text{ а} \cdot 100 \text{ ом} = 350 \text{ в.}$$

Охирида $I = \frac{U}{R}$ ва $R = \rho \frac{l}{S}$ муносабатлардан фойдаланиладиган комбинацион масалалар ечилади. Бу масалаларни иложи борича аналитик метод билан ечган маъқул, чунки бунда ўқувчилар улар билан аста-секин таниша борадилар.

270. Узунлиги 100 м , кўндалант кесим юзи $0,5 \text{ мм}^2$ бўлган мис симнинг учларига $6,8 \text{ в}$ кучланиш берилган. Ундан ўтаётган ток кучини аниқланг.

Ечилиши. $I = \frac{U}{R}$. U маълум. R қаршиликни $R = \rho \frac{l}{S}$ формуладан топамиз. Ҳисоблашларни босқичма-босқич олиб бориш мумкин: дастлаб R , сўнгра I ҳисобланади. Үмумий формулани чиқариш мумкин: $I = \frac{US}{\rho l}$. Агар ҳамма маълумотларни масаланинг шартидан миснинг солиштирма қаршилигини эса жадвалдан $\rho = 0,017 \frac{\text{ом} \cdot \text{мм}^2}{\text{м}}$ олиб ҳисоблашни бажарсак, $I = 2 \text{ а}$ ни ҳосил қиласиз.

271. 110 в кучланиш ва 6 а ток кучига мўлжалланган электр плитканинг қиздиргич элементини тайёрлаш учун кўндаланг кесими $0,1 \text{ мм}^2$ бўлган никелин симдан қанча олиниши керак?

$U = \text{const}$ бўлганда I нинг R га боғлиқлик, $R = \text{const}$ бўлганда I нинг U га боғлиқлик, графикларини чизиш, шунингдек, бу графикларни „ўқиб“ улар ёрдамида масалалар ечиш Ом қонунини тушунишга катта ёрдам беради.

269. 42- расмда занжирнинг бир қисми учун Ом қонунининг графикни келтирилган. Графикдан ўтказгичниг қаршилигини, шунингдек, ўтказгичда $3,5 \text{ а}$ ток ҳосил қиласиган кучланишини аниқланг.

Ечилиши. $R = \rho \frac{l}{S}$, бундан $l = \frac{RS}{\rho}$. l ни аниқлаш учун R ни билиш зарур. Уни $R = \frac{U}{I}$ Ом қонунидан топамиз. Охирги формула $l = \frac{US}{I\rho}$ бўлади. Оддинги масаладаги сингари ҳисоблашларни ё босқичма-босқич, ё умумий формуладан фойдаланган ҳолда олиб бориш мумкин. Жадваллардан $\rho_{никелин} = 0,4 \frac{\text{ом} \cdot \text{мм}^2}{\text{м}}$ эканини топамиз.

Ҳисоблашлар

$$l = \frac{110 \cdot 0,1 \text{ мм}^2}{6 \cdot 0,4 \frac{\text{ом} \cdot \text{мм}^2}{\text{м}}} \approx 4,6 \text{ м}$$

6. Ўтказгичларни улаш


Ўтказгичларни улаш темаси энди VII синфда ўтилади. Шунинг учун бунда ўтказгичларни параллел ва кетма-кет улашга доир кўплаб масалалар ечиш зарур. Юқори синфларда бу масалалар фақат такрорланади ва бирмунча мураккаб занжирларнинг қаршиликлариши ҳисоблашга доир масалалар ечилади.

Ўқувчиларни электр занжирларининг схемаларини таҳлил қилишга ва параллел уланишлар бўлган ҳолда тармоқланиш нуқтасини топишга ўргатиш мүхимдир. Ўқувчилар эквивалент схемалар, яъни ўтказгичларнинг уланиши кўзга яқъол ташланиб турадиган схемалар чизишга ўрганишлари керак. Бунинг учун занжирнинг бир қисқицидан иккинчисигача бўлган барча қисмларини синчилаб қараб чиқиш ва схемани соддароқ кўринишда чизиш керак.


Масалалар ечиш ўтказгичларнинг кетма-кет уланишига доир масалаларни ечишдан бошланади, сўнгра ўтказгичларни параллел ва аралаш уланишига доир масалалар кўрилади.

Занжирдаги барча қаршиликлари R_1 , R_2 , R_3 ва ҳ. к. сон индекслари бўлган R ҳарфи билан ифодалаш мумкин. Ўтказгичлар уланган барча нуқталарни A , B , C , D ва ҳ. к. ҳарфлар билан ифодалаш мумкин, бунда занжир қисмларининг қаршиликлари мос равишида R_{AB} , R_{BC} , R_{CD} ва ҳ. к. билан белгиланади. Кўп ҳолларда ана шу кейинги усул қулайроқ бўлади. Шунинг учун масалалар ечишда ўтказгичларни уланган нуқталарини ҳарфлар билан белгилаш тавсия қилинади. Бунинг афзаллиги, айниқса, ўтказгичлар параллел ва аралаш уланган ҳолларда яхши сезилади.

272. Электр занжирига қаршилиги 5 ом бўлган резистор ва қаршиликлари 0,25 ом дан бўлган иккита лампа кетма-кет уланган. Занжирнинг умумий қаршилигини аниқланг.



43- расм.



44- расм.

Масалани ечиш схема чизишдаи бошланади (43- расм). Резистор ва лампаларнинг уланиш нуқталари A, B, C, D ҳарфлар билан белгиланади. Занжирнинг умумий қаршилиги $R_{AD} = R_{AB} + R_{BC} + R_{CD} = 5 \text{ ом} + 0,25 \text{ ом} + 0,25 \text{ ом} = 5,5 \text{ ом}$.

273. Қаршиликлари $r_1 = 5 \text{ ом}$ ва $r_2 = 30 \text{ ом}$ бўлган иккита резистор 6 в кучланишли ток манбаининг қисқичларига 44- расмда кўрсатилгандек уланган. Занжирнинг барча қисмларидаги ток кучини аниқланг.

Ечилиши. Токнинг тармоқланиш нуқталарини A ва B ҳарфлар билан белгилаймиз. Занжирдаги умумий ток

$$I_0 = \frac{U_{AB}}{R_{AB}}$$

Уловчи симлар, шартлашилганимиздек, қаршилика эга эмас. R_{AB} нинг катталигини ўтказгичларни параллел улаш формуласи $\frac{1}{R_{AB}} = \frac{1}{r_1} + \frac{1}{r_2}$ дан топамиз. Ана шу формуланинг ўзига сон қийматларни қўйиш мумкин, чунки қаршиликлар сони иккитада ортиқ бўлганда бу формуладан R_{AB} катталикини яққол чиқариб олиш айниқса ўқувчилар учун қийинлик қиласди. Қаршиликлардаги токларни I_1 ва I_2 билан белгилаймиз. Бу токларни занжирнинг бир қисми учун Ом қонуни бўйича аниқлаймиз:

$$I_1 = \frac{U_{AB}}{r_1} \text{ ва } I_2 = \frac{U_{AB}}{r_2}$$

Ҳисоблашлар қўйидаги қийматларни беради:

$$R_{AB} \approx 4,3 \text{ ом}, I_0 \approx 1,4 \text{ а}, I_1 \approx 1,2 \text{ а}, I_2 = 0,2 \text{ а}.$$

Ечимнинг тўғрилигини

$$I_0 = I_1 + I_2$$

тengлиқдан текшириш мумкин.

Бу масалада R_{AB} ни изламай, балки I_1 ва I_2 токларни

$$I_1 = \frac{U_{AB}}{r_1}, \quad I_2 = \frac{U_{AB}}{r_2}$$

формулалардан тәпиб, сүнгра умумий

$$I_0 = I_1 + I_2$$

токни топиш осоюрк бўлади.

Ўтказгичлар аралаш ёки анча мураккаб уланган ҳолларда $R_{\text{умум}}$ ни излаш керак. Шунинг учун бу масалани ҳам узоқроқ бўлсада, ана шу йўл билан ечган маъқул. Натижада ўтказгичларниг уланишига доир масалаларни сишининг маълум алгоритми ҳосил бўлади.

274. Агар ўтказгичлар 45- расмда кўрсатилгандек уланган бўлса, занжирнинг тўла қаршилиги ва ҳар бир ўтказгичдаги токни аниқланг. $r_1 = 1 \text{ ом}$, $r_2 = 2 \text{ ом}$, $r_3 = 3 \text{ ом}$, $U_{AC} = 11 \text{ в}$ деб олинг.

Ечилиши. Занжирнинг BC қисмида қаршиликлари r_2 ва r_3 бўлган иккита ўтказгич параллел уланган. Занжирнинг умумий қаршилиги

$$R_{AC} = R_{AB} + R_{BC}; R_{AB} = r_1, \frac{1}{R_{BC}} = \frac{1}{r_2} + \frac{1}{r_3}$$

бўлади.

Занжирдаги ток кучи

$$I_0 = \frac{U_{AC}}{R_{AC}}$$

Бу ток r_1 қаршиликли ўтказгич орқали оқмоқда. BC параллел уланишининг тармоқларидаги ток кучини топиш учун дастлаб $U_{BC} = I_0 R_{BC}$ кучланишни, кейин эса

$$I_2 = \frac{U_{BC}}{r_2}, \quad I_3 = \frac{U_{BC}}{r_3}$$

токларни ҳисоблаш керак.


Ҳисоблашлар қўйидаги қийматларни беради: $R_{BC} = 1,2 \text{ ом}$, $R_{AC} = 2,2 \text{ ом}$, $I_0 = 5 \text{ а}$, $U_{BC} = 6 \text{ в}$, $I_2 = 3 \text{ а}$ ва $I_3 = 2 \text{ а}$.

Шу нарсани қайд қилиб ўтамизки, VII синфда бу масалани ечиш фақат занжирнинг бир қисми учун Ом қонунига асосланади. IX синфда I_2 ва I_3 токларни қўйидаги тенгламалардан топиш мумкин: $I_0 = I_1 + I_3$,


$$\frac{I_2}{I_3} = \frac{r_3}{r_2}.$$

U_{BC} кучланишни топмаса ҳам бўлади.


Ўтказгичларни аралаш улаш қараб чиқилгандан сўнг схемаларида ўтказгичлар қандай уланганлиги равшан кўринмайдиган реал занжирларни анализ қилиш ва ҳисоблашга ўтиш



45- расм.



46- расм.



47- расм.


мумкин. Бундай ҳолларда эквивалент деб аталувчи схемалар чизилади.

275. Уйингизда ўтказилган электр симларининг схемасини чизинг. Истеъмолчилар қандай уланганини аниқланг ва шу занжирнинг эквивалент схемасини чизинг.

Е ч и лиши. Айтайлик, ўқувчи 46- расмда кўрсатилган схемани чизган бўлсин. Симларнинг уланиш нуқталарини A , B , C , D , E ва F ҳарфлар билан белгилаймиз. Уловчи симларнинг қаршилиги жуда кичик деб ҳисоблаб, уларни назарга олмаймиз ва истеъмолчиларнинг қандай уланганини аниқлаймиз. Ҳамма истеъмолчилар параллел уланган. Занжирнинг эквивалент схемасини чизамиз. Бунинг учун токнинг a нуқтадан b нуқтагача бўлган йўлини қараб чиқамиз. A , C ва E нуқталарни бир тармоқланиш нуқтаси билан, B , D , F нуқталарни эса бошқа тармоқланиш нуқтаси билан алмаштириш мумкин. Занжирда параллел тармоқлар тўртта. Эквивалент схемани одатдаги кўринишда чизамиз, бунда барча истеъмолчиларни равишан кўриниб турган параллел тармоқларда жойлаштирамиз (47- расм).

276*. Схемаси 48- расмда ифодаланган занжирдаги ҳар бир резистор орқали ўтаетган токни аниқланг. Қисқичлардаги кучланиш b в, резисторларнинг қаршилиги $r_1 = r_2 = r_3 = 6 \text{ ом}$.

Е ч и лиши. Резисторлар қандай уланганини дарҳол айтиб бўлмайди. Бироқ занжирнинг эквивалент схемаси тузилса (49- расм), резисторларнинг параллел уланганини кўриш мум-



48- расм.

кин. Энди масалани ечши муреккаб әмас:

$$I_1 = I_2 = I_3 = \frac{U}{r_1} = \frac{U}{r_2} = \frac{U}{r_3}, \quad \text{яъни}$$


$$I_1 = I_2 = I_3 = 1 \text{ а.}$$

Занжирдаги умумий ток:

$$I_0 = I_1 + I_2 + I_3 = 3 \text{ а.}$$

Бу умумий токни Ом қонунига кўра ва $R_{\text{умум}} = \frac{r_1}{3}$ орқали аниқлаш мумкин. У ҳолда

$$I_0 = \frac{U}{R_{\text{умум}}}, \quad \text{яъни } I_0 = \frac{6 \text{ в}}{2 \text{ ом}} = 3 \text{ а.}$$



49- расм.

13- БОБ ТОКНИНГ ИШИ ВА ҚУВВАТИ

Бу темада асосан электр токининг иши ва қуввати, токнинг иссиқлик таъсири ва электр иситгич асбобларига доир масалалар қаралади. Бу масалаларининг ҳаммаси энди фақат VII синфда ўрганилади, ўқитишнинг II босқичида эса тақорлапади, холос. Бу нарса ўқитувчидан анча куч талаб қилади.

Масалаларни СИ системасида ечган маъқул, чунки бунида иш, қувват ва иссиқлик миқдори бирликларида хато кам бўлади. Ўқувчилар жоуль, ватт, гектоватт ва киловатт каби бирликлар билан амаллар бажара олишлари керак. Кўпинча қувватнинг гектоватт-соат ва киловатт-соат бирликлари устида тушунмовчиликлар бўлади. Масалалар ечишда бунга аҳамият бериш керак.

Ишни электр майдони бажаради, бироқ кўпинча электр токининг бажарган иши деб гапирилади. Бунга ҳам аҳамият бериш керак.

Масалалар ечишда ўқувчилар токнинг иши ва қувватини, ўтказгичда ажралган иссиқлик миқдорини ҳисоблаш малакаларини ҳосил қилишлари ҳамда электр энергияси нархини ҳисоблашни ўрганишлари керак. Ўқувчилар токнинг бажарган ишини, қувватини ҳамда ўтказгичдан ток ўтганда унда ажрадиган иссиқлик миқдорини ҳисоблашнинг $A = Ut$, $P = IU$ ва $Q = I^2 Rt$ (ж) асосий формулаларини мустаҳкам билиб олишлари керак.

Бошқа ҳамма формулалар занжирнинг бир қисми учун Ом қонуни ёрдамида асосий формуладан чиқарилади. Бу ҳосилаий формулалар ўқувчилар ёдида қолиши шарт әмас.

Иссиқлик миқдорини калорияларда ҳисобламаслик керак.

„Токнинг иши ва қуввати“ темасида экспериментал масалалар қарашга ва ечишга имконият жуда катта. Бу ўз-ўзидан тушунарли: чүртаниш электр лампалари, майший рўзгор асбоблари, электр счётикларни намойиш қилиш қийин эмас, уларнинг кўрсатишларини ёзиб олиб ҳамда паспортларидағи маълумотлардан фойдаланиб, керакли катталикларни топиш мумкин.

1. Токнинг иши ва қуввати

Дастлаб электр токининг иши ва қувватини ҳисоблаш формулаларини ўрганиш ҳамда ўлчов бирликларини эсда сақлаш учун машқ масалалари ечилади.

277. Чўнтақ фонари лампочкасининг кучланиши $4,0 \text{ в}$, ток эса 250 мА бўлса, электр токи лампочкада 10 мин да қанча иш бажаради?

Ечилиши. Токнинг иши $A = IUt$, бу сурʼада I ток кучи амперларда, U кучланиш вольтларда, t вақт эса секундларда олинади. Ҳисоблашлар бажариб, токнинг иши учун $A = 0,250 \text{ а} \cdot 4 \text{ в} \cdot 600 \text{ сек} = 600 \text{ ж} = 0,6 \text{ кж}$ қиймат олинади.

278. Қаршилиги 24 ом бўлган электр асбоби З соат 110 в кучланиша ишлаган. Асбобнинг қувватини ва ишини аниқланг.

Ечилиши. Қувватнинг формуласи $P = IU$, бироқ масаланинг шартида I ток билан U кучланиш эмас, балки U кучланиш билан электр асбобининг R қаршилиги берилган. Ом қонунига биноан занжирнинг бир қисми учун $I = \frac{U}{R}$ ни топамиз, у ҳолда $P = \frac{U^2}{R}$. Ҳисоблашлар қуйидаги қийматни беради:

$$P = \frac{120 \text{ в} \cdot 120 \text{ в}}{24 \text{ ом}} = 600 \text{ вт} = 0,6 \text{ квт}.$$

Токнинг иши: $A = IUt = Pt$, яъни $A = 600 \text{ вт} \cdot 3600 \text{ сек} = 6480000 \text{ ж} = 6480 \text{ кж}$.

Келгусида электр энергиясининг нархини ҳисоблаш учун токнинг ишини жоулларда эмас, балки киловатт-соатларда ($\text{kвт}\cdot\text{соат}$) ифодалаш керак. Буни икки йўл билан қилиш мумкин:

а) $1 \text{ квт}\cdot\text{соат} = 3600000 \text{ ж}$ эканлиги маълум. Бундан $A = 6480000 \text{ ж} = 1,8 \text{ квт}\cdot\text{соат}$ экакини ҳисоблаб чиқариш осон;

б) токнинг киловатт-соатларда ҳисобланган A иши киловаттларда ҳисобланган P қувватнинг соатларда ҳисобланган t вақтга кўпайтмасига тенг. Бинобарин, $A = 0,6 \text{ квт}\cdot3 \text{ соат} = 1,8 \text{ квт}\cdot\text{соат}$.

Масалалар ечишда, юқорида айтганимиздек, ўқувчиларни турли асбобларнинг (масалан, кавшарлагичлар, плиталар, дазмоллар, пилесослар, холодильниклар ва ҳоказоларнинг) пас-

портларидағи маълумотларини топиш ва улардан фойдаланишга ўргатыш керак. Амалий характердагы, масалан, электр асбобининг қуввати ва у мұлжалланған күчтәнешінде күра унинг қаршилигини топиш, гирляндадағи лампочкалар сонини анықлаш ва шунта үхідаш масалаларни киритиши ҳам фойдалидир. Бундай масалаларини намуналарини қуйида көлтирамиз.

279. Лампочканиң баллони ёки цоколида өзилтән қувват вә күчтәнеш ҳақидағи маълумотлардан фойдаланиб, лампочка түла чүгеланғанда ток күчини ва унинг қаршилигини топинш.

Ечилиши. Лампаниң қуввати $P = 96 \text{ вт}$ бўлиб, $U = 127 \text{ в}$ күчтәнешінде мұлжалланған бўлсин. Қувват $P = IU$, бундан $I = \frac{P}{U}$. Қаршилик $R = \frac{U}{I}$ формуладан анықланади. Лампаниң қаршилигини аввал I ток күчини топмасдан ҳам биратўласи топиш мүмкін. Ҳақиқатан ҳам: $P = IU$, $I = \frac{U}{R}$. Бундан $P = \frac{U^2}{R}$ ва $R = \frac{U^2}{P}$ ни ҳосил қиласиз. Бу масалада биринчи ечим соддароқ. Қийматларни қўйиб ҳисоблаймиз:

$$I = \frac{96 \text{ вт}}{127 \text{ в}} \approx 0,76 \text{ а}, R = \frac{127 \text{ в}}{0,756 \text{ а}} \approx 170 \text{ ом}.$$

280. Бир хил күчтәнешінде мұлжалланған турли қувватли иккى ламиадан қайси бирининг қаршилиги катта бўлади?

Ечилиши. Аввали масалада $P = \frac{U^2}{R}$ эканини кўрсатган эдик. Бинобарин, $R = \frac{U^2}{P}$. Кичик қувватли лампаниң қаршилиги катта экан.

Масалани сифатта оид оғзаки масала сифатида ҳам бериш мүмкін, бироқ у ҳолда масалани $R = \frac{U^2}{P}$ формула бўйича ечиш жуда қийин бўлади. Бунда қуйидагича мулоҳаза юритиш мүмкін.

Қувват U күчтәнешінде I ток күчига пропорционал. Биринчи лампаниң қуввати иккинчи ламиадан қувватидан кичик бўлсин. Айни бир күчтәнешінде биринчи лампадаги ток кучи иккинчи лампадаги ток кучидан кичик бўлиши керак. Табиий, биринчи лампаниң қаршилиги иккисиникидан катта. Демак, кам қувватли лампа катта қаршиликка эга деган аниқ хуносага келамиз. Бу ерда үқувчилар билишлари зарур бўлган $I = \frac{U}{R}$ ва $P = IU$ асосий мүлссабатлардангина фойдаланилган.

281. Янги йил арчасини безатиш учун қуввати 15 вт ҳамда 12 в күчтәнешінде мұлжалланған лампочкалардан шода тайёрлаш керак. Тармоқнинг күчтәнеші 120 в бўлса, бундай лампочкалардан нечта олиш мүмкін? Шоданинг қуввати қандай бўлади?

Ечилиши. Шода лампалари кетма-кет уланади. Барча лампалар бир хил бўлгани учун уларда кучланиш тушиши ҳам бир хил бўлади, яъни 12 в . Лампалар сони $n = \frac{120 \text{ в}}{12 \text{ в}} = 10$. Умумий қувват $P = 15 \text{ вт} \cdot 10 = 150 \text{ вт}$ га teng.

Турли қувватли лампалар кетма-кет уланган ҳол бир оз қилинроқ. Бунда занжирда кучланиш қайта тақсимланади. Бундай масалаларни яхшиси IX синфда электр токининг иши ва қуввати ҳақидаги масалаларни қайтаришда ечган маъкул.

Электр энергияси нархини ҳисоблашга доир масалаларни ечиш амалий аҳамиятга эга.

282. Счётчик улангандан то у узилгунга қадар унинг кўрсатиши мос равишда $A_1 = 401 \text{ квт}\cdot\text{соат}$ ва $A_2 = 421 \text{ квт}\cdot\text{соат}$ бўлса, сарфланган электр энергиясининг s нархи неча пул бўлади? Тариф бўйича электр энергиясининг нархи $B = 4 \text{ тийин}/\text{квт}\cdot\text{соат}$.

Ечилиши. Электр энергиясининг нархи $s = B(A_2 - A_1)$ га teng, яъни тарифга ва бажарилган ишга боғлиқ. Ҳисоблаш жуда содда:

$$s = 4 \frac{\text{тийин}}{\text{квт}\cdot\text{соат}} \cdot (421 \text{ квт}\cdot\text{соат} - 401 \text{ квт}\cdot\text{соат}) \cong 80 \text{ тийин}.$$

283 (э). Квартира счётчигининг кўрсатишларини ёзиб олинг ва бир суткада сарф бўлган электр энергиясининг нархини ҳисобланг. Ўқувчилар счётчик кўрсатишларини сутканинг бошида ва охирида ёзиб оладилар ва аввалги масаладагидек ҳисоблашлар бажарадилар. Агар сарф қилинган энергия учун хақ тўланадиган квитанция бланкасидаги ҳамма ҳисоблашлар ўрганилса, фойдали бўлади.

2. Токнинг иссиқлик таъсири

Ўтказгичда ажralадиган иссиқлик миқдорининг ток кучи, қаршилик ва вақтга боғлиқлиги дастлаб сифатга оид масалаларни ечишда аниқланади.

284. Қаршилиги 20 ва 40 ом бўлган икки ўтказгич кетма-кет уланган. Ўтказгичлардан ток ўтганда уларнинг қайси бирида кўп ва неча марта кўп иссиқлик миқдори ажralади?

Ечилиши. Кетма-кет улашда ўтказгичлардаги ток кучи бир хил бўлади. Иссиқлик миқдори ўтказгичнинг қаршилигига пропорционал бўлгани учун 40 ом қаршиликли ўтказгичда иссиқлик миқдори 20 ом қаршиликли ўтказгичдагига нисбатан икки марта кўп ажralиб чиқади.

285. 20 ва 40 ом қаршиликли ўтказгичлар параллел уланган. Уларнинг қайси бирида кўп ва неча марта кўп иссиқлик миқдори ажralади?

Ечилиши. Параллел улангандаги ўтказгичлар бир хил U кучланиши остида бўлади. $Q = I^2 R t$ муносабатдан хуолоса чиқариш қийин. Формулани бирмунча ўзgartiriш керак. Зан-

жиринг бир қисми учун Ом қонуни формуласидан фойдала намиз $I = \frac{U}{R}$, у ҳолда Q учун ёзилған формула шундай күришишга келади:

$$Q = \frac{U^2}{R} \cdot t.$$

Бинобарин, ўтказгичнинг қаршилиги қанча катта бўлса, унда иссиқлик миқдори шунчакам ажралади. 40 ом қаршиликли ўтказгичда 20 ом қаршиликли ўтказгичдагига нисбатан иккى марта кам иссиқлик миқдори ажралади.

Қўйида ҳамма ўқувчиларнинг ҳам мустақил ечишга кучи етмайдиган мураккаб сифатга оид масала келтирамиз. Бу масалани ҳар ҳолда синфда ечиш фойдали.

286. 220 в кучланишга мўлжалланган 600 ва 400 вт қувватли иккита плитка бор. Агар плиткалар тармоққа параллел уланса, уларнинг қайси биринда кўп ва неча марта кўп иссиқлик миқдори ажралади? Кетма-кет уланса-чи?

Ечилиши, Плиткалар параллел уланганда улардаги кучланиш бир хил 220 в га тенг бўлади. Плиткаларнинг қуввати масаланинг шартида кўрсатилганидек, $P_1 = 600 \text{ вт}$ ва $P_2 = 400 \text{ вт}$. Иssiқлик миқдори қувватга пропорционал. Шундай ёзиш мумкин: $Q = P t$ (ж). Бундан плиткаларнинг ишлаш вақти тенг бўлгани учун $\frac{Q_1}{Q_2} = \frac{P_1}{P_2}$ бўлади. Бинобарин, $Q_1 = Q_2 \frac{P_1}{P_2}$ ёки $Q = \frac{3}{2} Q_2$. Биринчи плиткада иккинчи плиткадагига нисбатан 1,5 марта кўп иссиқлик ажралади.

Плиткалар кетма-кет уланганда улардаги кучланиш ҳар хил, бироқ ток кучи бир хил бўлади. Энди плиткаларнинг қуввати масала шартида берилгандек бўлмайди ҳамда P_1 ва P_2 нинг қийматларидан масалани таҳлил қилишда фойдаланиб бўлмайди. Плиткаларнинг бу P_1 ва P_2 қийматларидан ва U кучланишдан уларнинг R_1 ва R_2 қаршиликларини ҳисоблашда фойдаланиш мумкин.

Маълумки, $P = IU = \frac{U^2}{R}$, у ҳолда $R = \frac{U^2}{P}$; $R_1 = \frac{220^2 \text{ вт}^2}{600 \text{ вт}} = 80 \text{ ом}$, $R_2 = \frac{220^2 \text{ вт}^2}{400 \text{ вт}} = 120 \text{ ом}$.

Ўтказгичларда ажраладиган иссиқлик миқдори $Q = I^2 R t$ формула билан ифодаланади. Бинобарин, I бирдай бўлганда Q иссиқлик миқдори R қаршилиқка пропорционал бўлади. Қаршилиги катта бўлган, яъни қуввати кам бўлган плиткада иссиқлик кўп ажралади. $Q_2 = \frac{3}{2} Q_1$ бўлишини осон кўрсатиш мумкин.

Демак, параллел уланганда катта қувватга мўлжалланган плитка кўп энергия сарфлайди, кетма-кет уланганда эса, аксинча, кам қувватга мўлжалланган плитка кўп энергия сарфлайди.

Токнинг иссиқлик таъсирига доир ҳисоблаш масалаларини ечиш дастлаб $Q = I^2Rt$ формула бўйича иссиқлик миқдори ҳисобланадиган тўғри масалаларни ечишдан бошланади, сўнгра эса бошқа (I , R ва t) катталиклар аниқланадиган масалалар ечилади.

287. Қаршилиги 10 ом бўлган ўтказгичдан 2 а ток ўтганда 1 соат давомида қанча иссиқлик миқдори ажралади?

Ечилиши. Q иссиқлик миқдори $Q = I^2Rt$ формула бўйича жоулларда ҳисобланади. Ҳисоблашлар шундай натижаларга олиб келади: $Q = 4 \text{ а}^2 \cdot 10 \text{ ом} \cdot 3600 \text{ сек} = 144000 \text{ жс} = 144 \text{ кж}$.

288. Ўтказгичдан 2 а ток 5 минут давомида ўтганда 1200 жс энергия ажралган бўлса, бу ўтказгичининг ҳаршилигини аниқланаг.

Ечилиши. $Q = i^2Rt$; бундан $R = \frac{Q}{I^2t}$; $R = \frac{1200 \text{ жс}}{4\text{а}^2 \cdot 300 \text{ сек}} = 10 \text{ ом}$.

Бўлимнинг охирида жисмларнинг иситишга кетган иссиқлик ҳам назарга олинадиган комбинацияланган масалалар ечилади.

289. Агар 100 г сувни иситиш учун 10 ом қаршиликли ўтказгичдан 5 а ток 2 минут давомида ўтганида ажралган иссиқликнинг ҳаммаси сарф бўлган бўлса, сувнинг температураси печа градусга кўтарилиган?

Ечилиши. Электр токи $Q = I^2R \cdot t = 25 \text{ а}^2 \cdot 10 \text{ ом} \cdot 120 \text{ сек} = 30000 \text{ жс}$ иссиқлик миқдори ажратади. Бу Q иссиқлик миқдори сувни иситишга кетади, яъни $Q = cm(t_2^0 - t_1^0)$. Бундан $t_2^0 - t_1^0 = \frac{Q}{cm}$.

Сув учун $c = 4190 \text{ жс}/\text{кг}\cdot\text{град}$, сувнинг массаси эса $m = 0,1 \text{ кг}$. У ҳолда

$$t_2^0 - t_1^0 = \frac{30000 \text{ жс}}{4190 \frac{\text{жс}}{\text{кг}\cdot\text{град}} \cdot 0,1 \text{ кг}} \approx 72^\circ\text{C}.$$

290. Электр чойнакда 220 в кучланиш ва 6 а ток кучида 15 минут давомида 3 кг сувнинг температураси 20 дан 80°C га кўтарилиди. Электр чойнакнинг иссиқлик берishi қандай?

Ечилиши. Иситгичнинг иссиқлик берishi деб сувни иситиш учун кетган иссиқлик миқдорининг токнинг бажарган ишига нисбатига айтилади.

Сувни иситиш учун кетган иссиқлик миқдори $Q = cm(t_2^0 - t_1^0)$, токнинг бажарган иши эса $A = IUt$. Электр чойнакнинг иссиқлик берishi

$$\eta = \frac{Q}{A} = \frac{cm(t_2^0 - t_1^0)}{IUt}.$$

Ҳисоблашлар бажариб:

$$\eta = \frac{4190 \frac{\text{жс}}{\text{кг}\cdot\text{град}} \cdot 3 \text{кг} \cdot 60 \text{град}}{16 \text{ а} \cdot 220 \text{ в} \cdot 15 \cdot 60 \text{ сек}} \approx 0,63 \text{ ёки } 63 \%$$

натижани оламиз.

Ҳисоблашларни шунингдек босқичма-босқич ҳам бажариш мүмкин, яъни аввал Q ни, сўнгра A ни ва ундан кейин η ни ҳисоблаш мүмкин.

14- БОБ

ЭЛЕКТРОМАГНИТ ҲОДИСАЛАР

VII синфда электромагнит ҳодисалар сиға: жиҳатидан ўрганилади ва шунинг учун фақат сифатга оид масалалар ечилади. Бу масалалардан кўпি экспериментал масалалар бўлиши керак.

Электромагнитларнинг қутбларини, магнит майдонидаги тоқли ўтказгичга таъсир қилувчи кучнинг йўналишини, индукцион токнинг йўналишини аниқлашга доир кўплаб турли қоидалар мавжуд. Масалалар ечишда кўйидаги қоидаларни қўллашга шартлашайлик:

а) тўғри токнинг, айланма токнинг, шунингдек, тоқли ғалтакнинг магнит майдонининг куч чизиқлари йўналишини аниқлаш учун парма қоидасидан;

б) магнит майдонидаги тоқли ўтказгичта таъсир қилувчи кучнинг йўналишини аниқлаш учун — чап кўл қоидасидан;

в) индукцион ток йўналишини аниқлаш учун ўнг қўл қоидасидан фойдаланиш керак.

Ўнг қўл қоидасини билиш программага кўра мажбурий эмас.

Электромагнитизмга оид масалаларни ечишда схемалар ва расмлар катта роль ўйнайди. Уларни айниқса дикқат билан бажариш керак.


Политехник таълим бериш мақсадида электромагнитлар ишлатиладиган асбоблар (қўнфироқ, громкоговоритель, электромагнит реле, электромагнитлар ёрдамида донни аралашмалардан тозалайдиган машина ва ҳоказолар) нинг тузилиши ҳақидаги масалаларни ечиш керак бўлади.


1. Токнинг магнит майдони.

Электромагнитлар


291 (э). Ток A дан B га қараб йўналганда магнит стрелкаси бизга қайси қутби билан қараган бўлади (50- расм)? Жавобингизни тажрибада текширинг.

Жавоби. Жанубий қутби билан. Магнит стрелкаси йўналишлари парма қоидаси бўйича аниқлашадиган магнит куч чизиқлари бўйлаб жойлашади: пармани ўтказгичдаги ток йўналиши бўйича (A дан






51- расм.



52- расм.



53- расм.

куч чизиқларнинг йўналиши билан мос тушади.) Масалани шу йўл билан ечиш осонроқ.

Электромагнитларнинг қўлланишини, масалан, қуйидаги масала ёрдамида кўрсатиш мумкин.

295. 54- расмда донни аралашмалардан тозалайдиган машинанинг соддалаштирилган схемаси берилган. Машинанинг ишлашини тушунтиринг.

Схемага қўшимча равишда қўйидагиларни билдирамиз. Темир кукунлари тоза доннинг силлик уруғларига ёпишмайди, бироқ турли аралашмаларнинг радиор-будур сиртларига яхши ёпишади (23, № 1455).

Жавоби. Ўқувчи шундай жавоб бериши керак. Аралашмаларнинг металл кукуни ёпишиб қолган уруғлари айланётган электромагнитга тортилади ва оғиб, чандаги яшикка тушади. Тоза дон эса ўнгдаги яшикка йифилади.

Электромагнит реленинг ишлашини кўп сонли турли автоматик қурилмаларнинг бири мисолида тушунтириш мумкин.

296. 55- расмда автоматик электромагнит сақлагачининг схе-

B га) бураймиз, парма дастасининг айланиш йўналиши токли ўтказгич атрофидаги куч чизиқларнинг йўналишига мос келади.

292. Ўтказгичдаги ток қайси томонга йўналган (51- расм)?

Жавоби. Токнинг биздан чизманинг орқа томонига йўналганини парма қоидасига кўра аниқлаймиз.


293. 52- расмда кўрсатилган куч чизиқларнинг йўналишини аниқланг.

Жавоби. Магнит майдонининг куч чизиқлари соат стрелкасига қарама-қарши йўналган.


294. Галтакдаги токнинг йўналиши қандай (53- расм)?

Ечилиши. Ўнгдан энг чекка ўрамни қараймиз. Унинг атрофидаги концентрик куч чизиқлар шундай йўналишга эгаки, уларга кўра ток *A* дан *B* га йўналмоқда деб хулоса қилиш мумкин.

Электромагнитларнинг қутбларини аниқлаш учун иккинчи парма қоидасини ҳам қўллаш мумкин. (Агар парма дастаси токнинг ғалтак ўрамларидаги йўналиши бўйича айлантирилса, у ҳолда парманинг кириш йўналиши ғалтак ичидағи



54- расм.



55- расм.

маси күрсатылған. 55- а расмда эса автоматик сақлагичтің уидан йүл құйилған катталиқдаги ток үтаётған пайти күрсатылған. 55- б расм сақлагич ұмма деталарыннан уидан йүл құйилғанидан катта ток үтгандан кейинги вазиятini күрсатади. Автоматик сақлагичтің ишлашини тушунтириңг.


Схемадаги белгилар: ЭМ — электромагнит, Я — якорь, П — пружиналар, Р — ричаг (34, № 1492).

Жағоби. Үкувчи шундай тушунтириши керак. Йүл құйилғанидан катта токда электромагнит якорни тортади. Якорь ричагни бұштатади ва ричаг пружина таъсирида юқорига күтарилади. Занжир узилади. Сақлагич яна аввалғи ишчи ҳолатга келиши учун ричагни аввалғи вазиятiga келтиріш керак.

Шундан кейин бевосита электромагнит релеға тегишли масалалар қаралади.

297. Электромагнит реле жуда заиф „бошқарыш“ токи воситасыда күчли ток занжирини („ишчи“ занжирни) улаш учун хизмат қиласы. Қайси қисқицга ишчи занжирни ва қайси қисқицга бошқарыш токи манбаини улаш керактыгини (56- расм) күрсатың [23, № 1439].

Жағоби. А ва D — ишчи занжир уланадын қисқицлар, В ва C — бошқарувчи ток манбаи уланадын қисқицлар.



56- расм.

2. Доимий магнитлар

Бу ерда асосан экспериментал сифатта сид масалалар ечилади.

298 (Э). Кичик пүлат аррача ва түғри магнит олиб, улар ёрдамида бир қутбли магнит бўлмаслигини кўрсатинг.


Ечилиши. Аррачани магнитлаб унда икки қутб бор эканлиги аниқланади ва уни иккига бўлинади. Ҳар қайси бўлак ҳам икки қутбга эга эканлиги қайтадан аниқланади ва ҳоказо.

299. Нима учун доимий магнит кучли зарбаларда ва қиздирилганда магнитсизланиб қолади?

Жавоби. Магнит гўё маълум тартибда жойлашган кичик элементар магнитчалардан иборат. Кучли зарба ва қиздиришда элементар магнитчаларнинг жойлашишидаги бу тартиб бузилади ва магнит ўз хоссасини йўқотади.

Зарба ва қиздиришда магнитнинг магнитсизланишини тажрибаларда магнитланган спица ёрдамида намойиш қилиш мумкин.

300 (Э). Иккита доимий магнит олинг ва уларни 57- расмда кўрсатилганидек жойлаштиринг. Магнитларнинг қўшни қутбларига биттадан мих яқинлаштиринг. Михлар магнитга тортилиб қолади. Агар магнитларни турли ишорали қутблари бирбирига теккунча яқинлаштирасак, нима бўлади?



57- расм.

Жавоби. Икки магнитнинг қўшилишидан ҳосил бўлган катта магнитнинг ўртасида нейтрал чизиқ бўлгани учун михлар тушиб кетади. Қутблар темир буюмларни энг кучли тортиш қобилиятига эга. Нейтрал чизиқ эса бу буюмларни тортиш хоссасига эга эмас.

301 (Э). Иккита бир хил стержень берилган бўлиб, улардан бири магнитланган. Бу стерженлардан бошқа ҳеч нарсадан фойдаланмаган ҳолда уларнинг қайси бири магнитланган эканини аниқланг.


Ечилиши. Стерженлардан ҳар бирининг уchlари навбат билан иккинчисининг ўрта чизигига яқинлаштирилади. Агар стерженлар тортишса, у ҳолда яқинлаштирилган стержень магнитланган бўлади.

3. Токли ўтказгичнинг магнит майдонидаги ҳаракати


Бу бўлимдаги ҳамма масалаларни чап қўл қоидасини қўл-лаб ечилади:

Чап қўл шундай қўйиладики, бунида магнит майдонининг куч чизиқлари кафта кирадиган, тўртта бармоқ эса ток йўналишини кўрсатадиган бўлсин; у ҳолда 90° га катта очилган бош бармоқ ўтказгичга таъсир қилувчи куч йўналишида жойлашади.

302 (ә). 58- расмда тасвиirlанган қурилмани йиғинг. Токли ўтказгичга таъсир қилувчи кучнинг йўналишини аниқланг. Ечимнинг тўғрилигини тажрибала текширинг.



58- расм.



59- расм

Жавоби. Ўтказгич ўнг томонга оғади.

303. 59- расмда тасвиirlанган магнит майдони куч чизиқлариининг йўналишини кўрсатниг.


Жавоби. Куч чизиқлари пастдан юқорига қараб йўналган.

304. 60- расмда рамкага таъсир қилувчи кучларнинг йўналиши тўғри кўрсатилганми?


Ечилиши. Рамканинг ҳар икки томонига таъсир қилувчи кучнинг йўналиши чап қўл қоидаси бўйича аниқланади. Хосил бўлган жуфт кучнинг йўналиши 60- расмда кўрсатилган йўналишга мос келади.

305. Рамканинг бурилиш йўналишини ўзгартириш учун нима қилиш керак (60- расм)? Рамка узлуксиз айланиши учун бу қурилмани ҳандай мукаммаллаштириш керак?

Жавоби. Рамканинг бурилиш йўналиши ундағи токнинг йўналиши ёки магнит майдони куч чи-



60- расм.



61- расм.

Агар зарурат бўлса, ўқитувчи индукцион токнинг йўналишини аниқлашга доир бир неча масала кўрсатиши мумкин, бироқ бу масалалар жуда осон, ўнг қўл қоидасини қўллашда хеч қандай қийинчиликларга дуч келмайдиган бўлиши керак.

Бундай оддий масалага мисол қилиб, қўйидагини келтириш мумкин. Масалани ечиш шарт эмас.

306. 62- расмда магнитнинг қутблари кўрсатилган. Магнит қутблари орасида магнит майдони куч чизиқларига перпендикуляр ҳолда юқоридан пастга ҳаракатланаётган берк ўтказгичда индукцион ток қандай йўналган бўлади?

Ечилиши. Ўнг қўлимизни кафта магнит майдонининг куч чизиқлари кирадиган қилиб жойлаширамиз. 90° га очилган бош бармоғимизни ўтказгичнинг ҳаракат йўналиши бўйлаб (пастга) йўналтирамиз. Қўлимизнииг тўрт бармоғи индукцион токнинг йўналишини кўрсатади. 62- расмда бу ток I ҳарфи билан белгиланган. Шунингдек, таништириш планида радиактив емирилиш ҳодисаси ҳам қаралади. Бунда кучли ўқувчиларга қўйидагига ўхшаш масалаларни тавсия қилиш мумкин.

Радиоактив емирилиши масаласини баён қилишда радиоактив модданинг емирилиш процессини харак-


зиқларининг йўналишини ўзгартириш (магнит қутбларини жойини алмаштириш) йўли билан ўзгартирилади.

Рамкани узлуксиз айланадиган қилиш учун коллектор деб аталувчи алоҳида қурилмадаи фойдаланилади. Бу ҳолда рамканинг учларига ярим ҳалқадар уланади (61- расм) ва уларга сирпанувчи контактлар орқали ток берилади. Рамка айланадиган бўлса ҳам, магнитнинг шимолий ва жанубий қутблари олдида ҳамма вақт рамканинг ток йўналиши бирдай бўлган ўтказгичлари жойлашади.

VII синф физика курсининг охирида электромагнит индукция ҳодисаси ўрганилади. Индукцион ток йўналишини ўқувчилар аниқламайдилар, чунки ўнг қўл қоидаси қўшимча ўқиши учун ажратилган параграфда баён қилинган.



62- расм.



63- расм.

терловчи диаграмма ясалса (63- расм), ўқувчилар ярим емирилиш даври тушунчасини яхши ўзлаштиришлари мумкин бўлади. Диаграммада устунчалар билан модданинг дастлабки миқдори ва унинг бир, икки, уч ва ҳоказо ярим емирилиш даврларига тенг бўлган вақт ўтгандан кейинги миқдорлари кўрсатилган.

307*. Радийнинг ярим емирилиши даври 1590 йил. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган радий миқдори қанча вақтдан кейин 4 марта камаяди?

Ечилиши. 63- расмдаги диаграммадан фойдаланиб, радиоактив модда миқдори 2 ярим емирилиш давридан сўнг 4 марта камайишини аниқлаймиз. Демак, радий 1590 й. $\times 2 = 3180$ йилдан сўнг 4 марта камаяди.

Мавжуд ҳамма радиоактив модданинг емирилиб, тугаши учун кетадиган вақт чексиз катта эканини таъкидлаб ўтиш керак.


Шунингдек, тескари масалани, яъни емирилиши вақти ва емирилишдан сўнг қолган модда миқдори маълум бўлиб, ярим емирилиш даврини аниқлаш талаб қилинадиган масалани ҳам тавсия қилиш мумкин.

Дарсликда α - ва β - нурларнинг электр майдонида оғиш ҳоли кўрилади.


Бу ҳолни масала тарзида ҳам қараб чиқиш мумкин.

308* α - ва β -нурлар электр майдонида қандай оғади (64- а расм)?

Ечилиши. α -нурлар мусбат зарядланган, β -нурлар эса манфий зарядланган зарралар оқимидан иборатdir. Зарядланган зарраларга зарядланган пластинкалар орасида вужудга келган электр майдони таъсир қиласи. α -зарралар чапга, β -зарралар ўнгга оғади. γ -нурлар электр майдонида оғмайди. Натижада ампуладан чиқаётган даста нур учта нурлар дастасига ажралади (64- б расм).



64- расм.



65- расм.

α - ва β - нурларнинг магнит майдонида оғишини аниқлашга доир масалалар яна ҳам катта қизиқиш туғдиради. Бу масалалар энг қийин сифатга онд масалаларга мисол бўлади. Бу масалани фокат кучли ўқувчиларгагина тавсия қилиш керак.

309*. Магнит қутблари 65-расмда кўрсатилгандек жойлашса, α -, β - нурлар магнит майдонида қандай оғади?

Ечилиши. α - ва β - нурлар оқимини қарама-қарши йўналишдаги токларга ўхшатиш мумкин. α -зарраларнинг ҳаракат йўналиши шу зарралар ҳаракатидан ҳосил бўлган токнинг йўналиши билан бир хил бўлади. β -зарраларнинг ҳаракат йўналиши эса шу зарралар ҳаракатидан ҳосил бўлган токнинг йўналишига қарама-қарши бўлади. Чап қўл қоидасини қўллаб, зарраларнинг оғиш йўналиши аниқланади: α -зарралар биздан чизма орқасига, β -зарралар эса биз томонга қараб оғади.

Чап қўлини қафтимиз шимолий қутбга қараган ҳолда магнит қутблари орасига киритамиз, ёзилган тўртта бармоғимизни ток йўналишида (α -зарраларнинг ҳаракат йўналишида ва β -зарраларнинг ҳаракат йўналишига тескари йўналишда) жойлаштирамиз. Очилгани бош бармоғимиз зарраларнинг қаёққа оғишини кўрсатади.

КИНЕМАТИКАНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

1. Саноқ системаси. Механикавий ҳаракатнинг нисбийлиги. Күчишларни қўшиш

Бу темага доир масалалар ечиш механикавий ҳаракатнинг нисбийлиги ҳақидаги тушунчани чуқурлаштиришга ва ўқувчиларда жисмларнинг ўрнини аниқлаш учун тўғри бурчакли координаталар системасидан фойдалана билиш малакасини ҳосил қилишга ёрдам бериши керак. Бунда, қонда бўйича, моддий нуқтанинг текислика ёки тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракатига доир масалалар ечилади.

Кўчишларни қўшишга доир ҳамда маълум фазовий тасаввурлар, янги тушунчаларни ўзлаштириш ва векторлар устида амаллар бажаришни талаб қиласидан масалалар энг қийин масалалардир.

Ўқувчилар „йўл“ ва „кўчиш“ тушунчаларини яхши ўзлаштириб олишлари, уларни аралаштириб юбормасликлари керак.

„Йўлнинг узуонлиги“ ёки қисқача „йўл“ — скаляр катталиқ. У нуқта ҳаракат қиласидан охиригина охирини учинчи векторнинг узуонлигига тенг. „Кўчиш“ эса вектор катталиқ. У нуқтанинг кетма-кет икки вазиятини бирлаштирувчи тўғри чизиқ кесмасига тенг ва бошланғич вазиятдан охиригина вазиятга қараб йўналган. Кўчишларни қўшиш мисолида ўқувчилар векторларни қўшишнинг умумий қондасини ўзлаштириб олишлари керак. Бу қондага кўра векторларни қўшиш учун биринчи векторнинг охирини иккинчи векторнинг бошига, иккинчи векторнинг охирини учинчи векторнинг бошига тақаш керак ва ҳоказо. Биринчи векторнинг боши билан охиригина векторнинг охирини бирлаштирувчи вектор барча векторларнинг йигинидеси ёки натижавий вектор бўлади. Ўқувчилар шунингдек векторларни параллелограмм қондаси бўйича қўшишни билишлари керак.

Ўқувчиларнинг математик тайёргарликлари етарли бўлмагани учун кўчишларни қўшиш асосан график усулда бажарилади. Фақат бир-бирига тўғри бурчак остида йўналган икки кўчишнинг натижавий векторигина аналитик усулда — Пифагор теоремасига мувофиқ топилиши мумкин.

310. Поездда кетаётган одам нисбатан тинч турган ва нисбатан ҳаракатлашадиган саноқ системаларини танланг.

311. Ерга нисбатан қўзғалмас ихтиёрий жисмнинг (масалан, дараҳтлар, бинолар, тоғлар ва бошқа предметларнинг) тинч туриши абсолют әмаслигини исбот қилинг.

312. Деразадан қүшни поездга қараб бир бола „Бизниңг поездимиз орқага кетаяпти“ деди. Үнга иккинчиси „Йўқ, қүшни поезд олдинга кетаяпти“, деб эътиroz билдири. Улардан қайси бири ҳақ эканлигини қандай биламиз? Бу масалани қайси саноқ системасида ечиш мумкин?

Жавоби. Темир йўл изига қараши керак. Масалани Ер билан боғланган қўзғалмас саноқ системасида ечиш мумкин.


313*. Ҳаракат нисбий бўлгани учун Ер Қуёшта нисбатан, Қуёш Ерга нисбатан ҳаракатланади деб айтиш мумкин. Шу асосда черков руҳонийлари Коперникнинг оламнинг илмий асосланган системасини ўзлари қонунлаштириб олган Птолемей системаси билан келиштирмоқчи бўлган эдилар. Бу уринишнинг хато эканлигини физикавий нуқтаи назардан тушунинг.

Жавоби. Черков руҳонийлари онгли равишда бир масалани иккинчиси билан алмаштиришга ҳаракат қиласр эдилар. Коперник ва черков қараашларининг бир-бирига зидлиги осмон жисмларининг ҳаракатини баён қилиш учун нимани шартли равишда қўзғалмас система деб қабул қилишда эмас, балки Қуёш системасининг ҳақиқий тузилиши қандай эканлигига, яъни Қуёш системасининг марказида Птолемей даъво қилганидек Ер эмас, балки Коперник исбот қилганидек Қуёш туришидадир.

Йўл ва кўчишлар тўғрисидаги тушунчаларнинг шаклланишида аввал жисмларнинг тўғри чизиқли ($\# 34$), кейин эса эгри чизиқли ҳаракатига ($\# 314, 315$) мисоллар қарааш керак.

314. Автомобиль кўчадан 400 m юрди ва ўнгга бурилиб, бурилишдан яна 300 m юрди. Автомобилнинг кўчадаги ва бурилишдаги ҳаракатини тўғри чизиқли деб олиб, автомобилнинг ўтган йўлини ва кўчишини ҳисобланг.

Ечилиши. 1-усул. Дастреб масала сифатга оид масала тарзида ечилади. Бунинг учун масштабга аниқ риоя қилмаган ҳолда $66\cdot a$ расмга ўхшаш расм қўлда чизилади. Сўнгра масштаб танланади, масалан, $1\text{ cm} = 50\text{ m}$. Танланган масштабда 400 m кесма жойлаштирилади, бунда кўчиш йўналиши A нуқтадан B нуқтага қараб стрелка билан кўрсатилади ($66\cdot a$ расм). Сўнгра тўғри бурчак остида ўнгга қараб 300 m кесма қўйилади. Автомобилнинг ўтган йўли $s = AB + BC = 400\text{ m} + 300\text{ m} = 700\text{ m}$, кўчиши эса $AC = 500\text{ m}$.



2-усул. AC кўчиш параллелограмм қоидасидан топилади ($66\cdot b$ расм).

315. Кема орол қирғоғи-
ни айланиб ўтиш учун
10 км шимолга, 15 км ши-
моли-шарққа ва 8 км шарқ-
қа қараб юрди. Кеманинг
ұтган йүлини ва унинг кү-
чишини анықланг. Кема ши-
молга ва шарққа қараб неча
километр күчган?


Ечилиши. Масштаб
1 см — 2 км. Вертикаль ва
горизонтал координаталар
ұқларини ўтказамиз ҳамда
 \vec{a}_1 , \vec{a}_2 , \vec{a}_3 векторларни кат-
таликлари ва йұналишлари-
ни назарга олиб, ұқларга
қўяминз. \vec{a}_1 нинг бошини ва
 \vec{a}_3 нинг охирини бирлашти-
рамиз ва натижавий век-
тор — \vec{a} кўчишини топамиз.
Унинг сон қиймати 28 км
га тенг бўлади.

Координата ұқлари ёр-
дамида кеманинг шимолга
қараб 20,5 км, шарққа қа-
раб 18,5 км күчганини то-
памиз (67- расм).


316. Катак қофоз вараги
устига гўния қўйинг ва уни
 AB тўғри чизик бўйлаб би-
рор масофага силжитинг
(68- расм). Айни вақтда қа-
ламни гўния ҳаракати йўна-
лишида, бу ҳаракатга қара-
ма-қарши, унга перпенди-
куляр, гипотенузга бўйлаб ҳаракатлантиринг.

Гўниянинг кўчиши ва қаламнинг гўнияга нисбатан кўчи-
шини ўлчаб, бу ҳолда кўчишларни қўшиш қоидаси бажари-
ладими, текширинг.


Ечилиши. Бу масалада үқувчи мураккаб ҳаракатга дуч
келади: қаламнинг қўзғалмас система (қофоз) га нисбатан ҳа-
ракати қўзғалувчан системадаги (гўния) нисбий ҳаракати би-
лан қўзғалувчан системанинг (гўниянинг) қўзғалмас системага
нисбатан кўчирма ҳаракатининг геометрик қўшилишидан ибо-
рат бўлади. Бу терминларни үқувчиларга айтиш шарт эмас,
бироқ улар мураккаб ҳаракат учун кўчишларни қўшиш



67- расм.



68- расм.



69- расм.

усулларини ўзлаштиришлари керак.

317. Вертикаль қўйилган таҳтачага катак қоғоз варагини ёништиринг ва *C* нуқтага ишга осилган юкча илиб (69- расм), илни *a* қалам орқали ўтказинг. Қаламни горизонтал йўналишда силжитинг ва юкнинг вазиятини аниқлаб боринг. Тажриба маълумотларидан фойдаланиб, юкчанинг горизонтал йўналишда, вертикаль йўналишда кўчишини ва унинг тўла кўчишини аниқланг.

2. Тезлик. Тезликларни қўшиш

Ўқувчилар жисмларнинг ҳаракат тезлигини ҳисоблашга доир масалаларни VI синфдаёқ ечган эдилар. Шунинг учун VIII синфда мустақил иш учун 5- бобда баён қилинганига ўхшаш бир неча масала бериш мумкин. Шундан сўнг тўғри чизиқли ва текис ҳаракатнинг \vec{v} тезлиги тушунчаси моддий нуқтанинг вақт бирлиги ичida ўтган кўчиши ($\vec{v} = \frac{\vec{s}}{t}$) билан аниқланадиган вектор катталик экани аниқлаштирилади ва асосий эътибор тезликларнинг вектор сифатида қўшилишига доир масалалар ечишга қаратилади.

Кўпчилик масалаларда қўзғалмас саноқ системаси деб Ер қабул қилинади. Бироқ бундай танлаш шартли эканини ўқувчилар тушунишлари ва Ерга нисбатан ҳаракатланувчи жисмларни ҳам саноқ системаси деб қабул қилиш мумкин бўлган бошқа системалардан ҳам фойдалана билишлари керак. Бу икки жисмнинг тўғри чизиқли текис ҳаракатига доир масалаларни ечишни осонлаштириши мумкин (№ 319, 320).

Ўқитувчи бу усул Галилей координата алмаштиришларига асосланган эканини ёдда тутиши керак. Агар x' , y' , z' координаталар системаси x , y , z системага нисбатан x ўқи бўйлаб текис ҳаракатланётган бўлса, у ҳолда вақтнинг ихтиёрий t пайтида $x = x_0 + x'$ бўлади. Бинобарин, $\vec{v}_x = \vec{v}_{x_0} + \vec{v}'_x$, бундан $\vec{v}'_x = \vec{v}_x - \vec{v}_{x_0}$, яъни янги координаталар системасида \vec{v}_x нисбий тезликни топиш учун жисмнинг биринчи системадаги \vec{v}_x аб-

солют тезлигига \vec{v}_{x_0} күчма тезликни тескари ишора билан қўшиш керак.

Тенгламани скаляр шаклда ёзишда жисмларнинг ҳаракат йўналишларидан бирини мусбат, унга қарама-қарши йўналишини эса манфий деб қабул қилинади.

Бу усул ўқувчиларга масалалар ечиш вақтида конкрет мисолларда кўрсатилади.

318. Сувости қанотлари бўлган теплоход дарё бўйлаб пастга 80 $км/соат$, юқорига эса 76 $км/соат$ тезлик билан юрди. Теплоходнинг хусусий тезлиги ва оқим тезлигини аниқлаш.

Ечилиши. Саноқ системаси деб Ерни қабул қиласиз. Теплоходнинг оқим бўйлаб тезлиги $80 \text{ км/соат} = v_{xyc} + v_{\text{оқим}}$, бу ерда v_{xyc} — теплоходнинг хусусий (турғун сувдаги ёки сувга нисбатан) тезлиги, $v_{\text{оқим}}$ эса оқим тезлиги. Теплоходнинг оқимга қарши тезлиги $76 \text{ км/соат} = v_{xyc} - v_{\text{оқим}}$. Тенгламалар системасини ечиб, $v_{\text{оқим}} = 2 \text{ км/соат}$, $v_{xyc} = 78 \text{ км/соат}$ эканини топамиз.

319. Овчи ит $s = 200 \text{ м}$ масофада қуённи кўриб қолди. Агар қуён 40 $км/соат$ тезлик билан қочаётган ва ит уни 60 $км/соат$ тезлик билан қуваётган бўлса, ит қуённи қанча вақтдан сўнг қувиб етади?

Ечилиши. 1- усул. Саноқ системаси деб Ерни қабул қиласиз. Қуён $s_{\text{куён}} = v_{\text{куён}} \cdot t$ масофани, ит эса $s_{\text{ит}} = v_{\text{ит}} \cdot t$; $s_{\text{ит}} = s_{\text{куён}} + s$ масофани босиб ўтади. Тенгламалар системасини ечамиш:


$$t = \frac{s}{v_{\text{ит}} - v_{\text{куён}}} = 36 \text{ сек.}$$

2- усул. Саноқ системаси деб қуённи қабул қиласиз. Қуён ҳаракатланмайди деб олсак, Ер тескари йўналишда (қуёндан итга қараб) ҳаракатланаяти дейишимиз керак | $v_{\text{куён}}$ | = | $v_{\text{еп}}$ |. Бироқ бу ҳолда ҳаракатсиз ит ҳам қуёндан худди шундай тезлик билан узоқлашиши керак. Ит ҳаракатланаётгани учун унинг қуёнга нисбатан тезлиги:

$$v'_{\text{ит}} = v_{\text{ит}} - v_{\text{еп}} \cdot t = \frac{s}{v_{\text{ит}} - v_{\text{еп}}}.$$

Бу ечим математик жиҳатдан содда, бироқ ўқувчилардан узлуксиз мантиқий фикрлашни талаб қиласиди. Шунинг учун бу усулга материални такрорлаш ва мустаҳкамлашда катта Эътибор бериш керак.

320. Кўлда $v_t = 30 \text{ км/соат}$ тезлик билан теплоход сузиб кетмоқда, унга қарама-қарши йўналишда эса баржаларнинг умумий узунлиги $l = 250 \text{ м}$ бўлган карvonли буксир $v_b = 15 \text{ км/соат}$ тезлик билан келмоқда. Теплоход палубасидаги одам $v_{\text{одам}} = 5 \text{ км/соат}$ тезлик билан теплоход ҳаракатига тескари юрмоқда. Баржалар одамнинг ёнидан қанча вақт давомида сузиб ўтади?



70- расм.

Ечилиши. 1- усул. Саноқ жисми деб Ерии қабул қиласиз. t вақт ичидә одам Ерга нисбатан $s_0 = (v_t - v_0) \cdot t$ масофага күчади. Бу вақтда баржалар $s_0 = v_0 t \cdot s_0 + s_0 = l$; $(v_t - v_0) \cdot t + v_0 \cdot t = l$ масофани ўтади, бундан $t = \frac{l}{v_t - v_0 + v_0} = \frac{0,250 \text{ км}}{30 \frac{\text{км}}{\text{соат}} - 5 \frac{\text{км}}{\text{соат}} + 15 \frac{\text{км}}{\text{соат}}} = 0,00625 \text{ соат} \approx 23 \text{ сек.}$

2- усул.* Саноқ жисми деб баржаларни қабул қиласиз. У ҳолда Ер (сув) баржаларга қараб v_0 тезлик билан ҳаракатланади деб олиш мумкин. Шунинг учун теплоходнинг баржаларга нисбатан тезлиги $v' = v_t + v_0$ (ҳаракатланадиган жисм тезлигига саноқ системаси учун қабул қилинган жисмнинг тезлиги тескари ишора билан қўшилади).

Одамнинг баржаларга нисбатан тезлиги $v' = v_t + v_0 - v_0$;

$$t = \frac{l}{v_t + v_0 - v_0}.$$

321. Кран юкни $20,0 \text{ м/мин}$ тезлик билан вертикал кўтарди. Кран аравачасининг тезлиги эса $10,0 \text{ м/мин}$. Юкнинг натижавий ҳаракат тезлигини аниқланг.

322. Транспортёр горизонтга 30° бурчак остида оғган. Унинг лентасининг тезлиги $v_0 = 2 \text{ м/сек.}$ Материалларнинг вертикал ва горизонтал йўналишда силжиш тезлиги ва улар 3 сек да кўтариладиган h баландликни аниқланг.

Ечилиши. Координата ўқларини ясаймиз ва горизонтал ўққа 30° бурчак остида $1 \text{ см} - 0,5 \text{ м/сек}$ масштабда v_0 тезлик векторини қўямиз. 70- расмдан кўриниб турганидек, $v_b = 1 \text{ м/сек.}$

$$v_t = 1,7 \text{ м/сек.}, h = v_b \cdot t = 1 \text{ м/сек} \cdot 3 \text{ сек} = 3 \text{ м.}$$

323. Катернинг хусусий тезлиги 20 км/соат . Оқим тезлиги 5 км/соат . Катернинг турғун сувдаги ҳаракати ва сувнинг ҳаракат графикларини чизинг.

Ечилиши. $s = vt$ формуласи мувофиқ жадвал тузамиз.

$t, \text{ соат}$	0	1	2	3	4
$s_k = \frac{\text{км}}{\text{соат}} \cdot t$	0	20	40	60	80
$s_{\text{сув}} = \frac{\text{км}}{\text{соат}} \cdot t$	0	5	10	15	20

1 см — 10 км
1 см — 0,5 соат масштаб танлаймиз. Жадвал маълумотларига кўра I ва II графикларни чизамиз (71- расм).

324. 71-расмда тасвирланган графикларга қараб катернинг 1,5 соат давомида оқим бўйлаб қанча масофа ўтишини; оқимга қарши қанча масофа ўтишини аниқланг. Катернинг оқимга қарши ва оқим бўйлаб ҳаракатининг графикларини чизинг ва катернинг оқим бўйлаб ва оқимга қарши ҳаракат тезлигини аниқланг.

Ечилиши. I ва II графиклардан катернинг 1,5 соат ичида турғун сувда $AB = 30$ км масофа, сув эса $AC = 7$ км масофа ўтишини топамиз. Катер оқим бўйлаб $AD = 37$ км, оқимга қарши $AE = 23$ км йўлни босиб ўтади. Координаталар боши О ни D ва E нуқталар билан бирлаштириб, катернинг оқим бўйлаб ва оқимга қарши ҳаракат графиклари III ва IV ни топамиз.


III графикдан катернинг 1 соат давомида оқим бўйлаб пастга 25 км йўл юришини топамиз. Бинобарин, изланаётган тезлик 25 км/соат га teng бўлади. Ихтиёрий бошқа вақт ичида, масалан, 3 соатда ўтилган йўлни олишимиз ҳам мумкин. Графикдан бу йўлнинг 75 км га teng экани кўриниб турибди. $v = \frac{s}{t} = \frac{75 \text{ км}}{3 \text{ соат}} = 25 \frac{\text{км}}{\text{соат}}$.

Катернинг оқимга қарши тезлигини


шунга ўхшашиб йўл билан топамиз: $v' = 15 \frac{\text{км}}{\text{соат}}$.

325. v ва t координата ўқларида катернинг оқим бўйлаб (323- масала) ҳаракат тезлиги графикини чизинг. Графикдан катернинг 3 соатда ўтган йўлни аниқланг.

Ечилиши. 1 см — 10 км/соат ва 1 см — 0,5 соат масштабларни танлаб, координата ўқлари ва график ясаймиз (72-расм). Бу ҳаракатда тез-



71 -расм.



72- расм.

лик ўзгармас, шунинг учун график чизиги вақт ўқига паралел бўлган тўғри чизиқдан иборат бўлади.

Йўл эса $s = vt = 25 \frac{\text{км}}{\text{соат}} \cdot 3 \text{ соат} = 75 \text{ км}$ га тенг бўлади.

Ўқувчилар диққатини ўтилган йўл сон жиҳатдан бир томони вақтга, иккинчи томони ҳаракат тезлигига тенг бўлган тўғри тўртбурчакнинг юзига тенг бўлишига қаратиш керак.

Йўл графикидан ҳаракат тезлигини, тезлик графикидан жисмнинг ўтган йўлини топа билиш нотекис ҳаракат ҳақидаги келгуси бўлимни ўрганишда керак бўлади.

16- БОБ

НОТЕКИС ҲАРАКАТ

Ушбу тема бўйича нотекис ҳаракатни характерловчи траектория, йўл, кўчиш, тезлик ва тезланиш сингари қатталикларни излаш ёки топишга доир масалалар ечилади. Нотекис ҳаракатнинг турли хиллари ичida фақат текис ўзгарувчан ҳаракат батафсил ўрганилади.

Тема айланга бўйлаб ҳаракатга доир масалаларни ечиш билан якунланади. Бу ерда ўқувчилар учун янги бўлган бурчак тезлик ва нормал тезланиш ҳақидаги тушунчалар қийин ўзлаштирилади. Бу тушунчаларни шакллантириш учун дастлаб содда масалалардан фойдаланилади. Янада мураккаброқ масалалар динамика қонунларини ўрганиш вақтида ечилади (20- боб).

1. Ўртача ва оний тезлик

Ўртача ва оний тезлик ҳақидаги дастлабки тушунча билан ўқувчилар VI синфда танишган эдилар. Шунинг учун даставал 5,1- бобда келтирилган масалаларга ўхшаш масалаларни такрорлаш сифатида сичган маъқул. Сўнгра асосий эътибор ҳаракат тенгламаларини тузиш ва ечиш малакаларининг шаклланишига қаратилади.

Ўртача тезликни топишга доир масалалар ечишда ўқувчилар орасида кенг тарқалган хатодан, яъни ўртача тезликни жисмнинг йўлнинг турли участкаларидағи тезликларининг ўртача арифметик қиймати сифатида топишга ҳаракат қилишдан уларни огоҳлантириш керак.


Ўртача тезлик ҳақидаги тушунчадан фойдаланиб, график масалалар ёрдамида оний тезлик тушунчасини $\Delta t \rightarrow 0$ бўлганда $\frac{\Delta s}{\Delta t}$ нисбатнинг лимити сифатида чуқурлаштириш керак.

326. Автомашина текис йўл бўйлаб 90 $\text{км}/\text{соат}$ тезлик билан 1 мин, сўнгра 60 $\text{км}/\text{соат}$ тезлик билан юқорига қараб

2 мин ва 120 км/соат тезлик билан пастликка қараб 0,5 мин юрди. Бу вақт ичидә автомашина ҳаракатининг ўртача тезлигини аниқланг.

Ечилиши. Масштабга риоја қилмаган ҳолда s_1 , s_2 ва

s_3 йўл кесмаларини шартли равишда тасвиirlаймиз (73- расм).



73- расм.

$$v_{\text{yp}} = \frac{s}{t} = \frac{s_1 + s_2 + s_3}{t_1 + t_2 + t_3},$$

$$s_1 = v_1 t_1 = 90 \frac{\text{км}}{\text{соат}} \cdot \frac{1}{60} \text{ соат} = 1,5 \text{ км};$$

$$s_2 = v_2 \cdot t_2 = 60 \frac{\text{км}}{\text{соат}} \cdot \frac{2}{60} \text{ соат} = 2 \text{ км};$$

$$s_3 = v_3 \cdot t_3 = 120 \frac{\text{км}}{\text{соат}} \cdot \frac{0,5 \text{ соат}}{60} = 1 \text{ км};$$


$$s = 1,5 \text{ км} + 2 \text{ км} + 1 \text{ км} = 4,5 \text{ км};$$

$$t = 1 \text{ мин} + 2 \text{ мин} + 0,5 \text{ мин} = 3,5 \text{ мин};$$

$$v_{\text{yp}} = \frac{4,5 \text{ км}}{\frac{3,5}{60} \text{ соат}} \approx 77 \frac{\text{км}}{\text{соат}}.$$

Тезликларнинг ўртача арифметик қиймати бошқа катталиклини беради ва у ҳаракатнинг ўртача тезлигини билдирамайди:

$$\frac{90 \frac{\text{км}}{\text{соат}} + 60 \frac{\text{км}}{\text{соат}} + 120 \frac{\text{км}}{\text{соат}}}{3} = \frac{270 \frac{\text{км}}{\text{соат}}}{3} = 90 \frac{\text{км}}{\text{соат}}.$$



74- расм.

327*. Велосипедчи йўлнинг биринчи ярмини 12 км/соат, иккинчи ярмини эса 20 км/соат тезлик билан ўтди. Велосипедчининг ўртача ҳаракат тезлигини аниқланг.


Ечилиши. Чизма чизамиз (74-расм). Чизмада s_1 ва s_2 йўл кесмаларини ва уларга тегишли $v_1 = 12 \text{ км/соат}$ ҳамда $v_2 = 20 \text{ км/соат}$ тезликларни кўрсатамиз.

$$v_{\text{yp}} = \frac{s}{t}; s = s_1 + s_2; s_1 = s_2 = \frac{s}{2}.$$

$$t = t_1 + t_2; t_1 = \frac{s_1}{v_1} = \frac{s}{2v_1}; t_2 = \frac{s_2}{v_2} = \frac{s}{2v_2},$$

$$v_{\text{yp}} = \frac{s}{\frac{s}{2v_1} + \frac{s}{2v_2}} = \frac{2v_1 \cdot v_2}{v_2 + v_1} = 15 \frac{\text{км}}{\text{соат}}.$$

328. 75- расмда нотекис ҳаракатнинг йўл графиги тасвиirlанган. Вақтнинг $t_1 = 2$ сек ва $t_2 = 6$ сек пайтлари орасига мос келувчи йўл қисмидаги ўртача тезликни аниқланг.



Ечилиши.

$$v_{yp} = \frac{\Delta s}{\Delta t} = \frac{s_2 - s_1}{t_2 - t_1}$$

Вақтнинг $t_1 = 2$ сек пайтига графикка кўра $s_1 = 25$ м йўл, $t_2 = 6$ сек пайтига эса $s_2 = 80$ м йўл мос келади.

$$v_{yp} = \frac{80 \text{ м} - 25 \text{ м}}{6 \text{ сек} - 2 \text{ сек}} \approx 14 \frac{\text{м}}{\text{сек}}$$

329. 75- расмда тасвирланган графикдан 2 сек – 5 сек, 2 сек – 4 сек, 2 сек – 3 сек, 2 сек – 2,5 сек вақт оралиқларида жисм ҳаракатининг ўртача тезлигини аниқланг.

Тезликнинг бу топилган қийматлари ичидаги яқинроқ бўлади? Ўртача тезликнинг оний тезлик қийматига янада яқинроқ бўлган қийматини қандай топиш мумкин?

Ечилиши. Қўйидагиларни аввалги масаладаги сингари топамиз:

$$v_{yp \ 2-5} \approx 18 \frac{\text{м}}{\text{сек}}, \quad v_{yp \ 2-4} \approx 24 \frac{\text{м}}{\text{сек}}, \quad v_{yp \ 1-3} \approx 37 \frac{\text{м}}{\text{сек}}, \\ v_{yp \ 2-2,5} \approx 50 \frac{\text{м}}{\text{сек}}$$

$v = 50 \text{ км/соат}$ тезлик $t = 2$ сек пайтдаги ҳаракатнинг оний тезлигига энг яқин қиймат. Δt вақт оралиғи қанча кичик бўлса, ўртача тезлик қиймати оний тезликка шунча яқин бўлади.

Йил охирида такрорлаш вақтида $\frac{\Delta s}{\Delta t}$ нисбатнинг сон жиҳатдан эгри чизиқнинг мос нуқталарини вақт ўқи билан бирлаштирувчи ватар оғиш бурчагининг тангенсига тенг бўлишини айтиб ўтиш керак. Оний тезлик эса сон жиҳатдан йўл графиги эгри чизигининг берилган нуқтасига ўтказилган уринма оғиш бурчагининг тангенсига тенг.

330. Қўйидаги ҳолларнинг қайси бирида ўртача тезлик вақидаги бирида оний тезлик ҳақида гапирилаётганини аниқланг: 1) мотоциклнинг спидометри 70 км/соат тезликни кўрсатди; 2) довул 100 км/соат тезлик билан тарқалди; 3) шамолнинг тезлиги 30 км/соат га чиқди; 4) $t = -10,9^\circ\text{C}$ температурада куруқ ҳавода товушнинг тезлиги 326 м/сек га тенг.

Жавоби. 1 ва 3- ҳолларда оний тезлик ҳақида, 2- ҳолда эса ўртача тезлик ҳақида гапирилмоқда. Товушнинг тезлиги эса берилган шароитда ўзгармас, шунинг учун ўртача ва оний тезликнинг қийматлари ўзаро мос келади.

2. Тезланиш

Дастлаб масалалар ёрдамида түғри чизиқли ҳаракатнинг ўртача тезланиши Δv нинг Δt га шисбати билан аниқланадиган катталик эканлиги ҳақидаги тушунчча чуқурлаштирилади:

$$\vec{a}_{\text{шр}} = \frac{\vec{v}_0 - \vec{v}_6}{\Delta t},$$

бу ерда v_0 ва v_6 — мос равишда ҳаракатнинг охирги ва бошлиғич тезликлари. Ўрта мактабда одатда бу вектор тенглик ўрнига $a_{\text{шр}} = \frac{v_0 - v_6}{\Delta t}$ скаляр тенглик ишлатилади. Бу келгусида масалалар ечишда бирмунча қийинчиликларга олиб келади ва тезланишининг тезлик йўналиши билан мос келмаслиги мумкин бўлган вектор катталик эканлиги ҳақидаги тушунччанинг шаклланишини кейинга суради. Бу масалаларни ечишдан шунингдек содда ҳолларда, яъни векторлар бир түғри чизиқ бўйлаб бир томонга йўналганда уларни айриш малакаларини шакллантириш учун ҳам фойдаланиш керак.

Векторларни айриш қоидасини шундай асослаш мумкин: бирор катталикни айриш, тескари ишорали худди шундай катталикни қўшишга тенг кучлидир, вектор учун эса бирор векторни айриш худди шундай, бироқ тескари йўналган векторни қўшишга тенг кучлидир (76-а расм). Бунда айниқса $v_0 < v_6$ бўлган, бинобарини, Δv ва тезланиш тезлик йўналишига қарама-қарши (76-б ва в расм) бўлган ҳолга алоҳида аҳамият бериш керак.

Ҳисоблашларни бажариш учун вектор шаклдаги ёзувлардан скаляр шаклдаги ёзувларга ўтилади, бунда бир томонга, масалан, ўнгга йўналган векторларни мусбат, қарама-қарши томонга йўналган векторларни эса манфий деб олишга шартлашиб олиниади.


331. Спидометр автобуснинг тезлиги 1 минут ичida 18 км/соат дан 72 км/соат га ўзгарганини кўрсатди. Автобус қандай ўртача тезланиш билан ҳаракатланган?

Е чилиши. Бошлиғич ва охирги тезлик векторларини 76- расмда кўрсатилгандек тасвирлаймиз. Векторларни айриб, Δv ни ва сўнгра тезланишини аниқлаймиз:

$$\vec{a} = \frac{\vec{v}_0 - \vec{v}_6}{\Delta t}; a = \frac{v_0 - v_6}{\Delta t}.$$

$$v_0 = 72 \text{ км/соат} = 20 \text{ м/сек.}$$

$$v_6 = 18 \text{ км/соат} = 5 \text{ м/сек.}$$



76- расм.

Хар икки вектор ўнга йўналган ва демак, мусбат.

$$\Delta v = 20 \frac{м}{сек} - 5 \frac{м}{сек} = 15 \frac{м}{сек}. a_{\text{ср}} = \frac{15 \frac{м}{сек}}{60 \text{ сек}} = 0,25 \frac{м}{сек^2}.$$

Тезликнинг Δv ўзгариши ва бинобарин, $a_{\text{ср}}$ ҳам ҳисоблашлардан ҳамда 76-а расмдан кўришиб турганидек, мусбат.

332. Агар „Москвич“ автомашинаси жойидан қўзғалиб, 20 сек давомида 20 м/сек тезликка эришган бўлса, унинг қандай ўртача тезланиш билан ҳаракатланганини аниқланг.

333. 27 км/соат тезлик билан келаётган мотоциклчи тўсиқни кўриб, тормоз берди ва 2 сек дан кейин тўхтади. Мотоциклчи қандай ўртача тезланиш билан ҳаракатланган?

Ечилиши. Чизма чизамиз (76-а расм). Чизмага кўра тезликнинг Δv ўзгариши ва бинобарин, a тезланиш манфий бўлиши керак:

$$v_0 = 0; v_6 = 27 \text{ км/соат} = 7,5 \frac{м}{сек}.$$

$$\Delta v = 0 \text{ м/сек} - 7,5 \frac{м}{сек} = -7,5 \frac{м}{сек};$$

$$a_{\text{ср}} = \frac{-7,5 \frac{м}{сек}}{2 \text{ сек}} \approx -3,8 \frac{м}{сек^2}.$$

334*. Нотекис ҳаракатнинг тезлик графигидан (77-расм) 2 сек-6 сек; 2 сек-5 сек; 2 сек-4 сек; 2 сек-3 сек вақт оралиqlаридаги ўртача тезланишини аниқланг. Ўртача тезланишининг ушбу қийматларидан қайси бири вақтнинг $t = 2$ сек пайтидаги оний тезлацишга энг яқин бўлади?

Ечилиши. 2 сек-6 сек вақт оралиги учун қуйидагиларни топамиз:

$$\Delta t = 4 \text{ сек}, v_6 = 85 \frac{м}{сек},$$

$$v_2 = 5 \text{ м/сек},$$


$$a_{\text{ср} 2-6} = \frac{\Delta v}{\Delta t} = \frac{85 \frac{м}{сек} - 5 \frac{м}{сек}}{4 \text{ сек}} = \\ = 20 \frac{м}{сек^2}.$$

Худди шунга ўхшаш

$$a_{\text{ср} 2-5} = 13 \frac{м}{сек^2};$$

$$a_{\text{ср} 2-4} = 10 \frac{м}{сек^2};$$

$$a_{\text{ср} 2-3} = 8 \frac{м}{сек^2}.$$



77-расм.

Топимган катталиклардан 8 м/сек^2 қиймат $t = 2 \text{ сек}$ пайтдаги оний тезланиш қийматига энг яқин бўлиши равшан.

3. Текис ўзгарувчан ҳаракатда тезлик

Текис ўзгарувчан ҳаракатда тезлик $\vec{v}_{\text{охир.}} = \vec{v}_{\text{бошл.}} + \vec{at}$ ёки $\vec{v} = \vec{v}_0 + \vec{at}$ формуладан аниқланади, бу ерда $\vec{v}_{\text{охир.}}$ ва $\vec{v}_{\text{бошл.}}$ ёки \vec{v} ва \vec{v}_0 — мос равишда охирги ва бошланғич тезликлар, t — ҳаракат вақти, a — ўзгармас тезланиш бўлиб, у тезлик ўзгаришининг шу ўзгариш рўй берган вақтга нисбатига тенгдир: $\vec{a} = \frac{\vec{v} - \vec{v}_0}{t}$. Одатда масалалар ечишда бу вектор тенгликлар ўрнига скаляр тенгликлардан фойдаланилади:

$$v = v_0 + at \text{ ва } a = \frac{v - v_0}{t},$$

бу ерда a тезланишининг йўналиши v_0 бошланғич тезлик йўналиши билан мос бўлса, тезлашиш плюс ишора билан олинади (текис тезланувчан ҳаракат), агар a вектор йўналиш жиҳатидан v_0 бошланғич тезликка қарама-қарши бўлса, a тезланиш минус ишора билан олинади (текис секинлаувчан ҳаракат).

Ўқувчиларга текис тезланувчан ҳаракатининг $v_0 = 0$ бўлган хусусий ҳолига оид масалаларни кўпроқ ечишга тұғри келади. Шунинг учун улар умумий формуладан эмас, балки натижавий $v = at$ формуладан фойдаланишга ўрганиб қоладилар. Материални яхши ўзлаштириш учун, айниқса, дастлабки вақтда ҳатто шартга кўра $v_0 = 0$ бўлгани ҳолда ҳам умумий формуладан фойдаланиш керак.

Қатор масалалар ечишда, шунингдек, $v_{\text{yp.}} = \frac{v + v_0}{2}$ муносабатдан ҳам фойдаланиш мумкин.

335 (Э). Новга шарча қўйиб, новни шарча тезланиш билан $3 - 4 \text{ сек}$ давомида думалаб тушадиган қилиб қиялатинг. Секундомердан фойдаланиб, шарчанинг тезлиги ва тезланишини аниқланг. Тезланишни ўзгармас деб олиб, шарчанинг 1 сек , 2 сек , 3 сек дан кейинги тезлигини ҳисобланг.

Ечилиши. Дастлаб $v_{\text{yp.}} = \frac{l}{t}$ ни топамиз, бу ерда l — новнинг узуилиги.

$$v_{\text{yp.}} = \frac{v_{\text{охир.}} + v_{\text{бошл.}}}{2}; v_{\text{охир.}} = v_{\text{бошл.}} + at.$$

$$v_{\text{бошл.}} = 0 \text{ бўлгани учун } v_{\text{охир.}} = 2v_{\text{yp.}}; v_{\text{охир.}} = at; a = \frac{2v_{\text{yp.}}}{t}.$$

Тажрибалардан бирида $l = 120 \text{ см}$, $t = 4 \text{ сек}$ маълумотлар олинган эди. Бинобарин, $v_{\text{у.}} = \frac{120 \text{ см}}{4 \text{ сек}} = 30 \frac{\text{см}}{\text{сек}}$, $v_{\text{охир.}} = 60 \text{ см/сек}$,

$$a = \frac{60 \frac{\text{см}}{\text{сек}}}{4 \text{ сек}} = 15 \frac{\text{см}}{\text{сек}^2}.$$

1, 2, 3 сек дан кейинги тезликларни топиш учун қўйида-
гича мулоҳаза юритамиз.

Вақтнинг бошланғич пайтида $v_0 = 0$. 1 сек давомида тез-
лик 15 см/сек га ортади, $v_1 = 0 + 15 \text{ см/сек} = 15 \text{ см/сек}$.

Яна бир секунддан сўнг $v_2 = 15 \text{ см/сек} + 15 \text{ см/сек} =$
 $= 30 \text{ см/сек}$ ва ҳоказо.

336. Агар 335- масаладаги шарчани нов бўйлаб юқорига
 60 см/сек тезлик билан туртиб юборилса, шарча 1, 2, 3 сек
дан кейин қандай тезликка эришади?

Ечилиши. Бир секундда тезлик 15 см/сек га камаяди.
Шунинг учун

$$v_1 = 60 \text{ см/сек} - 15 \text{ см/сек} = 45 \text{ см/сек};$$

$$v_2 = 45 \text{ см/сек} - 15 \text{ см/сек} = 30 \text{ см/сек};$$

$$v_3 = 30 \text{ см/сек} - 15 \text{ см/сек} = 15 \text{ см/сек}.$$

335-, 336- масалаларга ўхшаш масалаларни арифметик ме-
тод билан ечиш ўқувчиларга тезлиқнинг тезланиш ва вақтга
боғлиқлигини ойдинлаштиришга ёрдам беради ҳамда уларни
текис ўзгарувчан ҳаракатнинг тезлик формуласидан тушунган
ҳолда фойдаланишга тайёрлайди.

337. 335- ва 336- масалаларнинг шартларида берилганлар-
дан фойдаланиб, шарча ҳаракати тезлигининг формуласини
ёзинг ва тезлик графикларини ясанг.

Ечилиши. Шарчанинг нов бўйлаб пастга $v = 15 \frac{\text{см}}{\text{сек}^2} \cdot t$
тезлик билан ва юқорига $v = 60 \frac{\text{см}}{\text{сек}} - 15 \frac{\text{см}}{\text{сек}^2} \cdot t$ тезлик билан
ҳаракати учун жадвал тузамиз ва унинг маълумотларига кўра
график ясаймиз.

t	$v = 15 \frac{\text{см}}{\text{сек}^2} \cdot t$	$v = 60 \frac{\text{см}}{\text{сек}} - 15 \frac{\text{см}}{\text{сек}^2} \cdot t$
0	0	60
1	15	45
2	30	30
3	45	15
4	60	0

338. 78- расмда тасвирланган графиклардан фойдаланиб,
жисмларнинг қандай ҳаракатланганини айтиб беринг ва ҳар
бир ҳаракат учун тезлик формуласини ёзинг.

Ечилиши. Графиклар қуидаги схемага күра анализ қилинади:

а) тезликкіннің вақт бүйіча қандай үзгариши аниқланади. Агар тезлик ортса, у ҳолда ҳаракат тезланувчан, камайса — секинланувчан, доимий қолса, текис бўлади;

б) үзгарувчан ҳаракат учун $a = \frac{\Delta v}{\Delta t}$ тезланиш қандай үзгариши аниқланади. Агар тезлик графиги вақт ўқига оған түғри чизик бўлса, у ҳолда унинг ихтиёрий нұқтаси учун тезланиш үзгармас катталик ҳаракатнинг ўзи текис үзгарувчан ҳаракат бўлади;

в) текис үзгарувчан ҳаракат учун тезлик формуласи умумий шаклда ёзилади:

$$v = v_0 + at;$$

г) графикдан доимий катталиклар (тенглама коэффициентлари) аниқланади: тезлик ўқидан v_0 ва ҳисоблаш йўли билан $a = \frac{\Delta v}{\Delta t} = \frac{v_2 - v_1}{t_2 - t_1}$ топилади, v_0 ва a нийг қиймати умумий формулага қўйилади.

$$\text{I. } v_0 = 0; a = \frac{7 \frac{\text{м}}{\text{сек}}}{5 \text{ сек}} = 1,4 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}; v = 1,4 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot t.$$

$$\text{II. } v_0 = 2 \frac{\text{м}}{\text{сек}}; a = \frac{7 \frac{\text{м}}{\text{сек}} - 2 \frac{\text{м}}{\text{сек}}}{5 \text{ сек}} = 1 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}; v = 2 \frac{\text{м}}{\text{сек}} + 1 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot t.$$


$$\text{III. } v_0 = 7 \frac{\text{м}}{\text{сек}}; a = \frac{0 \frac{\text{м}}{\text{сек}} - 7 \frac{\text{м}}{\text{сек}}}{6 \text{ сек}} \approx -1,2 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}; v = 7 \frac{\text{м}}{\text{сек}} - 1,2 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot t.$$

$$\text{IV. } v_0 = 0, a = \frac{6 \frac{\text{м}}{\text{сек}}}{6 \text{ сек} - 2 \text{ сек}} = 1,5 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}; v = 1,5 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} (t_2 - t_1),$$

бу ерда $t_2 \geqslant 2$ сек ва $t_1 = 2$ сек.

V. $v_0 = 3 \frac{\text{м}}{\text{сек}}$; $a = 0$. Текис ҳаракат. Уни тезланиши нолга тенг бўлган текис үзгарувчан ҳаракатнинг хусусий ҳоли сифатида қараш мумкин:

$$v = v_0 + 0 \cdot t = v_0.$$



78- расм.

339. Поезд қиялиқдан пастга қараб 36 км/соат тезлик билан ҳаракатлана бошлади ва йўлнинг охирида 72 км/соат тезликка эришди. Агар поезднинг тезланиши $0,1 \text{ м/сек}^2$ га тенг бўлса, у пастга қанча вақт ҳаракатланган?

Ечилиши. Поезднинг ҳаракати текис тезланувчан. Бинобарин, $v = v_0 + at$, бундан

$$t = \frac{v - v_0}{a} = \frac{72 - 36}{0,1} = \frac{36 \cdot \frac{1000 \text{ м}}{3600 \text{ сек}}}{0,1 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}} = \frac{20 \frac{\text{м}}{\text{сек}} - 10 \frac{\text{м}}{\text{сек}}}{0,1 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}} = 100 \text{ сек.}$$

340. Пневматик милтиқ ўқининг бошлангич тезлиги 160 м/сек . Тик юқорига йўналтирилган ўқининг тезлиги отилган вақтдан 20 сек ўтгач қандай бўлади? $g = 10 \text{ м/сек}^2$ деб олинг. Ҳавонинг қаршилигини ҳисобга олманг.

Ечилиши. 1- усул. Масаланинг шартини анализ қиласлик. Энг юқори нуқтагача ўқ текис секинланувчан ҳаракат қиласди: $v = v_0 - gt$. Пастга эса ўқ текис тезланувчан ҳаракат билан тушади: $v = v_0 + gt = gt$, чунки энг юқори нуқтада ўқининг v_0 бошлангич тезлиги 0 га тенг. Ўқнипг юқорига қанча вақт учганини аниқлаймиз.

Юқори нуқтада $v = 0$. $0 = v_0 - gt$, бундан

$$t_1 = \frac{v_0}{g} = \frac{160 \frac{\text{м}}{\text{сек}}}{10 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}} = 16 \text{ сек.}$$

Бинобарин, $t_1 = 16$ сек дан $t_2 = 20$ сек гача бўлган вақт оралигига, яъни $20 \text{ сек} - 16 \text{ сек} = 4 \text{ сек}$ давомида ўқ пастга тушади ва $v = 10 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot 4 \text{ сек} = 40 \frac{\text{м}}{\text{сек}}$ тезликка эришади.

2- усул. Ихтиёрий вақтдаги, жумладан, 20- секунддаги тезликни ҳам бевосита формуладан топиш мумкин:

$$v = v_0 - gt = 160 \frac{\text{м}}{\text{сек}} - 10 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot 20 \text{ сек} = -40 \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$

Минус ишораси v тезликнинг йўналиши v_0 тезликнинг йўналишига қарама-қарши эканини, яъни жисм энди кўтарилимаётганини, балки тушаётганини билдиради.

Биринчи ечим иккичисига нисбатан узундан-узоқ бўлса ҳам, бу хил масалаларни ечишда ундан фойдаланиш керак, чунки у ҳодисанинг физикавий томонини батафсил кўришга имкон беради.

Ҳосил қилинган малакаларни мустаҳкамлаш учун жисмнинг Ойдаги ҳаракатига доир шунига ўхшаш масала счиш фойдалидир. Ойда эркин тушиш тезланиши $1,6 \text{ м/сек}^2$ га тенг.

4. Текис ўзгарувчан ҳаракатда күчиш ва йўл

Бу темада асосий формула

$$\vec{s} = \vec{v}_0 t + \frac{\vec{a} t^2}{2}$$

бўлиб, у жисмнинг эркин тушиш ҳоли учун

$$\vec{H} = \vec{v}_0 t + \frac{\vec{g} t^2}{2}$$

кўринишга келтирилади.

Скаляр шаклда бу муносабат

$$s = v_0 t + \frac{at^2}{2}$$

кўринишда бўлади, бу ерда a тезланниш текис тезланувчан ҳаракат учун илюс ишора билан, текис секинланувчан ҳаракат учун эса минус ишора билан олинади.

Ўқувчилар диққатини шу нарсага жалб қилиш керакки, бу ерда s ёки H ўтилган йўл эмас, балки жисмнинг бошлиғич ва охирги вазиятлари орасидаги кўчишдир. Текис секинланувчан ҳаракатда, масалан, вертикал юқорига отилган жисмнинг ҳаракатида $H = v_0 t - \frac{gt^2}{2}$ формула билан аниқлашадиган H полга тенг бўлиши мумкин, ҳолбуки жисм юқори нуқтагача кўтарилиб ва яна Ерга қайтиб тушиб $2H$ га тенг йўлни босиб ўтади. Бирор вақт оралигига H манфий катталик бўлиши ҳам мумкин, масалан, агар жисм бошлиғич вазиятидан дастлабки ҳаракат ўналишига қарама-қарши йўналишда тескари томонга сильжиса, шундай бўлади. Текис тезланувчан тўғри чизиқли ҳаракатда йўл ва кўчиш катталиклари тенг. $v_0 = 0$ бўлган ҳол учун формула $s = \frac{at^2}{2}$ кўринишга келади, ўқувчилар кўпинча формулани ана шу кўринишда эсда сақлаб қоладилар.

Текис ўзгарувчан ҳаракатнинг тезлигини топишга доир масалаларни ечгандаги сингари бу ерда ҳам дастлаб масалаларни v_0 инг қиймати қандай бўлишидан қатъи назар, умумий формула бўйича сениш керак.

Бу умумий асосий формуладан ташқари масала ечишда қўйидаги муносабатларни ҳам билиш фойдалидир:

$$s = v_{y0} t + \frac{v_0 + v}{2} \cdot t;$$

$$v = \sqrt{v_0^2 + 2as} \quad s_1 : s_2 : s_3 : \dots = 1 : 3 : 5 : \dots \quad (\text{№ 343}).$$

341. 339- масаладаги маълумотлар бўйича поезднинг қиялик бўйлаб ҳаракатлангандаги йўлини топинг.

Ечилиши. 1- усул.

$$s = v_{y0} t + \frac{v_0 - v}{2} \cdot t = \frac{10 \frac{м}{сек} - 20 \frac{м}{сек}}{2} \cdot 100 \text{ сек} = 1500 \text{ м.}$$

$$2-\text{у с у л. } s = v_0 t + \frac{at^2}{2} = 1500 \text{ м.}$$

342. Жисм тинч ҳолатдан 10 м/сек², тезланиш билан ҳаралатга келса, у 1 сек, 2 сек ва 3 сек ичида қанча йўл ўтади? Агар ҳаралат вақти 2, 3, 4 марта ортса, жисмнинг ўтган йўли қандай ўзгариши?

343. Текис тезланувчан ҳаракатнинг конкрет мисолида бошланғич тезлик нолга тенг бўлганда жисмнинг биринчи, иккинчи, учинчи секундларда ўтган йўллари худди кетма-кет тоқсонлар нисбати сингари (1 : 3 : 5 : 7) ... бўлишини исбот қилинг.

344. Текис тезланувчан ҳаракатда $v_0 = 0$ бўлганда жисм биринчи секундда 2 м йўл ўрди. Жисм 2, 3, 5 секунд давомида қанча йўл ўтади? Иккинчи, учинчи, бешинчи секундда-чи?

342, 344- масалалар машқ учун масалалар бўлиб, текис ўзгарувчан ҳаракатнинг хусусиятларини ўрганишда оғзаки ечилади.

345. Станция ёнидан 18 км/соат тезлик билан товар поезди ўтаётган пайтда платформадан пассажир поезди йўлга чиқди. Агар пассажир поезди 0,30 м/сек² тезланиши билан ҳаракатланса, у товар поездини қанча вақтдан сўнг ва қандай тезликда қувиб стади? Масалани икки усулда: график ва ҳисоблашлар бажариш йўли билан ечинг.

Ечилиши. 1- усул. Товар поезди текис ҳаракат қилмоқда: $s_1 = vt$; пассажир поезди эса текис тезланувчан: $s_2 = v_0 t + \frac{at^2}{2}$. $v_0 = 0$ бўлгани учун $s_2 = \frac{at^2}{2}$ бўлади. Жадвал тузамиз. $v = 18 \frac{\text{км}}{\text{соат}} = 5 \frac{\text{м}}{\text{сек}}$.

Пассажир поездининг t вақт ичида ўтган йўлини $0,15 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot t^2$ кўпайтма шаклида топиш мумкин. Текис ҳаракатнинг йўл графигини ясаш учун икки нуқта етарли. Бироқ ушбу ҳолда текис ҳаракатнинг йўл қийматини вақтнинг тезланувчан ҳаракатнинг йўл қийматлари топилган пайтлари учун топиш фойдалидир. Бу текис ҳаракатнинг йўли тезланувчан ҳаракатнинг йўлига нисбатан секунроқ ўсиб боришини яқзол кўрсатишга имкон беради.

$t, \text{сек}$	$s_1 = 5 \frac{\text{м}}{\text{сек}} \cdot t$	$s_2 = 0,15 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot t^2$
0	0	0
1	5	0,15
5	25	3,8
10	50	15
15	75	34
20	100	60
25	125	94
30	150	135
35	175	185

Жадвалдан пассажир поезді товар поездінин 35 секунддан кейин қувиб ўтиши күрініб турибди. Жадвал маълумотлари бўйича графиклар ясаймиз (79-расм). Масштаб: 1 см — 20 м; 1 см — 5 сек. Графиклардан пассажир поезді товар поездінин тахминан 34 секунддан кейин станциядан 170 м ма софада қувиб етишини аниқлаймиз.

Пассажир поездининг охирги 5 сек даги оний тезликка яқин бўлган ўртача тезлигини топамиз:

$$v_{\text{ср}} = \frac{\Delta s}{\Delta t} = \frac{50 \text{ м}}{5 \text{ сек}} = 10 \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$

$$2\text{- усул. } s_1 = \frac{at^2}{2};$$

$$s_2 = vt; \quad s_1 = s_2; \quad vt = \frac{at^2}{2},$$

$$t = \frac{2v}{a} = \frac{2 \cdot 5 \frac{\text{м}}{\text{сек}}}{0,30 \frac{\text{м}}{\text{сек}}} \approx 33,3 \text{ сек.}$$

$$s = vt = 5 \frac{\text{м}}{\text{сек}} \cdot 33,3 \text{ сек} \approx 170 \text{ м}$$

Пассажир поездининг тезлиги


$$v = at = 0,30 \frac{\text{м}}{\text{сек}} \cdot 33,3 \text{ сек} \approx 10 \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$

3- усул. Саноқ системаси қилиб товар поездини қабул қиласиз. У ҳолда пассажир поезді икки ҳаракатда иштирок этаяпти деб фараz қилишга түгри келади: а) Ер билан бирга $v = -0,50 \text{ м/сек}$ тезликли текис ҳаракат ва б) Ерга нисбатан $a = 0,30 \text{ м/сек}^2$ тезланышли текис тезланувчан ҳаракат.

Пассажир поездининг кўчиши $s = -vt + \frac{at^2}{2}$.

Пассажир поезді товар поездини қувиб етган t пайт учун $s = 0$ ва бинобарин, $vt = \frac{at^2}{2}$. Шундай эканини 2-ечимда ҳам кўрган эдик.

346. 340- масаланинг шарти ва ечимидағы маълумотларидан фойдаланыб, ўқнинг отылғандан кейин 5 ва 20 секунд вақт ўтгац, қандай баландликка кўтарилишини аниқланг. Ўқ 20 сек давомида қанча йўл ўтади?



79- расм.

Ечилиши. 1- усул. а) $H_5 = v_0 t_1 - \frac{gt_1^2}{2} =$
 $= 160 \text{ м/сек} \cdot 5 \text{ сек} - \frac{10 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot (5 \text{ сек})^2}{2} = 675 \text{ м.}$

б) ўқининг 16 секунд давомида кўтариладиган тўла баландлиги

$$H_{16} = 160 \frac{\text{м}}{\text{сек}} \cdot 16 \text{ сек} - \frac{10 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot (16 \text{ сек})^2}{2} = 1280 \text{ м.}$$

Ўқининг тушиш вақти $t_2 = 20 \text{ сек} - 16 \text{ сек} = 4 \text{ сек.}$

в) ўқининг тушиш вақтида 4 секунд давомида ўтган масофаси

$$h = v_0' t_2 + \frac{gt_2^2}{2} = \frac{gt_2^2}{2}, \quad v_0' = 0;$$

$$h = \frac{10 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot (4 \text{ сек})^2}{2} = 80 \text{ м.}$$

г) $h_{20} = 1280 \text{ м} - 80 \text{ м} = 1200 \text{ м}; \quad s_{20} = 1280 \text{ м} + 80 \text{ м} = 1360 \text{ м.}$

2- усул. Ўқининг Ердан h баландлиги ва унинг t вақтнинг ихтиёрий пайтидаги кўчишини топишда $h = v_0 t - \frac{gt^2}{2}$ формуладац фойдаланилади.

Юқорида ҳисобланганидек: $h_5 = 675 \text{ м}; \quad h_{16} = 1280 \text{ м};$

$$h_{20} = 160 \frac{\text{м}}{\text{сек}} \cdot 20 \text{ сек} - \frac{10 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot (20 \text{ сек})^2}{2} = 1200 \text{ м.}$$

$$h_{16} - h_{20} = 80 \text{ м};$$

$$s_{20} = 1280 \text{ м} + 80 \text{ м} = 1360 \text{ м.}$$

Жисмининг вақтнинг ихтиёрий пайтида Ердан қанча баландликда эканини бевосита $h = v_0 t - \frac{gt^2}{2}$ формуладан аниқлани математик жиҳатдан анча содда. Бироқ бу хилдаи масалаларниң дастлабки бир-иккитасини биринчи усул билдириб ёки керак, чунки бунда ўқувчилар тик юқорига отырган жисм ҳаракатнини яхши ўзлаштирадилар.

Сўнгра, албатта, иккинчи усулдан ҳам фойдаланилади, бунда ўқувчилар берилган формула ҳамма вақт жисмнинг кўчишини аниқлашга имкон беряши ҳақидаги тушунчани ўзлаштирадилар.

347. Агар 1 км йўлда автомобильнинг тезлиги 36 км/соатдан 72 км/соат га кўтарилиган бўлса, автомобиль қандай тезланиш билан ҳаракатланган?

Ечилиши. Бу турдаги масалаларнинг шуниси қизиқки, уларда вақт номаълум бўлгани ҳолда тезланишини топиш тараб қилинади. Масала икки тенглама системаси ёрдамида ечилади:

$$s = v_0 t + \frac{at^2}{2}; \quad v = v_0 + at.$$

Бироқ қуйидаги тенгламадан фойдаланиш фойдалари оқдир:

$$v^2 - v_0^2 = 2as, \text{ бундан } a = \frac{v^2 - v_0^2}{2s} \approx 0,15 \frac{m}{сек^2}.$$

348. Коя чўққисидан тош тушиб кетди ва б сек ўтгандан сўнг унинг Ерга урилган товупни эшитилди. Товушнинг тезлиги 330 м/сек ва $g = 10 \text{ м/сек}$ деб олиб, қоянинг баландлигини аниқланг.

Ечилиши. Ҳавонинг қаршилигидан ҳисобга олмаган ҳолда тош $h = v_0 t_1 + \frac{gt_1^2}{2}$ баландликдан эркин тушади деб оламиз, бу ерда t_1 — тошнинг тушиш вақти. $v_0 = 0$ бўлгани учун $h = \frac{gt_1^2}{2}$ (1) бўлади.

Товуш текис тарқалади. Шунинг учун $h = vt_2$ (2), бу ерда v — товушнинг тезлиги, t_2 — эса унинг тарқалиш вақти.

$t_1 + t_2 = 6 \text{ сек}$ (3). Бу уч номаълумли учта тенглама системасини ечамиз.

$$\frac{gt_1^2}{2} = vt_2; \quad t_3 = 6 \text{ сек} - t_1;$$

$$5 \frac{m}{сек^2} \cdot t_1^2 + 330 \frac{m}{сек} \cdot t_1 - 1980 \text{ м} = 0,$$

$$t_1 = \frac{-330 \pm \sqrt{330^2 + 4 \cdot 5 \cdot 1980}}{2 \cdot 5};$$

$$t_1' \approx 5,54 \text{ сек.} \quad t_1'' \approx 71,54 \text{ сек.}$$

Иккинчи илдиз масаланинг шартига тўғри келмайди ва шунинг учун биз уни ташлаб юборамиз.

$$t_2 \approx 6 \text{ сек} - 5,54 \text{ сек} = 0,46 \text{ сек.}$$

$$h = 330 \frac{m}{сек^2} \cdot 0,46 \text{ сек} \approx 150 \text{ м.}$$

$$\text{Текшириш. } h = \frac{gt_1^2}{2} = \frac{10 \frac{m}{сек^2} (5,54 \text{ сек})^2}{2} \approx 150 \text{ м.}$$

349*. $v_1 = 4 \text{ м/сек}$ тезлик билан текис кўтарилаётган аэростат гондоласидан Ердан $h_1 = 20 \text{ м}$ баландликда юқорига аэростатга нисбатан $v_2 = 6 \text{ м/сек}$ тезлик билан буюм отилди. Буюм қанча вақтдан кейин Ерга тушади? Бу пайтда аэростат қандай баландликда бўлади?

Ечилиши. 1- усул. Саноқ системаси деб Ерни қабул қиласиз. Буюмнинг Ерга нисбатан тезлиги

$$v_3 = 6 \frac{m}{sec} + 4 \frac{m}{sec} = 10 \frac{m}{sec}.$$

Буюм юқорига

$$t = \frac{v_3}{g} \approx \frac{10 \frac{m/sec}{sec}}{10 \frac{m}{sec^2}} = 1 \text{ сек.}$$

вақт давомида кўтарилади.

Буюм дастлабки ўринидаи

$$h_2 = \frac{gt^2}{2} \approx \frac{10 \frac{m}{sec^2} \cdot (1 \text{ сек})^2}{2} = 5 \text{ м}$$

баландликка кўтарилади.

Буюмнинг Ёрдан максимал баландлиги $h_3 = 20 \text{ м} + 5 \text{ м} = 25 \text{ м}$. Буюмнинг 25 м баландликдан тушиш вақтини $h_3 = \frac{gt^2}{2}$ формуладан толамиш:

$$t = \sqrt{\frac{2h_3}{g}} = \sqrt{\frac{2 \cdot 25}{10}} \approx 2,2 \text{ (сек.)}$$

Буюмнинг тўлиқ ҳаракатланиш вақти $2,2 \text{ сек} + 1 \text{ сек} = 3,2 \text{ сек}$. Аэростатнинг Ёрдан баландлиги

$$h = 20 \text{ м} + 4 \frac{m}{sec} \cdot 3,2 \approx 33 \text{ м.}$$

2- усул. Саноқ боши қилиб гондолани қабул қиласиз. Векторларнинг пастга йўналишини мусбат, юқорига йўналишини эса манфий деб ҳисоблаймиз.

Буюмнинг гондолага нисбатан силжиши

$$s_6 = -v_2 t + \frac{gt^2}{2},$$

Ернинг силжиши эса

$$s_{Ep} = v_1 t, \quad s_6 = s_{Ep} + h_1;$$

$$-v_2 t + \frac{gt^2}{2} = v_1 t + h_1;$$

$$gt^2 - 2(v_1 + v_2)t - 2h_1 = 0;$$

$$10 \frac{m}{sec^2} t^2 - 20 \frac{m}{sec} t - 40 = 0.$$

Ҳисоблашлар аэростатнинг кўтарилиш вақти ва баландлиги учун юқоридаги қийматларни беради:

$$t \approx 3,2 \text{ сек}, \quad h \approx 33 \text{ м.}$$

3- усул. Вақтнинг ихтиёрий t пайтида буюмнинг Ердан с узоқлиги жиғсіннің текис ўзгарувчан ҳаракатида күчишнінг умумий

$$s = h_1 + (v_1 + v_2) t - \frac{gt^2}{2}$$

формуласидан топилиши мүмкін.

Масаланың шартыга күра буюмнинг Ерга түшган пайти учун $s = 0$.

Бинобарин,

$$\frac{gt^2}{2} - (v_1 + v_2) t - h_1 = 0.$$

Биз бу тенгламага 2- ечимда эга бўлган эдик.

5. Айлана бўйлаб ҳаракат

VIII синфда фақат айлана бўйлаб текис ҳаракатга доир масалалар ечилади. Бу масалаларда асосий эътибор бурилниш бурчаги, бурчак тезлик ёки айланиш даври, чизиқли (айланма) тезлик ва нормал тезлапишни ҳисоблашга қаратилади.

Бурчаклар ўқувчилар учун янги бўлган бирликлар – радианларда, бурчак тезлик эса рад/сек ларда ўлчанади.

Радиан ҳақидаги тушиунчани мустаҳкамлаш учун радианларни градусларга ва аксинча, градусларни радианларга айлантиришга доир машқлар ўтказини керак.

Бурчак тезлик $\omega = \frac{\varphi}{t}$ ёки $\omega = \frac{\Delta\varphi}{\Delta t}$ формула бўйича ҳисоблашади, бу ерда φ ёки $\Delta\varphi$ катталик – t ёки Δt вақтдаги бурилиш бурчаги. Ўқувчиларнинг бу формулани ёдда сақлашларига ёрдам бериш учун унинг $v = \frac{s}{t}$ чизиқли тезлик формуласи билан ўхашалигига айниқса дастлабки вақтларда аҳамият бериш фойдали.

Масалалар ечиш учун ўқувчилар текис айланма ҳаракатнинг чизиқли ва бурчак тезлиги орасидаги муносабатни мустаҳкам ўзлаштиришлари ва ундан фойдалана билишлари керак: $v = \omega R$.

Шунингдек, ўқувчиларнинг $\omega = \frac{2\pi}{T}$ ва $\omega = 2\pi n$ формуулаларни тушуниб олишларига ҳам аҳамият бериш керак, бунда T давр секундларда ўлчангандан ω нинг ўлчамлиги рад/сек ; сек^{-1} бўлишини таъкидлаб ўтиш керак.

Нуқтанинг айлана бўйлаб „текис“ ҳаракати терминини фақат бу ҳаракатда чизиқли тезлик катталиги ўзгарицсиз қолади деган маънодагиша тушуниш керак. Умуман айтганда ҳар қандай айлана бўйлаб ҳаракат эгри чизиқли ҳаракат бўлгани учун ўзгарувчан бўлади, чунки тезликининг йўналиши ўзгарилиши.

Δv тезлик ўзгариши ва \vec{a} тезланиш тракториянинг ичига томон йўналган, \vec{a} вектор одатда \vec{a}_n нормал ва \vec{a}_t тангенциал ташкил этувчи ларга бўлинади. Тезликнинг йўналиш бўйича ўзгаришини характерловчи \vec{a}_n нормал тезланиш радиус бўйлаб марказга йўналган ва шунинг учун марказга интилма тезланиш деб юритилади. $\vec{a}_t = \frac{\Delta v}{\Delta t}$ тангенциал ташкил этувчи эса тезликнинг катталик бўйича ўзгаришини характерлайди. Умумий тезланиши: $a = \sqrt{a_n^2 + a_t^2}$. Айланы бўйлаб текис ҳаракатда $a = a_n = \frac{v^2}{R}$ бўлади.

350. Соатнинг минут стрелкаси 5 марта тўла айланди:
 а) стрелканинг бурилиш бурчагини градусларда, радианларда;
 б) ўртача тезлигини *град/сек*, *рад/сек*, *айл/сек*, *айл/мин* ларда ҳамда стрелканинг 1 секундда, 1 минутда ва 1 соатда айланышлар сонини топинг.

Ечилиши, а) $\varphi = 360^\circ \cdot 5 = 1800^\circ$; $\varphi = 6,28 \text{ rad} \cdot 5 = 31,40 \text{ rad}$;

$$б) \omega = \frac{\varphi}{t}, t = 5 \text{ мин} = 300 \text{ сек}; \omega = \frac{1800^\circ}{300 \text{ сек}} = 6 \frac{\text{град}}{\text{сек}}$$

$$\omega = \frac{31,40 \text{ rad}}{300 \text{ сек}} = 0,105 \frac{\text{рад}}{\text{сек}}; \omega = \frac{5 \text{ айл}}{300 \text{ сек}} = 0,0167 \frac{\text{айл}}{\text{сек}}$$

$$\omega = \frac{5 \text{ айл}}{5 \text{ мин}} = 1 \frac{\text{айл}}{\text{мин}}.$$

Бу масалада бурилиш бурчагини градусларда ва тезликни *град/сек* ларда ҳисоблаш фақат бурчак тезлик вақт бирлигидаги бурилиш бурчаги билан ўлчанувчи катталик эканлигини кўрсатиш ва унинг физикавий можиятини тушунтириш учунгина бажарилади, чунки ўқувчилар бурчакларни градусларда ўлчашига ўрганиб қолганлар. Бироқ шу ернинг ўзида физика ва техникада бурчак градусларда эмас, балки радианларда ўлчаниши ўқтириб ўтилади. Шунга мос равишда бурчак тезлик ҳам *рад/сек* ларда ўлчанади;

в) стрелканинг айланышлар сонини ҳисоблашда ўқувчилар шундай мулоҳаза юритилилари керак; айланыш даври $T = 1 \text{ соат} = 60 \text{ мин} = 3600 \text{ сек}$. Минут стрелкасининг айланышлари: $1 \frac{\text{айл}}{\text{соат}} = \frac{1 \text{ айл}}{60 \text{ мин}} = \frac{1 \text{ айл}}{3600 \text{ сек}}$.

Бу турдаги машқ масалалари $T = \frac{1}{n}$ ёки $n = \frac{1}{T}$ муносабатлар ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлани учун оғзаки ечилади.

Вақт бирлиги ичидаги айланиншлар сони n маълум бўлгани холда T даври топишга доир машқ масалалари ҳам худди шунга ўхшаш ечилади.

351. Агар чарх тошида заводнинг „35 м/сек; $\varnothing 250 \text{ мм}$ “ деган штампи бўлса, бу чархни 2850 айл/мин тезлик билан айланадиган двигател валига кийдириш мумкини? [21, № 330.]

Ечилиши. Масаладаги саволга жавоб бериш учун чарх тоши радиусининг учига жойлашган нуқтасининг чизикли тезлиги қандай бўлишини аниқлаш керак.

$$v = \frac{s}{t} = \frac{2\pi R}{T} = 2\pi R n = \pi D n.$$

Дастлабки масалаларда иложи борича ўқувчилар формуланинг ва бирликлар системасининг маъносини ўзлаштирадиган ёзувдан фойдаланиш керак. Агар v тезлик м/сек ларда ифодаланган бўлса, у ҳолда R метрларда, $\frac{2\pi}{T} = 2\pi n = \omega$ эса рад/сек ёки сек^{-1} ларда олинади, бу ерда n — секунддаги айланишлар сони.

$$\text{Бу масалада } n = 2850 \frac{\text{айл}}{\text{мин}} = \frac{2850}{60} \frac{\text{айл}}{\text{сек}}.$$

D = 250 мм = 0,25 м; $v = \frac{3,14 \cdot 0,25 \cdot 2850}{60 \text{ сек}} \approx 37 \frac{\text{м}}{\text{сек}}$. Чарх тошини бундай двигатель валига кийдириш мумкин эмас.

352. 351- масаланинг шартидаги маълумотлардан фойдаланиб, чарх тошининг ишчи сиртидаги нуқталарнинг марказга интилма тезланишини аниқланг ва уни эркин тушиш тезланиши билан солишишинг.

$$\text{Ечилиши. } a = \frac{v^2}{R} = \frac{2(37 \frac{\text{м}}{\text{сек}})^2}{0,25 \text{ м}} \approx 11000 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}.$$

$g = 10 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}$ деб олиб, a нинг g дан 1100 марта катта эканини топамиз.

353. Ер атрофида орбита бўйлаб ҳаракатланаётган Ойнинг марказга интилма тезланишини топинг ва уни эркин тушиш тезланиши билан солишишинг. Ер ва Ой марказлари орасидаги масофа 384 000 км. Ойнинг Ер атрофида айланishi даври эса 27,3 сутката тенг.

$$\text{Ечилиши. } a = \omega^2 R = \frac{4\pi^2 R}{T^2} = \frac{4 \cdot 3,14^2 \cdot 384 \cdot 10^6 \text{ м}}{27,3 \cdot 24 \cdot 60 \cdot 60 \text{ сек}^2} = 0,0027 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}.$$

$$\frac{g}{a} = \frac{9,8 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}}{0,0027 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}} = 3600.$$

354. Ер сиртининг экватордаги нуқталарининг тезигини ва марказга интилма тезланишини аниқланг. Ёрининг радиусини 6400 км га тенг деб олинг.

$$\text{Ечилиши. } v = \frac{2\pi R}{T} = \frac{2 \cdot 3,14 \cdot 64 \cdot 10^6 \text{ м}}{24 \cdot 60 \cdot 60 \text{ сек}} \approx 465 \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$

$$a = \frac{v^2}{R} = 0,034 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}.$$

353- ва 354- масалалардаги маълумотлар бутун олам тортишиш қонунига ва марказга итилма тезланишларни топишга доир масалаларни ечишда керак бўлади.

17. БОЗ

ҲАРАКАТ ҚОНУНЛАРИ

1. Ньютоннинг биринчи қонуни (инерция қонуни).

Урта мактабда инерцияни ўрганишида одатда жисмларининг ўлчамлари назарга олишмайдиган масалалар ечилади, яъни моддий иуқтанинг инерцияси қаралади. Масалалар ечишида, реал шароитларда бошқа жисмлар таъсир қилмайдиган жисмлар мавжуд эмаслигини назарга олган ҳолда, Ньютоннинг биринчи қонунининг қўйидаги таърифидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Агар жисмга таъсир қилувчи кучлар ўзаро мувозанатлашса, бу жисм ўзининг тинч ҳолати ёки тўғри чизиқли текис ҳаракатини сақлайди.

Мувозанатлашувчи кучлар таъсир қилаётган реал жисм фақат тинч ҳолагда ёки тўғри чизиқли текис ҳаракатдагина бўйлмасдан, балки ўқ атрофида текис айланиши ҳам мумкин. Жисмларни инерцияси бўйича айланиши ҳақидаги маълумотлар жуда катта дуиёқараи ва амалий аҳамиятга эга эканлигини назарга олиб, бу темага доир бир қанча сифатга оид масалалар ечиш керак.

Инерция қонуни ҳамма системаларда эмас, балки фақат инерциал системалардагина бажарилади, буни 359—361- масалаларга ўхшаш масалаларни ечишда кўрсатиш керак.

Инерция қонуни Қуёш системасида ва юлдузлар билан боғлиқ бўлган системаларда деярли аниқ бажарилади, лекин Ер шароитларида эса кўплаб амалий мақсадлар учун етарли бўлган аниқликда тақрибан бажарилади.

VIII синфда Ньютоннинг биринчи қонунига доир масалаларни ечишда ўқувчиларнинг VI синфда олган билимларини назарга олиш керак. Материални тақрорлаш учун бир нечта 5- бобда келтирилган масалаларга ўхшаш мураккаб бўлмаган масалалар ечиш фойдали.

355. Қадимги юони олимни Аристотель куч бўлмаса, ҳаракат бўлмайди деган эди, француз олимни Декарт эса: „Ҳаракатнинг табиати шундайки, агар бирор жисм ҳаракатга келган бўлса, шунинг ўзи жисмнинг худди шу тезлик билан шу тўғри чизиқ бўйича ҳаракатини давом эттириши учун етарлидир. Қандайдир бошқа бир сабабгина жисмни тўхтатиши ёки

түғри йўлидан четлатиши мумкин⁴, — деган эди¹. Аристотель ҳақми ёки Декартми? Ўз хуносангизни мисоллар билан тасдиқланг. Инерция қонунишинг Ньютон берган формулировкаси билан Декарт берган формулировкасининг фарқи шимада?

356. Параютчи ўзгармас тезлик билан тушмоқда. Бу ҳаракатда ҳавонинг қаршилик кучини аниқланг.

357. 67- масала шартидан фойдаланиб, шарчага таъсир қилувчи кучларни аниқланг. Шарчанинг массасини 10 г деб олинг.

356-, 357- масалаларнинг мақсади түғри чизиқли текис ҳаракатда жисмга мувозанатлашувчи кучлар таъсир қилиши ҳақидаги тушунчани чуқурлаширишдир.

358*. Нима учун шамол электродвигатели валига маҳовик ўрнатиласди?

359. Қуйилаги автобус билан боғланган саноқ системаларида инерция қонуни ўринлими: а) тезлик олиб тўхташ жойидан қўзғалаётган автобус; б) тўхташ жойига келиб тормозланаётган автобус; в) йўлнинг түғри чизиқли қисмида ўзгармас тезлик билан ҳаракатланаётган автобус; г) йўлнинг эгри чизиқли қисмида ҳаракатланаётган автобус.

Жавоби. а, б, г ҳолларда инерция қонуни автобус билан боғланган саноқ системаси учун ўринли эмас. Бу ҳолларда система иониерциал, чунки унда гарчи бошқа жисмлар таъсир қилмаса ҳам нотекис ва эгри чизиқли ҳаракатларни кузатиш мумкин: масалан, йўловчилар автобус тўхтаганда олдинга оғадилар; йўлнинг эгри чизиқли қисмида автобуснинг ён томонига оғадилар ва ҳоказо. в ҳолда система иониерциалдир.

360. Я. И. Перельманнинг „Кизиқарли физика“ китобида „саёҳат қилишнинг энг арzon усули“ — ҳаво шарида кўтарилиб, Ернинг айланишини кузатиш муҳокама қилинади. Экватордаги нуқталарпинг чизиқли тезлиги 465 м/сек ($\# 354$) ва ҳатто Ленинград кенглигига 232 м/сек бўлгани учун бу усул „энг тез саёҳат қилиш“ усули ҳамдир. Шундай саёҳат қилиш мумкини? Жавобингизни асослаб беринг.

Жавоби. Бундай саёҳатни амалга ошириб бўлмайди. Ҳаво шари инерцияси билан ўзи кўтарилиган Ер сиртининг тезлигига тенг тезликда ҳаракат қиласди.

Баъзида ўқувчилар шар атмосфера билан ҳаракатлангани учун бундай саёҳатни амалга ошириш мумкин эмас деб фикр юритадилар. Агар Ер атмосферасининг ташқарисига, масалан, ракета ёрдамида чиқилгандай ҳам бундай саёҳатни юқорида кўрсатилгани сабабга кўра амалга ошириш мумкин эмас.

361. Жисм эркин тушаётгандай вертикальдан шарққа томон оғади. Нима учун? Шарча экваторда чуқурлиги 180 м бўлган шахтада шарққа қанча оғади? Ҳавоининг қаршилиги ҳисобга

¹ П. С. Кудрявцев. История физики. т. 1. Учпедгиз, 1948, 156- бет.

олиммасин. Шу асосда Ернинг инерциал ёки ионнерциал система эканлиги ҳақида хулоса чиқаринг.

Ечилиши. Шарча инерцияси билан шарққа томон $s = \Delta v t$ масофага оғади, бу ерда Δv — ер сирти ва шахта тубидаги нуқталар ҳаракати тезликларининг фарқи, t — шарчанинг тушиш вақти.

$$\Delta v = \frac{2\pi R}{T} - \frac{2\pi(R-h)}{T} = \frac{2\pi h}{T},$$

бу ерда R — Ернинг экваториал радиуси, T — Ернинг айланыш даври ва h — шахтанинг чуқурлиги.

$h = \frac{gt^2}{2}$ бўлгани учун $t = \sqrt{\frac{2h}{g}}$ ва $s = \frac{2\pi h \sqrt{2gh}}{T_g}$.
 $g \approx 10 \text{ м/сек}^2$ деб олиб, қўйидагини ҳосил қиласиз:

$$s = \frac{2 \cdot 3,14 \cdot 180 \text{ м} \cdot \sqrt{2 \cdot 10 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot 180 \text{ м}}}{24 \cdot 3600 \frac{\text{сек}}{\text{час}} \cdot 10 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}} \approx 0,08 \text{ м.}$$

Жисмга шарққа томон йўналган кучлар таъсир қиласа ҳам, унинг вертикал йўналишдан шу томонга оғиши, қатъий қилиб айтганда, Ер ионнерциал система эканлигини кўрсатади.

2. Импульс (ҳаракат миқдори) нинг сақланиш қонуни

Теманинг бошида ўқувчиларга VI синфдан маълум бўлган

$$\frac{m_1}{m_2} = \frac{\Delta v_2}{\Delta v_1} \text{ ёки } \frac{m_1}{m_2} = \frac{v_2 - v'_2}{v_1 - v'_1}$$

муносабатдан фойдаланган ҳолда 77—78- масалаларга ўхшашибир-иккита масала ечиш керак.

Сўнгра бу муносабатга шундай кўриниш берилади:

$$m_1 \vec{v}_1 + m_2 \vec{v}_2 = m_1 \vec{v}'_1 + m_2 \vec{v}'_2.$$

Бу тенглама ҳаракат миқдори (импульс) нинг сақланиш қонуни — физиканинг жилемларининг ҳар қандай берк системаси учун макродунёдати сингари, микродунёда ҳам ўринили бўлган асосий қонувларидан бирининг хусусий ҳолидир. Бу тенглама берк системадаги барча импульсларининг вектор йигинидиси ўзгармас катталик эканини кўреатади.

VIII синфда бир тўғри чизиқ бўйиаб шўнастгани, изоляцияланган иккичи жилемнинг узаро таъсирига доир мураккаб бўлмаган масалалар ечилади. Бунда саноқ бони жилем қилиб Ер қабул қилиниади.

Бироқ юқори синфларда материални тақрорлашда иложи борича жилемларининг тезликлари бир-бирига бурчак остида

йўналишига доир бир неча масалалар счиш мақсадга мувофиқдир. IX—X синф ўқувчилариға импульс сақланиш қонуининг вектор тенгламаси учта скаляр тенгламага эквивалент эканини айтиш мүмкін:

$$m_1 v_{1x} + m_2 v_{2x} = m_1 v'_{1x} + m_2 v'_{2x};$$

$$m_1 v_{1y} + m_2 v_{2y} = m_1 v'_{1y} + m_2 v'_{2y};$$

$$m_1 v_{1z} + m_2 v_{2z} = m_1 v'_{1z} + m_2 v'_{2z}.$$

x, y, z координата ўқлари ихтиёрий танланиши мүмкін бўлгани учун импульснинг ихтиёрий йўналишдаги проекциясиң катталиги ўзгармас сақланади.

Ўрта мактабда жисмларнинг бир текисликдаги ҳаракати ўрганилади, шунинг учун масалалар ечишда импульснинг фақат битта ёки иккита мос равишда танланган йўналишдаги проекцияларидан фойдаланиш етарлидир. Бу йўналишлар бўйича системага ташқи кучлар таъсир қилмайди ёки таъсир қиласа ҳам, уларнинг тенг таъсир этувчиси нолга тенг бўлади. Бунда Ерининг массаси жуда катта бўлгани учун унинг ҳаракат миқдори ўзгариши назарга олинмайди.

362. Инерцияси билан $v_k = 2 \text{ м/сек}$ тезликда ҳаракатланастган қайиқдаги одам йўлда дуч келгани ғўлани эшкак билан итариб юборди ва шундан сўнг ғўла қайиқ олдида $v_r = 1 \text{ м/сек}$ тезлик билан сузиб кетди. Бунда қайиқнинг тезлиги $v_k = 0,5 \text{ м/сек}$ гача камайди. Одамнинг қайиқ билан биргаликдаги массаси каттами ёки гўланинг массаси каттами? Агар одамнинг қайиқ билан биргаликдаги массаси $m_k = 300 \text{ кг}$ бўлса, ғўланинг m_r массаси нимага тенг?

Ечилиши. 1- усул. Одамли қайиқнинг тезлиги

$$\Delta v_k = 2 \frac{\text{м}}{\text{сек}} - 1,5 \frac{\text{м}}{\text{сек}} = 0,5 \frac{\text{м}}{\text{сек}}$$

катталикка камайди.

Ғўланинг тезлиги

$$\Delta v_r = 1 \frac{\text{м}}{\text{сек}} - 0 \frac{\text{м}}{\text{сек}} = 1 \frac{\text{м}}{\text{сек}}$$

катталикка ортди. Қайиқнинг тезлиги камроқ ўзгарибди, демак, унинг массаси катта.

$$\frac{m_k}{m_r} = \frac{\Delta v_r}{\Delta v_k}; m_r = \frac{m_k \Delta v_k}{\Delta v_r} \Rightarrow \frac{300 \text{ кг} \cdot 0,5 \frac{\text{м}}{\text{сек}}}{1 \frac{\text{м}}{\text{сек}}} = 150 \text{ кг}.$$

2- усул. Ўқувчилар импульснинг сақланиш қонуини ўргангапларидан кейин масалани $m_k \vec{v}_k + m_r \vec{v}_r = m_k \vec{v}'_k + m_r \vec{v}'_r$ тенгламадан фойдаланаған ҳолда иккинчи марта счиш фойда-

лидир. Жисмлар бир түгри чизиқ бүйлаб ҳаракатланғани ва $\vec{v}_r = 0$ бўлгани учун тенгламани скаляр шакидай ёзиш мумкин: $m_k v_k = m_k v'_k + m_r v'_r$, бундан

$$m_r = \frac{m_k (v_k - v'_k)}{v'_r} = \frac{300 \text{ кг} \left(2 \frac{\text{м}}{\text{сек}} - 1,5 \frac{\text{м}}{\text{сек}} \right)}{1 \frac{\text{м}}{\text{сек}}} = 150 \text{ кг.}$$

363. Двигатели ишламагани ҳолда инерцияси билан $0,5 \text{ м/сек}$ тезликда ҳаракатлашаётган 180 т массали электровоз тинч турган вагонга келиб урилди ва у билан бирга ҳаракатлана бошлади. Агар электровознинг тезлиги $0,4 \text{ м/сек}$ гача камайган бўлса, вагоннинг массаси нимага тенг? Электровоз ва вагоннинг рельсга ишқаланишини назарга олманг.

Ечилиши. Барча жисмларнинг (ушбу ҳолда локомотив ва вагоннинг) тўқнашгуича ва тўқнашгандан кейинги ҳаракат миқдорларини бир-бирига тенглаймиз: $m_a \vec{v}_a + m_b \vec{v}_b = m_a \vec{v}'_a + m_b \vec{v}'_b$. Шартга кўра $\vec{v}'_a = \vec{v}'_b = \vec{v}$, $v_b = 0$ ва ҳамма векторларнинг йўналиши бир хил. Шунинг учун қўйидаги скаляр тенгликини ёзиш мумкин:

$$m_a v_a = (m_a + m_b) v; m_b = \frac{m_a (v_a - v)}{v} = 45 \text{ т.}$$


364*. $v_u = 2400 \text{ км/сек}$ тезлик билан учиб келаётган нейтрон кадмийнинг қўзғалмас ядроисига ютилди. Ҳосил бўлгани янги ядронинг тезлигини аниқланг. Нейтроннинг массаси $m_u = 1,67 \cdot 10^{-27} \text{ кг}$, кадмий ядроининг массаси эса $m_k = 112 m_u$. Ечилиши.

$$m_u v_u (m_u + m_k) v; v = \frac{m_u v_u}{m_u + m_k} \approx 2,12 \cdot 10^4 \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$

365*. Массаси 80 кг бўлгани одам қирғақа перпендикуляр йўналишда оқим бўйлаб ҳаракатлашаётган 300 кг массали солга сакради. Агар сувнинг қаршилиги бўлмаганда эди, сол қандай тезлик билан ва қайси йўналишида ҳаракатлашган бўлар эди? Оқимнинг тезлиги $1 \frac{\text{м}}{\text{сек}}$. Одамнинг ҳаракат тезлиги эса $7 \frac{\text{м}}{\text{сек}}$.

Ечилиши. 1- усул. Йизмада одам ва солнинг ҳаракат миқдори векторларини тасвиirlаймиз (80- расм). Импульснинг сакланиши қонунига асосан

$$m_c \vec{v}_c + m_o \vec{v}_o = (m_c + m_o) \vec{v}.$$



80- расм.

Одам ва солнинг умумий ҳаракат миқдори сон жиҳатдан параллелограммнинг диагоналига тенг. Уни масштабга риоя қилган ҳолда чизма чизиб, график равишда ёки Пифагор теоремасидан толиш мумкин. Солнинг тезлиги абсолют катталиги жиҳатидан

$$v = \sqrt{\frac{(m_c v_c)^2 + (m_o v_o)^2}{(m_c + m_o)^2}} \approx 1,7 \frac{м}{сек}$$

га тенг.

Тезликнинг йўналишини қўйидаги муносабатдан аниқлаймиз:

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{m_o \cdot v_o}{m_c \cdot v_c} \approx 1,87. \alpha \approx 62^\circ.$$

2- усул. Векторларни v натижавий тезлик йўналишида проекциялаймиз. Бунда қўйидаги ҳосил бўлади:

$$m_o v_o \sin \alpha + m_c v_c \cos \alpha = (m_o + m_c) v,$$

бундан

$$v = \frac{m_o v_o \sin \alpha + m_c v_c \cos \alpha}{m_c + m_o}.$$

α нинг қийматини ҳам 1- ечимдаги йўл билан топамиз.

366 (э). Болаларнинг ўйинчоқ шарчасига пуфлаб дам бering ва уни боғламасдан қўйиб юборинг. Шарча қандай ҳаракатланади ва шима учун?

Агар хонаси келиб қолса, пиначининг личинкасини сувли идишга солиб, унинг ҳаракатини кузатинг. Личинка қорини кўтариб кўрсангиз, унинг сув оқими отаётганини кўрасиз. Бу личинканинг ҳаракатланиши учун қандай аҳамиятга эга? Қандай жониворлар тирик ракеталар деб ном олган ва нима учун?

367. Агар ракетадан чикувчи газларнинг ўртача тезлиги $v_r = 1 \text{ км/сек}$ ва ёқилғининг m массаси ракета бутун массасининг 80% га тенг бўлса, ракета қандай тезлик билан ҳаракатланади?

Ечилиши. $m_{ym} \vec{v}_{ym} + m_r \vec{v}_r = m_{ym} \vec{v}'_{ym} + m_r \vec{v}'_r$.

Масаланинг шартига кўра $\vec{v}_{ym} = \vec{v}_r = 0$. \vec{v}'_{ym} ва \vec{v}'_r векторларнинг йўналишлари қарама-қарши. Шунинг учун қўйидагича ёзиш мумкин: $0 = m_{ym} \vec{v}'_{ym} - m_r \vec{v}'_r$, бундан

$$\vec{v}'_r = \frac{m_r \vec{v}'_r}{m_{ym}} = \frac{0,8 m_r v'_r}{0,2 m_p} = 4 \frac{\text{км}}{\text{сек}}.$$

368. Ер атрофидан орбита бўйлаб $v_p = 8 \text{ км/сек}$ тезлик билан ҳаракатланаётган элтувчи ракетанинг учинчи босқичидан массаси $m_{бош} = 20 \text{ кг}$ бўлган бош қисми ажralиб кетди. Агар бош қисмнинг тезлиги 5 м/сек га ортган бўлса, элтувчи ракетанинг ўзи энди қандай v_p тезлик билан ҳаракатланади?

Элтувчи ракетанинг бош қисмисиз массаси $m_p = 1 \text{ т}$. (Хисоблашларда барча сонларни аниқ сонлар деб олинг.)

Ечилиши. 1- усул. $(m_p + m_{бояш}) \vec{v}_p = m_p \vec{v}'_p + m_{бояш} \vec{v}'_{бояш}$.
Бош қисмнинг массаси ракетанинг массасига нисбатан жуда кичик бўлгани ва тезлиги кам ўзгаргани учун \vec{v}_p ва $\vec{v}'_{бояш}$ векторларнинг йўналиши бир хил деб олиш мумкин. Шунинг учун тенглама скаляр шаклда шундай кўринишга келиши мумкин:

$$(m_p + m_{бояш}) v_p = m_p v'_p + m_{бояш} v'_{бояш},$$

бундан

$$v'_p = \frac{m_p v_p + m_{бояш} (v_p - v'_{бояш})}{m_p} = 7999,9 \frac{м}{сек}.$$

Агар элтувчи ракетанинг тезлик йўналиши тескари томонга ўзгаради деб олиса, у ҳолда тенгламани қўйидаги кўринишда ёзиш керак бўлади:


$$(m_p + m_{бояш}) v_p = -m_p v'_p + m_{бояш} v'_{бояш},$$

бундан $v'_p = -7999,9 \text{ м/сек}$. Минус ишора тезликнинг йўналиши биз кўзда тутганимизга қарама-қарши эканлигини кўрсатади.

$$\begin{aligned} 2- \text{ усул. } \frac{m_p}{m_{бояш}} &= \frac{\Delta v_{бояш}}{\Delta v_p}; \Delta v_p = \frac{m_{бояш} \Delta v_{бояш}}{m_p} = \frac{20 \text{ кг} \cdot 5 \frac{\text{м}}{\text{сек}}}{1000 \text{ кг}} = 0,1 \frac{\text{м}}{\text{сек}}. \\ v'_p &= 8000 \frac{\text{м}}{\text{сек}} - 0,1 \frac{\text{м}}{\text{сек}} = 7999,9 \frac{\text{м}}{\text{сек}}. \end{aligned}$$

369*. m_1 массали бруск баландлиги h ва оғиц бурчаги α бўлган қия текисликдан сирпаниб, массаси m_2 бўлгани қумли аравачага тушиб (81- расм). Аравачанинг шундан кейинги тезлигини топинг. Жисмларининг ҳаракатдаги ишқалтанишини ҳисобга олмаиг.

Ечилиши. m_1 ва m_2 жисмларининг берк системаси учун қўйидаги



81- расм.

$$m_1 \vec{v}_1 (m_1 + m_2) \vec{v}_2$$

тенглама ўринлиди. Бироқ жисмга таянчнинг мувозатлашмаган реакция кучи таъсири қилгани учун $m_1 \vec{v}_1 \neq (m_1 + m_2) \vec{v}_2$ бўлади. Буни \vec{v}_1 ва \vec{v}_2 векторларнинг турли йўналинига эга эканлиги-

дан ҳам күриш мүмкін. Бироқ тенглама фақат горизонтал үққа бўлган проекциядагина ўринилдири, чунки бу йўналишда ҳеч қандай ташқи куч таъсир қилмайди.

$$m_1 v_1 \cos \alpha = (m_1 + m_2) v_2.$$

$$v_1 = \sqrt{2gh} \text{ бўлгани учун}$$

$$v_2 = \frac{m_1 \sqrt{2gh} \cos \alpha}{m_1 + m_2} \text{ бўлади.}$$

370*. Сокии сувда турган узуилиги $l = 3 \text{ м}$ ва массаси $m_k = 150 \text{ кг}$ бўлган қайиқшинг қўйруғида массаси $m_0 = 75 \text{ кг}$ бўлган одам турибди. Агар одам қайиқниг қўйруғидан учига ўтса, қайиқ қанча силжийди? Сувнинг қаршилигини ҳисобга олманг.

Ечилиши. Одам қайиқда v_0 тезлик билан текис ҳаракат қилмоқда, қайиқ эса унга қараб v_k тезлик билан текис ҳараланмоқда деб олайлик. Импульснинг сақланиш қонунига мувофиқ

$$0 = m_k v_k - m_0 v_0, \quad (1)$$

$v_k = \frac{x}{t}$ (2) ва $v_0 = \frac{y}{t}$ (3), бу ерда x ва y мос равишда қайиқ ва одамнинг t вақт ичидаги сувга иисбатан силжинлари (бу вақт ичидаги одам қўйруқдан қайиқнинг учига ўтди).

$x + y = l$ (4). 1–4 тенгламалар системасидан қўйидагини топамиз:

$$x = \frac{m_2 l}{m_1 + m_2} = 1 \text{ м.}$$

3. Ньютоннинг иккинчи қонуни

Бошлиғич масалаларни ечишда Ньютоннинг иккинчи қонунини шундай кўринишда ёзиш мүмкін: $\vec{a} = \frac{\vec{F}}{m}$ ёки $\vec{F} = m \vec{a}$.

Бу формулада m ва \vec{a} айни бир жисмга ёки жисмлар системасига тегишли бўлиб, куч эса ташқи кучdir. Ички кучлар жисмга тезланниш бера олмайди ва уни силжита олмайди.

Бу темада асосан қийин бўлмаган машқ масалалари сичади, бу масалалар Ньютон иккинчи қонунининг физикавий мөхиятини аниқлашга имкон беради. Мураккаброқ масалалар „Харакат қонуларининг қўлланилиши“ темасида (20-боб) ечилади.

Бошлиғич машқ масалаларини ечишда асосий эътиборни $F = ma$ муносабатни билиш ва тушунишга ҳамда ўлчов бир-

ликлари устида бажариладиган амалларга қаратиш керак. Келгуси масалаларда асосий диққат Ньютоннинг иккинчи қонунига кирувчи катталикларнинг вектор характерда эканлиги ҳақидаги тушунчанинг шаклланишига қаратилади. Бунда ўқувчиларга вектор катталикларнинг, айниқса, тезланиш йўналишини аниқлашни ўргатиш керак, чунки теэлик ва кучнинг йўналишлари анча равшан. $\vec{F} = ma$ тенгламага кўра тезланишнинг йўналиши ҳамма ваqt куч йўналишида бўлади.

Шунингдек ўқувчилар билан тезланишнинг йўналишини $\vec{a} = \frac{\vec{v}_{\text{охир}} - \vec{v}_{\text{бошл}}}{\Delta t}$, формуладан (16- боб) қандай аниқлашни ҳам такрорлаш керак, бу жисмга таъсир қилиувчи кучларнинг йўналиши номаълум бўлган масалаларни счишда зарур бўлади.

371. Керакли ҳисоблашларни бажариб, жадвални тўлдиринг (39, № 106).


F	4 н	8 н	0,02 н	1 кгк	?	?	?	1 н	10кгк
m	51 кг	4000 г	0,4 кг	2 кг	200 г	20 кг	0,5 т	?	?
a	?	?	?	?	0,2 $\frac{\text{с.н}}{\text{сек}^2}$	40 $\frac{\text{с.н}}{\text{сек}^2}$	1 $\frac{\text{м}}{\text{сек}^2}$	0,4 $\frac{\text{м}}{\text{сек}^2}$	4 $\frac{\text{м}}{\text{сек}^2}$

372. Жадвалда жисмининг массаси ўзгармас бўлганда унинг тезланишининг жисмга таъсир қилаётган куч катталигига боғлиқлигини ўрганишда олинган натижалар берилган. График ясанг. Ўрганилаётган боғланиш ҳақида хулоса чиқаринг (21, № 110).

$F, \text{н}$	0	0,5	1,0	1,5	2,0	2,5	3,0
$a, \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}$	0	0,16	0,30	0,44	0,60	0,75	0,90

373. Жадвалда жисмга таъсир қилаётган куч ўзгармас бўлганда жисм тезланишининг массага боғлиқлитини ўрганишда олинган маълумотлар келтирилган. График ясанг. Ўрганилаётган боғланиш ҳақида хулоса чиқаринг (21, № 111).

$m, \text{кг}$	0,2	0,4	0,6	0,8	1,0	1,2
$a, \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}$	1,80	0,90	0,60	0,45	0,36	0,30



82- расм.

374. Қүйидә көлтирилған тенгликтардан қайси бири нотұғри әзілған? Үларда қандай хатога йўл қўйилған?

$$F = 2 \text{ кг} \cdot 4 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} = 8 \text{ Н};$$

$$m = \frac{18 \text{ Н}}{9 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}} = 2 \text{ кг}; a = \frac{20 \text{ кгк}}{5 \text{ кг}} = 4 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2};$$


$$m = \frac{9,8 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}}{19,6 \text{ Н}} = 0,5 \text{ кг}.$$

$$F = 2 \text{ кг} \cdot 10 \frac{\text{см}}{\text{сек}^2} = 20 \text{ Н}; a = \frac{80 \text{ дн}}{5 \text{ з}} = 16 \frac{\text{с.м.}}{\text{сек}^2}.$$

375. Ўқувчи 82- расмда күрсатылған қурилма ёрдамида тезланишининг күчга боғлиқлигии текширди. Бунинг учун ўқувчи аввал ипта 100 г, сүнгра эса 200 г тош осди. Ўқувчи тажрибани түгри қўйганми?

Жавоби. Нотұғри. Тажрибада фақат күч эмас, балки ҳаракатланувчи масса ҳам ўзгарди. 100 г лик тош биринчи тажрибада аравачада туриши керак эди.

376 (ә). Иккى аравачадан қайси бири столининг чеккасига аввал етиб боради (83- расм)? Аравачаларнинг массалари бир хил. Жавобингизни тажрибада текширинг. Қаршиликни назарга олманг.



83- расм.

Жавоби. Таъсир қилувчи куч бир хил бўлганда биринчи навбатда кичик масса ҳаракатга келади. Биринчи аравачанинг тезланиши, бинобарин, охирти тезлиги катта ва ҳаракатланниш вақти кам бўлади.

377. Агар массаси 200 кг бўлган вагончага 20 н куч таъсир қила бошласа, вагонча қандай тезланиш билан ҳаракатга келади? Чизмада тезлик, куч ва тезланишнинг йўналишини кўрсатинг. Ишқаланишни ҳисобга олманг.

Ечилиши. Схематик чизма чизамиз ва унда \vec{F} таъсир қилувчи кучни тасвирлаймиз. a тезланишнинг йўналиши F кучининг йўналиши билан мос тушади. Дастребки вақтда аравача тинч тургани учун v тезликнинг йўналиши F куч ва a тезланишнинг йўналишлари билан бир хил бўлади.

Бу шунингдек $\vec{a} = \frac{\vec{v}_{\text{окир.}} - \vec{v}_{\text{бошл.}}}{t}$ формуладан ҳам кўриниб турибди. $\vec{v}_{\text{бошл.}} = 0$ бўлгани учун $\vec{a} = \frac{\vec{v}_{\text{окир.}}}{t}$ бўлади.

378. Массаси 50 т бўлган Ту-104 реактив самолёт қўниш пайтида -6 м/сек^2 тезланиш билан ҳаракатланади. Тормозланиш кучини топинг ($39, \# 108$). Чизмада тезлик, куч ва тезланиш йўналишини кўрсатинг.

Жавоби. F куч ва бинобарин, a тезланиш ҳам тезликнинг йўналишига қарама-қарши йўналган, бу нарса секинланувчи ҳаракат характеристикини анализ қилишдан, шунингдек $\vec{a} = \frac{\vec{v}_{\text{окир.}} - \vec{v}_{\text{бошл.}}}{t}$ формуладан кўриниб турибди. $\vec{v}_{\text{окир.}} = 0$ бўлгани учун $\vec{a} = -\frac{\vec{v}_{\text{бошл.}}}{t}$; $F = ma = -50000 \text{ кг} \cdot 6 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} = -300 \text{ кН}$.

4. Ньютоннинг учинчи қонуни

Ньютоннинг учинчи қонунига тегишли масалаларни ечишда жисмларнинг ўзаро таъсири ҳақида равишан берилган таърифдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлар: икки жисмнинг бир-бира га таъсир кучи ҳамма вақт катталик жиҳатидан тенг, йўналиш жиҳатидан қарама-қаршийdir. Бунда қўйидаги тушунчаларнинг шаклланишига аҳамият бериш зарур.

1. Кучлар ҳамма вақт жуфт ҳолда юзага келади. Агар бир куч мавжуд бўлса, унга қарама-қарши бўлган иккинчи куч ҳам мавжудdir.

2. Кучлар ҳамма вақт турли жисмларга қўйилган бўлиб, уларнинг тенг таъсир этувчиси бўлмайди.

3. Ньютоннинг учинчи қонуни қучларнинг таъсир натижаси тўғрисида ҳеч нима демайди. Бу тўғрида Ньютоннинг иккинчи

қонунида ғапириллади. Агар биз ўзаро таъсир қилувчи жисмларни бир система деб қарасак, у ҳолда ўзаро таъсир кучлари ички кучлар бўллади ва бутунича системанинг ҳолатини ўзгартира олмайди.

Масалалар ягона схема бўйича ечилади: жисмларнинг бир-бирига таъсир қилаётган тенг ва қарама-қарши йўналган кучлари топилади; ҳар бир жисм алоҳида қаралади ва унга таъсир қилувчи барча кучларни назарга олиб, кўрилаётган жисмда нима юз бериши, яъни унинг ҳаракати ўзгардими, деформация ҳосил бўлдими ва ҳоказо қаралади.

Бу темада Ньютоннинг учинчи қонунига доир унча қийин бўлмаган сифатга оид масалалар ечилади. Реактив ҳаракат, бутун олам тортишиш қонуни ва бошқа темаларга тегишли мураккаброқ масалаларни ечганда Ньютоннинг учинчи қонунидан фойдаланилади.

379. Қўйидаги ҳолларда: юқ динамометрга осилганда; сувли челакни кўтариб турганда; газ двигатель поршенига босаётганда таъсир қилувчи ва акс таъсир қилувчи кучларнинг йўналиши ва қўйилиш нуқталарини кўрсатинг.


380 (ә). Жисмларнинг бир-бирига таъсир қилувчи кучларнинг тенглигини тажрибада тасдиқлаш учун Ньютон темир ва магнитни турғун сувда ўзаро тегишиб сузиб юрган идишларга солиб тажриба ўтказди. Бунда идишлар ҳаракатга келадими? Тажрибани қилиб кўринг ва тушуштириб беринг.

Жавоби. Идишлар ҳаракатга қелмайди, чунки магнит ҳамда темирнинг тортишиш кучлари ва идиш деворларининг деформацияланишидан ҳосил бўлган итаришиш кучлари шу жисмлар системаси учун ички кучлар ҳисобланади.


381 (ә). 84-расмда тасвирланган динамометрлар нимани кўрсатади? Жавобингизни тажрибада текширинг. (Пастки динамометрнинг оғирлигини ҳисобга олманг.)

Жавоби. Пастки динамометр мувозанатда бўлгани учун унга пастга ва юқорига қараб 9,8 н га тенг бўлган бир хил куч таъсир қиласди, шунинг учун динамометр 9,8 н ни кўрсатади. Юқорига таъсир қилувчи куч юқори динамометр пружинасининг тарағланишидан вужудга келади. Ньютоннинг учинчи қонунига кўра юқоридаги динамометрга пастга қараб худди шундай 9,8 н га тенг куч таъсир қиласди. Бинобарин, юқоридаги динамометр ҳам 9,8 н ни кўрсатади.

382 (ә). Тарозида сувли стакан мувозанатга келтирилган. Агар стакандаги сувга қаламии солиб, уни стаканга тегизмасдан қўлимизда ушлаб турсак, мувозанат бузиладими? Жавобин-



84-расм.



85- расм.

гизип тажрибада текширинг. (Сув стакандан тошиб кетмаслиги керак.)

Ж а в о б и. Қаламга юқорига қараб суюқлик томонидан Архимед күчи таъсир қилади. Ньютоннинг учинчи қонунига кўра қалам ҳам суюқликка ўша кучга тенг ва пастга қараб йўналган куч билан таъсир қилади. Тарозининг сувли стакан турғаи палласи босиб кетади.

383. Кўлдаги пристанга иккита бир хил қайиқ яқинлашмоқда (85-расм). Ҳар икки қайиқчи қайиқни арқон ёрдамида тортмоқда. Биринчи қайиқка боғланган арқоннинг иккинчи учун пристандаги тумбага боғланган; иккинчи қайиққа боғланган арқоннинг иккинчи учидан эса пристандаги матрос тортмоқда. Ҳар учала одам бир хил күч сарф қилмоқда. Қайси қайиқ қирғоққа олдин келади (132, 26—27- бетлар)?

Ж а в о б и. Ҳамма қайиқчилар арқонни бир хил күч билан тортаётгани учун арқон томонидан қайиқларга бирдай күч таъсир қилади. Қайиқлар бир хил тезлик билан ҳаракатланади ва қирғоққа баравар этиб келади.

18- БОБ

ТАБИАТДАГИ КУЧЛАР

Бу темани ўрганишда ўқувчилар кучларнинг уч хили: тортишиш кучлари, эластиклик кучлари ва ишқаланиш кучлари ҳақида тушунча олишлари керак. Шунга мувофиқ ҳолда бутун олам тортишиш қонуни, Гук қонуни ва ишқаланиш кучларига доир масалалар ечилади. Шунингдек, моментлар қондасига доир масалаларга ҳам катта эътибор бериш керак. Ўз-ўзича мұхим бўлган бу маълумотлар ва малакалар келгуси материалларни, айниқса Ньютоннинг ҳаракат қонунларининг қўлланиши ҳақидаги материални ўрганишда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Бу тема зўр оламшумул ва политехник аҳамиятга эга бўлган қатор мұхим масалаларни ечишда қўл келади ва ундан ўқитувчи албатта фойдаланиши керак.

1. Гравитацион күчлар

Модданинг ҳар қандай икки зарраси орасида таъсир қилувчи F гравитацион күч шу зарраларнинг массалари m_1 ва m_2 га түгри пропорционал ҳамда улар орасидаги r масофанинг квадратига тескари пропорционал:

$$F = \gamma \frac{m_1 m_2}{r^2}; \quad \gamma = \frac{1}{1.5 \cdot 10^{10}} \text{ Н} \cdot \text{м}^2 \text{ кг}^{-2}.$$

Бу формула бутун олам тортишиш қонуцининг математик ифодасидан иборат бўлиб, нуқтавий жисмлар, яъни чизиқли ўлчамлари уларнинг орасидаги масофага нисбатан назарга олмаслик даражада қичик бўлган жисмлар учун ўринли эканлигини масалалар тузишда ва танлашда эътиборга олиш керак. Агар ихтиёрий шаклдаги бир-бирига яқин жойлашган икки жисм орасидаги тортишиш күчларини топиш керак бўлса, у ҳолда бу жисмларнинг айрим зарралари орасидаги ўзаро таъсир күчларини қарашиб ва сўнгра уларнинг йиғиндисини топиш керак. Шунинг учун, масалан, ёнма-ён турган одамлар, вагонлар ва шунга ўхшашларнинг ўзаро тортишиш күчларини аниқлашга доир масалаларни бу формулага кўра тегишли шартлар билангина ечиш мумкин. Бу формула фақат сферик шаклдаги бир жисми жисмлар учунгина ўринли бўлиб, уларнинг ўлчамлари ва ўзаро жойлашишларига боғлиқ эмас.


Бутун олам тортишиш қонунига тарихий характерга эга бўлган, масалан бу қонунни топиш ва текширишда олимларнинг қандай методлардан фойдаланганликларини кўрсатувчи қатор масалаларни ва шунингдек, оламшумул характердаги, шу билан бирга космосни зебт этишга боғлиқ бўлган масалаларни ечиш мақсадга мувофиқдир (20- боб, 3—4).

384. Нима учун баланд төғ қиррасидан туширилган шоқул вертикал йўналишдан бир оз оғади?

385. Жисмнинг Ёр сиртидан баландлигига боғлиқ равища оғирлиги ўзгаришини қандай тажрибалар воситасида текшириш мумкин?

386. Ёр ва Ой марказлари орасидаги масофа Ёр радиусидан 60 марта катта. 353- масала шартида берилганлардан фойдаланиб ва Ойнинг марказга иштияма тезланиши Ёрициг тортиш күчига боғлиқ деб олиб, бу кучнинг масофага қараб қандай ўзгариши түғрисида холоса чиқаринг.

Ечилиши. 353- масала шартига кўра $\frac{a}{g} = \frac{ma}{mg} = \frac{F_1}{F_2} = \frac{1}{3600}$, бу ерда $F_1 - m$ массали жисмга Ёр радиусидан 60 марта катта бўлган масофадан таъсир қилувчи тортишиш кучи, F_2 эса жисмнинг Ёрга унинг марказидан радиусига тенг масофадаги тортишиш кучи. Масофа 60 марта ортди, куч эса 60° марта камайди, бинобарин, $F \sim \frac{1}{r^2}$.



86- расм.

шии тезланишини; в) 3600 км баландликда эркин түшнүү тезланишини.

Ечилиши. а) Ердагы ҳар қар қандай жисм учун тортишиш кучи $F = mg = \gamma \frac{mM_{\text{Ep}}}{r^2}$. Бундан $M_{\text{Ep}} = \frac{gr^2}{\gamma}$. $r = 6400$ км деб олсак, $M_{\text{Ep}} = 6 \cdot 10^{24}$ кг.

б) $F = \gamma \frac{mM_{\text{Ep}}}{r^2} = mg$, $g = \gamma \frac{M_{\text{Ep}}}{r^2}$, бу ерда M_{Ep} — Ернинг массаси, r — унинг марказигача бўлган масофа.

$$\text{в)} g = \frac{1 \text{ н} \cdot \text{м}^2 \cdot \text{кг}^{-2}}{1,5 \cdot 10^{10}} \cdot \frac{6 \cdot 10^{24} \text{ кг}}{(64 \cdot 10^5 \text{ м} + 36 \cdot 10^6 \text{ м})^2} = 4 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}.$$

389. 1959 йил 12 сентябрда иккинчи космик ракета Ойга Совет Иттилоғонининг вимпелини олиб чиқди. Агар Ойнинг радиуси Ер радиусидан 3,8 марта кичик, унинг массаси Ернинг массасидан 81 марта кичик эканы маълум бўлса, Ойда вимпеллининг тортишиш кучи қанча марта кам бўлади? [38, № 317].

Жавоби. 5,6 марта.

2. Эластиклик кучлари

Бу бўлимда ўқувчилар жисмларнинг деформацияланишида ҳосил бўладиган эластиклик кучлари ҳақида умумий тасаввур ҳосил қиласдилар. Шу муносабат билан қаттиқ жисмларнинг, газлар ва суюқликларнинг сиқилиншида пайдо бўладиган кучлар ҳақида сифатга оид масалалар ечадилар. Қаттиқ жисмлар учун чўзилиш ёки сиқилиш катталиги намунага қўйилган кучга боғлиқ эканлиги ўрганилади (Гук қонуни). VII синфда Гук қонунини $F = -kx$ кўринишда ёзиш ва фойдаланиш мақсаддага мувофиқ. Гук қонунини IX синфда турли хил деформацияларни ўрганишда ва механик кучланиш тўгрисида тушунча

387. Бутун олам тортишиш қонуни текшириладиган бир тажрибавий қурилмада (86- расм) массаси 5 кг бўлган қўрғошни шар ва массаси 10 г бўлган шарча орасидаги тортишиш кучи 7 см масофада $6,13 \cdot 10^{-5}$ динага тенг бўлган. Бу берилганларга асосан гравитацион доимийнинг қиймати нимага тенг? (22, № 484).

$$\text{Жавоби. } \gamma = 6 \cdot 10^{-8} \frac{\text{см}^3}{\text{г} \cdot \text{сек}^2}.$$

388. Бутун олам тортишиш қонунидан фойдаланиб, қўйидагиларни аниқланг: а) Ернинг массасини; б) Ер сиртида эркин түшнүү тезланишини.

олғанда (25,3- боб), шунингдек, X синфда эластик тебранишларни ўрганишда (30,3- боб) батафсил ўрганилади.

Масалалар ецишда эластиклик күчларининг табнатини түшнитириш учун ўқувчиларнинг мөддаларнинг молекуляр тузилиши ҳамда Ньютоннинг учинчи қонуни ҳақидаги билимларидан фойдаланиш керак.

390. Ҳаво босими ёрдамида отадиган қурол ва ёй үқини қандай күчлар ҳаракатта көлтиради? Бу күчларниң келиб чиқиш сабаби қандай?

391 (ә). Резинка иш ва катталиклари тенг бўлган юкчалар (тангалар)дан фойдаланиб, резинканинг чўзилишини таъсир қиласётган кучга қандай боғлиқ эканини аниқланг.

392 (ә). Тажрибада лаборатория ишларида ишлатиладиган динамометр пружинасининг қаттиқлигини аниқланг.

391 ва 392- масалалар бутун синф учун фронтал эксперимент сифатида берилиши мумкин.

393. Бикирлиги $k = 1000 \text{ н/м}$ бўлган пружинани 10 см чўзиш учун унга қандай юк осиш керак?

Ечилиши. $F = -kx; P = -F = 1000 \frac{\text{н}}{\text{м}} \cdot 0,1 \text{ м} = 100 \text{ н.}$

394. Юк автомобили массаси $m = 2,0 \text{ т}$ бўлган „Волга“ енгил машинаси тортиб, текис тезланувчан ҳаракат билан 50 секундда 400 м йўл юрди. Агар автомобилларни уловчи тросининг қаттиқлиги $k = 2,0 \cdot 10^4 \frac{\text{н}}{\text{м}}$ бўлса, бу ҳаракатда трос қанчага чўзилган? Ишқаланиши ҳисобга олманг.

Ечилиши. $F = -kx$. Абсолют катталиги жиҳатидан $x = \frac{F}{k}$. Тросининг эластиклик кучи „Волга“га тезланиш беради, шунинг учун $F = ma; s = \frac{at^2}{2}$ бўлгани учун $a = \frac{2s}{t^2}$. Бинобарин, $x = \frac{2ms}{kt^2}$.

$$x = \frac{2000 \text{ кг} \cdot 2 \cdot 400 \text{ м}}{2,0 \cdot 10^4 \frac{\text{н}}{\text{м}} \cdot 50 \cdot 50 \text{ сек}^2} = 1,6 \cdot 10^{-3} \text{ м} = 1,6 \text{ мм.}$$

3. Ишқаланиш күчлари

VIII синфда ўқувчилар қуруқ ишқаланиш күчлари ҳамда суюқлик ва газсимон муҳитдаги ишқаланиш күчлари ҳақида тушунча оладилар. Қуруқ ишқаланиш сирланиш ишқаланиши ва думалаш ишқаланишига бўлинади. Сирпапиш ишқаланишига ишқаланувчи сиртларнинг ғадир-будурлиги ва бу сиртларнинг тегишиб турган жойларидаги молекуляр ўзаро таъсир күчлари сабаб бўлади. Думалаш ишқаланишининг асосий сабаби таянч билан думалаётган жисмнинг деформацияланиши бўлиб, бундай деформацияланиш натижасида жисм гўё ўз олдида пайдо

бўлаётган дўнглилга кўтарилаётгандай бўлади. Жисм ва таянч қанча қаттиқ бўлса, уларниң деформацияси шунча кам ва демак, думалаш ишқаланиши ҳам шунча кам бўлади.

Ишқаланиш кучлари, шунингдек, тинчликдаги ишқаланиш ва сирпаниш ишқаланиши кучларига бўлинади. Тинчликдаги ишқаланиш кучи нолдан, сон жиҳатидан жисмни ҳаракатга келтирган тортиш кучига тенг бўлган бирор максимал катталиkkача ҳар қандай қийматга эга бўлиши мумкин. Ана шу максимал қийматни одатда тинчликдаги ишқаланиш кучининг катталиги учун қабул қилинади. Сирпаниш ишқаланишига доир масалалар ечганда тажриба йўли билан-аниқланган қўйидаги тахминий қонуниятларга амал қилинади.

1. Тинчликдаги ишқаланиш сирпаниш ишқаланишидан катта. Бироқ, баъзи ҳолларда, масалан, метал жисмларинг силлиқланган сиртга ишқаланишида сирпаниш ишқаланиши тахминан тинчликдаги ишқаланиш кучининг чегаравий қийматига тенг бўлиши мумкин.

2. Тинчликдаги ишқаланиш кучи ва $F_{\text{ишк}}$ сирпаниш ишқаланиши кучи F_u босим кучига пропорционал, $F_{\text{ишк}} = kF_u$, бу ерда k — фақат ишқаланиш турига ва ишқалапувчи сиртларга боғлиқ бўлган доимий катталик ҳисобланади. (Қатъий қилиб айтганда k яна бошқа факторларга, масалан, босим, темпера-тура, тезлик ва ҳоказоларга ҳам боғлиқ.)

3. Ишқаланиш коэффициенти ишқаланувчи сиртларнинг катталигига боғлиқ бўлмайди (бу тасдиқ ишқаланиш коэффициентининг босимга боғлиқлигини назарга олмаган ҳоллар учун ўринлидир).

4. Сирпаниш ишқаланиши кучи, демак, сирпаниш ишқаланиши коэффициенти тезлик ортиши билан камаяди, бунга ишқаланувчи сиртларнинг ғадир-будурликлардан „сакраши“ ва катта тезликда уларниң камроқ илашиши сабаб бўлади.

5. Думалаш ишқаланиши кучлари сирпаниш ишқаланиши кучларидан анча кам бўлади (унча қаттиқ бўлмаган жисмлар учун бу муносабат тескари бўлиши ҳам мумкин).

Суюқ ишқаланиш ёки қозушоқ ишқаланиш молекуляр тутиши кучлари, шунингдек, молекулаларнинг суюқлик ёки газнинг бир қатламдан тезлиги бошқача бўлган иккиси чи қатламга ўтганида ўзаро ҳаракат миқдорларицинг алмашинишидан юзага келади. Молекулалар орасида ўзаро ҳаракат миқдорларнинг алмашиниши газлардаги ички ишқаланишда айниқса катта роль ўйнайди.

Ўқувчиларнинг VI синфда олган билимларидан фойдаланиб, дастлаб 5,7- бобдаги келтирилган масалаларга ўхшаш сифатга оид масалалар ечилади. Сўнгра ишқаланиш коэффициентидан фойдаланиб ечиладиган масалаларга шунингдек, суюқликлардаги ва газлардаги ишқаланишга доир масалаларга асосий эътибор берилади.

VIII синф ўқувчилари учун янги бўлган бу масалаларнинг хиллари қўйида берилган.

395 (э). Столга бруск қўйинг ва аста-секин тортиш кучини кўпайтириб, уни динамометр ёрдамида ўлчант. Тажриба вақтида тортиш кучи қандай ўзгаради?

396 (э). Ишқаланиш кучинин жисм оғирлигига боғлиқ бўлишига доир тажриба ўйланг ва уни қилиб кўринг.

397 (э). Брускни унинг кичик ёги ва катта ёғи билан текисликда сурилганда ишқаланиш кучи бир хил бўладими? Жавобингизни тажрибада текширинг.

398. Чаналарнинг ёғоч сирпангичларининг қорга ишқаланиш коэффициенти 0,035 га тенг. Умумий оғирлиги 350 кгк бўлган юкли чанани горизонтал йўлда текис тортаётган от чанага қанча куч қўйган бўлади? [34, № 477].

399 (э). Штатив туткичига металли цилиндрни маҳкам ўрнатинг ва у орқали учига тарози тоши осилган сим ўтказиб (87-расм), ишқаланиш кучини ўлчанг. Ҳудди шундай диаметрдаги резинка пўкак билан тажрибани такрорланг ва ишқаланиш кучининг ишқаланаётган сиртлар хилига боғлиқлиги ҳақида ху-лоса чиқаринг.


400. Нима учун пўлат ўқ подшипникларининг втулкаларини кўпинча мисдан ёки алоҳида қотишма — баббитдан қилинади?

401*. Ўқувчи массаси 132 т ва ҳамма фидираклари етакловчи бўлган электровоз йўлнинг горизонтал қисмида 2000 тлик составни торта оладими деган масалани ечаётиб, у электровоз составдан ёнгил ва шунинг учун $F_{\text{ишк}} = kF_n$ формулагага кўра у составни жойдан қўзғата олмайди деб жавоб берди. Ўқувчининг жавоби тўғрими?

Ечилиши. Электровознинг тортиш кучини $F_3 = k_1 P_1$ формуладан аниқланади, бу ерда $k_1 = 0,20 \div 0,22$ — тутиниш коэффициенти бўлиб, тинчликдаги электровоз фидиракларининг рельсга ишқаланиш коэффициентига мос келади. P_1 эса тутиниш оғирлиги, яъни электровознинг етакловчи фидиракларига тушувчи оғирлик. P_2 оғирликдаги составнинг ишқаланиш кучи эса $F_{\text{ишк}} = k_2 P_2$ формуладан аниқланади, бу ерда k_2 — думалаш ишқаланиши коэффициенти, $k_2 \approx 0,005$, $F_3 = 2,6 \cdot 10^5$ н, $F_{\text{ишк}} = 10^5$ н. Электровоз составни торта олади.

402*. Дарсда ишқаланиш фойдалими ёки зарарлими деган саволга ўқувчи: „Локомотив фидираклари учун ишқаланиш фойдали, состав фидираклари учун эса зарарли“, — деб жавоб берди. Ўқувчи жавоб берадётганда қандай хатога йўл қўйди?

Жавоби. Етакловчи фидиракларга поездни ҳаракатлан-



87- расм.

тирувчи тинчликдаги ишқаланиши (сирпаниш ишқаланиши) кучи ва ҳаракатга тұсқынлик қилувчи думалаш ишқаланиши кучи таъсир қиласы. Таянч ғилдиракларига эса фақат думалаш ишқаланиши кучи таъсир қиласы. Бинобарин, локомотив ғилдираклари учун тинчликдаги ишқаланиш фойдалы, думалаш ишқаланиши эса зааралидір.

403. Дарёнинг тубида оқим кучлами ёки дарёнинг юзида ми? Нима учун?

404. Нима учун жуда күчсиз шамол океандаги улкан айсбергларни ҳаракатлантиради-ю, бироқ қирғоқдаги муз парчасыни фақат довулгина жойидан құзғатади?

Жағоби. Суюқлик ва газда тинчликдаги ишқаланиш йўқ, шунинг учун озгина куч ҳам жисмни ҳаракатта келтириши мумкин, қуруқ ишқаланишда эса бундай эмас.

405. Нима учун кузови материал билан ёпилган енгил машина-нинг тезлиги силлиқланган металл кузовли машина-нинг тезлигидан кам бўлади?

Жағоби. Материалдан қилинган кузовга ҳавонинг ишқаланиш кучи силлиқланган металлга ишқаланиш кучидан кўп бўлади.

19- Б О Б

ЖИСМЛАРНИНГ МУВОЗАНАТИ (СТАТИКА)

Бу темада ўқувчиларга кучларни қўшиш ва ажратиш ма-лакаларини ҳосил қилишга ёрдам берадиган, сўнгра жисмлар-нинг айланиш бўлмаган ҳолдаги мувозанатига ва ўқ атрофида айлана оладиган жисмларнинг мувозанатига доир масалалар ечилади. Жумладан оғирлик кучи таъсиридаги жисмларнинг мувозанатига доир масалалар ҳам ечилади.

1. Кучларни қўшиш ва ажратиш

Ўқувчиларнинг VI синфда олгаи билимларига таяниб, аввал бир тўғри чизиқ бўйлаб таъсир қилувчи кучларни қўшишга доир масалалар (5,4- боб) ечилади. Сўнгра асосий эътиборни бурчак остида йўналган кучларни қўшишига доир масалалар ечишга қаратилади. Бунда гарчи кучларни қўшишга доир амаллар муҳим бўлса-да, уни жисмларнинг мувозанатда ёки нисбий тинчликда бўлиш шартларини аниқлаш воситаси деб қараш керак. Кучларни ажратишга доир усуулларни ўрганиши ҳам ана шу мақсадга қаратилган. Ньютоннинг биринчи ва иккинчи қонунларига кўра моддий нуқта мувозанатда бўлиши

учун унга қўйилган барча кучларниң геометрик йиғиндиси нолга тенг бўлиши керак:


$$\sum \vec{F} = 0. \quad (1)$$

Бу тенгламани, шунингдек, $\vec{F}_1 + \vec{F}_2 + \dots + \vec{F}_{k-1} + \vec{F}_{k+1} + \vec{F}_n = \vec{F}_k$ (2) кўрнишда ёзиш мумкин, бу ерда \vec{F}_k — (1) тенгламадаги кучлардан бири. Яъни моддий нуқтага қўйилган кучлардан бирори қолган кучларниң мувозанатловчиси деб қарашиб мумкин.


VIII синфда кўпинча икки ёки уч кучнинг, яъни бир текисликда ётувчи кучларниң мувозанати қаралади. Масалалар ечишининг умумий усули шундан иборатки, бунида жисемга (моддий нуқтага) қўйилган кучларниң ҳаммаси кўрсатилиди ва сўнгра уларни қўшиш ёки ажратиш йўли билан изланётган катталиклар топилади. Тажрибанинг кўрсатишича, ўқувчилар кучларни ажратиш усулида кўпинча қийналадилар. Шунинг учун ўқувчиларга кучни бир қийматли икки ташкил этувчига ажратиш учун ёки тенг таъсир этувчи кучнинг катталиги ҳамда икки ташкил этувчи кучнинг йўналишини билиш ёки тенг таъсир этувчи кучнинг катталигини ва ташкил этувчи кучлардан бирининг йўналиши ва катталигини билиш зарурлиги ҳақида уқтириш керак.

Трос ($\# 22$ га қаранг), кронштейн ва қия текисликдаги моддий нуқтанинг мувозанатига доир масалалар типик масалалар ҳисобланади. Бу масалаларни ўқувчилар ҳам график, ҳам аналитик еча билишлари керак.

406 (з). Блоклар орқали учларига юклар осилган арқон ўтказинг ва унинг ўртасига тарози тошини осинг (88- расм). Тошлиарниң осилиш нуқтасига таъсир қилувчи кучларниң тенг таъсир этувчисининг бир қанча қийматларини график ра-



88- расм.



89- расм.


Ечилиши. Масаланинг шартига кўра катерга таъсир қилувчи F_1 , F_2 ва F_3 кучларни кўрсатган ҳолда 89- расмда тасвирланган чизмани чизамиз.

Мувозанатловчи куч сифатида изланаётган F_3 кучни қараш мақсадга мувофиқдир, бу куч катталик жиҳатидан F_1 ва F_2 кучларнинг тенг таъсирини этувчи F га тенг:

$$F_3 = F = \sqrt{F_1^2 + F_2^2} = 500 \text{ н.}$$

408. AC стержень ва BC тросга (90- расм) таъсир қилувчи кучларни топинг. $AC = 2\text{м}$, $AB = 1,5 \text{ м}$. Юкнинг оғирлиги $P = 300 \text{ н.}$ Стерженинг оғирлигини ҳисобга олманг.

Ечилиши. 1- усул. С нуқтага юкнинг P оғирлиги таъсир қиласди. Натижада AC стержень қисилади ва C нуқтага F , куч билан таъсир қиласди. BC трос чўзилади, шунинг учун C нуқтага F_2 куч билан таъсир қиласди. F_1 ва F_2 кучларнинг тенг таъсирини этувчи F га тенг бўлган F векторни қўямиз ва уни AC ва BC йўналишлар бўйича ташкил этувчиларга ажратамиз. ABC , CNH , CMN учбурчакларнинг ўхшашлигидан



90- расм.

вишда толинг. Тенг таъсир этувчи кучни мувозанатловчи куч билан солиштиринг ва унинг ташкил этувчи кучлар орасидаги бурчаклар ўзгарганда қандай ўзгаришини аниқланг.

407. Пристанга боғлаб қўйилган катерга сувнинг $F_2 = 400 \text{ н}$ оқим кучи ва шамолнинг оқим йўналишига перпендикуляр бўлган $F_1 = 300 \text{ н}$ босим кучи таъсир қиласди. Катерни ушлаб турган трос қандай F_3 куч билан тарангланган?

$$\frac{F}{F_1} = \frac{AB}{AC}, F_1 = \frac{F \cdot AC}{AB} = \\ = \frac{300 \text{ н} \cdot 2\text{м}}{1,5 \text{ м}} = 400 \text{ н.}$$

$$F_2 = \sqrt{F^2 + F_1^2} = 500 \text{ н.}$$

Изланаётган күчлар катталиқ жиҳатидан F_1 ва F_2 күчларға тенг, йұналиш жиҳатидан уларға қарама-қарши ва мос ҳолда стерженъ ва троғса қўйилған.

2-усул. Жисмнинг P оғирлигии F_1 ва F_2 иккى ташкил этувчига ажратамиз (91-расм) ва учурчакларнинг ўхшашилигидан, 1-усулдаги сингари изланаётган F_1 ва F_2 күчларци топамиз.

Бу ечиш усулининг физикавий нұқтаи назардан камчилиги шундаки, C нұқтанинг мувозанат шарти асосланмайды. Бунда нима учун C нұқтага F күч таъсир қиласа ҳам унинг мувозанатда қолиши тушунирилмайды. Биринчи усулининг методик жиҳатдан афзаллиги шундаки, бунда ўқувчилар масалалар ечишининг статикада ҳам, динамикада ҳам қўллаш мумкин бўлган умумий усусларидан бири билан танишадилар.


Бироқ иккинчи усулдан ҳам воз кечмаслик керак. Бундан ўқувчилар умумий ечиш усулини яхши ўзлаштирганиларидан ва ясашларнинг 91-расмда берилганиларга ўхаш маълум даражада шартли эканлигини тушуниб етганларидан кейин фойдаланиш мумкин.

Кронштейнга тегишли масалалар, айниқса экспериментал масалаларни ечишда қўйидагиларни назарда тутиш керак. Кронштейнда ҳамма стерженлар шарнирли боғланган ва шнурлар (арқонлар) эса бирлашиш жойларида сирпаймасликлари керак. Агар AC стерженъ деворга маҳкамлаб киритилгандан бўлса, у ҳолда ҳамма ҳолларда троғсинг тарангланиши юкнинг оғирлигига тенг бўлади. Агар троғ C нұқтага маҳкамланган бўлса, у ҳолда AC стерженъ фақат сиқилмасдан, шу билан бирга әгилади ҳам. Бу ҳолда троғни чўзувчи кучни бундай ҳисоблаш потўғри бўлади.


Кронштейнга тегишли масалаларни ечишда намойиш қилинадиган модель К. В. Любимов томонидан баён қилинган (79).

409. Автомашина тахталар бўйлаб $m = 100 \text{ кг}$ массали бочкани текис думалатиб чиқариш учун қандай F_m тортиш кучи қўйиш керак? Автомашина бортининг баландлиги $h = 1,2 \text{ м}$, тахталарнинг узуилиги $l = 4,8 \text{ м}$. Бочканинг тахталарга босим кучи F_n қандай? Ишқаланишни ҳисобга олманг.

Ечилиши. 1-усул. Қия текислик ва бочкага таъсир



91-расм.



92- расм.

торниг охиридан MN билан кесишгунча түғри чизиқ ўтказамиз. Кесишиш нүктаси D бу ерда F_n ва F күчләрниң тенг таъсири этувчиси F_1 векторниг охири бўлади ($ED \perp MN$). D нүктадан F векторга параллел қилиб $M'N'$ билан кесишгунча гўғри чизиқ ўтказамиз. Түғри чизиқларниң H кесишиш нүктаси F_n векторниг охири бўлади. F_t вектор F_1 векторга катталиги жиҳатидан тенг ва йўналиши жиҳатидан қарама-қарши. ABC ва DOE учбуурчакларниң ўхшашлигидан $\frac{DO}{OE} = \frac{BC}{AB}$ ёки $\frac{F_1}{F} = \frac{h}{l}$ эканлиги келиб чиқади, бундан

$$F_m = F_1 = \frac{Fh}{l} = \frac{1000 \text{ н} \cdot 1,2 \text{ м}}{4,8 \text{ м}} = 250 \text{ н.}$$

$$F_n = \sqrt{F^2 - F_1^2} \approx 970 \text{ н.}$$

Бочканинг изланаётгай босим кучи катталик жиҳатидан F_n га тенг ва йўналиши жиҳатидан қарама-қарши.

2- усул. \vec{F} вектории F_1 ва F_2 ташкил этувчиларга ажратамиз (128- расм) ва ABC ва OEK учбуурчакларниң ўхшашлигидан фойдаланиб, F_n ва F_m ларни топамиз.

410 (э). 409- масаланинг шарти ва ечилишидан қия текисликнинг қиялилк бурчаги α ортиши билан F_m тортиш кучи ва F_n босим кучи қандай ўзгаришини аниқланг. Холоссангизни тажрибада текширинг.

Ечилиши. $F_m = F \cdot \frac{h}{l}$, ёки $F_m = F \cdot \sin \alpha$.


$$F_n = \sqrt{F^2 - F_m^2}, \text{ ёки } F_n = F \cos \alpha.$$

α ортиши билан F_m ортади, F_n эса камаяди.


қилувчи кучларни тасвирлаймиз (92- расм). Шартга кўра фақат битта оғирлик кучи $F = mg$ берилган. Бу куч настга қараб йўналган. Бочкага, шунишгдек, AB га параллел F_m тортиш кучи ва таянчнинг AB га перпендикуляр реакция кучи F таъсири қиласи. F_m кучни F_n ва F күчларниг мувозанатловчи кучи деб оламиз. F_m ва F_n векторларни ясаш учун O нүкта орқали $MN \parallel AB$ ва $M'N' \perp AB$ түғри чизиқларни ўтказамиз. F векторниг охиридан MN билан кесишгунча түғри чизиқ ўтказамиз. Кесишиш нүктаси D бу ерда F_n ва F күчләрниң тенг таъсири этувчиси F_1 векторниг охири бўлади ($ED \perp MN$). D нүктадан F векторга параллел қилиб $M'N'$ билан кесишгунча гўғри чизиқ ўтказамиз. Түғри чизиқларниң H кесишиш нүктаси F_n векторниг охири бўлади. F_t вектор F_1 векторга катталиги жиҳатидан тенг ва йўналиши жиҳатидан қарама-қарши. ABC ва DOE учбуурчакларниң ўхшашлигидан $\frac{DO}{OE} = \frac{BC}{AB}$ ёки $\frac{F_1}{F} = \frac{h}{l}$ эканлиги келиб чиқади, бундан

қилувчи кучларни тасвирлаймиз (92- расм). Шартга кўра фақат битта оғирлик кучи $F = mg$ берилган. Бу куч настга қараб йўналган. Бочкага, шунишгдек, AB га параллел F_m тортиш кучи ва таянчнинг AB га перпендикуляр реакция кучи F таъсири қиласи. F_m кучни F_n ва F күчларниг мувозанатловчи кучи деб оламиз. F_m ва F_n векторларни ясаш учун O нүкта орқали $MN \parallel AB$ ва $M'N' \perp AB$ түғри чизиқларни ўтказамиз. F векторниг охиридан MN билан кесишгунча түғри чизиқ ўтказамиз. Кесишиш нүктаси D бу ерда F_n ва F күчләрниң тенг таъсири этувчиси F_1 векторниг охири бўлади ($ED \perp MN$). D нүктадан F векторга параллел қилиб $M'N'$ билан кесишгунча гўғри чизиқ ўтказамиз. Түғри чизиқларниң H кесишиш нүктаси F_n векторниг охири бўлади. F_t вектор F_1 векторга катталиги жиҳатидан тенг ва йўналиши жиҳатидан қарама-қарши. ABC ва DOE учбуурчакларниң ўхшашлигидан $\frac{DO}{OE} = \frac{BC}{AB}$ ёки $\frac{F_1}{F} = \frac{h}{l}$ эканлиги келиб чиқади, бундан

қилувчи кучларни тасвирлаймиз (92- расм). Шартга кўра фақат битта оғирлик кучи $F = mg$ берилган. Бу куч настга қараб йўналган. Бочкага, шунишгдек, AB га параллел F_m тортиш кучи ва таянчнинг AB га перпендикуляр реакция кучи F таъсири қиласи. F_m кучни F_n ва F күчларниг мувозанатловчи кучи деб оламиз. F_m ва F_n векторларни ясаш учун O нүкта орқали $MN \parallel AB$ ва $M'N' \perp AB$ түғри чизиқларни ўтказамиз. F векторниг охиридан MN билан кесишгунча түғри чизиқ ўтказамиз. Кесишиш нүктаси D бу ерда F_n ва F күчләрниң тенг таъсири этувчиси F_1 векторниг охири бўлади ($ED \perp MN$). D нүктадан F векторга параллел қилиб $M'N'$ билан кесишгунча гўғри чизиқ ўтказамиз. Түғри чизиқларниң H кесишиш нүктаси F_n векторниг охири бўлади. F_t вектор F_1 векторга катталиги жиҳатидан тенг ва йўналиши жиҳатидан қарама-қарши. ABC ва DOE учбуурчакларниң ўхшашлигидан $\frac{DO}{OE} = \frac{BC}{AB}$ ёки $\frac{F_1}{F} = \frac{h}{l}$ эканлиги келиб чиқади, бундан



93- расм.



94- расм.

Тажриба ўтказиш варианти 93- расмда кўрсатилган. *a* динамометр тортиш кучини, *b* эса босим кучини кўрсатади.

411. Аэростатга горизонтал йўналишда 1000 н куч билан шамол таъсир қилмоқда. Троснинг таранглиги 2000 н. Трос вертикальдан қандай бурчакка оғган ва шамол бўлмаганда унинг таранглиги қандай бўлади?

Ечилиши, 1- усул. Чизма чизамиз (94- расм). Аэростатнинг *O* нуқтасига шамолнинг кучи F_1 , кўтариш кучи F_2 ва троснинг таранглик кучи F_3 таъсир қиласди. F_3 кучни F_1 ва F_2 кучларнинг мувозанатловчи кучи деб ҳисоблаймиз. У ҳолда уларнинг тенг таъсир этувчи кучи $F_3 = -F_1 = 2000$ н бўлади.

Изланётган куч $F_2 = \sqrt{F_3^2 - F_1^2} \approx 1700$ н.


2- усул. Мувозанатловчи кучни F_3 деб ҳисоблаймиз. Катталик жиҳатдан бу куч F_1 ва F_3 кучларнинг тенг таъсир этувчиси F_2' та тенг.

$$F_2' = \sqrt{F_3^2 - F_1^2} \approx 1700 \text{ н.}$$


$$\sin \alpha = \frac{F_1}{F_3} = 0,5; \alpha = 30^\circ.$$

F_1 кучни ҳам мувозанатловчи куч деб ҳисоблаш мумкин. У ҳолда F_2 ва F_3 кучларнинг тенг таъсир этувчисини топиш керак бўлади.

412 (Э). Қия текисликнинг горизонтга жисм текис ҳаракат билан пастга сирпана бошлидиган бурчаги α чегаравий бурчак деб аталади. 95- расмда кўрсатилган асбоб ёки транспортирли тахтадан фойдаланиб, сирти турлича силлиқланган жисмлар учун чегаравий бурчакни аниqlанг ва бу бурчакка кўра ишқаланиш коэффициентини топинг.



95- расм.



96- расм.

Е ч и лиши. Ишқаланиш күчи $F_{шк} = -F_1$; $F_{шк} = kF_2$; $F_1 = F \sin \alpha$; $F_2 = F \cos \alpha$; $k = \operatorname{tg} \alpha$, яъни ишқаланиши коэффициенти чегаравий бурчак тангенсига тенг.

413. 96- расмда тасвиirlанған газмолдан қилинған транспортер үзір уруғларини турли аралашмалардан тозалайды. Юқорига ҳаракатланадыган лентага аралашмали зигир уруғи түкилади ва бунда зигир уруғлари пастга, аралашмалар юқорига қараб ҳаракатланади. Нима учун? Бу транспортердә уруғларни аралашмалардан 0,60 ва 0,80 ишқаланиш коэффициенти билан ажратиш учун транспортер лентасини қандай бурчак остида күйини керак? (21, № 239).

Е ч и лиши. $\operatorname{tg} \alpha_1 = 0,60$; $\alpha_1 = 32^\circ$; $\operatorname{tg} \alpha_2 = 0,80$; $\alpha_2 = 39^\circ$; $\alpha_{yp} \approx 35^\circ$.

2. Қуч моменти. Айланиш ўқига эга бўлган жисмларнинг мувозанати

Айланиш ўқига эга бўлган жисмларнинг мувозанати ҳақидаги биринчи турушунча ўқувчиларга VI синфда ричаглар, чигир ва блоклар мувозанати мисолида берилган эди. 7- бобда айтиб ўтилганидек, бу хил масалаларни VI синфда $\frac{F_1}{F_2} = \frac{l_2}{l_1}$ пропорция ёрдамида ечилади. VIII синфда ўқувчилар билан тақрорлаш сифатида 7- бобнинг 3,4 параграфларидағи масалаларга ўхшаш масалаларни ечиб, бу билимлардан фойдаланиш керак. Иккита параллел кучлар қўйилган жисмларнинг мувозаати ҳақидаги масалалар мисолида бир томонга йўналган параллел кучларни қўшиш тушунчаси мустаҳкамланади. Шундан сўнг жисмга бир неча кучлар таъсир қилаётган мурakkаброқ масалаларни ечишга ўтилади. Натижада ўқувчиларни қўйидаги, яъни қаттиқ жисм мувозанатда бўлиши учун унга таъсир қилувчи барча кучларнинг натижаловчиси ва барча кучлар моментларининг йигиндиси нолга тенг бўлиши

керак деган умумий қоидани тушуниш дара-
жасига етказиш керак:

$$\sum \vec{F} = 0; \sum \vec{M} = 0.$$

Бу тенглик ҳар қандай нүктага нисбатан ҳам
үрнелидир.

VIII синфда қуйидаги масалалар, яғни шар-
тида жисемга таъсир қилувчи кучлар битта
текисликда ётади деган масалалар ечилади.
Ясси система учун куч векторининг тенглиги
 $\sum F = 0$ ни икки скаляр тенглик $\sum F_x = 0$ ва
 $\sum F_y = 0$ билан алмаштириш мумкин, бунда
жисемга таъсир қилувчи кучлар танланган x
ва y ўқуларга проекцияланади.

Худди шундай йўл билан куч моментла-
рининг вектор йигиндисини скаляр тенглама-
лар билан алмаштириш мумкин. Бироқ VIII
синфда куч моментининг вектор катталик
эканлиги ҳақидаги тушунча киритилмайди ва шунинг учун
масалалар ечишда бирданига $\sum M = 0$ скаляр тенглама тузи-
лади, бунда жисемни соат стрелкаси йўналишида айлантирувчи
куч моментларини мусбат, қарама-қарши йўналишида айланти-
рувчи куч моментларини эса манфиј деб олинади.

414. Оғирлиги 1400 н бўлган балка иккита сим арқонга
осилган (97- расм). Агар $AC = 3 \text{ м}$ ва $CB = 1 \text{ м}$ бўлса, бу
арқонларининг таранглапиши кучини аниқланг (22, №- 314).

Ечилиши. 1- усул. Чизмада балкага таъсир қилувчи
барча кучларни: оғирлик кучи F ва арқонларининг таранглик
кучи F_1 ҳамда F_2 ларни кўрсатамиз. F куч F_1 ва F_2 кучлар-
нинг мувозанатловчи кучи бўлади. Демак, F_1 ва F_2 параллел
куchlарнинг тенг таъсир этувчиси С нүктага қўйилгани ва юқо-
рига йўналган бўлиши керак. Параллел кучларни қўшиш
қоидасига кўра $F = F_1 + F_2 = 1400 \text{ н}$, $\frac{F_1}{F_2} = \frac{CB}{AC} \cdot F_1 = 1400 \text{ н} - F_2$


бўлгани учун $\frac{1400 \text{ н} - F_2}{F_2} = \frac{1}{3}$ бўлади. Бундан $F_2 =$
 $= 1050 \text{ н}$, $F_1 = 350 \text{ н}$.

2- усул. Балка мувозанатда бўлгани учун $\sum \vec{F} = 0$ ва
 $\sum M = 0$,


$$\vec{F}_1 + \vec{F}_2 + \vec{F} = 0.$$

Кучлар бир текисликда ётгани ва параллел бўлгани учун
векторларни вертикаль йўналишга проекциялаб тенгламани
скаляр шаклда ёзамиш:

$$F_1 + F_2 - F = 0.$$



97- расм.



98- расм.

Энди, масалан, кучларнинг A нуқтага нисбатан моментлари йигиндисини топамиз, $F \cdot AC - F_2 \cdot AB = 0$. Формулага катталикларнинг сон қийматларини қўйиб, $F_1 = 350 \text{ н}$ ва $F_2 = 1050 \text{ н}$ эканини топамиз.

Агар моментлар тенгламасини $C(F \cdot AC - F_2 \cdot CB = 0)$ нуқтага нисбатан ёки бирор бошқа нуқтага нисбатан ёзсан ҳам шундай натижа келиб чиқади.

415 (э). 98- расмда кўрсатилган ричагга қўйилган бир юкнинг оғирлиги 1 н , чизгичнинг оғирлиги 2 н бўлса, ричагнинг ўнг учига қўйилган кучни ва таянчнинг босим кучини аниқланг.

Ечилиши. Бўлимлари $0,1 \text{ м}$ дан бўлган демонстрация ричаги ва механикада ишлатиладиган юклар тўпламидан фойдаланиб, демонстрацион столда қурилма йиғилади. Ўқувчилар қурилманинг расмини чизиб, ричагга таъсир қилувчи кучларни белгилайдилар.


Ричагининг мувозанат шартига кўра $\sum \vec{F} = 0$ ва $\sum M = 0$. Дастреб ричагни O нуқтага нисбатан соат стрелкаси йўналишида айлантирувчи кучларнинг моментларини плюс ишора билан, соат стрелкасига тескари айлантирувчи кучларнинг моментларини эса минус ишора билан ёзамиз. Бунда таянчнинг босим кучлари F_1 ва чизгичнинг оғирлик кучи F нинг моментлари нолга тенг эканини назарга оламиз:

$$F_3 l_3 + F_4 l_4 + F_5 l_5 - F_1 l_1 - F_2 l_2 - F_6 l_6 = 0.$$

$$1 \text{ н} \cdot 0,1 \text{ м} + 2 \text{ н} \cdot 0,3 \text{ м} + 3 \text{ н} \cdot 0,4 \text{ м} - 1 \text{ н} \cdot 0,3 \text{ м} - 3 \text{ н} \cdot 0,2 \text{ м} - F_6 \cdot 0,5 \text{ м} = 0.$$

Бундан $F_6 = 2 \text{ н}$.

Экранни олиб, олинган жавобнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Юқорига йўналган кучларни мусбат, пастрга



99- расм.

йўналган кучларни манфий деб ҳисоблаб, биринчи тенгламани скаляр шаклда ёзамиш:

$$F_7 + F_6 - F_1 - F_2 - F_3 - F_4 - F_5 = 0; F_7 = 10 \text{ н.}$$

Ричагни O нуқтадан динамометрга осиб, $F_7 = 10 \text{ н}$ эканига ишонч ҳосил қиласиз.


416*. Ўили тарозиларнинг тузилиши ва ишлашини тушунтириб беринг (99- расм).

Ечилиши. Масалан, 20 н юкни EF платформанинг ўртасига жойлаштирганда F таянч нуқтасига 10 н куч таъсир қиласиди. Бу куч G ва H нуқталар орасида тақсимланади. $GH : FH = 5 : 1$ бўлгани учун G ва D нуқталарга 2 н куч таъсир қиласиди. Агар ричагдаги бир бўлимга тенг бўлган AD масофани бирлик учун қабул қиласак, у ҳолда шайиннинг ўнг елкасига таъсир қилувчи кучлар моментларининг йиғиндиси $M = 1 \cdot 10 + 5 \cdot 2 = 20$ бирликка тенг бўлади.

AB елканинг узунлиги 10 бўлимга тенг бўлгани учун, шайиннинг чап елкасида 20 бирликка тенг моментни 2 н куч ҳосил қиласиди, яъни тошларнинг оғирлиги тортилаётган юқдан 10 марта енгил бўлади.

3. Оғирлик маркази. Мувозанат турлари. Жисмларнинг турғунлиги

VIII синфда оғирлик маркази тажрибада, геометрик йўл билан ёки аналитик йўл билан топиладиган масалалар ечилади. Ўқувчиларга масалаларни бир неча усул билан счиш мумкинлигини кўрсатиш учун бир қатор масалаларни ечиш фойдалидир. Оғирлик маркази ҳақидаги тушунчадан мувозанат турлари ва жисмларнинг турғунлиги ҳақидаги масалаларни ечишда фойдаланилади. Таянч юзига эга бўлган жисмнинг турғунлигини аниқлашда оғирлик марказидан туширилган шоқулнинг ҳолати ҳақидаги қоидадан фойдаланилади. Бу қоидани айланиш ўқига эга бўлган жисмнинг мувозанати ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиб асослаш керак.



419 (ә). Спицалар ва иплар ёрдамида бир дона картошқа ёки лавлагининг оғирлик марказини аниқланг.

Ечилиши. Картошкани уч-түрт марта турли жойидан осилади ва ҳар гал ип йўналишида спица санчиги қўйилади. Картошкани кесиб, спицалар санчилган чизиқларнинг бир нуқтада — оғирлик марказида кесишгани аниқланилади.

420 (ә). Мис тангалар ёрдамида чизгичнинг оғирлигини аниқлаанг.


Ечилиши. Чизгичнинг учига тангалар қўйилиб, $100 = a$ расмда кўрсатилганидек мувозанатга келтирилади. Расмдан $F_2AO - F_1BO = 0$ эканлиги кўриниб турибди. Чизгичнинг оғирлиги сон жиҳатдан $F_2 = \frac{F_1BO}{AO}$ га тенг.

Бу хил масалаларга кўпинча ўқувчилар $100 = b$ расмда кўрсатилгандек чизмалар чизадилар ва масалаларни ечишда таянч шуктасидан икки томондаги ричагининг оғирлигини назарга оладилар. Масалалар ечганда бундай қилишга ҳожат йўқ, чунки F_2 ва F_1 кучларнинг тенг таъсири этувчиси жисмнинг оғирлигига тенг ва унинг оғирлик марказига қўйилган.

421. Оғирлиги 4 ва 1 н бўлган икки юкнинг оғирлик марказини топинг (101- расм). Юклар марказлари орасидаги ма-софа 1 m га тенг. Уловчи стерженнинг оғирлигини назарга олманг.

Ечилиши. 1- усул. O оғирлик маркази — F_1 ва F_2 параллел кучларнинг тенг таъсири этувчиси қўйилган нуқта масофони кучларга тескари пропорционал бўлган кесмаларга ажратади. Шунинг учун

$$\frac{AO}{OB} = \frac{F_2}{F_1}; \frac{AO}{1\text{ m} - AO} = \frac{1\text{ н}}{4\text{ н}}; \\ AO = 0,2\text{ m}.$$



417. Тажрибада картондан қўрқилган доира, тўғри тўртбурчак ва учбурчакнинг оғирлик марказини аниқланг ва назарий жиҳатдан асослаб беринг.

418. Қаламнинг, чамбаракнинг оғирлик маркази қаерда жойлашган? Оғирлик маркази ҳамма вақт жисмнинг ичидаги жойлашган бўладими?

2- усул. Агар стержениниң оғирлик маркази O нүктега тирговуч күйилса, іоклар мувозанатда қолади. $\sum M = 0$, бундан $F_1 OB - F_1 OA = 0$ ёки $1 \text{Н} (1 \text{м} \cdot AO) = F_1 AO$; $AO = 0,2 \text{ м}$.

Иккى жисмениң оғирлик маркази топыладын масалаларга иккала ечиш

усули тенг күчлидир. Бироқ учта ёки ундан күп жисмларниң оғирлик марказини топиш талаб қилинса, у ҳолда биринчи усул барча күчларни кетма-кет жуфт-жуфт қилиб қүшишни талаб қиласы, бу самарали эмас. Шунинг учун бу хил масалаларни иккінчи усул билан сұған маъқул.

422. Иккита шкиви бўлган валниң оғирлик маркази қаерда жойлашган (102- расм). Шкивлар орасида валниң узунлиги 380 мм , шкивларниң йўғонлиги 60 мм дан, вал ва шкивларниң оғирлиги мос равишда 10, 12 ва 5 кгк га тенг. Жавобни учинчи хонағача аниқлайды (21, № 270).

Ечилиши. Чизмада $F_1 = 12 \text{ кгк}$, $F_2 = 10 \text{ кгк}$, $F_3 = 5 \text{ кгк}$ оғирлик күчлариниң йўналиши ва қўйилиши нүкталарини кўрсатамиз. Оғирлик маркази A ва B нүкталар орасида ётади. Система мувозанатда, дәмак $\sum M = 0$; $F_2 OB + F_3 OC - F_1 OA = 0$. Шкивларниң йўғонлигидан назарга олиб ($MA = NC = 30 \text{ мм}$), қўйидагини ҳосил қиласыз. $10 \text{ кгк} \cdot OB + 5 \text{ кгк} (190 \text{ мм} + 30 \text{ мм} + OB) - 12 \text{ кгк} (190 \text{ мм} + 30 \text{ мм} - OB) = 0$, бундан $OB = 57,0 \text{ см}$.


423*. R радиусли бир жинсли доиравий пластинкадан радиуси иккى марта кичик бўлган r радиусли доира қирқиб олинган. Кичик доира катта доира билан уриниб туради. Ҳосил бўлган пластинканиң оғирлик марказини тоғинг.

Ечилиши. 1- усул. Доирани 103- а расмда кўрсатилган-дек пункттир билан ажратиб, шаклни қисмларга бўламиш ва бу қисмларга таъсир қилаётган оғирлик күчлари уларниң юзларига пропорционал деб олиб, олдинги масалада қўлланилган методдан фойдаланамиз. „Япроқчалар“ пинг юзлари


$$\pi R^2 - 2\pi r^2 = \pi R^2 - 2\pi \left(\frac{R}{2}\right)^2 = \frac{\pi R^2}{2}$$

га тенг. O_1 оғирлик маркази катта доираниң оғирлик маркази O дан ўнгроқда ётади. Кичик доирашинг юзи $\frac{\pi R^2}{4}$ га тенг. Энди $O_1 O_2 = \frac{R}{2} - OO_1$ эканини назарга олиб, қўйидагини ёзамиш:

$$\frac{\pi R^2}{4} \cdot \left(\frac{R}{2} - OO_1\right) - \frac{\pi R^2}{2} \cdot OO_1 = 0, \text{ бундан } OO_1 = \frac{R}{6}.$$



102- расм.



103- расм.

2- усул. Қирқиб олғаң қисмни фикран тұлдирамиз. Бу r радиуслы доирага таъсир қилувчи оғирлик күчига теңг бўлган F_1 , күчнинг A нуқтага қўйилганига тенг кучли бўлади. Шаклнинг мувозанати бузилмаслиги учун катталик жиҳатдан F_1 га тенг бўлган F'_1 күчни юқорига қўйиш керак. Энди яхлит доирага таъсир қилувчи оғирлик күчига тенг бўлган F'_1 ва F кучлар таъсир қиласиди (103- б расм):

$$F'_1 \cdot AO_1 - F \cdot OO_1 = 0; \pi R^2 (r + OO_1) - \pi R^2 \cdot OO_1 = 0; OO_1 = \frac{R}{6}.$$

2- усулдан кўриниб турибдики, ичида ковак бўлган бир жиссли жисмларнинг оғирлик марказини топиш учун бу жисмларни яхлит деб олиш мумкин, бироқ бунда ковакларнинг оғирлик марказига юқорига қараб шу ковакни тўлдирган моддага таъсир қилувчи оғирлик күчига катталик жиҳатдан тенг бўлган күчни қўйиш керак.

424. Кўйидаги жисмлардан қайси бири турғун вазиятда, турғунмас вазиятда ва фарқсиз вазиятда бўлади: вертикал ҳолатда осилган соат маятниги; қавариқ сиртда турған шар; ботиқ сиртда турған шар; горизонтал сиртда турған шар? Жавобингизни айланиш ўқига эга бўлган жисмининг мувозанат шартига асосланган ҳолда изоҳлаб беринг.

Ечилиши. Маятник ва ботиқ сиртда ётган шарни мувозанат вазиятидан оғдирамиз. 104- а расмдан кўриниб турибдики, бу жисмларга уларнинг мувозанат вазиятига қайтишга мажбур қилувчи $M = Fl$ айлантирувчи моментлар таъсир қиласиди. Демак, бу жисмлар турғун мувозанат вазиятида турибди.


Қавариқ сиртда турған шарни мувозанат вазиятидан оғдирилганда унга ўзининг мувозанат вазиятидан узоқроқ думалашга мажбур қилувчи айлантирувчи момент таъсир қиласиди (104- б расм). Демак, бу шар турғунмас мувозанат вазиятда турибди.

Горизонтал сиртда ётган шарга ҳар қандай вазиятда ҳам мувозанатловчи күчлар таъсир қиласи (104-*в* расм), шунинг учун бу шар фарқсиз мувозанат вазиятида бўлади.


425. Вертикал кўйилган узун таёқ турғунмас мувозанат вазиятида бўлади. Уни жонглёр қандай тутиб туради?

Жавоби. Жонглёр таёқнинг таянч нуқтасини астагина силжитади, бунинг натижасида таёқнинг йиқилишига тўсқинлик қилувчи айлантирувчи момент юзага келади.

426. Ёғоч чизгичин горизонтга бурчак остида маҳкамланг ва унга 105-*а* расмда кўрсатилгандек шоқуллар осилган гугурт қутичаларини қўйинг. (Гугурт қутичалари чизгичдан сирланмаслиги учун унга кнопкалар қадаб қўйинг.) Агар чизгичнинг қиялик бурчагини орттирасак гугурт қутичаларидан қайси бири ағдарилади? Нима учун? Қутичаларни ётқизиб қўйинг (105-*б* расм). Агар қиялик бурчагини катталаштирасак, гугурт қутиларидан қайси бири аввал йикиласди? Нима учун?



104- расм.



105- расм.

Е чилиши. Қутичага оғирлик күчи ва таянчнинг реакцияси күчи таъсир қиласи. Агар $\sum M = 0$ ёки $F_1 l_1 - F_2 l_2 = 0$ бўлса, қутича мувозанатда бўлади. Шоқул таянч юзидан ташқарига чиқмагунча $F_1 l_1$ момент жисмни мувозанат вазиятига қайтарди ва аксинча, шоқул таянч юзидан ташқарига чиқиб кетганди бу момент қутичани ағдариб юборади.

427. Штативлар, стол лампалари, кўтариш кранлариининг турғунлигини қандай усул билан орттирилади?

20- БОБ

НЬЮТОН ҲАРАКАТ ҚОНУНЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Ўқувчиларнинг ҳаракатининг турли хиллари, Ньютон қонунлари ва кучлар ҳақида олган билимлари динамиканинг асосий масалаларини ечишга; моддий нуқтанинг ҳаракатини ўрганиб, унга таъсир қилувчи кучларни аниқлашга; кучлар маълум бўлганда вақтнинг исталган пайтидаги тезланиши, тезликни ва нуқтанинг вазиятини топишга имкон беради.

Ўқувчиларнинг текис ўзгарувчан ҳаракат кинематикасига доир билимларига таяниб, дастлаб жисмларнинг ўзгармас куч таъсирида, жумладан оғирлик күчи таъсирида тўғри чизиқли ҳаракатига оид масалалар ечилади. Сўнгра эгри чизиқли ҳаракатга доир масалаларга ўтилади, бунда асосий эътиборни жисмларнинг айланга бўйлаб текис ҳаракатига, жумладан планеталар ва суъний йўлдошлиарнинг доиравий орбиталар бўйлаб ҳаракатига қаратилади.

Кўпчилик масалаларда жисмларнинг бир неча куч (оғирлик күчи, ишқаланиш күчи, эластиклик күчи) таъсирилаги ҳаракати қаралади. Шунинг учун Ньютоннинг иккинчи қонунидан 17- бобда қаралғандагидан умумийроқ кўринишда фойдаланиши керак.

$|\sum \vec{F}| = \vec{a} \cdot \sum \vec{m}$, бу ерда $\sum \vec{F}$ — ташқи кучларнинг вектор йиғиндиси, $\sum \vec{m}$ эса \vec{a} тезланиш билан ҳаракатланадиган барча жисмларнинг массаси.

Агар нуқтага бир неча куч таъсир қилаётган бўлса, уларнинг тенг таъсир этувчисини векторларни қўшиш қоидасига асосан тошиш мумкин. Бироқ кўпинча вектор тенгликни унга эквивалент бўлган скаляр тенгликлар системаси билан алмаштириш қулайроқ бўлади:

$$\sum F_x = m a_x; \quad \sum F_y = m a_y; \quad \sum F_z = m a_z.$$

Ньютоннинг иккинчи қонунининг вектор кўринишдаги ифодасини скаляр кўринишда ёзиш учун векторларнинг координаталар ўқига проекциясини тошиш керак.

Үрта мактабда, одатда жисмларнинг бир текисликдаги ҳаракати ҳақидаги масалалар ечилгани учун, бу ҳолда тезлик чизиғи бўйлаб ёки унга перпендикуляр йўналган координата ўқлари учун ёзилган бир ёки икки скаляр тенгламадан фойдаланиш етарлидир. Йўналишлардан бирини, одатда тезланиш вектори билан бир хил бўлган йўналишни мусбат, унга қара-ма-қарши йўналишни эса манфий деб қабул қилинади.

1. Ўзгармас куч таъсири остидаги тўғри чизиқли ҳаракат

Бу темага доир масалаларни ечишда асосан $\sum \vec{F} = m \vec{a}$ кўринишда ёзилган Ньютон қонунидан фойдаланилади. Темани тақрорлашда, айниқса юқори синфларда $\vec{F}t = m\vec{v}_2 - m\vec{v}_1$ формуласи қўллаган ҳолда бир неча масалалар ечиш керак.

Дастлаб, шартида жисмга таъсир қилувчи кучлар бир тўғри чизиқ бўйлаб йўналган, деб берилган масалалар ечилади. Жумладан жисмларнинг оғирлик кучи таъсири остидаги ҳаракати қаралади. Бу масалалар оғирлик кучи, оғирлик ва вазнисизлик тушунчаларини ойдинлаштиришга имкон беради. Натижада ўқувчилар оғирлик деб, жисмнинг тортишиш майдонида горизонтал таянчга босаётган ёки османни чўзаётган кучга айтилишини аниқ ўзлаштириб олишлари керак. Оғирлик кучи деб, жисмларнинг Ерга тортилиш кучига айтилади. Ерга нисбатац тинч турган жисмнинг оғирлиги оғирлик кучига сон жиҳатидан тенг бўлгани учун кўпинча бу тушунчалар орасидаги чегарага аҳамият берилмайди. Масалан, жисмнинг P оғирлигидан унинг $m = \frac{P}{g}$ массаси топилади, ҳолбуки массаси топиш учун тагликка эмас, жисмга таъсир қилувчи кучни билиш керак. Вазнисизлик ҳолатини кўришида бу хато равшаш бўлиб қолади, чунки бунда $m \neq 0$ ва $g \neq 0$ бўлгани ҳолда $P=0$ бўлиб қолади (№ 432 га қаранг). Шунинг учун яхшиси жисмнинг оғирлиги ва оғирлик кучини турли ҳарфлар, масалан, P ва F ҳарфлар билан белгилаш керак.

Сўнгра жисмга бир-бирига бурчак остида йўналган кучлар таъсири қилган ҳол учун масалалар ечилади. Охирида жисмлар системасининг ҳаракати ўрганилади. Бундай масалаларни ечганда ўқувчилар учун янги ва қийин масалалардан биринички кучларни ҳисоблашдир. Бу масалалар жисмларнинг сони, таъсири қилувчи кучлар ва ҳаракатнинг характеристига қараб турли қийинликларда бўлиши мумкин. Дастлаб бир куч таъсирида бир хил тезланиш билан ҳаракатланётган икки жисм қараладиган осонроқ масалалардан бошлиш керак. Сўнгра масалаларни аста-секин мураккаблаштириб бориш, яъни қаршилик кучларини назарга олиш, ҳаракатлашувчи жисмлар сонини орт-

тириш керак ва ҳоказо. Шартларида системанинг турли қисмлари турлича тезланишга эга деб берилган масалалар айниқса мурраккаб масала ҳисобланади.

Умумий ҳолда жисмлар системасининг ҳаракати ҳақида масалалар ечишда Ньютоннинг иккичи қонуни турли жисмлар системасига қўлланилади, бунда нечта номаълум бўлса, шунча боғлиқмас тенгламалар ҳосил қилинади. Агар тенгламалар етарли бўлмаса, у ҳолда масаланинг шартига қараб бошқа қонулар: энергиянинг сақланиш қонуни, импульснинг сақланиш қонуни ва кинематика формуулаларидан фойдаланилади.

428. Юки билан биргаликдаги массаси 1200 кг бўлган „Москвич“ автомобили жойидан қўзғалиб, 20 сек ичida 200 м йўл босди. Ҳаракатни текис тезланувчан деб ҳисоблаб, автомобилнинг ўртача тортиш кучини аниқланг.

Ечилиши. $\vec{F} = m\vec{a}$. Жисмнинг массаси m маълум бўлгани учун \vec{F} кучни толиш учун \vec{a} тезланишни аниқлаш керак. Ҳаракат текис тезланувчан, шунинг учун \vec{a} тезланишни $s = v_0 t + \frac{at^2}{2}$ формуладан топамиз; $v_0 = 0$ бўлгани учун

$$s = \frac{at^2}{2}; a = \frac{2s}{t^2}; F = \frac{2sm}{t^2} = 1200 \text{ н.}$$

429. Мотоциклчи билан биргаликдаги массаси $m = 240 \text{ кг}$ бўлган „ИЖ“ мотоцикли 36 км/соат тезликда кетаётганда тормозланиб тўхтагунча 15 м йўл босди. Мотоциклга таъсир қилувчи ўртача ишқаланиш кучини топинг.


Ечилиши. $\vec{F} = m\vec{a}$. a тезланишни $v^2 - v_0^2 = 2as$ формуладан топамиз. $v = 0$ бўлгани учун $a = -\frac{v_0^2}{2s}$. Минус ишора тезланишнинг жисм тезлигига тескари йўналган эканини кўрсатади.

$$F = -\frac{mv_0^2}{2s}; v_0 = 36 \frac{\text{км}}{\text{соат}} =$$

$$= 10 \frac{\text{м}}{\text{сек}}; F = -800 \text{ н.}$$

Минус ишора кучининг тезлик йўналишига қарама-қарши йўналганини билдиради.

430. Поезднинг массаси 2500 т , қаршилик коэффициенти $0,025$ эканлиги маълум бўлса, 106 -расмдаги графикдан фойдаланиб, поезднинг қандай ҳаракатланастанини ва тортиш кучини аниқланг (21, № 138).



Ечилиши. Графикдан поезднинг секинлашувчи ҳаракатланасетганини кўрамиз: $a = \frac{v - v_0}{t} = -0,2 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}$. Поездга таъсир қилувчи кучлар: F — локомотивнинг тортиш кучи, $F_{\text{ишк}}$ — қаршилик кучи.

$$\sum \vec{F} = m \vec{a}; F - F_{\text{ишк}} = -ma;$$

$$F_{\text{ишк}} = kF_n = kmg; F = m(gk - a) = 110 \text{ кн}.$$

431. Ньютоннинг иккинчи қонунига кўра куч қанча катта бўлса, жисмнинг тезланиши ҳам шунча катта бўлади. Шундай экан, нима учун оғир жисмлар ҳам, енгил жисмлар ҳам (ҳавонинг қаршилигини ҳисобга олмагандан) бирдай тезланиши билан тушади?

Ечилиши. $g = \frac{F}{m}$, бироқ оғирлик кучи F бутун олам тортишиш қонунига кўра жисмнинг массасига пропорционал, яъни $F = \gamma \frac{M_{\text{еп}} m}{r^2}$, шунинг учун $g = \gamma \frac{M_{\text{еп}}}{r^2}$ тезланиш айни бир жойда ҳамма жисмлар учун бир хил бўлади.

432. Ракетанинг қўйидаги вертикал учиш давларида унга иш билан осилган m массали маятникнинг оғирлигини тошинг: 1) ракетанинг юқорига тезланувчан ҳаракатида; 2) юқорига текис учишида; 3) двигателлари ўчирилган ҳолда юқорига кўтарилганда; 4) эркин тушишида; 5) тушиш тезлигини Ер сиртида нолга туширадиган тормоз қурилмасининг ишлаш вақтида.

Ечилиши. Маятникка (107- расм) $F = mg$ оғирлик кучи ва ишнинг F_t тараанглик кучи таъсир қилади. Ньютоннинг иккинчи қонунига кўра $\vec{F} + \vec{F}_t = \vec{ma}$, бундан $\vec{F}_t = m(\vec{a} - \vec{g})$.

Ньютоннинг учинчи қонунига кўра оғирлик $P = -F_t$. Бинобарин, $\vec{P} = m(g - \vec{a})$. Пастга қараб йўналишни мусбат, юқорига йўналишини мағний деб ҳисоблашга шартлашамиз.

1. Юқорига қараб тезланма ҳаракатда оғирлик кучи ва двигателларнинг тортиш кучининг тенг таъсир этувчиси юқорига йўналган бўлади, шунинг учун тезланиш мағний бўлади, яъни $P = m[g - (-a)] = m(g + a)$, $P > mg$ (ортиқча юкланиш).

2. Текис учишда $a = 0$, $P = mg$.


3,4. Оғирлик кучи таъсиридан ҳаракатланганда $a = g$, $P = 0$ (вазнсизлик).

5. Тормоз қурилмаси ишлаганда қўйидаги ҳоллар бўлиши мумкин:

а) Дастлаб двигателларнинг тортиш кучи оғирлик кучидан кам. Натижаловчи куч ва a тезланиш пастга йўналган, $P = m(g - a)$, $P < mg$ (қисман вазнсизлик);



107- расм.



108- расм.

б) Тортиш кучи оғирлик күчига тенг бўлиб қолади; $a = 0$; $P = mg$;

в) Тортиш кучи оғирлик күчидан катта. Кучларнинг тенг таъсир этувчиси ва a тезланиш юқорига йўналган, $P = m(g + a)$ (ортиқча юкланиш).

433. Жюль Верннинг „Из пушки на луну“ романининг қаҳрамонлари тўп снарядида учадилар. „Колумбиада“ тўпи стволининг узунлиги 300 м. Ойга учиш

учун снаряднинг стводдан чиқиш тезлиги 11,1 км/сек дан кам бўлмаслигини назарга олиб, ствол ичидаги йўловчиларнинг „оғирлиги“ қанчага ортганини ҳисобланг. Ствол ичидаги ҳаракатни текис тезланувчан деб ҳисобланг (38, №121):

Ечилиши. Стводда юқорига йўналган тезланувчан ҳаракатда одам снаряднинг тубига $F = m(g + a)$ куч билан босади (432- масалага қаранг). a тезланишини $v^2 = 2as$ формуладан топамиз: $a = \frac{v^2}{2s} \cdot g = 10 \text{ м/сек}^2$ деб оламиз.

$$F = m \cdot \left[\frac{\left(11100 \frac{\text{м}}{\text{сек}} \right)^2}{2 \cdot 300 \text{ м}} + 10 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \right] = [m \cdot 200000 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}]$$

яъни снарядда одамнинг оғирлиги тахминан 20 минг марта ортган бўлур эди. Қизиқарли бўлиши учун Я. И. Перельман (131) ҳисоблаганидек шуни ҳисоблаш мумкинки, бу ҳолда Ерда оғирлиги 150 гк бўлган шляпа одамнинг бошига 3 тк билан босган бўлур эди.

434. Горизонтга 30° бурчак билан оғган текислик бўйлаб бруск ҳаракатланмоқда (108- расм). Бруск 1 сек да қанча йўл ўтади? Ишқаланишни ҳисобга олманг.

Ечилиши. 1- усул. $\sum \vec{F} = m\vec{a}$. Векторларни қўшиш қоидасидан жисмга таъсир қиливчи барча кучларнинг $\sum \vec{F}$ тенг таъсир этувчисини топамиз. Брускка иккита куч таъсир қиласди: пастга йўналган F оғирлик кучи ва қия текисликка перпендикуляр бўлган таянчнинг F_n реакция кучи. Жисм қия текислик бўйлаб ҳаракатланётгани учун барча кучларнинг F_1 тенг таъсир этувчиси қия текислик бўйлаб пастга қараб йўналган. Тенг таъсир этувчи куч ҳаракат вақтида ўзгармайди, шунинг учун жисм текис тезланувчан ҳаракат қиласди. Тезланиш $a = \frac{F_1}{m}$; $F_1 = F \sin \alpha = mg \sin \alpha$;

$$a = g \sin \alpha = 4,9 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}; s = \frac{at^2}{2} = 2,45 \text{ м.}$$

$$2\text{-} \text{усул. } \sum \vec{F} = m \vec{a}; \vec{F}_n + \vec{F} = m \vec{a}.$$

Хамма векторларни ҳаракат йўналишида проекциялаймиз.

$$F \cos \beta = ma, \text{ ёки } F \sin \alpha = ma;$$

$$a = \frac{F \cdot \sin \alpha}{m} = g \sin \alpha; s = \frac{at^2}{2} = 2,45 \text{ м.}$$

3- усул. Чизмада жисмга таъсири қилувчи F_n га F кучларни кўрсатиб, F кучни икки йўналини бўйлаб — тақислик бўйлаб ва унга перпендикуляр йўналишда ажратамиз. F_2 ташкил этувчи таянч реакцияси F_n билан мувозанатлашади. F_t куч жисмни ҳаракатга келтиради. $F_1 = ma = F \sin \alpha$ ва ҳоказо. F_1 кучни, шунингдек, ABC ва FOF_1 учбурчакларниг ўхашалигидан фойдаланиб топиш мумкин:

$$F_1 = F \cdot \frac{h}{l}.$$


Бу хилдаги биринчи масалаларни яхшиси учинчи ва биринчи усуллардан фойдаланиб ечган маъқул, чунки бу усулларда ўқувчилар Ньютон иккинчи қонунининг физикавий моҳиятини равшанроқ кўришлари мумкин. Иккинчи усулда VIII синф ўқувчиларини векторларни проекциялашнинг ўзи қийшаб қўяди, чунки бу нарса ўқувчилар учун физикавий нуқтаи назардан унчалик равшан бўлмаслиги мумкин. Бироқ аста-секни бу ечиш усулига ўтиш керак, чунки бу усул энг умумий ва натижа берадиган усуладир.

435. Массаси $5,0 \text{ кг}$ бўлган аравача $2,0 \text{ кг}$ массали тош таъсирида ҳаракатланмоқда. а) ишқаланишни ҳисобга олмаган ҳолда, б) ишқаланишни ҳисобга олган ҳолда ($k = 0,10$) ишнинг тараанганишини топинг.

Ечилиши. а) ўзаро боғланган жисмлар системаси бир бутун жисмдек бирдай тезланиш билан ҳаракатлангани учун масалани $\sum \vec{F} = \vec{a} \sum \vec{m}$ формуладан фойдаланиб ечган маъқул, бу ерда $\sum \vec{F}$ — ташқи кучларниг йигинидиси, $\sum \vec{m}$ — барча ҳаракатлангаётган жисмларниг массаси. Система учун ташқи кучлар бўлиб F_1 ва F_2 оғирлик кучлари ва таянчининг реакция кучи F_n ҳисобланади (109- расм).

$$\vec{F}_1 + \vec{F}_n + \vec{F}_2 = (m_1 + m_2) \vec{a}.$$

F_n ва F_1 кучлар катталалик жиҳатдан тенг, йўналиш жиҳатдан қарама-қаршидир, шунинг учун $F_2 = (m_1 + m_2) a$, бундан $a = \frac{F_2}{m_1 + m_2}$.



109- расм.

Илнинг тарангланишини аниқлаш учун аравачанинг ҳаракатини изоляцияланган системанинг ҳаракати сифатида қараймиз. Унда F_1 , F_n ва F_t кучлар ташқи кучлар бўлади. $F_1 = -F_n$ бўлгани учун,

$$F_t = m_1 a = \frac{m_1 F_2}{m_1 + m_2} = 14 \text{ н} (F_t < F_2!).$$

Текшириш. F_t^1 тарангланишини тошнинг ҳаракатига қараб топамиз.

$$a) F_2 - F_t^1 = m_2 a;$$


$$F_t^1 = F_2 - m_2 a = F_2 - \frac{m_2 F_2}{m_1 + m_2} = \frac{m_1 F_2}{m_1 + m_2};$$

$$b) F_{\text{ишк}} = k F_1 = kmg = 4,9 \text{ н}. F_2 - F_{\text{ишк}} = (m_1 + m_2) a.$$

$$a = \frac{F_2 - F_{\text{ишк}}}{m_1 + m_2} = 2,1 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}; F_t - F_{\text{ишк}} = m_1 a_1; F_t = 15 \text{ н}.$$

Ишқаланиш илнинг таранглигини орттириди.

436*. m_1 , m_2 ва m_3 массалари 10,0 кг дан бўлган учта жисм 110-расмда кўрсатилганидек блокларга осилган. m_3 жисмнинг устига $m_4 = 0,50$ кг қўшимча юк қўйилди. Илларнинг таранглигини, блокларнинг ўқига бўлган босим кучини ва қўшимча юкининг m_3 жисмга босим кучини топинг. Блокларнинг ишқаланиши ва массаларини хисобга олманг.



Ечилиши. Қўзғалувчан блокка осилган жисмлар тезланиш билан пастга тушади. a_2 тезланиш m_1 массали жисмнинг a_1 тезланишидан икки марта кичик (t вақт ичидаги m_1 массали жисм $2h = \frac{a_1 t^2}{2}$ баландликка кўтарилади, қўзғалувчан блокдаги жисмлар эса $h = \frac{a_2 t^2}{2}$ масофада пастга тушади, шунинг учун $a_1 = 2a_2$).

Масала саволларига мос ҳолда чизмада жисмга таъсир қиливчи кучларни кўрсатилиб. Ньютоннинг учинчи қонунига мувофиқ $F_2 = -F'_2$ ва $F_3 = -F'_3$, бу ерда F_2 ва F'_2 мос равинидаги m_2 ва m_3 массали жисмларга таъсир қиливчи илнинг таранглик кучлари, F_3 ва F'_3 эса m_3 ва m_4 жисмларнинг ўзаро таъсир кучлари.

Системани ташкил қилган жисмлар ҳар хил тезланиш билан ҳаракатланганлиги ва барча ички кучларни топиш керак бўлганилиги учун Ньютоннинг иккинчи қонунини ҳар бир жисмга алоҳида қўллаймиз. Йў-

налишлари ҳаракат йўналиши билан бир хил бўлган кучлар ва тезланишларни мусбат деб, ҳаракатга тескари йўналган тезланиш ва кучларни манфий деб оламиз.

- 1) $F_1 - F = m_1 2a_2$;
- 2) $F + F_2 - 2F_1 = m_2 a_2$;
- 3) $F + F_3 - F_2 = m_3 a_2$;
- 4) $F_4 - F_3 = m_4 a_2$.

Тенгламалар системасини ечиб, бу катталмаларни топамиз:

$$a_2 = 0,0817 \frac{m}{sec^2}; F_1 = 99,7 \text{ н}; F_3 = 4,86 \text{ н}; \\ F_2 = 102 \text{ н}.$$


Блокларнииг ўқига босим кучи $F_6 = 2F_1 \approx 19,9 \text{ н}$.

437*. Енгил ва ишқаланишсиз айланадиган блок орқали шнур ўтказилган (111-расм). Шнурнинг бир учига m_1 массали жисм бўғланған. Шнурнинг иккинчи учи бўйлаб m_2 массали ҳалқа шиурга нисбатан ўзгармас тезланиш a_1 билан сирпамоқда. m_1 массали жисмнинг a_1 тезланишини ва ҳалқанинг шнурга ишқаланиш кучи $F_{\text{ишк}}$ ни топинг. Шнурнинг массасини ҳисобга олманг¹.

Ечилиши. Чизмада m_1 ва m_2 массали жисмларга қўйилган кучларни кўрсатамиз. m_1 массали жисмга пастга қараб F_1 оғирлик кучи ва юқорига қараб шнурнинг таранглиги F_t таъсир қиласди. m_2 массали жисмга F_2 оғирлик кучи ва шнурнинг таранглигиши ҳосил қилувчи $F_{\text{ишк}}$ ишқаланиш кучи таъсир қиласди. Шунинг учун $F_t = F_{\text{ишк}}$. Жисмларнииг ҳар бирига Ньютоннинг иккинчи қонунини қўллаймиз. Жисмларнииг тезланишини ҳамма вақт қўзғалмас саноқ системасига нисбатан (айни ҳолда Ерга нисбатан) олиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак (масаланинг моҳияти ҳам ана шундадир). m_2 массали жисмнинг Ерга нисбатан \vec{a}'_2 , тезланиши шнурнинг \vec{a}_1 кўчма тезланиши ва шнурга нисбатан \vec{a}_2 тезланиш йигиндисидан иборат:


$$\vec{a}'_2 = \vec{a}_1 + \vec{a}_2.$$

Масалада жисмларнииг қандай ҳаракатланиши айтилмаган, шунинг учун бу ерда турли ҳол бўлиши мумкин. m_1 массали жисм юқорига ҳам, пастга ҳам ҳаракатланиши мумкин. Айтайлик, жисм пастга томон ҳаракатланмоқда. Бу ҳолда m_2



111-расм.

¹ С. П. Стрелков ва бошқалар. Сборник задач по общему курсу физики, 1- қисм. М. -- Л. ГИТТЛ, 1949, № 80.



112- расм.

массали жисмнинг a_1 ва a_2 тезланишлари қарама-қарши йўналган: a_1 — юқорига ва a_2 — пастга. Бироқ бунда ҳам бир неча ҳол бўлиши мумкин:

1) $a_1 > a_2$; a'_2 юқорига йўналган;

2) $a_1 < a_2$; a'_2 пастга йўналган;

3) $a_1 = a_2$; $a'_2 = 0$ (m_2 массали жисм Ерга нисбатан тинч турибди).

Масалани биринчи ҳол учун ечамиз ва қолганларини ўқувчиларга (китобхонларга) мустақил кўришга ҳавола қиласиз. Пастга қараб йўналишни мусбат деб қабул қиласиз.

$$1) F_1 - F_t = m_1 a, \text{ ёки } m_1 g - F_t = m_1 a_1.$$

$$2) F_2 - F_t = -m_2 (a_1 - a_2), \text{ ёки } m_2 g - F_t = m_2 (a_2 - a_1).$$

Системани ешиб, қуйидагини топамиз:


$$a_1 = \frac{m_1 g - m_2 (g - a)}{m_2 + m_1}; \quad F_t = \frac{m_1 m_2 (2g - a)}{m_1 + m_2}.$$

438. Ингичка илга оғир тош осилган (112- расм). Паст томондан тошга шундай иллар билан стержень уч жойдан боғлаб қўйилган. Агар стерженга қаттиқ урилса нима юз беради? Босим кучини аста-секин кўпайтириб, стерженга қўл билан босилса-чи?

Ечилиши. $\vec{F}t = \Delta \vec{m}$ формулага мувофиқ F куч катта бўлиши билан бирга бу кучнинг таъсир вақти t кичик бўлса, ҳаракат миқдорининг ўзгариши $\Delta \vec{m}$, бинобарин, жисмнинг тезлиги ва унинг ўрнининг ўзгариши сезиларсиз бўлиши мумкин. Жисм амалда ўз ўрнида қолади. Агар F куч пастки илларнинг эластиклик кучларидан катта бўлса, у ҳолда пастки иллар узилиб кетади. Агар кучнинг катталиги тошнинг оғирлиги билан биргаликда юқориги илларнинг мустаҳкамлигидан катта бўлиб, узоқ муддат таъсир этса, у ҳолда юқориги ип узилиб кетади.

439*. $m = 4,65 \cdot 10^{-26}$ кг массали молекула идиш деворига урилиб, ундан тезлигини йўқотмаган ҳолда эластик қочади. Молекула деворга: а) перпендикуляр урилган ва қочган, б) 30° бурчак остида урилган ва қочган ҳоллар учун девор олган куч импульсини аниқланг. Молекуланинг тезлиги 600 м/сек.

Ечилиши. а) Молекулага таъсир қилувчи куч импульси $\vec{F}t = \Delta \vec{m} = m (\vec{v}_2 - \vec{v}_1)$ (113- а расм). $\vec{v}_2 = -\vec{v}_1$ бўлгани учун,



113- расм.

а

б

$\vec{F}t = -2mv_1$. Минус ишора деворнинг молекулага таъсир қиливчи кучи йўналиш жиҳатдан v_1 тезликка қарама-қарши эканини билдиради. Ньютолинг учинчи қонунига кўра молекула ҳам деворга катталиги худди шундай, бироқ қарама-қарши йўналган куч билан таъсир қиласди. Бу кучнинг импульси

$$Ft = 2 \cdot 4,65 \cdot 10^{-26} \text{ кг} \cdot 600 \frac{\text{м}}{\text{сек}} = 5,6 \cdot 10^{-23} \text{ н} \cdot \text{сек.}$$

б) $\vec{v}_2 - \vec{v}_1 = \Delta \vec{v}$ (113- б расм), $\Delta v = v_2 - v_1$;

$$Ft = 2,8 \cdot 10^{-23} \text{ н} \cdot \text{сек.}$$


440*. 1 м массали болға 1,77 м баландликдан сандонга тушмоқда. Зарбнинг давомийлиги 0,01 сек. Зарбни эластикмас деб ҳисоблаб, зарб кучининг ўртача қийматини топинг. Зарб эластик бўлганда, унинг кучи қандай ўзгарар эди?

Ечилиши. $F = \frac{m\Delta v}{\Delta t}$; $\Delta v = \vec{v}_2 - \vec{v}_1 = -\vec{v}_1$, $\vec{v}_2 = 0$ бўлгани учун, $v = \sqrt{2gh}$; $F = \frac{m\sqrt{2gh}}{\Delta t} \approx 6 \cdot 10^5 \text{ н.}$

Эластик зарбда $\Delta \vec{v} = -2\vec{v}_1$ ва демак, зарбнинг кучи икки марта ортган бўлар эди.

2. Горизонтал ва горизонтга бурчак остида отилган жисмнинг ҳаракати

Бу темага доир масалаларни ечишда кинематика ва динамиканинг бундан олдинги бўлимларини ўрганишда олинган билим ва малакалардан фойдаланилади ва у мустаҳкамланади. Бу масалаларда унча катта бўлмаган тезликдаги ва учиш ма-софаси катта бўлмаган, Ер сиртини текислик деб қабул қилиш мумкин бўлган ҳолдаги жисмларнинг ҳаракати ўрганилади. Бу ҳол учун горизонтал ёки горизонтга бурчак остида отилган жисмнинг ҳаракатини оғирлик кучи таъсири остидаги вертикал текис ўзгарувчан ҳаракат ҳамда горизонтал йўналишдаги текис ҳаракатдан иборат мураккаб ҳаракат деб қа-



114- расм.

ралади. Ҳисобларни содалаштириш учун қайтывчанлик принципидан фойдаланиш керак. Бунда жисмни вақтнинг бирор пайтида катталиги худди шундай бўлган тезлик билан орқага ҳаракатлананишга мажбур қилинса, жисм ўз ҳаракатини тескари йўналишда

худди шу траектория бўйлаб тақрорлади.

Материални тақрорлашда Ер сиртининг сферик сиртга эга эканлигини назарга олиш керак бўлгани тезлик билан ҳаракатланувчи жиёслар масалаларни ҳам ечиш керак (№-447).

441 (Э). Чизгичнинг икки учиға гугурт қутичаси ёки тангани қўйинг ва улардан бирининг орқасига кнопка қаданг. Чизгични горизонтал йўналишда кескин ҳаракатлантирганда қутичалардан бири бирор масофага учиб кетади, иккинчиси эса настга тушади. Қутичаларнинг полга урилишида уларнинг ҳаракатланиш вақтларини таққосланг ва қилган хулосангизни асослаб беринг.

Жавоби. Қутичаларнинг учиш вақтлари бир хил $h = \frac{gt^2}{2}$ формулага мувофиқ уларнинг h баландликдан эркин тушиш вақтлари t га тенг.

442 (Э). Ўйинчоқ пружинали милитик ёки ўйинчоқ пистолетдан чиқаётган „ўқ“нинг бошлангич тезлиги v_0 ни аниқланг.


Ечилиши. Пистолетдан 114- расмда кўрсатилганда горизонтал йўналишда отамиз ва s ҳамда h катталикларни ўлчаймиз.

$$s = v_0 t; h = \frac{gt^2}{2}; t = \sqrt{\frac{2h}{g}}; v_0 = \frac{s}{\sqrt{\frac{2h}{g}}}.$$

Текшириш. Пистолетдан вертикал юқорига отамиз ва h' учиш баландлигини ўлчаймиз. $v_0 = \sqrt{2gh'}$. Тажриба аниқлигига қараб v_0 катталик v_0 билан бир хил бўлиши керак.

443. Тўпдан горизонтга $\alpha = 30^\circ$ бурчак остида снаряд $v_0 = 600 \text{ м/сек}$ тезлик билан отилиб чиқади. Снаряднинг учиш узоқлиги, энг юқори баландлиги ва учиш вақтини аниқланг. Ҳавонинг қаршилигии ҳисобга олманг. $g = 10 \text{ м/сек}^2$ деб олинг.

Ечилиши. 1- усул. Горизонтта 30° бурчак остида йўналган v_0 тезлик векторини ва жисмнинг тахминий траекториясини тасвирлаймиз (115- расм). $v_b = v_0 \sin \alpha$, $v_r = v_0 \cos \alpha$.



115- расм.

Жисем юқорига текис секинланувчан ҳаракатланади ва ўнгга текис силжийди.

$v_B = gt_1$ катталикка кўра $t_1 = \frac{v_B}{g} = \frac{v_0 \sin \alpha}{g} = 30$ сек эканлигини топамиз.

$$h = \frac{gt_1^2}{2} = \frac{v_0^2 \sin^2 \alpha}{2g} = 4,5 \text{ км.}$$

Тўла учиш вақти $t = 2t_1 = 60$ сек.

$$s = v_0 t = \frac{v_0 \cos \alpha \cdot 2v_0 \sin \alpha}{g} = \frac{v_0^2 \sin 2\alpha}{g} = 31 \text{ км.}$$

2- усул. Қайтувчашлик принципидан фойдаланамиз. Агар траекториянинг юқори нуқтасидан снаряд шундай учсанки, бунда унинг Ер сиртидаги тезлиги v_0 га катталик жиҳатидан тенг, лекин йўналиши жиҳатидан қарама-қарши бўлса, у ўша траекториянинг ўзини (параболанинг ярмини) чизади. Бироқ бу хил масалани аввал ечган эдик (№ 242 га қаранг).

$$1. s_1 = v_0 t_1; v_r = v_0 \cos \alpha; s_1 = v_0 \cos \alpha t_1. \quad (1)$$

2. t нинг қийматини $h = \frac{gt_1^2}{2}; t_1 = \sqrt{\frac{2h}{g}}$ (2) формуладаи топамиз:

3. h ни аниқлаш учун қўйидаги тенгламадан фойдаланамиз:

$$v_B^2 = 2gh; v_B = v_0 \sin \alpha, h = \frac{v_B^2}{2g} = \frac{v_0^2 \sin^2 \alpha}{2g}. \quad (3)$$

1—3 тенгламалар системасини ечиб ва учиш узоқлиги $s = 2s_1$ ва учиш вақти $t = 2t_1$ эканлигини назарга олиб, 1- усулда олинган натижанинг ўзига келамиз.

Бу ечини усулининг афзаллиги шундаки, у янги масаланинг ечилишици аввалги типдаги масалаларнинг ечилишига олиб келади.

З-усул*. Учиш узоқлиги s ни икки кетма-кет силжишларнинг: v_0 тезлик билан OA текис ва AB эркин тушишининг йигинидиси деб оламиз,

$$\text{яъни } OA = v_0 t; AB = \frac{gt^2}{2}; AB = AO \sin \alpha,$$

$$\text{ёки } v_0 t \sin \alpha = \frac{gt^2}{2}, \text{ бундан } t = \frac{2v_0 \sin \alpha}{g}.$$

$$s = v_0 t \cos \alpha = \frac{v_0 \cdot 2v_0 \sin \alpha \cos \alpha}{g} = \frac{v_0^2 \sin 2\alpha}{g};$$

$$h = \frac{v_0^2}{2g} = \frac{v_0^2 \sin^2 \alpha}{2g}.$$

444. Горизонтга бурчак остида отилган жисмнинг учиш вақтида тезликнинг вертикал ва горизонтал ташкил этувчи-лари қандай ўзгаради? Ҳавонинг қаршилигини ҳисобга олманг.

Ечилиши. $v_b = v_{b0} - gt = v_0 \sin \alpha - gt$. Тезликнинг вертикал ташкил этувчиси g тезланиши текис ўзгарувчан ҳаракат қонуни бўйича ўзгаради. $v_r = v_0 \cos \alpha = \text{const}$. $v_2 = \text{const}$ бўлгани учун, жисмнинг тезлиги $\vec{v} = \vec{v}_b + \vec{v}_r$. Жисм тезлиги v нинг ўзгариши v_b кабидир, чунки $a = g$.

Ньютоннинг иккинчи қонунидан ҳам шундай хулоса келиб чиқади. Агар ҳавонинг қаршилиги ҳисобга олишмаса, учаётган жисмга фақат оғирлик кучи $F = ma$ таъсир қиласи. $F = mg$ бўлгани учун $a = g$. Бинобарин, парабола бўйлаб ҳаракатлашиш — жисмларнинг оғирлик майдонида эркин тушиш турларидан бири экан. Шунинг учун жисм вазнсизлик ҳолатида бўлади.

445. 443- масаладаги берилганларга кўра 40 сек учгандан кейинги тезликнинг катталиги ва йўналишини аниқланг.

Ечилиши. $v_b = v_0 \sin \alpha - gt = -100 \frac{m}{sec}$. Минус ишора жисмнинг пастга учаётганини билдиради.


$$v_r = v_0 \cos \alpha = 520 \frac{m}{sec}. \quad \vec{v} = \vec{v}_b + \vec{v}_r;$$

$$v = \sqrt{v_b^2 + v_r^2} = 530 \frac{m}{sec}.$$

v тезлик вектори горизонтга α бурчак остида йўналган:

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{v_b}{v_r} \approx 0,19.$$

446*. 116- расмда циркда „одам-снаряднинг“ учиш схемаси кўрсатилган. (131, 68-бет) Агар тўпнинг қиялиги 70° , учишнинг энг максимал баландлиги 19 м, тўп стволининг узунлиги



6 м бўлса, артистнинг тўпда оладиган ортиқча юкланишини, унинг қанча вақт давомида вазнсизлик ҳолатида бўлишини ҳисобланг. Одамнинг стволдаги ҳаракатини текис тезланувчан деб олинг. Ишқаланишни ҳисобга олманг.

Ечилиши. Одам тўпдан учиди чиқсан вақтда вазнсизлик ҳолатида бўлади. Учиш вақти ва бошланғич v тезликни қуидаги формуладан топамиз:

$$h = \frac{v_0^2 \sin^2 \alpha}{2g}; v_0 = \sqrt{\frac{2gh}{\sin \alpha}} = 21 \frac{м}{сек};$$

$$t = \frac{2v_0 \sin \alpha}{g} \approx 4 \text{ сек.}$$

Стволда одамга F оғирлик кучи, пружинанинг F_2 эластиклик кучи ва стволнинг F_1 реакция кучи таъсири қиласди. Ньютоннинг иккинчи қонунидан $\sum \vec{F} = \vec{ma}$. Барча векторларни ҳаракат йўналишига проекциялаймиз, $F_2 - F \sin \alpha = ma$. Одам тагликка сон жиҳатидан $F_2 = F \sin \alpha + ma$ га тенг бўлган куч билан босади. a тезланишни $a = \frac{v^2}{2l}$ формуладан топамиз,


$$F_2 = mg \sin \alpha + \frac{mv^2}{2l} = m \cdot 46 \frac{м}{сек^2};$$

$$\frac{F_2}{F_1} = \frac{m \cdot 46 \frac{м}{сек^2}}{m \cdot 9,8 \frac{м}{сек^2}} \approx 4,7$$

3. Айлана бўйлаб ҳаракат

Горизонтга бурчак остида отилган жисмнинг ҳаракатига доир масалалар ечишда ўқувчилар эгри чизиқли ҳаракатда оғирлик кучи таъсирида тезлик катталик жиҳатидан ҳам, йўналиш жиҳатидан ҳам ўзгариши мумкин эканини ва бунда тезланишнинг оғирлик кучи томонга йўналиши ҳақида тушунча олдилар. Бу тушунчалар жисмнинг фақат оғирлик кучи таъсирида айлана бўйлаб ҳаракатига доир масалалар ечишда чуқурлаштирилади ва мустаҳкамланади, шунингдек, IX синф материалларини такрорлашада зарядларнинг электр ва магнит майдонларидаги ҳаракатини ҳам қараш керак.

Масалалар шундай план бўйича ечилади: айлана бўйлаб ҳаракат қилаётган жисмга таъсири қилаётган кучларни чизмада кўрсатилиди; Ньютоннинг иккинчи қонуни $\sum \vec{F} = \vec{ma}$ ёзилади. Барча ташқи кучларнинг тенг таъсири этувчиси, бинобарин, марказга интилма тезланиш $a = \frac{v^2}{R}$ радиус бўйлаб марказга йўналган. Шунинг учун вектор шаклда ёзилган тентгламаларни



117- расм.

скаляр шаклда ёзишда кўпинча векторларни радиус йўналишида проекциялашдан фойдаласилади. Марказга интилма куч тушунчасини киритмаслик керак, чунки кўп ҳолларда бу куч бир неча кучларнинг тенг таъсир этувчиси бўлади. Ўқувчилар марказга интилма куч терминини кўпинча конкрет жисмларнинг ўзаро таъсири билан боғлашмаган қандайдир мустақил куч деб тушунадилар.

Дастлаб айлана бўйлаб ҳа-

ракатланаётган жисмга таъсир қилаётган кучлар бир тўғри чизиқ бўйлаб йўналган масалалар, сўнгра кучлар бир-бирига бурчак остида йўналган мураккаброқ масалалар ечилади.


447. Агар ҳавонинг қаршилиги бўлмаса, жисмнинг Ер сиртидаги горизонтал тезлиги тахминан қандай бўлганда у Ернинг сунъий йўлдоши бўлиб қолиши мумкин эканлигини аниқланг.

Ечилиши. Фараз қилайлик, Ер сиртидан бирор h баландликда жисм v_0 тезлик олган бўлсин (117- расм). Агар Ернинг тортиш кучи бўлмаганда эди, жисм 1 сек дан кейин сон жиҳатидан v_0 га тенг бўлган масофадаги B нуқтада бўлар эди. Жисм A дан B га фақат учмайди, балки айни вақтда пастга ҳам тушади, шунинг учун амалда жисм ўша h баландликда C нуқтада бўллади. CB жисмнинг 1 сек да тушган масофасига тенг. $CB = \frac{gt^2}{2} \approx 5 \text{ м}$. OAB учбурчакдан $AB \approx \sqrt{(R - CB)^2 - R^2} \approx \sqrt{2RCB}$, бу ерда R —Ернинг радиуси бўлиб, тахминан 6400 км га тенг. $AB = 8 \text{ км}$. $v_0 = 8 \frac{\text{км}}{\text{сек}}$.

448. Чанғичининг қорга босим кучини: а) йўлнинг горизонтал қисмida; б) ботиқ қисмининг ўртасида; в) қавариқ қисмининг ўртасида аниқланг. Чанғичининг массаси 70 кг, тезлиги 20 м/сек, эгри чизиқли қисмларининг эгрилик радиуси 80 м. Ишқаланиш кучини ҳисобга олманг.

Ечилиши. а) Йўлнинг горизонтал қисмida (118- а расм) чанғичига таянчнинг реакция кучи F_n ва F оғирлик кучи таъсир қиласиди. Ньютоннинг иккинчи қонунига кўра $\sum \vec{F} = \vec{ma}$; $F_n - F = ma$. $a = 0$ бўлгани учун, $F_n = F = mg \approx 686 \text{ н}$. Ньютоннинг учинчи қонунига кўра чанғичи таянчга $F'_n = -F_n$ куч билан таъсир қиласиди.

б) Йўлнинг ботиқ қисми учун (118- б расм) $F_n - F = ma$; $a = \frac{v^2}{R}$. Тезланиш радиус бўйлаб марказга йўналган бўлгани




118- расм.

учун F_n ва F күчларнинг тенг таъсир этувчиси ҳам ўша томонга йўналган, шунинг учун $F_n > F$; $F_n = F + ma = 690 \text{ н} + +70 \text{ кг} \cdot \frac{(20 \text{ м/сек})^2}{80 \text{ м}} \approx 1000 \text{ н}$. Бинобарин, чанғичининг қорга босим кучи 1000 н га тенг, яъни унинг йўлнинг горизонтал қисмидаги босим кучидан аича катта бўлади.

Ўқувчиларни кўпинча таажжублантирадиган бу далилни батафсилоқ таҳлил қилиш керак. 118- расмда фақат күчларни эмас, шу билан бирга тезлик вектори v ни ҳам кўрсатиш керак. Бундай қилинмаса ўқувчилар орасида: „Агар $F_n > F$ бўлса, нима учун чанғичи юқорига учиб кетмайди“ деган савол туғилиши мумкин. Инерция бўйича чанғичи тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракатланган бўлар эди Бироқ чанғичи йўлда тўсиққа—кўтарилишга дуч келади ва бу кўтарилиш унинг ҳаракат траекторияси ва тезлигини ўзgartириб, унга таъсир қиласи. Ньютошининг учинчи қонунига кўра чанғичи йўлнинг қисмига катталиқ жиҳатидан шундай куч билан таъсир қиласи. Демак, йўлнинг ботиқ қисмida босим кучи унинг горизонтал қисмидагидан катта бўлади. $a = \frac{v^2}{R}$ тезланиш жисмга таъсир қилаётган барча күчлар билан аниқланилади.

в) Йўлнинг қавариқ қисми учун $F - F_n = ma$ (118- в расм). Тезланиш радиус бўйлаб пастга йўналган, шунинг учун $F_n < F$. Шундай ækанлиги қўйидаги тенгламадан ҳам кўриниш туребди: $F_n = F - \frac{mv^2}{R} = 690 \text{ н} - 350 \text{ н} = 340 \text{ н}$, яъни бу ҳолда босим кучи йўлнинг горизонтал қисмидагига қараганда кам. Бунинг сабабини шундай тушуптириш мумкин: инерция бўйича v тезликка эга бўлган чанғичи йўлдан кўтарилиган ҳолда тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракатланишга „интилади“, шунинг учун унинг йўлиниг қавариқ қисмига босим кучи горизонтал қисмидагидан кам бўлади. Ўқувчиларга маълум бўлган шундай далилга таяниш мумкин: горизонтал ҳаракатланётган жисм умуман Ер сиртидан ажралиши мумкин (масалан, йўлнинг



119- расм.

учун,

$$F = mg = \frac{mv^2}{R}; \quad v = \sqrt{Rg} = 28 \frac{\text{м}}{\text{сек}},$$

450*. Чанғици тогнинг энг юқори нүктасидан түшиб келмоқда. Әгар йўлнинг шу қисмиди траекторияни радиуси $R = 80 \text{ м}$ бўлган айланада ёйи деб ҳисоблаш мумкин бўлса, ҳаракат бошланганидан қандай баландлиқда чанғичининг қорга босими нолга тенг бўлади. Ишқаланишни ҳисобга олманг.

Ечилиши. Чанғици AB траектория бўйлаб ҳаракатланганда унга \vec{F} оғирлик кучи ва \vec{F}_n таянч реакцияси кучи таъсир қиласди (119- расм). Ньютоннинг иккинчи қонунига кўра $\vec{F} + \vec{F}_n = \vec{m}\vec{a}$. Векторларни радиус йўналишинга проекциялаймиз: $F \cos \alpha - F_n = \frac{mv^2}{R}$. B нүкта учун $F_n = 0$, $F \cos \alpha = \frac{mv^2}{R}$, ёки $g \cos \alpha = \frac{v^2}{R}$; $v^2 = 2gh$; $\cos \alpha = \frac{R - h}{R}$. Шунинг учун $g = \frac{R - h}{R} = \frac{2gh}{R}$, бундан $h = \frac{R}{3} \approx 27 \text{ м}$.

451 (э). Пақирчани сувга тўлдиринг ва уни вертикал текисликда шундай айлантирингки, бунда унинг туби юқорида бўлганда ҳам суви тўкилмасин. Траекториянинг юқори нүктасида сув пақирчанинг тубига босмаслиги учун, пақирчанинг айланада бўйлаб секундига энг кам айланышлар сони қандай бўлиши кераклигини ҳисобланг ва тажрибада текширинг.


Ечилиши. Траекториянинг юқори нүктасида (120- расм) сув горизонтал йўналган v тезлик билан ҳаракатланади.

\vec{F} оғирлик кучи ва пақирча тубининг реакция кучи \vec{F}_n сувга марказга интил-

қавариқ қисмига дуч келгаш чанғици ёки мотоциклчининг сакрашлари ўқувчиларга маълум).

449. Траекториянинг энг юқори нүктасида чанғицининг қорга босим кучи нолга тенг бўлиши учун чанғици қандай тезлик билан юриши керак? ($\# 448$ га қаранг).

Ечилиши. $F - F_n = \frac{mv^2}{R} \cdot F_n = 0$ бўлгани



120-расм.

ма тезланиш беради ва уни айлана бүйлаб ҳаракатлашишга мажбур қиласы.

Ньютооннинг иккинчи қонунига күра

$$\vec{F} + \vec{F}_n = \frac{mv^2}{R} = m\omega^2 \vec{R}. \quad \text{Шартта күра}$$

$$\vec{F}_n = 0, \text{ шунинг учун } F = mg = m\omega^2 R = 4\pi^2 mn^2 R; n = \frac{1}{2\pi} \sqrt{\frac{g}{R}}.$$

R — пақирчанинг елкасидан үртаси-
гача бўлган масофа 70 см га тенг деб
олайлик, у ҳолда $n \approx 0,59 \frac{1}{\text{сек}}$:

452 (ә). $l = 60,0 \text{ см}$ узунликтаги ипга
осилган 100 г массали тошни горизонтал
текисликда $R = 20,0 \text{ см}$ радиусли айлана
бўйлаб айланишга мажбур қилувчи куч
катталағини топинг. Натижани тажриба-
да текшириңг. Тошнинг оғирлигини 1 н
га тенг деб ҳисобланг.

Ечилиши. 1- усул. Тацланган
масштабда конуссимон маятикни тас-

вирлаймиз (121- расм). Тошга \vec{F} оғирлик кучи ва ипнинг \vec{F}_n
таранглик кучи таъсир қиласы. $1 \text{ см} = 0,2 \text{ н}$ масштабдан фой-
даланиб \vec{F} кучни тасвиirlаймиз. Бу кучлар таъсирида тош
айлана марказига йўналган тезланиш олади. Демак, \vec{F} ва \vec{F}_n
кучларнинг тенг таъсир этувчиси F_1 ҳам радиус бўйлаб мар-
казга йўналган. F_1 тенг таъсир этувчини ва F_n таранглик ку-
чини тасвиirlаш учун \vec{F} векторнинг охиридан ипга параллел
қўлиб радиус билан кесишгунча тўғри чизиқ ўтказамиш.
 $F_1 = AC \approx 0,35 \text{ н}$. Сўнгра A нуқтадан ип билан кесишгунча
вертикал тўғри чизиқ ўтказамиш. $F_n = BC \approx 1,1 \text{ н}$.


2- усул. O_1O , ABC ва ACF учбуручакларнинг ўхашли-
гидан

$$\frac{F_1}{F} = \frac{R}{h}; \quad F_1 = \frac{FR}{h}; \quad h = \sqrt{l^2 - R^2} \approx 57 \text{ см}.$$

$$F_1 \approx 36 \text{ н}; \quad \frac{F_n}{F} = \frac{l}{h}; \quad F_n \approx 1,1 \text{ н}.$$

Текшириш. 1. Тошни динамометр ёрдамида вертикалдан
 20 см га тортамиш. Динамометрининг тортиш кучи сон жиҳа-
тидан F_1 га тенг бўлади.

Текшириш. 2. Тошнинг секундига айланишлар сони n
ни санаб, кучни $F_1 = 4\pi^2 n^2 mR$ формуладап топамиш.



121- расм.



122- расм.

453. $v = 10 \text{ м/сек}$ тезлик билан ҳаракатланаётган конъкичининг музга нисбатан қиялиги $\alpha = 60^\circ$ бўлганда, унинг айланиш (вираж) радиуси қандай?

Ечилиши: Конъкичини тасвирлаб (122- расм), унга таъсир қилувчи P оғирлик кучи ва музнинг Q реакция кучини кўрсатамиз. Бу кучларнинг P тенг таъсир этувчиси R радиус бўйлаб горизонтал йўналган марказга интилма тезланиш ҳосил қиласди. Ньютомнинг иккинчи қонунига кўра

$$\vec{P} + \vec{Q} = \frac{\vec{mv^2}}{R} \quad \text{ёки } F = \frac{mv^2}{R}, \quad \text{бундан} \\ R = \frac{mv^2}{F},$$


$$F = P \operatorname{ctg} \alpha = mg \operatorname{ctg} \alpha, \quad \text{бундан } R = \frac{v^2}{g \operatorname{ctg} \alpha} \approx 18 \text{ м.}$$

Ўқувчилар таянч реакцияси кучнинг сиртга перпендикуляр йўналишига ўрганиб қолганлар, шунинг учун масалани ечишда кўпинча уларда нима учун Q куч музга нисбатан бурчак остида йўналгац, деган савол туғилиши мумкин. Бу ерда ўқитувчи Q кучнинг конъкига таъсир қилувчи $F_{\text{ишқ}}$ ишқаланиш кучи ва F_n нормал босим кучларнинг тенг таъсир этувчиси эканлигини изазarda тутиши керак (122- расмдаги қўшимча ясанига қаранг). $F_{\text{ишқ}}$ ишқаланиш кучи бу ерда марказга интилма тезланини ҳосил қиласди.

Шунингдек, $F_{\text{ишқ}}$ ни конъкиларнинг музга сирпаниш ишқаланиши билан алмаштириб юбормаслик керак. $F_{\text{ишқ}}$ — тинчликдаги ишқаланиш кучи ёки конъкиларнинг уларнинг тигига перпендикуляр йўналишда ҳаракатланандаги сирпаниш ишқаланиши кучи.

454. Поезд радиуси 400 м бўлган бурилишда 54 км/соат тезлик билан кетаётганда поезднинг рельсларга босим кучи унга перпендикуляр бўлиши учун ташки рельсни ички рельсдан қанча баланд кўтариш керак? Темир йўл колеяси (рельс оравлифи)нинг кенглиги 152,4 см га тенг (39, № 302).

Ечилиши. Вагонга (123-



123- расм.

расм) F оғирлик кучи ва F_n таянч реакцияси кучи таъсир қилади. Уларнинг горизонтал йўналгани F_1 тенг таъсир этувчиси марказга интилма тезланиш ҳосил қиласди.

Изланамётган катталик AB ни ABC ва OEH учбурчакларнинг ўхашлигидан топамиз:

$$\frac{AB}{AC} = \frac{F_1}{F}; AB = \frac{AC \cdot F_1}{F}, \quad (1)$$

$$AC = \sqrt{BC^2 - AB^2}. \quad (2)$$

$$F_1 = \frac{mv^2}{R}. \quad (3)$$

1—3 тенгламалар системасини ечиб, $AB = 8,6 \text{ см}$ эканини топамиз.

4. Планеталар ва сунъий йўлдошларнинг ҳаракати

Планеталар ва сунъий йўлдошларнинг ҳаракатини VIII сифатда айланалар бўйлаб текис ҳаракат деб қаралади.

Такрорлаш ва аввал ўтилган материаллар билан боғлани учун дастлаб осмон жисмларининг тортишини кучини ҳисоблашга доир бир-икки масалани ечиш фойдалидир.

Қуёш системасига тегинли қатор маълумотларни ўқувчилар дафтарларига ёзиб олишлари ва масалалар ечишда улардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Улардан баъзиларици ўқувчилар мустақил равишда тошишлари мумкин.

Планеталар ва сунъий йўлдошларнинг ҳаракатига доир кўлгина масалаларни кинематика ёрдамида, шунингдек, динамика ёрдамида ечиш мумкин. Масалаларни бир неча усувлар билан ечиш ўтган материалларни такрорлаш ва олингап натижаларни текшириш учун фойдалидир.

455. Ер орбитасини айлана деб ҳисоблаб, Ерни Қуёш атрофида айланишга мажбур қилувчи кучининг катталигини ҳисобланг.

Ечилиши. Изланамётган куч Қуёшнинг Ерни ўзига тортиш кучидир.

$$F = \gamma \frac{Mm}{R^2} = \frac{1 \text{ н} \cdot \text{м}^2 \cdot \text{кг}^{-2}}{1,5 \cdot 10^{10}} \cdot \frac{2 \cdot 10^{30} \text{ кг} \cdot 6 \cdot 10^{24} \text{ кг}}{1,5^2 \cdot 10^{22} \text{ м}^2} \approx 3,5 \cdot 10^{22} \text{ н}.$$

456*. Ернинг Қуёшга тортилиш кучига бардош бериши учун пўлат троснинг кўндаланг кесим юзи қандай бўлиши керак? Кўндаланг кесими 1 см^2 бўлган трос $7 \cdot 10^4 \text{ н}$ юкни кўтаради.

Ечилиши. Аввалги масалада берилганлардан фойдаланиб, қўйидагини топамиз:

$$S_{tp} = \frac{3,5 \cdot 10^{22} \text{ н}}{7 \cdot 10^8 \frac{\text{н}}{\text{м}^2}} = 5 \cdot 10^{13} \text{ м}^2 = 5 \cdot 10^7 \text{ км}^2.$$

Жавобни анализ қилиб, Ер шарининг катта доираси юзини ҳисоблаш қизиқарлидир: $s_{\text{Ер}} = \pi r^2 = 3,14 \cdot (6400 \text{ км})^2 \approx 1,3 \times 10^8 \text{ км}^2$. Буни олингаи жавоб билан солиштириб кўринг: $\frac{s_{\text{Ер}}}{s_{\text{ср}}} = 2,6$. Шу муносабат билан, нима учун Ер Қўёшга шундай улкан куч билан тортилишига қарамай, унга қулаб тушмайди, деган масалани яна бир марта қараб чиқиш фойдалидир.

457. Ер Қўёшга қулаб тушмаслиги учун у қандай тезлик билан ҳаракатланиши керак?

$$\text{Ечилиши. } F = \frac{mv^2}{R}; v = \sqrt{\frac{FR}{m}}.$$

456- масала маълумотларидан фойдаланиб, қуйидагини топамиз:

$$v = \sqrt{\frac{3,5 \cdot 10^{22} \text{ кг} \cdot 1,5 \cdot 10^{11} \text{ м}}{6 \cdot 10^4 \text{ кг}}} \approx 3 \cdot 10^4 \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$

Текшириш. Ер орбитасининг радиуси ва Ернинг Қўёш атрофида айланиш даврини (1 йил) билган ҳолда, унинг тезлигини ҳисоблаймиз: $v = \frac{2\pi R}{T}$,

$$v = \frac{2 \cdot 3,14 \cdot 1,5 \cdot 10^{11} \text{ м}}{365 \cdot 24 \cdot 3600 \text{ сек}} \approx 3,0 \cdot 10^4 \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$

458. Ҳаво бўлмаганда Ернинг сунъий йўлдоши Ер сиртида қандай тезлик билан ҳаракатланган бўлар эди?

Ечилиши. Йўлдошни орбитада сақлаб туриш учун $F = \frac{mv^2}{R}$ куч керак, бу ерда R — Ернинг радиуси. Бу куч оғирлик кучи ҳисобланади

$$F = mg = \frac{mv^2}{R}, v = \sqrt{Rg} \approx 8 \frac{\text{км}}{\text{сек}}.$$

459. Йўлдош Ердан узоқлашган сари унинг тезлиги қандай ўзгаради?

$$\text{Ечилиши. Ер сиртида } \frac{mv^2}{R_1} = \gamma \frac{Mm}{R_1^2}; v = \sqrt{\frac{\gamma M}{R_1}}.$$

Ердан R_2 масофада $v_2 = \sqrt{\frac{\gamma M}{R_2}}$, бинобарни, $v_2 = v_1 \sqrt{\frac{R_1}{R_2}}$.

Йўлдош Ердан узоқлашган сари унинг тезлиги камаяди.

460. „Восток- 3“ кемасининг орбитаси Ер сиртидан 220 км узоқликда тахминан доиравий орбита эди. Бунда ҳавонинг қаршилиги жуда кам. Кеманинг v тезлиги ва T айланиш даврини аниқланг.

Жавоби. $v \approx 7,8 \text{ км/сек}; T \approx 90 \text{ мин.}$

461. Ер марказидан қандай R_1 масофада йўлдош Ер сиртининг айни бир нуқтаси устида „муаллақ“ туриши мумкин?

(Бундай йўлдошлар „синхрон йўлдошлар“ дейилади.) $g \approx 10 \text{ м/сек}^2$.

Ечилиши. $F = mg_1$, бунда g_1 — Ер марказидан R_1 масо-фадаги эркин тушиш тезланиши. $F = \frac{mv^2}{R_1} = m\omega^2 R_1$, шунинг учун $mg_1 = m\omega^2 R_1$, бундан $R_1 = \frac{g_1}{\omega^2}$; g_1 ни икки усул билан топиш мумкин:

$$\text{а)} \frac{g_1}{g} = \frac{R^2}{R_1^2}; \quad g_1 = \frac{R^2 g}{R_1^2}. \quad \text{У ҳолда } R_1 = \sqrt[3]{\frac{g R^2}{\omega^2}} \approx 4,2 \cdot 10^7 \text{ м.}$$

$$\text{б)} g_1 = \gamma \frac{M}{R_1^2}; \quad R_1 = \sqrt[3]{\frac{\gamma M}{\omega}} \approx 4,2 \cdot 10^7 \text{ м.}$$

462. Ернинг Куёш атрофида айланиш тезлигини $v = 30 \text{ км/сек}$, Ер орбитасининг радиусини $R = 1,5 \cdot 10^{11} \text{ м}$ деб ҳисоблаб, Куёшнинг массасини аниқланг.

Ечилиши. $\gamma \frac{M_K M_{\text{Ер}}}{R^2} = \frac{M_{\text{Ер}} v^2}{R}$, бунда M_K , $M_{\text{Ер}}$ мос равиша Куёш ва Ернинг массалари, R — Ер орбитасининг ўртача радиуси.

$$M_K = \frac{v^2 R}{\gamma} \approx 2 \cdot 10^{30} \text{ кг.}$$

463. Экваторда Ернинг айланиши жисмнинг оғирлигига қандай таъсир кўрсатади?

Ечилиши. Экваторда жисмга \vec{F} тортишиш кучи ва \vec{F}_n таянч реакцияси кучи таъсир қиласи. Ньютоннинг учинчи қонунига кўра жисм таянчга сон жиҳатидан \vec{F}_n га тенг бўлган куч билан таъсир қиласи, бу унинг P оғирлигидир. Жисм $a = \frac{v^2}{R}$ марказга интилма тезланиши билан ҳаракатланётгани учун бу кучларнинг тенг таъсир этувчиси марказга қараб йўналган. Шунинг учун $P < F$.

464*. Ерни радиуси $R = 6400 \text{ км}$ бўлган шар деб ҳисоблаб, 1 кг массали жисмнинг оғирлиги экваторда қанча келишини ҳисобланг.


Ечилиши. Ньютоннинг иккинчи қонунига мувофиқ,

$$F - F_n = \frac{mv^2}{R};$$

$$F_n = F - \frac{mv^2}{R} = mg - \frac{mv^2}{R} = m(g - \omega^2 R), \quad \text{бу ерда}$$

$$g = \gamma \frac{M}{R^2} \approx 9,8 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}, \quad F_n = 1 \text{ кг} \cdot \left[9,8 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} - \left(\frac{2\pi}{24 \cdot 3600 \text{ сек}} \right)^2 \times 64 \cdot 10^6 \text{ м} \right] \approx 9,77 \text{ н} \approx 997 \text{ гк.}$$

Шундай қилиб, агар Ер радиуси $R = 6400 \text{ км}$ бўлганида эди, жисмнинг экватордаги оғирлиги



124- расм.

Тезланиш шоқулнинг берилган кенгликада Ер ўқи атрофида айланнишида ҳосил қилган кичик айлананинг радиуси бўйлаб йўналган. Бинобарин, тортишиш кучи ва ипнинг реакция кучининг тенг таъсир этувчиси ҳам Ер ўқига перпендикуляр ҳолда радиус бўйлаб йўналган. Бундан шу нарса келиб чиқадики, \vec{F} ва \vec{F}_T кучлар бир-бирига бурчак остида йўналган ва шоқулнинг или Ер радиусидан экваторрга қараб бирор α бурчакка оғган.

α унча катта бўлмай, бир неча минутга тенг бўлгани учун, биринчи яқинлашишда шоқул Ерининг марказига йўналган деб олинади. (Кучларнинг масштаби 124- расмда сақланмаган.)

466*. Ерини шар деб олиб, 45° кенгликада шоқулнинг қандай жойлашишини ҳисобланг.

Ечилиши. 124- расмдан кўриниб турибдик, $\operatorname{tg} \alpha = \frac{AB}{BC}$; $AB = F_1 \sin 45^\circ$. $BC = F - F_1 \cos 45^\circ$. $F_1 = m\omega^2 R_1$, бу ерда $R_1 = R_0 \cos 45^\circ$, R_0 — Ерининг радиуси.

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{F_1 \sin 45^\circ}{F - F_1 \cos 45^\circ} = \frac{m \omega^2 R_0 \sin 45^\circ \cdot \cos 45^\circ}{mg - m \omega^2 R_0 \cos 45^\circ \cdot \cos 45^\circ} = \frac{\omega^2 R_0 \sin^2 45^\circ}{g - \omega^2 R_0 \sin^2 45^\circ}.$$

Бу катталиктининг тартибини баҳолаймиз. $g \approx 10 \text{ м/сек}^2$. 464- масаладан маълумки,

$$\omega^2 R_0 \approx 0,03 \text{ м/сек}^2 \cdot \sin 45^\circ = 0,5.$$

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{0,03 \cdot 0,5}{10 - 0,03 \cdot 0,5} = 0,0015; \alpha = 0,0015 \text{ рад} \approx 5'.$$

қутбдаги оғирлигидан тахминан $1/300$ улушича кам бўлар эди). Амалда жисм ўз оғирлигининг $1/190$ қисмини йўқотади).

465. Чизмада Ер сиртининг ўрта кенгликларида шоқулнинг қандай жойлашишини кўрсатинг.

Ечилиши. Шоқулга

(124- расм) \vec{F} тортишиш кучи ва ипнинг \vec{F}_T тарағлилар кучи таъсир қиласди. Ньютоннинг иккинчи қонунига кўра $\sum \vec{F} = \frac{mv^2}{R}$.

Иш ва энергия

Бу тема VIII синфда ўтиладиган механика бўлимнинг яқунловчиси ҳисобланади. Ўни ўрганишда VI синфда олинган иш ва энергия ҳақидаги билимлардан, шунингдек, кинематика ва динамикадаги асосий маълумотлардан фойдаланилади, улар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади. Энергиянинг сақланиш ва айланиши қонуни, унинг турли процесслар ва ҳодисаларга қўлланиши теманинг асосий масаласидир. Жумладан, суюқликлар ва газларнинг ҳаракати (Бериулли қонуни) энергетик нуқтани назардан қаралади. Шунинг учун бу темага тегишли кўпгина масалалар аралаш (комбинацион) масалалардир. Бу масалалар ечинини анча қийинлаштиради, бироқ уларни ечиш ўқитувчига ўтилгайларни такрорлаш ва умумлаштиришда ажойиб восита бўлиб хизмат қилади ва ўкув йилнинг охирида бундан тўла фойдаланиш керак.

1. Иш ва қувват

Ўқувчиларниг билимларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш учун $A = Fs$ формуладан фойдаланиб, VI синфда ечилган (7- боб) масалаларга ўхшаш масалалар ечилади. Сўнгра куч йўналиши кўчиш йўналиши билан мос тушмайдиган масалалар ечилади. Бу ҳол учун $A = Fs \cos \alpha$ бўлади, бу ерда α – куч йўналиши ва кўчиш йўналиши орасидаги бурчак. Бу формуладан фойдаланиб ечиладиган дастлабки бир неча масалаларда F кучни ҳаракат йўналиши бўйлаб ва унга перпендикуляр қилиб икки F_1 ва F_2 ташкил этувчиларга ажратилади. Бу масала ечилишини ўқувчиларга маълум бўлган $A = F_1 s$ формулага келтиради. F_1 нинг қиймати алоҳида амал билан топилади: $F_1 = F \cos \alpha$.

Сўнгра ўқувчилар диккатини $F \cdot \cos \alpha$ кўнайтма жисмга таъсир қилувчи кучнинг кўчиш йўналишига проекцияси эканлигига қаратилади. (F куч бир неча кучларнинг тенг таъсир этувчиси бўлиши мумкин.) Шунинг учун кучларни ажратиш ўрнига уларни ҳаракат йўналишида проскциялаш ҳам мумкин.

Масалалар ёрдамида, шунингдек, ўқувчилар учун янги бўлган тушунчалар, масалалар, гарчи F ва s нолга тенг бўлмаса ҳам A иш нолга тенг бўлиши ёки манфий катталик бўлиши ҳақидаги тушунчалар чуқурлаштирилади ва мустаҳкамланади. Масалан, ишқаланиш кучлари манфий иш бажаради. Шунингдек, кучнинг қиймати ўзгарувчан катталик бўлган ҳолга доир ҳам бир неча масалалар ечиш керак. Бу масалалар мисолида ўқувчиларни ишни график усулда топиш билан таништириш ва баъзи бир ҳисоблашларда ўзгарувчан кучни

унинг ўртача қиймати билан алмаштириш мумкин эканлигини кўрсатиш керак.

Кучлар тўғрисидаги билимлардан фойдаланиб оғирлик күчининг, эластиклик кучининг ва ишқаланиш кучининг иши ҳақидаги масалалар ечилади.

Қувват $N = \frac{A}{t}$, $N = F \cdot v$ формуласардан аниқланади. VI синфдан фарқли ҳолда масалалар қўйидагича, яъни F , v , t ва бошқа катталиклар бевосита берилмай, балки ҳаракат тенгламаларидан, Ньютон қонуиларидан ва бошқа қонуилардан топиладиган қилиб бериш йўли билан мураккаблаштирилади.

467. Одам парашютда тушмоқда. Бунда қандай куч мусбат ва қандай кўч манфий иш бажаради?

468. От чанани баландликка тортиб чиқмоқда. Чизмада чанага таъсир қилувчи барча кучларни кўрсатинг, ҳар бир кучининг бажарган иши ҳисобланадиган формулани ёзинг.

469. Массаси $m = 2$ т бўлган вагонеткани ишчи горизонтал йўлда бир текис тортиб бормоқда. Агар ишқаланиш коэффициенти $k = 0,01$ бўлса, ишчининг $s = 100$ м йўлда қанча иш бажаришини топинг.

Ечилиши. $A = Fs \cos \alpha$; $\alpha = 0$ бўлгани учун $\cos \alpha = 1$.

$$F = kmg; A = kmgs = 20 \text{ кж.}$$

470. Аввалги масала шартида берилганларга кўра ишқаланиш кучининг қандай иш бажаришини топинг.


Ечилиши. $A_{\text{ишқ}} = F_{\text{ишқ}} s \cos \alpha = kmg \cos 180^\circ = -20 \text{ кж.}$

471. $h = 1,5$ м баландликдаги полкадан $F = 500$ н юкни аста тушираётган ишчи қандай иш бажаради? Бунда оғирлик кучи қандай иш бажаради?

Ечилиши. а) $A_{\text{одам}} = Fh \cos \alpha = 500 \text{ н} \cdot 1,5 \text{ м} \cos 180^\circ = -750 \text{ ж.}$ б) $A = Fh \cos 0^\circ = 750 \text{ ж.}$

472. Соҳилдан бораётган одам арқон ёрдамида қайиқни оқимга қарши тортиб бормоқда. Арқоннинг таранглик кучи $F = 150$ н. Арқон билан соҳил орасидаги бурчак $\alpha = 30^\circ$. Одам $s = 1 \text{ км}$ йўлда қандай иш бажаради?

Ечилиши. F кучни ҳаракат йўналишида ва унга перпендикуляр бўлган йўналишда икки F_1 ва F_2 ташкил этувчиларга ажратиб, чизма чизамиз (125- расм). F_2 ташкил этувчи йўна-



125- расм.

лишида жисм күчмайди ва шунинг учун F_2 куч иш бажармайды. F_1 куч қуйидаги ишни бажаради:

$$A = F_1 s, \quad F_1 = F \cos 30^\circ = \\ = 150 \text{ н} \cdot 0,87 \approx 130 \text{ н}.$$

$$A = 130 \text{ н} \cdot 1000 \text{ м} = 1,3 \cdot 10^5 \text{ ж.}$$

473. Икки ишчи полда оғирлиги $F = 900 \text{ н}$ бўлған яшикни текис силжитмоқда. Ишчилардан бири яшикни орқасидан полга нисбатан пастга йўналган $\alpha_1 = 30^\circ$ бурчак остида $F_1 = 300 \text{ н}$ куч билан итармоқда, иккинчиси эса худди шундай катталиқдаги F_2 куч билан полга нисбатан $\alpha_2 = 45^\circ$ бурчак остида арқон билан тортмоқда. Ишчилар яшикни $s = 20 \text{ м}$ масофага кўчириб, қандай иш бажарадилар?

Ечилиши. Чизмада (126- расм) яшикка таъсир қилувчи оғирлик кучи F , таянчнинг реакция кучи F_n , ишқаланиш кучи $F_{ишк}$ ва F_1 ва F_2 кучларни тасвирлаймиз. Кучларнинг кўчиш йўналишига проекцияларини топамиз.

$$F_1 \cos \alpha_1 = 300 \text{ н} \cdot \cos 30^\circ = 260 \text{ н};$$

$$F_2 \cos \alpha_2 = 300 \text{ н} \cdot \cos 45^\circ \approx 210 \text{ н}; \quad F_{ишк} \cdot \cos 180^\circ = -F_{ишк}.$$

F_n ва F кучларнинг проекциялари нолга teng. Плюс ишорали кучлар ҳаракатга тўсқинлик қилувчи, яъни кўчишга қарама-қарши йўналишидаги, демак, минус ишорали кучларга қарши иш бажаради.

$$A = 260 \text{ н} \cdot 20 \text{ м} + 210 \text{ н} \cdot 20 \text{ м} = 9400 \text{ ж.}$$

474*. Аввалги масаланинг шарти ва ечилишидан фойдаланиб, яшикнинг полга ишқаланиш коэффициентини топинг.


Ечилиши. Жисм текис ҳаракат қилгани учун

$$F_{ишк} = 260 \text{ н} + [210 \text{ н}] = 470 \text{ н}. \quad F_{ишк} = k F_k; \quad k = \frac{F_{ишк}}{F_k},$$


бу ерда F_k — яшикнинг полга босаётган кучи. F_k иш топиш учун яшикка таъсир қилаётган барча кучларнинг вертикаль йўналишдаги проекциясини оламиз:

$$F_k = F + F_1 \cos 60^\circ - F_2 \cos 45^\circ = 900 \text{ н} + 150 \text{ н} - 210 \text{ н} = 840 \text{ н}.$$

$$k = \frac{470 \text{ н}}{840 \text{ н}} = 0,56.$$



126- расм.



475. Пружинанинг бикирлигиги $k = 1,5 \text{ н/см}$ деб олиб, пружинанинг чўзилиши x нинг унга таъсир қилувчи кучга боғлиқлик графикини чизинг. Графикдан пружинанинг $8,5 \text{ см}$ чўзилиши учун зарур бўлган F куч ва A ишни аниқланг.

Ечилиши. F нинг x га боғлиқлиги тўғри пропорционал бўлгани учун, масалан, координаталари $O \text{ см} - 0 \text{ н}$ ва $10 \text{ см} - - 15 \text{ н}$ бўлган икки вуқтани олиш етарли (127-расм). Ини сон жиҳатидан OAB учбурчакнинг юзига тенг.

$$A = \frac{1}{2} OB \cdot AB = \frac{1}{2} \cdot 0,085 \text{ м} \times \\ \times 12,8 \text{ н} \approx 0,54 \text{ ж.}$$

476*. 127-расмда ифодаланган график ва 475- масалада берилганлардан фойдаланиб, $A = \frac{k(x_1^2 - x_0^2)}{2}$ формуланинг тўғрилигини текширинг.

477. 378- масала шартида берилганлардан ва унинг синидан фойдаланиб, самолётнинг қўнишдаги ишқаланиш кучи бажарган ишни аниқланг. Самолётнинг қўниш тезлигини 30 м/сек деб олиш.

Ечилиши. $A \cdot F_s \cos \alpha = -F_s$. Самолётнинг югуриш йўлини қўйидаги формуладан топамиз:

$$v^2 = 2as; \quad A = \frac{-Fv^2}{2a} = -\frac{300 \cdot 10^3 \text{ н} \left(30 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}\right)^2}{2 \cdot 6 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}} \approx -2,2 \cdot 10^7 \text{ ж.}$$

478 (э). Тахта, бруск ва динамометрдан фойдаланиб, қия текисликнинг фойдали иш коэффициентини унинг горизонтга қиялик бурчаги α га боғлиқ равишда қашдай ўзгаришини аниқланг.

Ечилиши. 92-расмда тасвириланган қурилмага ўхшашиб қурилма йигамиз.

$$\eta = \frac{A_{\Phi}}{A_e} \cdot 100 \% = \frac{Fh}{F_m \cdot l} \cdot 100 \%.$$

Главучтехпром ишлаб чиқарган асбобларининг биро билан ўтказилган тажрибада қўйидаги маълумотлар олинган эди:
 1) $\alpha = 30^\circ$; $F = 2,0 \text{ н}$; $h = 0,40 \text{ м}$; $F_m = 1,5 \text{ н}$; $l = 0,80 \text{ м}$;
 $\eta = 67 \%$. 2) $\alpha = 60^\circ$; $h = 0,70 \text{ м}$; $F = 2,0 \text{ н}$; $\eta = 85 \%$. α бурчак ортиши билан фойдали иш коэффициенти ортади.

479*. Аввалги масала шартидан фойдаланиб үй нинг α га боғлиқлигини назарий жиҳатдан аниқланг.

Ечилиши. F оғирлик кучини F_1 ва F_2 ташкил этувчиларга ажратамиз:


$$F_m = F_1 + F_{\text{ишк}} = F \sin \alpha + kF \cos \alpha = F (\sin \alpha + k \cos \alpha).$$

$$\eta = \frac{Fh \cdot 100\%}{F(\sin \alpha + k \cos \alpha) \cdot l} = \frac{1}{1 + k \operatorname{ctg} \alpha} \cdot 100\%.$$

α бурчак катталашган сари $\operatorname{ctg} \alpha$ кичиклашади, у ҳолда фойдали иш коэффициенти ортади.

480. $N = 2000$ от кучи қувватига эга бўлган локомотив $m = 2500 \text{ m}$ массали поездни $v = 36 \text{ km/соат}$ тезлик билан баландликка қараб тортмоқда. Агар ишқаланиш коэффициенти $k = 0,005$ га тенг бўлса, локомотив қандай максимал қияникни енга олади?

Ечилиши. Схематик чизма чизамиз (128- расм). Тепловознинг F_m тортиш кучи текис ҳаракатда F_1 кучини ва $F_{\text{ишк}}$ ишқаланиш кучини мувозанатлаши керак. α бурчак кичик бўлгани учун $\sin \alpha = \alpha$ (рад) деб қабул қилиш мумкин. Бинобарин,



128- расм.

F_m нинг қийматини $N = F_m \cdot v$ формуладаи топамиз:

$$\begin{aligned} \alpha &= \frac{N}{Fv} - k = \frac{2000 \cdot 75 \cdot 9,8 \text{ sm}}{2500000 \cdot 9,8 \cdot 10 \text{ sm}} - 0,005 \text{ rad} \approx 0,006 \text{ rad} - \\ &- 0,005 \text{ rad} \approx 0,001 \text{ rad} \approx 0,057^\circ. \end{aligned}$$

481*. Агар ТУ-114 самолёти Ердан $v = 360 \text{ km/соат}$ тезлик билан кўтарилиган бўлса, унинг двигателлари қандай ўртача қувватга ($o. k.$ ҳисобида) эришади? Самолётнинг массаси $m = 170 \text{ m}$, ўртача ишқаланиш коэффициенти $k = 0,05$, кўтарилигунга қадар югуриш йўлининг узулилиги $s = 3000 \text{ m}$.

$$\text{Ечилиши. } N = \frac{A}{t} = \frac{Fs}{t} = \frac{(F_{\text{ишк}} + F_a)s}{t} = (F_{\text{ишк}} + F_a)v_{\text{уру}}$$

Двигателлар $F_{\text{ишк}}$ ишқаланиш кучини енгишга қарши иш бажаради ва самолётни тезлаштирувчи F_a кучни ҳосил қиласди. $F_{\text{ишк}} = kmg$;

$$F_s = ma = m \frac{v^2}{2s} \cdot N = \left(kmg + m \frac{v^2}{2s} \right) \frac{v}{2} = [0,05 \cdot 30 \cdot 10^3 \text{ кг} \times \\ \times 9,8 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} + 30 \cdot 10^3 \text{ кг} \frac{(100 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2})^2}{2 \cdot 3000 \text{ м}}] \cdot \frac{100 \frac{\text{м}}{\text{сек}}}{2} \approx 10 \cdot 10^6 \text{ дж} \approx 14 \text{ минг от кучи.}$$

2. Механикавий энергия

Дастлаб ўқувчиларининг VI синфда олган маълумотларини назарга олиб (7- боб, 6- параграф), жисмларнинг потенциал энергиясига доир масалалар, сўнгра кинетик энергияга оид масалалар ечилади. $W_k = \frac{mv^2}{2}$ формула ўқувчиларга биринчи марта берилётгани учун бу масалаларга катта эътибор бериш керак.

Сўнгра асосий эътиборни механик процессларда энергиянинг сақланиш қонунига доир масалаларга, шунингдек, оддий механизмларнинг ишлашида энергиянинг сақланиш қонунига доир масалаларга берилади. Энергиянинг сақланиш қонунидан фойдаланиб ечиладиган аралаш (комбинацион) масалалар кинематика ва динамиканинг кўпгина бўлимларини тақорорлашда ажойиб восита бўлади.

Механик процессларда энергия сақланиш қонунининг физикавий моҳиятини ойдинлаштиришда дастлаб тушаётган жисмнинг энергияси мисолида қаршилик кучлари ҳисобга олинмайдиган идеал шароитлар учун $W = mgh + \frac{mv^2}{2}$ формуладан фойдаланиб масалалар ечилади. h ва v катталиклар жисмларнинг оғирлик кучи таъсирида текис ўзгарувчан ҳаракатини характерлайди. Сўнгра жисмнинг кинетик ёки потенциал энергия ҳисобига ци бажаришини қазарга олиш керак бўлган масалалар ечилади. Ҳисоблашларни соддалаштириш учун мухитнинг қаршилик кучининг ўртача қиймати F_{ypt} олинади. Масалалар $A = F_{ypt} s$; $A = \Delta W$ формулага мувофиқ ечилади, бу ерда ΔW — жисмнинг кинетик ёки потенциал энергиясининг ўзгариши. Формулага кучнинг қиймати киргани учун бу типдаги масалаларни Ньютоннинг иккинчи қонунидан фойдаланиб ечиш мумкин (№ 481).

Потенциал энергияга доир масалаларни ечишда потенциал энергия катталигини потенциал энергияси шартли равища ноль деб қабул қилинган сатҳга нисбатан аниқланишига асосий эътиборни қаратиш керак. Одатда бу сатҳ Ер сирти бўлади.

Ўқувчилар, шунингдек $W_n = mgh$ formulанинг таҳминий эканлигини эсдан чиқармасликлари керак, чунки g баландлик ўзгариши билан ўзгариб боради. Факат h нинг Ер радиусига

нисбатан кичик бўлган қийматлари учунгина g ни доимий катталик деб олиш мумкин.

$W_k = \frac{mv^2}{2}$ формула билан аниқланадиган кинетик энергия, шунингдек, тезлик ўлчанадиган ҳисоблаш системасига боғлиқ бўлади. Кўпинча ҳисоб системасини Ер билан боғлайдилар.

482. Одам биринчи қаватдан иккинчи қаватга кўтарилиганида унинг потенциал энергияси қанчага ўзгаради?

483. Қуйидаги ҳолларнинг қайсинисида жисмларнинг потенциал энергияси катта бўлади: а) болға сандон устида ва ундан 1 м баландликда турибди; б) ҳаво шари Ер сиртида ва ундан 1 км баландликда турибди; в) қутқариш доираси сув сиртида ва сув сиртидан 2 м чуқурликда турибди; г) деформацияланмаган, чўзилган ва худди шу катталика сиқилган пружина.

Жавоби. а) Кўтарилигдан болға $W_p = mgh$ формулага мувофиқ катта потенциал энергияга эга бўлади. б) Ҳаво шарига кўтариш кучи таъсир қиласи ва у юқорига кўтарилиб иш бажаради, бинобарин, шарнинг Ер сиртидаги потенциал энергияси 1 км баландликка кўтарилиганидан катта бўлади. в) Шарга ўхшаш, сувга ботирилигдан доиранинг потенциал энергияси сув сиртидагидан катта бўлади. г) Чўзилган ва сиқилган пружиналарнинг энергияси бир хил ($W_p = \frac{kx^2}{2}$), яъни уларнинг деформацияланишда бажарган ишларига тенг бўлади. Деформацияланмаган пружина бундай энергияга эга бўлмайди.

484. Синфда шундай масала ечили: „Массалари 500 кг дан бўлган икки юқини бири ердан учинчи қаватга, иккинчисини эса учинчи қаватдан тўртинчи қаватга кўтарилиди. Юкларни кўтаришда қандай иш бажарилган? Агар қаватнинг баландлиги $h = 4$ м бўлса, юкларнинг потенциал энергиялари нимага тенг?“

Ўқувчилардан бири масалани қўйидаги усул билан еди:

$$A_1 = mgh_1 = 5000 \text{ кг} \cdot 12 \text{ м} = 60 \text{ кж}; W_{p1} = 60 \text{ кж},$$

$$A_2 = mgh_2 = 5000 \text{ кг} \cdot 4 \text{ м} = 20 \text{ кж}; W_{p2} = 20 \text{ кж}.$$

Бундай ечиш тўғрими?

Жавоби. Масалани ечишда хатога йўл қўйилган: $W_{p2} \neq A_2$.

Масаланинг маъносига кўра юқнинг потенциал энергияси деб, унинг Ер сиртига нисбатан энергияси тушунилади.

$$W_{p2} = 5000 \text{ кг} \cdot 16 \text{ м} = 80 \text{ кж}.$$

485. Сувдан ҳажми $V_{му} = 1 \text{ м}^3$ бўлган куб шаклидаги муз бўлагини кўтариш учун қандай иш бажариш керак?

Ечилиши. 1. Бажарилган иш сув сиртидаги муз парчалығыннан потенциал энергиясынан сувдан күтарилилган музнинг потенциал энергияси ортишига тенг.

$$A = \Delta W_n := W_{n_2} - W_{n_1}.$$

Музнинг сувдан ташқаридаги ҳажмини анықладаймиз. Архимед кучи оғирлик кучини мувозанатлады ($\rho_c V_g = \rho_m V_m g$), бу ерда ρ_c ва V' мос ҳолда сувнинг зичлиги ва музнинг ботиб турган қисмнинг ҳажми, бундан

$$\frac{V'}{V} = \frac{\rho_m}{\rho_c}, \quad V' = \frac{1 \text{ м}^3 \cdot 900 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3}}{1000 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3}} = 0,9 \text{ м}^3.$$

Сувдан ташқарыда массаси $m_1 = 90 \text{ кг}$ бўлган $0,1 \text{ м}^3$ муз парчаси чиқиб турибди. Муз парчасининг қалинлиги $0,1 \text{ м}$. Бинобарин, музни $0,9 \text{ м}$ га күтариш керак. Оғирлик кучи Архимед кучи билан мувозанатлашгани учун, биринчи моментда күтариш учун керак бўлган күч $F = 0$. Сўнгра бу күч муз күтарилилган сари ортиб боради, чунки итариш кучи камайиб боради. Охиригина пайтда $F = 9,8 \text{ м/сек}^2 \cdot 1000 \text{ кг} \approx 10000 \text{ Н}.$ $F_{\text{ұрт}} = 5000 \text{ Н}.$

$$A = F_{\text{ұрт}} \cdot s = 5000 \text{ Н} \cdot 0,9 \text{ м} = 4,5 \text{ кж.}$$

Қатъий қилиб айтганда, ҳисоблашларда $F_{\text{ұрт}}$ кучдан фойдаланиш учун дастлаб кучниң музнинг күтарилиш бағандылыгига чизиқли болғылғынни тахминан исбот қилиш керак эди. Бу топшириқ айрим ўқувчиларга қўшимча машқ сифатида берилиши мумкин.

486. Массаси $m_{\text{ұк}} = 9,0 \text{ г}$ бўлган ва $v_{\text{ұк}} = 600 \text{ м/сек}$ тезлик билан учаётган ўқ билан массаси $m_{\text{одам}} = 60 \text{ кг}$ бўлган ва $v_{\text{одам}} = 18 \text{ км/соат}$ тезлик билан югураётган одамнинг кинетик энергияларини таққосланг.

$$\text{Ечилиши, } W_{\text{ұк}} = \frac{m_{\text{ұк}} v_{\text{ұк}}^2}{2} = \frac{0,009 \text{ кг} \left(600 \frac{\text{м}}{\text{сек}}\right)^2}{2} = 1,6 \cdot 10^3 \text{ жс};$$

$$18 \text{ км/соат} = 5,0 \text{ м/сек.}$$

$$W_{\text{одам}} = \frac{m_{\text{одам}} v_{\text{одам}}^2}{2} = \frac{60 \text{ кг} \left(5,0 \frac{\text{м}}{\text{сек}}\right)^2}{2} = 7,5 \cdot 10^2 \text{ жс.}$$

Бу ҳолда учаётган ўқнинг кинетик энергияси югураётган одамнинг кинетик энергиясидан катта бўлади.

487. Бомбардимончи самолётнинг ўқчиси рўбарў учиб келаётган қиравчи самолётга қаратса тўпдан ўт очди. m массаси снаряднинг йерга ва қиравчи самолётга нисбатан кинетик энергияси қандай? Қиравчи самолётнинг тезлиги $v_{\text{к}} = 1080 \text{ км/соат},$

бомбардимончи самолётнинг тезлиги $v_b = 720 \text{ км/соат}$ ва тўп снарядининг тезлиги $v_c = 800 \text{ м/сек}$.

Ечилиши. Снаряднинг Ерга нисбатан тезлиги $v_{c, ep} = v_c + v_b = 800 \text{ м/сек} + 200 \text{ м/сек} = 1000 \text{ м/сек}$.

$$W_{k, ep} = \frac{mv_{c, ep}^2}{2} = 5 \cdot 10^5 \text{ ж.}$$

Саноқ бошланадиган жисем сифатида қирувчи самолётни оламиз. 15- бобнинг 2- параграфида айтиб ўтганимиздек, жисмнинг янги координаталар системасидаги ($\vec{v}_{c, k}$) нисбий тезлигини топиш учун биринчи системадаги абсолют ($\vec{v}_{c, ep}$) тезликка тескари ишора билан олинган қўчирма тезликни, яъни биринчи саноқ системасига нисбатан иккинчи саноқ системасининг тезлигини (\vec{v}_k) қўшиш керак. \vec{v}_k пинг йўналиши $\vec{v}_{c, ep}$ га қарама-қарши бўлгани учун шундай ёзамиш:

$$v_{c, k} = v_{c, ep} + v_k = 1000 \frac{\text{м}}{\text{сек}} + 300 \frac{\text{м}}{\text{сек}} = 1300 \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$

$$W_{k, k} = \frac{mv_{c, k}^2}{2} = 8,4 \cdot 10^5 \text{ ж.}$$

Яъни кинетик энергиянинг катталиги жисмнинг тезлиги қандай саноқ системасида ўлчанишига бοғлиқ бўлар экан.

488. Массаси $0,10 \text{ кг}$ бўлган тўй $h = 10 \text{ м}$ баландликдан эркин тушмоқда. Тўпнинг туша бошлаган ва тушгац найтдаги, шушигдек, Ер сиртидан $h_1 = 4 \text{ м}$ баланддаги потенциал ва кинетик энергияларини топинг. $g = 10 \text{ м/сек}^2$ деб олинг. Ҳавонинг қаршилигини ҳисобга олманг.


Ечилиши. h баландликда тўпнинг потенциал энергияси $W_n = mgh = 0,10 \text{ кг} \cdot 10 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot 10 \text{ м} = 10 \text{ ж}$ га тенг. h_1 баландликда тўп потенциал ва кинетик энергияга эга. $W_n' = 0,10 \text{ кг} \times 10 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot 4 \text{ м} = 4 \text{ ж}$. Энергиянинг сақланиш қонунига асосан $W_k' = W_n - W_n' = 10 \text{ ж} - 4 \text{ ж} = 6 \text{ ж}$.

Текшириш. $W_k' = \frac{mv^2}{2}$. Эркин тушини қонунига кўра

$$v^2 = 2gh; W_k' = \frac{0,10 \text{ кг} \cdot 2 \cdot 10 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot 6 \text{ м}}{2} = 6 \text{ ж.}$$

Қўйи нуқтада тўпнинг бутун энергияси кинетик энергия бўлади. $W_k = 10 \text{ ж.}$

489. Бруск „ўлик сиртмоқ“ чизиб (129- расм) ушинг энг юқори нуқтасига ҳеч қандай босим бермаслиги учун қандай минимал баландликдан тушини керак? Сиртмоқнинг B ва E нуқталарида брускининг сиртмоққа босим кучини аниqlанг.



129- расм.

Жисем „сиртмоққа“ оғирлик күчига тенг күч билан сиқилған D нүктаны топинг. Агар сиртмоқнинг EMB қисми бўлмагандан эди, брусоқ E нүктани ўтгандан сўнг қандай ҳаракатланган бўлур эди?

Ечилиши. Жисмнинг E нүкталиги вазияти учун Ньютоннинг иккинчи қонунини қўллаймиз. Бунинг учун радиус бўйлаб марказага йўналган векторларни мусбат, марказдан ташқарига йўналган векторларни манфий деб оламиз.

$$F + F_n = \frac{mv^2}{R}.$$

Шартга кўра $F_n = 0$, у ҳолда $F = \frac{mv^2}{R}$ (1). $F = mg = \frac{mv^2}{R}$; $v^2 = gR$. Энергиянинг сақланиш қонунига кўра жисмнинг E нүкталиги вазияти учун

$$mgh = \frac{mv^2}{2} + 2mgR; \quad (2)$$

$$h = \frac{v^2}{2g} + 2R.$$

Бинобарин, $h = \frac{R}{2} + 2R = 2,5R$. B нүкта учун $F_n - F = \frac{mv^2}{R}$. $v^2 = 2gh = 5gR$ бўлгани учун $F_n = 6mg$ (демак, юкланиш 6 марта ортиб кетар экан).

Жисем сиртмоқ бўйлаб B нүкталиги ҳаракатланганда юкланиш ва вазнисизликка дуч келади. Демак, шундай D нүкта ҳам борки, бу нүкталиги сиртмоқ жисмга оғирлик күчига тенг күч билан таъсири қиласи. Бу нүкталиги Ньютоннинг иккинчи қонунига кўра $F_n + F = ma$. Векторларни радиус

Йўналишида проекциялаймиз: $F_n + F \cos \alpha = \frac{mv^2}{R}$; $\cos \alpha = \frac{h'}{R}$;
шартга кўра $F_n = F = mg$;

$$v^2 = 2g(h - R - h') = g(3R - 2h'); mg + mg \frac{h'}{R} = \frac{mg(3R - 2h')}{R},$$

бундан

$$h' = \frac{2}{3}R.$$

Агар сиртмоқнинг EMB қисми бўлмагандан эди, жисм E нуқтадан парабола бўйлаб ҳаракатланган бўлур эди. Учиш узоқлиги $s = v_e t = \sqrt{2gh_1} \cdot \sqrt{\frac{2h_2}{g}} = \sqrt{2g \cdot 0,5R} \cdot \sqrt{\frac{2 \cdot 2R}{g}} = 2R$.

490. Массаси 60 кг бўлган цирк артисти тортиб қўйилган тўрга 10 м баландликдан сакрамоқда. Агар тўр 1 м га эгилса, артист қандай ўртача куч билан тўрга босади? Агар тўр $0,1 \text{ м}$ га эгилган бўлса, тўрга ўртача босим кучи қандай бўлур эди? (39, №-366).

Ечилиши. Масалада энергиянинг йўқолиши назарга олинмаётгани учун қўтарилиган жисмнинг потенциал энергияси эластик деформацияланган тўрнинг потенциал энергиясига айланади деб ҳисоблаш мумкин.

$$mgh = \frac{kx^2}{2} = \frac{kx}{2} \cdot x = F_{\text{урт}} x.$$

$g = 10 \text{ м/сек}^2$ деб қабул қиласиз.

$$F_{\text{урт}_1} = \frac{mgh}{x_1} = \frac{60 \text{ кг} \cdot 10 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot 11 \text{ м}}{1 \text{ м}} \approx 6,6 \cdot 10^3 \text{ Н.}$$

$$x_2 = 0,1 \text{ м} \text{ бўлганда } F_{\text{урт}_2} \approx 6 \cdot 10^4 \text{ Н.}$$

Бу масала мисолидан мўлжалланган зарба қучларини камайтириш учун „юмшоқ“ амортизаторларнинг аҳамияти катта эканлиги кўриниб турибди, буни $F_{\text{урт}} t = \vec{m v}_2 - \vec{m v}_1$ формуладан ҳам тушунтириш фойдалидир. $m v_2 = 0$ бўлгани учун $F_{\text{урт}} = \frac{m v_1}{t}$ бўлади. Эгилни катталиги x қанча катта бўлса, t вақт шунча кўп ва $F_{\text{урт}}$ куч шунча кичик бўлади.

491. Агар тўпнинг тушиш охиридаги тезлиги 13 м/сек бўлса, 488- масаланинг шартига кўра, ҳаво қаршилигини енгишга кетган ишини топинг.


Ечилиши. Тўпнинг тушиш охиридаги (энг пастки нуқтадаги) барча энергияси кинетик энергиядир.

$$W_k = \frac{mv^2}{2} = \frac{0,10 \text{ кг} \left(13 \frac{\text{м}}{\text{сек}}\right)^2}{2} = 8,45 \text{ ж.}$$

$$A = 10 \text{ ж} - 8,45 \text{ ж} \approx 1,6 \text{ ж.}$$

492. Синаш вақтида массаси 1300 кг бўлған „Москвич“нинг қуруқ асфалт йўлда 30 км/соат бошлангич тезликдаги тормозланиш йўли 5 м, 50 км/соат тезликдаги тормозланиш йўли 12 м эканлиги аниқланди. Бу маълумотларга кўра, ҳар бир тезлик учун тормозланишдаги ўртача қаршилик кучини топинг.

Ечилиши. Қаршилик кучларига қарини иш кинетик энергия ҳисобига бажарилади, шунинг учун



130- расм.

$$F_{\text{упр}_1} s = \frac{mv^2}{2}; F_{\text{упр}_1} = \frac{mv^2}{2s};$$

$$30 \text{ км/соат} \approx 8,3 \text{ м/сек};$$

$$F_{\text{упр}_1} = \frac{1300 \text{ кг} \cdot \left(8,3 \frac{\text{м}}{\text{сек}}\right)^2}{2 \cdot 5 \text{ м}} = 9,0 \text{ кн}.$$

Шунга ўхшаш $F_{\text{упр}_2} = 25 \text{ кн}$ эканини топамиз.

Бу масала мисолида қаршилик (ишқаланиш) жисмларниң ҳаракат тезлигига боғлиқ эканини тушунтириш керак. Газлар ва суюқликларда қаршилик тезлик ортиши билан ортади (№ 513). Биз кўраётган ҳолда қаршилик кучи шишаларниң йўлга ишқаланишигагина эмас, балки ҳавонинг қаршилигига ҳам боғлиқ.

493. Ичида бир томчи эфири бўлган найдча 1 м узунликдаги енгил стерженга осилган (130- расм). Найдча вертикал текислик бўйлаб тўла айланиши учун эфир қизитилгандан сунг пўкақ қандай тезлик билан отилиб чиқини керак? Пўкақнинг массаси 20 г, найдацинг массаси 100 г (21, №442).

Ечилиши. Найдча ва пўкақ қарама-қарши томонга ҳаракатланади (реактив ҳаракат). Ҳаракат миқдорининг сақланиш қонунига кўра эфир ва стерженинг массаларини назарга олмай, қўйидагини ёзиш мумкин:

$$(m_1 + m_2) \vec{v} = m_1 \vec{v}'_1 + m_2 \vec{v}'_2;$$

$$\vec{v} = 0 \text{ бўлгани учун}, m_1 \vec{v}'_1 = -m_2 \vec{v}'_2 \quad (1)$$

Минус ишора жисмларниң қарама-қарши йўналишида ҳаракатлананини кўрсатади. Бу тенгламада \vec{v}'_1 ва \vec{v}'_2 иккита по маълум катталил. Шунинг учун энергиянинг сақланиш қонунидан фойдаланиб, яна битта тенглама тузамиз. Гастки вазиятда найдча $\frac{m_1 v_1'^2}{2}$ кинетик энергияга, юқори вазиятда эса $m_1 g 2l$ потенциал энергияга эга, бу ерда l — османинг узунлиги.

$$\frac{m_1 v_1'^2}{2} = 2m_1 g l \quad (2).$$

(1) тенгламадан $v_1' = \frac{m_2 v_2'}{m_1}$ эканини топамиз ва (2) тенгламага қўямиз. Була $\frac{m_1 v_2^2 v_2'^2}{2 m_1^2} = 2 m_1 g l$ ҳосил қиласиз, бундан

$$v_2' = 2 \frac{m_1}{m_2} \sqrt{l g} \approx 31 \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$

494*. Массалари m_1 ва $m_2 = 2m_1$ бўлган икки эластик шарча бир таянч нуқтага эга бўлган $l = 125 \text{ см}$ узунликдаги ипларга осилди ва ипларни икки томонга горизонтал ҳолатга келгунча ажратиб, сўнгра қўйиб юборилди. Шарчалар пастки нуқтада ўзаро тўқнашгандан сўнг уларнинг ҳар бири қандай баландликка кўтарилади?

Ечилиши. Масалани ечиш учун шарларнинг пастки нуқтада тўқнашгандаи кейинги тезликларини билиш керак. У ҳолда баландликни $v^2 = 2gh$ формуладан топиш мумкин. Шарларнинг тезликларини импульснинг сақланиш қонунидан топамиз:

$$m_1 \vec{v}_1 + m_2 \vec{v}_2 = m \vec{v}_1' + m_2 \vec{v}_2'.$$

Шарлар бирдай баландликдан тувади, бинобарин, $v_1 = v_2 = \sqrt{2gl} = 5 \frac{\text{м}}{\text{сек}}$.

m_2 массали шарниң ҳаракат йўналишини мусбат йўналиш деб оламиз ва $m_2 = 2m_1$ эканини назарда тутамиз. У ҳолда скаляр тенгликнинг чап томонида мусбат катталик $-m_1 v + 2m_1 v = m_1 v$ туради. $m_1 v_1'$ импульс ҳам мусбат катталик бўлиши керак, акс ҳолда шар аввалги йўналишида m_2 массали шар билан биргаликда ҳаракатланар, яъни $m_1 v_1'$ ва $m_2 v_2'$ иккала катталик манфий бўлар эди, бундай бўлиши мумкин эмас.

v_2' векторнинг йўналиши бизга маълум эмас. Уни мусбат деб фарауз қиласиз. У ҳолда скаляр шаклдаги (1) тенглама қўйидаги кўринишга келади:

$$m_1 v = m_1 v_1' + 2m_1 v_2' \text{ ёки } v = -v_1' + 2v_2'. \quad (2)$$

Тенгламада иккита v_1' ва v_2' номаълум катталик бўлгани учун шарларнинг тўқнашгунга ва тўқнашгандаи кейинги кинетик энергияларини тенглаб, энергиянинг сақланиш қонунидан ҳам фойдаланамиз:

$$\frac{m_1 v^2}{2} + \frac{2m_1 v^2}{2} = \frac{m_1 v_1'^2}{2} + \frac{2m_1 v_2'^2}{2}, \text{ ёки } 3v^2 = v_1'^2 + 2v_2'^2. \quad (3)$$

(3) тенгламага (2) тенгламадаги v_1' нинг қийматини қўямиз:

$$3v_2'^2 - 2v_1' v_2' - v^2 = 0. \quad v_2' = \frac{2v \pm \sqrt{4v^2 + 4 \cdot 3v^2}}{6}.$$

$$v_{21}' = 5 \frac{\text{м}}{\text{сек}}, \quad v_{22}' \approx -1,67 \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$

Биринчи илдиз масаланинг шартига жавоб бермайди, чункик m_2 массали шарнинг тезлиги ўзгаришсиз қолиши мумкин эмас. Демак,

$$v'_2 \approx -1,67 \frac{m}{sec}.$$

Минус ишора m_2 массали шарнинг тўқнашгандан сўнг қарама-қарши йўналишда ҳаракатланишини билдиради. $v_1 = v - 2v'_2 \approx 8,33 \frac{m}{sec}$. Шарларнинг қандай баландликка қўтарилишини $v^2 = 2gh$ формуладан топамиз, $h_2 \approx 0,14 m$, $h_1 \approx 3,5 m$. Демак, m_1 массали шар ипнинг имкон берган масофасигача қўтарилади ва сўнгра бирор тезлик билан ҳаракатланади.

Ечишини текшириш. Шарларнинг тушгунга қадар потенциал энергиялари

$$W_1 = 3mg \approx 3,8 mg \text{ (ж).}$$

Тушгандан кейинги потенциал энергиялари $W'_1 = 2m_1gh_2 + m_1gh_1 \approx 2m_1g \cdot 0,14 \text{ (ж)} + m_1g \cdot 3,5 \text{ (ж)} \approx 3,8 mg \text{ (ж)}$.

495. 494- масаланинг шартидан шарлар биргаликда ҳаракатлангандаги и тезликни ва вақтнинг шу пайти учун эластик ўзаро таъсирининг W_s потенциал энергиясини аниқланг.

Ечилиши. Энг катта деформацияланиш вақтида шарлар худди 3 m массали жисм сингари бирор и тезлик билан ҳаракатланади. Импульснинг сақланиш қонунидан $mv = 3mi$, бундан $i = \frac{v}{3} \approx 1,67 \frac{m}{sec}$.

Шуниси қизиқки, шарлар m_2 массали шарнинг ҳаракатланиш йўналишида ҳаракатланади. Бироқ сўнгра эластик ўзаро таъсири натижасида m_2 массали шар тескари йўналишида ҳаракатлана бошлайди. Шарлар энг пастки нуқтада турибди деб, энергиянинг сақланиш қонунига кўра қўйидагини ёзиш мумкин:

$$W_s = W_{\text{п}} - W_k = 3mgh - \frac{mu^2}{2c} \approx 34 m \text{ (ж).}$$

496. Оддий механизмининг (чиғир, полиспаст, домкрат ва ҳоказо) тузилишини кўрмай туриб, кучдан ютишини қандай аниқлаш мумкин? Ишқаланишини назарга олманг.

Жавоби. Механизмининг учларидаги куч қўйилган нуқталар босиб ўтган йўлларнинг нисбатини топни керак.

497 (э). Бундан аввалти масаланинг ечимидан фойдаланиб, мактаб гидравлик прессининг кучдан қандай ютуқ беришини аниқланг. Пресс дастасининг ричаг сифатида таъсири қилишини назарда тутинг. Ишқаланишини ҳисобга олманг.

498. Блоклар ёрдамида 50 kg массали юк $h = 10 m$ баландликка қўтарилиди. 300 N куч билан тортилаётган арқоннинг учи $s = 20 m$ масофага қўтарилади. Блокларнинг мумкин бўлган схемасини чизинг ва уларнинг фойдали иш коэффициентини аниқланг.

Ечилиши. Бу блоклардан фойдаланғауда масофадан иккى марта ютқазилади ($20 \text{ м} : 10 \text{ м} = 2$), бинобарин, битта құзғалувчан блокдан фойдаланилади.

$$\eta = \frac{A_{\text{фой}}}{A_{\text{сарф}}} \cdot 100 \% = \frac{500 \text{ н} \cdot 10 \text{ м}}{300 \text{ н} \cdot 20 \text{ м}} \cdot 100 \% \approx 83 \%.$$

499. Дастаннинг узунлиги $R = 0,4 \text{ м}$ ва винт қадами $h = 0,5 \text{ см}$ бўлган домкратнинг дастанига $F_2 = 90 \text{ кН}$ куч билан таъсири қилинса, у қандай F_1 кучга эришади? Домкратнинг фойдали иш көфициенти $\eta = 55 \%$.

Ечилиши. Дастаннинг бир марта айланиши учун

$$\eta = \frac{A_{\text{фой}}}{A_{\text{сарф}}} \cdot 100 \% = \frac{F_1 h}{2\pi \cdot R \cdot F_2} \cdot 100 \%,$$

бундан

$$F_1 = \frac{\eta \cdot 2\pi R F_2}{h \cdot 100 \%} = \frac{55 \% \cdot 2 \cdot 3,14 \cdot 0,4 \text{ м} \cdot 90 \text{ кН}}{0,005 \text{ м} \cdot 100 \%} = 25000 \text{ кН}.$$

3. Суюқликлар ва газларнинг ҳаракати

Бу тема бўйича [гидростатикани (6- боб) қисқача тақрорлагандан сўнг] дастлаб суюқлик ва газларнинг сиқилувчанилиги ва қовушоқлигини назарга олмай, уларнинг ҳаракатига доир масалаларни ечиш керак. Суюқликларнинг оз сиқилувчанилиги ўқувчиларга маълум. Сув, керосин, бензин, спирт сингари суюқликларнинг қовушоқлиги (ички ишқаланиши) кам бўлишини ўқувчилар турмуш тажрибаларидан биладилар. Газларнинг кичик босим фарқи туфайли юзага келадиган секундига ўнлаб метр тезлик билан ҳаракатланишларидаги сиқилувчанилигини назарга олмаса ҳам бўлади.

Масалалар ечишда қўйидаги тенгламалардан фойдаланилади: оқимнинг узлуксизлиги тенгламаси $Sv = \text{const}$ ёки $\frac{v_1}{v_2} = \frac{S_2}{S_1}$;

Бернулли тенгламаси

$$\rho g + p + \frac{\rho v^2}{2} = \text{const}, \text{ ёки}$$

$$\rho g h_1 + p_1 + \frac{\rho v_1^2}{2} = \rho g h_2 + p_2 + \frac{\rho v_2^2}{2}.$$

Бу тенгламани энергия сақланиш қонунининг хусусий ҳоли сифатида қаралади.

VIII синфда асосан суюқлик ёки газларнинг горизонтал оқиши ҳақидаги масалалар ечилади. Бернулли тенгламаси бу ҳол учун қўйидаги кўринишни олади:

$$p + \frac{\rho v^2}{2} = \text{const},$$

бу ерда p — статик босим, $\frac{\rho v^2}{2}$ — эса динамик босим.

Масалалар ечишда суюқликнинг $Q = \rho S v$ формула бўйича топиладиган ҳар секунддаги сарфи ҳақидаги тушунча, шунингдек, суюқлик ҳажми $V = S v$ ҳақидаги тушунчани киритиш фойдалидир.

Охирида суюқлик ва газларниң қатламлари орасидаги ички ишқаланиши назарга олиш зарур бўлган ҳодисаларга доир масалалар, шунингдек, уларниң ўзлари оқаётган жисмлар сиртига ишқаланиши назарга олинадиган масалалар ечилади.

Юқорида айтилганларга мувофиқ, типик масалаларга суюқликнинг оқим тезлиги ва сув сарфини аниқлаш; оқим қуввати, динамик, статик ва тўла босими ҳисоблаш; сув оқимли насоснинг, самолёт тезлигини ўлчайдиган асбобининг ишлашини тушунириш; суюқликларниң трубаларда ҳаракатланишида ва ҳаракатланастган жисмни айланиб ўтишида ишқаланишининг ролини аниқлаш; самолёт қанотининг кўтариш кучини тушунириш ва ҳисоблашга доир масалалар киради.

500. Дарёнинг оқим тезлиги қаерда катта: дарёнинг кенг ва чуқур қисмидами ёки унинг тор ва саёз қисмидами?

501. Нима учун брандспойтнинг тешиги у уланган шланг диаметридан кичик диаметрли қилиб тайёрланади?

500- ва 501- сифатга оид масалаларни ечишда $\frac{v_1}{v_2} = \frac{S_2}{S_1}$ формуладан фойдаланилади ва бу формулага кўра оқимнинг кўйдаланг кесим юзи қанча катта бўлса, унинг тезлиги шунча кичик бўлади деб холоса қилинади. Оқим тезлигини орттириш учун унинг кўйдаланг кесим юзини камайтириш керак. Масалан, сув оқимининг узоқ масофага бориб етишини таъминлаш мақсадида брандспойтда шундай қилинади.

502 (Э). Тажрибада водопровод жўмраги тешиги олдидағи сув оқими тезлигини аниқланг ва жўмрак уланган трубадаги сув оқими тезлигини ҳисобланг. (Одатда жўмрак уланадиган „ярим дюомли“ трубанинг D диаметрини 1,27 см га тенг деб олинади.)

Ечилиши. Жўмрак тешиги олдидағи сув оқими тезлиги v_1 ни шундай аниқлаймиз: 1 сек ичида сув зарраси сои жиҳатидан v га тенг бўлган йўлни ўтади. Бир секундда оқиб чиқувчи сувнинг ҳажми $V_1 = v_1 S_1 = v_1 \frac{\pi D_1^2}{4}$, бу срда D_1 – жўмрак тешигининг диаметри. Бирор маълум ҳажмли идишининг сув билан тўлиши учун кетган t вақтни аниқлаб оламиз. У ҳолда $V = v_1 \frac{\pi D_1^2}{4} \cdot t$, бунда $v_1 = \frac{4V}{\pi D_1^2 t}$.

Тажрибаларнинг бирида шундай натижка олингани:

$$V = 2\lambda = 2 \cdot 10^3 \text{ см}^3; D_1 = 9 \text{ мм} = 0,9 \text{ см}; t = 15 \text{ сек.}$$

$$v_1 = \frac{4 \cdot 2 \cdot 10^3 \text{ см}^3}{3,14 \cdot (0,9 \text{ см})^2 \cdot 15 \text{ сек}} \approx 2 \cdot 10^2 \frac{\text{см}}{\text{сек.}}$$

Жұмракқа келиб уланадиган трубадаги сувнинг оқим тезлиги v_2 ни қыйидаги пропорциядан топамыз:

$$\frac{v_1}{v_2} = \frac{S_2}{S_1}; \quad v_2 = \frac{v_1 S_1}{S_2} = \frac{v_1 \frac{\pi D_1^2}{4}}{\frac{\pi D_2^2}{4}} = \frac{v_1 D_1^2}{D_2^2} = 1 \cdot 10^2 \frac{\text{см}}{\text{сек}}.$$

503. Күйбішев ГЭС турбинасининг ишчи ғилдираги орқали 1 сек да 700 м^3 сув 25 м сим. уст. босими остида үтади. Турбинанинг фойдалы иш коеффициенти 90% га тең деб олиб, уннинг қувватини анықланг (39, № 400).

Ечилиши. Турбина ишлаганда сувнинг 90% потенциал энергияси электр энергияга айланади. Секундига сарф бўладиган энергияни $W_n = mgh$ формуладан аниқлаймиз, бу ерда $m = \rho V$ — турбинадан 1 сек да оқиб үтадиган сувнинг маассаси.

Турбинанинг қуввати

$$P = \rho V g h \cdot 0,9 = 1000 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3} \cdot 700 \frac{\text{м}^3}{\text{сек}} \cdot 9,8 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot 25 \text{ м} \cdot 0,90 = 1,5 \cdot 10^5 \text{ квт}.$$

504* (Э). Агар идишлаги сувнинг сатҳи ундағи тешикдан $h = 0 \text{ см}$ баландда бўлса, сув оқимининг тешикдан оқиб чиқиш тезлигини ҳисобланг ва тажрибада аниқланг.

Ечилиши. Юқори сатҳ даги ва тешик сатҳидаги суюқлик учун Бернулли тенгламасини ёзамиз. Бунда суюқликка $p_{\text{атм}}$ атмосфера босими таъсир қилишини назарга оламиз.

$$\rho g h_1 + p_{\text{атм}} + \frac{\rho v_1^2}{2} = \rho g h_2 + p_{\text{атм}} + \frac{\rho v_2^2}{2}.$$

Тешик сатҳини нолинчи сатҳ деб қабул қиласыз: $h_2 = 0$. Шунингдек, $v_1 \ll v_2$ эканини ҳам ҳисобга оламиз.

У ҳолда тенгламани қыйидаги күринишда ёзиш мумкин:

$$\rho g h_1 + \frac{\rho v_2^2}{2}.$$

Бу формуланинг суюқлик масса бирлиги учун энергиянинг сақланиш қонуенининг математик ифодаси эканига ўқувчилар диктатини жалб қилиш керак: h_1 баландликдаги потенциал энергия $h = 0$ сатҳдаги кинетик энергияга тең,

$$v_2 = \sqrt{2gh_1} = \sqrt{2 \cdot 980 \frac{\text{см}}{\text{сек}^2} \cdot 10 \text{ см}} \approx 140 \frac{\text{см}}{\text{сек}}.$$

Суюқликнинг тешикдан оқиб чиқиш тезлиги худди h_1 баландмикдан әркін тушаётган жисманинг тезлиги сингари бўлади (Горричелли теоремаси).

Төвшириш. v_2 иннег қийматини оқимнинг бориб етиш узоқлигидан толиш мумкин: $v_2 = \frac{s}{t} \cdot t$ вақтни $h = \frac{gt^2}{2}$ форму-

ладан аниқлаймиз, бу ерда h — оқимнинг бориб тушган нуқтасидаги сатҳдан тешикнинг баландлиги:

$$v_2 = \sqrt{\frac{s}{\frac{2h}{g}}}.$$

Тажрибалардан биринда $h = 7,5 \text{ см}$ бўлганда, $s = 17 \text{ см}$ эканлиги топилган эди. Бинобарин, тезликнинг қиймати

$$v_2 = \sqrt{\frac{17 \text{ см}}{\frac{2 \cdot 7,5 \text{ см}}{980 \frac{\text{см}}{\text{сек}^2}}}} \approx 140 \frac{\text{см}}{\text{сек}}$$

бўлиши керак, бу қиймат юқорида олинган жавобга тўғри келади.

505 (з). Бир варақ қоғознинг бир бурчагидан вертикаль вазиятда ушлаб туриб, найчадан аввал унга перпендикуляр, сўнгра эса унинг сирти бўйлаб ҳаво оқимини йўналтиринг. Ҳар бир ҳолда қоғоз варағи қайси томонга ва нима учун оғади?

Жавоби. Биринчи ҳолда ҳаво оқимини қоғоз варағи тўхтади ва Бернулли қонуни $p + \frac{\rho v^2}{2} = \text{const}$ га кўра p босим $\frac{\rho v^2}{2}$ катталикка ортади. Варақ ҳавонинг ҳаракат йўналишида оғади. Иккинчи ҳолда варақнинг бир томонида босим атмосфера босимидан $\frac{\rho v^2}{2}$ катталикка кам ва шунинг учун варақ ҳаво оқимига қараб тортилади.

506. $\frac{\rho v^2}{2}$ катталикинг ўлчамлиги босимнинг ўлчамлиги сингари эканини кўрсатинг.

507. 505- масаланинг шартига кўра, агар ҳавонинг тезлиги $v = 50 \text{ м/сек}$ бўлса, ҳаво оқимидағи босимнинг атмосфера босимидан қанча кам бўлишини ҳисобланг.

Ечилиши. Оқимдаги босим атмосфера босимидан қўйидаги катталикка кам:

$$\frac{\rho v^2}{2} = \frac{1,29 \cdot \frac{\text{кг}}{\text{м}^3} \left(50 \frac{\text{м}}{\text{сек}}\right)^2}{2} = 1,6 \cdot 10^3 \frac{\text{Н}}{\text{м}^2}.$$

Олинган жавобдан, секундига ўнлаб метр тезликларда ҳаво оқимидағи босим атмосфера босимидан унчалик фарқ қилмаслигини кўрамиз. Бироқ, агар юз катта бўлса, босим кучи катта қийматларга эришиши мумкин.

Бу ҳолда ҳар 1 м^2 га 1690 Н куч таъсир қилиши ечимдан кўриниб турибди.

508. Учиш вақтида самолётнинг қаноти остидаги босим $9,78 \cdot 10^4 \frac{\text{Н}}{\text{м}^2}$, қанотнинг устида эса $9,67 \cdot 10^4 \frac{\text{Н}}{\text{м}^2}$. Қанотларнинг

юзи 20 м^2 . Агар атака бурчаги 0° га тенг бўлса, кўтариш кучини аниқланг.

Ечилиши. Босимлар фарқи $\Delta p = 1,1 \cdot 10^3 \text{ Н/м}^2$. Қанотнинг пастки сирти горизонтал бўлгани учун (атака бурчаги 0°), босим кучи вертикал юқорига йўналган ва кўтариш кучига тенг дейиш мумкин.

$$F = \Delta p S = 1,1 \cdot 10^3 \frac{\text{Н}}{\text{м}^2} \cdot 20 \text{ м}^2 = 2,2 \cdot 10^4 \text{ Н.}$$

509. Ҳавонинг тезлигини 131-расмда кўрсатилган асбоб ёрдамида ўлчаш мумкин. Агар манометрдаги сув сатҳларининг фарқи $h = 65 \text{ см}$ бўлса, ҳавонинг тезлиги қандай?

Ечилиши. Манометрнинг Пито нағи билан уланган ўнг тирсагидаги босим ҳаво оқимининг тўла босимига тенг, чап тирсагидаги босим эса у зонд билан уланган бўлгани учун статик босимга тенг. Бернулли қонунига мувофиқ

$$p_{\text{ст}} + \frac{\rho V^2}{2} = p_{\text{тўла}}, \quad p_{\text{тўла}} - p_{\text{ст}} = \frac{\rho V^2}{2},$$


бундан

$$v = \sqrt{\frac{2(p_{\text{тўла}} - p_{\text{ст}})}{\rho}} = \sqrt{\frac{2\rho_1 gh}{\rho}} = \\ = \sqrt{\frac{2 \cdot 1000 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3} \cdot 9,8 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot 0,65 \text{ м}}{1,29 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3}}} = 110 \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$


Масаланинг ечилишига асосланаб, бу асбобнинг ишлаш принципи самолётларнинг учиш тезликларини аниқлашда ишлатилишини ўқувчиларга айтиб ўтиш керак.

510. Агар 132- ва 133-расмдаги *в* столча стрелка билан кўрсатилган йўналишда айлана бошласа, сувли идишдаги *a* пўрак (132- расм) ва *b* диск (133- расм) қайси томонга айлана бошлади? Бу ҳодисани тушунтириб беринг.


Жавоби. Ишқала ниш кучи таъсирида пўрак ва диск столча айланган йўналишда айланади.




131- расм.



132- расм.



133- расм.



134- расм.

511. Кесим юзи бир хил бўлган узун горизонтал трубадан оқаётган сувда статик босим 134-расмда кўрсатилгандек камаяди. Трубанинг ҳамма жойида оқим тезлиги бир хил-ку, бу Бернулли қонунига зид эмасми?

Жавоби. Ички ишқаланиш қанча кам бўлса, Бернулли тенгламаси шунча аниқ бажарилади.

Бу ҳолда ишқаланишини назарга олмаслик мумкин эмас. Суюқликнинг ab ҳажмига, тажрибадан кўриниб турганидек, чап томондан ўнг томондан таъсир қиласидан катта бўлган F_1 , босим кучи таъсир қиласиди. Бироқ суюқлик текис ҳаракатланмоқда, шунинг учун унга Ньютоннинг биринчи ва иккинчи қонунига мувофиқ мувозанатловчи кучлар таъсир қилиши керак, яъни чап томонга қараб ҳаракатга тескари таъсир қилувчи куч мавжуд бўлиши керак. Бу куч $F_{ишк}$ ишқаланиш кучидир. $F_1 = -F_{ишк} - F_2$.

512. Суюқликнинг зичлиги қанча катта бўлса, унинг қовушоқлиги шунча катта бўлади, деб тасдиқлаш мумкинми? Ярми сув, ярми машина мойи билан тўлдирилган шиша найга пулат шарча тушириб, унинг ҳаракатини кузатинг ва жавобингизни текширинг (21, № 767).

Жавоби. Қовушоқлик (ишқаланиш кучи) суюқлик турига боғлиқ. Машина мойи, масалан, автолининг қовушоқлиги сувнинг қовушоқлигидан катта, зичлиги эса кичик.

513*. v тезлик билан ҳаракатланувчи жисмга таъсир қилувчи ҳавонинг қаршилик кучи $F = kSv^2$ формуладан ҳисобланади, бу ерда S — пешона қаршилик юзи, k — ҳавонинг сўйрилик коэффициенти.

Нима учун F куч S ва v^2 га пропорционал бўлишини тушунтиринг. $v = 72 \text{ км/соат}$ тезлик билан ҳаракатланаётган сўйри пойга автомобили, кажавали мотоциклга таъсир қилувчи ҳавонинг қаршилик кучини ҳисобланг. Мис ҳолда $k_a = 0,1 \text{ н}\cdot\text{сек}^2/\text{м}^4$; $k_m = 0,8 \text{ н}\cdot\text{сек}^2/\text{м}^4$; $S_a = 1,5 \text{ м}^2$; $S_m = 1 \text{ м}^2$ деб олинг.

Ечилиши. Ҳаракат вақтида автомобилга ҳавонинг кузовга ишқаланиш кучи $F_{ишк}$ ва F пешона қаршилик кучи таъсир қиласиди. $F_{ишк} \ll F$. Бернулли қонунига кўра пешона қаршилик кучи автомобиль тўхтаганда ёки тормозланганда унинг кузови олдида ҳосил бўладиган динамик босимга боғлиқ бўлади. Шунинг учун F куч тезлик квадратига ва S юзга пропорционал бўлади.

$$F_a = k_a S_a v^2 = 0,1 \frac{n \cdot sek^2}{m^4} \cdot 1,5 \ m^2 \cdot \left(20 \frac{m}{sek}\right)^2 = 60 \ n.$$

$$F_m = 0,8 \frac{n \cdot sek^2}{m^4} \cdot 1 \ m^2 \cdot \left(20 \frac{m}{sek}\right)^2 = 320 \ n.$$

Бу масала мисолида ҳаво қаршилигининг камайиши учун жисмнинг сүйри шаклда бўлиши ҳандай аҳамиятга эгалиги кўриниб турибди. $S_a > S_m$ бўлишига қарамай, F_m куч F_a дан 5 мартадан кўпроқ катта.

514. Қанотининг юзи $20 \ m^2$ бўлган самолётнинг кўтариш кучи ва пешона қаршилигиди аниқланг. Самолёт қаноти остидаги босими $10 \ n/cm^2$, қаноти устидаги босим $9,9 \ n/cm^2$, пешона қаршилик эса кўтариш кучидан 20 марта кам.

Ечилиши. Кўтариш кучи

$$F_1 = \Delta p S = \left(10 \frac{n}{cm^2} - 9,9 \frac{n}{cm^2}\right) \cdot 20 \cdot 10^4 cm^2 = 2,0 \cdot 10^4 \ n.$$

Пешона қаршилик

$$F_2 = \frac{1}{20} F_1 = 1,0 \cdot 10^3 \ n.$$

Бу масала мисолида ҳозирги замон винтли самолётларининг атака бурчаги $3 - 8^\circ$, винтнинг тортиши эса самолёт оғирлигидан ёки кўтариш кучидан тахминан 10 марта кам эканини ўқувчиларга айтиш керак. Шунинг учун F_1 ва F_2 кучларнинг F тенг таъсир этувчиси юқори йўналгак бўлиб, вертикаль билан катта бўлмаган α бурчак ташкил қиласди.

Бу масалада $\operatorname{tg} \alpha = \frac{1}{20} = 0,05 \cdot \alpha \approx 3^\circ$.

ГАЗЛАР КИНЕТИК НАЗАРИЯСИННИГ АСОСЛАРИ

Модда тузилишининг молекуляр-кинетик назарияси бу бўлимнинг асоси ҳисобланади. Шунинг учун бошлаб атом ва молекулаларнинг хусусиятлари ҳақидаги масалалар ишланади.

Газлар кинетик назариясининг асосларига оид масалалар танлаш ва ечиш методикаси кўп жиҳатдан материални ўрганиш тартиби ва методига боғлиқ бўлади. Янги программага мувофиқ, бу материал асосан дедуктив метод билан ўрганилади: газлар кинетик назариясининг асосий тенгламаси марказий ўрин эгаллайди, ундан газларнинг ҳолат тенгламаси келтириб чиқарилади, газ қонунлари эса унинг хусусий ҳоллари сифатида қаралади.

Шунга мувофиқ, масала ечишда даставвал газлар кинетик назариясининг асосий тенгламаси ва Клапейрон—Менделеев тенгламасидан фойдаланиш керак. Бу тенгламалар IX синфда молекуляр физикани ўрганишда кенг қўлланилади, шунинг учун бу темага тегишли масалаларга алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

1. Молекуляр-кинетик назария асослари

Молекулалар ва уларнинг хусусиятлари ҳақида ўқувчилар билган маълумотларни қайтариш ва чуқурлаштириш учун аввало 4- бобда қараб чиқилган масалаларга ўхшашиб масалалар ечилади, бунда ўқувчиларнинг VII—VIII синфларда олган билимларини ҳисобга олиш керак бўлади. Сўнгра асосий эътибор микродунёни ўрганиш методлари ва унинг қонуниятлари ҳақида тушунча берадиган масалаларга қаратилади.

Масала ишлашда ўқувчиларни Авогадро, Гей-Люссак, Дальтон, Ломоносов ишлари ва ғоялари билан, микродунё қонуниятларини ўрганиш учун броун ҳаракати билан, молекулалар тезлигини ҳозирги замон усулларида аниқлаш (Штерн тажрибаси) билан танишириш, молекулаларнинг массаси ва ўлчамларини аниқлаш усуллари ҳақида тушунча берици мумкин ва ўоказо.

Молекуляр-кинетик назарияга оид масалаларни ўқувчилар химия дарсларида ҳам ишлайдилар. Шу сабабли бу ерда мөдданинг молекуляр тузилиши ҳақида чуқур ва мустаҳкам тушиунчалар ҳосил қилиш мақсадида химиявий қонунлардан жуда ҳам яхши фойдаланиш учун физика ва химия дарсларини жуда ҳам пухта қилиб боғлаш керак бўлади. Жумладан, физика дарсларида қатор „химиявий“ масалалар (№ 515—519) ишлаш, химия дарсларида эса „физика“ масалаларини ечиш фойдали ҳисобланади. Бундай ўзаро боғланиш ўқувчиларга айни бир фактга турли нуқтадан назардан қарашга, демак уларни яхшироқ ўзлаштиришга имконият яратиб беради.

515. 1811 йилда Авогадро бир хил шароитдаги (температура ва босим) ҳажми бир хил бўлган ҳар қандай газларда молекулалар сони бир хил бўлади, деган гипотезани айтди. Бў гипотезадан ва сув молекуласи формуласидан фойдаланиб, босими ва температураси шундай бўлган 2 л буғ (сув буғи) ҳосил қилиш учун олинадиган водород ва кислород ҳажми қанча бўлишини аниқланг.

Ечилиши. $2\text{H}_2 + \text{O}_2 = 2\text{H}_2\text{O}$. Икки молекула сув ҳосил қилиш учун икки молекула водород ва бир молекула кислород кераклиги бу тенгламадан кўриниб туради. Авогадро гипотезасидан бир хил шароитда газларнинг ҳажми молекулаларнинг сонига пропорционал эканлиги келиб чиқади. (Баравар ҳажмлардаги молекулалар сони бир хил бўлиб, масалан, икки марта катта бўлган ҳажмда икки марта кўп молекула бўлади.) Демак, 2 л сув буғи ҳосил қилиш учун 2 л водород ва 1 л кислород олиш керак.

Кейинги текширишлар Авогадро гипотезасининг тўғри эканлигини тасдиқланганинги ўқувчиларга айтиш керак.

516. 1808 йилда Гей-Люссак химиявий реакцияга киришган газ ҳажмларининг нисбати оддий бутун сонлар билан ифодаланишини кашф этади. Авогадро гипотезасидан фойдаланиб, бу қонундан мураккаб модда молекуласининг тузилиши ҳақида қандай тахмин қилиш мумкин? Жавобиниғизни мисол билан тушунтиринг.

Жавоби. Авогадро гипотезасига асосан, молекулалар сони газларнинг ҳажмига пропорционал. Модомики шундай экан, мураккаб модда молекуласи ҳосил бўлиши учун ҳар доим оддий модда молекулаларидан (атомларидан) маълум сони керак бўлади, деб тахмин қилиш мумкин. Шундай қилиб, бир модданинг майдагарралари (молекулалари, атомлари) ҳар доим бошқа модда молекулалари (атомлари) билан маълум тарзда бирикишади (химиявий таркибининг ўзгармаслик қонуни). Масалан, 1 л H_2 водород билан 1 л хлор реакцияга киришади ($\text{H}_2 + \text{Cl}_2 = 2\text{HCl}$). Олдинги масалада кўрганимиз каби, 2 л водород билан 1 л кислород реакцияга киришади ва ҳоказо.

517. Дальтон каррали нисбатлар қонуини топди. Бу қо-

нунга мувофиқ, икки элемент бир неча бирикма ҳосил қиласа, у ҳолда массасининг катталиги ўзгармас бўлган бир элемент иккинчисининг шундай миқдорлари билан бирикшиади, уларнинг ўзаро нисбатлари учун катта бўлмаган бутун сонларни ифодалайди. Бунга қараб мураккаб мoddанинг молекуляр тузилиши ҳақида қандай тахмин қилиш мумкин? Жавобни химиявий формулалар билан тушунтириб беринг.

Жавоби. Бу ҳодисанинг сабаби шундаки, бир элементнинг айни бир миқдордаги атомлари бошқа элементнинг бутун сон орқали ифодаланган атомлари билан бирикшиади.

Мисоллар: а) HO , H_2O ; б) C_2H_2 , C_2H_4 , C_2H_6 ; в) NO , N_2O_2 , N_2O_3 , N_2O_4 , N_2O_5 .

518. Газлар зичлиги жадвалидан фойдаланиб, H_2 водород молекуласининг массаси O_2 кислород молекуласининг массасидан қанча марта кичик эканлигини кўрсатиб беринг.

Ечилиши. Нормал шароитда водороднинг зичлиги $\rho_{\text{вд}} = 0,90 \text{ кг}/\text{м}^3$, кислородники $\rho_{\text{к}} = 1,43 \text{ кг}/\text{м}^3$.

Тенг ҳажмли газларда молекулалар сони бир бўлганлиги учун,

$$\frac{\rho_{\text{к}}}{\rho_{\text{вд}}} = \frac{1,43 \text{ кг}/\text{м}^3}{0,90 \text{ кг}/\text{м}^3} \approx 16^1.$$

519. Массанинг атом бирлиги (м. а. б.) сифатида углерод атоми массасининг $1/12$ қисмими қабул қилиб, фтор атомининг массасини килограммларда ҳисоблаб чиқаринг.

Ечилиши. Массанинг атом бирлиги (м. а. б.) қийматини килограммда ҳисоблаймиз. 1 м. а. б. = $\frac{\mu_{\text{c}}}{12 N}$, бунида μ_{c} — углерод килограмм-атомининг массаси, N — Авогадро сони. Ҳозирги вақтда $\mu_{\text{c}} = 12$ деб қабул қилингани учун

$$1 \text{ м. а. б.} - \frac{1 \text{ кг}}{6,2 \cdot 10^{26}} = 1,67 \cdot 10^{-27} \text{ кг} \approx 1,7 \cdot 10^{-27} \text{ кг}.$$

М. а. б. нинг бу қийматини² ўқувчилар ўз жадвалларига ёзиб қўйишлари керак. Исталган элемент атомининг массасини топиш учун бу сонни элементнинг атом массасига кўпайтириш керак:

$$m_{\text{F}} = 1,7 \cdot 10^{-27} \text{ кг} \cdot 18,9984 = 32 \cdot 10^{-27} \text{ кг}.$$

520 (э). Молекулалар бир қатлам бўлиб жойлашади деб фараз қилиб, сув юзига ёйилган ёғ доғидаги ёғ молекуласининг ўлчамини аниқланг.

¹ Одатда ўкув қўлланмаларида келтириладиган жадвалларда модда зичлигининг қийматлари табнатда учрайдиган изстоплар аралашмаси учун берилади. Бу масалани ўқувчилар билан X сиёғининг охридаги қайтаришада алиқлаб олиш керак бўлади.

² Аниқроғи бу бирлик массанинг унификацияланган атом бирлиги (у. м. а. б.) бўлиб, у массанинг илгари қабул қилинган атом бирлиги, яъни O^{16} кислород изотоги атоми массасиниег $1/16$ қисми ўрнига киритилган.

Ечилиши. Қатламнинг қалинлиги $h = \frac{V}{S} = \frac{m}{\rho S} = \frac{4m}{\rho \pi D^2}$, бунда V — ёғ томчисининг ҳажми, m — массаси ва ρ — зичлиги, S ва D мос равишда дөгнинг юзи ва диаметри.

Томчи массасининг ўртача қийматини олдиндан тарозида аниқлаб қўйишни бир гурух ўқувчиларга топшириқ қилиб бериш мумкин. Дөгнинг диаметри дарсда осонгина ўлчаб топилади. Томчининг ҳажми $0,001 \text{ см}^3$ дан катта бўлмаслиги керак, аks ҳолда дөгнинг сирти жуда катта бўлиб кетади. Дорни яхши кўринадиган қилиш учун идишдаги (фотография кюветаси, аквариум, жомдаги) сув сиртига ликоподий ёки майда пўкак қириндиси сепилади. Ўчига диаметри $0,2 \text{ мм}$ бўлган қармоқ ипининг бир бўлаги қўйилган пипетка¹ ёрдамида кичик ёғ томчиси ҳосил қилинади-да, бу томчи сув сиртига туширилади; бунда ликоподий бирдан идишнинг четига қараб суриласди, ўртада эса деярли доира шаклида ёғ доди ҳосил бўлади. Дөгнинг диаметрини ўлчаб бўлиб, h ни ҳисоблашга киришилади.

Тажрибалардан бирининг натижасида қўйидаги маълумотлар² олинган: томчи массасининг ўртача қиймати $m = 0,022 \text{ мг}$; дөгнинг диаметри $D = 27 \text{ см}$; ёғнинг зичлиги $\rho = 0,90 \text{ г/см}^3$.

Бу миқдорларни формулага қўйиб, $h = 4,3 \cdot 10^{-8} \text{ см}$ экани топилади. $h = 4,3 \cdot 10^{-8} \text{ см}$ қийматни ҳали тўлиқ ишонч билан молекула диаметрининг катталиги сифатида қабул қилиш мумкин эмас, чунки биз қатламда молекулалар қандай жойлашганилигини аниқ билмаймиз. Лекин молекуланинг диаметри h дан катта эмас, деб ҳисоблаш мумкин.

521. Сув молекуласининг чизиқли ўлчамларини аниқланг.

Ечилиши. Сувнинг формуласи H_2O . Водороднинг атом оғирлиги $1,0080 \approx 1$, кислородники (O^{16} изотопи) эса $15,9949 \approx 16$. Шунинг учун бир киломоль сувнинг массаси тахминан $m_0 \approx \approx 18 \text{ кг}$, ҳажми эса $V_0 \approx 0,018 \text{ м}^3$. Молекуланинг ҳажми

$$V_1 = \frac{0,018 \text{ м}^3}{6,02 \cdot 10^{23}} \approx 3 \cdot 10^{-29} \text{ м}^3.$$

Молекулалар энч жойлашганилиги туфайли, уларнинг бир-бiri ўртасидаги оралиқларни ҳисобга олмай, молекуланинг чизиқли ўлчамини тахминан аниқлаймиз:

$$d \approx \sqrt[3]{3 \cdot 10^{-29} \text{ м}^3} \approx 3 \cdot 10^{-10} \text{ м} = 3 \cdot 10^{-8} \text{ см},$$

яъни сув молекуласининг чизиқли ўлчамлари ҳам ёғ молекуласининг (№ 520) ўлчамлари билан бир тартибда бўлиб, тажрибага оид масалада бажарилган ҳисобларининг тўғрилигини билвосита тасдиқлайди.

¹ В. Д. Шевелкин. Экспериментальная оценка размеров молекул. «Физика в школе», 1962, № 4.

² Р. Гирке и Г. Шпрокхоф. Эксперимент по курсу элементарной физики, ч. 2, Учпедгиз, 1959, 189-бет.

522. Олтин¹ атоми (молекуласи)нинг таҳминий ўлчамлари-ни ҳисоблаб топинг.

Ечилиши. $\mu = 197$. Килограмм-атом ҳажми $V_0 = \frac{\mu}{\rho}$.

Атомнинг ҳажми $V_1 = \frac{\mu}{\rho N}$.

$$d = \sqrt[3]{\frac{197 \text{ кг}}{19300 \text{ кг/м}^3 \cdot 6,02 \cdot 10^{26}}} \approx 2,6 \cdot 10^{-10} \text{ м} = 2,6 \cdot 10^{-8} \text{ см.}$$

Шундай қилиб, олтин молекуласи ҳам сув молекуласи (№ 521) сингари, 10^{-8} см тартибидаги чизиқли ўлчамга эга экан.


523. Броун зарралари қанчалик катта бўлса, уларнинг хаотик ҳаракати тезлиги шунчалик кичик бўлади. Нима учун шундай бўлади?

Жавоби. Ньютоннинг иккинчи қонунига асосан, массаси m бўлган зарранинг молекулалар тўқнашувидан олган тезланиши $a = \frac{F}{m}$ бўлади, бунда F – барча молекулалар тўқнашувининг натижаловчи кучи. Зарралар қанчалик йирик бўлса, уларга молекулаларнинг турли томондан кўрсатадиган таъсири кучи шунчалик кўпроқ ўзаро компенсациялашади. Бундан ташқари, зарраларнинг массаси катта бўлгани туфайли улар кам “қўзгалувчан” бўлиб қолади.

524. Денгиз сувига нисбатан кўп миқдорда олтин бўлади ($1m$ сувга 5 mg олтин тўғри келади). Олтин энг оғир металлардан бири бўлса-да, ийма учун $10^{-7} - 10^{-5}$ см ўлчамли олтин зарралари денгиз тубига чўкмайди?

Жавоби. $10^{-7} - 10^{-5}$ см ўлчамли олтин зарралари катталиги жиҳатидан сув молекулалари (№ 522) сингари бўлади. Сув молекулаларининг тўқнашувидан олтин зарралари катта тезланиш (№ 523) ва тезлик олади ва бир йўналишда пастга қараб ҳаракатланмай, балки турли йўналишларда тартибисиз ҳаракат қиласди.

525 (э). 135-расмда a диск ва b найчадан иборат асбоб кўрсатилган; дискка b стаканчалар ўрнатилган бўлиб, b найча g идиш тубига кавшарлаб қўйилган. Асбобни d шток ёрдамида марказдан қочирма машинага маҳкамлаш мумкин. g идиш лиммолим қилиб сувга тўлдирилади, уидан сув e тешик орқали ўртадаги b_3 стаканчага ингичка жараён тарзида оқиб тушади. Асбобни айлантириб, сув жараёнини, масалан, b_4 стаканга туша-



¹ Металларнинг молекуласи бир атомлидир.

диган қилиш мүмкін. Сувнинг e тешикдан оқиб чиқыш тезлигини бу асбоб билан қандай қилиб аниқлаш мүмкін?

Ечилиши. Сув жараёнининг R радиус бўйлаб қилган ҳаракатига кетган t_1 вақтни b_3 стаканчанинг b_4 стаканча ўрнига силжишига кетган t_2 вақтга тенглаштириб, жараён тезлигининг горизонтал ташкил этувчисини аниқлаш мүмкін:

$$t_1 = \frac{R}{v_2}; \quad t_2 = \frac{s}{v_0}; \quad \frac{R}{v_2} = \frac{s}{v_0}; \quad v_2 = \frac{Rv_0}{s} = \frac{2\pi R^2 n}{s}.$$

Тажрибалардан бирда қуйидаги маълумотлар олинган эди. $R = 17 \text{ см}$, $s = 7 \text{ см}$ ва $n = 0,53 \frac{\text{аҳл}}{\text{сек}}$ бўлганда $v_2 = 140 \frac{\text{см}}{\text{сек}}$ эканлиги ҳисоблаб топилган.

Текшириш. 504- масалага қаранг.

Бу масала ўқувчиларни молекулаларнинг тезлигини аниқлашга оид Штерн тажрибасини тушунишга тайёрлаш учун ечилади. Моделнинг гояси акад. Г. С. Ландсберг таҳрири остида чиқкан „Элементар физика дарслиги“ дан олинган.


526. Молекулалар тезлигини аниқлаш мақсадида Штерн қуйидаги тажрибани ўтказди. Ичидан ҳавоси сўриб олинган (юқори вакуум ҳосил қилинган) a ва b цилиндрларнинг (136- расм) ўқи бўйлаб устига кумуш қатлами юритилган ϑ платина сим тортилган. Сим ток билан қиздирилганда буфланиб чиқаётган кумуш атомлари g тирқиши орқали ўтиб, b цилиндрга ўтириб қолади. Цилиндрларнинг радиусларини, уларнинг гайланишидаги бурчак тезлиги ва молекуляр дастанинг силжишини билган ҳолда, кумуш молекулаларининг ўртача ҳаракат тезлигини қандай қилиб ҳисоблаш мүмкін?

Ечилиши. Молекулаларнинг тирқишдан цилиндргача боришига кетган вақт цилиндрнинг Δs масофага силжишига кетган вақтга тенг:


$$t = \frac{R - r}{c} = \frac{\Delta s}{\omega R}, \text{ бундан}$$

$$c = \frac{\omega R (R - r)}{\Delta s}.$$


527. Штерн молекулаларнинг тезлигини аниқлаш учун ўтказган тажрибаларидан бирда ҳавоси сўриб олинган (137- расм) идиш ичига жой-



136- расм.



137- расм.



138- расм.

гандада күчлардан қайси бири устунлик қылады? Бу масофа катта бўлгандачи? Тортишиш кучи билан итаришиш кучи мувозанатлашадиган ҳолдаги масофанинг O_1 ўқида кўрсатинг. F_1 ва F_2 кучлар тенг таъсир этувчинининг молекулалар орасидаги масофа (21, № 588) боғлиқ ҳолда ўзгариш графикини чизинг.

Ечилиши. Уқувчилар графикларни диққат билан яхшилаб чизиб олишлари керак, бундаги масштабни чизмалар дафтар варагининг камида ярмини эгаллайдиган қилиб олиш лозим. Координата ўқларида куч ва масофанинг шартли бирликлари кўрсатилади. O_1 масофада таъсир этувчи кучлар қараб чиқилади. Итариш кучи $F_1 = 10$ бирл., тортишиш кучи эса $F_2 = 6$ бирл. эканлиги графикдан кўриниб турибди. F_1 ва F_2 кучлар қарама-қарши томонларга йўналган. Ўларнинг тенг таъсир этувчиси $F = 10$ бирл. – 6 бирл. = 4 бирл. ҳам F_1 куч билан бир хил йўналган. F_1 ва F_2 кучларининг тенг таъсир этувчиси графикининг биринчи нуқтаси шундай қилиб топилади. O_2 ва O_3 масофалар учун ҳам F тенг таъсир этувчи мос равиашда тахминан 0,7 бирл. ва 0 га тенг эканлиги шу сингари топилади. Демак, O_3 масофада тортишиш ва итариш кучлари тенг бўлади. Молекулалар орасидаги масофа O_3 дан катта бўлганда итариш кучлари тортишиш кучларидан кам

лаштирилган печкада ҳосил қилинган цезий бугидан фойдаланди. б экрандаги a тирқиши буг жараёнидан горизонтал ҳолда учиб чиқувчи атомларнинг ингичка дастасини ажратади. Тирқишдан атомлар қайд қилинган ϑ текисликкача бўлган s масофани ва оғирлик кучи таъсирнида дастанинг h оғишини билган ҳолда, бу тажрибала цезий атомларининг ўртача тезлигини қандай қилиб ҳисоблаб чиқариш мумкин?


Ечилиши. Атомларнинг бошлангич тезлиги $v = \frac{s}{t}$. Ҳаракат вақти $h = \frac{gt^2}{2}$ тёнгламадан топилади, демак $v = \frac{s}{\sqrt{\frac{g}{2h}}}$.

528. 138- расмда F_1 итариш кучи ва F_2 тортишиш кучининг молекулалар орасидаги r масофага боғланишининг тахминий графикига кўрсатилган. Молекулалар орасидаги масофа яқин бўлганда кучлардан қайси бири устунлик қылади? Бу масофа катта бўлгандачи? Тортишиш кучи билан итаришиш кучи мувозанатлашадиган ҳолдаги масофанинг O_1 ўқида кўрсатинг. F_1 ва F_2 кучлар тенг таъсир этувчинининг молекулалар орасидаги масофа (21, № 588) боғлиқ ҳолда ўзгариш графикини чизинг.


бўлади, шунинг учун график нуқталари Or ўқидан пастда жойлашади.

Масаланинг физик мөҳиятини 139- расмга қараб тушунтириш мумкин, бу расмда молекулалар ўзаро таъсир кучининг масофага боғланиш графиги кўрсатилган. Масофа $03 = d$ бўлганда (138- расм) тортишиш ва итариш кучлари тенг. Молекулалар атрофида $d/2$ радиусли сфералар чизамиз (140- а расм). Молекулалар яқинлашиб орасидаги масофа d дан кичик бўлгачда итариши кучи юзага келиб, молекулалар ўзларини худди $d/2$ радиусли эластик шарлар сингари тутади (140- б расм). Шунинг учун молекуланинг ҳақиқий ўйчамлари d дан анчагина кичик бўлсада, кинетик назарияда одатда d диаметр молекуланинг диаметри деб аталади.

Молекулалар d дан каттароқ масофага узоқлаштирилганда тортишиш кучи устунлик қиласди, бу куч бошлаб ортиб бориб, сўнгра молекулалар орасидаги масофа Or бўлганда иолгача камайиб боради (140- в расм) ва молекулалар орасидаги боғланиш йўқолади. Or радиустси сфера молекуляр таъсир сфераси деб аталади.



139- расм.



140- расм.

2. Газларнинг хоссалари

Бундан олдинги бўлим материалига асосланаб туриб даставвал идеал газ хоссалари ҳақидаги тушунчаларни ойдинлаштирувчи ва чуқурлаштирувчи масалалар ечилади; идеал газда молекулаларнинг хусусий ҳажми ва ўзаро таъсири ҳисобга олинмайди. Сўнгра асосий эътибор газлар кинетик назариясининг

$$p = \frac{2}{3} n \frac{mv^2}{2}; \quad pV = \frac{2}{3} N \frac{mv^2}{2}$$

кўринишида ёзиладиган асосий тенгламасига доир масалаларга қаратилади, бунда p ва V — мос равишда газнинг босими ва ҳажми, N — молекулалар сони, m — массаси ва v — ўртacha тезлиги¹, n — бирлик ҳажмдаги молекулалар сони.

¹ Аниқроғи v — ўртacha квадратик тезлик. Бироқ бу тушунча ўқувчиларга берилмайди.

Сўнгра Шарлнинг $p_t = p_0 \left(1 + \frac{t}{273^\circ}\right)$ қонуни ўрганилади.
Температураларнинг абсолют шкаласи учун

$$p_t = p_0 \frac{T}{T_0} \text{ бўлади, } T_0 = 273^\circ \text{ С.}$$

$$T = T_0 + t.$$

Масала ишлашда бир атомли газ молекуласининг ўртача кинетик энергияси билан температура ўртасидаги боғланиши кўрсатувчи $E_k = \frac{mv^2}{2} = \frac{3}{2} kT$ формуладан ҳам фойдаланилади. Больцман доимийси $k = 1,38 \cdot 10^{-23}$ жс/град. Бу муносабат бир атомли исталган газга тегишли бўлгани туфайли $\frac{m_1 v_1^2}{2} = \frac{m_2 v_2^2}{2}$ бўлади. Демак, ҳар қандай газ молекуласи бир хил температурада ўрта ҳисобда бир хил кинетик энергияга эга.

Молекуляр-кинетик назариянинг асосий тенгламасидаги E_k нинг ўрнига унинг қийматини қўйиб, $pV = NkT$ Клапейрон тенгламасини ҳосил қиласиз.

Бир киломоль идеал газ учун тенглама $pV = N_0 kT = RT$ кўринишни олади. Универсал газ доимийси $R = kN_0 = 1,38 \cdot 10^{-23}$ жс/град · 6,02 · 10²⁶ кмоль⁻¹ = 8,31 · 10³ жс/кмоль · град.

Идеал газнинг · исталган m (кг) массаси учун тенглама $pV = \frac{m}{\mu} RT$ кўринишни олади, бунда μ — киломоллар сони (Клапейрон — Менделеев тенгламаси).

Кўп масалаларни ечишда иккита турли ҳолатдаги бир хил массали газ учун бу тенгламани $\frac{p_1 V_1}{T_1} = \frac{p_2 V_2}{T_2}$ кўринишда ёзиш қулагай бўлади (бирлашган газ қонуни).

Температура ўзгармас бўлганда $p_1 V_1 = p_2 V_2$ (Бойль — Мариотт қонуни).

Ҳажм ўзгармас бўлганда $\frac{p_1}{T_1} = \frac{p_2}{T_2}$ (Шарль қонуни).

Босим ўзгармас бўлганда $\frac{V_1}{T_1} = \frac{V_2}{T_2}$ (Гей-Люссак қонуни).

Ўқувчилар Гей-Люссак қонунини $V_t = V_0 (1 + \alpha t)$ кўринишда билишлари ва қўллай олишлари керак. Бунда Шарль ва Гей-Люссак қонуларига

$$p_t = p_0 (1 + \alpha t) \text{ ва } V_t = V_0 (1 + \alpha t)$$

формулалар бўйича масалалар ечганда p_0 ва V_0 миқдорлар мос равишда 0°C даги босим ва ҳажм эканлигини қайд қилиб ўтиш керак. Ўқувчилар кўпинча V_t ва V_0 ёки p_t ва p_0 миқдорларни ҳажм ёки босимнинг охирги ва бошланғич қиймати деб, t ни эса газ температурасининг ўзгариши деб ҳисоблаб

нотўғри тушунадилар. Шунинг учун оқибатда нотўғри натижаларга (№ 545) олиб келадиган

$$V_2 = V_1 [1 + \alpha(t_2 - t_1)] \text{ ва} \\ p_2 = p_1 [1 + \alpha(t_2 - t_1)]$$

формулаларни қўлладилар.

529. Берк идишдаги газ молекулаларини эластик шарчалар деб ҳисоблаб, уларнинг тезлиги бир хил бўла олмаслигини исботланг.

Ечилиши. Бирор пайтда молекулаларнинг тезлиги бир хил бўлсин, деб фараз қиласлик. Тўқнашув натижасида манзара шу заҳотиёқ бузилади. Масалан, молекула ўзининг тезлиги йўналишига 90° бурчак остида (141- расм) йўналган зарб еса унинг тезлиги $\sqrt{2}$ марта ортади.

530. 0°C температура ва $p = 10 \cdot 10^4 \text{ Н/м}^2$ босим шароитидаги водород молекулаларининг ўртача тезлигини ҳисобланг.

Ечилиши. Газлар кинетик назариясининг асосий тенгламасини ёзамиз: $p = \frac{2}{3} n \frac{mv^2}{2}$, бунда n — бирлик ҳажмдаги молекулалар сони. 0°C да tn кўпайтма $\rho_0 = 9,0 \cdot 10^{-3} \text{ кг/м}^3$ зичликни ифодалагани учун $p = \frac{1}{3} \rho_0 v^2$ ва $v = \sqrt{\frac{3p}{\rho_0}} = \sqrt{\frac{3 \cdot 10 \cdot 10^4 \text{ Н/м}^2}{9,0 \cdot 10^{-3} \text{ кг/м}^3}} = 1,8 \cdot 10^3 \text{ м/сек.}$

531. 0°C да баллондаги газнинг босими 10 atm га teng. Агар газнинг температураси $27,3^\circ\text{C}$ га кўтарилса, унинг босими қандай бўлади?


Ечилиши. Ўқувчилар Шарль қонунининг можиятини яхши „сезишлари“ учун бундай типдаги биринчи масалани арифметик усулда ечиш фойдали бўлади.

Газ ҳажмини ўзгартирмасдан температурасини 1°C оширганда босим $1/273$ қисмга, яъни бу ҳолда $\frac{10}{273} \text{ atm}$ ортади.


Температурани $27,3^\circ$ сиригандага босим $\frac{10 \cdot 27,3}{273} \text{ atm} = 1 \text{ atm}$ ортади ва демак, 11 atm бўлиб қолади.

532. p , T ва p , t координата ўқларида изохорик процессининг графигини чизинг. Бу графикларнинг фарқи нимада?


Ечилиши. Идеал газнинг изохорик процесси учун Шарль қонуни ўринлидир. Температураларнинг абсолют шкаласида $\frac{p}{T} = \text{const}$ ёки $p = cT$ бўлади. Цельсий шкаласи бўйича $p_t = p_0 \left(1 + \frac{t}{273}\right)$ бўлади. Иккала шкалада ҳам босим температу-



141- расм.



142- расм.



143- расм.

рага чизиқли бөлеңік. Бирок $T = 0$ да $p = 0$; $t = 0$ да эса $p = p_0$ бўлади. Шунинг учун графиклар 142- а, б расмларда кўрсатилган кўринишда бўлиши керак.

533. 143- расмда изохорик процессларнинг графиклари берилган. Нима учун улар турли чизиқлар билан тасвирланган? Нима учун тўғри чизиқлар A нуқтагача пункттир билан давом эттирилган? [6, № 183].

Жавоби. Графикдаги тўғри чизиқлар турли массали газдаги изохорик процессли тасвирлайди. Паст температураларда реал газлар учун босим билан температура орасидаги тўғри пропорционал боғланиш (Шарль қонуни) тахминан тўғри бўлади. Пунктир чизиқлар билан қайд қилинган бу чизиққа қараб температуранинг абсолютнинг шкаласини толиш мумкин.

534. Водород молекуласининг массаси $m = 3,4 \cdot 10^{-27}$ кг экани маълум. 0°C ва 1000°C да водород молекулаларининг ўртача тезлиги нимага тенг бўлишини топинг.

$$\text{Ечилиши. } \frac{mv_1^2}{2} = \frac{3}{2} kT_1;$$

$$v_1 = \sqrt{\frac{3kT_1}{m}} = \sqrt{\frac{3 \cdot 1,38 \cdot 10^{-23} \frac{\text{ж}}{\text{град}} \cdot 273^{\circ}}{3,4 \cdot 10^{-27} \text{ кг}}} = 1,8 \cdot 10^3 \text{ м/сек.}$$

1000°C да водород молекулаларининг ўртача тезлиги $v_2 = 3,9 \cdot 10^3 \text{ м/сек}$ эканлигини ҳам шунга ўхшаш йўл билан топамиз.

535. Температураси 87°C ва босими 624 ми сим. уст. бўлганда 1,2 литрининг массаси 2,6 г бўлган бензэлнинг молекуляр оғирлигини хисоблаб топинг.

536. Массаси 45 г, температураси эса 0°C бўлган 1,0 л неоннинг босимини топинг [21, № 674].

537. 17°C температурада 1450 ми сим. уст. босим осигида бўлган 20 л аммиакнинг массасини аниқланг [21, № 672].

Ечилиши. 1-усули. Бу масалада (535 ва 536- масалалардаги каби) газнинг бир ҳолати характерланади, шунинг учун

уни $\rho V = \frac{m}{\mu} RT$ Клапейрон — Менделеев формуласи билан ечиш яхши. Изланатган миқдорни бу формуладан тезда то-пиш мүмкін бўлади. Ҳисобни ўқувчиларга СИ системасида олиб боришни ўргатиш керак.

Амиакинг формуласи NH_3 . Азотнинг атом оғирлиги ≈ 14 , водородники ≈ 1 . Демак, $\mu \approx 17 \text{ кг/кмоль}$.

Газнинг формуласи номаълум бўлган ҳолларда ρ шинг қийматини $\rho \approx \rho_0 V_0$ формуладан топиш мүмкін, бунда $V_0 = 22,4 \text{ м}^3/\text{кмоль}$ — 1 киломоль газнинг ҳажми, ρ_0 — унинг нормал босимдаги зичлиги.

Бу ҳолда $\rho \approx 0,77 \text{ кг/м}^3 \cdot 22,4 \text{ м}^3/\text{кмоль} \approx 17 \text{ кг/кмоль}$. Газнинг массасини ҳисоблагандан 1 $\text{мм сим. уст.} \approx 133 \text{ Н/м}^2$ эканини ҳисобга оламиз.

$$m = \frac{\rho V_0}{RT} = \frac{1450 \cdot 133 \frac{\text{Н}}{\text{м}^3} \cdot 20 \cdot 10^{-3} \text{ м}^3 \cdot 17 \text{ кг/кмоль}}{8,31 \cdot 10^3 \frac{\text{ж}}{\text{кмоль} \cdot \text{град}} \cdot 290 \text{К}} \approx 0,028 \text{ кг.}$$

2- усали. Масалада кўрсатилган шароитлар учун газ ҳолатининг тенгламасини ёзамиш:


$$\frac{\rho_1 V_1}{T_1} = \frac{\rho_0 V_0}{T_0}; \quad V_0 = \frac{m}{\rho_0},$$

демак,

$$m = \frac{\rho_1 V_1 T_{0,0}}{T_1 \rho_0} = \frac{1450 \text{ мм сим. уст.} \cdot 20 \cdot 10^{-3} \text{ м}^3 \cdot 273 \text{ К} \cdot 0,77 \text{ кг/м}^3}{290 \text{ К} \cdot 750 \text{ мм сим. уст.}} = \\ = 0,028 \text{ кг.}$$

Ечимларни солишириб, газ ҳолат тенгламасини қўллагашда тенгламага кирган катталиклар қийматини системага кирмаган бирликларда ифодалаш имконияти бор эканини таъкидлаб ўтиш керак бўлади. Чунки бу катталиклар тенгламанинг иккала қисмida ҳам бир-бирига пропорционалдир. Масалан, иккинчи ечимда зичлик СИ системасида, босим эса системага кирмаган бирликларда, яъни мм сим. уст. да ифодаланди.

Клапейрон — Менделеев формуласи бўйича масалалар ечиш бирликлар системасига қатъий риоя қилишини талаб қиласди. Юқорида келтирилган мисолда R шинг қийматини СИ системасида олиб, қолган катталикларнинг ҳаммасини ҳам шу системада ифодаладик. Лекин бунинг эвазига Клапейрон — Менделеев формуласи бўйича бу тиғдаги масала ечишгандай изланувчи ρ , V , T , m , μ катталиклар тезда топилади. Бу масала газ ҳолатининг тенгламаси ёрдамида ечишгандай эса бирмунча мураккаб мулоҳазалар юритишга ва қўнимча формулалардан фойдаланишга, айниқса ҳолат тенгламасига бевосита кирмайдиган молекуляр оғирлик қийматини ёки газ массасини ҳисоблаб чиқариш керак бўлганда қўшимча формулалардан фойдаланишга тўғри келади.



538. Баллондаги газнинг температураси 27°C , босими 60 atm . Агар температура пасайиб, -73°C бўлиб қолса, унинг босими қандай бўлади?

Ечилиши. Шартда иккита турли хил ҳолат ҳақида гап боради, шунинг учун $\frac{P_1V_1}{T_1} = \frac{P_2V_2}{T_2}$;

$P_2 = \frac{P_1V_1T_2}{V_2T_1}$ формуладан фойдаланамиз. $T_1 = 273 \text{ K} + 27^{\circ}\text{C} = 300 \text{ K}$. $T_2 = 273 \text{ K} - 73^{\circ}\text{C} = 200 \text{ K}$. Газнинг ҳажми ўзгармайди: $V_1 = V_2$, у ҳолда $P_2 = \frac{P_1T_2}{T_1} = \frac{60 \text{ atm} \cdot 200 \text{ K}}{300 \text{ K}} = 40 \text{ atm}$:

539. Изотермик процесс формуласини (Бойль — Мариотт қонунини) ёзинг ва pV , TV , Tp координата ўқларида бу процесснинг графигини чизинг.

Жавоби. Изотермик процессни pV координата ўқларидаги графиги гиперболани ифодалайди (144- расм).

Изотермик процессда температура ўзгармайди.


p ва V лар исталган мусбат сонлар билан ифодаланиши мумкин. Изотермик процесснинг TV ва Tp координата ўқларидаги графиклари мос ҳолда V ва p ўқларига параллел бўлгани тўғри чизиқларни ифодалайди (145- а ва б расм).

540. Изотермик процесс иккита турли график билан ифодаланган (146- расм). Бу ерда хато йўқ эмасми? [6, № 175].


Жавоби. Хато йўқ. p ва p ўқларидаги b график газнинг p зичлиги p босимга тўғри пропорционал эканлигини кўрсатади.

541 (э). Шиша найча, чизғич ва сувли мензурка ёрдамида атмосфера босимини аниқланг.

Ечилиши. 1- усул. Найчанинг юқориги учини бекитамиз ва уни сувга туширамиз (147- а расм). Газнинг иккита ҳолати учун, яъни найчанинг сувга ботирилишдан олдинги ва



145- расм.



146- расм.

a

b

ботирилгандан кейинги ҳолатлари учун $\frac{p_1 V_1}{T_1} = \frac{p_2 V_2}{T_2}$ тенглама ўринли; $T_1 = T_2$ бўлгани сабабли $p_1 V_1 = p_2 V_2$; $V_1 = S l_1$ ва $V_2 = S l_2$, шунинг учун $p_1 l_1 = p_2 l_2$; $p_2 = (p_1 + \rho h g)$; $p_1 l_1 = (p_1 + \rho g h) l_2$ бўлади, бундан $p_1 = \frac{\rho g h l_2}{(l_2 - l_1)}$.


2- усул. Дастробай зайнига ботирилади (147- б расм), сўнгра эса юқориги учи бекитилган ҳолда зайнига юқори кўтарилади (147- в расм). Газнинг икки ҳолати учун $p_1 l_1 = (p_1 - \rho g h) l_2$ тенглама ўринлидир, бундан $p_1 = \frac{\rho g h l_2}{(l_2 - l_1)}$.

542. VT ва Vt координата ўқларида изобарик процесс графигини чизинг. Бу графикларнинг фарқи нимада?


Масала 532- масалага ўхшаб ечилади.

543. 148- расмда изобарик процессларнинг графиклари берилган.

1. Нима учун улар турли хил чизиқлар билан тасвирланган? 2. Нима учун тўғри чизиқлар *A* нуқтагача пунктир билан давом эттирилган?



147- расм.



148- расм.

Жавоби 1. Графикдаги түркі чизіқлардан ұар бири маълум массалы газ учун изобарик процесстің тасвирлайды.

2. Ҳажм ва температура орасидаги бөгланишининг (Гей-Люссак қонунининг) 148-расмдаги графиги идеал газлар учун үринлидей. Реал газлар учун эса бу бөгланиши таҳминан үринли бўлиб, босим қанчалик паст бўлса, график шунчалик түрериоқ келади.

Жуда ҳам паст температураларда бу бөгланишининг газлар учун үринли эмаслиги 148-расмда пунктир чизіқлар билан белгиланган [6, 283–284- бет].

544. Ҳажми 20 л бўлган газ ўзгармас босимда 0°C дан 100°C гача қиздирилади. Бунда унинг ҳажми қанча ортади?

Бу типдаги биринчи масалани 531- масаладаги каби арифметик усулда ечиш фойдали бўлади.

545. 273°C температурада газ 20 л ҳажм эгаллайди. Босимни ўзgartирмасдан температурани 546°C га етказгандага унинг ҳажми қандай бўлади?

Ечилиши. 1- усул. Процесс изобарик процесс бўлгани учун $\frac{V_1}{T_1} = \frac{V_2}{T_2}$, бундан

$$V_2 = \frac{V_1 T_2}{T_1} = \frac{2 \text{ л} \cdot 826^\circ}{546^\circ} = 3 \text{ л}.$$

2- усул.

$$V_2 = V_0 \left(1 + \frac{t_2}{273^\circ} \right);$$

0°C даги V_0 ҳажмни $V_1 = V_0 \left(1 + \frac{t_1}{273^\circ} \right)$ тенгламадан топамиз:

$$V_0 = \frac{V_1}{1 + \frac{t_1}{273^\circ}}; \quad V_2 = \frac{V_1 \left(1 + \frac{t_2}{273^\circ} \right)}{1 + \frac{t_1}{273^\circ}} = 3 \text{ л}.$$

Агар ўқувчилар билмасдан

$$V_2 = V_1 (1 + \alpha \Delta t)$$

формулани қўлласа,

$$V_2 = 2 \text{ л} \left[1 + \frac{(546^\circ - 273^\circ)}{273^\circ} \right] = 4 \text{ л} \quad \text{бўлган жотури жавоб}$$

олишлари турган ган.

ИДЕАЛ ГАЗНИНГ ИЧКИ ЭНЕРГИЯСИ

Бу темани ўрганишда аввало 8- ва 10- бобларда берилган масалаларга ўхшаш, ички энергияни иссиқлик узатиш ва иш бажариш йўли билан ўзгартиришнинг икки усулига оид масалалар ечилади.

Кейинчалик ўқувчиларнинг газлар кинетик назариясига оид билимларидан фойдаланиб, иссиқлик сифими билан молекулаларнинг кинетик энергияси орасидаги боғланиши аниқлашга оид бир қатор масалалар ечиш керак. Бунда ўзгармас босимдаги c_p иссиқлик сигими ва ўзгармас ҳажмдаги c_v иссиқлик сифими ҳақидаги тушунчаларни фарқ қила билиш керак.

Идеал газнинг ҳолатини ўзгартириш учун керак бўлган ишни ва газнинг кенгайинида бажарган ишни қараб чиқишида термодинамиканинг биринчи қонунидан фойдаланиш керак бўлади, бу қонунга асосан, система олган ΔQ иссиқлик миқдори унинг ΔE ички энергиясини оширишга ва ташқи жисмларга нисбатан бажарилган ΔA ишга сарф бўлади, яъни $\Delta Q = \Delta E + \Delta A$. Иссиқлик ҳодисалари ўрганилганда қараладиган идеал газнинг E ички энергияси унинг молекулалари ҳаракатининг $E = N \frac{mv^2}{2}$ кинетик энергиясини ифодалайди.

ΔQ катталик ўқувчиларга маълум бўлган $\Delta Q = cm(t_2 - t_1)$ формуладан топилади, бу ерда c — масаланинг шартига қараб c_p ёки c_v , бўлиши мумкин. ΔA ишни аниқлаш учун газ қонунлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилади. ΔA иш изобарик процесслар учун $\Delta A = p\Delta V$ тенгликтан аналитик усулда осон топилади. Агар босим ўзгарса, у ҳолда иш катталигини ўқувчилар умумий ҳолда фақат график усулда топишлари мумкин. Бундай ҳол изотермик ва адабатик процессларда юз бериши мумкин; бу процессларга оид бир қатор график масалалар ечиш лозим.


1. Ички энергиянинг ўзгариши

546. 149- расмда бир хил миқдордаги газларнинг айни бир температурагача иситилини кўрсатилган. Бунинг учун бир хил иссиқлик миқдори керак бўлдими? Газнинг ўзгармас босим ва ўзгармас ҳажм шароитидаги иссиқлик сифими катталигини солинтиришдан қандай холоса қилиш мумкин?

Е чилиши. Биринчи ҳолда $\Delta Q_1 = \Delta E$, иккичи ҳолда эса $\Delta Q_2 = \Delta E + \Delta A$;

$$\Delta Q_2 > \Delta Q_1; \Delta Q_1 = c_v m \Delta t; \Delta Q_2 = c_p m \Delta t;$$

$$c_v = \frac{\Delta E}{m \Delta t}; \quad c_p = \frac{\Delta Q_2}{m \Delta t} = \frac{\Delta E + \Delta A}{m \Delta t}; \quad c_p > c_v.$$



149- расм.

547. Бир атомли газнинг 1 киломолини ўзгармас ҳажмда 1°C иситиш учун қандай иссиқлик миқдори керак? Молекуляр-кинетик назария нуткан назаридан бу энергия нимага сарф бўлади?

Ечилиши. $\Delta Q = \Delta E + \Delta A$. Газ кенгаймаганлиги учун $\Delta V = 0$, $\Delta A = 0$; $\Delta Q = \Delta E$. Бунда ΔQ иссиқлик миқдори газнинг ички энергиясини оширишга кетади, натижада газнинг температураси кўтарилади ва молекулаларнинг кинетик энергияси ортади.

$$\Delta E = N_0 \frac{mv_2^2}{2} - N_0 \frac{mv_1^2}{2}.$$

$$\frac{mv^2}{2} = \frac{3}{2} kT \text{ бўлгани учун,}$$

$$\Delta E = \frac{2}{3} N_0 k T_2 - \frac{3}{2} N_0 k T_1 = \frac{3}{2} N_0 k \Delta T = \frac{3}{2} R \Delta T.$$

Молекуляр иссиқлик сифими

$$\mu c_v = \frac{\Delta Q}{\Delta T} = \frac{3}{2} \frac{R \Delta T}{\Delta T} = \frac{3}{2} R.$$

$$\mu c_v = \frac{3}{2} \cdot 8,31 \cdot 10^3 \frac{\text{ж}}{\text{кмоль} \cdot \text{град}} = 12,4 \cdot 10^3 \frac{\text{ж}}{\text{кмоль} \cdot \text{град}},$$

$$\mu c_v \approx \frac{3 \text{ ккал}}{\text{кмоль} \cdot \text{град}}.$$

Ўзгармас ҳажмдаги моляр иссиқлик сифими гелий, неон, аргон ва бошқалар каби бир атомли ҳамма газлар учун бир хил эканлигини таъкидлаб ўтиш керак.

2. Газнинг кенгайишда бажарган иши

548. Бир атомли газнинг ўзгармас босимдаги моляр иссиқлик сифими қийматини ҳисоблаб топинг.

Ечилиши. Бир атомли 1 киломоль газни ўзгармас босимда иситиш учун $\Delta Q = \Delta E + \Delta A$ иссиқлик миқдори керак бўлади,

$$\Delta Q = \mu c_p; \Delta E = \mu c_v = \frac{[3]}{2} R; \Delta A = p \Delta V.$$

$p \Delta V$ нинг қийматини таниклаш учун газнинг 1° иситилишдан олдинги ва кейинги иккита ҳолати учун Клапейрон — Мен-

делеев тенгламасики ёзамиз. $pV_1 = RT_1$; $pV_2 = RT_2$. Иккинчи тенгламадан биринчисини айрамиз:

$$p(V_2 - V_1) = R(T_2 - T_1) \text{ ёки } p\Delta V = R\Delta T, \Delta T = 1^\circ$$

$$\text{бўлгани учун } p\Delta V = R \cdot 1^\circ = 8,31 \frac{\text{кж}}{\text{кмоль}} \left(p\Delta V \approx 2 \frac{\text{ккал}}{\text{кмоль}} \right).$$

Шундай қилиб, илгари киритилган R катталикка — газ универсал доимийсига аниқ физик мазмун берилади. У сон жиҳатидан 1 киломоль газнинг изобарик кенгайишда 1° га қиздирилгандаги бажарган ишга тенг.

$$\mu c_p = \frac{3}{2} R + R = \frac{5}{2} R = 21 \frac{\text{кж}}{\text{кмоль} \cdot \text{град}}.$$

549. 548- масалада берилган маълумотлардан фойдаланиб, гелийнинг c_p солиширма иссиқлик сифимини ҳисоблаб топинг ва уни жадваллардаги қиймати билан солиширинг.

Ечилиши. Гелийнинг молекуляр оғирлиги 4 кг/кмоль .

$$c_p = \frac{21 \cdot 10^3 \frac{\text{ж}}{\text{кмоль} \cdot \text{град}}}{4 \frac{\text{кг}}{\text{кмоль}}} = 5,2 \cdot \frac{\text{кж}}{\text{кг} \cdot \text{град}},$$

бу қиймат жадвалдаги қийматига тўғри келади.

Унча юқори бўлмаган температураларда икки атомли газлар учун $\mu c_v = 21 \frac{\text{кж}}{\text{кмоль} \cdot \text{град}}$ ва $\mu c_p = 29,3 \frac{\text{кж}}{\text{кмоль} \cdot \text{град}}$ эканини ўқувчиларга айтиб ўтиш фойдали ҳисобланади. Уларнинг $\mu c_p - \mu c_v$ фарқи ҳамма вақт $8,3 \frac{\text{кж}}{\text{кмоль} \cdot \text{град}}$ га тенг бўлади, чунки бу катталик 1 киломоль газнинг табиати қандай бўлишидан қатъи назар унинг кенгайишида бажарган ишига сарф бўладиган энергияни билдиради.

Газнинг кенгайишида бажарган иши ҳақидаги масалаларни ечишда, шунингдек икки атомли газлар учун c_p ва c_v ни ҳисоблашда бу маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

550. Икки атомли газларнинг моляр иссиқлик сифимини $\mu c_p = 29,3 \frac{\text{кж}}{\text{кмоль} \cdot \text{град}}$ деб ҳисоблаб, кислород ва ҳавонинг солиширма иссиқлик сифимини ҳисоблаб топинг ва уларни жадвалдаги қийматлари билан солиширинг.

Ечилиши. Кислород учун $\mu_c = 32 \frac{\text{кг}}{\text{кмоль}}$.

$$c_{p1} = \frac{29,3 \frac{\text{кж}}{\text{кмоль} \cdot \text{град}}}{32 \frac{\text{кг}}{\text{кмоль}}} = 0,92 \frac{\text{кж}}{\text{кг} \cdot \text{град}};$$

$$\mu_{\text{хаво}} = 1,29 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3} \cdot 22,4 \frac{\text{м}^3}{\text{кмоль}} = 29 \frac{\text{кг}}{\text{кмоль}}.$$

$$c_{p2} = \frac{29,3 \frac{\text{кж}}{\text{кмоль} \cdot \text{град}}}{29 \frac{\text{кг}}{\text{кмоль}}} = 1,0 \frac{\text{кж}}{\text{кг} \cdot \text{град}}.$$

Топилган қийматлар жадвалдагилар билан бир хил экан.
551. 10 m^3 ҳаво 0°C да $2 \cdot 10^4 \text{ Н/m}^2$ босим остида туради. Уни изобарик равишда 10°C иситганда қандай иш бажарилади?

Ечилиши. 1-усул. $A = p\Delta V$; $\Delta V = V_2 - V_1$; $\frac{p_1 V_1}{T_1} = \frac{p_2 V_2}{T_2}$; $p_1 = p_2$ бўлгани учун $V_2 = \frac{V_1 T_2}{T_1}$; $T_2 = 273\text{K} + 10^\circ\text{C} = 283\text{K}$;

$$V_2 = \frac{10 \text{ м}^3 \cdot 283}{273} = 10,366 \text{ м}^3; \Delta V = 0,366 \text{ м}^3;$$

$$A = 2 \cdot 10^4 \text{ Н/m}^2 \cdot 0,366 \text{ м}^3 = 7,3 \cdot 10^3 \text{ ж.}$$

2-усул. $A = nR \cdot \Delta t$, бунда n – ҳавонинг киломоллари сони, n ни аниқлаш учун ҳавонинг нормал шароитда эгаллайдиган V_0 ҳажмини ҳисоблаймиз. Ҳавонинг температураси 0°C бўлгани учун

$$V_0 = \frac{10 \text{ м}^3 \cdot 2,0 \cdot 10^1 \text{ Н/m}^2}{10 \cdot 10^4 \text{ Н/m}^2} = 2 \text{ м}^3.$$


$$\text{Демак, } n = \frac{2 \text{ м}^3}{22,4 \frac{\text{м}^3}{\text{кмоль}}} = 0,0881 \text{ кмоль.}$$

$$A = 0,0881 \text{ кмоль} \cdot 8,3 \cdot 10^3 \frac{\text{ж} \cdot 10^3}{\text{кмоль} \cdot \text{град}} = 7,3 \cdot 10^3 \text{ ж.}$$

552. 150-расмда адабатик ва изотермик процессларнинг графиларни көлтирилган. Графиклардан қайси бири изотерма, қайси бири адабата? Жавобиниизни асослаб беринг [21, № 684]. Маълум бир ҳажмгача кенгайиб, газ қайси процессда кўпроқ иш бажаради? Бунинг сабаби нимада? Газни маълум бир ҳажмгача сиқиши учун қайси процессда кўпроқ иш бажариш керак бўлади?

Ечилиши. Адиабатик процессда газ ва уни ўраб турган муҳит орасида иессиқлик алмашиниш бўлмайди. $\Delta Q = \Delta E + \Delta A$; Бунда $\Delta Q = 0$ бўлгани учун $\Delta A = -\Delta E$. Газнинг кенгайинидаги иш унинг ички энергияси камайини ҳисобига бажарилади. Газ совийди. Босим газ ҳажмининг ортиши ҳисобига ҳам, газнинг совиши ҳисобига ҳам камаяди. Агар газни сиқиб унга нисбатан иш бажарилса ($-\Delta A = \Delta E$), газнинг ички энергияси ортади ва у ислайди. Газ ҳажмининг камайилини ва газнинг исиши ҳисобига босим ортади.

Демак, адабатик процессда газнинг босими изотермик процесс-



150-расм.

дагига қараганда бирмунча кескинроқ ўзгариади, чунки босим фақаттипа ҳажмга боғлиқ бўлиб қолмай, балки температура га ҳам боғлиқ. $B\dot{B}_1$ чизиқ — изотерма, $A\dot{A}_1$ чизиқ — адиабата.

OA_1 ва OB_1 , эгри чизиқларни қараб чиқамиз. OA_1 адиабата OB_1 , изотермага қараганда камроқ юзни чегаралайди. Демак, газ маълум бир ҳажмга қадар изотермик кенгайигандаги қараганда адиабатик кенгайигандагига қараганда кўпроқ иш бажаради. Изотермик процессда $\Delta E = 0$ ва $\Delta A = \Delta Q$, яъни иш газ олган иссиқлик ҳисобига бажарилади.

Адиабатанинг OA қисмини ва изотерманинг OB қисмини қараб чиқамиз. Газни айни бир ҳажмга қадар адиабатик сиққандаги изотермик процессдагига қараганда кўпроқ иш бажарини керак эканлиги графиклардан кўриниб туради.

24- Б О Б

БУГЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ

Одатдаги температура ва босим шароитида суюқ ҳолатда бўлган моддаларнинг (сув, эфир, спирт, симоб ва бошқаларнинг) газ ҳолати буг деб аталади. Суюлтириш учун юқори босим ва паст температура талаб қиласидаги моддалар (водород, кислород ва бошқалар) газ деб аталади.

Бундай классификациялаш шартлидир. Тўйинмаган буг хоссалари газ хоссалари билан бир хил. Шунинг учун тўйинмаган бугларга оид масалалар ечиш методикаси газларга оид масалаларни ечиш методикаси билан бир хил бўлади (22 ва 23- боблар). Тўйинмаган буглар эса газлардан анча фарқ қиласиди. Уларнинг ўзига хос ҳусусиятлари бу темага оид масалаларнинг мазмунни ва уларни ечиш методикасида ўз аксини топиши керак. Бундай масалалар жумласига суюқлик билан буг орасидаги мувозанат шароитини молекуляр-кинетик ва энергетик нуқтан назардан аниқлаш; буглар бўйсуналигига қонуниятларни (газ қонунлари билан солиштириб) ўрганиш; қайнаш температурасининг босимга боғланшинини анализ қилиш каби масалалар киради. Намлиқка оид масалалар таништириб ўтиш тариқасида ечилади.

1. Суюқлик билан буг орасидаги мувозанат

Буг ҳосил бўлиши ҳақида ўқувчиларга VII синф курсидан маълум бўлган маълумотларни қайтариш мақсадида 8- бобда келтирилган масалаларга ўхшаш қатор масалаларни ечиш керак бўлади. Сўнгра тўйинмаган буг хоссаларини ва бугланиш процессининг энергетик томонини очиб берувчи масалалар

қараб чиқилади. Бунда түйинган буғ босимининг ҳажмга боғлиқ эмаслигига ҳамда түйинган буғ босими билан температура ўртасидағи боғланишнинг газларга оид бундай боғланишдан бошқача эканлигига алоҳида эътибор бериш керак. Шу мақсадда бир масаланинг ўзида (№ 553—554) газ ва түйинган буғнинг хоссаларини солишириш фойдали бўлади.

Масала ечишда кўпинча солишириш буғланиш иссиқлиги билан температура орасидаги боғланишни ва суюқликнинг қайнаш нуқтасида бу катталик билан солишириш буғ ҳосил бўлиш иссиқлиги орасидаги боғланишни қараб чиқиш ва тушунтириш фойдали ҳисобланади, чунки бу боғланишларни ўқувчилар яхши англамай қоладилар (№ 555). Ўқувчиларга жадвал маълумотларини ва процессларнинг графикаларини ўргатиш юқорида кўрсатилган боғлацишларни аниқлаш учун катта аҳамиятга эга.

553. Бирида ҳаво ва бирида түйинган сув буғи изотермик сиқиладиган *a* ва *b* цилиндрлар 151-расмда кўрсатилган. Ҳаво ва түйинган буғ босимининг ҳажмга боғланиш графикларини чизинг ва тушунтириб беринг.

Жавоби. Ҳаво учун бу график гипербола бўлади (152- расм), түйинган буғ учун эса *V* ўқига параллел бўлган тўғри чизиқ бўлади. Түйинган буғ босими ҳажмга боғлиқ эмас.


554. Ёпиқ идишдаги түйинган спирт буғи босимининг температурага боғланиш графикини жадвалдан фойдаланиб чизинг. Ҳажм ўзгармас бўлганда газ босимининг температурага боғланиш графикини олдинги график билан солишириш учун ўша координата ўқларида чизинг. Бу графикларнинг фарқини газларнинг кипетик назариясига асосланиб изоҳлаб беринг.

Ечилиши. Түйинган спирт буғи босимининг жадвалидан, масалан, дарсликдаги (21, 214- бет) жадвалдан фойдаланиб *AA'* график чизамиз (153- расм).


Изохорик процессда газ босими

$$p_t = p_0 \left(1 + \frac{t}{273}\right)$$


қонунга бўйсунади.



151- расм.



152- расм.



153- рәсем.

Мисол учун $t = 0^\circ\text{C}$ ва $p_0 = 760 \text{ мм сим. уст. деб}$ фараз қиласыз. Босым температурага чизиқли боғлиқ бүлганидаң график чизиш учун иккита нұқта топиш етарилидір. Нұқталардан бири, яғни p_0 нұқта берилған, иккінчинини эса масалан, $t = 100^\circ\text{C}$, $p_{100} = 1040 \text{ мм сим. уст. деб}$ фараз қилиб тонализ. Процесснің графиги $B'B'$ түғри чизиқ бүлади.

153- расмдан күриниб турибдіки, түйинган буғ босимининг температурага боғланиши идеал газларникига қараганда бошқақароқ бүлади. Түйинган буғ температурасы күтарилиши билан молекулаларнинг тезлиги ҳам, уларнинг бирлик ҳажмдаги сони ҳам орта боради. Газ исигаңда эса молекулаларнинг тезлигигина ортади. Шунинг учун түйинган буғнинг босими газникига қараганда тезроқ ортади.

555. Жадвал маълумотларидан фойдаланиб, сувнинг солиширма бугланиш иссиқлигиги билан температура орасидаги боғланишининг тахминий формуласини тузинг. Температура күтарилғанда солиширма бугланиш иссиқлигиги камайишининг сабаби нимада эканини тушунтириб беринг.

Температура, $^\circ\text{C}$	0	20	50	100
Солиширма бугланиш иссиқлигиги, $\lambda \frac{\text{кал}}{\text{г}}$	597	585	568	539

Ечилиши. Температураларнинг қўйидаги интервали учун:

$$0 - 20^{\circ}\text{C} \text{ да } \frac{\Delta\lambda}{\Delta t} = \frac{597 - 585}{20} = 0,60;$$

$$0 - 50^{\circ}\text{C} \text{ да } \frac{\Delta\lambda}{\Delta t} = \frac{597 - 568}{50} = 0,58.$$

$$0 - 100^{\circ}\text{C} \text{ да } \frac{\Delta\lambda}{\Delta t} = \frac{597 - 539}{100} = 0,58.$$

Температураларларнинг $0 - 100^{\circ}\text{C}$ интервали учун тахминни $\lambda = 597 - 0,60$ t деб ҳисоблаш мумкин.

Бу боғланишини тушуниш учун 216 ва 582- масалаларга қаранг.


2. Қайнаш

Ўқувчиларга VII синф курсидан маълум бўлган маълумотларни қайтариш учун дастлаб 9- бобда келтирилган масалаларга ўхшаш бир қанча масала ечиш керак. Сўнгра асосий эътиборни қайнаш процессининг физик маъносини тўйинган бугнинг босими тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда очиб берувчи масалаларга қаратиш керак. Бу процесс ички энергиянинг ўзгариши нуқтаи назаридан ҳам қаралади.

Шунинг учун қайнаш температурасининг босимга боғланниш графикларини ўрганиш (154- расм) ҳамда 560- масалани

ечиш анча қизиқаралидир. Сув нормал босим шароитида қайнагаңда энергиянинг кўпгина қисми атмосферанинг босим кучларини енгишга қарши иш баражишига сарфланиши ўша 560- масалада кўрсатилади.

556. 154- расмда сув, спирт ва эфирлар тўйинган буги босимиш температурага боғланниш графиклари кўрсатилган $10 \cdot 10^4 \text{ Н} \cdot \text{м}^2$ босимда бу моддаларнинг тўйинган буги температурасини графикка қараб аниқланг ва уни бу суюқликларнинг нормал босим шароитидаги қайнаш



154- расм.

температураси билан солишириңг. Бу маълумотларни солиширишдан қандай холоса чиқариш мумкин?

Жавоби. Суюқликкінг түйинган буғи босими атмосфера босимига тенг бўлган температурада суюқлик қайнайди.

557. 154-расмдаги графиклардан фойдаланиб, тоғнинг 5 км баландлигига бу суюқликлар қандай температурада қайнапши ни аниқланг. Бундай баландликда босим $5,3 \cdot 10^3 \text{ Н/м}^2$ бўлади. Бу жойда овқат пишириб бўлмайди дейишади. Нега?

Жавоби. Бу ерда сув тахминан 80°C да қайнайди. Бу температура кўп маҳсулотларни пишириш учун етарли эмас.

558. Ҳам температура, ҳам атмосфера босимини ўлчаш учун термометр шкаласининг кўрининишини қандай ўзгартириш мумкилигини ўйлаб кўринг.

Жавоби. Термометр қўпталоқ шкалага эга бўлиши керак. Градусларни кўрсатувчи бўлимлар қаршиисига шу температурада сув қайнайдигандаги атмосфера босимини ёзиб қўйиш керак. Термометрни қайнайтган сув бугига тутиб атмосфера босимини билиш мумкин.

559. Нима учун цилиндр ичидаги қайнайтган сув насос поршени кетидан кўтарилимайди?

Жавоби. Қайнайтган сув поршень кетидан кўтарилимайди, чунки сув буғининг босими атмосфера босимига тенг бўлади.

560. 1 кг буғининг ички энергияси қайнаш температурасида олингани 1 кг сувнинг ички энергиясидан қанча катта?

Ечилиши. 1 кг сувни қайнаш температурасида буғга айлантирамиз. Бунинг учун керак бўлган иссиқлик миқдори

$$\Delta Q = \Delta E + \Delta A; \Delta E = \Delta Q - \Delta A; \Delta Q = 22,6 \cdot 10^3 \text{ ж/кг};$$

ташқи босимга қарши бажарилган иш $\Delta A = p\Delta V$. Сувнинг ҳажмиши буғ ҳажмига нисбатан ҳисобга олмай туриб, қўйидагини топамиз:

$$\Delta V = \frac{m}{\rho} = \frac{1 \text{ кг}}{5,97 \cdot 10^{-1} \text{ кг/м}^3} = 1,68 \text{ м}^3;$$

$$\Delta A = 1,68 \text{ м}^3 \cdot 10 \cdot 10^4 \text{ Н/м}^2 = 1,68 \cdot 10^5 \text{ ж.}$$

$$\frac{\Delta A}{\Delta Q} = \frac{1,68 \cdot 10^5 \text{ ж} \cdot 100\%}{22,6 \cdot 10^3 \text{ ж}} = 7,4\%.$$

Шундай қилиб, нормал босимда сувни буғга айлантиришда тахминан ташқи босим кучига қарши иш бажаринш учун 7,4% энергия, буғининг ички энергиясини ошириш учун эса 92,6% энергия сарфланади.

3. Газларни суюлтириш. Модданинг критик ҳолати

561. Жадвал маълумотларига қараб сув ва учинг түйинган буғи зичлигининг температурага боғланиши графикларини чизинг.

Күйидаги саволларга жавоб беринг:

- сув ва унинг тўйинган буғи зичлиги температура ва босим ортиши билан қандай ўзгаради? Нима учун ўзгаради?
- 374°C температура ва $2,20 \cdot 10^7 \text{ н/м}^2$ босим шароитида модда қандай ҳолатда бўлади?
- 400°C да сув суюқ ҳолатда бўла оладими?
- 300°C да тўйинган буғ 10^7 н/м^2 босимга ва $0,80 \text{ кг/м}^3$, 40 кг/м^3 зичликка эга бўлиши мумкини?


Темпера- тура, $^{\circ}\text{C}$	Тўйинган буғ босими, н/м^2	Сувнинг зичлиги, кг/м^3	Буғ зичли- ги, кг/м^3	Солиширма бут ҳосил бўлиш иссиқлиги, 10^6 ж/кг
20	$2,33 \cdot 10^3$	1000	0,017	24,3
100	$1,02 \cdot 10^5$	960	0,597	22,6
150	$4,75 \cdot 10^5$	920	2,54	21,1
200	$1,55 \cdot 10^6$	860	7,84	19,5
300	$8,57 \cdot 10^6$	700	46,9	13,8
370	$2,10 \cdot 10^7$	440	208	4,12
374	$2,20 \cdot 10^7$	320	320	0

562. 155- расмда эфирнинг критик ҳолатини кузатиш учун мўлжалланган асбоб кўрсатилган. Унинг асосий қисми эфир солинган *a* ампуладир. Ампуладаги эфир ҳар қандай миқдорда бўлганда ҳам уни критик ҳолатга келтириш мумкини? Бу тажрибада қандай эҳтиёткорлик чоралари кўрилиши керак?

Жавоби. Эфирнинг 197°C ва $359 \cdot 10^6 \text{ н/м}^2$ босим шароитида критик ҳолатда бўлишини жадвалдан топамиш. Эфир жуда

оз миқдорда олинган бўлса, тўйинган буғ ҳосил бўлмайди. Эфир кўп миқдорда олинса, кенгаяётгани эфир критик температурага етмасданоқ ампулани бутунлай тўлдиради. Эфирнинг критик босими нисбатан катта бўлганлиги туфайли ампуланинг ёрилиб кетишидан эҳтиёт бўлиш керак. Шунинг учун асбобдаги дарчага қалин шиша кўйиш керак.

563. Бир куни Фарадей қуруқ хлор гидратини кавшарланган шиша найчада қиздираётгани экан. Ўшанда лабораторияга Парис деган олим кириб, у найчалардан бирида „ёғ“ юқини кўриб қолади ва Фарадейга кир найчалар ишлаётганини таъна қиласди. Лекин Фарадей ўша найчанинг учини кесиб ташлаши биланоқ ичидагилар портлаб, „ёғ“ йўқолиб кетади. Эртаси кун эрта билан Фарадей



155- расм.

Парисга: „Сиз ёғ деган нарса суюқ хлор экан“, — деб хат ёзади.

Юқорида баён этилган шароитта найчада суюқ хлор ҳосил бўлиши мумкинлигини справочниклардан фойдаланиб кўрсатиб беринг.

Ечилиши. Хлор учун критик температура 146°C , босим $7,8 \cdot 10^8 \text{ Н/м}^2$. Уй температурасида (20°C) хлор суюқ ҳолатда бўлиши мумкин. Унинг тўйинган буғи босими $7,1 \cdot 10^5 \text{ Н/м}^2$. Найчадаги портлаш ўша босим туфайли юз берган.

564. Суюлтирилган газларни узоқ вақт сақлаш учун очиқ идишга солинади. Нима учун шундай қилинади?

Жавоби. Ёпиқ идиш мустаҳкам бўлмаса, ташқаридан келган иссиқлик ҳисобига ёрилиб кетади. Мустаҳкам идишда эса температура критик температурадан ортиб кетиб, суюқлик газ ҳолатга ўтади.

565. 561- масалага берилган жадвалдан фойдаланиб, тўйинган сув буғи $20, 100, 300^{\circ}\text{C}$ температураларда Клапейрон — Менделеев тенгламасига мувофиқ қандай босимга эга бўлишини ҳисобланг. Сиз топган натижалар жадвалдагига тўғри келадими? Олинган натижалар молекуляр-кинетик назария асосида қандай изоҳлаб бериш мумкин?

Ечилиши. $p_{20} = \frac{m_1 R T_1}{\mu V}; V = 1 \text{ м}^3$ деб оламиз.

$$p_{20} = \frac{0,017 \text{ кг/м}^3 \cdot 8,3 \cdot 10^3 \frac{\text{ж}}{\text{кмоль} \cdot \text{град}} \cdot 293 \text{ град}}{18 \text{ кг/кмоль} \cdot 1 \text{ м}} = 2,1 \cdot 10^3 \text{ Н/м}^2.$$

$$p_{100} = 2,7 \cdot 10^3 \text{ Н/м}^2; p_{300} = 4,2 \cdot 10^3 \text{ Н/м}^2$$

эканини ҳам шу сингари топамиз.

Босимнинг топилган қийматларини жадвалдаги қийматлари билан солиширишдан шу нарса кўринадики, Клапейрон — Менделеев тенгламаси реал газ ва буғларга қўлланилганда тажриба билан аниқ мос келувчи натижалар олиш учун газ ва буғларнинг зичлиги учча катта бўлмаслиги лозим.

4. Намлик

Ҳаводаги сув буғи миқдорини характерлаш учун учта катталиқ ҳақида тушунча берилади: абсолют, максимал ва нисбий намлик. D абсолют намлик — 1 м^3 ҳаводаги сув буғининг граммлар ҳисобида олинган миқдори. D_0 максимал намлик — тайинли бир температурада 1 м^3 ҳавони тўйинтирувчи сув буғининг грамм ҳисобида олинган миқдори. Нисбий намлик $f = \frac{D}{D_0} \cdot 100\%$. Нисбий намликни ҳаводаги сув буғи p босимнинг шу температурада ҳавони тўйинтирувчи буғнинг p_0 босимига нисбати орқали ҳам ифодалаш мумкин, $B = \frac{p}{p_0} \cdot 100\%$. f ва B катталикларнинг сон қийматлари бир-бирига яқин.

Бу бўлимда психрометрик жадваллар билан ишлашга ва намлики психрометр билан аниқлашга доир экспериментал масалаларга алоҳида эътибор бериши керак, акс ҳолда кўп ўқувчилар намлики ҳисобланада қийиалиб қоладилар.

566. Август психрометрида қуруқ термометринг кўрсатиши 20°C , ҳўл термометрники 10°C . Ҳавонинг нисбий намлиги ни аниқланг.

Ечилиши. Термометрлар кўрсатишининг фарқи 10°C . Психрометрик жадвалга қараб нисбий намликинг 55% эканлигини топамиз.

567. Бино ичидаги ғир-ғир эслан шамолда ёки кўчадаги шамолда Август психрометрини ишлатиш тўғрими?

Жавоби. Йўқ, тўғри эмас. Бунда нам термометрнинг кўрсатиши камаяди ва намлик нотўғри ҳисоб қилинади.

568. 10°C температурада шудринг ҳосил бўлгани Ламбрехт гигрометри билан қайд қилинган. Агар ҳавонинг температураси 18°C бўлса, унинг абсолют ва нисбий намлиги қандай бўлади?

Ечилиши. Шудринг ишқасида буғ тўйиниб қолади. Абсолют намлик $D = 9,41 \text{ g/m}^3$ эканини жадвалдан топамиз. Максимал намлик $D_0 = 15,4 \text{ g/m}^3$.

$$f = \frac{9,41 \text{ g/m}^3 \cdot 100\%}{15,4 \text{ g/m}^3} = 61\%.$$

569*. Нима учун киши танасининг буғлациши ҳавонинг нисбий намлигига, ўпкасининг сиртидан бўладиган буғланиш эса ҳавонинг абсолют намлигига боғлиқ бўлади?

Жавоби. Одам атрофидаги ҳаво қанчалик тўйинган бўлса, унинг төрисидан бўладиган буғланиш шуичалик секин боради. Ўпкадаги ҳаво эса буғга тўлиқ тўйинган бўлиб, унинг температураси ўзгармас (32°C) бўлади. Шунинг учун ўпкадан ҳавога чиқадиган буғ миқдори ўпкадаги ҳавонинг максимал намлиги билан нафас олингандан кирадиган ҳавонинг абсолют намлиги орасидаги фарқقا тенг бўлади.

25. БОБ

СУЮҚЛИК ВА ҚАТТИҚ ЖИСМЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ

Бу темада ўқувчилар модданинг суюқ ҳолати хусусиятлари билан танишишлари керак. Бу ҳолат ўқувчиларга илгаридан маълум бўлган газ ва қаттиқ жисм орасида туради. Бу маълумотлар ўзича муҳим бўлиши билан бирга кейинчалик қаттиқ жисмларнинг хоссаларини ўрганинда катта аҳамиятга эга бўлади. Бу темада асосий эътиборни суюқликнинг кўзга

ташланадиган хусусиятига, яъни суюқлик билан учинг буғи ўртасида кескин чегара борлигига қаратиш лозим. Шунга мувофиқ, масала ишлашда суюқлик сиртида бўладиган турли ҳодисалар, уларнинг табиатидан намоён бўлиши ва улардан амалда фойдаланиш каби масалалар қараб чиқилади.

Қаттиқ жисм хоссалари ҳақида масала ишлашда аморф ва кристалл жисмларнинг хусусиятлари, анизотропия, модда кристалл тузилишининг хусусиятларига боғлиқ бўлган ички энергия қаралади. Кейинчалик масала ишлаш жараёнида деформациянинг турли кўринишлари ва қаттиқ жисм хоссаларини характерловчи эластиклик, пластиклик ва бошқа катталиклар қаралади. Ниҳоят, суюқлик ва қаттиқ жисмларнинг иссиқликдан кенгайшига оид масалалар ишланади.


1. Сирт қатлам хоссалари

Бу ҳодисаларни тушуниш ва масала ишлаш учун қерак бўладиган асосий тушунча „сирт таранглиги“ ¹ ҳисобланади. Элементар физикага оид кўпгина қўлланмаларда „сирт таранглиги“ пардани чегаралаб турган ℓ чизиқлининг узунлик бирлигига таъсир этувчи F кучга сон жиҳатидан тенг бўлган катталик сифатида таърифланади: $\alpha = \frac{F(\text{дин})}{\ell(\text{см})}$. Буида суюқликнинг сирт пардаси билан эластик резинка парда ўртасидаги ўхшашликтан фойдаланилади. Агар бундай солиширишда бу пардаларнинг ўхшаш хоссалари билан бирга уларнинг принципиал фарқлари таъкидлаб ўтилмаса, ўқувчиларда сирт ҳодисаларни ҳақида иштёрки тушунчалар ҳосил бўлади.

Энергетик нуқтаи назардан, сирт таранглиги деганда, суюқликнинг эркин сиртини изотермик равишида 1 см^2 ёки 1 м^2 кенгайтиришда сарф бўлган иш билан ўлчанадиган катталик тушунилади: $\alpha = \frac{A(\text{эрж})}{S(\text{см}^2)}$ ёки $\frac{A(\text{ж})}{S(\text{м}^2)}$. Расман қараганде бу таъриф сирт тарангликнинг куч деб берилган таърифига зид келмайди, чунки $\left[\frac{\text{эрж}}{\text{см}^2} \right] = \left[\frac{\text{дин}}{\text{см}} \right]$. Бироқ суюқлик сиртининг энг муҳим хусусияти унда эркин сирт энергиясининг борлиги ҳисобланади. Сирт тарангликнинг куч деб берилган таърифи сирт ҳодисаларининг физик маъносига ҳамма вақт ҳам мос келавермайди.

Суюқлик сирти қисқаришининг ҳақиқий сабаби сиртга перпендикуляр ҳолда унинг ичига йўналган кучлар таъсир қилиши ҳисобланади. Буида сирт энергияси камаяди. Фақатгина уч фазали чегара (суюқлик — газ — қаттиқ жисм ёки суюқлик — суюқлик — газ) учун сирт тарангликнинг ҳақиқатда таъсир этувчи тангенциал кучи ҳақида гапириш мумкин. Ўрта мактабда сирт таранглик фақат учта фаза чегарасида (капил-

¹ α катталик сирт таранглик коэффициенти деб ҳам аталади.



156- расм.

ларлар, сову пардаси ва бошқалар) қаралғаннан учун масала ишлешінде сирттараңгликтің күч деб берилған таърифи қулай бўлади.

Хисоблашда физик катталиклар унча катта бўлмаган сонлар билан ифодаланган ҳолларда СИ системаси билаи бирга СГС системасидан ҳам фойдаланиш мумкин.

570. Нима учун суюқликкниң сирт қатлами бутун суюқликка „молекуляр“ босим кўрсатади? Суюқлик молекулаларини „зичлаш“ учун бу босимнинг қандай аҳамияти бор?

Жавоби. Қалинлиги молекуляр таъсир сферасининг диаметрига тенг бўлган сирт қатламда (қ. № 528) молекулага суюқликнинг ичкарисига қараб таъсир этадиган күч газ томонидан ташқарига йўналган кучга қараганда катта бўлади.

Шу асосда суюқлик қаттиқ сиқилгандек бўлади.

571. Молекуляр босим сув учун $10 \cdot 10^8 \text{ н/м}^2$, спирт учун $2,4 \cdot 10^8 \text{ н/м}^2$; эфир учун $1,4 \cdot 10^8 \text{ н/м}^2$. Нима учун бундай катта босим суюқлик ичидаги ҳаво пуфакчасини ҳам эза олмайди?

Жавоби. Пуфакчанинг ўлчами молекуляр таъсир сферасига қараганда кўп марта катта. Пуфакчанинг қарама-қарши деворига ёпишган суюқлик молекулалари ўзаро таъсир этмайди, шунинг учун пуфакча ичидаги газ чегарасида суюқлик ичкарисига йўналган босим ҳосил бўлади.

572 (э). Ўқувчи суюқликнинг сирт тараңглигини 156-а расмда кўрсатилган қурилма ёрдами билан аниқлаш мумкин эканлигини бир китобдан ўқиб қолади. Сувнинг сирт тараңглигини аниқламоқчи бўлиб ўқувчи Бакушинский динамометри (ҳар бир бўлими 0,1 н) ва узунлиги 5 см сим олиб, тажриба қилимоқчи бўлади. Ўқувчи қаноатлантиарлар натижасида ололадими? Ўлчаш аниқлигини қандай қилиб ошириш мумкинлигини ўйлаб кўринг. Ўз тахминларингизни тажрибада текшириб кўринг.

Ечилиши. Сув ўз юзида ётган симга икки томондан тегиб туради. Шундай қилиб, ҳаракатланувчи сим орқасидан икки томондан сирт пардаси билан чегаралашган сув устуни кўтарила боради. (Бу фактга ўқувчиларнинг эътиборини алоҳида жалб қилиш керак, чунки турли пардаларга оид масалалар ишлаганда ундан тез-тез фойдаланиб турилади.) Бир сирт парда учун $F_1 = \alpha l$ тенглама, иккитаси учун эса $F_2 = 2\alpha l = 2 \cdot 73 \frac{\text{дин}}{\text{см}} \cdot 5 \text{ см} = 730 \text{ дин} = 0,075 \text{ н}$ ўринлидир. Бундай

Үлчашлар учун Бакушинский динамометри қўполлик қилиши кўриниб турибди. Тажрибанинг аниқлигини ошириш учун бирмунча сезгироқ динамометр ва узуноқ сим олиш керак. Тажрибанинг бажарилиши ўнгай бўлиши учун симни квадрат рамка, ҳалқа ёки маълум узунликдаги спираль кўринишида букиш мумкин (156- б расм).

Симниг узунлиги 100 см бўлганда $F = 2 \cdot 100 \text{ см} \cdot 73 \frac{\text{дин}}{\text{см}} = 14600 \text{ дин} \approx 1,5 \text{ к} \text{ бўлади.}$

Бу ҳолда тажрибадан α нинг қийматини тахминий баҳолаш учун фойдаланиш мумкин. Агар динамометр ўнрига сезгири шайнинли тарози ишлатилса, ўлчаш аниқлиги янада юқори бўлади.

573. Тортмасининг узунлиги 5 см (157- расм) бўлган симни рамкадаги совуи пардасини $d = 10 \text{ см}$ чўзиш учун қанча иш бажариш керак?

Ечилиши. 1- усул. $A = F \cdot d = 2tad = 2 \cdot 5 \text{ см} \cdot 10 \text{ см} \times 40 \frac{\text{эрз}}{\text{см}^2} = 4000 \text{ эрг.}$

2- усул. A иш суюқликнинг әркин сирти энергиясининг орттирмасига тенг: $A = \alpha \cdot S$. Сирт парданинг иккала томонидан ортгани ҳисобга олинади, шунинг учун


$$A = 2 \cdot 40 \cdot 10^{-3} \text{ ж/м}^2 \cdot 0,05 \text{ м} \cdot 0,10 \text{ м} = 4 \cdot 10^{-4} \text{ ж.}$$

574. Олдинги масала асосида суюқликнинг сирт қатлами билан резинка парданинг қандай умумий ва фарқли хусусиятлари бор эканлиги ҳақида холоса қилинг.

Жавоби. Иккала парданинг умумий томони уларнинг қисқаришидир. Бироқ резинка парда учун куч деформация катталигига (Гук қонуни) боғлиқ, хусусий ҳолда куч нолга тенг бўлиши мумкин. Суюқликнинг сирт пардаси эса ҳамма вақт бир хил тараангланган бўлади. Уни чўзиш иши ишқаланиш кучига қарши бажарилган иш ёки юкни кўтаришда бажарилган ишга ўхшаш бўлади.

575. Нима учун майда симоб ёки сув томчилари бир-бирига текканда осонгина қўшилиб катта томчи ҳосил бўлади-ю, лекин катта томчи ўз-ўзидан майда томчиларга бўлиниб кета олмайди?

Жавоби. Йирик томчининг сирти қўшилган майда томчиларнинг умумий сиртига қараганда кичик бўлади, демак, йирик томчининг сирт энергияси кичик бўлади. Томчини майдалаш учун иш бажариш керак. Ак-



157- расм.

синча, майдада томчилар қўшилганда энергия ажралади (томчининг температураси кўтарилади).

576*. Агар диаметри 1 мкм бўлган томчилар қўшилганда ўша температурадаги 1 кг тоза сув ҳосил бўлса, атрофдаги муҳитга қандай миқдор иссиқлик чиқади? Атрофдаги муҳит билан иссиқлик алмашиш бўлмаганда сув неча градусгача исиган бўлур эди?

Ечилиши. Томчиларнинг сирт энергияси бир идишда турган сувнинг сирт энергиясидан катта бўлади. Бу ортиқча энергия $W = \alpha \Delta S$, бунда ΔS — идишдаги сув сирти билан барча томчилар сиртлари орасидаги фарқ. Идишдаги сувни фикран 2, 4, 8 ва ҳоказо қисмларга бўламиз. Бунда сирт шуничалик тез ортиб кетадики, сувдан ҳосил бўлган томчиларнинг сиртларига нисбатан сувнинг бошланғич сиртини ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Шунинг учун $W = \alpha S \cdot n$, бунда S — битта томчининг сирти, n — томчилар сони. $S = 4\pi R^2$, $n = \frac{V}{V_1}$, бунда V — 1 кг сувнинг ҳажми, V_1 — битта томчининг ҳажми.

$$n = \frac{10^{-3} \text{ м}^3}{\frac{4}{3} \pi R^3}; \quad W = \frac{4\pi R^2 \alpha \cdot 10^{-3} \text{ м}^3}{\frac{4}{3} \pi R^3} = \frac{3 \alpha \cdot 10^{-3} \text{ м}^3}{R} = \\ = \frac{3 \cdot 73 \cdot 10^{-3} \text{ к/м} \cdot 10^{-3} \text{ м}^3}{5 \cdot 10^{-7} \text{ м}} = 4,4 \cdot 10^2 \text{ ж.}$$

Энди атрофдаги муҳит билан иссиқлик алмашиниши бўлмаганда сувнинг температураси қанчага кўтарилишини ҳисоблаймиз:

$$Q = cm \Delta t; \quad \Delta t = \frac{Q}{cm} = \frac{4,4 \cdot 10^2 \text{ ж}}{4,2 \cdot 10^3 \frac{\text{ж}}{\text{кг} \cdot \text{град}} \cdot 1 \text{ кг}} \approx 0,1^\circ\text{C}.$$

577 (ә). Сув сиртига икки дона гугурт чўли қўйинг ва улар орасида сувга совун бўлагини тегизинг. Тоза сув юзида турган икки гугурт чўли орасида сувга қанд тегизинг. Тажриба натижаларини изоҳлаб беринг.

Жавоби. Совун тегизилганда гугурт чўплари бир-бираидан узоқлашади, чунки совун эритмасининг сирт таранглиги тоза сувникига қараганда кичик. Қанд сирт таранглигини оширади, шунинг учун қанд тегизилганда гугурт чўплари яқинлашади.

578. Совун эритмасининг сирт таранглиги тоза сувникига қараганда кичик. Бироқ пулфак ҳосил қилишда ва парда билан ўтказиладиган бошқа тажрибаларда тоза сув эмас, балки совун эритмасидан фойдаланилади. Бунинг сабаби нимада?

Жавоби. Совун пардасининг сирт қатламида совун молекулалари ички қатламларидағига нисбатан кўпроқ бўлади. Агар парданинг бирор жойи юпқалашиб қолса, унинг сиртида бирмунча тоза сув қатлами ҳосил бўлади, бу қатламнинг сирт

тараңглиги катта бўлиб, у ўзига қўшни қисмлардан суюқликкни тортиб олади ҳамда парда қалинлигини ҳамма жойда бир хил бўладиган қиласди.

579. Симдан ишланган каркасда совун пардаси ҳосил қилинг ва ундан ингичка сув оқимини ўтказинг (158- расм). Нима учун сув пардани йиртиб юбормайди?


580. Қуйидаги жадвал маълумотларига қараб сирт тараңгликнинг температурага боғланиш графигини чизинг, шунингдек $0 - 40^{\circ}\text{C}$ ва $40 - 100^{\circ}\text{C}$ температура интерваллари учун эмпирик формулалар тузинг.

Температура, $^{\circ}\text{C}$	0	10	20	30	40	50	60	70	80	90	100
Сирт тараңглик коэффициенти, $\frac{\text{эрг}}{\text{см}^2 \cdot \text{град}}$	75	74	73	71	70	68	66	64	62	61	59


Бу боғланиш графиги 159- расмда кўрсатилган. Жадвал ва графикдан температураларнинг бу интервалларида α нинг t га тахминан тўғри пропорционал эканлиги кўриниб туради. Биринчи интервалда α нинг қийматлари 1°C га $0,1 \frac{\text{эрг}}{\text{см}^2 \cdot \text{град}}$ камаяди, иккинчи интервалда эса $0,2$ га камаяди. Демак, эмпирик формулаларни қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\alpha_{0-40} = 75 \frac{\text{эрг}}{\text{см}^2} - 0,1 \frac{\text{эрг}}{\text{см}^2 \cdot \text{град}} \cdot t$$

$$\text{ва } \alpha_{40-100} = 70 \frac{\text{эрг}}{\text{см}^2} - 0,2 \frac{\text{эрг}}{\text{см}^2 \cdot \text{град}} (t - 40^{\circ}).$$



159- расм.



158- расм.


581. Олдинги масалада ҳосил қилинган $\alpha = 70 \text{ эрг}/\text{см}^2 - 0,2 \text{ эрг}/\text{см}^2 \cdot \text{град}$ ($t - 40$)°C формула юқоригоң температураларда ҳам түғри бўлсин деб фарз қилайлик. Унда α қандай температурада нолга тенг бўлади?

Ечилиши. $0 = 70 \text{ эрг}/\text{см}^2 - 0,2 \text{ эрг}/\text{см}^2 \cdot \text{град}$ $t + 8 \text{ эрг}/\text{см}^2$, бундан $t = 400$ °C. Бу температура критик температуранинг ҳақиқий (374°C) қийматига яқин. Албатта, бир шароит учун топилган боғланишнинг бошқа шароит учун ҳам түғри бўлиши тўғрисидаги „дадил“ тахминларни ўша шароитда текшириб кўриш керак эканлигини ўқувчиларга тушунтириб ўтиш керак бўлади. Ҳатто $0 - 100$ °C интервалда ҳам бу боғланишиниң бир хил бўлмаслиги масаладан кўриниб турибди. Шунга қарамай бу сингари ҳисоблар жуда қизиқарлидир, чунки улар ўқувчиларни ўлчашиб натижаларини математик йўл билан ишлаб чиқиш методларидан бири билан таниширади.

Бу масалани ишлашда ўқувчиларни Д. И. Менделеев чиқарган хулоса билан танишириб ўтиш керак. Д. И. Менделеев сирт тарангликнинг температурага боғланишини ўргана туриб, „абсолют қайнаш температураси“ (ҳозир у „критик“ температура деб аталади) мавжуд бўлиши керак ва унда молекуляр тутиниш туфайли ҳосил бўлган сирт таранглиги нолга тенг бўлади деган хулосага келди.

582. 561- масаладаги жадвалдан фойдаланиб, буғ ҳосил бўлиш иссиқлигининг температурага боғланиш графикини ясанг ва уни 580- масаладаги график билан солиширинг. Бу боғланишларнинг ўхшашлиги нимада? Температура кўтарилиганда буғ ҳосил бўлиш иссиқлиги камайишини суюқликнинг сирт таранглиги камайиши билан боғлашга уриниб кўринг.

Ечилиши. Жадвал маълумотларига қараб ясалган график 160- расмда кўрсатилган. Сирт тарангликнинг камайиши сирт қатламдаги молекулаларнинг ортиқча потенциал энергиясининг камайишини билдиради. Бунинг натижасида молекулалар-



зининг чиқиши иши камаяди. Бу манзара худди ернинг тортиш кучи түстадан камайиб қолганда бўлиши мумкин бўлган манзарага ўхшайди. У ҳолда ракетанинг учиши учун, масалан, бошқа планеталарга учиши учун кам энергия керак бўлади.


2. Ҳўллаш ва ҳўлламаслик. Эгри сирт остидаги босим, капилляр ҳодисалар

Ҳўллаш ва ҳўлламасликка оид масалаларни ечишдан олдин суюқлик томчисининг бошқа суюқлик ёки қаттиқ жисм бўйлаб ёйилиб кетиш сабабини қараб чиқиши керак. Бусиз бу ҳодисаларга оид масалалар ўзининг таълим бериш аҳамиятини йўқотади ва ўқувчиларнинг турмушдан олган тасаввурларига кам нарса қўшади.

I суюқликнинг II суюқлик сиртидаги томчисини текшириб чиқамиз (161-расм). Бунда BCD қисмда сирт таранглиги α_1 га тенг бўлган I суюқлик пардаси, сирт таранглиги α_2 га тенг бўлган II суюқлик пардаси ва иккала суюқликнинг BED умумий чегарасида сирт таранглиги α_{12} га тенг бўлган пардалари бор. Сиртлар камайишга интилиб, бунда уларнинг умумий сирт энергияси минимум бўлади. Масалан, agar α_{12} сирт таранглиги α_1 ва α_2 дан жуда ҳам кичик бўлса ва биринчи тақрибда уни ҳисобга олмаслик мумкин бўлса-ю, лекин, $\alpha_1 > \alpha_2$ бўлса, I суюқлик сирти камаяди, иккинчисиники эса ортади. I суюқлик II суюқлик сиртида томчи бўлиб йигилади. Agar $\alpha_2 > \alpha_1$ бўлса, у ҳолда I суюқлик II суюқлик сиртида ёйилиб кетади. α катталигни куч деб таърифлаганда ҳам худди шундай холосага келиш мумкин. Agar $\alpha_2 < \alpha_1 + \alpha_{12}$ (1) бўлса, суюқлик томчи ҳосил қиласи, agar $\alpha_2 > \alpha_1 + \alpha_{12}$ (2) бўлса, II суюқлик сиртида юпқа қатлам ҳосил қиласи.

II суюқлик ўринда сирт таранглигига эга бўлган қаттиқ жисм олинганда ҳам шунга ўхшаш манзара ҳосил бўлиши мумкин, чунки жисм сиртидаги зарралар ичидаги зарраларга нисбатан ортиқча энергияга эга. Қаттиқ жисмга татбиқ этилганда (1) муносабат ҳўлламасликка, (2) муносабат эса ҳўллашга мос келади.

Сирти эгриланган суюқликларнинг сирт таранглиги ҳақида-
ги масалаларни ечишда ўқувчиларга $p = \frac{2\alpha}{R}$ формула билан
аниқланадиган қўшимча (мусбат ёки манфий)
босим ҳақида тушунча бериш керак. Қавариқ сирт учун p босим мусбат ишорага, ботиқ сирт учун эса манфий ишорага эга. Бу фор-



161-расм.

муланинг элементар исботини масала ишлаш (587, 593) йўли билан бериш мумкин.

583. Нима учун бидон ёки бутилкада сақланаштган керосин кўпинча идишнинг сиртига ўтириб қолади?

584. Нима учун симоб томчиси тахта устида шарча шаклида бўлади-ю, мис ёки рух устида ёйилиб кетади?

585. Нима учун темир ёки мисни кавшарлашида қалай ишлатилади-ю, алюминийни кавшарлашда эса ундан фойдаланимайди?

586 (э). Бутилканинг бўғзига ёғ сурканг ва ундан сувни томчилатиб туширишга уриниб кўринг. Тажриба натижаларини изоҳлаб беринг.

Бу ва бунга ўхшаш сифатга оид масалалар 1 ва 2 муносабатлардан (263- бет) фойдаланиб изоҳланади.

587*. Радиуси $R = 5 \text{ см}$ бўлган совун пуфаги ичида ортиқча p босимни ҳисобланг, $\alpha = 40 \text{ эрг}/\text{см}^2$ деб олинг.

Е чилиши. R радиусли пуфакни $R + \Delta R$ радиусли бўлгунча кенгайтириш юзасидан бажарилган A ишни ҳисоблаймиз; бунда $R \gg \Delta R$ деб ва кенгайишда p босим доимий деб ҳисоблаймиз. Иш

$$A = p \cdot \Delta V = p \left[\frac{4}{3} \pi (R + \Delta R)^3 - \frac{4}{3} \pi R^3 \right] = \\ = p \left[\frac{4}{3} \pi (R^3 + 3R^2 \Delta R + 3R (\Delta R)^2 + (\Delta R)^3) - \frac{4}{3} \pi R^3 \right].$$

$(\Delta R)^2$ ва $(\Delta R)^3$ қатнашган ҳадлар жуда кичик қийматга эга бўлганлиги туфайли уларни эътиборга олмай, ишнинг қуидидаги ифодасини ҳосил қиласиз: $A = 4\pi p R^2 \Delta R$. Иккинчи томондан, $A = 2a \Delta S$, бунда ΔS — пуфак сиртининг ортиши. 2 га тенг бўлган коэффициент пуфакнинг радиуслари деярли бир хил бўлган иккита сирт қатламга эга бўлишини кўрсатади.

$$A = 2a [4\pi (R + \Delta R)^2 - 4\pi R^2] = 16a\pi R \Delta R.$$

$$4\pi p R^2 \Delta R = 16a\pi R \Delta R,$$

$$\text{бундан } p = \frac{4a}{R}, \quad p = \frac{4 \cdot 40 \text{ эрг}/\text{см}^2}{5 \text{ см}} = 32 \text{ дин}/\text{см}^2 \approx 3,2 \cdot 10^{-6} \text{ кН}/\text{см}^2.$$

Анча кичик радиусли совун пуфаги олинганда ҳам мактаб шаронтида бундай босимни ўлчаш қийинчилик тугдиради. Бирорқ босимнинг радиусга тескари пропорционал боғланишида бўлишини сифат жиҳатидан кўрсатиш қийин эмас: тешиги бўлган пуфак катта ҳажмга эга бўлганда секин кичраяди, ҳажми кичик бўлганда эса тез кичраяди. Иккита сирт пардасига эга бўлган совун пуфаги учун қўшимча босим $p = \frac{4a}{R}$ га тенг бўлиши масаладан келиб чиқади. Шунинг учун битта сферик сирт парда ҳосил қилган қўшимча босим $p' = \frac{2a}{R}$ бўлади.

588. Иккита туташ найчада (162- расм) турли ўлчамли пулаклар ҳосил қилинди. Агар a най бекитиб қўйилса пулаклар ўзгарадими, агар ўзгарса, қандай ўзгаради?

Ечилиши. 1-усул. $p = \frac{4\alpha}{R}$ формулага мувофиқ, кичик пулакда босим катта ва 1-найча учидаги парданинг эгрилик радиуси катта пуфак радиусига тенглашунга қадар кичик пуфакча кичрайиб боради.

2-усул. Энергетик пүктаи назардан пуфаклар энг кичик сиртга эга бўлиши керак. Ҳавонинг ҳажми тахминан бир хил бўлганда бир пуфак сирти икки пуфак сиртига қараганда кичик бўлади. Бунда ҳаво кичик пуфакдан каттасига ўтади, лекин каттасидан кичигига ўтмайди, чунки бундай бўлганда пуфакларининг ҳажмлари тенглашганда ҳавонинг оқиб ўтиши тўхтаган бўлур эди. Бироқ иккита бир хил пуфакнинг сирти ва демак, уларнинг сирт энергияси битта катта пуфакнинг сирти ва энергиясидан катта бўлади, демак, ҳаво катта пуфакдан кичигига оқиб ўтолмас экан.

589. Радиуси 1 мкм бўлган туман томчисида сирт таранглиги қандай p қўшимча босим ҳосил қилишини ҳисоблаб топинг.


Ечилиши. Сфера шаклида бўлган туман томчининиг сирт пардаси битта бўлади, шунинг учун

$$p = \frac{2\alpha}{R} = \frac{2 \cdot 73 \cdot 10^{-3} \text{ Н/м}}{10^{-6} \text{ м}} \approx 1,5 \cdot 10^5 \text{ Н/м}^2.$$


Бу масалани ечиш муносабати билан сув томчининиг эгрилиги кичик бўлишига алоқадор бўлган бъязи ҳодисалар ҳақида, масалан, нолдан паст температурада музлаш, жадалроқ буғланиши, катта томчининг майдалари ҳисобига ўсиши ва бошқа ҳодисалар ҳақида ўқувчиларга сўзлаб бериш мумкин.

590*. Қизиқарли физика кечасида бир ўқувчи сув юзида сузуб юрган ициа, хавфсиз устара лезвиеси ва ҳатто сим ўрамларидан ясалган қайнұчани кўрсатди (163-расм). Бу тажрибалар кўрсатилгандан кейин бошқа бир ўқувчи: „Бу ерда фирибгарлик бор. Модомики темир сузар экан, унда нега рельслардан ясалган соллар дарёда оқизилмайди?“ — деди. Бунииг сабабини тушунтириб беринг.

Ечилиши. Агар жисм сувда ҳўллаима-



162-расм.



163-расм.

са, унинг остида мениск ҳосил бўлади. Бу мениск жисмнинг чизиқли ўлчамларига пропорционал бўлган ва юқорига йўналган босим кучини вужудга келтиради. Масалан, R радиусли шар шаклига эга бўлган жисм ярмига қадар сувга ботирилса, босим кучи

$$F_1 = pS = \frac{2\alpha}{R} \cdot \pi R^2 = 2\alpha R \cdot \pi, \text{ яъни } F_1 \sim R$$

бўлади. Ботиқ парданинг F_1 сирт таранглик кучи билан F_2 Архимед кучи F_3 оғирлик кучини мувозапатлайди; $F_1 = F_3 - F_2$. Юқорида кўрсатилганидек, F_1 сирт таранглик кучи жисмнинг чизиқли ўлчамларига, кучларнинг $F_3 - F_2$ айрмаси эса унинг ҳажмига, яъни чизиқли ўлчамларининг кубига пропорционал бўлгани учун ҳажмни оширганда F_1 куч $F_3 - F_2$ айрмадан кичик бўлган ҳол тезда юзага келади ва жисм чўқади.


591. Нима учун сув пардасининг остига кириб қолган қумурсқалар сувдан ташқарига чиқолмайди?

Жавоб. Сирт парда қумурсқа таъсирида юқорига эгриланаб, шастга йўналган қўшимча босим ҳосил қиласди. Бу босим қумурсқанинг ташқарига чиқишига тўсқинлик қиласди.

592. Радиуси $R = 1 \text{ мм}$ бўлган шиша найдада спирт 20°C температурада қандай баландликка кўтарилади?

Ечилиши. 1-усул. Менискнинг четига вертикал йўналишда $F = 2\pi R \alpha$ куч таъсир қиласди, бу куч оғирлиги $P = \rho g V = \rho g Sh = \rho g \pi R^2 h$ бўлган спирт устунини ушлаб туради. Демак, $2\pi R \alpha = \rho g \pi R^2 h$, бундан

$$h = \frac{2\alpha}{\rho g R} = \frac{2 \cdot 21 \frac{\text{дин}}{\text{см}}}{0,80 \frac{\text{см}}{\text{см}^3 \cdot 980 \frac{\text{см}}{\text{сек}^2}} \cdot 0,1 \text{ см}} = 0,54 \text{ см.}$$



164-расм.

2-усул. Идишнинг кенг қисмидаги суюқликнинг ортиқча $p = \frac{2\alpha}{R}$ босими капиллярдаги суюқлик устунини ушлаб туради (164-расм). Мениск радиусини капилляр радиусига тенг деб ҳисоблаб, $\frac{2\alpha}{R} = \rho gh$ деб ёзамиш, бундан $h = \frac{2\alpha}{\rho g R} = 0,54 \text{ см.}$

593*. R радиусли капиллярдаги ботиқ мениск остидаги босим горизонтал сирт остидаги босимдан қанча кам эканлигини ҳисоблаб топинг. Бунда мениск айланасининг узунилк бирлигига капилляр ўқи бўйича α куч таъсир этади деб ҳисобланг.

Ечилиши. $2\pi R \alpha = \rho gh S; \rho gh = p,$

$$p = \frac{2\pi R \alpha}{S} = \frac{2\pi R \alpha}{\pi R^2} = \frac{2\alpha}{R}.$$

594. Симоб барометри шайчасининг диаметри 4 $мм$ бўлса, барометр кўрсатишига қандай тузатма киритиш керак бўлади? Ечилиши. Симоб қавариқ мениск ҳосил қиласи, у эса $p = \frac{2a}{R} = \rho gh$ ортиқча босим ҳосил қиласи.

$$h = \frac{2a}{\rho g R} = \frac{2 \cdot 540 \frac{\text{дин}}{\text{см}}}{13,6 \frac{\text{г/см}^3 \cdot 980 \frac{\text{см}}{\text{сек}^2}} \cdot 0,2 \text{ см}} \approx 0,4 \text{ см.}$$

3. Қаттиқ жисмларнинг хоссалари

Бу темада қаттиқ жисмларнинг эластиклик, пластиклик, муртлик, мустаҳкамлик каби механик хоссалари, шунингдек деформациянинг ҳар хил турлари ўрганилади. Қайтариш учун аввало $F = -kx$ формуладан фойдаланиб, 8-бобда келтирилган масалаларга, яъни эластик деформацияларга (Гук қонунига) оид масалалар ечилади; сўнгра $F = \frac{ES\Delta l}{l}$ формула бўйича сиқилиш ва чўзилиш деформациясига оид бир неча масала ечиш керак. Гарчи баъзи бир материаллар учун E эластиклик модулининг сиқилиш ва чўзилиш деформациясидаги қийматлари бир хил бўлмаса-да, одатда ҳисоб ишида E нинг бу қийматлари бир хил деб олинади.

Деформацияларда юз берадиган ҳодисаларни изоҳлаш учун ўқувчиларнинг молекулалар ўзаро таъсир кучи ҳақидаги билмларидан фойдаланиш керак бўлади.

Бундан кейин асосий зътибор кристалл ва аморф жисмларнинг ички энергияси ва жисмларни бузилишгача олиб келадиган эластик бўлмаган деформацияларда жисмда бўладиган процесслар ҳақидаги масалаларга қаратилади. Бунда қўлланиладиган асосий тушунчалар қўйидагилардир.

σ кучланиш — брускока берилётган F нагрузканинг брусконинг S кўндаланг кесим юзига нисбати билан ўлчанадиган катталик:

$$\sigma = \frac{F}{S}.$$

Чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси ёки узилишдаги вақтинчалик қаршилик $\sigma_{\text{муст}}$ — намунанинг узилишидан олдин юзага келадиган энг катта кучланиш. $k = \frac{\sigma_{\text{муст}}}{\sigma_0}$ мустаҳкамлик запаси — йўл қўйилган кучланиш шу материалнинг мустаҳкамлик чегарасидан неча марта кичик эканлигини кўрсатадиган сондир.

Чўзилиш деформациясида кристалл жисмларда юз берадиган ва 167-расмдаги графикларда кўрсатилган характерли ўзгаришлардан қатор масалаларни ечишда фойдаланиш мумкин. Бунда дикқатни графикнинг 2 — 3 қисмига жалб қилиш керак,

бу қисм бир кристалл доналарнинг бошқалари бўйлаб сирпанишига мос келади, бу ҳол материални мустаҳкамлашга олиб келади.

Қаттиқликни аниқлашга доир масалалар ечганда Бринель усули билан чегараланиш мумкин; қаттиқлик ўлчови сифатида $H_B = \frac{F}{S}$ катталик олиниади, бунда F — шарчани материалниң сиртига ботирадиган куч, S — материалдаги сферик тамғанинг юзи. Ўқувчиларга $S = \frac{\pi D^2}{2} - \frac{\pi D}{2} \sqrt{D^2 - d^2}$ экалигини айтиш мумкин. Бироқ бу формула қўпол бўлгани учун, масала ечишда ундан фойдаланишга ортиқча берилиб кетиш ярамайди. Ўқувчилар масаланинг моҳиятига тушунган ва қаттиқликни $H_B = \frac{F}{S}$ формуладан топа оладиган бўлсалар, шунинг ўзи кифоя.

595 (ә). Узунлиги 3 м ва диаметри 0,12 мм бўлган мис сим оғирлиги 150 г бўлган тош таъсирида қанча узаяди? Жавобини тажрибада текшириб кўринг.

Ечилиши.

$$\Delta l = \frac{Fl}{ES} = \frac{Fl}{E\pi R^2} = \frac{1,5\text{н} \cdot 3\text{м}}{1,20 \cdot 10^{11} \text{Н/м}^2 \cdot 3,14 (0,06 \cdot 10^{-3} \text{м})^2} \approx \\ \approx 3,3 \cdot 10^{-3} \text{ м} = 3,3 \text{ мм.}$$

Материалнинг E эластиклик модули қиймати кўлинча но маълум бўлгани учун, ҳисобнинг натижасини тажрибада факт тахмишан текшириб чиқиш мумкин.

Масалан, диаметри 0,12 мм бўлган ПЭВ маркали сим олиб, уни шипга боғлаймиз ва тўғрилап учун унга оғирлиги 2 г тош осиб қўямиз. Сўнгра симнинг оғирлиги 150 г юк таъсири остида узайиншини кузатамиз. Симнинг узайиншини бутун синфга кўринадиган қилиш учун унинг учини узои стрелка-ричакка боғлаш ёки экранга проекциялаш мумкин. Δl ни штангенциркуль билан ўлчаган маъқул.

596. Нима учун обакидандон вақт ўтиши билан шакар боғлаб қолади, шиша хиралашиб қолади?

Жавоби. Бешқа шароитлар бир хил бўлганда аморф ҳолатдаги жисмнинг ички энергияси унинг кристалл ҳолатда бўлганидаги ички энергиясидан катта бўлади.

597. Нима учун пўлат ва чўян вақт ўтиши билан майдадонадорликдан йирик дошадор бўлиб қолади?

Жавоби. Кристалл сирт энергияси шу ҳажмда энг кичик бўлган шаклини эгаллайди. Иккита кичкина кристаллнинг сирт энергияси ҳажми уларнинг икковининг ҳажмлари йигинидисига тенг бўлган битта катта кристаллнинг сирт энергиясидан каттадир. (Бу ҳол худди томчилариинг сирт энергияси улар қўшилганда ҳосил бўлган битта томчининг сирт энергиясидан катта бўлишига ўхшашдир.) Жисмда катта кристаллар ҳосил бўлганда атрофдаги муҳит билан иссиқлик алмашинуви бўлмаса,

жисмнинг температураси кўтарилади.

598. Агар темир сим (165- расм) қизаргунча ток билан қиздирилса, у сим узаяди ва стрелка шкала бўйлаб ўнг томонга ҳаракатланади. Совиганда эса стрелка чапга қараб кетади. Бироқ бир пайт келганда стрелка кескин равишда ўнгга силжиб, сўнгра яна чапга қараб ҳаракатланади. Бу пайтда симда қандай ҳодиса рўй беради?


Жавоби. Темир бир кристалл ҳолатдан ички энергияси кичик бўлган бошқа ҳолатга ўтади, ортиқча энергия симни қиздиришга сарфланиб, ўша пайтда сим яна узайди.

599 (э). Динамометр ёки тарози тоши ва синтетик материалдан ишланган қармоқ ипи билан тажриба ўтказиб, ип узанишининг унга қўйилган кучга боғланиш жадвалин тузинг. Жадвал маълумотларига қараб график тузинг ва кучланишининг қандай қийматида материалнииг бўшашишини кўрсатинг. Сиз ўлчаб топган кучланиш қармоқ ипининг паспортида кўрсатилган мустаҳкамлик чегарасига тўгри келадими?


Ўқувчилардан бирининг диаметри $0,2 \text{ мм}$ ва узунлиги 1 м бўлган қармоқ ипи билан ўтказсан тажрибаси маълумотларига қараб чизилган график 166-расмда кўрсатилган.

Қармоқ или паспортида кўрсатилган 14 кН тараанглик кучига чидайди.


600. 167- расмда пўлат ва миснинг чўзилиш графиги кўрсатилган. Бу графикларга қараб ўша моддаларнинг хоссаларини солиштиринг.



165- расм.



166- расм.



Жағоби. 0—1 ва 0—1' соҳаларни солиширишдан пўлат бирмунча эластик материал эканлиги кўринади. Пўлат мисга қараганда мўртрок, чунки пўлатпинг 1—2 оқиш соҳаси қисқароқдир. Мисни пўлатга қараганда кўпроқ мустаҳкамлаш мумкин, чунки унинг 2'—3' соҳаси катта. Пўлат анча мустаҳкам, чунки у катта кучланишда узилади.

601 (э). Мактабда ишлатиладиган симлар наборидан олинган 0,3 мм диаметрли мис симнинг узилиши учун қанча куч кераклигини ҳисобланг. Топилган маълумотни тажрибада синаб кўринг.

Ечилиши. Жадвал ёки графикдан фойдаланиб (167-расм), миснинг $\sigma = 2,1 \cdot 10^8 \text{ Н/м}^2$ кучланишда узилишини топамиз. Симнинг кўндаланг кесим юзи

$$S = \frac{\pi D^2}{4} = \frac{3,14 \cdot 0,3^2 \text{ мм}^2}{4} = 0,071 \text{ мм}^2 = 7,1 \cdot 10^{-8} \text{ м}^2.$$

Узувчи куч

$$F = \sigma \cdot S = 2,1 \cdot 10^8 \text{ Н/м}^2 \cdot 7,1 \cdot 10^{-8} \text{ м}^2 \approx 15 \text{ Н}.$$

602. Агар ғишт тахининг йўл қўйилган кучланиши $\sigma_{\text{и}} = 0,9 \cdot 10^6 \text{ Н/м}^2$ бўлса, ғишт уйнинг баландлиги энг кўни билан қанча бўлиши мумкин?

Ечилиши. Девор оғирлиги ҳосил қилган босим $p = \sigma_{\text{и}} = \rho gh$, бунда p — ғиштнинг зичлиги, h — ғишт девор баландлиги.

$$h = \frac{\sigma_{\text{и}}}{\rho g} = \frac{0,9 \cdot 10^6 \text{ Н/м}^2}{180 \text{ кг/м}^3 \cdot 9,8 \text{ м/сек}^2} \approx 50 \text{ м}.$$

603. Пўлат симнинг мустаҳкамлик чегараси $\sigma_m = 7,8 \cdot 10^8 \text{ Н/м}^2$, мустаҳкамлик запаси $k = 10$. Беш тонна юк кўтарадиган краннинг пўлат симлардан эшилган тросидаги барча симларнинг умумий кўндаланг кесим юзи нимага тенг бўлиши керак?

$$\begin{aligned} \text{Ечилиши. } F &= \sigma_{\text{и}} \cdot S; \quad S = \frac{F}{\sigma_{\text{и}}}; \quad k = \frac{\sigma_m}{\sigma_{\text{и}}}; \quad \sigma_{\text{и}} = \frac{\sigma_m}{k}; \quad S = \frac{Fk}{\sigma_m} = \\ &= \frac{5 \cdot 10^3 \text{ кг} \cdot 9,8 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2} \cdot 10}{7,8 \cdot 10^8 \text{ Н/м}^2} \approx 6,3 \cdot 10^{-4} \text{ м}^2 = 6,3 \text{ см}^2. \end{aligned}$$

604. Қаттиқликни ўлчайдиган ТШ- I ассоб ёрдамида алюминий қотишмаси синалди. Бунда $F = 2500 \text{ Н}$ нагрузкада диаметри $D = 5 \text{ мм}$ бўлган шарча 60 сек давомида диаметри $d = 1,8 \text{ мм}$ бўлган из қолдирди. Қотишманинг қаттиқлиги нимага тенг?

Ечилиши.

$$H_B = \frac{F}{S}; \quad S = \frac{\pi D^2}{2} - \frac{\pi D}{2} \sqrt{D^2 - d^2} = 2,8 \text{ мм}^2; \quad H_B = 900 \text{ Н/мм}^2.$$

605. Алюминий қўймасининг зичлиги $\rho_1 = 2560 \text{ кг/м}^3$, қаттиқлиги $H_B = 160 \text{ Н/мм}^2 + 250 \text{ Н/мм}^2$. Прокат қилинган (ёйилган) алюминийнинг зичлиги ва қаттиқлиги мос равишда $\rho_2 =$

= 2600 кг/м³ ва $H_B = 390 \text{ н/мм}^2$ гача. Бундай фарқнинг сабаби нимада?

Жавоби. Прокат қилинганда алюминий молекулалари зичроқ жойлашади, шунинг учун тахта алюминий мустаҳкам бўлади (к. 167-расм, 2 – 3 соҳа).

4. Суюқлик ва қаттиқ жисмларнинг иссиқлиқдан кенгайиши

Бу темада суюқлик ва қаттиқ жисмларнинг иссиқлиқдан кенгайишининг температурага боғланиши миқдор жиҳатидан ўрганилади. Масала ишлашда $l = l_0(1 + \alpha t)$ ва $V = V_0(1 + \beta t)$ муносабатлардан фойдаланилади. Қаттиқ жисм учун $\beta = 3\alpha$. Ўрта мактабда жисмларнинг иссиқлиқдан кенгайишига оид масала ечганда α ва β коэффициентлар одатда ўзгармас миқдорлар деб ҳисобланади. Ҳақиқатда эса бу катталиклар турли температура интервалларида турлича бўлиши мумкин, шундай эканлигини ўқувчиларга айтиб ўтиш керак.

Қаттиқ жисмларнинг кенгайишига оид масалалар ечганда амалда $l_2 = l_1(1 + \alpha \Delta t)$ ва $V_2 = V_1(1 + \beta \Delta t)$ формулалардан фойдаланиш мумкин, бунда $\Delta t = t_2 - t_1$. Суюқликлар учун ҳам соддалаштирилган бундай формулалардан фойдаланиш мумкин, лекин бу ерда хато сезиларли бўлади, шундай эканини қўйида 606- масалани ишлаш мисолида кўрсатамиз. Бу формулалар бўйича ҳисоблаш одатда унча қийин бўлмайди; суюқликинг фақат ўзининг кенгайишигина эмас, балки у турган идишнинг кенгайиши ҳам ҳисобга олинishi керак бўлган ҳолларда бироз қийин бўлади. Бу типдаги масалани синфда албатта мұҳоммад қилиш керак бўлади. Юқорида келтирилган формулалар яхлит жисмлар учун ҳам, ичи ковак жисмлар учун ҳам тўғри бўлишини ўқувчиларга тушунтириб ўтиш керак.

Иситилганда жисм зичлигининг ўзгаришига оид ҳам бир қанча масала ишлаш керак бўлади. Бунинг учун аввало ўқувчиларга маълум бўлган $p_2 = \frac{m}{V_2}$ формуладан фойдаланиш яхши бўлади (бунда V_2 – жисмнинг t_2 температурадаги ҳажми), сўнгра эса $p_2 = \frac{p_1}{1 + \beta \Delta t}$ формулани киритиш керак бўлади.

$\beta \Delta t$ катталик одатда бирдан жуда кичик бўлгани учун

$$p_2 = \frac{p_1(1 - \beta \Delta t)}{(1 + \beta \Delta t)(1 - \beta \Delta t)} \approx p_1(1 - \beta \Delta t).$$

Калориметрик ҳисоблар ҳақидаги ўқув материалини қайта-риш учун бу темада жисм ҳажмиси маълум миқдорда ортириш учун керак бўлган иссиқлик миқдорини аниқлашга оид бир неча масала ечиш мақсадга мувофиқдир. Бу масалаларни жисмларнинг ички энергиясини ошириш ва жисмларнинг $A = \frac{kx^2}{2}$

тenglamaga мувофиқ равишда бажарган иши нүктан назаридан қараб чиқиши фойдалы ҳисобланади. Бу типдаги масалаларга жисмларнинг эластик деформацияси ҳақидаги материални киритиб, шу асосда бу темадаги турли масалаларни бирга болжаш мумкин.

Дастлаб бу формулаларни татбиқ этишга машқ қилиш учун бир неча масала ечилади. Бунда ўқувчилар бир метр мис ёки алюминий сим маълум даражада, масалан, $\Delta t = 100^\circ\text{C}$ қиздирилганда қанчага узайиши ҳақида тасаввур олишлари керак. Ўшанда симларнинг узайиши яхши эсда қоладиган сонлар билан ифодаланади: мис учун — 1,7 мм , алюминий учун — 2,6 мм ва ҳоказо.

606. Сифими 10 λ бўлган алюминий идишга 20°C ли керосин лиммо-лим қилиб қўйилди. Агар керосин температураси 40°C га кўтарилгунча иситилса, қандай миқдор керосин тошиб тўкилади? Идишнинг қенгайишини ҳисобга олманг. Сонларни аниқ ҳисобланг.

Ечилиши. 1-усул.

$$V_2 = V_1(1 + \beta \Delta t); \Delta V = V_1 \beta \cdot \Delta t.$$

$$\Delta V = 10 \lambda \cdot 0,001 \text{ град}^{-1} \cdot 20^\circ = 0,2 \lambda = 200 \text{ см}^3.$$

Идишга лиммо-лим қилиб керосин қўйган кишининг янгилишиши орқасида бир стакан керосин тошиб тўкилиши мумкин экан.

2-усул. Бирмунча аниқроқ бўлган $V_2 = V_0(1 + \beta t_2)$ формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз. Аввало $V_1 = V_0(1 + \beta t_1)$ формуладан $V_0 = \frac{V_1}{1 + \beta t_1}$ эканини, яъни

$$V_0 = \frac{10}{1 + 0,001 \cdot 20} \approx 9,804 (\lambda)$$

еканини топамиз.

$$V_2 = 9,804 (1 + 0,001 \cdot 40) \approx 10,196 (\lambda).$$

Буниш биринчи жавобдан фарқи (4 см^3) катта эмас, шунинг учун амалий мақсадларда тахминий формулалардан ҳам фойдаланиш мумкин экан. Бироқ бу фарқ сезиларли ва ўлчаниши мумкин. Сифими 60 м^3 бўлган темир йўл цистернаси учун бундай шароитдаги фарқ $\frac{60 \text{ м}^3}{0,01 \text{ м}^3} \cdot 4 \text{ см}^3 = 24000 \text{ см}^3 = 24 \lambda$ бўлади.

607. Бундан олдинги масалани идишнинг қенгайишини ҳисобга олиб ечинг.

Ечилиши. 1-усул, 40°C да идиш ҳажмининг қенгайишини топамиз:

$$V_2 = V_1(1 + 3\alpha \cdot \Delta t).$$

$$\Delta V = 10 \cdot 3 \cdot 0,000026 \cdot 3 = 0,0156 (\lambda) = 15,6 (\text{ см}^3).$$

Демак, идишдаи $200 \text{ см}^3 - 15,6 \text{ см}^3 = 184,4 \text{ см}^3$ керосин тошиб түкилади, агар олдинги масаланинг аниқроқ бўлган иккинчи ечимини ҳисобга олсак, идишдан $180,4 \text{ см}^3$ керосин тошиб түкилади.

2-усу. Агар идишдаги суюқликнинг кенгайини коэффициенти унинг ҳақиқий кенгайини коэффициенти билан идиш материалиниң кенгайиш коэффициенти фарқига тенг деб қабул қилинса, бундай масалалар сингил ҳал қилинади. Ўша шароитда

$$\Delta V = V(\beta_{\text{кер}} - \beta_{\text{ад}}) \Delta t = 10 (0,001 - 0,000078) \cdot 20 = 184,4 \text{ (см}^3)$$

бўлади. Шундай экациини биз юқорида кўрган эдик.

608. Зичлиги $\rho \left(\frac{\text{кг}}{\text{м}^3} \right)$, солишири мақомати c ($\frac{\text{ж}}{\text{кг}\cdot\text{град}}$) ва ҳажм кенгайини коэффициенти β (град^{-1}) бўлган суюқлик ёки қаттиқ жисмга Q (ж) иссиқлик миқдори берилганда унинг ҳажми (бошланғич ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда) $\Delta V = \frac{Q\beta}{\rho c}$ га ортишини исботланг.

Ечилиши. $\Delta V = V_0 \beta \Delta t$ ва $Q = cm \Delta t = c\rho V_0 \Delta t$ формуулалардан Δt аниқланиб, унинг иккала ифодаси тенглаштирилади, бунда изланётган формула ҳосил бўлади [39, № 676].

609. Кўндаланг кесими 2 мм^2 бўлган пўлат сим 30°C да горизонтал тортилиб, учлари қўзғалмас таянчларга маҳкамалаб қўйилган. Температура — 10°C гача пасайтирилганда сим таянчларга маҳкамланган нуқталарида қандай куч билан таъсир қиласди? [39, № 678].

Ечилиши. Сим таянчларга шундай куч билан таъсир қиласди, бу куч симни — 10°C да эркин ҳолдаги l_1 узунликдан 30°C даги l_2 узунликкача чўзиш учун керак бўлган кучга тенг бўлади.

Симни эластик равища чўзилди деб ҳисоблаб, Гук қонунига асосан кучни топамиз:

$$F = \frac{\Delta t ES}{t}.$$

Иккичи томондан, $\Delta l = t \alpha \Delta t$, шунинг учун $F = \frac{l \alpha \Delta t E S}{t} = \alpha \Delta t E S = 0,000012 \text{ град}^{-1} \cdot 40^\circ \cdot 2,1 \cdot 10^{11} \text{ Н/м}^2 \cdot 2 \cdot 10^{-6} \text{ м}^2 \approx 200 \text{ Н}$.

Кучнинг сим узунлигига боғлиқ эмаслигини қайд қилиб утиш керак. Кўндаланг кесими анча катта бўлган жисмлар, масалан ғўлалар учун иссиқликдан кенгайиш ҳисобига юзага келгани кучлар жуда катта бўлиши мумкин. Қурилиши ишида буни ҳисобга олиш керак бўлади.

ЭЛЕКТР МАЙДОНИ

Бу темада асосан электростатикадан масала ечилади. Бу масалаларда электр зарядларининг ўзаро таъсир кучи Кулон қонунига мувофиқ ҳисобланади, электр майдонининг кучланганилиги, потенциали ва зарядни кўчиришда электр майдони кучларининг бажарган иши, конденсаторларнинг электр сиғими топилади.

Бу тема бўйича электр кучлари таъсири остидаги жисмларнинг мувозанатига оид кўпгина аралаш масалалар ечилади. Бу масалалар электр майдони қонуларнигина эмас, балки меҳаника қонуларини қайтариш ва қўллашнинг яхшигина во-ситаси ҳам ҳисобланади.

Электростатика масалаларини нуқтавий зарядга оид масалаларга ва ўлчамларини ҳисобга олмаслик мумкин бўлмаган зарядли жисмлар ҳақидаги масалаларга ажратиш мумкин.

Ўрта мактабда асосан нуқтавий зарядлар ёки сферик жисмлардаги зарядлар текширилади. Шакли мураккаб бўлган жисмлардан фақат ясси конденсаторлар қаралади.

Масалаларда бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган электр майдонларининг хоссалари кўриб чиқилади: биринчиси нуқтавий заряд майдони мисолида, иккинчиси эса ясси конденсатор майдони мисолида ўрганилади.

1. Кулон қонуни

Иккита нуқтавий электр заряди ўзаро таъсир кучининг улар орасидаги масофага боғланиши аввало вакуум учун $F \sim \frac{q_1 q_2}{r^2}$ кўринишида, диэлектрик сингдирувчанлиги $\epsilon \neq 1$ бўлган мухит учун $F \sim \frac{q_1 q_2}{\epsilon r^2}$ кўринишида ёзилади ва ундаи фойдаланилади. F нинг ифоласидаги пропорционалликдан тенгликка ўтиш учун k пропорционаллик коэффициенти киритилади. Бунда Кулон қонуни

$$F = k \frac{q_1 q_2}{\epsilon r^2}$$

кўринишига эга бўлади.

k коэффициентнинг қиймати бирликлар системасига боғлиқ бўлади. СГСЭ системасида $k = 1$, диэлектрик сингдирувчанлик ϵ эса ўлчовсиз катталиkdir. СИ системасида $k \neq 1$ ва ϵ нинг ўлчамлиги $\left(\frac{\kappa^2}{H \cdot M^2} \right)$ ёки $\frac{\phi}{M}$ бўлади. $\epsilon = \epsilon_0 \epsilon_r$ кўринишида ёзишга шартлашиб олинган, бунда ϵ_0 — электр доимийси деб аталган ўлчовли катталик, ϵ_r эса мухитнинг нисбий диэлектрик сингдирувчанлиги деб аталадиган ўлчовсиз катталиkdir.

Вакуумнинг диэлектрик сингдирувчанлиги, яъни электр доимийси $\epsilon_0 = 8,85 \cdot 10^{-12} \frac{\text{К}^2}{\text{Н} \cdot \text{м}^2} \left(\frac{\phi}{\text{м}} \right)$. Бирор муҳит учун ϵ_r нинг қиймати жадвалдан олинади.

СИ системасида Кулон қонуни $F = \frac{1}{4\pi\epsilon_0} \frac{q_1 q_2}{\epsilon_r r^2}$ кўринишда бўлади.

Кулон қонуни формуласидан фойдаланиб, даставвал икки заряднинг ўзаро таъсирига оид масалалар ечилади, буларда F куч, q_1 ва q_2 заряд катталиги, улар орасидаги r масофани топишига машқ қилинади. Сўнгра масалалар бирмунча муракаблаштирилиб, бир қанча зарядларнинг ўзаро таъсири текширилади. Тема статика ва динамика қонунларидан фойдаланиб ечиладиган аралаш масалаларни ечиш билан якунланади. Аралаш масалаларда, масалан, ипга осилган зарядли жисмларнинг мувозанат шартини қараб чиқиш ва бунда оғирлик кучи ва ипнинг реакция кучини ҳисобга олиш мумкин.

Бу масалаларнинг ҳаммасида зарядлар нуқтавий заряд деб қабул қилинади, чунки Кулон қонуни фақат нуқтавий зарядлар учун ўринилидир. Масала ечишда нуқтавий заряд сифатида ўлчами улар орасидаги масофага қараганда жуда кичик бўлган зарядли жисмлар қабул қилинади. Сферик жисм заряди сферанинг марказида жойлашади деб ҳисобланади.

Иккита нуқтавий заряд ўзаро таъсири кучининг улар орасидаги масофага ва муҳитга боғланиши характеристи аввал сифатга оид масалаларни ҳал қилиш йўли билан аниқланади.

610. Агар зарядлар орасидаги масофа 3 марта камайтирилса, улар орасидаги ўзаро таъсири кучи қандай ўзгаради?

Жавоби. 9 марта ортади, чунки $F \sim \frac{1}{r^2}$.

611. Вакуумда зарядлар бир-бирига F куч билан таъсири қилали. Керосинда уларнинг ўзаро таъсири кучи нимага тенг бўлади?

Жавоби. 2 марта камаяди, чунки $F \sim \frac{1}{\epsilon_r r^2}$, керосин учун $\epsilon_r = 2$.

Ҳисоблашга оид масалалардан даставвал қуйидаги мазмундагилари ечилади.

612. Ҳар бири 1 кг дан бўлган иккита заряд ҳавода бир-биридан 1 км масофада қандай куч билан ўзаро таъсирида бўлади?

Ечилиши. Ўзаро таъсири кучи

$$F = \frac{1}{4\pi\epsilon_0} \cdot \frac{q_1 q_2}{\epsilon_r r^2},$$

бунда $\epsilon_0 = 8,85 \cdot 10^{-12} \frac{\text{К}^2}{\text{Н} \cdot \text{м}^2}$, $q_1 = q_2 = 1 \text{ кг}$ ва $r = 1000 \text{ м}$. Ҳаво учун ϵ_r ни 1 га тенг деб олиш мумкин. У ҳолда ўзаро таъсири кучи:

$$F = \frac{1 \cdot 1 \cdot 1 \cdot 1}{4 \cdot 3,14 \cdot 8,85 \cdot 10^{-12} \frac{\text{К}^2}{\text{Н} \cdot \text{м}^2} \cdot 1000^2 \text{м}^2} \approx 0,9 \cdot 10^4 \text{ Н}.$$

Бу масала 1 к заряднинг ниҳоятда катта эканлиги ҳақида тасаввур беради. Бу ерда сонлар устидагина эмас, балки ўлчамликлар устида амаллар бажариш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

613. Ҳар бири $3 \cdot 10^{-8} \text{ к}$ дан бўлган ва керосинда бир-бирадан $r = 2 \text{ см}$ масофада жойлашган иккита нуқтавий заряднинг ўзаро таъсир кучини топинг.

Бундан олдинги масалага ўхшаб ечилади.

$$F = \frac{1}{4\pi\epsilon_0} \cdot \frac{q_1 q_2}{\epsilon_r r^2}.$$

Жадвалдан $\epsilon_r = 2$ экани топилади.

$$F = \frac{3 \cdot 10^{-8} \text{ к} \cdot 3 \cdot 10^{-8} \text{ к}}{4 \cdot 3,14 \cdot 8,85 \cdot 10^{-12} \frac{\text{к}^2}{\text{Н} \cdot \text{м}^2} \cdot 2 \cdot 0,02^2 \text{ м}^2} \approx 0,01 \text{ Н}.$$

614. Агар элекtron орбитасининг радиуси $0,5 \cdot 10^{-10} \text{ м}$ бўлса, водород атомининг ядроси элекtronни қандай куч билан тортади?

Ечилиши. Элекtron зарядини билиш керак: $-e = -1,6 \times 10^{-19} \text{ к}$. Бу қийматни справочникдан олиш ҳам мумкин, бироқ буни эсда сақлаш яхши. Протон зарядининг миқдори ҳам шундай бўлиб, лекин мусбатдир. Элекtron билан протоннинг ўзаро таъсир кучи

$$F = \frac{1,6 \cdot 10^{-19} \text{ к} \cdot 1,6 \cdot 10^{-19} \text{ к}}{4 \cdot 3,14 \cdot 8,85 \cdot 10^{-12} \frac{\text{к}^2}{\text{Н} \cdot \text{м}^2} (0,5 \cdot 10^{-10})^2 \text{ м}^2} \approx 9 \cdot 10^{-8} \text{ Н}.$$

Агар масалада иккитада ортиқ заряд берилган бўлиб, зарядлардан бирига таъсир этувчи кучни аниқлаш керак бўлса, масала икки босқичда ечилади:

а) Зарядлардан бирининг қолган икки заряддан ҳар бири билан бўладиган ўзаро таъсир кучлари бирин-кетин топилади.

б) Топилган кучларни қўшиб, уларнинг teng таъсир этувчиси аниқланади.

615. Ҳавода турган $q_1 = 1 \cdot 10^{-7} \text{ к}$ ва $q_3 = 2 \cdot 10^{-7} \text{ к}$ зарядларининг $q_2 = -1 \cdot 10^{-6} \text{ к}$ зарядга (168- расм) қандай куч билан таъсир қилишини топинг. $AB = BC = 10 \text{ см}$.

Ечилиши. q_2 зарядга q_1 ва q_3 зарядлар \vec{F}_1 ва \vec{F}_3 кучлар билан таъсир қилиди (168- расм). q_2 зарядининг q_1 ва q_3 зарядларга тортишини кучлари бўлган



168- расм.

\vec{F}_1 ва \vec{F}_3 кучлар AC тўғри чизиқ бўйлаб қарама-қарши томонларга йўналган. Уларнинг teng таъсир этувчиси бўлган $\vec{R} = \vec{F}_1 + \vec{F}_3$ куч катта \vec{F}_3 куч томонга йўналган

бўлиб, унинг миқдори бу кучлар айримасига тенг. Кулон қонунига асосан,

$$F_1 = \frac{q_1 q_2}{4\pi\epsilon_0\epsilon_r \cdot AB^2} \text{ ва } F_2 = \frac{q_1 q_3}{4\pi\epsilon_0\epsilon_r \cdot BC^2}.$$

Ҳаво учун $\epsilon_r = 1$. $AB = BC = 0,1 \text{ м}$.
Ҳисоблаб $F_1 \approx 0,1 \text{ н}$, $F_2 \approx 0,2 \text{ н}$,
 $R \approx 0,1 \text{ н}$ эканини топамиз.

616. Томони 20 см бўлган тенг томонли учбурчакнинг учларига ҳавода $q_1 = q_2 = q_3 = 1 \cdot 10^{-6} \text{ к}$ зарядлар жойлашган. Зарядлардан бирига қолган иккитасининг кўрсатадиган таъсир кучини топинг.

Ечилиши. Чизма ясаймиз (169-расм). С нуқтага жойлашган q_3 зарядга таъсир этувчи кучни аниқлаймиз. А нуқтадаги q_1 заряд ва B нуқтадаги q_2 заряд q_3 зарядга мос равишда \vec{F}_1 ва \vec{F}_2 кучлар билан таъсир этади. Бу кучларнинг тенг таъсир этувчиси ($R = \vec{F}_1 + \vec{F}_2$) параллелограмм қондаси бўйича топилади.

Кейинчалик масалани ечишда векторлар билан иш кўрмасдан, балки чизмадаги \vec{F}_1 , \vec{F}_2 , \vec{R} векторларга (169-расм) мос келувчи кесмаларнинг узунлигини ҳисоблаймиз. Барча ҳисобларда бу кесмаларни устига чизиқча қўйилмаган F_1 , F_2 ва R ҳарфлари билан белгилаймиз, яъни векторларнинг миқдорини гина аниқлаймиз, уларнинг йўналиши чизмада кўрсатилган бўлиб, ечишда эътиборга олинади. $F_1 = F_2$, $\angle DCM = 30^\circ$ эканини исботлаш осон, чунки $\angle MCN = \angle ACB = 60^\circ$ (тенг томонли учбурчакда барча ички бурчлар 60° дан бўлади). У ҳолда $\frac{R}{2} = F_1 \cos 30^\circ$ ($\triangle CNZ$ да $CZ = \frac{R}{2}$).


Кулон қонунига асосан, $F_1 = \frac{q_1 q_2}{4\pi\epsilon_0\epsilon_r \cdot AC^2}$,

$$F_1 = \frac{1 \cdot 10^{-6} \text{ к} \cdot 1 \cdot 10^{-6} \text{ к}}{4 \cdot 3,14 \cdot 8,85 \cdot 10^{-12} \frac{\text{к}^2}{\text{н} \cdot \text{м}^2} \cdot (0,2)^2 \cdot \text{м}^2} \approx 0,02 \text{ н}.$$


$$R \approx 0,02 \text{ н} \cdot \frac{\sqrt{3}}{2} \cdot 2 \approx 0,034 \text{ н}.$$

Бундан сўнг аралаш масалаларни ечишга ўтилади.

617. Массаси $0,01 \text{ г}$ дан бўлган иккита кичкина шарча узунлиги 50 см дан бўлган ингичка ипак ипларга ёнмаён осиб қўйилган. Шарчалар бир хил ишорали тенг заряд билан зар



169- расм.



170- расм.

ядланғанда бир-биридан 7 см масофага итарилади. Шарчаларнинг зарядини аниқланг.

Е чилиши. Масаланинг шартини анализ қилиб, шарчалардаги зарядлар нуқтавий заряд деб қабул қилинади. Ҳавонинг диэлектрик сингдирувчанлиги $\epsilon_r = 1$. Дастрраб чизма тайёрланади (170- расм).

Шарчалардан ҳар бирига учта күч таъсир қиласиди: F_3 электр ўзаро таъсир күчи, $\vec{P} = \vec{m}g$ оғирлик күчи ва

ипининг \vec{Q} таранглик күчи. Ҳар бир шарчага таъсир қилувчи күчларнинг тенг таъсир этувчиси нолга тенг бўлганда, яъни $\vec{P} + \vec{F}_3 + \vec{Q} = 0$ бўлганда шарчалар мувозонатда бўлади. 170- расмда \vec{F}_3 ва \vec{P} күчларнинг тенг таъсир этувчиси \vec{N} ҳарфи билан белгиланади. \vec{N} ва \vec{Q} күчлар миқдор жиҳатидан тенг, айни бир тўғри чизик бўйлаб қарама-қарши томонларга йўналған бўлиши керак. У ҳолда \vec{N} билан \vec{P} орасидаги бурчак α га тенг бўлади. Кейинчалик векторлар билан иш олиб бормай, уларнинг миқдорини ҳисоблаб чиқамиз, холос.

Кулои қонунига асоссан, $F_3 = \frac{1}{4\pi\epsilon_0} \frac{q^2}{r^2}$, F_3 ва P күчлар параллелограмидан $F_3 = P \operatorname{tg} \alpha = mg \operatorname{tg} \alpha$ эканини топамиз. α нинг қиймати жуда кичик бўлганда $\operatorname{tg} \alpha \approx \sin \alpha \approx \frac{r}{2l}$ бўлади.

$$\frac{1}{4\pi\epsilon_0} \cdot \frac{q^2}{r^2} = mg \frac{r}{2l} \text{ тенгламадан } q \text{ ни топамиз: } q = \sqrt{\frac{mgr^3 \cdot 4\pi \cdot \epsilon_0}{2l}}$$

$$= \sqrt{\frac{10^{-5} \cdot 9,8 \cdot (0,07)^3 \cdot 4 \cdot 3,14 \cdot 8,85 \cdot 10^{-12} \frac{\kappa^2}{N \cdot m^2}}{2 \cdot 0,5 \text{ м}}} \approx \\ \approx 2 \cdot 10^{-9} \text{ к.}$$

Барча бирликлар СИ системасида олингани учун, заряд күлон ҳисобида ифодаланади. Бу ерда бирликлар устида амал бажариш осон эмас:

$$\left(\frac{\kappa^2 \cdot m \cdot m^3 \cdot \kappa^2}{m \cdot N \cdot m^2 \cdot \text{сек}^2} \right)^{\frac{1}{2}} = \left(\frac{\kappa^2 \cdot m \cdot \kappa^2}{\text{сек}^2 \cdot N} \right)^{\frac{1}{2}} = \kappa.$$

Бу масалани ечишда юқорида \vec{F}_k ва \vec{P} күчларни құшган здик. Унинг ўрнига \vec{Q} ва \vec{P} күчларни құшиш ҳам мумкин: уларпенг тенг тасыр этувчиси

міндеңдер жиһатидан \vec{F}_k га тенг бўлиб, унга қарши томонга йўналган.


Масалани иккала йўл билан ечиш мумкин, шатиже бир хил булади; қайси күчларни құшишни (\vec{F} ва \vec{P} ёки \vec{Q} ва \vec{P}) ўқитувчининг ўзи танлайди.

618. Радиуси $R = 8,22 \cdot 10^{-3}$ см бўлган ва бир хил заряди билан зарядланган иккита кичкина ёғ томчиси бир-бидан r масофада жойлашган ($r \gg R$). Агар Кулон итариши кучи томчиларнинг тортишиш күчлари билан мувозанатда бўлса, томчидаги қанча ортиқча электрон борлигини (ёки унга қанча электрон етишмаслигини) аниқланг.

Ечилиши. 171-расмда \vec{F}_k Кулон кучи ва \vec{F} гравитацион тортишиш кучи кўрсатилган. Бу күчлар бир тўғри чизик бўйлаб қарама-қарши томонларга йўналган. Масаланинг шартига кўра, $\vec{F}_k + \vec{F} = 0$ ёки $\frac{1}{4\pi\varepsilon_0} \frac{q^2}{r^2} = \gamma \frac{m^2}{r^2}$ ($\varepsilon_r \approx 1$), бунда $\gamma = \frac{1}{1,5 \cdot 10^{16}} \frac{\text{Н} \cdot \text{м}^2}{\text{кг}^2}$, шарчаларнинг массаси $m = \frac{4}{3} \pi R^3 \rho$ (ρ — ёғнинг зичлиги бўлиб, $800 \text{ кг}/\text{м}^3$ га тенг). Хисоблашда $q \approx 1,6 \cdot 10^{-19} \text{ к}$ эканини топамиз. Ортиқча (ёки етишмай турган) электронлар сочи (n) ни топиш учун томчи зарядини e электрон зарядига бўлиш керак ($n = \frac{q}{e}$). Бу масалада томчидаги битта электрон ортиқ (ёки етишмайди), чунки $e = -1,6 \cdot 10^{-19} \text{ к}$. Томчи заряди мусбат бўлганда ҳам, манфий бўлганда ҳам Кулон кучи итариш кучи бўлгани туфайли q заряд исталган ишорали заряд бўлиши мумкин.



171-расм.



172-расм.

619*. Томонлари a бўлган квадрат учларига $q = 1,0 \cdot 10^{-8} \text{ к}$ мусбат зарядли майдага шарчалар қўйилган. Бутун система мувозанатда бўлиши учун квадрат диагоналларининг кесишган нуқтасига қандай заряд қўйиш керак?

Ечилиши. Квадратнинг учларидаги барча зарядлар (172-расм) бир хил шароитда

бўлади. A нуқтадаги зарядга қарайлик. Уни B, D ва C нуқтадарда турган зарядлар \vec{F}_B, \vec{F}_D ва \vec{F}_C кучлар билан итаради. Бу кучларнинг таъсирини E нуқтада жойлашган ва \vec{F}_E куч билан таъсир этувчи q' манфий заряд мувозанатлаб туриши мумкин. $\vec{F}_B + \vec{F}_D + \vec{F}_C + \vec{F}_E = 0$ тенглама мувозанат шартини ифодалайди. \vec{F}_B ва \vec{F}_D кучларнинг тенг таъсир этувчиси $\sqrt{2} \cdot \vec{F}_B$ га тенг бўлиб, \vec{F}_C ва \vec{F}_E кучлар билан бир тўғри чизик бўйлаб йўналади.

Агар \vec{F}_B, \vec{F}_C ва \vec{F}_E кучлар Кулон қонуни билан ифодаланса, мувозанат шарти

$$\sqrt{2} \frac{1}{4\pi\epsilon_0} \frac{q^2}{a^2} + \frac{1}{4\pi\epsilon_0} \frac{q}{2a^2} - \frac{1}{4\pi\epsilon_0} \cdot \frac{q \cdot q'}{a^2} = 0$$

кўринишда ёзилади, чунки $AC^2 = 2a^2$; $AE^2 = \frac{a^2}{2}$ (векторларни эмас, балки уларнинг сон қийматларини оламиз. Векторларнинг йўналиши 172-расмда ҳисобга олинган). Ҳисоблаб $q' = 0,95q = 0,95 \cdot 10^{-8}$ кэванини топамиз. $\epsilon_r = 1$ деб олинган.

620*. Водород атомида радиуси $r = 0,5 \cdot 10^{-10}$ м бўлган орбитада ҳаракатланётган электроннинг чизиқли тезлигини тоғинг.

Ечилиши. Водород атомида электроннинг ядроға тортилиш кучи (Кулон кучи) $F_k = \frac{e \cdot e}{4\pi\epsilon_0\epsilon_r r^2}$, бунда e — электрон ва протон зарядлари бўлиб, улар бир-биридан фақат ишораси билан фарқ қиласди. ϵ_r ни 1 га тенг деб олиш мумкин. Агар гравитацион ўзаро таъсир ҳисобга олинмаса, электронга таъсир этувчи ягона куч Кулон кучи бўлади. Бу куч марказга томон йўналган бўлиб, фақат шу кучнинг (марказга интилма кучнинг) таъсири остида электрон айланга бўйлаб ҳаракатланади. Марказга интилма F_m кучни электроннинг v чизиқли тезлиги, m массаси ва электрон орбитасининг r радиуси орқали ифодалаб, $F_m = \frac{mv^2}{r}$ ифодани ҳосил қиласми.

F_k ва F_m ларнинг ифодаларини тенглаштириб, $\frac{e^2}{4\pi\epsilon_0\epsilon_r r^2} = \frac{mv^2}{r}$ тенглама тузамиз ва ундан $v = \frac{e}{2\sqrt{\pi\epsilon_0\epsilon_r \cdot r \cdot m}}$ ни аниқлаймиз. Бу ифодага $e = 1,6 \cdot 10^{-19}$ к, $m = 9,1 \cdot 10^{-31}$ кг, $\epsilon_r = 1$, $\epsilon_0 = 8,85 \times 10^{-12} \text{ к}^2/\text{н} \cdot \text{м}^2$, $r = 0,5 \cdot 10^{-10}$ м ларни қўйиб, $v \approx 0,2 \cdot 10^7$ м/сек эванини топамиз.

2. Электр майдонининг кучланганлиги

Электр майдонининг маълум бир нуқтадаги \vec{E} кучланганлиги деб бу нуқтада жойлашган нуқтавий мусбат зарядга таъсир этувчи \vec{F} кучнинг шу зарядининг q миқдорига иисбатига айтилади ($\vec{E} = \frac{\vec{F}}{q}$).

Электр майдони ҳосил қилувчи Q нуқтавий заряд учун A нуқтадаги кучланганлик миқдори $E_A = \frac{Q}{4\pi\epsilon_0\epsilon_r r^2}$ бўлади, $r - A$ нуқтадан Q зарядгача бўлган масофа.

Электр майдонининг кучланганлиги \vec{F} куч йўналиши билан бир хил бўлган вектордир. Агар майдон бир неча зарядлардан ҳосил бўлган бўлса, у ҳолда унинг кучланганлиги ҳар бир заряд майдони кучланганликларининг геометрик йиғиндишига тенг.

Юқорида айтилган қонуниятлар биринчи галда сифатга оид масалаларни ечишда муҳокама қилинади.

621. q нуқтавий заряд ҳосил қилган майдонининг заряддан r масофада бўлган нуқталардаги кучланганлиги E га тенг. Бу заряддан $2r$, $3r$, $10r$ масофада жойлашган нуқталарда кучланганлик қандай бўлади?

Жавоби. $E \sim \frac{1}{r^2}$, шунинг учун кучланганлик қийматлари мос ҳолда $\frac{E}{4}$, $\frac{E}{9}$ ва $\frac{E}{100}$ га тенг бўлади.

622. Электр майдонини иккита бир хил нуқтавиқ мусбат заряд ҳосил қилган. Бу зарядларни туташтирувчи тўғри чизиқнинг ўртасидаги нуқтада кучланганлик қандай бўлади?

Жавоби. Ўртадаги нуқтада кучланганлик нолга тенг бўлади, чунки бу нуқтада иккала заряддан ҳосил бўлган кучланганликлар миқдори тенг бўлиб, йўналиши қарама-қаршилир. Кучланганликлар геометрик равишда кўшилади, шунинг учун $E_{um} = 0$. Бу масалани муҳокама қилганда зарядларни туташтирувчи тўғри чизиқнинг бошқа нуқталаридаги кучланганлик миқдори ва йўналишини қараб чиқиши ҳам фойдали ҳисобланади.

623. Бир текис зарядланган сим ҳалқанинг марказидаги майдон кучланганлиги нимага тенг?

Жавоби. Ҳалқанинг марказидаги кучланганлик зарядли ҳалқанинг ҳар бир элементи ҳосил қилган кучланганликларининг геометрик йиғиндишига тенг. Ҳалқанинг бир томонидаги ҳар бир элементта бошқа томондан худди шундай элементни қарши қилиб қўйиш мумкин. Бу элементларнинг ҳалқа марказида ҳосил қилган кучланганлик ўзаро тенг ва қарама-қарши йўнал-

ган. Шунинг учун ҳалқа марказидаги умумий кучланғанлык нолга тенг бўлади.

Дастлаб битта нуқтавий заряд ҳосил қилған электр майдони кучланғанлигини ҳисоблашга онд масалалар ечилади.

624. Электр майдонининг бирор нуқтасига киритилған нуқтавий $q = 0,33 \cdot 10^{-7}$ к зарядга $F = 1,0 \cdot 10^{-5}$ н куч таъсири қилади. Майдоннинг бу нуқтадаги кучланғанлиги нимага тенг?

Жавоби. $E = \frac{F}{q}$, кучланғанлик катталиги $E \approx 3 \cdot 10^2$ н/к.

625. Парафинга жойлаштирилган нуқтавий $q = 2,5 \cdot 10^{-8}$ к заряддан $r = 0,05$ м масофада узоқлашган нуқталарда майдон кучланғанлиги нимага тенг бўлади?

Жавоби. Кучланғанликнинг қиймати $E = \frac{q}{4\pi\epsilon_0\epsilon_r r^2}$, яъни $E = \frac{2,5 \cdot 10^{-8} \text{ к}}{4 \cdot 3,14 \cdot 8,85 \cdot 10^{-12} \frac{\text{n} \cdot \text{м}^2}{\text{n} \cdot \text{м}^2} \cdot 2,1 \cdot (0,05)^2 \text{ м}^2} \approx 4 \cdot 10^4$ н/к. Парафин учун $\epsilon_r = 2,1$ эканлиги жадвалдан олиниади.

Нуқтавий заряд учун E миқдорининг r масофага боғланишини график орқали кўрсатиш жуда фойдалари ҳисобланади.

626. Берилган q_1 ва q_2 нуқтавий зарядлар электр майдонининг E кучланғанликлари миқдорининг r масофага боғланиш графикларини чизинг; а) $q_1 = 1,0 \cdot 10^{-9}$ к ва б) $q_2 = -1,0 \cdot 10^{-9}$ к.

Ечилиши. Графиклар E ва r координата ўқларида чизилади. $\epsilon_r = 1$ бўлганда $E = \frac{q}{4\pi\epsilon_0\epsilon_r r^2}$ формуладан фойдаланиб, r нинг турли қийматлари учун E қийматларининг жадвали тузилади. Ҳисобни осонлаштириш учун дастлаб $\frac{q}{4\pi\epsilon_0} \approx 9 \frac{\text{n} \cdot \text{м}^2}{\text{k}}$ ҳисоблаб чиқарилади, у ҳолда $E \approx 9 \frac{\text{n} \cdot \text{м}^2}{\text{k}} \cdot \frac{1}{r^2}$ бўлади.

q_1 заряд учун E қийматларининг жадвали қўйидаги кўринишда бўлади:

$r, \text{м}$	1/8	1/4	1/3	1/2	1	2	3	4	5
$E, \text{n/k}$	225	144	81	36	9	9/4	1	9/16	9/25

Танланган масштаб бўйича координата ўқларида E ва r ларнинг қийматлари қўйилади ва уларга мос келадиган нуқталар ясалади. Нуқталарни силлиқ эгри чизик билан бирлаштириб, график ҳосил қилинади (173- расм).

Манфий q_2 заряд учун E нинг қийматлари фақат ишорасини ўзгартиради ва E нинг r га боғланиши графикни r ўқдан пастга жойлашади (174- расм).

Бир неча заряддан ҳосил бўлган электр майдони кучланғанлигини аниқлашга доир масалалар қийнироқдир.


627. Ҳар бири $1,0 \cdot 10^{-8} \text{ к}$ дан бўлган икки заряд ҳавода бир-биридан 8 м масофада туради. Иккала заряддан 5 м масофада жойлашган нуқталардаги кучланганикни топинг.

Ечилиши. Бундай нуқталар иккита (D ва E) эканлиги 175- расмдан кўриниб турибди. Масала улардан бири учун, масалан, D учун ечилади. A ва B нуқталардаги зарядлар мос равишда q_A ва q_B билан белгиланади. Шартга кўра,


$q_A = q_B$. \vec{E}_A ва \vec{E}_B кучланганиклар — q_A ва q_B зарядларнинг D нуқтада ҳосил қилган кучланганиклардир. Электр майдонининг D нуқтадаги умумий кучланганиклиги \vec{E}_A ва \vec{E}_B ларнинг геометрик йиғиндисига тенг бўлиб, у томонлари E_A ва E_B бўлган параллелограммнинг диагонали сифатида топиласди.

E_A ва E_B нинг қийматлари $E_A = E_B = \frac{q_A}{4\pi\epsilon_0 AD^2}$; E_D нинг қиймати эса AED ва DMF учбуручакларнинг ўхшашлигидан аниқланади ($\frac{DF}{DM} = \frac{ED}{AD}$, бундан $DF = DM \cdot \frac{ED}{AD}$). $E_D \approx 4,3 \text{ н/к}$ эканлиги ҳисоблаб топиласди.


q_A ва q_B зарядларни ўзгартириб, масаланинг q_A ва q_B зарядлар манфий бўлгандаги, шунингдек q_A ва q_B лар турли ишорали бўлган-




173- расм.



174- расм.



175- расм.



176- расм.

га тенг бўлишини график усулда $q_2 = 2 \cdot 10^{-9} \text{ к.}$

Ечилиши. q_1 ва q_2 зарядлар учун E нинг r га боғланишинин кўрсатувчи иккита график ясалади, бироқ бу графикларни шундай жойлаштирилади, уларнинг координаталар боши бир-биридан R масофада туради, r ўқлари эса бир-бигрига қаратиб йўналтирилади (176-расм). q_1 дан ҳисобланган масофанинг графиклар кесишган нуқтага тегинсли r_0 қийматида $E = 0$ бўлади (q_2 дан ҳисобланган масофа $R - r_0$ га тенг). Бу нуқтада q_1 ва q_2 зарядлар ҳосия қилган кучланганликларнинг миқдори тенг, йўналиши қарама-қаршидир. Графикларни ясаш учун E_1 катталигининг r_1 га ва E_2 катталигининг r_2 га боғланши жадваллари тузилади (626- масалага қаранг).

Пировардида қийинроқ масалалар ечиш мумкин.

629*. Электр майдони график равища кучланганлик чизиқлари билан тасвирланади. Кучланганлик чизиқларига перпендикуляр ҳолда қўйилган юз бирлигидан (1 м^2) ўтувчи чизиқлар сони майдонининг ўша нуқтадаги кучланганлигига сон жиҳатидан тенг деб қабул қилинган. Нуқтавий q заряддан чиқувчи кучланганлик чизиқларининг умумий сони нимага тенг?

Ечилиши. q заряддан r масофадаги 1 м^2 юз орқали $E = \frac{q}{4\pi\epsilon_0\epsilon_r r^2}$ дона кучланганлик чизиқлари ўтади. q заряд атродифидаги r радиусли сферик сиртни қараб чиқайлик. Бу сферанинг сирти $4\pi r^2$ га тенг. Заряддан чиқувчи чизиқлар инг умумий сони E дан $4\pi r^2$ марта катта бўлади, яъни $N = \frac{q4\pi r^2}{4\pi\epsilon_0\epsilon_r r^2} =$

$$= \frac{q}{\epsilon_0\epsilon_r}.$$

даги бошқа вариантиларини ҳам ишлаш мумкин. $q_A \neq q_B$ бўлган ҳол анча мураккабдир. Бундай масалалар график усулда осон счилади.

С нуқтадаги кучланганликни аниқлаш масаласи ҳам қўйилиши мумкин. $q_A = q_B$ бўлган ҳолдаги бу масала олдин кўриб ўтилган эди (№ 622). $q_A \neq q_B$ бўлгандаги ҳол қўйида кўриб ўтилади.

628*. q_1 ва q_2 зарядларни туташтирувчи тўғри чизиқнинг қайси нуқтасида кучланганлик нолточини: $q_1 = 1 \cdot 10^{-9} \text{ к}$ ва

Олингани натижани нүктавий бўлмаган зарядлар учун ҳам умумлаштириш мумкин.

630*. Математик маятникниг шарчаси m массага эга бўлиб, узунлиги l бўлган ипга осиб қўйилган. Агар маятникни \vec{E} кучланганлиги юқорига тик йўналган бир жинсли электр майдонига жойлаштириб, шарчасига манфий q заряд берсак, унинг тебрашиш даври қандай ўзгаради?

Ечилиши. Оғирлик кути майдонида математик маятникниг тебраниш даври $T = 2\pi \sqrt{\frac{l}{g}}$. Электр майдонида зарядли шарчага (унинг вазияти қандай бўлишидан қатъи назар) оғирлик кучидан ташқари, пастга вертикаль йўналган ва қўшимча $\vec{a} = -\frac{\vec{F}}{m} = \frac{q\vec{E}}{m}$ тезланиш ҳосил қилувчи қўшимча $\vec{F} = q\vec{E}$ куч таъсир этади. Тезланишининг умумий

$$g' = g + a = g + \frac{qE}{m} = \frac{gm + qE}{m}$$

қиймати g дан ортиқ бўлиб қолиб, тебраниш даври камаяди, яъни $T = 2\pi \sqrt{\frac{l}{g'}} = 2\pi \sqrt{\frac{lm}{gm + qE}}$.

Конденсаторнинг бир жинсли майдонидаги зарядли зарраларнинг ҳаракатига оид масалаларни вакуумда электр токини ўрганишда ечиш мақсадга мувофиқдир, бунда электростатикани такрорлаш лозим.

3. Электр майдонининг потенциали

Электр майдонининг бирор нүктасидаги потенциали $\varphi = \frac{W}{q}$, буида W — q заряднинг майдондаги шу нүктада эга бўлган потенциал энергиясидир.

Нүктавий заряд ҳосил қилгац электр майдонининг потенциали $\varphi = \frac{Q}{4\pi\varepsilon_0\varepsilon_r r}$.

q зарядни майдоннинг φ_1 потенциалли нүктасидан φ_2 потенциалли нүктасига кўчиришда бажарилган A иш йўлнинг шаклига боғлиқ бўлмай, $A = q(\varphi_1 - \varphi_2)$ формула билан аниқланади.

Бир жинсли электр майдони учун $E = \frac{\varphi_1 - \varphi_2}{d}$ муносабат ўринилидир, буидаги d — потенциаллари φ_1 ва φ_2 бўлган нүкташар орасида кучланганлик чизиқлари бўйлаб ҳисобланган ма-софа. Бу формуладан кучланганлик бирлигининг 1 в/м экани келиб чиқади.

Бир неча нүктавий зарядлар ҳосил қилган электр майдонининг бирор нүкталини потенциалини алоҳида олинган ҳар бир заряд ҳосил қилган майдонларнинг шу нүкталини потенциаларининг алгебраик (кучланганлик сингари геометрик эмас) йиғиндисига тенг эканлигини ҳисобга олиш муҳимдир.

Сифатга оид масалалар потенциал ҳақидаги барча бу асосий қонуниятларни муҳокама қилиш имкониятими беради.


631. Майдонни бир-биридан r масофада турган иккита бир хил мусбат q_1 ва q_2 зарядлар ҳосил қилган. Бу зарядларни бирлаштирувчи тұғри чизиқнинг үрта нүктасидаги потенциал нимага тенг?

Ечилиши. Үрта нүктада кучланганлик $\vec{E} = 0$. Потенциал эса $\varphi \neq 0$, чунки умумий φ потенциал q_1 ва q_2 зарядларнинг бу нүктали ҳосил қилган $\varphi_1 = \frac{q_1}{4\pi\epsilon_0 \frac{r}{2}}$ ва $\varphi_2 = \frac{q_2}{4\pi\epsilon_0 \frac{r}{2}}$ потенциалларнинг геометрик йиғиндисига эмас, балки алгебрайк йиғиндисига тенг ($\epsilon_r = 1$ деб ҳисоблаймиз). $\varphi = \varphi_1 + \varphi_2 = \frac{Q}{\pi\epsilon_r r}$, бунда $Q = q_1 = q_2$.

632. Q заряд электр майдонининг A ва C , B ва C нүкталар орасыда q зарядни 177-расмда күрсатылғандек (I ва II) иккі йүл бүйлаб күчирганаң бажарылғаң ишни солишиғанды, бунда $r_A = r_B$, $r_C > r_A$. Q заряд O нүктега жойлашган.

Ечилиши. Электр зарядларнинг күрсатылған йүллар бүйлаб бажарған ишлари бир хил, чунки иш йүлиниң шакынга боғлиқ бўлмасдан, фақат майдоннинг йүлнинг бөши ва охирига мос келувчи нүкталарнинг потенциаллари фарқи билан аниқланади: $A_I = q(\varphi_C - \varphi_A)$ ва $A_{II} = q(\varphi_C - \varphi_B)$, бироқ $\varphi_A = \varphi_B$.

Ҳисоблашга оид масалалар бу ерда анча содда бўлади. Уларда $A = q(\varphi_1 - \varphi_2)$ ва $\varphi = \frac{Q}{4\pi\epsilon_0\epsilon_rr}$ формуулалардан фойдаланилади. СИ системасида энергия жоулларда ўлчанади. Баъзан масала ишлаганда энергия эрг ва электронволт каби бошқа бирликларда ҳам ифодаланади.



177- расм.

633. $q = 1,3 \cdot 10^{-7}$ к зарядни чексизликдан электр майдонининг бирор нүктасига күчирганды бажарылган A иш $6,5 \cdot 10^{-9}$ жаға тенг. Майдоннинг бу нүкталини потенциалини топинг.

Ечилиши. Зарядни чексизликдан майдоннинг маълум бир нүктасига күчирганды бажарил-

ган иш заряднинг бу нүктадаги потенциал энергиясига тенг, таърифга кўра,
 $\varphi = \frac{W}{q} = \frac{6,5 \cdot 10^{-5} \text{ ж}}{1,8 \cdot 10^{-7} \text{ к}} = 5,0 \cdot 10^2 \text{ в}$.

634. Электр майдонини
 $Q = 1,2 \cdot 10^{-7} \text{ к}$ бўлган нүқтавий заряд ҳосил қилган.

Мусбат $q = 1,5 \cdot 10^{-10} \text{ к}$ зарядни Q дан 2 м масофадаги A нүктадан Q дан $0,5 \text{ м}$ масофадаги B нүктага (178- расм) кўчириш учун қандай иш бажариш керак бўлади?

Ечилиши. Исталган йўл бўйича бажарилган иш $A = q(\varphi_B - \varphi_A)$. Ҳаводаги нүқтавий заряд учун $\varepsilon_r = 1$ бўлгани туфайли $\varphi_B = \frac{Q}{4\pi\varepsilon_0 r_B}$ ва $\varphi_A = \frac{Q}{4\pi\varepsilon_0 r_A}$. Ҳисоблаб $A \approx 2,5 \cdot 10^{-7} \text{ ж}$ эканини топамиз.


635. Электрон тезлатгич электр майдонининг φ_1 потенциалли нүқтасидан φ_2 потенциалли нүқтасига учиб ўтганда қандай энергияга ва қандай тезликка эга бўлади? Бунда $\varphi_1 - \varphi_2 = 2 \cdot 10^6 \text{ в}$ га тенг.

Ечилиши. Кинетик энергия $\frac{mv^2}{2} = e(\varphi_1 - \varphi_2)$, бунда $e = 1,6 \cdot 10^{-19} \text{ к}$, $m = 9,1 \cdot 10^{-31} \text{ кг}$. Бундан $v = \sqrt{\frac{2e(\varphi_1 - \varphi_2)}{m}}$ бўлади. Электроннинг $e(\varphi_1 - \varphi_2)$ энергияси электронвольтларда осон ифодаланади ($2 \cdot 10^6 \text{ в} = 2 \text{ Мэв}$). Агар электрон заряди кулон ҳисобида, потенциаллар фарқи $(\varphi_1 - \varphi_2)$ вольт ҳисобида олинса, энергия жоуль ҳисобида ифодаланади. Бу ҳолда $\frac{mv^2}{2} = 3,2 \cdot 10^{-13} \text{ ж}$, $v = 0,83 \cdot 10^9 \text{ м/сек}$ бўлади.


Конденсатор пластинкалари орасида ҳосил бўлган бир жинсли электр майдони қараладиган масалалар анча қизиқарлидир.

636. Иоффе тажрибасида турли ишорали зарядланган паралел пластинкалар орасидаги бир жинсли электр майдонидаги чанг заррасининг массаси $m = 1,0 \cdot 10^{-8} \text{ г}$ (179- расм). Пластинкалар орасидаги потенциаллар фарқи $\varphi_1 - \varphi_2 = 500 \text{ в}$, масофа эса $d = 10 \text{ см}$. Агар чанг зарраси электр майдонида мувозанатда бўлса, унинг q заряди нимага тенг?

Ечилиши. 179- расмда заррага таъсир этувчи \vec{P} ва \vec{F} кучлар тасвирланган. Оғирлик кучи майдони \vec{P} куч билан, электр майдони эса \vec{F} куч билан таъсир этади. \vec{P} кучни мувозанатлаш учун \vec{F} куч тик юқорига йўналган бўлиши, яъни чанг заррасининг заряди манфий бўлиши керак. Бир жинсли майдон учун



178- расм.



179- расм.

$E = \frac{\varphi_1 - \varphi_2}{d}$, күч катталиги эса $F = qE$, янын $F = \frac{q(\varphi_1 - \varphi_2)}{d}$. Мұвозанат шарти $F = P$ (күчлар миқдор жиҳатидан тенг, йұналиш жиҳатидан қарама-қаршидір) ёки $\frac{q(\varphi_1 - \varphi_2)}{d} = mg$, бундан $q = \frac{mgd}{\varphi_1 - \varphi_2}$. Ҳисоблаб $q \approx 2,0 \cdot 10^{-11} \text{ к}$ әкайини топамыз.

Пировардида қийинроқ масалалар ечилади. Қуйыда бундай масалаларға наумена көлтирилған.

637*. Симбонинг N дона бир хил шарсімден томчилари бир хил φ потенциалға зарядланған. Бу томчиларнинг құшилиши натижасыда ҳосил бўлған қатта симб томчисининг φ_1 потенциали қандай бўлади?

Ечилиши. Ҳар бир кичик томчининг радиуси r ва заряди q бўлсин. Бир текис зарядланған шарнинг электр майдони шардан ташқаридан шар марказига жойлашган худди шундай миқдордаги нуқтавий заряднинг электр майдони билан бир хил бўлгани учун ҳавода ($\varepsilon_r = 1$) шарсімден томчи сиртидаги потенциал $\varphi = \frac{q}{4\pi\varepsilon_0 r}$ бўлади, заряди эса $q = 4\pi\varepsilon_0 r \varphi$ га тенг бўлади.

Катта томчининг заряди $Q = Nq$, радиуси эса R . Катта томчининг сиртидаги потенциал $\varphi_1 = \frac{Q}{4\pi\varepsilon_0 R} = \frac{Nq}{4\pi\varepsilon_0 R}$. Кичик томчининг ҳажми $\frac{4}{3}\pi r^3$, каттасиники эса $\frac{4}{3}\pi R^3$. Бироқ катта томчининг ҳажми N та кичик томчи ҳажмларининг йигиндисига тенг, яъни $\frac{4}{3}\pi R^3 = N \frac{4}{3}\pi r^3$. Томчиларнинг радиуси $r/R = \frac{1}{\sqrt[N]{N}}$ муносабат орқали бөгланаётган. Охирги натижада $\varphi_1 = \frac{Nq}{4\pi\varepsilon_0 R} = \frac{N \cdot 4\pi\varepsilon_0 r \cdot \varphi}{4\pi\varepsilon_0 R} = \frac{N\varphi}{\sqrt[N]{N}}$.

4. Электр сиғим

Бу ерда яккаланған жисм сиғимини, конденсатор сиғимини, шунингдек сиғимларнинг маълум қийматларига қараб жисмларнинг потенциали, конденсатор пластинкалари орасидаги масофани аниқлашта оид ва шу каби масалалар ишланади.

Яккаланған жисмнинг электр сиғими $C = \frac{q}{\varphi}$, бунда q — бу жисмнинг заряди, φ — унинг потенциали.

Яси конденсаторнинг сиғими $C = \frac{\varepsilon_0 \varepsilon_r S}{d}$, бунда S — битта пластинканың иккінчиси қоллаб турған юзи, d — пластинкалар орасидаги масофа.

Диэлектрик сиғидиувчалығы $\varepsilon_0 \varepsilon_r$, бўлған муҳитдаги R радиусли яккалашган шарнинг сиғими $C = 4\pi\varepsilon_0 \varepsilon_r R$ формула билан ҳисоблаб чиқазиши мумкин.

Потенциаллар фарқи $U = \varphi_1 - \varphi_2$ ва заряди q бўлганда C сифимли конденсатор $W = \frac{CU^2}{2} = \frac{q^2}{2C} = \frac{qU}{2}$ энергияга эга бўлади.

Конденсаторларниг уланишига оид масалалар ишланганда параллел уланган конденсаторлар учун $C_{\text{ум}} = C_1 + C_2 + C_3 + \dots$ формула, кетма-кет уланган конденсаторлар учун $\frac{1}{C_{\text{ум}}} = \frac{1}{C_1} + \frac{1}{C_2} + \frac{1}{C_3} + \dots$ формула қўлланилади.

Жисмлар уланганда зарядларнинг оқиб ўтишига оид бўлган масалаларни ҳам ишлаш лозим.

Сифатга оид масалалар муҳокама қилинганда сифим жисмнинг шакли ва ўлчамигагина боғлиқ бўлиб, унинг ковак ёки яхлитлигига ва ўтказгичнинг (жисмнинг) материалига боғлиқ эмаслиги қайд қилиб ўтилади. Жисмнинг сифими унинг атрофидаги бошқа жисмлар бор-йўқлигига ва уларнинг қандай жойлашганига ҳам боғлиқ бўлади. Жисмга бошқа жисмлар яқинлаштирилганда унинг сифими ошади. Жисмнинг заряди ўзгармас бўлса, унга бошқа жисм яқинлаштирилганда унинг потенциали камаяди.

Бундай масалаларга намуналар келтирамиз.

638. Иккита ўтказгичнинг шакли ва ўлчамлари бир хил, бироқ улардан бирининг ичи ковак бўлиб, иккинчиси яхлит. Жисмлардан қайси бирининг сифими катта?

Жавоби. Иккаласининг сифими бир хил бўлади.

639. Ўтказгичга тегмасдан, унинг зарядини ўзгартирмасдан турб, унинг потенциалини ўзгартириш мумкини?

Жавоби. Ҳа, мумкин. Бунинг учун жисмга бошқа бир жисмни яқинлаштириш ёки ундан узоқлаштириш керак.

Пластинкалари яқинлаштириладиган ёки узоқлаштириладиган конденсаторга бағишлиган сифатга оид масалаларни ечиш сифим ҳақидаги масалани бирмунча чуқурроқ тушуниб олишга ёрдам қиласи.

Пластинкалар орасидаги d масофани оширганида электр майдонининг кучларига қарши иш бажарилади, чунки конденсатор пластинкалари қарама-қарши ишорали заряд билан зарядланган бўлиб, бир-бирига тортилади. d ортганда конденсаторнинг $C = \frac{\epsilon_0 \epsilon_r S}{d}$ сифими камайиб боради. q заряд, U кучланиши ва W энергиянинг ўзгариши конденсаторнинг ток манбаига уланган-уланмаганligига боғлиқ бўлади.

640. Конденсатор зарядланиб, ток манбаидан узиб қўйилган. Конденсатор пластинкалари орасидаги d масофа ортирилганда конденсаторнинг C сифими, $\varphi_1 - \varphi_2 = U$ потенциаллар фарқи, W энергияси қандай ўзгаради?

Еслиши. d нинг ортиши бўлангандан кийин конденсаторнинг сифими камайиб боради. Заряд ўзгармас бўлганда ($q = \text{const}$) C сифим

камайса потенциаллар фарқи $(\varphi_1 - \varphi_2 = U = \frac{q}{C})$ ортади. W ҳақида эса энергиянинг сақланиш қонунига асосан хulosса қилиш мумкин бўлади. Электр майдони күчларига қарши иш бажарилганда конденсаторнинг W энергияси ортади. Бу ҳолда энергиянинг ҳеч қандай бошқа айланишлари (ўзгаришлари) бўлмайди.

W энергиянинг ортиши ҳақидаги хulosса $W = \frac{q^2}{2C}$ ва $W = \frac{qU}{2}$ формуулаларни анализ қилиши натижасида ҳам олинган бўлиши мумкин. Заряд $q = \text{const}$ бўлганда C камаяди, U эса ортади. Бунда W ҳам ортади.

Бу масалани экспериментал масала тарзида ҳам қўйиш мумкин. Кўзғалувчан пластинкали конденсатор пластинкаларига неон лампа уланади. Агар конденсатор кенотрон тўғрилагичдан ($U \approx 300$ в) зарядланган бўлса, неон лампа ёнади. Пластинкалар узоқлаштирилса, неон лампа ёругроқ ёнади. Бу ҳодисанинг сабаби нимада эканлиги ўқувчилардан сўралади.

641. Конденсатор ток манбаига уланди ва унинг пластинкалари бир-бираидан узоқлаштирилди. Бунда C , U ва W лар қандай ўзгаради?

Ечилиши. $U = \text{const}$, лекин $q \neq \text{const}$. Сифим камайгани учун $q = C(\varphi_1 - \varphi_2) = CU$ заряд ҳам камаяди. Заряднинг бир қисми занжирда конденсатор зарядининг токига тескари ток ҳосил қилиб конденсатор пластинкаларидан оқиб кетади. Конденсаторнинг энергияси камаяди, чунки $W = \frac{CU^2}{2} = \frac{qU}{2}$ формулада C ва q лар камайиб, $U = \text{const}$ бўлади. Бу масалани ечиш учун энергиянинг сақланиш қонунини қўллаш мураккаброқ, чунки занжирдан ток ўтганда энергиянинг айланишларини ҳисобга олиш керак бўлади.

Машқ тариқасида ишланадиган масалаларда

$$C = \frac{q}{U}, \quad C = \frac{\epsilon_0 \epsilon S}{d} \quad \text{ва} \quad W = \frac{qU}{2}$$

формулалардан фойдаланилади.

642. Ўтказгичга $q = 1,0 \cdot 10^{-8}$ к заряд бериб, унинг потенциали $\varphi = 100$ в оширилди. Ўтказгичнинг электр сифимини аниқланг.

Ечилиши. $C = \frac{q}{U}$, $C = \frac{1,0 \cdot 10^{-8} \text{ к}}{100 \text{ в}} = 1,0 \cdot 10^{-10} \text{ ф} = 1,0 \cdot 10^{-4} \text{ мкф} = 1,0 \cdot 10^2 \text{ пф}$.

643. Сифими $C = 1400 \text{ пф}$ ва пластинкаларининг бир-бираини қоплаш юзи $S = 14 \text{ см}^2$ бўлган конденсатор диэлектригининг қалинлигии аниқланг. Диэлектрик сифатида ($\epsilon_r = 6$) слюда олинган.

Ечилиши. $C = \frac{\epsilon_0 \epsilon_r S}{d}$, $d = \frac{\epsilon_0 \epsilon_r S}{C}$, $d = 53 \cdot 10^{-8} \text{ м} = 0,053 \text{ м.м.}$

644. Конденсаторнинг заряди $q = 4,0 \cdot 10^{-4}$ к бўлиб, унинг пластинкаларидаги потенциаллар фарқи $U = 500$ в. Конденсаторнинг энергиясини аниқланг.

Ечилиши. $W = \frac{qU}{2}$; $W \approx 0,1$ ж.

$W = \frac{qU}{2}$ формулани бу масалани ечиш процессида келтириб чиқариш мумкин. Конденсаторнинг энергияси уни разрядлашдаги ишга тенг, бироқ бунда кучланиш U дан нолгача ўзгаради. U нинг ўзгариш қонуни чизиқлидир, шунинг учун $U_{yp} = \frac{U}{2}$ бўлади, бундан $W = A = qU_{yp} = \frac{qU}{2}$.

Зарядланган жисмларнинг уланишига ва зарядларнинг бир жисмдан бошқа жисмга оқиб ўтишига бағишлиланган масалаларда:

а) заряднинг сақланиш қонуни (умумий заряд ўзгармайди, яъни $\Sigma q = \text{const}$) қўлланилади;

б) статик зарядларнинг мувозанатлик шартлари қўлланилади. Зарядларнинг ҳаракати тўхтагандан сўнг улланган занжирнинг барча қисмида потенциаллар бир хил бўлади ($\varphi_1 = \varphi_2 = \varphi_3 = \dots$).

645. Сигимлари $C_1 = 2$ нф ва $C_2 = 3$ нф бўлган иккита шар мос равишда $q_1 = 20 \cdot 10^{-8}$ к ва $q_2 = 10 \cdot 10^{-8}$ к заряд билан зарядланиб, бир-бирига тегизилган. Туташтирилгандан сўнг шарлардаги зарядлар нимага тенг бўлади?

Ечилиши. Шарлар бир-бирига тегизилгандан сўнг улардаги зарядлар q'_1 ва q'_2 , потенциаллари эса φ'_1 ва φ'_2 бўлсин. Заряднинг сақланиш қонунига асосан, $q_1 + q_2 = q'_1 + q'_2$ (1).

Шарлар потенциалларининг тенглигини $\frac{q_1}{C_1} = \frac{q'_2}{C_2}$ (2) кўринишда ёзиш мумкин. (1) ва (2) тенгламалар системасидан q'_1 ва q'_2 но маълумларни аниқлаймиз. (1) тенгламадан q'_2 ни $q'_2 = q_1 + q_2 - q'_1$ орқали ифодалаб, (2) тенгламага қўямиз:

$$\frac{C_1}{q'_1} = \frac{C_2}{q_1 + q_2 - q'_1},$$

бундан $q'_1 = \frac{C_1(q_1 + q_2)}{C_1 + C_2}$.

q'_2 заряд қўйидагига тенг: $q'_2 = q_1 + q_2 - \frac{C_1(q_1 + q_2)}{C_1 + C_2}$. Хисоблаб $q'_1 = 12 \cdot 10^{-8}$ к ва $q'_2 = 18 \cdot 10^{-8}$ к эканини топамиз.

Бундай масалаларда C_1 ва C_2 сигимлар эмас, балки шарларнинг R_1 ва R_2 радиуслари берилиши мумкин. У ҳолда уларнинг сигимлари $C = 4\pi\epsilon_0\varepsilon_r$, R формула билан аниқланади. Агар

қайси шардан қамсисига заряд оқиб ўтишини аниқлаш керак бўлса, шарларнинг уланишдан олдинги потенциаллари

$$\varphi_1 = \frac{q_1}{C_1} \text{ ва } \varphi_2 = \frac{q_2}{C_2}$$

формулалар билан ҳисоблаб чиқарилади.

Конденсаторлар батареясининг сифими ҳисоблашга оид масалалар оддий бўлиб, бунда зарядланган конденсаторларнинг уланишидек бирмунча мураккаброқ ҳоллар текширилади.

646. Сигими $C_1 = 6 \text{ мкф}$ бўлган ва $U_1 = 127 \text{ в}$ кучланишга зарядланган конденсатор сигими $C_2 = 4 \text{ мкф}$ бўлган ва $U_2 = 220 \text{ в}$ кучланишгача зарядланган конденсаторга параллел уланди (бир хил ишорали зарядли пластинкалари ўзаро уланади). Батареяниг сифими ва унинг клеммаларидаги кучланиш аниқлансин.

Ечилиши. Батареяниг умумий сифими $C_{\text{ум}} = C_1 + C_2 = 10 \text{ мкф}$. Унинг клеммаларидаги кучланиш $U = \frac{q}{C_{\text{ум}}}$, заряд $q = q_1 + q_2$, бундаги q_1 ва q_2 — биринчи ва иккинчи конденсаторнинг уланишдан олдинги зарядлари. $q_1 = C_1 U_1$ ва $q_2 = C_2 U_2$ бўлгани учун $U = \frac{C_1 U_1 + C_2 U_2}{C_1 + C_2}$ бўлади. Ҳисоблаб $U = 164 \text{ в}$ эканини топамиз. Сифимнинг сон қийматларини фарада ҳисобида қўйиш керак: $C_1 = 6 \cdot 10^{-6} \text{ ф}$, $C_2 = 4 \cdot 10^{-6} \text{ ф}$.


647. Сифимлари 2 ва 3 мкф бўлган ва кетма-кет уланган иккита конденсатордан тузилган батарея 400 в кучланишгача зарядланган. Батареяниг сигимини ва ҳар бир конденсатор клеммаларидаги кучланишини аниқланг.

Ечилиши. Батареяниг $C_{\text{ум}}$ сифими $\frac{1}{C_{\text{ум}}} = \frac{1}{C_1} + \frac{1}{C_2}$ формуладан аниқланади, бундан

$$C_{\text{ум}} = \frac{C_1 \cdot C_2}{C_1 + C_2} = 1,2 \text{ мкф}.$$


Батареядаги умумий заряд

$$q = C_{\text{ум}} \cdot U = 1,2 \cdot 10^{-6} \text{ ф} \cdot 400 \text{ в} = 480 \cdot 10^{-6} \text{ к.}$$



180- расм.

Конденсаторлар кетма-кет уланганда ҳар бир конденсатордаги заряд батареядаги умумий зарядга teng: $q = q_1 = q_2$. Конденсаторларнинг уланган пластинкаларидаги зарядлар текширилганда бунга осон тушуниш мумкин (180- расм). Бу зарядлар ўзаро teng бўлиб, ишоралари турличадир. Бу пластинкалардаги умумий заряд нолга teng. Умумий q заряд q_1 ва q_2 зарядларга teng бўлар экан.



181- расм.

Конденсаторлардаги күчланиш

$$U_1 = \frac{q}{C_1} = \frac{480 \cdot 10^{-6} \kappa}{2 \cdot 10^{-6} \phi} = 240 \text{ в} \text{ ва } U_2 = \frac{q}{C_2} = \frac{480 \cdot 10^{-6} \kappa}{3 \cdot 10^{-6} \phi} = 160 \text{ в.}$$

Қүйіда қийинроқ масалалар берилади. Буларни таұллап қи-лиш электр сиғим түшүнчесининг ойдиналашувига жуда күп ёрдам қиласы.

648*. Конденсатор пластинкаларининг юзи S , улар орасида-ги масофа d . Пластинкалар орасыга 181-расмда күрсатылган-дек қилиб диэлектрик қўйилган. Унинг нисбий диэлектрик сингидиувчанлиги ϵ_r . Конденсаторларнинг сиғимини аниқланг.

Ечилиши. Биринчи ҳолда (181- a расм) конденсаторни диэлектрикли ва диэлектриксиз иккита параллел уланган конденсаторлардан ташкил топган деб тасаввур қилиш мумкин.

Бутун пластинканинг юзи S , унинг диэлектрикли қисмининг юзи $\frac{S \cdot l_1}{l}$, диэлектриксиз қисмининг юзи эса $\frac{S(l - l_1)}{l}$ га тенг. У ҳолда бу конденсаторларнинг сиғими

$$C_1 = \frac{\epsilon_0 \epsilon_r S l_1}{d l} \text{ ва } C_2 = \frac{\epsilon_0 S (l - l_1)}{d l}.$$

$$\text{Умумий сиғим } C_{\text{ум}} = C_1 + C_2 = \frac{\epsilon_0 S}{d l} [l - l_1 (\epsilon_r - 1)].$$

Иккинчи ҳолда (181- b расм) диэлектрикнинг юқориги сир-ти жуда ҳам юпқа ўтказгич қатлами билан қопланган бўлса, электр майдони ва, демак, сиғим ўзгармайди. Шунинг учун умумий сиғим кетма-кет иккита

$$C_1 = \frac{\epsilon_0 S}{d - d_1}, \quad C_2 = \frac{\epsilon_0 \epsilon_r S}{d_1}$$

конденсаторларнинг сиғимига тенг:

$$C_{\text{ум}} = \frac{C_1 \cdot C_2}{C_1 + C_2} = \frac{\epsilon_0 \epsilon_r S}{d_1 + \epsilon_r (d - d_1)}.$$

649*. Конденсатор энергиясини электр майдонининг күчлан-ганилиги орқали ифодаланг.

Ечилиши. Конденсаторнинг энергияси $W = \frac{CU^2}{2}$. Кон-денсаторнинг сиғими $C = \frac{\epsilon_0 \epsilon_r S}{d}$, бир жинсли электр майдони

учун эса $U = E \cdot d$ тенглик үринлидир. С ва U иштүү бу ифодаларини W га қўямиз:

$$W = \frac{\epsilon_0 \epsilon_r E^2 S d}{2} = \frac{\epsilon_0 \epsilon_r E^2}{2} \cdot V,$$

бунда $V = S \cdot d$ — конденсатор пластинкалари орасида электр майдони эгаллаган ҳажм. $\frac{\epsilon_0 \epsilon_r E^2}{2}$ катталик электр майдони энергиясининг зичлиги деб аталади. ✓

650*. 629*- масалада берилган маълумотларда фойдаланиб, ясси конденсатор сиғимининг формуласини келтириб чиқаринг.

Ечилиши. Таърифга кўра, $C = \frac{q}{\varphi_1 - \varphi_2}$. Бироқ бир жинсли майдон учун $\varphi_1 - \varphi_2 = Ed$, $E = \frac{N}{S}$, бунда N — S юздан ўтувчи кучланганлик чизиқларининг умумий сони. Кучланганлик чизиқларининг сони заряд орқали ифодаланади ($\# 629^*$ га қаранг); $N = \frac{q}{\epsilon_0 \epsilon_r}$. Ниҳоят,

$$C = \frac{q}{\varphi_1 - \varphi_2} = \frac{q}{Ed} = \frac{q}{\frac{N}{S} d} = \frac{q}{\frac{q}{\epsilon_0 \epsilon_r} \cdot \frac{d}{S}} = \frac{\epsilon_0 \epsilon_r \cdot S}{d}.$$

27. БОБ

МЕТАЛЛАРДА ЭЛЕКТР ТОКИ. ЎЗГАРМАС ТОК ҚОНУНЛАРИ

Ўзгармас ток қонунларига оид масалаларни ўқувчилар VII синфда ечган эдилар. IX синфда бу темага бериладиган масалалар мураккаблаштирилади, уларга илгари ўрганилмаган материалларга оид янги масалалар (тўлиқ занжир учун Ом қонуни, э. ю. к. мавжуд бўлган мураккаб занжирлар) қўшилади. Бунда дастлаб VII синфда ўтилган ўқув материалини қайтариш мақсадида 12 ва 13- бобларда келтирилган масалаларга ўхшаш масалаларни ечиш керак.

1. Занжирнинг бир қисмига оид Ом қонуни. Утказгич қаршилигининг температурага боғланиши

IX синфда занжирнинг бир қисмига оид Ом қонуни электрон тасавурлар асосида келтириб чиқарилади ва очиб берилади. Ток кучи ток ташувчиларниг заряди билан боғланади: $I = e \cdot n \cdot v_{yp} \cdot S$, бунда — e электрон заряди (газ, электролит ва ярим ўтказгичлардаги токда электр заряди ташувчи бошқа

зарралар заряди), n — заряд ташувчиларнинг концентрацияси (ҳажм бирлигидаги сони), v_{yp} — улар ҳаракатининг ўртача тезлиги, S — ўтказгич кўндаланг кесимининг юзи.

Ўтказгичларнинг қаршилиги $R = \rho \frac{l}{S}$ формула билан ҳисобланади, бунда ρ солиштирма қаршилик ом·м ҳисобида, l узунлик м ҳисобида, S кўндаланг кесим юзи эса м² ҳисобида ўлчанади. Температураларнинг унча катта бўлмаган интервалларида ўтказгичнинг R қаршилиги t температурага амалда чизиқли боғлиқ бўлади: $R_t = R_0(1 + \alpha t)$, бунда R_0 — ўтказгичнинг 0°C даги қаршилиги, α — қаршиликнинг температура коэффициентидир.

Бу боғланишларнинг ҳаммаси даставвал сифатга оид масалалар ечишганда муҳокама қилинади.

651. Мис сим чўзиб икки марта узайтирилди. Бунда симнинг қаршилиги қандай ўзгарди?

Жавоби. l узунлик икки марта ортгани ва S кўндаланг кесим икки марта камайгани учун қаршилик тўрт марта ортади.

652. Қаршилиги R бўлган сим уч қисмга қирқилади ва уча-ла қисм узунлиги бўйича бирга эшиб қўйилади. Бунда симнинг қаршилиги қандай бўлади?

Жавоби. Қаршилик $\frac{R}{9}$ бўлади, чунки l узунлик уч марта қисқарди, S кўндаланг кесим юзи эса уч марта ошди.

653. Занжирга чўғланма лампа ва амперметр кетма-кет қилиб уланган. Нима учун занжир уланган пайтда дастлаб амперметрнинг кўрсатиши бир оз ортиқроқ бўлиб, бир оз вақт ўтгач кам бўлади?

Жавоби. Чўғланма лампа толасининг ток ўтишидан қи-зиши натижасида қаршилиги ортади. Шунинг учун амперметрнинг кўрсатиши камаяди.

Ўқувчилар металларда электронларнинг n концентрацияси миқдорини ва ўртача v_{yp} тезлигини тасаввур қила олишлари учун $I = nev_{yp} S$ боғланишга оид масала ечиши фойдалидир.

654. Кўндаланг кесим юзи $S = 0,5 \text{ см}^2$ бўлган ўтказгичдан $I = 3 \text{ а}$ ток ўтади. Агар бу металниң ҳар бир 1 cm^3 да $n = 4 \cdot 10^{22}$ дона эркин электрон бўлса, элекстр майдони таъсири остида электронлар ҳаракатининг v_{yp} ўртача тезлиги қандай бўлади?

Ечилиши. Электронларнинг ўртача тезлиги $v_{yp} = \frac{I}{enS}$. Бу ифодага $e = 1,6 \cdot 10^{-19} \text{ к}$, $n = 10^{28} \text{ м}^{-3}$, $S = 0,5 \cdot 10^{-4} \text{ м}^2$ ларни қўйиб, $v_{yp} \approx 9,3 \cdot 10^{-5} \text{ м/сек}$ эканини топамиз.

Бирликлар устида бажариладиган амаллар:

$$\frac{a}{\kappa \cdot \text{м}^{-3} \cdot \text{м}^2} = \frac{\text{а} \cdot \text{м}}{\text{а} \cdot \text{сек}} = \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$

$R = \rho \frac{l}{S}$ формуладан фойдаланиб ечилдиган масалалар VII синфдаги қараганда бирмунча мураккаб бўлади. Бу формуладан тўғридан-тўғри фойдаланиб ечилдиган масалалар ишлаш мақсадга мувофиқ эмас. Занжирининг бир қисмига оид Ом қонунидан ҳам фойдаланиб ечилдиган аралаш масалалар ечиш лозим.

655. Агар ўтказгичнинг диаметри $d = 1,5 \text{ mm}$, узунлиги $l = 14,2 \text{ m}$ эканлиги, $U = 18 \text{ v}$ кучланишда ундан $I = 2,25 \text{ a}$ ток ўтиб туриши маълум бўлса, симнинг солиштирма қаршилиги нимага тенг бўлади?

Ечилиши. $R = \rho \frac{l}{S}$, $I = \frac{U}{R}$. Бундан $\rho = \frac{R \cdot S}{l} = \frac{U \cdot S}{I \cdot l}$. СИ да $d = 1,5 \cdot 10^{-3} \text{ m}$, $l = 14,2 \text{ m}$, кўндаланг кесим юзи $S = \frac{\pi d^2}{4} \approx 1,8 \cdot 10^{-6} \text{ m}^2$. Ҳисоблаб $\rho = 1,0 \cdot 10^{-6} \text{ om} \cdot \text{m}$ эканини топамиз.

Текшириш ва электр бирликларига оид амаллар устида машқ қилиш учун қуйидаги ҳисобни қилиб кўриш фойдалидир:

$$\frac{\theta \cdot M^2}{a \cdot m} = OM \cdot M,$$

656. Агар алюминий симнинг қаршилиги $R = 0,1 \text{ om}$, масаси $m = 54 \text{ g}$ бўлса, унинг кўндаланг кесими ва узунлиги нимага тенг бўлади?

Ечилиши. Қуйидаги тенгламалар системасини ёзамиз:

1) $R = \rho \frac{l}{S}$; 2) $m = DIS$; бунда D — зичлик.

Одатда зичлик ρ билан белгиланар эди, бироқ бу ерда солиштирма қаршилик билан аралаштириб юбормаслик учун зичликни D билан белгилашга тўғри келди.

Тенгламалардан $l = \frac{RS}{\rho}$; $S = \frac{m}{DI}$; $l = \frac{Rm}{\varphi DI}$ ёки $l^2 = \frac{Rm}{\varphi D}$ ва $l = \sqrt{\frac{Rm}{\varphi D}}$. Жадвалдан: $\rho = 0,029 \cdot 10^{-6} \text{ om} \cdot \text{m}$, $D = 2,7 \cdot 10^8 \text{ kg/m}^3$ эканини топамиз. Ҳисоблаб $l \approx 8,3 \text{ m}$ ва $S = 2,4 \cdot 10^{-6} \text{ m}^2$ эканини топамиз.

Қаршиликнинг температурага боғланишини ҳисобга олишга оид масалаларда $R_t = R_0(1 + \alpha t)$ формуладаги R_0 катталик ўтказгичнинг бирор бошлангич температурадаги қаршилиги эмас, балки 0°C даги қаршилиги эканлигини таъкидлаб ўтиш жуда муҳимдир.

Агар масаланинг шартида ўтказгичнинг бирор t_1 температурадаги қаршилиги берилган бўлиб, ўтказгичнинг t_2 температурадаги қаршилигини топиш талаб этилса, у ҳолда қаршиликни тўғдан-тўғри $R_{t_2} = R_{t_1} [1 + \alpha(t_2 - t_1)]$ формула билан ҳисоблаш ярамайди. Олдин $R_0 = \frac{R_{t_1}}{1 + \alpha t_1}$ ни ҳисоблаб топиш, сўнгра эса

$R_{t_2} = R_0(1 + \alpha t_2) = \frac{R_{t_1}}{1 + \alpha t_1}(1 + \alpha t_2)$ формула билан ҳисоблаш керак.

657. Мис симнинг 10°C даги қаршилиги 60 ом . Униг — 40°C даги қаршилигини топинг.

Ечилиши. $R_t = R_0(1 + \alpha t)$. Бу формулада бизга R_0 номаълум. Уни топиш учун бўй формулани олдин $t_1 = 10^{\circ}\text{C}$ бўлган ҳолга татбиқ этамиз. Ундан $R_0 = \frac{R_{t_1}}{1 + \alpha t_1}$ эканини топамиз. $\alpha = 0,004\text{ град}^{-1}$ бўлганда $R_0 = 57,7\text{ ом}$, $R_{t_2} = R_0(1 + \alpha t_2) = 57,7\text{ ом} [1 + 0,004\text{ град}^{-1} (-40^{\circ}\text{C})] \approx 49\text{ ом}$.

Бундан олдин ўрганилган ўқув материалыга боғлаш учун E кучланганлик ва $\varphi_1 - \varphi_2$ потенциаллар фарқи тушунчаларига алоқадор бўлгани масалалар ечиш фойдали бўлади. Куйида ўшандай мазмундаги масала келтирамиз.

658. Чўяланма лампанинг вольфрам толасидаги ток кучи $I = 0,2\text{ а.}$ Толанинг диаметри $d = 0,02\text{ мм.}$ Лампа ёниб турганда толанинг температураси 2000°C . Лампа толасидаги электр майдонининг кучланганлигини топинг.

Ечилиши. Қизиган толанинг қаршилиги $R_t = \rho_0 \frac{l}{S} \cdot (1 + \alpha t)$. Вольфрам учуп $\rho_0 = 0,055 \cdot 10^{-8}\text{ ом} \cdot \text{м}$, $\alpha = 0,005\text{ град}^{-1}$. Лампа ишлаб турганда толадаги кучланиш $U = IR_t$, электр майдонининг кучланганлиги

$$E = \frac{U}{l} = \frac{I \rho_0 l (1 + \alpha t)}{l \cdot S} = \frac{4 I \rho_0 (1 + \alpha t)}{\pi d^2} \approx 400\text{ в/м.}$$

Бирликлар устида бажариладиган амаллар: $\frac{\alpha \cdot \text{ом} \cdot \text{м}}{\text{м}^2} = \frac{\text{в}}{\mu}$.

2. Ўтказгичларни улаш

Дастлаб ўтказгич ва резисторларни кетма-кет ва паралел улашдаги умумий қаршиликнинг ўқувчиларга VII синфдан маълум бўлган формулаларини (12- боб) ишлатиш юзасидан машқ қилиш тариқасида бир неча масала ечилади.

Сўнгра бирмунча мураккаб масалалар, жумладан, аралаш уланишига оид масалалар ечилади. Резисторларнинг мураккаб аралаш уланишига оид масалалар ечишганда қўйидагича иш кўриш фойдали ҳисобланади. Занжирларнинг тармоқланган ёки бириткирилган жойларидаги барча нуқталар схемада ҳарфлар билан, қисмларнинг қаршиликлари эса ҳарфий индекслар билан, масалан, R_{AB} , R_{CD} ва шунга ўхшашлар билан белгиланиши керак.

Мураккаб уланиш схемаси ўрнига барча тармоқланниш нуқталари ва занжирдаги айрим қисмларнинг уланиш характеристи кўриниб турадиган эквивалент схемалар чизиш керак.

Күпчилик ҳолларда умумий күринишдаги ҳисобларни ба-
жариш шарт әмас. Аввало занжирининг ҳар бир қисми қарши-
лигини аниқлаш, сүнгра эса бутун занжир қаршилигини аниқ-
лаш қулай.

Резисторларниң эквивалент схемаларни бирданыга чизиш
мүмкін бўлмаган (184-расм) мураккаб уланишига оид масала-
лар жуда қийин бўлади.

Умумий ҳолда бундай занжирларниң қаршилиги Кирхгоф қо-
нулари ёрдамида аниқланади, бироқ бу қонуулар ўрта мактабда
тўлиқ ўрганилмайди. Ўрта мактабда ўқувчилар бир хил потен-
циалли нуқталари бўлган фақат симметрик контурлар қарши-
лигини ҳисоблашга ўрганиб олишлари керак. Занжирга ҳеч
қандай ўзгариш киритмасдан туриб, тенг потенциалли нуқта-
ларни бирлаштириш ёки уларни бир-биридан ажратиш мүмкін
(бу нуқталар орасида ток бўлмайди). Шундан сўнггина зан-
жирларниң эквивалент схемаларини чизиш ва қаршиликларни
ҳисоблаш мүмкін бўлади.

$R_{\text{ш}}$ шунт қаршилиги ва $R_{\text{куш}}$ қўшимча қаршиликни аниқ-
лашга оид масалалар бошлаб резисторларни кетма-кет ва па-
раллел улашга оид оддий масалалар сифатида ишланиши мүм-
кін ва шундай бўлиши ҳам керак. $R_{\text{ш}}$ ва $R_{\text{куш}}$ нинг

$$R_{\text{ш}} = \frac{R_a}{n-1}, R_{\text{куш}} = R_a(n-1)$$

формулаларини келтириб чиқаргандан сўнг улардан кўпги-
на масалаларни ечишда фойдаланиш мүмкін, бунда R_a ва R_a —
амперметр ва вольтметр қаршиликлари, n — уларниң ўлчов
чегараси неча марта кенгайганлигини кўрсатадиган сон.

Уйтston кўприкнига оид масалаларда олдин келтириб чиқа-
рилган $R = R_{\text{ш}} \cdot \frac{l_1}{l_2}$ формуласи қўллаш мүмкін, бунда $R_{\text{ш}}$ —
кўприкниң елкаларидан бирига уланган резисторнинг маълум
қаршилиги, l_1 ва l_2 — реохорд елкаларининг узунлиги.

Сифатга оид масалаларга намуналар келтирамиз.

659. Қаршилиги $R = 100 \text{ ом}$ бўлган ўтказгични бир қанча
тенг бўлакларга бўлиб, бу бўлакларни параллел улаганда
умумий қаршилик $r = 1 \text{ ом}$ бўлиши учун, ўтказгични нечта
тенг бўлакка бўлиш керак?

Ечилиши. Ўтказгични 10 бўлакка бўлиш ва бу бўлак-
ларни ўзаро параллел улаш керак. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир
бўлакнинг қаршилиги $R_1 = \frac{R}{10} = 10 \text{ ом}$. Барча бу бўлакларни
параллел уласак, қаршилик $\frac{R}{100} = 1 \text{ ом}$ бўлади.

660. Ҳар бирининг қаршилиги 2 ом бўлган учта резистор
ёрдамида қандай катталикдаги қаршиликлар олиш мүмкін?

Ечилиши. Учта резистордан турли улаш схемаларини
тузамиз: кетма-кет, параллел ва аралаш. Резисторлардан ик-

китасини, ҳаттоқи биттасини ҳам олиш мүмкин, ҳаммасини улаш шарт әмас. Кетма-кет уланганда 2, 4 ва 6 ом қаршиликка, параллел уланганда 1 ом ва 2/3 ом, аралаш уланганда эса 3 ом қаршилик ҳосил қилиш мүмкин.

661 (ә). Амперметрга параллел қилиб резистор уланса, унинг күрсатиши қандай ўзгаради?

Жавоби. Резистор ҳар қандай бўлганда ҳам амперметр занжирида ток камаяди.

662 (ә). Вольтметрга кетма-кет қилиб резистор уланса, унинг күрсатиши қандай ўзгаради?

Жавоби: Резистор вольтметрга кетма-кет қилиб уланганда кучланиш пасаюви ва вольтметр күрсатиши камаяди.

661 ва 662- масалаларнинг жавоблари тажрибада текширилади.

Ўтказгичларни параллел ва аралаш улашга оид ҳисоб масалаларидан дастлаб тахминан қўйидаги масалалар ечилади.

663. Қаршилиги 10 ом бўлган симдан ҳалқа ясалган (182-расм). Ҳосил бўлган занжирининг қаршилиги I ом бўлиши учун ток келтирувчи ўтказгичларни қаерларга улаш керак?

Ечилиши. ACB тармоқнинг қаршилигини r билан белгилаймиз, у ҳолда ADB тармоқнинг қаршилиги 10 ом — r бўлади. Тармоқлар ўзаро параллел уланган, бунда умумий қаршилик қўйидагига тенг бўлади:


$$R_{AB} = \frac{R_{ACB} \cdot R_{ADB}}{R_{ACD} + R_{ADB}}, R_{AB} = \frac{r(10 - r)}{10} = 1 \text{ (ом).}$$

$$r^2 - 10r + 10 = 0, \text{ бундан } r \approx (5 \pm 3.9) \text{ ом.}$$


Ток келтирувчи ўтказгичларни сим ҳалқадаги бўлаклар 8,9 ва 1,1 ом қаршиликларга эга бўладиган қилиб улаш керак.

664. Агар кучланиш $U = 48$ в, $r_1 = r_3 = 3$ ом, $r_2 = 6$ ом, $r_4 = 5$ ом, $r_5 = 10$ ом ва $r_6 = 3$ ом бўлса (183- расм), занжирдаги ток ва кучланиш тақсимланишини тоининг.

Ечилиши. Тармоқланиш нуқталарини A , C , D ва B билан белгилаймиз. AC , CD , DB қисмлар кетма-кет улангани туфайли занжирининг умумий қаршилиги $R_{AB} = R_{AC} + R_{CD} + R_{DB}$ бў-



182- расм.



183- расм.

лади. AC ва DB қисмларда резисторлар параллел уланган. Шунинг учун

$$R_{AC} = \frac{r_1 \cdot r_2}{r_1 + r_2} = 2 \text{ ом}; R_{CD} = r_3 = 3 \text{ ом},$$

$$\frac{1}{R_{DB}} = \frac{1}{r_4} + \frac{1}{r_5} + \frac{1}{r_6}, \text{ бундан } R_{DB} = 3 \text{ ом}. \text{ Ниҳоят, } R_{AB} = 8 \text{ ом},$$

$$I_0 = \frac{48 \text{ в}}{8 \text{ ом}} = 6 \text{ а.}$$

Бу ток r_3 резистор орқали ўтади; бошқа резисторлардаги токларни занжирнинг бир қисмига оид Ом қонуни бўйича топамиз, лекин бундан олдин U_{AC} ва U_{DB} ларни аниқлаб олиш керак:

$$U_{AC} = I_0 R_{AC}; I_1 = \frac{U_{AC}}{r_1} \text{ ва } I_2 = \frac{U_{AC}}{r_2}.$$

$$U_{DB} = I_0 R_{DB}; I_4 = \frac{U_{DB}}{r_4};$$

$$I_5 = \frac{U_{DB}}{r_5} \text{ ва } I_6 = \frac{U_{DB}}{r_6}.$$

Ҳисоблаб қўйидагиларни топамиз:

$$U_{AB} = 12 \text{ в}; U_{DB} = 18 \text{ в}; I_1 = 4 \text{ а}; I_2 = 2 \text{ а};$$

$$I_4 = 3,6 \text{ а}; I_5 = 1,8 \text{ а} \text{ ва } I_6 = 0,6 \text{ а.}$$

VII синфда ҳам ўтказгичларни аралаш улашга оид масалаларни худди шундай ечар эдик. Лекин унда улаш схемалари соддароқ эди. IX синфда масала ишлашда бу синфда олинган $I_{\text{ум}} = I_1 + I_2 + I_3 + \dots$ ва параллел уланган иккита ўтказгичга оид $\frac{I_1}{I_2} = \frac{R_2}{R_1}$ қўшимча маълумотлардан фойдаланиш муҳимdir.

Юқорида қаралган масала типик масала ҳисобланади. Шунга ўхшаш масалаларни еча билиш ўқувчилар билимини ижобий баҳолаш учун зарурий шарт ҳисобланади.

Шундан сўнг мураккаб занжирлар қаршилигини ҳисоблашга ўтилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, ўтра мактабда ўтказгичларнинг уланиш схемалари мураккаб, бироқ симметрик бўлган ҳолларга оид масалалар ечилади. Бунда ўқувчиларга масала ишлашнинг сунъий усуллари тушунтирилади. Схемада ораларида ток бўлмаган бир хил потенциални нуқталар қидирилади. Бу нуқталарнинг туташтирилиши ёки ажратилиши схемага ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, бунда схема содда кўринишга келади, холос.

665. 184- расмда кўрсатилган схемаларнинг умумий қаршилигини топинг. Бунда ҳамма қисмларнинг ғ қаршилиги бир хил деб ҳисобланг.

Ечилиши. Бир хил потенциалли нуқталарни топамиз: а) занжирда (184- а расм) **C** ва **D** нуқталарнинг потенциали бир




хил, чунки схемадаги тармоқлар симметрикдир. Уларни ажратып, ўзидан ток үтмай турған $2r$ қаршиликли резисторнан занжирдан чиқарады. Соддалаштирилған схемада (185- расм) қаршиликтери r ва $2r$ бўлган резисторларнинг кетма-кет уланишидан иборат бўлганиккита параллел шахобча аниқ кўриниб туради, шунинг учун $R_{AB} = \frac{3}{2} r$ бўлади.

б) Куб кўринишига эга бўлган занжирда (184- б расм) B , D ва C нуқталар ўзаро бир хил потенциалга эга. Шунингдек, E , M ва F нуқталарнинг потенциаллари ҳам ўзаро бир хилдир. Бир хил потенциални нуқталарни бирлаштириб, эквивалент схемага (186- расм) эга бўламиз, бунда $R_{AK} = \frac{5}{6} r$.


в) Схемаси беш қирвали юлдуз кўринишига эга бўлган занжир (184- в расм) юлдузнинг A учидаи ўтказилған ўқига нисбатан симметрикдир. L ва M нуқталарнинг потенциали бир хил. Агар бу нуқталар бирбиридан ажратилса, эквивалент схема (187- расм) ҳосил бўлади, бунинг умумий қаршилиги $R_{AK} = \frac{7}{6} r$ бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, шунт ва қўшимча қаршиликни ҳисоблашга оид бўлган масалалар олдиндан келтириб чиқарилған формулалар билан ечилиши мумкин.


666. Қаршилиги 3 ом бўлган амперметрнинг ўл-



184- расм.



185- расм.



186- расм.

чаш чегараси 25 м гача боради. Унинг ўлчаш чегарасини $2,5\text{ а}$ гача кенгайтириш учун амперметрга шунт тайёрлаш керак. Бунинг учун диаметри 1 мм бўлган манганин симдан қанча узунликда олиш керак?

Ечилиши. $R_w = \frac{R_a}{n-1}$; $n = \frac{2,5a}{0,025a} = 100$, $R_w = 0,03\text{ ом}$;
 $R_w = \rho_2 \frac{l}{S}$.

Манганин учун $\rho = 0,42 \cdot 10^{-6}\text{ ом} \cdot \text{м}$, $S = \frac{\pi d^2}{4}$. Ҳисоблаб $l \approx 0,055\text{ м} \approx 5,5\text{ см}$ эканини топамиз.


667. Вольтметринг ички қаршилиги 50 ом , у ўлчай оладиган энг катта кучланиши $0,25\text{ в}$. Бу асбодан 200 в гача кучланиш ўлчайдиган вольтметрни қандай қилиб ясаш мумкин?

Ечилиши. $R_{куш} = R_w(n-1)$, $n = \frac{200}{0,25} = 800$, шунинг учун $R_{куш} \approx 40 \cdot 10^3\text{ ом}$.


Масалани ишлашда кўприк схемасидаги номаълум қаршиликни топиш формуласи келтириб чиқарилади.

668. Ўлчов кўприги елкаларидан биридаги резисторнинг (188- а расм) қаршилиги $R = 20\text{ ом}$. Гальванометр стрелкаси нолда турганда реохорд елкаларининг $I_1 : I_2$ нисбати $2 : 3$ кабидир. Кўприкнинг иккичи елкасига уланган r қаршиликни аниқланг.

Ечилиши. С ва D нуқталарни битта умумий O нуқтага туташтириб, эквивалент схема (188- б расм) тузамиз. Занжир-



187 расм.



188- расм.

нинг юқори қисмидаги токни I_1 билан, пастки қисмидаги токни I_2 билан белгилаймиз.

$$U_{AO} = I_1 r = p \frac{l_1}{S} I_2, \quad U_{OB} = I_1 R = p \frac{l_2}{S} I_2.$$

Бу тенгликларни ҳадма-ҳад бўлиб, $\frac{r}{R} = \frac{l_1}{l_2}$ нисбатни топамиз, ундан $r = \frac{R l_1}{l_2} \approx 13$ ом.

Қўйида анча қийип битта масаланинг ечимини келтирамиз. Унда соддалаштириш мумкин бўлмаган схема кўриб чиқилган.

669*. Схемаси 189-расмда тасвирланган занжирнинг R_0 умумий қаршилигини топинг.


Ечилиши. Схемани соддалаштириш мумкин эмас, чунки бир хил потенциалли нуқталарни топиб бўлмайди. Масалани ишлаш учун ток ва кучланишлар тенгламаси ёзилади. Номаълум токлар олтига: I_0 , I_1 , I_2 , I_3 , I_4 , I_5 , бундан ташқари, R_0 ҳам номаълум. Масалани ечиш учун еттига тенглама системасини тузиш керак бўлади.

Биринчидан, тармоқланиш нуқтасига „келувчи“ токларнинг йигиндиси бу нуқтадан „кетувчи“ токларнинг йигиндисига тенг эканлигидан фойдаланамиз. У ҳолда

$$I_0 = I_1 + I_2, \quad (1) \quad I_5 = I_2 + I_3, \quad (3)$$

$$I_1 = I_3 + I_4, \quad (2) \quad I_0 = I_4 + I_5. \quad (4)$$

Иккинчидан, бирлик зарядни A нуқтадан C нуқтага кўчиришда бажарилган иш йўлнинг шаклига боғлиқ эмас. Бу иш $I_0 R_0$ кучланишга сон жиҳатдан тенг ва ABC , ADC , $ABDC$ ёки $ADBC$ қисмлардаги кучланиш пасайишларининг йигиндиси сифатида топилиши мумкин.



189- расм.

$$ABC \text{ контур учун } I_0 R_0 = I_1 3r + I_4 r, \quad (5)$$

$$ADC - " - I_0 R_0 = I_2 r + I_6 3r, \quad (6)$$

$$ABDC - " - I_0 R_0 = I_1 3r + I_3 2r + I_5 3r. \quad (7)$$

ADBC контур учун саккизинчи тенглама тузилиши ҳам мумкин эди, лекин у эркли тенглама бўлмайди.

(1 – 7) тенгламалар системасини ечиб, изланабтган миқдорни топамиз:

$$R_0 = \frac{14}{5} r.$$

3. Бутун занжирга оид Ом қонуни

Берк электр занжиринда ток кучи бутун занжирга оид Ом қонунидан $I = \frac{E}{R+r}$ формула билан аниқланади, бунда E – ток манбанинг электр юритувчи кучи, R ва r – занжирнинг ташқи ва ички қисмларининг қаршилиги. Масалаларда одатда ток манбаларида $E = \text{const}$, $r = \text{const}$ деб ҳисобланади.

Ток манбанинг клеммаларидаги кучланиш $U = E - Ir$.

Занжирнинг э. ю. к. эга бўлган (190- расм) қисмидаги кучланиши топишга оид масалалар алоҳида ўрин эгаллайди. Э. ю. к. га эга бўлган бундай бир жинсли бўлмаган занжир учун Ом қонуни $I = \frac{\varphi_1 - \varphi_2 + E}{R'}$ ёки $IR' = \varphi_1 - \varphi_2 + E$ кўринишда ёзилади. Бунда ток йўналишида потенциални оширадиган э. ю. к. (манба ичида ток манфий кутбдан мусбат кутбга томон оқади) мусбат э. ю. к. деб ҳисобланади. R' – занжирнинг тўлиқ қаршилиги.


Кўп ҳолларда биз занжирнинг қисмларидаги токлар йўналишини олдиндан билан олмаганligимиз туфайли ток йўналишини ихтиёрий қилиб олиш мумкин. Агар масалани ечганда токнинг қиймати манфий ишорали бўлиб чиқса, бу ҳол токнинг ҳақиқий йўналиши олдин тахмин қилинган йўналишга қарши эканлигини билдиради.

Агар занжирдаги ток манбаси сифатида элементлар батареяси ишлатилса, бутун занжирга оид Ом қонуни $I_6 = \frac{E_6}{R+r_6}$ кўринишда ёзилади, бунда E_6 ва r_6 – мос ҳолда батареянинг электр юритувчи кучи ва ички қаршилиги. Электр юритувчи кучлари E_1, E_2, E_3, \dots ва ички қаршиликлари r_1, r_2, r_3, \dots бўлган элементлар кетма-кет уланганда батареяда $E_6 = E_1 + E_2 + E_3 + \dots, r_6 = r_1 + r_2 + r_3 + \dots$ бўлади.


Элементларни бир-бирига қарама-қарши қилиб, кетма-кет улаш ҳоллари ҳам бўлади. У ҳолда $E_6 = E_1 - E_2$ ва $r_6 = r_1 + r_2$



190- расм.



191- расм.



192- расм.

бўлади. n та бир хил элемент кетма-кет уланганда $E_6 = n \cdot E_{\text{эл}}$ ва $r_6 = n \cdot r_{\text{эл}}$ бўлади. n та бир хил элемент параллел уланганда $E_6 = E_{\text{эл}}$ ва $r_6 = \frac{r_{\text{эл}}}{n}$ бўлади.

Турли элементларни параллел улаб, батарея тузиш ҳоли мураккаброқ бўлиб, махсус ҳисобни талаб қиласи.

Элементларни аралаш улаб батарея ҳосил қилиш ҳоллари ҳам бўлади. Масала ишлаганда $I = \frac{E_6}{R + r_6}$ формула ёзилади ва ҳар бир тайинли ҳолда E_6 ва r_6 лар аниқланади.


670 (ә). 191- расмга қараб занжир йиғинг. Реостат жилгичи сурилганда вольтметр кўрсатишлари қандай ўзгаради? Занжирнинг ташқи қисмидаги U кучланишининг ундаги I ток катталигига боғланиш графигини чизинг.

Ечилиши. Занжирнинг ташқи қисмининг R қаршилиги ортирилганда I ток камаяди, U кучланиш эса ортади. U нинг I га боғланишини чизиқли боғланишлар (192-расм). $U_{\text{таш}}$ ташқи кучланиш MN тўғри чизиқ остидаги ординатага тенг бўлиб, манба ичидаги $U_{\text{ицк}}$ кучланиш пасаюви эса MN дан $E = \text{const}$ тўғри-чизиқча бўлган масофага тенг. I ток кучи ортса, $U_{\text{таш}}$ ташқи кучланиш пасаюви камаяди, $U_{\text{таш}} + U_{\text{ицк}} = E = \text{const}$ бўлади.

Агар ташқи занжир узуқ бўлса ($R = \infty$), у ҳолда $I = 0$ ва $U = E$ (A нуқта) бўлади. Қисқа туташувда $R = 0$, $U = 0$, $I = \frac{E}{r}$ (B нуқта) бўлади.

671. Агар қаршилиги $R = 3 \text{ ом}$ бўлган резистор ташқи занжирга уланганда занжирдаги ток кучи $I = 0,4 \text{ а}$ бўлса, электр юритувчи кучи $E = 1,3 \text{ в}$ бўлган манбали занжирдаги қисқа туташув токи нимага тенг бўлади?

Ечилиши. Ом қонунининг $I = \frac{E}{R + r}$ формуласидан дастлаб $r = \frac{E - IR}{I}$ ни, сўнгра $I_{\text{к.т}} = \frac{E}{r}$ ни топамиз (қисқа туташувда $R = 0$). Ҳисоблаб $I_{\text{к.т}} = 5,2 \text{ а}$ эканини топамиз.



193- расм.

672. Занжирдаги ток манбай $E = 30$ в ли батарея. Батарея қис-қиличларидаги күчланиш $U = 18$ в, занжирдаги ток кучи эса $I = 3$ а. Занжирнинг ташки R ва ички r қаршиликларини аниқлаңг.

Ечилиши. Бу ерда бутун занжирга онд Ом қонунини $E = IR + Ir = U + Ir$ күринишда табтиқ этиш яхши, у ҳолда $r = \frac{E - U}{I}$; занжирнинг бир қисмига онд Ом қонунига асосан, $R = \frac{U}{I}$. Соң қийматларни қўйиб, $R = 6$ ом, $r = 4$ ом эканини топамиз.

673. Ток манбай қаршилиги $R_1 = 1,8$ ом бўлган ўтказгич билан туаштирилганда унлаги ток кучи $I = 0,7$ а бўлган. Агар ток манбай қаршилиги $R_2 = 2,3$ ом бўлгаи ўтказгич билан туаштирилса, унда ток кучи камайиб $I_2 = 0,56$ а бўлиб қолади. Манбанинг э. ю. к. ва ички қаршилигини топинг.

Ечилиши. $E = \text{const}$ ва $r = \text{const}$ эканлигидан фойдаланамиз. Бутун занжирга онд Ом қонунига асосан иккита тенглама тузамиз: $E = I_1 R_1 + I_1 r$ ва $E = I_2 R_2 + I_2 r$, булардан $I_1 R_1 + I_1 r = I_2 R_2 + I_2 r$, демак, $r = \frac{I_2 R_2 - I_1 R_1}{I_1 - I_2}$. Берилган қийматларни ўрнига қўйиб, $r \approx 0,2$ ом ва $E \approx 1,4$ в эканлигини топамиз.

674. Ташки занжирнинг қисмларидаги ток ва күчланишиларни топинг. Бунда занжирдати (193- расм) ҳар бир элементнинг э. ю. к. $E_{\text{зл}} = 1,5$ в, ички қаршилик $r_{\text{зл}} = 0,5$ ом. Ташки занжирга $R_1 = 0,75$ ом, $R_2 = 4$ ом, $R_3 = 0,8$ ом ва $R_4 = 1,58$ ом қаршиликлар уланган.

Ечилиши. $I_1 = I_4 = I_{\text{ум}} = I_2 + I_3$. Бутун занжирга онд Ом қонунига асосан, $I_{\text{ум}} = \frac{E_6}{R_{\text{ум}} + r_6}$; $R_{\text{ум}} = R_{AD} = R_{AB} + R_{BC} + R_{CD}$. BC қисмда резисторлар параллел уланган, шунинг учун

$$R_{BC} = \frac{R_2 R_3}{R_2 + R_3}; R_{BC} \approx 0,67 \text{ ом},$$

$$R_{\text{ум}} = R_1 + \frac{R_2 R_3}{R_2 + R_3} + R_4; R_{\text{ум}} \approx 3 \text{ ом}.$$

$E_6 = n \cdot E_{\text{зл}} = 3 \cdot 1,5$ в = 4,5 в, $r_6 = n \cdot r_{\text{зл}} = 3 \cdot 0,5$ ом = 1,5 ом. У ҳолда

$$I_{\text{ум}} = \frac{4,5 \text{ в}}{3 \text{ ом} + 1,5 \text{ ом}} = 1 \text{ а.}$$

AB , BC , CD қисмлардаги күчланишиларни занжирнинг бир қисмiga онд Ом қонунидан аниқлаймиз: $U_{AB} = I_{\text{ум}} \cdot R_{AB} = 1 \text{ а} \times$

$\times 0,75 \text{ ом} = 0,75 \text{ в},$ шунга ўхшаш
 $U_{BC} \approx 0,67 \text{ в}, U_{CD} \approx 1,58 \text{ в.}$ BC қисм-
даги токлар $I_2 = \frac{U_{BC}}{R_2} \approx 0,17 \text{ а,}$ $I_3 =$
 $= \frac{U_{BC}}{R_3} \approx 0,83 \text{ а.}$

Текшириш: $I_2 + I_3 = I_{\text{ум}},$ ҳақиқатан:
 $0,17 \text{ а} + 0,83 \text{ а} = 1 \text{ а.}$

Бутун занжир бүйлаб кучланиш пасайышлари йиғиндиңи электр юритувчи күчгә тенг. $U_{DA} = I_{\text{ум}} \cdot r_6 =$
 $= 1 \text{ а} \cdot 1,5 \text{ ом} = 1,5 \text{ в}$ эканини ҳисобга ола-
миз. $E = U_{AB} + U_{AC} + U_{CD} + U_{DA} =$
 $= 0,75 \text{ в} + 0,67 \text{ в} + 1,58 \text{ в} + 1,5 \text{ в} = 4,5 \text{ в.}$


675. R_1 резистордаги ток күчини топинг (194-расм), буында ҳар бир элементтің э. ю. к. $E_{\text{зл}} = 1,4 \text{ в,}$ ичкі қаршилигі $r_{\text{зл}} = 0,5 \text{ ом}$ бўлиб, таңқи занжирга қаршилиги $R_1 = R_4 = 2 \text{ ом,}$ $R_2 = 1 \text{ ом}$ ва $R_3 = 3 \text{ ом}$ бўлган резисторлар уланган.

Ечилиши. Масала олдингига ўхшатиб ечилади: $I_{\text{ум}} =$
 $= \frac{E_6}{R_{\text{ум}} + r_6}.$ Батареядаги бир хил элементлар параллел уланган,
шунинг учун $E_6 = E_{\text{зл}}$, $r_6 = \frac{r_{\text{зл}}}{2}.$ Таңқи занжир қаршилигі $R_{AC} =$
 $= R_{\text{ум}} = R_{AB} + R_{BC}.$ BC қисмда резисторлар параллел уланган,
демак, $\frac{1}{R_{BC}} = \frac{1}{R_2} + \frac{1}{R_3} + \frac{1}{R_4}.$ Ҳисоблаб $R_{BC} \approx 0,55 \text{ ом,}$ $R_{AC} \approx$
 $\approx 2,55 \text{ ом,}$ $r_6 \approx 0,25 \text{ ом,}$ $I_{\text{ум}} = 0,5 \text{ а}$ эканини топамиз. Изланан-
ётган ток күчи $I_3 = \frac{U_{BC}}{R_3},$ $U_{BC} = I_{\text{ум}} R_{BC},$ яъни $U_{BC} = 0,28 \text{ в.}$
Бундан $I_3 \approx 0,09 \text{ а.}$


676. Қарнилиги $R = 0,3 \text{ ом}$ бўлган таңқи занжирга ток ҳар бирининг э. ю. к. $E_{\text{зл}} = 2 \text{ в,}$ ичкі қарнилиги $r_{\text{зл}} = 0,3 \text{ ом}$ бўлган олтига аккумулятордан берилади. Аккумуляторлар учта параллел группа бўлиб, уларнинг ҳар бири кетма-кет уланган иккى элементдан иборат. Занжирдаги ток күчи шимага тенг?

Ечилиши. Занжирнинг схемасини чизамиз (195-расм).
Занжирдаги ток күчи $I = \frac{E_{\text{бат}}}{R + r_{\text{бат}}},$
 $E_{\text{бат}} = 2E_{\text{зл}} = 4 \text{ в.}$
 $r_{\text{бат}} = \frac{2r_{\text{зл}}}{3} = \frac{0,3 \text{ ом} \cdot 2}{3} = 0,2 \text{ ом.}$ $I \approx 8 \text{ а.}$

677. Иккита бир хил элемент бир-бирига 196-а ва б расмда кўрсатилгандек қилиб уланган. A ва B нүкталар орасидаги кучланишини аниқланг.



194-расм.



195-расм.

Ечилиши. Биринчи ҳолда (196-*a* расм) бир хил элементлар параллел уланган, шунинг учун $E_{\text{бат}} = E_{\text{эл}}$. Занжирда ток йўқ. Ташки занжир узилгандан $U = E_{\text{эл}}$ бўлади.

Иккинчи ҳолда (196-*b* расм) элементлар кетма-кет уланган ва бу элементлардан тузилган ёпиқ занжир бўйича $I = \frac{2E_{\text{эл}}}{2r_{\text{эл}}} = \frac{E_{\text{эл}}}{r_{\text{эл}}}$ ток ўтади. Занжирнинг

э. ю. к. га эга бўлган бир қисмига оид Ом қонунига асосан, кучланиш

$$U_{AB} = E_{\text{эл}} - Ir_{\text{эл}} \text{ ёки } U_{BA} = E_{\text{эл}} - Ir_{\text{эл}}.$$

Кутилмаган натижалар чиқди:

$$U_{BA} = U_{AB} = E_{\text{эл}} - Ir_{\text{эл}} = E_{\text{эл}} - \frac{E_{\text{эл}}}{r_{\text{эл}}} \cdot r_{\text{эл}} = 0.$$


Бир элемент ичидаги иккинчиси ҳосил қилган кучланиш пасайиши унинг токка қарши йўналган электр юритувчи кучи билан компенсацияланади.

678. Икки элемент параллел уланиб батарея тузилган. Биринчи элементнинг э. ю. к. 2 в ва ички қаршилиги 0,6 ом; иккинчисининг э. ю. к. 1,5 в ва ички қаршилиги 0,4 ом. Элементларниң қисқичларидағи кучланишни аниқланг [22, № 916].


Ечилиши. Элементлар 196-*a* расмдаги схемага ўхшаш қилиб уланган. $E_1 = 2$ в ва $E_2 = 1,5$ в бўлсин, деб фараз қиласайлик. Ёпиқ занжирга оид Ом қонунига асосан, $I = \frac{E_1 - E_2}{r_1 + r_2} = 0,5$ а. Занжирнинг э. ю. к. га эга бўлган бир қисмига оид Ом қонунига асосан $U_{BA} = E_2 + Ir_2 = 1,5$ в + 0,5 а · 0,4 ом = = 1,7 в. Кучланиш ҳам $U_{BA} = E_1 - Ir_1 = = 2$ в - 0,5 а · 0,6 ом = 1,7 в.

679. Э. ю. к. $E_1 = 2$ в ва $E_2 = 1,5$ в ва ички қаршилиги $r_1 = r_2 = 0,5$ ом бўлган икки элемент параллел уланган. Занжирнинг ташки қисмининг қаршилиги $R = 2$ ом (197- расм). Ҳар бир элементдаги занжирнинг ташки қисмидаги токни топинг [22, № 917].

Ечилиши. $E_1 > E_2$ ва ток BRA йўналиш бўйича оқади. Бу ерда I_0 , I_1 ва I_2 лар номаълум. Масалани ечиш учун тенгламалар системаси тузамиз.



196- расм.



197- расм.

Кирхгоф қоидасига асосан, $I_1 = I_0 + I_2$.
Бир жинсли бўлмаган занжирга оид Ом қонунига асосан,

$$I_1 r_1 = U_{AB} + E_1, \quad (2)$$

$$I_2 r_2 = U_{BA} - E_2. \quad (3)$$

Занжирнинг BRA қисми учун $I_0 R = U_{BA}$.
(2) ва (3) тенгламаларни ҳадма-ҳад қўшиб, (3) тенгламадан (4) ни айрамиз:

$$I_1 r_1 + I_2 r_2 = E_1 - E_2, \quad (5)$$

$$I_2 r_2 - I_0 R = -E_2. \quad (6)$$

(6) тенгламадаги I_0 га унинг (1) дан топиладиган қийматини қўямиз:

$$I_2 r_2 - R(I_1 - I_2) = -E_2, \quad (7)$$

бундан

$$I_2 = \frac{R I_1 - E_2}{r_2 + R}.$$

I_2 нинг қийматини (5) тенгламага қўямиз:

$$I_1 r_1 + \left(\frac{R I_1 - E_2}{r_2 + R} \right) r_2 = E_1 - E_2,$$

бундан

$$I_1 = \frac{E_1 r_2 - E_2 R - E_1 R}{r_1 r_2 + r_1 R + R r_2}.$$

Хисоблаб $I_1 \approx 0,89 \text{ а}$ эканини топамиз. $I_2 \approx 0,11 \text{ а}$ ва $I_0 \approx 0,78 \text{ а}$, шунингдек, $U_{BA} = 1,56 \text{ в}$ эканини топамиз.

4. Токнинг иши, қуввати ва иссиқлик таъсири

Электр занжирининг бир қисмидаги токнинг иши ва қуввати

$$A = IUt = I^2 R t = \frac{U^2}{R} t; P = IU = I^2 R = \frac{U^2}{R}$$


формулалар билан ҳисоблаб топилади.

Э. ю. к. E ва ички қаршилиги r бўлган ток манбанинг ташқи занжирга қаршилиги R бўлган нагрузка уланганда берадиган тўла қуввати

$$P_0 = I^2 (R + r) = I^2 R + I^2 r = I \cdot I (R + r) = IE = \frac{E^2}{R + r}$$

формула билан топилади. Бунда нагруззанинг қуввати

$$\begin{aligned} P &= P_0 - I^2 r = IE - I^2 r = I(E - Ir) = IU = \frac{U^2}{R} = I^2 R = \\ &= \frac{E^2 R}{(R + r)^2}. \end{aligned}$$



Үтказгичдан ток ўтганда ажралиб чиққан иссиқлик миқдори Жоуль — Ленц қонунига асосан аниқланади:

$$Q = I^2 R t.$$

Агар занжирнинг қисмидә ток мәнбаса бўлмаса, Q иссиқлик миқдорини $Q = I U t = \frac{U^2}{R} \cdot t$ формулалар билан ҳам аниқлаш мумкин.

Электр занжирларида ўтказгичларниг қизинидан ташқари A меканик иш бажарилиши ҳам мумкин, у ҳолда энергиянинг сақланиш қонушига мувофиқ, $I E t = Q + A$.

Баъзан масалаларда ток манбанинг фойдали иш коэффициентини топиш талаб қилилади. Уни

$$\eta = \frac{A_{\text{ф}}}{A_{\text{ум}}} \cdot 100 \% = \frac{I U}{IE} \cdot 100 \% = \frac{U}{E} \cdot 100 \% = \frac{R}{R+r} \cdot 100 \%$$

формулалар билан топиш мумкин.

Электр энергиясига тўланадиган S пулни ҳисоблаб топиш учун тийин/квт·соат ҳисобидаги B тарифни ($S = B \cdot A$), шунингдек A иш ва P қувват бирликлари орасидаги муносабатни билиш керак.

Юқорида кўриб ўтилган қонуниятларга мувофиқ масалаларнинг қуйидаги асосий турлари ечилади:

1. Электр токининг иши ва қувватини топишга онд (13-бобдагига ўхшаш) масалаларни ечишин мәнқ қилиш.

2. Кетма-кет ёки параллел уланган ўтказгичларда ажралиб чиққан иссиқлик миқдори ҳисобга олинадиган ёки аниқланадиган масалалар.

3. Электр двигателларининг ф. и. к. ларини ҳисобга олган ҳолда уларининг меканик иши ёки қуввати ҳисобга олинадиган ёки аниқланадиган масалалар.

$P = I(E - Ir)$ формула $I = 0$ (занжир узуқ) ва $E - Ir = 0$, яъни $I = \frac{E}{r}$ (қисқа туташув) бўлганда қувват $P = 0$ бўлишини кўрсатади. P қувват I токининг квадратига бοғлиқдир (198-расм). $I = \frac{E}{2r}$ ёки $R = r$ бўлганда қувват максимум бўлади. Ҳосила тушунчаси ўрганилгандан сўнг I нинг $P = IE - I^2 r$ функция максимумга эришадиган қийматини ўқувчиларниг ўзлари топишлари мумкин ($\frac{dP}{dI} = E - 2Ir = 0$, бундан $I = \frac{E}{2r}$).

4. Ток мапбаларининг истеъмол қилинаётган қувватга, ички ёки ташки қаршиликларга ва шу каби факторларга боғлиқ равишда иш режимини текширишга онд масалалар.

IX синф учун мўлжалланган типик масалаларнинг намуналари қуйидаги берилган.

680. $U = 127 \text{ в}$ ли иккита лампа бўлиб, улардан бирни $P_1 = 60 \text{ вт}$, иккинчиси $P_2 = 90 \text{ вт}$ қувватга мўлжалланган. Қайси лампанинг қаршилиги катта ва неча марта катта?

Ечилиши. Масаланинг шартига кўра кучланиш $U = \text{const}$, шунинг учун қувватни солиштириш мақсадида $P = \frac{U^2}{R}$ формуласи қўллаш қулай, бундан $R = \frac{U^2}{P}$, яъни кучланиш ўзгармас бўлганда қаршилик қувватга тескари пропорционалдир. Демак, қуввати $P_1 = 60 \text{ вт}$ бўлган лампа чўғланиш толасининг қаршилиги қуввати $P_2 = 90 \text{ вт}$ бўлган лампа толасининг қаршилигидан (бир ярим марта) катта бўлади.

681. Гирляндада n та бир хил лампа кетма-кет уланган. Гирляндадаги лампалар сони иккига камайтирилса, занжирдаги қувват қандай ўзгарида?

Ечилиши. Занжирдаги ток $I = \frac{U}{nR}$, бунда R — лампанинг қаршилиги, қувват эса $P = IU$. Агар лампалар сони $(n-2)$ гача камайтирилса, ток ортади ва $I = \frac{U}{(n-2)R}$ га тенг бўлиб қолади. Бунда қувват ҳам ортади; $P_1 = I_1 U > IU$.

682. Электр илиткасининг иккита бир хил спиралини кетма-кет ёки параллел улаш мумкин. Ҳар бир спиралнинг қаршилиги R га тенг. Спиралларни кетма-кет ва параллел уланганда бир хил вақт ичida ажralиб чиқадиган иссиқлик миқдорларини солиштиринг.

Ечилиши. Спираллар кетма-кет уланганда умумий қаршилик $R_1 = 2R$, параллел уланганда $R_2 = \frac{R}{2}$ бўлади. Шунинг учун U кучланиш ўзгармас бўлганда ажralган иссиқлик миқдорлари $Q_1 = \frac{U^2}{2R} t$ ва $Q_2 = \frac{2U^2}{R} t$. Нисбат $\frac{Q_2}{Q_1} = 4$. Демак, спираллар параллел уланганда уларни кетма-кет улагандагидан 4 марта кўп иссиқлик чиқар экан.

683. Нима учун хонада тармоқка иситгич асбоблар, масалан, дазмол уланганда ёниб турган лампаларнинг ёруғи бошда бир оз пасайиб, салдан кейин яна аввалгича чараклаб ёнаверади?

Жавоби. Катта қувватли асбоб уланганда занжирда I ток кучи ортади (асбобининг қаршилиги кам), ток келтирувчи ўтказгич ва ток манбай ичидаги Ir кучланиш пасаюви ортади. $U = E - Ir$ кучланиш камаяди. Асбобининг иситгич элементидан ток ўтганда унинг температураси кўтарилиб, асбобининг қаршилиги ортади. Занжирда ток кучи аста-секин камая боради,

кучланиш асбоб уланишдан олдинги қийматидан бир оз камроқ бўлиб қолса-да, деярли аввалги қийматини тиклайди.

684. $U = 127 \text{ в}$ кучланишда $I = 10 \text{ а}$ ток кучи олиб ишлайдиган электр двигателининг қуввати $P = 1,1 \text{ квт}$. Двигателнинг ф. и. к. (η) ва 7 соат давомида истетмол қилган электр энергиясига тўланадиган пулни (S) аниқланг, тариф $B = 4 \text{ тийин/квт}\cdot\text{соат}$.

Ечилиши. Бу типдаги масалаларни ечишини ф. и. к. формуласини ёзишдан бошлаш қуладайдир:

$$\eta = \frac{A_{\Phi}}{A_{\text{сарф}}} = \frac{P}{IU}; S = BA_{\text{сарф}} = BIUt.$$

Буларга сон қийматларни қўйиб, қуйидагиларни топамиз:

$$\eta = \frac{1100 \text{ вт}}{10 \text{ а} \cdot 127 \text{ в}} \approx 0,87 \text{ ёки } 87 \text{ \%}.$$

$A_{\text{сарф}} = 10 \text{ а} \cdot 127 \text{ в} \cdot 7 \text{ с} = 1,27 \text{ квт}\cdot\text{соат} \approx 8,9 \text{ квт}\cdot\text{соат}, S = B \cdot A_{\text{сарф}} \approx 4 \text{ тийин/квт}\cdot\text{соат} \cdot 8,9 \text{ квт}\cdot\text{соат} \approx 36 \text{ тийин}.$

685. Электр чойнагида 1 л сув 20 дан 100°C гача иситилади. Чойнакнинг ф. и. к. $\eta = 80 \%$ ва тариф $B = 4 \text{ тийин/квт}\cdot\text{соат}$ бўлган ҳолда сувни иситиш учун сарф бўлган электр энергиясига қанча тўланади?

Ечилиши. $\eta = \frac{Q_{\Phi}}{Q_{\text{сарф}}}, Q_{\Phi} = c m (t_2 - t_1)$.

$$Q_{\text{сарф}} = A_{\text{сарф}}. \text{Шунинг учун } A_{\text{сарф}} = \frac{1}{\eta} Q_{\Phi} = \frac{cm(t_2 - t_1)}{\eta}.$$

Электр энергиясига тўланадиган пул $S = B \frac{cm(t_2 - t_1)}{\eta}$.

$c = 4190 \text{ ж/кг}\cdot\text{град}, m = 1 \text{ (кг)}, t_2 - t_1 = 80^{\circ}\text{C}$ қийматларни ўринига қўйиб, $A_{\text{сарф}} \approx 419000 \text{ ж} \approx 0,116 \text{ квт}\cdot\text{соат}$ ва $S \approx 0,5$ тийин эквалини топамиз.

686. Массаси $m = 2,4 \text{ т}$ бўлган лифт $t = 40 \text{ сек}$ давомида $h = 45 \text{ м}$ баландликка кўтарилади. Лифтни ҳаракатга келтирувчи электр двигателининг ф. и. к $\eta = 60 \%$ бўлса, у қандай қувват билан ишлайди? Лифтнинг бир марта кўтарилиши қанча туради? Агар кучланиши 380 в бўлса, электр двигатели ўрамларидаги ток кучи ишмага тенг бўлади?

Ечилиши. $A_{\Phi} = mgh, N_{\Phi} = \frac{A_{\Phi}}{t} = \frac{mgh}{t}$. Двигателнинг қуввати $N_{\text{сарф}} = \frac{N_{\Phi}}{\eta} = \frac{mgt}{t \cdot \eta}$.

Бир марта кўтарилигандаги иш $A_{\text{сарф}} = N_{\text{сарф}} \cdot t$, лифтнинг бир марта кўтарилинига тўланадиган пул $S = B \cdot A_{\text{сарф}}$. Ток кучи эса $I = \frac{N_{\text{сарф}}}{U}$.

Сон қийматларни қўямиз:

$$N_{\text{сарф}} = \frac{2400 \text{ кг}\cdot9,8 \text{ м/сек}^2 \cdot 25 \text{ м}}{40 \text{ сек} \cdot 0,6} \approx 24,5 \text{ квт}.$$

$$A_{\text{сарф}} \approx 0,272 \text{ квт} \cdot \text{соат}, S = 1,1 \text{ тийин.}$$

$$I \approx 64,5 \text{ а.}$$

✓ 687. Ички қаршилиги $r = 2 \text{ ом}$ бўлган ток манбаига қаршилиги $R = 4 \text{ ом}$ бўлган резистор уланганда ток манбаи қисқичларидағи кучланиш $U = 6 \text{ в}$ гача пасаяди. Манбанинг тўла қуввати қанча? Бу ток манбаи нагруззкага энг кўпи билан қандай қувват беради?

Ечилиши. Тўла қувват $P_0 = IE; I = \frac{U}{R} = 1,5 \text{ а.}$ Манба ичидаги кучланиш пасайини $U_{\text{ичк}} = I \cdot r = 3 \text{ в}$, э. ю. к. эса $E = U_{\text{ичк}} + U = 9 \text{ в}$. Тўла қувват $P_0 = 1,5 \text{ а} \cdot 9 \text{ в} = 13,5 \text{ вт}$, нагруззкадаги қувват эса, $P = I^2 R = 9 \text{ вт}$. $R = r = 2 \text{ ом}$ бўлганда нагруззкада энг катта қувват ҳосил бўлади, у ҳолда $I = \frac{E}{R+r} \approx 2,25 \text{ а.}$ қувват эса $P = I^2 R \approx 10,1 \text{ вт}$.

688*. Элемент бир гал қаршилиги $R_1 = 4 \text{ ом}$ бўлган резисторга, иккинчи гал қаршилиги $R_2 = 9 \text{ ом}$ бўлган резисторга уланади. Электр токининг ташки занжирдаги қуввати иккала ҳолда ҳам бир хил. Ташки қаршиликнинг қиймати қандай бўлганда қувват энг катта бўлади?

Ечилиши. Ташки қаршилик $R = r$ бўлганда қувват энг катта бўлади. Ички қаршиликни P_1 ва P_2 қувватларнинг тенглигидан тошиш мумкин.

$$P_1 = I_1^2 R_1 = \frac{E^2 R_1}{(R_1 + r)^2} \text{ ва } P_2 = I_2^2 R_2 = \frac{E^2 R_2}{(R_2 + r)^2};$$

$$\frac{E^2 R_1}{(R_1 + r)^2} = \frac{E^2 R_2}{(R_2 + r)^2} \text{ ёки } \frac{R_1}{(R_1 + r)^2} = \frac{R_2}{(R_2 + r)^2};$$

$R_1 = 4 \text{ ом}$ ва $R_2 = 9 \text{ ом}$ бўлганида тенгламадан $r = 6 \text{ ом}$ эканини топамиз. $R = r = 6 \text{ ом}$ бўлганда нагруззкадаги қувват максимум бўлади.

689. Электр чойнагидаги иситгич иккита бир хил секциядан ташкил топган. Битта секция уланганда сув 25 минутда қайнайди. Агар иккала секция кетма-кет уланса, сув қанча вақтда қайнайди? Параллел уланганда-чи?

Ечилиши. 682- масала ечимидан фойдаланиб, спираллар параллел уланганида иссиқлик 2 марта кўп ажралади, деган хуносага келамиз. Шунинг учун иситиш вақти 12,5 мин бўлади. Кетма-кет уланганда эса параллел улангандагига қарандага 4 марта кам иссиқлик чиқади, демак, иситишга 50 мин кетади.

690*. Двигателнинг радиуси r бўлган горизонтал валига учига M массали юқ осилган ип бир текис ўралади. Двигателга ток э. ю. к. E бўлган ўзгармас ток манбаидан берилади; занжирнинг тўла қаршилиги R ; занжирдаги ток I га тенг. Валинг 1 секунддаги айланишлари сони нимага тенг бўлади?

Ечилиши. Валинг 1 секунддаги айланишлари сони n бўлсин деб фараз қиласайлик, у ҳолда валинг тўлиқ айланиш

даври $T = \frac{1}{n}$ бўлади. Валинг бир айланишида $A = F \cdot s = Mg2\pi r$ иш бажарилади, валдаги қувват эса $N = \frac{A}{t} = Mg2\pi rn$, чунки $t = T = \frac{1}{n}$.

Энергияниг сақланиш қонунига асосан, $IE = I^2R + N$ ёки $N = IE - I^2R = I(E - IR) = Mg2\pi rn$. Бундан $n = \frac{I(E - IR)}{2\pi r Mg}$.

5. Термоток

Термоэлектр юритувчи куч катталигини ҳисоблашга оид жуда оддий масалалар ечилади. Бу масалаларда температураларниг чекли интервалида термо э. ю. к. (E) билан кавшарлар температурасининг $t_2 - t_1$ фарқи орасидаги чизиқли боғланишдан, аналитик равишда $E = \alpha(t_2 - t_1)$ формұла билан ифодаланган боғланишдан фойдаланилади. Бу боғланишдаги α пропорционаллык коэффициент термоэлектр юритувчи куч коэффициенти дейилади. Бу коэффициент мазкур термопарада металлар кавшарланган нүкталар температурасининг фарқи 1°C бўлганда ҳосил бўлган термо э. ю. к. га тенг.

Агар термоэлемент кавшарларидан бирининг температураси 0°C бўлса, у ҳолда термо э. ю. к. формуласида $t_2 - t_1$ ни $\Delta t = t$ билан алмаштириш мумкин (t — термопарадаги иссиқ қисмнинг температураси). У ҳолда $E = \alpha t$.

Термоэлементлар уланиб, термобатареялар тузилади. Термобатареяларниг э. ю. к. ини аниқлашда химиявий элемент ёки аккумуляторлар батареяларини ўрганишда олган билимлардан фойдаланилади. Агар n та термоэлемент кетма-кет уланиб, батарея тузилган бўлса, у ҳолда $E_{\text{бат}} = nE$.

$E = \alpha(t_2 - t_1)$ боғланиш ҳар қандай $t_2 - t_1$ фарқ учун эмас, балки температураларниг чегараланган интервалларидағина чизиқли эканлигини қайд қилиб ўтиш муҳим ҳисобланади. Ўқувчилар термо э. ю. к. ни $E = \alpha(t_2 - t_1)$ формула билан ҳисоблашга қўйиалмайдилар. Уларнинг бу боғланиш характеристики тушунишлари, E термо э. ю. к. нинг $t_2 - t_1$ температуралар фарқига боғланиш графигини чиза олишлари ёки тайёр графикка қараб E , α , $t_2 - t_1$ катталикларни топа олишлари муҳимdir.

691. Кетма-кет уланган $n = 20$ термопарадан тузилган термогенераторнинг э. ю. к. ни топинг. Кавшарларниг температураси 500 ва 0°C , термо э. ю. к. коэффициенти $\alpha = 1000 \frac{\text{мкв}}{\text{град}}$.

Ечилиши. Ҳар бир термопара кавшарларининг температураси фарқи $t_2 - t_1 = 500^\circ\text{C}$ бўлганда $E = \alpha(t_2 - t_1) = 1000 \frac{\text{мкв}}{\text{град}} \cdot 500^\circ = 0,5$ в термо э. ю. к га эга бўлади.

Термопаралар кетма-кет уланганда э. ю. к. термо э. ю. к. лар йиғиндисига тенг бўлади. Шунинг учун бир хил термопаралар кетма-кет уланганда $E_0 = n \cdot E_{\text{зл}} = 20 \cdot 0,5 \text{ в} = 10 \text{ в}$.


692. 691- масаланинг шартидан фойдаланиб, термогенератор батареяси электр юритувчи кучининг батареядаги термоэлементлар кавшарлари температураси фарқига боғлашибниш графикини чизинг. Совуқ кавшар температурасини 0°C деб олинг.

Масаланинг ечими 199- расмда тасвирланган графикда берилган.

693*. Керосин сарфи соатига $m_k = 60 \text{ г}$, термотокнинг қуввати эса $P = 5 \text{ вт}$ бўлса, ТГК-3 термогенераторининг ф. и. к. нимага тенг бўлади?

Ечилиши. Керосиннинг бир соат давомида ёнишидан $Q = gm_k$ иссиқлик миқдори чиқади, бунда $q = 4,6 \cdot 10^7 \text{ ж/кг}$ — керосиннинг иссиқлик бериш қобилияти. Термотокнинг 1 соат давомида бажарган иши $A = Pt$. Термогенераторнинг фойдали иш коэффициенти $\gamma = \frac{A_{\Phi}}{Q_{\text{сарф}}} \cdot 100 \% = \frac{P \cdot t \cdot 100 \%}{qm_k}$.

$$\mu = \frac{5 \text{ вт} \cdot 3600 \text{ сек} \cdot 100 \%}{4,6 \cdot 10^7 \frac{\text{ж}}{\text{кг}} \cdot 60 \cdot 10^{-3} \text{ кг}} \approx 0,6 \%$$



199- расм.

28- БОБ ЭЛЕКТРОМАГНЕТИЗМ

Ўрта мактабда электромагнетизмдан токларниң ўзаро таъсири, магнит майдонининг ҳаракатдаги зарядларга таъсири, электромагнитик индукция ва ўзиндукияга оид масалалар ишланади. Бунда сифатга оид ҳамда унча мураккаб бўлмаган ҳисоблаш масалалари қаралади. Ҳисоблаш масалалари ишланганда ўлчов бирликлари устида бажариладиган амалларга алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Бу ҳол электромагнетизмни ўрганишда қараладиган физик катталикларининг ўлчов бирликлари ва кўпгина боғланишларни бирмунча онгли ўзлаштириш имкониятини беради. Бунда фақат СИ системасидан фойдаланилади.

Сифатга оид масалалар ишланганда токли ўтказгичнинг ва электромагнитининг магнит майдони учун парма қоидасидан,

магнит майдонидаги токли ўтқазгичга таъсир этувчи куч ёки Лоренц кучи йўналишини аниқлай учун чап қўл қоидасидан, индукцион ток йўналишини аниқлаш учун Ленц ва ўнг қўл қоидасидан фойдаланилади. Ўқитининг II босқичида ўқувчилар бу қоидаларни қўллаш юзасидан кўнилмаларга эга бўлишлари шарт.

1. Токнинг магнит майдони

Узуилиги l ва ўзидан I ток ўтаётган ўтқазгичга индукцияси B бўлган магнит майдони \vec{F} куч билан таъсир қиласди. Бу куч Ампер формуласи билан аниқланади: $F = BIl \sin \alpha$, бунда $\alpha = B$ ва I йўналишилари орасидаги бурчак. F нинг йўналиши чап қўл қоидаси билан аниқланади.

Ўрта мактабда асосан $\alpha = 90^\circ$ бўлган ҳолга оид масалалар ечилади, демак, бу ерда $F = BIl$ формуладан фойдаланилади.

Магнит майдони индукциясининг B вектори $\alpha = 90^\circ$ бўлган ҳолда ийтониларда ифодаланган F пинг амперларда ифодаланган I ва метрларда ифодалантган l га нисбати сифатида аниқланади. B нинг ўлчов бирлиги тесла ($T\cdot A$) ёки $N/A \cdot m$.

Магнит майдони ҳаракатланувчи зарядга Лоренц кучи деб аталған куч билан таъсир этади. Ток ташувчи зарядини q билан, заряд ташувчилар концентрациясини n билан, уларнинг тезликларини v билан белгилаймиз, у ҳолда кўйдаланг кесим юзи S бўлган ўтқазгичда ток кучи $I = nqvS$ бўлади. Ампер қонунига асосан, $F = qvnSIB \sin \alpha$. Агар F ни nSl га, яъни Sl ҳажмидаги ток ташувчиларниг сонига бўлсақ, у ҳолда битта ток ташувчига таъсир этувчи кучни, яъни Лоренц кучини топган бўламиз; $F_d = qvB \sin \alpha$. Бу формулани соддароқ йўл билан ҳам ҳосил қизиш мумкин. $F_d = \frac{F}{N}$, бунда N — зарралар сони, $F = BIl \sin \alpha$. I ни $I = \frac{Q}{t}$ кўринишида ифодалаш ҳам мумкин, у ҳолда $F_d = \frac{BQt \sin \alpha}{Nt}$ бўлади. Бироқ $\frac{Q}{N} = q$, $\frac{t}{t} = v$, яъни $F_d = Bqv \sin \alpha$.

Зарядли зарра траекториясининг исталган нуқтасида \vec{F} нинг йўналиши \vec{v} ва \vec{B} векторларга перпендикулярдир. Агар мусбат заряд ҳаракатланаётган бўлса, куч йўналишини чап қўл қоидасидан фойдаланиб топиш мумкин; манғий заряд ҳаракатланаётган ҳолда чап қўл қоидасини қўллаб, I ток йўналишини зарраларнинг ҳаракат йўналишига тескари йўналишда олини керак бўлади.

Токларнинг магнит майдони \vec{H} кучланганлик вектори билан характерланади. \vec{H} кучланганлик билан магнит майдонининг \vec{B} индукцияси ўзаро $\vec{B} = \mu_r \mu_0 \vec{H}$ кўринишда боғланган,

бунда μ_0 — вакуумнинг магнит доимийси бўлиб, $12,6 \cdot 10^{-7}$ $\text{в}\cdot\text{сек}/\text{а}\cdot\text{м}$ ёки $\text{n}^2/\text{а}^2$ га тенг, μ_r — мұхитнинг магнит сингдирувчалиги (исмез катталик).

Узун түғри ўтказгичдан I ток ўтгаида магнит майдонининг кучланганлиги $H = \frac{I}{2\pi r}$ бўлади, бунда r — ўтказгичдан кучланганлик аниқланадиган нуқтагача бўлган энг қисқа масофа. \vec{H} векторнинг йўналиши парма қоидаси билан аниқланади.

Ток кучи I бўлганда узуилиги I ва радиуси r бўлган ($r \ll I$) бир қатламли цилиндрик ғалтакнинг марказидаги магнит майдони кучланганлиги $H = NI$ формула билан аниқланади, бунда N — ғалтак узуилигининг ҳар метридаги ўрамлари сони. \vec{H} вектор йўналиши парма қоидаси билан ҳам аниқланади.

Ўтказгич узун бўлганда индукция $B = \mu_0 \mu_r \frac{I}{2\pi r}$ бўлади. Ғалтак магнит майдонининг индукцияси $B = \mu_0 \mu_r NI$.

Иккита параллел токнинг ўзаро таъсир кучи $F_{12} = \mu_0 \mu_r \frac{I_1 I_2}{2\pi r}$ формула билан аниқланади, бунда I_1 ва I_2 — ўтказгичлардаги ток кучи, I эса F_{12} куч таъсир этадиган ўтказгичнинг узуилиги, r — ўтказгичлар орасидаги масофа.

Бир жинсли магнит майдони бўлган ҳолда индукция векторининг оқими $\Phi = BS \cos \alpha$, бунда S — яеси сиртнинг юзя, α бурчак — B индукция вектори билан S юзга ўтказилган нормал орасидаги бурчак.

Бошлаб VII синфдаги (14- боб) масалаларга ўхшаш сифатга оид оддий масалалар ишланади.

694. Агар ток A дан B га томон йўналган бўлса, ўтказгич остига қўйилган магнит стрелкаси (қ. 50- расм) қаёққа бурилади?


695. 200- расмда тасвиirlанган доираний токнинг магнит қутбларини аниқланг.

696. 201- расмда тасвиirlанган токли ғалтакнинг шимолий ва жанубий қутбларици аниқланг.


697. 202- расмдаги a , b , c , d ҳолларда кўрсатилган магнит майдонидаги токли ўтказгичга таъсир этувчи куч йўналишини аниқланг.

698. Магнит майдонида (203- расм) ҳаракатланастган протонга таъсир этувчи Лоренц кучи қандай йўналади? Электронга таъсир этувчи Лоренц кучи қандай йўналади?


Сифатга оид 694- 696- масалаларда парма қоидаси қўлланилади. Маг-



200- расм.



201- расм.



202- расм.

нит стрелкаси (694- масала) H вектор йўналишида жойлашади, яъни жанубий қутби бизга қараб бурилади. 605- масалада токли ғалтак ичидаги куч чизиқлари биздан расм томонга боради, яъни шимолий қутб расм текислигининг орқасида бўлади. 696- масалада шимолий қутб ғалтакниң ўнг томонида, жанубий қутб эса чап томонида жойлашади.

697- ва 698- масалаларни ечганда чап қўл қоидаси қўлланилади.

204- расмдаги a , b , c , δ ҳолларда 697- масалада эслатилган барча ҳолларга оид куч йўналиши кўрсатилган.

Ҳаракатланувчи протонга (698- масала) тик юқорига йўналган Лоренц кучи таъсир қилади. Бунда чап қўлниң тўрт панжаси протон ҳаракати йўналишида ёйилади. Ҳаракатланувчи электронга тик настга йўналган Лоренц кучи таъсир қилади. Чап қўлиниң тўрт панжаси энди электрон ҳаракатига қарама-қарши йўналишида ёйилади, чунки электрон зарди манфий бўлиб, унинг ҳаракати туфайли ҳосил бўлган ток тескари томонга йўналган.


Бундан кейин ҳисоблашига оид масалалар ечилади.

699. В иллюкция билан I ток орасидаги α бурчак: а) 90° ; б) 30° бўлганда индукцияси $B = 1,3 \text{ тл}$ бўлган магнит майдонининг узунлиги $l = 0,2 \text{ м}$ бўлган ва ўзидан $I = 10 \text{ а}$ ток ўтаётган ўтказгичга таъсир этувчи F кучининг йўналиши ва миқдорини аниқлаинг.

Ечилиши. F кучининг йўналишини чап қўл қоидаси билан (205- расм) топамиз. Куч катталигини Ампер формуласи билан аниқлаймиз: $F = BIl \sin \alpha$.

а) $\sin 90^\circ = 1$ бўлганда $F_a = BIl$ бўлади, ҳисоблаб $F_a \approx 2,6 \text{ н}$ эканини топамиз.

203- расм.



204- расм.

6) $F_b = BI \sin \alpha$. Бу формулага B, I ва l нинг сон қийматларини қўйиб ва $\sin 30^\circ = \frac{1}{2}$ эканини ҳисобга олиб, $F_b \approx 1,3$ н эканини топамиз.


✓ 700. Ҳавода ўзидаи $I = 20$ а ток ўтаётган түғри ўтказгичдан $r = 0,1$ м масофада магнит майдони индукцияси намага тенг бўлишини аниқланг.

Ечилиши. Ҳаво учун тахминац $\mu_r = 1$ деб оламиз. В вектор йўналишини парма қоидаси (206- расм) билан аниқлаймиз.


Индукция катталигини $B = \mu_0 \mu_r \cdot \frac{I}{2\pi r}$ формуладан топамиз. Бу формулага $\mu_0 = 12,6 \cdot 10^{-7} \frac{\text{Н} \cdot \text{сек}}{\text{а} \cdot \text{м}}$ (ёки $\text{n} / \text{а}^2$), $\mu_r = 1$, $I = 20$ а ва $r = 0,1$ м қийматларни қўйиб, $B \approx 4 \cdot 10^{-5} \frac{\text{Н}}{\text{а} \cdot \text{м}}$ (мл) эканини топамиз.

Агар μ_0 ни $\frac{\text{Н}}{\text{а}^2}$ ҳисобида ўлчасак, бирликлар устида бажариладиган амаллардан $\frac{\text{Н} \cdot \text{а}}{\text{а}^2 \cdot \text{м}} = \frac{\text{Н}}{\text{а} \cdot \text{м}}$ бўлади; μ_0 ни $\frac{\text{в} \cdot \text{сек}}{\text{а} \cdot \text{м}}$ ҳисобида ўлчасак, $\frac{\text{в} \cdot \text{сек} \cdot \text{а}}{\text{а} \cdot \text{м} \cdot \text{м}} = \frac{\text{ж}}{\text{а} \cdot \text{м}^2} = \frac{\text{Н} \cdot \text{м}}{\text{а} \cdot \text{м}^2} = \frac{\text{Н}}{\text{а} \cdot \text{м}}$ ҳосил бўлади.

701. Агар ўтказгичлардаги ток $I = 100$ а, улар орасидаги масофа $r = 2$ м бўлса, икки симли электр узатиш линиясининг ҳар бир метрига



206- расм.



207- расм.

түгри келадиган ўзаро таъсир кучини (F ни) топинг.

Е чилиши. Электр узатиш линияси ҳавода бўлади, демак, $\mu_r \approx 1$. Параллел токларниг ўзаро таъсир кучи $F_{12} = \mu_0 \mu_r \frac{I_1 I_2}{2\pi r}$.

Бироқ токлар қарама-қарши томонга йўналган. Симлардан бирига оид B инг йўналишини худди 700 масаладаги каби парма қоидаси билан аниқлаймиз. F инг йўналишини чап қўл қоидаси билан аниқлаймиз. Бундай токларниг ўзаро таъсири, 207-расмда кўрсатилгандек, уларнинг бир-биридац итарилишига олиб келади.

Кучнинг катталиги $F_{12} \approx 1 \cdot 10^{-3}$ Н.

Агар μ_0 ни $\frac{H}{A^2}$ ҳисобида ўлчасак, бирликлар устида бажариладиган амаллар $\frac{H \cdot A^2 \cdot M}{A^2 \cdot M} = H$ бўлади, агар μ_0 ни $\frac{B \cdot \text{сек}}{A \cdot M}$ ҳисобида ўлчасак, $\frac{B \cdot \text{сек} \cdot A^2 \cdot M}{A \cdot M \cdot M} = \frac{A \cdot B \cdot \text{сек}}{M} = \frac{Jc}{M} = \frac{H \cdot M}{M} = H$ бўлади.

702. Ўрамининг кўндаланг кесим юзи $S = 200 \text{ см}^2$, узунлиги $L = 40 \text{ см}$ бўлган ғалтакда $n = 4000$ ўрам бор. Агар ғалтакдаги ток $I = 0,5 \text{ а}$ бўлса, унинг магнит майдони индукцияси нимага тенг бўлади? Ғалтакнинг ўзаги бўлмаган ва ғалтакка $\mu_r = 5500$ бўлган пўлат стержень киритилган ҳолларни кўриб чиқинг. Бу ҳолларда магнит оқими қаидай бўлади?

Е чилиши. Ғалтак ичида магнит майдони ғалтакнинг ўки бўйича йўналади. Бу майдоннинг B вектори йўналиши парма қоидаси билан аниқланади (агар парма дастаси ғалтак ўрамларидаги ток йўналишида айлантирилса, парманинг илгарилама ҳаракати B инг йўналишини кўрсатади).

Ғалтак ичида майдонни маълум аниқликда бир жинсли майдон деб ҳисоблаш мумкин.

Магнит майдони индукциясининг катталиги $B = \mu_0 \mu_r N$ формула билан аниқланади, бунда N – ғалтакнинг узунлик бирлигига түгри келган ўрамлари сони ($N = \frac{n}{L}$). Индукция векторининг оқими (Φ магнит оқими) эса $\Phi = B \cdot S \cos \alpha$ формула билан аниқланади. Бунда $\alpha = 0$ ва $\cos \alpha = 1$. Шунинг учун магнит оқимининг ифодаси соддалашади: $\Phi = B \cdot S$.

Ғалтакда магнит ўзаги бўлмаган биринчи ҳолда B ва Φ инг юқорида кўрсатилган формулаларига қўйилдаги сон қийматларни кўйиш керак: $\mu_0 = 12,6 \cdot 10^{-7} \text{ Н/а}^2$, $\mu_r \approx 1$, $N = \frac{n}{L} = \frac{4000}{0,4 \text{ м}} = 10000 \frac{1}{\text{м}}$, $I = 0,5 \text{ а}$ ва $S = 0,2 \text{ м}^2$.

Ҳисоблаб $B_i \approx 6,3 \cdot 10^{-3} \text{ тл}$, $\Phi_i \approx 12,6 \cdot 10^{-5} \text{ вб}$ эканини топамиз. Бирликлар устида амаллар бажаринида $1 \text{ тл} = \frac{\text{вб}}{\text{м}^2}$ эканини ҳисобга олиш лозим.

Фалтакка нисбий магнит сингдирувчанлиги $\mu_r = 5500$ бўлган ўзак киритилганда B индукция ва Φ магнит оқими биринчи ҳолдагига қараганда 5500 марта ортади. Фалтакда магнит ўзаги бўлганда $B_0 \approx 34,6 \text{ тл}$ ва $\Phi \approx 0,7 \text{ вв}$ бўлади.

703. Пўлат фўлада магнит индукцияси $B = 0,75 \text{ тл}$. Токлар ҳосил қилган магнит майдонининг кучланганлиги $H = 1500 \text{ а.м.}$ Пўлатнинг магнит сингдирувчанлигини аниқланг.

Ечилиши. $B = \mu_0 \mu_r H$. Нисбий магнит сингдирувчанлик $\mu_r = \frac{B}{\mu_0 H} \approx 4 \cdot 10^2$. Ўлчов бирликлари устида амаллар бажариб, μ_r нинг исмсиз миқдор эканлигига осонгина ишонч ҳосил қилиш мумкин. B нинг ўлчов бирлиги n/a.m. , H ники a/m , μ_0 ники $\frac{\text{n} \cdot \text{a}^2 \cdot \text{м}}{\text{а.м.н.а}}$ эканини ҳисобга оламиз. У ҳолда μ_r нинг ўлчов бирлиги $\frac{\text{n} \cdot \text{a}^2 \cdot \text{м}}{\text{а.м.н.а}}$ нисбатга, яъни 1 га тенг бўлади.

704. Электрон вакуумда индукцияси $B = 2 \text{ тл}$ бўлган бир жинсли магнит майдонига индукция чизиқларига перпендикуляр йўналишда $v = 10^5 \text{ м/сек}$ тезлик билан учиди киради. Электронга таъсир этувчи кучни ҳисоблаб топинг.

Ечилиши. Заряди e бўлган электронга таъсир этувчи Лоренц кучини $F_d = evB \sin \alpha$ формула билан аниқлаймиз. Масаланинг шартига кўра, $\alpha = 90^\circ$ ва $\sin \alpha = 1$. F_d нийг йўналишини чап кўл қондаси билан аниқлаймиз. Элекtron заряди манфий бўлгани учун чап қўлини ёйилган тўрт панжа электрон ҳаракати йўналишига қарши бўладиган қилиб тутиш керак. $e = 1,6 \cdot 10^{-19} \text{ к}, B = 2 \text{ тл} (\text{n/a.m.})$ ва $v = 10^5 \text{ м/сек}$ ларни ўрнига қўйиб, $F_d = 3,2 \cdot 10^{-14} \text{ н}$ эканини топамиз.


Бирликлар устидаги амаллар: $\frac{\text{к.н.м}}{\text{сек.а.м}} = \frac{\text{а.сек.н.м}}{\text{сек.а.м}} = \text{н.}$

705. 208-расмда B индукциясининг фалтак ичига пўлат ва чўян ўзаклар қўйилган ҳолда фалтакнинг ампер-ўрамлар сонига боғланиш графиги кўрсатилган.


Ечилиши. Галтакда кучланганлик $H = NI$. Шундай қилиб, B нинг NI ампер-ўрамлар сонига боғланиш графиги аслида B нинг H га боғланиш графигидир. $\mu = \mu_0 \mu_r = \frac{B}{H}$. H нинг бирор қийматини ва B нинг пўлат ва чўянига онд унга мос қийматларини олиб, пўлатнинг μ си чўяннинг μ сидан катта экан деган холосага келамиз.

706. Ферромагнетик учун B индукциясининг H кучланганликка боғланиш графигига қараб μ нинг H га боғланиш графигини чизинг.

Ечилиши. Агар $\mu = \text{const}$ бўлганда эди, у ҳолда B нинг H га ($B = \mu H$) боғланиш графиги тўғри чизиқ бўлар эди. 208-расмдан кўринишича, B нинг H га боғланиши чизиқли боғланиш эмас. Демак, $\mu \neq \text{const}$. μ нинг ўзгариш характеристини аниқлаймиз. Бошлиб H нинг ортиши билан B анча тез ортади. Магнит сингдирувчанлик бу соҳада ортади. Бироқ бундан ке-



208- расм.



209- расм.

Йин B нинг ортиши камаядиган соҳа келади ва бу соҳада B нинг графиги деярли H ўққа параллел кетади. Бу соҳада B ни тахминан $B = \text{const}$ деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ H нинг ортиб боришида B ўзгармас бўлиши учун μ камаядиган бўлиши керак ($B = \mu H$). μ нинг H га боғланишининг умумий характеристи аниқ: бошлиб μ ортади, максимумга эришади, сўнгра камайиб боради (209- расм).

μ нинг H га боғланиш графигини аниқроқ чизиш учун B нинг H га боғланиш графигида (208- расм) H нинг баъзи қийматларини олиб, B нинг уларга мувофиқ келувчи қийматларини топиш, ундан сўнг $\mu = \frac{B}{H}$ нисбатини ҳисоблаб топиш керак. μ ва H ўқларида H нинг танлаб олинган қийматларига ва μ нинг ҳисоблаб топилган қийматларига мос келувчи нуқталар ясаш керак бўлади. Агар бу нуқталар силлиқ эгри чизик билан туташтирилса график ҳосил бўлади.

707*. Потенциаллар фарқи 1000 eV бўлган электр майдонида ҳаракатланиши натижасида тезлик олган электрон вакуумда индукцияси $B = 0,2 \text{ Tl}$ бўлган бир жинсли магнит майдонига индукция чизиқларига перпендикуляр ҳолда учиди киради. Электрон ҳаракатланадиган айлананинг радиусини аниқланг.

Ечилиши. Магнит майдонида v тезлик билан ҳаракатланивчи электронга $F_a = evB \sin \alpha$ Лоренц кучи таъсир қилади. $\alpha = 90^\circ$ бўлгандага $\sin \alpha = 1$. F_a куч v га тик йўналгани учун F_a куч марказга иктилма куч бўлади. Цемак, электрон радиуси R бўлган айланана бўйлаб ҳаракатланади, $F_a = \frac{mv^2}{R}$ бўлади. Электр майдонида электрон тезлигини 0 дан бошлиб v гача ортирганда v тезликка эришади. v тезликнинг охирги қийматини энергиянинг сақланиш қонунидан топамиз, бунда электроннинг бошланғич тезлиги нолга тенг деб ҳисоблаймиз. Энергиянинг сақланиш қонунига му-

вофиқ, электрон кинетик энергиясининг $\frac{mv^2}{2}$ ўзгаришини электр майдони кучларининг бажарган eU ишига тенглаштирамиз.

$\frac{mv^2}{2} = eU$ тенгламадан $v = \sqrt{2 \frac{e}{m} \cdot U}$ ни аниқлаймиз. Бундан ташкари, $\frac{mv^2}{R} = evB$ деб ҳам ёза оламиз. Бу тенгламага v нинг $v = \sqrt{2 \frac{e}{m} \cdot U}$ қийматини қўйиб, уни R га нисбатан ечиб, $R = \frac{1}{B} \sqrt{2 \frac{m}{e} \cdot U}$ эканини топамиз. $m = 9,1 \cdot 10^{-31}$ кг, $e = 1,6 \cdot 10^{-19}$ к эканлиги маълум. Ҳисоблаб $R \approx 5 \cdot 10^{-4}$ м эканини топамиз.

2. Электромагнитик индукция

VII синфда электромагнитик индукция ҳодисаси ҳақида бошланғич маълумотлар берилади, лекин уларнинг барчаси сифат томондан қаралади. IX синфда бу ҳодиса миқдор жиҳатидан ўрганилади: индукция э. ю. к. нинг магнит оқими ўзгаришининг тезлигига боғланиши ўрганилади, магнит майдонида ҳаракатланадиган тўғри ўтказгичда ҳосил бўладиган индукцион э. ю. к. магнит оқими ҳисобланади ва ҳоказо. Бунда юқорида кўрсатиб ўтилган боғланишларга оид масалалар ечилиши табиийdir. Бироқ бу масалалар – бирор формулалар билан ифодаланган боғланишларнинг физик маъносиши ўқувчиларга тушунишга ёрдам берувчи соддагина масалалардир.

Агар VII синфда ўқувчилар индукцион ток йўналишини аниқлаш учун фақат ўнг қўл қоидасини ишлатган бўлсалар, IX синфда эса улар Ленц қоидаси билан ишлашини ҳам ўрганишлари керак.

Бундан олдинги мавзудаги сингари, бунда ҳам физик катталикларнинг ўлчов бирликлари устида бажариладиган амалларга катта эътибор бериш керак.

Бирор контур билан чегараланган сирт орқали ўтувчи магнит оқими ўзгартырилганда бу контурда E индукция электр юритувчи кучи ҳосил бўлади, ёпиқ контурда эса, индукцион ток ҳосил бўлади. Индукцион э. ю. к. катталиги $E = -\frac{\Delta \Phi}{\Delta t}$ формуладан топилади, бунда $\Delta \Phi$ – магнит оқимининг ўзгариши, Δt – бу ўзгаришга кетган вақт оралиги. Формуладаги минус ишора математик жиҳатдан индукцион ток йўналишини ҳисобга олади. Формулага сонларни қўйиб ҳисоблашда ундаги минус ишора одатда тушириб қолдирилади.

Н ўрамдай иборат бўлган ғалтакдаги индукцион э. ю. к. $E = -n \frac{\Delta \Phi}{\Delta t}$ бўлади. Φ магнит оқими вебер ҳисобида, E

электромагнитик индукция э. ю. к. эса вольт ҳисобида ўлчанади.

Ф магнит оқими B магнит индукцияси ўзгариши натижасида ҳам, контуринг S юзи ва B вектор билан S юзага ўтказилган нормал орасидаги α бурчак ўзгариши натижасида ҳам ўзгариши мумкин. Оқим $\Phi = BS \cos \alpha$ формула билан ифодаланади.

S юз ва B индукция ўзгармас бўлиб, α бурчак ўзгарганида Φ оқим ўзгарамади.

Масала ишлашдаги асосий қийинчилик магнит оқими ўзгаришици аниқлашдан, унинг ўзгариш сабабини билишдан, магнит оқими ўрганилаётган контурни аниқлашдан иборат. Буларнинг барчаси конкрет масалалар ишланганда тушунтириб берилади.

Ўзгармас B индукцияли магнит майдонида v тезлик билан текис ҳаракатланувчи l узунликдаги тўғри ўтказгичда ҳосил бўладиган индукцион э. ю. к. ни ҳисоблашга оид масалалар ҳам ишлашади (210- расм). Бунда магнит оқимининг ўзгариши сифатида $S = lv\Delta t$ юздан ўтувчи оқим олилади. Оқим $\Phi = -BS \cdot \cos \alpha = Blv \cdot \Delta t \cos \alpha$, лекин $E = -\frac{\Delta \Phi}{\Delta t} = -Blv \cos \alpha$, бунда α бурчак B вектор билан S юзга ўтказилган нормал орасидаги бурчак. Шунингдек, \bar{B} ва \bar{v} векторлар орасидаги β бурчакдан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу ҳолда формула $E = -Blv \sin \beta$ кўринишини олади.

Баъзи масалаларда индукцион ток йўналишини ўнг қўл қоидаси билан аниқлаш мумкин. Йенц қоидаси умумийроқ бўлиб, унинг мазмуни қўйидагича: индукцион ток шундай йўналадики, унинг магнит майдони бу токни юзага келтирувчи магнит оқимининг ўзгаришига тўсқинлик қиласди. Унг қўл қоидасини қўллаш қийин бўлган ҳолларда Лени қоидасидан фойдаланилади.

Контурдаги ток ўзгаририлганда бу контур билан боғлиқ бўлган магнит оқими ўзгарамади ва ўзиндукуция э. ю. к. ҳосил бўлади. Ўрамларидан I ток ўтаётган галтакни кесиб ўтаётган Φ магнит оқими $\Phi = ES$ формула билан аниқланади, бунда L — галтакнинг ўрамлари сонига, шаклига, ўлчамларига, шунингдек унинг ичидаги муҳитга боғлиқ бўлган ўзиндукуция коэффициентидир.

Агар галтакнинг контури ва ундан мухит ўзгармасдан, фақатгина ток ўзгарса, у ҳолда галтакдаги ўзиндукуция э. ю. к. $E_L = -\frac{\Delta \Phi}{\Delta t} = -L \frac{\Delta I}{\Delta t}$ бўлади, бунда ΔI — ток ўзгариши, Δt — бу ўзгаришига кетган вақт оралиги. Мактабда фақат бу формула қўлланилади ва $L = \text{const}$ бўлган ҳолга оид миқдорий масалалар ишланмайди. Ўзиндукуция э. ю. к. вольт ҳисобида, L ўзиндукуция коэффициенти генри $\left(\frac{\text{в. сек}}{\text{а}} \right)$ ҳисобида ўлчанади.

Үзидан I ток ўтаётган δ индуктивлик фалтагининг магнит майдони энергияси исботсиз берилиши мумкин бўлган $W = \frac{LI^2}{2}$ формула билан аниқланади.

Аввало сифатга оид масалалар ечиш керак, буларда ўиг қўл ва Ленц қоидаларини қўллаш юзасидан малака оширилади.


708. Магнит майдонининг индукция чизиқларига перпендикуляр йўналишида (к. 210- расм) ва индукция чизиги бўйлаб ҳаракатланганда ab тўғри ўтказгичдаги индукцион токнинг йўналишини ва э. ю. к. катталигини аниқланг.

Ечилиши. Биринчи ҳолда ўиг қўл қоидасига асоссан, индукцион ток a дан b га йўналган бўлиб, энг катта қийматга эга, чунки $E = -Blv \sin \beta$, $\beta = \frac{\pi}{2}$, яъни $\sin \beta = 1$. Занжир уланганда ток ҳосил бўлади. Иккинчи ҳолда $\beta = 0$, $\sin \beta = 0$ ва $E = 0$. Бунда индукцион ток бўлмайди.


709 (э). Гальванометрга уланган фалтакка 211- расмда кўрсатилгандек қилиб доимий магнит яқинлаштириллади. Фалтакда ҳосил бўлган индукцион ток йўналишини аниқланг. Жавобини тажрибада текшириб кўринг.

Ечилиши. Ленц қоидасига мувофиқ, фалтакдаги индукцион ток шундай йўналади, унинг магнит майдони магнитни яқинлаштиришга тўсқинлик қиласди. Демак, фалтакнинг юқориги учида шимолий магнит қутби ҳосил бўлиши керак. Фалтакка остидан қаралганда фалтак ўрамларида ток соат стрелкаси бўйича йўналишини парма қоидасидан фойдаланиб аниқлаймиз. Жавобнинг тўғрилигига гальванометрнинг кўрсатишига қараб ишонч ҳосил қиласмиш. Ток a дан b га томон ўтганда бу гальванометр стрелкасининг қаёқса қараб оғиши олдин ашиқлаб қўйилган.


710. Агар ab ўтказтичли занжир берк бўлса (212- расм),




211- расм.



212- расм.



210- расм.



213- расм.

cd ўтказгичдаги ток қандай йўналишга эга бўлади? Занжир узилса-чи? Агар *ab* ўтказгичдаги ток ортирилса-чи? Камайтирилса-чи?

Ечилиши. *ab* ўтказгичли занжир берк бўланганда *a* дан *b* га йўналган ток ҳосил бўлади ва ўтказгич атрофида магнит майдони ҳосил бўлади. Ленц қоидасига асосан, қўшни ўтказгичда индукция вектори тескари йўналган магнит майдони ҳосил бўлиши учун ток *d* дан *c* га томон ўтиши керак. *ab* ўтказгичли

занжирда токни оширган ҳолда ҳам худди шундай бўлади. *ab* ўтказгичли занжир узилганда ёки ундан ўтувчи ток камайтирилганда *cd* ўтказгичда *c* дан *d* га йўналган индукцион ток ҳосил бўлади.

711. Тўғри бурчакли *ABCD* сим рамка (213- расм) доимий магнитнинг қутблари орасида вертикал ҳолда пастга ҳаракатланади. Рамка ҳаракатланиб, *a*, *b*, *c*, *d* ва *g* ҳолатларни эгаллаганда унда ҳосил бўладиган индукцион токнинг йўналишини аниқланг.

Ечилиши. Магнитнинг қутблари орасидаги магнит майдонини бир жинсли майдон ($B = \text{const}$) деб ҳисоблаймиз. Агар Ернинг магнит майдони ҳисобга олинмаса, магнит қутблари орасидаги жойдан ташқарида $B = 0$ бўлади. Юзи $S = \text{const}$ бўлган рамканинг *a* ва *d* ҳолатида рамкада индукцион ток йўқ, чунки $B = 0$. *B* ҳолатда ҳам ток йўқ, чунки $\Phi = BS = \text{const}$, $\Delta\Phi = 0$. Φ магнит оқими ўзгаришидагина, яъни рамка магнит майдонига кирганда ва ундан чиққанда (*b* ва *c* ҳолатлар) индукцион ток ҳосил бўлади.

b ҳолатнинг яқинида рамка контуруни кесиб ўтувчи магнит оқими ортиб боради, шунинг учун рамкада ҳосил бўлган ток *A* дан *B* га ва *C* дан *D* га қараб оқиши керак. Бунда рамкадаги индукцион ток ҳосил қилган магнит оқими рамка орқали ўтувчи асосий магнит оқимининг ортишига тўсқинлик қиласи. Бундай холосага ўнг қўл қоидасини қўллаш орқали ҳам эришиш мумкин эди, у ҳолда бу қоидани магнит қутблари орасига ҳали кирмаган *AB* ўтказгичга эмас, балки *DC* ўтказгичга қўллаш керак.

c ҳолат яқинида ток контурда *B* дан *A* га ва *D* дан *C* га қараб оқишини шу йўл билан топамиз.

712. Узуилиги $l = 0,5 \text{ м}$ бўлган тўғри ўтказгич магнит майдонида B индукция векторига $\beta = 30^\circ$ бурчак остида $v = 6 \text{ м/сек}$ тезлик билан ҳаракатланади. Агар ўтказгичда $E = 3 \text{ в}$ электромагнитик индукция э. ю. к. ҳосил бўлса, магнит майдонининг индукцияси цимага тенг бўлади?

Ечилиши. $E = -Bv \sin \beta$. Ҳисоблашда минус ишорани тушириб қолдириши мумкин. Изланайтган кат-

$$\text{талик } B = \frac{E}{lv \sin \beta}, \text{ яъни } B = \frac{3 \text{ в}}{0,5 \cdot 6 \frac{\text{м}}{\text{сек}} \cdot \frac{1}{2}} = 2 \frac{\text{в.сек}}{\text{м}^2} (\text{тл}).$$

713. Томоци $a = 10 \text{ см}$ бўлган квадрат рамка индукцияси $B = 0,1 \text{ тл}$ бўлган бир жиссли магнит майдонида қарама-қарши томонларининг ўртасидан ўтувчи ўқ атрофида 60 сек^{-1} бурчак тезлик билан айланади. Агар B вектор рамка ўқига перпендикуляр бўлса, рамкадаги индукция э. ю. к. нинг максимал қиймати қандай бўлади (214- расм.)

Ечилиши. 1- усул. Рамкани кесиб ўтувчи магнит оқими $\Phi = BS \cos \alpha$ формула билан аниқланади. Бир текис айлантирилганда рамканинг бурилиш бурчаги $\alpha = \omega t$. Кичик Δt вақт оралиғида рамка $\Delta \alpha = \omega \Delta t$ бурчакка бурилади.

$$E = -\frac{\Delta \Phi}{\Delta t} \text{ ва } \Delta \Phi = \Phi_1 - \Phi_2,$$

бунда Φ_1 оқим $-t_1 = t$ пайтдаги оқим, Φ_2 эса $t_2 = t + \Delta t$ пайтдаги оқим.


Бироқ $\Phi_1 = BS \cos \alpha = BS \cos \omega t$ ва $\Phi_2 = BS \cdot \cos(\alpha + \Delta \alpha) = BS \cdot \cos \omega(t + \Delta t)$; У ҳолда

$$E = -\frac{\Phi_1 - \Phi_2}{\Delta t} = -\frac{BS \cdot \cos \omega t - BS \cos \omega(t + \Delta t)}{\Delta t} = \\ = \frac{BS [\cos \omega t - \cos \omega(t + \Delta t)]}{\Delta t}.$$

$\cos \omega t - \cos \omega(t + \Delta t)$ айирманн $2 \sin \omega \left(t + \frac{\Delta t}{2} \right) \cdot \sin \frac{\omega \Delta t}{2}$ кўпайтмага айлантирамиз. Жуда кичик бурчаклар учун $\sin \omega \frac{\Delta t}{2} \approx \omega \frac{\Delta t}{2}$; $\Delta t \rightarrow 0$ ҳол учун эса $\sin \omega \left(t + \frac{\Delta t}{2} \right) \approx \sin \omega t$. Ниҳоят,

$$E = -\frac{2BS \omega \Delta t \sin \omega t}{2\Delta t} = -BS \omega \sin \omega t.$$

Аслида бу ерда элементар йўл билан дифференциаллаш амали бажарилган. Агар масалани тригонометрик функциялардан ҳосила олишга таниш бўлган ўқувчилар счадиган бўлса, у ҳолда тўғридан-тўғри



214- расм.

$$\Phi = BS \cos \omega t \text{ ва } E = -\frac{d\Phi}{dt} = -BS \omega \sin \omega t$$

деб ёзиш керак, $\sin \omega t = 1$ бўлганда E максимал бўлади, яъни $E_{\max} = -BS\omega$.

$E_{\max} = 0,1 \text{ тл} \cdot 0,01 \text{ м}^2 \cdot 60 \frac{1}{\text{сек}} = 0,06$ в эканини осон ҳисоблааб топиш мумкин.

Бирликлар устида амаллар бажаришда

$$1 \text{ тл} = 1 \frac{\text{в.сек}}{\text{м}^2}$$


эканини ҳисобга олиш керак.

$\alpha = \omega t = 0, \pi, 2\pi, \dots$ бўлганда, яъни $\alpha = 2n \frac{\pi}{2}$ бўлганда $E = 0$ бўлади.

$\alpha = \frac{\pi}{2}, \frac{3}{2}\pi, \frac{5}{2}\pi \dots$ бўлганда, яъни $\alpha = (2n + 1) \frac{\pi}{2}$ бўлганда $E = E_{\max}$ бўлади. $\alpha = 2n \frac{\pi}{2}$ бўлганда Φ оқимнинг қиймати максимум бўлади, $\alpha = (2n + 1) \frac{\pi}{2}$ бўлганда эса нолга теңг бўлади.

2- усул. Рамка айлантирилганда э. ю. к. фақаттинга AB ва CD томонларда ҳосил бўлади. Рамканинг бу томонларида ҳосил бўлаётган э. ю. к. ларнинг бир-бира билан қўшилиши муҳим ҳисобланади. $E = Blv \sin \beta$ экани маълум. Бу ҳолда $l = 2a$, $v = \omega \frac{a}{2}$, $\beta = \omega t$. Натижада

$$E = 2aB \omega \frac{a}{2} \sin \omega t = Ba^2 \omega \sin \omega t = B \cdot S \cdot \sin \omega t,$$




215- расм.

чунки

$$S = a^2.$$

3- усул. 215-расмда айланувчи рамка ён томондан кўрсатилган. $E = 2E_1$, бунида E_1 — рамканинг $l-a$ узунлиқдаги томонида ҳосил бўлган э. ю. к.; E_1 ни v_{\perp} орқали ифодалаймиз, $v_{\perp} = v_0 \cdot \sin \omega t$, $v_0 = \omega r$, бунда $r = \frac{a}{2}$. Шунинг учун $E_1 = Blv_{\perp} = Bl \omega r \sin \omega t$. $E = 2E_1 = 2 B \omega lr \sin \omega t = B \omega S \sin \omega t$, чунки $2lr = S = 2lr = 2a \cdot \frac{a}{2} = a^2$ эканини текшириб кўриш осон.

714. Схемаси 216-расмда тасвирланган занжир уланган ва узилганида ундаги ток қандай ўзгаради?



216- расм.

Ечилиши. Агар занжирда индуктивлик бўлмагандага эди, ток ўзининг максимал $I = \frac{E}{R+r}$ қийматигача ортиб бориб, бир онда нолгача камайган бўлар эди. Ҳақиқатда эса ток максимумга t_1 вақт давомида (217- расм) астасекин эришади ва аста-секин камайиб бориб, t_2 дан t_3 гача бўлган вақт оралигида нолгача камаяди. Бундай бўлишига ғалтакда $E_L = -\frac{L\Delta I}{\Delta t}$ ўзиндукуция э. ю. к.

нинг ҳосил бўлиши сабаб бўлади. Натижада ток манбанинг э. ю. к. гагина эмас, балки индукция э. ю. к. га ҳам боғлиқ бўлади. E_L ҳосил қилган индукцион ток занжир уланганда маиба ҳосил қилган токка қарама-қарши, занжир узилганда эса маиба ҳосил қилган ток билан бир хил йўналишда бўлади.

715. Агар занжирдаги ток 0,1 сек давомида 5 а дан 10 а гача аста-секин ўзгартирилганда 20 в га тенг ўзиндукуция э. ю. к. ҳосил бўлган бўлса, ғалтакнинг индуктивлиги қандай бўлган?

Ечилиши. Ўзиндукуция э. ю. к. $E = -\frac{L\Delta I}{\Delta t}$. Масалани ечишда минус ишорани ҳисобга олмаса ҳам бўлади. $L = \frac{E\Delta t}{\Delta I}$. Масаланинг шартида берилган сон қийматларни ўрнига қўйиб, $L = \frac{20 \text{ в} \cdot 0,1 \text{ сек}}{5 \text{ а}} = 0,4 \frac{\text{в} \cdot \text{сек}}{\text{а}}$ (гн) экасини тоғамиз.

716. Индуктивлиги $L = 0,5 \text{ гн}$ бўлган ғалтакдан $I = 2a$ ток ўтганда ҳосил бўлган магнит майдони энергиясини ҳисоблаш томонинг.

Ечилиши. Токли ғалтакнинг магнит майдони энергияси

$$W = \frac{LI^2}{2}, \text{ яъни } W = \frac{0,5 \text{ гн} \cdot 4a^2}{2} = 1 \text{ ж.}$$


Бирликлар устида бажариладиган амаллар:

$$1 \text{ гн} \cdot a^2 = 1 \text{ ом} \cdot \text{сек} \cdot a^2 = 1 \frac{\text{в} \cdot \text{сек} \cdot a^2}{a} = 1 \text{ а} \cdot \text{в} \cdot \text{сек} = 1 \text{ ж.}$$

29- Б О Б

ЭЛЕКТРОНИКА АСОСЛАРИ

Бу бобда вакуумда бўладиган электрон ҳодисалар, электролит ва газларда ток, шунингдек, ярим ўтказгичларнинг электр хоссалари ҳақидаги масалалар тўплланган. Газларда электр токи ва ярим ўтказгичларнинг электр хоссалари ўрта мактабда сифат томонидан ўрганилади. Бу соҳа юзасидан фақатгина сифатга оид масалалар ечилиши табиийдир. Электролиз ва заряд-



217- расм.

ли зарраларнинг вакуумдаги ҳаракатига оид ҳисоблаш масалалари ҳам ишланади. Электр ва магнит майдонларида зарядли зарраларнинг ҳаракатига оид масалалар ечиlgанда модий нүкта кинематикаси ва динамикаси қонуиларидан фойдаланилади.


1. Вакуумда электр токи

Тайинли бир металл учун электроннинг $A_{\text{чиқ}}$ чиқиш ишини билган ҳолда тезлигининг металдан электронлар чиқиб кетишини таъминловчи v_n нормал ташкил этувчisi қийматини аниqlаш мумкин. Бу ҳолда электроннинг кинетик энергияси $\frac{mv_n^2}{2} > A_{\text{чиқ}}$, бундан $v_n = \sqrt{\frac{2A_{\text{чиқ}}}{m}}$, бунда m — электроннинг масаси.


t вақт ичидагатоддан кетувчи q зарядни $q = ent$ формуладан топиш мумкин, n — бир секундда кетувчи электронлар сони, e — электрон заряди.

Бир жинсли электр майдонида электрон ҳаракатини умумий ҳолда қараб чиқамиз.

Электроннинг бошланғич тезлиги \vec{v}_0 бўлиб (218- расм), бу тезлик E кучланганлик билан α бурчак ҳосил қиласин, деб фараз қилайлик, \vec{v}_0 ни иккита ташкил этувчига ажратамиз: $\vec{v}_{0\perp} - \vec{E}$ га тик, $\vec{v}_{0\parallel} - \vec{E}$ билан бир хил йўналишда бўлсин. \vec{E} га тик бўлган тезлик ўзгармайди, яъни бу йўналишда электрон $\vec{v}_{0\perp}$ тезлик билан текис (инерцияси бўйича) ҳаракатланади. Электроннинг тезлиги \vec{E} йўналиш бўйича ўзгаради, чунки электрон $\vec{a} = \frac{\vec{F}}{m} = \frac{e\vec{E}}{m}$ тезланиш олади. Электроннинг тезлиги $\vec{v}_{\parallel} = \vec{v}_{0\parallel} + \vec{a}t = \vec{v}_{0\parallel} + \frac{e\vec{E}}{m}t$, бунда t — электроннинг электр



218- расм.



219- расм.

майдонида ҳаракатланиш вақти. Исталған пайтда электрон тезлигининг вектори $\vec{v} = \vec{v}_{0\perp} + \vec{v}_{\parallel}$ геометрик йиғиндини ифодалайди.


IX сиңфда асосан иккى ҳол қаралади.

а) Электроннинг бошланғич v_0 тезлиги \vec{E} күчләнгәнлик вектори бүйлаб йўналган, яъни $\alpha = 0$. У ҳолда электрон электр майдонининг күчләнгәнлик чизиқлари бүйлаб текис тезланувчан ҳаракат қиласди, унинг \vec{v} тезлиги ва $W = \frac{mv^2}{2}$ энергияси доимо ортиб боради. v_0 тезлик нолга тенг бўлиши ҳам мумкин.


б) Электроннинг бошланғич тезлиги \vec{E} векторига перпендикуляр, яъни $\alpha = \frac{\pi}{2}$. Бу ҳолда электрон мураккаб ҳаракат қиласди: v_0 йўналишда инерция бўйича текис ҳаракат ва \vec{E} йўналишда бошланғич тезликсиз текис тезланувчан ҳаракат қиласди. Бу ҳаракат траекторияси парабола бўлади (219- расм). Масалан, A нуқтада электрон v_0 ва v_E тезликларга эга. $\vec{v} = \vec{v}_0 + \vec{v}_E$ тезлик вектори траекторияга ўtkазилган уринма бўйича йўналган. $\vec{a} = \frac{\vec{F}}{m} = \frac{e\vec{E}}{m}$ тезланиш вектори \vec{E} вектор билан бир хил йўшалади.

Электроннинг ҳаракат вақти $t = \frac{s}{v_0}$, бунда s — электроннинг \vec{E} га перпендикуляр йўналишда босган йўли. Ўша t вақт ичida \vec{E} йўналишдаги кўчиш қўйидагига тенг:

$$d = \frac{at^2}{2} = \frac{eEs^2}{2mv_0^2},$$



220- расм.



221- расм.

Бу ҳолда электроннинг ҳаракати оғирлик кучи майдонида горизонтал ташланган жисмнинг ҳаракатига ўхшайди. Биз электроннинг оғирлик кучи таъсирини ҳисобга олмаганилигимизнинг ҳеч аҳамияти йўқлигини қайд қилиб ўтамиз, чунки одатда $tg \ll eE$ бўлади.

Магнит майдонида электрон ҳаракатланганда F_L Лоренц кучининг таъсирини ҳисобга олиш керак. Бир жинсли магнит майдонининг индукцияси \vec{B} бўлсин, электрон эса \vec{B} билан \pm бурчак ҳосил қилувчи \vec{v}_0 тезликка эга бўлсин (220- расм), деб фараз қиласлийлик. У ҳолда $F_L = eBv_0 \sin \alpha$ бўлиб, учиниг йўналиши чап қўл қоидаси билан аниқланади. Бунда электронлар оқимига эквивалент бўлган ток йўналиши электронлар ҳаракати йўналишига қарама-қарши эканлигини ҳисобга олиш керак.

Агар $\alpha = \frac{\pi}{2}$ бўлса, электрон айлана бўйлаб ҳаракатланади, чунки Лоренц кучи доимо \vec{v}_0 га перпендикуляр бўлиб, марказга интилма куч бўлади. Агар $0 < \alpha < \frac{\pi}{2}$ бўлса, электрон винт чизиги бўйлаб ҳаракатланади. Бу ҳаракатни \vec{B} га нормал бўлган текисликдаги айлана бўйлаб бўлаётган текис ҳаракатдан ва \vec{B} вектор йўналишида $\vec{v}_{0\parallel}$ тезлик билан бўлаётган текис ҳаракатдан иборат деб қараш мумкин.

Ўрта мактабда масала ечишда $\alpha = \frac{\pi}{2}$ бўлган ҳол, яъни электроннинг (ёки зарядли бошқа зарраиниг) айлана бўйлаб қиласлийликдаги ҳаракати билан чегараланиш мумкин. Бир вақтда таъсир этувчи электр ва магнит майдонларида зарраларнинг ҳаракати масалаларда кўрилмайди.

Бу темага оид масалаларни қўйидаги тартибда ишлаш мақсадга мувофиқ ҳисоблашади:

1) Термоэлектрон эмиссияси ҳодисаси. Электроннинг чиқиш иши. Диод.

2) $\vec{v}_0 = 0$ ёки $\vec{v}_0 \neq 0$ бўлиб, ҳаракат \vec{E} вектор йўналиши билан бир хил бўлган ҳолда бир жинсли электр майдонидаги зарраларнинг ҳаракати.

3) Электростатик усулда бошқариладиган электрон-нур трубкаси. \vec{E} га нормал бўлган \vec{v}_0 бошлангич тезликли зарядли зарраларнинг электр майдонида ҳаракати. Магнит усулида бошқариладиган электрон-нур трубкаси.

\vec{v}_0 тезлик \vec{E} ва \vec{B} векторлар билан бирор $\alpha \neq 0$ ёки $\frac{\pi}{2}$ бурчак ташкил қиласлийликдаги ҳаракати.

717. Вольфрам толадан электроннинг чиқиш иши $A_{\text{чиқ}} =$

— 4,5 әв. Катоддан учиб чиқаётган электроилар қандай минимал тезликка эга бўлиши керак?

Ечилиши. Катод сиртига нормал бўйлаб йўналган минимал тезликни v_n деб белгилаб, қўйидагини ёзамиз:

$$\frac{mv_n^2}{2} = A_{\text{чиқ}}; \quad v_n = \sqrt{\frac{2A_{\text{чиқ}}}{m}}$$

СИ системасида $1 \text{ эв} = 1,6 \cdot 10^{-19} \text{ жс}$, электроннинг массаси $m = 9,1 \cdot 10^{-31} \text{ кг}$.

Сон қўйматларни қўйиб, v_n ни топамиз:

$$v_n = \sqrt{\frac{2 \cdot 4 \cdot 5 \cdot 1,6 \cdot 10^{-19} \text{ жс}}{9,1 \cdot 10^{-31} \text{ кг}}} \approx 1,3 \cdot 10^6 \text{ м/сек.}$$

Бирликлар устида амаллар бажаришда $1 \text{ ж} = 1 \text{ н} \cdot 1 \text{ м}$, $1 \text{ н} = 1 \frac{\text{кг} \cdot \text{м}}{\text{сек}^2}$ эканини ҳисобга олиш керак.

718. Чўгланиш толасининг T_0 температураси ўзгармас бўлган ҳолда диоддаги I_a анод токининг анод билан катод ўртасидаги U_a кучланишга боғланиши 221- расмда туаш эгри чизиқ билан тасвирланган. Қўйидаги саволларга жавоб беринг: а) Бу ҳол учун Ом қонуни ўринилми? б) Нима учун U_a нинг бирор $U_a > U_t$ қўйматида график U_a ўққа параллел бўлади? в) Чўгланиш толасининг температураси юқорироқ (пастроқ) бўлганда диод характеристикаси қандай ўзгарили?

Ечилиши. а) I_a анод токининг U_a га боғланиши чизиқли эмас. Демак, бу ерда Ом қонуни ўринили эмас.

б) $U_a > U_t$ да ток тўйиниш ҳолатига эришади: $I_t = \text{const}$. Бунда катоддан ажралган барча электронлар электр майдони таъсири остида анодга етиб келади. Лампадаги ток катталиги катод эмиссияси туфайли чегараланган.

в) Катод температураси ўзгарганда электронларнинг эмиссияси ҳам ўзгарили. Катод температураси кўтарилганда ($T_1 > T_0$) электронлар эмиссияси ортади ва тўйиниш токи катташади. Катод температураси пасайтирилганда ($T_2 < T_0$) эмиссия ва тўйиниш токи камаяди. 221- расмда $T_1 > T_0$ ва $T_2 < T_0$ ҳоллар учун диод характеристикаси нункир чизиқлар билан тасвирланган.

719. Тўйиниш токи $I_t = 10 \text{ ма}$ бўлганда катод ўзидан ҳар секундда қанча электрон чиқарали?

Ечилиши. Ток кучи $I = \frac{q}{t}$, бунда q — катоддан t вақт ичида чиққан заряддир. Бу заряд $q = ent$, бунда e — электрон зариди, 1 секундда ажралиб чиққан электронлар сони n орқали ифодаланади.

У ҳолда тўйиниш токида бирлик вақт ичида катоддан чиққан барча электронлар шу вақт ичида анодга тушади. $I_t =$

$= \frac{q}{t} = \frac{ent}{t} = en$. Бундан изланаётган катталикни топамиз: $n = \frac{I_t}{e}$. Бунга I_t ва e нинг сон қийматини қўямиз:

$$n = \frac{10 \cdot 10^{-3} \alpha}{1,6 \cdot 10^{-19} \kappa} \approx 6,3 \cdot 10^{16} \frac{1}{\text{сек}}.$$

Ўқувчиларга масалада анод токининг бирор қийматини эмас, балки тўйиниш токи олиниши зарур эканлигини албатта тушунтириб ўтиш керак. Тўйиниш ҳолатида катоддан учеб чиқсан электронларнинг ҳаммаси анодга томон ҳаракатланади. Бошқа токда $I = en't$ бўлади, буида n' — бирлик вақт ичидаги чиқсан электронлар сони эмас, балки анодга 1 сек давомида тушган электронлар сонидир.


✓ 720. Агар электронларнинг катод яқинидаги тезлиги нолга тенг, катод билан анод орасидаги потенциаллар фарқи $\varphi_1 - \varphi_2 = U = 300$ в, улар орасидаги масофа $l = 1 \text{ см}$ бўлса, уларнинг анодга томон ҳаракатидаги тезланиши, ҳаракат вақти ва охирги (анод олдидағи) тезлиги нимагатенг бўлади? Электр майдонини бир жинсли майдон деб олинг.

Ечилиши. 1- усул. Электр майдони таъсирида электронлар $\vec{a} = \frac{\vec{F}}{m} = \frac{e\vec{E}}{m}$ тезланиш олади, электронларнинг анод олдидағи охирги тезлиги $v = \vec{a}t$. Ҳаракат вақти t ҳаракат тейғламасидац, яъни $t = \frac{at^2}{2} = \frac{eE}{2m} t^2$ тенгламадан топилади, бундан $t = \sqrt{\frac{2ml}{eE}}$.

$E = \frac{U}{e}$ эканини ҳисобга олиб, $t = \sqrt{\frac{2ml^2}{eU}} = l \sqrt{\frac{2m}{eU}}$ эканини топамиз. Ниҳоят, $a = \frac{eE}{m} = \frac{eU}{ml}$;

$$v = at = \frac{eU}{lm} \cdot l \cdot \sqrt{\frac{2m}{eU}} = \frac{eU}{m} \sqrt{\frac{2m}{eU}} = \sqrt{\frac{2eU}{m}}.$$

2- усул. Электронлар кинетик энергиясининг $\frac{mv^2}{2}$ ўзгариши электр майдонининг бажарган eU ишига тенг. $\frac{mv^2}{2} = eU$ тенгламадац охирги $v = \sqrt{\frac{2eU}{m}}$ тезликни топамиз. Электронлар текис тезланувчан ҳаракат қиласи, шунинг учун йўл $I = \frac{at^2}{2} = v_{yp} \cdot t = \frac{v}{2} t$ бўлади, чунки $v_0 = 0$ бўлганда $v_{yp} = \frac{v}{2}$



222- расм.

бүлди. Бундан $t = \frac{2l}{v} = \frac{2l}{\sqrt{\frac{2eU}{m}}} = l \sqrt{\frac{2m}{eU}}$. Тезланиш $a = \frac{v}{t} = \frac{eU}{lm}$. Ҳисоблаб изланатган миқдорларни толамиз:


$$v \approx 1,0 \cdot 10^7 \text{ м/сек}; t \approx 2 \cdot 10^{-9} \text{ сек} \text{ ва } a \approx 5 \cdot 10^{15} \text{ м/сек}^2.$$

721. 222- расмда уч электродли электрон лампанинг тўр характеристикиаси тасвирланган. Бу характеристикага қараб қуидагиларни аниқланг: а) триодни бекитувчи тўр кучланишинг катталиги; б) тўйиниш токининг катталиги; в) агар аноддаги кучланиши оширасак, триод характеристикиаси қандай ўзгари? Камайтирасак-чи?

Ечилиши. $U_{typ} = -8$ в бўлганда $I_a = 0$ бўлди. Бу кучланиш ламиани „бекитади“. Тўйиниш токи $I_T = 50$ ма.

Анод кучланиши ўзгартирилганда характеристика чапга ёки ўнгга силжийди. U_a кучланиш камайган бўлсин, деб фараз қиласайлик: $U_{a1} < U_{a0}$. $U_{typ} = 0$ бўлганда анод токи камаяди. Тўрдаги кучланиш $U_{typ} = -6$ в дан кам бўлганда I_a ток нолга тенг бўлиб қолади. Демак, характеристика ўнгга сурилади. $U_{a2} > U_{a0}$ бўлганда характеристика чапга сурилади (222- расмда бу характеристикалар пункттир билан тасвирланган). Тўйиниш токининг ўзгармаслигини қайд қилиб ўтиш муҳимdir, чунки тўйиниш токи катоднинг ўзгармайдиган эмиссиясига боғлиқ. Ўрта мактабда фақат статик характеристикалар ($U_a = \text{const}$) ўрганилади.

722. Агар электростатик усулда бошқариладиган электроннур трубкасида бошқарувчи пластинкаларга ишораси 223- расмда кўрсатилган кучланиш берилган бўлса, электронлар дас-



223- расм.

таси ўз ҳаракати йўналишини қандай ўзгартиради?

Ечилиши. Электр майдони таъсирида электронлар дастаси юқорига қараб оғишади (223- расмда бу ҳол пунктир билан кўрсатилган). Конденсатор ичидаги электронлар траекторияси

парабола бўлади, конденсатор пластинкаларидан ташқарида эса траектория тўғри чизик бўлади, чунки электронлар инерцияси бўйича ҳаракатланади.

✓ 723. Электроиларининг энергияси $W = 3000 \text{ эв}$ бўлган электронлар дастаси вакуумда зарядланмаган конденсатор пластинкаларига паралел ҳолда ҳаракатланади. Агар конденсаторга $U = 600 \text{ в}$ кучланиши берилса, электронлар дастасининг конденсатордан чиқишида вертикал бўйлаб силжиш катталиги h ни топинг. Конденсатор пластинкаларининг узунлиги $l = 6 \text{ см}$, улар орасидаги масофа $d = 3 \text{ см}$.

Ечилиши. 224- расмда электронларнинг зарядланмаган (а) ва зарядланган (б) конденсатордаги ҳаракат траекторияси тасвиirlанган. Электроиларнинг инерцияси бўйича қиладиган ҳаракати тезлигининг v_r катталиги уларнинг энергияси орқали


$$\text{аниқланади: } W = \frac{mv_r^2}{2}; \quad v_r = \sqrt{\frac{2W}{m}}. \quad \text{Электроиларнинг}$$

конденсатор пластинкалари орасидаги ҳаракат вақти

$$t = \frac{l}{v_r} = \frac{l}{\sqrt{\frac{2W}{m}}} = \frac{lm}{W} \cdot \sqrt{\frac{m}{2W}}.$$

Одатда $mg \ll eE$ бўлгани туфайли оғирлик кучини ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Вертикал бўйича электрон фақат электр майдони таъсирида силжишиди, деб ҳисоблаймиз. Электронга

$\vec{F} = e\vec{E}$ куч таъсир этади, электрон $\vec{a} = \frac{\vec{F}}{m} = \frac{e\vec{E}}{m}$ тезланиши олади. Бироқ майдон кучланганинг катталиги $E = -\frac{U}{d}$ га тенг, шунинг учун $a = \frac{eU}{md}$ бўлади. t вақт ичидаги электрон вертикал бўйича $h = \frac{at^2}{2} = \frac{eUl^2 \cdot m^2 W}{2mdW \cdot 2m} = \frac{eUl^2}{4dW}$ га силжишиди. Бу ифодага e , U , d ва W ларнинг сон қийматларини қўйиб, h ни топамиз:




224- расм.

$$h = \frac{1,6 \cdot 10^{-19} \text{ к} \cdot 600 \text{ в} \cdot 36 \cdot 10^{-4} \text{ м}^2}{4 \cdot 3 \cdot 10^3 \text{ м} \cdot 3000 \cdot 1,6 \cdot 10^{-19} \text{ ж}} \approx 6 \cdot 10^{-3} \text{ м}$$

(электронлар энергияси жоуллар билан ифодаланган; 1 эв = = $1,6 \cdot 10^{-19}$ ж). Бирликлар устида амаллар бажаришда 1 ж = = $1 \text{ в} \cdot 1 \text{ к}$ эканини ҳисобга олиш керак.

724. Агар электромагнит чулғамларидаги ток 225- а расмда күрсатылғандек йұналған бўлса, магнит бошқаришга эга бўлған электрон-нур трубкасида электронлар дастаси ҳаракат йўналишини қандай ўзгаратади?

Ечилиши. Электромагнит қутбларини парманынди билан аниқлаймиз. В индукция вектори ёки \vec{H} кучланағанлик вектори вертикаль пастга қараб йўналған. Электронга таъсир этувчи Лоренц кучининг йўналишини чап қўл қоидаси билан аниқлаймиз. Дастана горизонтал текисликда бизга томон силжийди. Трубка экранидан (225- б расм) сруғ нуқта чапга қараб силжийди.



225- расм.

2. Электролитларда электр токи

Электролит орқали ток ўтганда электродларда $m = kIt$ массали модда ажралади (Фарадейнинг биринчи қонуни), бунда I — ток кучи, t — токниң ўтиб туриш вақти, k — модданинг электрохимиявий эквиваленти деб аталған пропорционаллик коэффициенти.

Электролиз сабаби шундан иборатки, электролит электродлар орасидаги электр майдони таъсири остида ҳаракатланувчи ионларга диссоциацияланади ва ионлар бу электродларга ўтириб қолади.

Фарадейнинг биринчи қонунини ифодаловчи формулада I — электролитдаги тўлиқ ток бўлиб, у мусбат ва манфий ионлар ҳосил қилған токларниң йиғиндилигига тенг. Одатда бу ҳол ўқувчиларда маълум даражада қийинчилик туғдиради, чунки улар катодга томон мусбат ионлар ҳаракатланади ва шунинг учун фақатгина мусбат ионлар ҳосил қилған токка тенг бўлган токни олиш керак, деб ҳисоблайдилар.

Фарадейнинг иккинчи қонуни модданинг электрохимиявий (k) ва химиявий (x) эквивалентларининг пропорционал эканини, яъни $\frac{k}{x} = \text{const} = C$ эканини тасдиқлади. Бунда $C =$

$= \frac{1}{F}$, F — Фарадей сони бўлиб, у электролит орқали ўтганда ундан массаси сон жиҳатидаи химиявий эквивалентга тенг бўлган модда ажратиш учун керак бўлган зарядга тенгдир. Модданинг химиявий эквиваленти $x = \frac{A}{n}$, бунда A — атом оғирлигি, n — модданинг валентлиги.

Фарадейнинг бирлашган қонуни $m = C \frac{A}{n} It$ кўринишга эга.

Электролизга оид масалаларда асосан бу формулага кирувчи катталиклар аниқланади.

Электродларда модда ажралганда $E_{\text{кут}}$ қутбланиш э. ю. к юзага келади. Занжирда ток камаяди ва $I = \frac{U - E_{\text{кут}}}{R}$ га тенг бўлиб қолади, бунда U — электролитик ваннадаги электродлар орасидаги кучланиш, R — занжирининг қаршилиги. Ўрта мактабдаги кўпчилик масалаларда $E_{\text{кут}}$ ҳисобга олинмайди, чунки $U \gg E_{\text{кут}}$ бўлган ҳол текширилади.

Дастлаб машқ тариқасида 725,726- масалаларга ўхшаш масалалар, сўнгра мураккаброқ масалалар ишланади.

725. Буюмларга кумуш ялатишда 3 соат давомида катодда 4,55 г кумуш тўпланди. Электролиздаги ток кучини аниқланг.

Ечилиши. Электролизнинг биринчи қонунига асосан, $m = kIt$, бундан $I = \frac{m}{kt}$. $k_{\text{кум}} = 1,118 \cdot 10^{-6} \frac{\text{кг}}{\text{к}} \cdot \text{сек}$ эканини жадвалдан оламиз.

$$I = \frac{4,55 \cdot 10^{-3} \text{ кг}}{1,118 \cdot 10^{-6} \frac{\text{кг}}{\text{к}} \cdot 3 \cdot 3600 \text{ сек}} \approx 0,38 \text{ а.}$$

Барча металлар сингари, кумуш ҳам катодда йигилади, чунки металл ионлари мусбат ҳисобланади.

726. Электролизда $t = 1$ соат давомида $I = 10$ а ток ўтиб турса, қанча никель ажралади? Никелнинг атом оғирлиги $A = 58,71$, валентлиги $n = 2$.

Ечилиши. Никелнинг массасини Фарадейнинг бирлашган $m = C \frac{A}{n} It$ қонунидан аниқлаймиз: $m = 1,036 \cdot 10^{-8} \frac{\text{кг} \cdot \text{экс}}{\text{к}} \cdot \frac{58,71}{2} \times \frac{\text{кг}}{\text{экс}} \cdot 10 \text{ а} \cdot 3300 \text{ сек} \approx 11 \cdot 10^{-3} \text{ кг}$.

727. ZnSO_4 эритмасини электролиз қилиш учун $W = 20 \text{ гвт} \cdot \text{соат}$ энергия сарғланди. Агар ванна клеммалари даги кучланиш $U = 4$ в бўлса, ажралиб чиқсан рух массаси m нимага тенг бўлади?

Ечилиши. Фарадейнинг биринчи қонунига асосан, $m = kIt$. Номаълум катталик ҳисобланган It ни токнинг A иши ва U кучланиш орқали ифодалаймиз: $A = IUt$, бундан $It = \frac{A}{U}$ ёки

$It = \frac{W}{U}$. У ҳолда $m = k \frac{W}{U}$. Рух учун $k = 0,34 \cdot 10^{-6} \frac{\text{кг}}{\text{A}}$, $A = 20 \text{ гвт} \cdot \text{соат} = 20 \cdot 100 \text{ вт} \cdot 3600 \text{ сек} = 7,2 \cdot 10^6 \text{ ж}$. $1 \text{ ж} = 1 \text{ к} \times 1 \text{ в}$ әканини ҳисобга оламиз. У ҳолда

$$m = \frac{0,34 \cdot 10^{-6} \frac{\text{кг}}{\text{A}} \cdot 7,2 \cdot 10^6 \text{ ж}}{4 \text{ в}} \approx 0,61 \text{ кг.}$$

728. Электролитдаги ток зичлиги $j = 0,5 \frac{\text{а}}{\text{м}^2}$ бўлганда CuSO_4 эритмасидан қанча вақт давомида 0,01 мм қалинликдаги мис қатлами ҳосил бўлади? Қутбланиш э. ю. к. ни ҳисобга олманг.

Ечилиши. Масаланинг шартида электролиз CuSO_4 эритмасида бўлади деб бекорга айтилган эмас. Бу ҳолда миснинг валентлиги $n=2$ ва миснинг электрохимиявий эквиваленти $k = 0,33 \cdot 10^{-6} \frac{\text{кг}}{\text{А}}$. Электролиз миснинг бир валентли ионларида ҳам бўлиши мумкин.

Электролиз қонунларининг формуласи ток зичлиги j ток зичлиги $\rho = 8,9 \cdot 10^3 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3}$ ва $V = hS$ ҳажми орқали ифодалаймиз, бунда h — мис қатламининг қалинлиги, S — электрод сиртининг юзи: $m = \rho h S$. У ҳолда $t = \frac{\rho h S}{k j S} = \frac{\rho h}{k j}$ бўлади. Бунга ρ , h , k ва j ларнинг сон қийматларини қўйиб, t ни топамиз:

$$t = \frac{8,9 \cdot 10^3 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3} \cdot 1 \cdot 10^{-5} \text{ м}}{0,33 \cdot 10^{-6} \frac{\text{кг}}{\text{А}} \cdot 50 \frac{\text{а}}{\text{м}^2}} \approx 5,4 \cdot 10^3 \text{ сек} \approx 1,5 \text{ соат.}$$

729. Кумуш нитрат тузини электролиз қилишда $t = 2$ соат давомида катодда ажралган кумуш массасини топинг. Бундан ваннанинг қаршилиги $R = 5 \text{ ом}$ бўлиб, унга $U = 2 \text{ в}$ кучланиш берилган, қутбланиш э. ю. к. $t_{\text{кут}} = 0,8 \text{ в}$.

Ечилиши. Фарадейнинг биринчи қонунига асосан, $m = kI t$. Қутбланиш э. ю. к. ни ҳисобга олганда занжирдаги ток $I = \frac{U - E_{\text{кут}}}{R}$, $m = k \frac{U - E_{\text{кут}}}{R} t$ бўлади. Ҳисоблаб m ни топамиз: $m = 1,118 \cdot 10^{-6} \frac{\text{кг}}{\text{А}} \cdot \frac{2 \text{ в} - 0,8 \text{ в}}{2 \text{ ом}} \cdot 2 \cdot 3600 \text{ сек} \approx 4,7 \cdot 10^{-3} \text{ кг.}$

✓ 730. Агар электролиз вақтида ванна клеммаларида кучлашиш $U = 10 \text{ в}$, қурилманинг ф. и. к. $\eta = 75\%$, тариф $B = 4 \frac{\text{тийин}}{\text{квт}\cdot\text{соат}}$ бўлса, рафинланган 10 кг мисининг баҳоси қанча туришини аниқланг. Қутбланиш э. ю. к. ни ҳисобга олманг.

Ечилиши. Рафинланган мис CuSO_4 ни электролиз қилишдан ҳосил бўлади, яъни бунда мис икки валентлидир. Бу ҳолда $k = 0,33 \cdot 10^{-6} \text{ кг/к}$. Тариф $B = 4 \frac{\text{тийин}}{\text{квт}\cdot\text{соат}} = 1,11 \cdot 10^{-6} \frac{\text{тийин}}{\text{ж}}$.

Электр энергиясининг баҳоси:

$$S = B W_{\text{сарф}}, \text{ бироқ } \frac{W_{\Phi}}{W_{\text{сарф}}} = \eta,$$

$$\text{шунинг учун } S = \frac{BW_{\Phi}}{\eta}, \quad W_{\Phi} = IUt.$$

I катталикни Фарадейнинг биринчи қонунидан топамиз:
 $I = \frac{m}{k}$,

$$S = \frac{BU \cdot m}{\eta k}.$$

S ни ҳисоблаб топамиз:

$$S = \frac{1,11 \cdot 10^{-6} \frac{\text{тийин}}{\text{ж}} \cdot 10^3 \cdot 10^8 \cdot 10 \text{ кг}}{0,33 \cdot 10^{-6} \frac{\text{кг}}{\text{к}}} \approx 4 \text{ сўм } 44 \text{ тийин.}$$

731. Темир хлорид эритмасидан 1 соат давомида $I = 1 \text{ а тоқ}$ ўтказиб турилганда эритмадан хлор ва темирнинг қанчадан атоми ажралиб чиқади?

Ечилиши. Хлор бир валентлидир ($n = 1$). Ажралиб чиқкан хлорнинг массаси $m = Nm_0$, бунда N — хлор атомлари сони, m_0 — битта хлор атомининг массаси. m масса Фарадейнинг биринчи қонунидан топилади: $m = kIt$. Жадвалдан хлор учун $k = 0,367 \cdot 10^{-6} \frac{\text{кг}}{\text{к}}$ эканини топамиз. Битта хлор атоми (иони) нинг массаси $m_0 = \frac{A}{N_0}$, бунда A — килограмм-атом массаси, N_0 — килограмм-атомдаги атомлар сони, $N_0 = 6,025 \cdot 10^{26} \frac{1}{\text{кг}\cdot\text{атом}}$ (Авогадро сони) эканлиги маълум. Хлорнинг атом оғирлиги $A = 35,5$.

$$N = \frac{m}{m_0} = \frac{kItN_0}{A} \approx 2,2 \cdot 10^{22}.$$

Темир икки валентлидир ($n = 2$), демак, эритма орқали ўтган темир ионларининг сони ва ажралиб чиқсан атомлари сони хлор ионлари сонидан 2 марта кам.

Хлор анодда, темир эса катодда ажралади.

3. Газларда электр токи

Газларда эркин заряд ташувчилар нейтрал молекулалар билан бир түкнашгандан иккинчи түкнашгунгача эркин чопиш йўли деб аталувчи λ масофани босиб ўтади.

Бу масофада электр майдони таъсири остида зарядли заралар қиласидиган ҳаракатни текис тезланувчан ҳаракат деб ҳисоблаш мумкин.

Газлардан ток ўтишига оид масалалар ишлаганда асосан I токнинг газ оралиқдаги U кучланишга боғланишидан (226- расм) фойдаланилади. Ҳисоб масалаларида майдон кучланишларига ёки зарралар тезлигининг ионланиш юз берадигандаги қийматлари ҳисоблаб топилади.

Ионланиш энергияси $W_{\text{ион}}$ бўлсин, деб фараз қилайлик. Заряди e бўлган электрон кучланишларига E бўлган бир жинсли электр майдонида λ масофада $\frac{mv^2}{2} = eE\lambda$ энергияга эга бўлади.

Агар $\frac{mv^2}{2} \geq W_{\text{ион}}$ бўлса, ионланиш юз бериши мумкин. E нинг ионланиш юз берадигандаги минимум қиймати $E_{\text{мин}} = \frac{W_{\text{ион}}}{e\lambda}$ формуладан топилади. Ионланишни юзага келтирувчи зарранинг минимал тезлиги $v_{\text{мин}} = \sqrt{\frac{2W_{\text{ион}}}{m}}$.


732. Агар ионизатор анча интенсивроқ таъсири этадиган бўлса (226- расм), I ток кучининг газ оралиқдаги U кучланишга боғланиш графиги қандай ўзгаради?

Жавоби. Ионизатор таъсири кучайтирилганда тўйиниш токи ортади (ab соҳа), I пинг U га боғланишининг умумий характеристи ўзгармайди.

733. Газ босими камайтирилганда зарб орқали ионлашиш процесси конденсатор қопламалари орасидаги U кучланиш кичик бўлганда юз беришини исботланг.

Ечилиши. Электроннинг энергияси $\frac{mv^2}{2} = eE\lambda = e \frac{U}{d} \lambda$, бунда d — конденсатор пластинкалари орасидаги масофа. $\frac{mv^2}{2} \geq W_{\text{ион}}$ бўлганда ионланиш юз берсин, деб фараз қилайлик. Ионланиш учун етарли бўлган минимум кучланиш $U_{\text{мин}} = \frac{W_{\text{ион}} d}{e\lambda}$, яъни бу кучланиш эркин чопиш йўлининг λ узунлигига боғлиқ. Газ босими камайтирилганда λ эркин чопиш йўли ортади, дэмак U кучланиш камаяди.

734. Нормал босимда ҳаво молекулалари ионланадиган ҳолдада электр майдони кучланишлариги



226- расм.

жимага тенг бўлишини аниқланг. Ионланиш энергияси $W_{\text{ион}} = 15 \text{ эв}$, электроннинг эркин чопиш йўли узунлиги $\lambda = 5 \cdot 10^{-4} \text{ см}$.

Ечилиши. 733- масалада $U_{\text{мин}} = \frac{W_{\text{ион}} d}{e\lambda}$ эканлиги кўрсатилгац эди. Бироқ $U = Ed$, у ҳолда $E_{\text{мин}} = \frac{W_{\text{ион}}}{e\lambda}$. Барча қийматларни СИ системасида оламиз: $W_{\text{ион}} = 15 \cdot 1,66 \cdot 10^{-19} \text{ ж}, e = 1,6 \cdot 10^{-19} \text{ ква} \lambda = 5 \cdot 10^{-6} \text{ м}$. У ҳолда $E_{\text{мин}} \approx 3 \cdot 10^6 \frac{\text{эв}}{\text{м}}$.

735. Симоб атомларини ионлаш энергияси 10, 4 эв. Симоб атомини зарб орқали ионлаштириш учун электрон энг камидагандай тезликка эга бўлиши керак?

Ечилиши. Электр майдонида ҳаракатланганида электрон $\frac{mv^2}{2}$ кинетик энергияга эга бўлади. Электроннинг ионлацишни вужудга келтирувчи минимал тезлиги $\frac{mv_{\text{мин}}^2}{2} = W_{\text{ион}}$ тенгламадан топилади, яъни $v_{\text{мин}} = \sqrt{\frac{2W_{\text{ион}}}{m}}$.


W ва m ларнинг СИ системасидаги қийматларини қўйиб, $v_{\text{мин}} = \sqrt{\frac{2 \cdot 10,4 \cdot 1,6 \cdot 10^{-19} \text{ ж}}{9,1 \cdot 10^{-31} \text{ кг}}} \approx 1,9 \cdot 10^6 \text{ м/сек}$ эканини топамиз.

4. Ярим ўтказгичларнинг электр хоссалари

Бу тема-юзасидан асосан сифатга оид масалалар ечилади. Бунда ярим ўтказгичларнинг турли соҳаларда қўлланилиши, шунингдек ярим ўтказгичларнинг электр хоссаларини характерловчи физик катталиклар орасидаги боғланишларнинг анализ қилинишига оид масалалар катта ўрин эгаллади.

736. 227- расмда металл (а) ва ярим ўтказгич (б) қаршиликларнинг температурага боғланиш графиклари кўрсатилган. Бу боғланишларда бундай фарқ бўлишининг сабаби нимада?

Ечилиши. Температура кўтарилиганда металл ўтказгичнинг қаршилиги ортади, чунки ток ташувчиларнинг сони металларда амалда ўзгармайди, электронларнинг металл кристалл



227- расм.

панжараларидаги ионлар билан бұладыган түқнашувлари сони эса ортади. Ярим үтказгичларнинг қаршилиги температура күтарилиши билан камаади, чунки бунда ток ташувчиларнинг сони кескін ортади. Бунда бошқа сабабларнинг тәсіри кам бўлади.

737. Маълум E_0 ёритилганликда фотоқаршилик учун I ток кучининг U кучланишга боғланиш графиги 228-расмда кўрсатилган. Ёритилганлик ўзгарганда бу боғланиш қандай ўзгаради?


Ечилиши. Фотоқаршиликцинг ўтказувчанлиги E ёритилганликка боғлиқ. Ёритилганлик ортганда ўтказувчанлик ортади, яъни қаршилик камаади. Фотоқаршиликда I ток кучи U кучланишга чизикли боғлиқдир ($\text{Ом} \cdot \text{қонуни ўринили}$). Ёритилганлик ўзгарганда I нинг U га боғланиш характери ўзгармайди, фақатгина график U ўқи билан бошқа бурчак ҳосил қиласди.

$E_1 < E_0$ бўлганда қаршилик ортади ва график U ўқига кичик бурчак остида йўналган бўлади. $E_2 > E_0$ бўлганда график U ўқи билан ёритилганлик E_0 бўлгацдагига нисбатан каттароқ бурчак ҳосил қиласди.


738. 229-расмда германийли диоднинг вольтампер характеристикаси кўрсатилган. $U = 0,5 \text{ в}$ бўлгандаги тўғри токни ва $U = -10 \text{ в}$ бўлгандаги тескари токни аниқланг.

Жавоби. Тўғри ток $I_{\text{тғ}} = 1 \cdot 10^{-3} \text{ а},$ тескари ток $I_{\text{тес}} = -0,1 \cdot 10^{-3} \text{ а}.$


739. Ярим үтказгичли диоди бўлган бир ярим даврли тўғрилагич ва ярим үтказгичли диодлари бўлган икки ярим даврли тўғрилагич схемаларини чизинг.




229- расм.




228- расм.



230- расм.



230- расм.



232- расм.

фақатынан A^* нүктадан күпrikнинг AB тармоғи бўйлаб R нагрузка орқали ўтиб, ундан CD тармоқ бўйлаб D нүктаға бориши мумкин. Кучланиш қутблари (ишораси) ўзгартырилганда ток D нүктағанан DB тармоқ бўйлаб R нагрузка орқали ўтади, ундан CA тармоқ бўйлаб A нүктаға боради. Нагрузка орқали ток ҳар доим бир йўналишда ўтади. Тўғрилагич икки ярим даврлидир. Биринчи ярим даврда токни I_1 , I_2 диодлар, иккинчи ярим даврда эса токни I_3 ва I_4 диодлар ўтказади.

Ечилиши. Схемалар 230- а ва б расмда кўрсатилган. Мана шу схемалар бўйича тузилган занжирлардаги трансформаторнинг бирламчи чулгамида кучланиш ўзгарувчан бўлганда ток R нагрузка орқали фақат бир томонига ўтишини кўрсатиш керак. Диод токни „найза“ йўналишида ўтказади, деб шартлашиб оламиз. Ўзгарувчан кучланиш графиги ва бир ярим даврли ҳамда икки ярим даврли тўғрилагичда тўғриланган ток графиклари 231- расмда (a , b ва c) кўрсатилган.

740. 232- расмда кўрсатилган схема бўйича йигилган тўғрилагичнинг ишланини тушунтириб беринг.

Ечилиши. Ўзгарувчан кучланиш A ва D нүкталарга берилади, тўғриланган кучланиш эса C ва B нүкталар орасидан олинади. Бирор пайтда A нүкта потенциали мусбат, D нүкта потенциали манфий бўлсин, деб фараэ қилайлик. Ток

МЕХАНИК ТЕБРАНИШЛАР ВА ТҮЛҚИНЛАР. ТОВУШ

Тебраниш ва түлқин процесслар бир бўлимда ўрганилади. Шу билан ҳозирги замон фани ва техникасида тебранишлар ҳақидаги таълимотнинг катта аҳамиятга эга эканлиги ҳамда уларнинг табнатига боғлиқ бўлмаган ҳолда ушбу ҳаракатга хос бўлган умумий хусусиятлари таъкидлаб ўтилади.

Дастлаб механик тебранишлар ўрганилади, сўнгра унинг тимсолида асосий тушунчалар киритилади ва тебранма ҳаракатларнинг муҳим қонуниятлари қараб чиқилади. Фурье теоремасига мувофиқ ҳар қандай даврий тебраниш гармоник тебранишлар йиғиндинси кўринишида берилиши мумкинлиги туфайли жуда катта аҳамиятга эга бўлган энг содда, гармоник тебранишлар батафсил қараб чиқилади. Масала ечиш жараённида ўқувчилар тегишли формулалардан фойдаланишин ўрганишлари, тебранма ҳаракатларни текис ва текис ўзгарувчан ҳаракатларга иисбатан ўзига хос фарқли томоиларини тушунишлари керак бўлади. Шу мақсадда дастлаб кинематикада моддий нуқтанинг тебранма ҳаракати бўйича масалалар ечилади. Бу ҳаракатнинг хусусий, лекин муҳим ҳоли сифатида математик маятникинг ҳаракати қаралади.

Тебранма ҳаракат динамикаси ва энергиянинг айланиши масалалари эластик тебранишлар ҳақидаги масалалар ва „оғир“ маятник ҳақидаги масалалар ёрдамида чуқурлаштирилади. Шундан сўнг тебранишларни қўшиш ҳақидаги масалалар ечилади.

Тебранишларни эластик муҳитда тарқалиши асосан товуш түлқинлари мисолида ўрганилади, шу жумладан ультратовуш ҳақида қатор масалалар ечиш фойдали ҳисобланади.

1. Гармоник тебранишлар

Бу тема бўйича масалалар ечганда ўқувчиларнинг математикадан олгаи билимларини ҳисобга олиш керак. Янги программа бўйича тригонометрик функцияларнинг ҳосилалари ва уларнинг хоссалари ўрганилади. Ўқувчилар энг аввал нуқта силжишининг вақтга боғлиқлигини эсда яхши сақлай олишлари керак

$$x = A \sin(\omega t + \varphi_0).$$

Тебранма ҳаракат тезлиги v ва тезланиш a мос ҳолда бу функцияниң биринчи ва иккинчи тартибли ҳосиласи бўлгани учун:

$$v = \frac{dx}{dt} = v_0 \cos(\omega t + \varphi_0) = A \omega \cos(\omega t + \varphi_0);$$

$$a = \frac{d^2x}{dt^2} = a_0 \sin(\omega t + \varphi_0) = -A \omega^2 \sin(\omega t + \varphi_0).$$

Масаланинг математик ечимидан формал ҳолда қутулиш учун тажриба ва графиклардан кенгроқ фойдаланиш керак.

Шунингдек, кинематика ва динамика (12, V боб) қонунларидан фойдаланиб, юқорида кўрсатиб ўтилгани боғланишларни дифференцияллашисиз қандай ҳосил қилиш мумкин эканлигини масалалар ёрдамида кўрсатиб бериш фойдалидир.

Бошлиниг фаза φ_0 ўрганилмаган ва охирги натижаларга таъсири этмаган ҳолларда ёзувни осонлаштириш ва вақтни тежаш учун энг яхиси масала шартида уни нолга тенг деб олиш керак. Бироқ ўқувчилар барча ҳолларда аввал формуласи умумий ҳолда ёзишлари, сўнгра эса аниқ берилганларга боғлиқ ҳолда уни соддалаштиришлари керак.

Тажрибанинг кўрсатишича, ўқувчилар доиравий частота ω ҳақидаги тушунчани осон ўзлаштира олмайдилар. Тригонометрик функция ишораси остида ҳар доим $\phi = \omega t = \frac{2\pi}{T} t$ бурчак қиймати туришини таъкидлаб, бунга алоҳида эътибор бериш керак. Агар тригонометрик функция ишораси остидаги π ни 180° деб қабул қилинса, у ҳолда бурчак қиймати градусларда олинади. Агар $\pi = 3,14$ леб қабул қилинса, у ҳолда бурчак радианларда олинади. Бу маълумотларни мустаҳкамлаш учун гармоник тебранишлар формуласига кирувчи катталиклар ўлчамлиги устида бажариладиган амаллар ёрдамида қатор масалалар ечимини текшириб кўриш фойдали хисобланади. Силжиш x , тезлик v ва тезланиш a турли бурчак ёки t вақтда бир хил қийматга эга бўлиши мумкин, чунки улар циклик функциялар билан ифодаланади. Масалалар ечганда, агарда махсус зарурият бўлмаса, ϕ бурчак катталиги учун унинг энг кичик қийматини қабул қилиш мумкин.

741. Пружинали маятникнинг тебранма ҳаракатида Гук қонунига мувофиқ унга $F = -kx$ куч таъсири қиласди. Бу формуласи эътиборга олиб, қўйидаги саволларга жавоб беринг:

а) Маятник ҳаракати билан текис ҳаракат ўртасида қандай фарқ бор?

б) Маятник ҳаракати билан текис ўзгарувчан ҳаракат ўртасида қандай фарқ бор?

в) Маятник қандай ҳолатда энг катта ва қандай ҳолатда энг кичик тезланиш a ва тезлик v га эга?

Жавоби. а) Текис ҳаракатдан фарқли ҳолда жисм тезлиги ўзгариб туради. Бу жисмга мувозанатланмаган куч таъ-

сир этишидан келиб чиқади; демак, жисм тезланиш билан ҳаракатланади.

б) Текис ўзгарувчан ҳаракатдан фарқли ҳолда тебранувчи жисм тезланиши ўзгариб туради. Бу $a = \frac{F}{m} = -\frac{kx}{m}$ формуладан келиб чиқади. Тезланиш a ўзгаради, чунки F күч ҳам ўзгаради. Жисм миқдор жиҳатидан энг катта тезланишга x максимум силжишнинг четки (ўнг ва чап) ҳолатларида эришади. $x = 0$, яъни мувозанат ҳолатида энг кам, нолга тенг тезланишга эга бўлади. Четки ҳолатларда жисмнинг тезлиги $v = 0$. Жисм тезланишга эга бўлганлиги сабабли тезлик орта бориб, мувозанат ҳолатда максимум қийматга эришади.

742. x силжиш t ёки t^2 вақтга пропорционал деб айтиш мумкинми?

Жавоби. Йўқ. $x = kt$ боғланиш фақат текис ҳаракат учун, $x = kt^2$ эса текис ўзгарувчан ҳаракат учун ўриинlidir.

743. Амплитудаси $A = 10 \text{ см}$, тебраниш даври $T = 0,5 \text{ сек}$, $\varphi_0 = 0$ бўлган гармоник тебраниш тенгламасини ёзинг.


Жавоби. Умумий ҳолда $x = A \sin\left(\frac{2\pi}{T}t + \varphi_0\right)$.

Берилган шароит учун $x = 10 \sin\frac{2\pi}{0,5}t (\text{см}) = 10 \sin 4\pi t (\text{см})$.

744. Бундан олдинги масалада берилганларга асосан гармоник тебраниш графигини тузинг ва график бўйича мувозанат ҳолатд, мувозанат ҳолатидан 0,75 ва 0,125 сек ўтгандан кейин иштаганинг тезлигини аниқланг.

Кўрсатма. Вақт учун $1 \text{ см} = 0,010 \text{ сек}$; силжиш учун $1 \text{ см} = 1 \text{ см}$ масштаб олинг. О сек — 0,150 сек вақт оралигига еттига иштаг бўйича график чизинг.

Ечилиши. Жадвал тузамиш ва график чизамиш (233- расм).



233- расм.

Вақт, $t = 10^{-3}$ сек	0	25	50	75	100	125	150
Оғиш, $x = 10 \sin 4 \cdot \frac{1}{180} t$ (см)	0	3,1	5,8	8,1	9,5	10	9,5

Жисмнинг графикининг A нүқтасига мос келувчи тезлиги v_A сон жиҳатидан A нүқтага ўтказилган уринманинг вақт ўқига нисбатан оғиш бурчаги тангенсига тенг. Синусоиданинг A нүқтасига уринмани кўз билан чамалаб ўтказиш мумкин, бироқ унча катта бўлмаган Δt вақт интервали учун тезликкниң бирор бир ўртача қиймати $v_{\text{ср}} = \frac{\Delta x}{\Delta t} = \tan \alpha_1 \approx v_A$ ни топиш қулай.

$$v_A = \frac{9,5 \text{ см}}{0,132 \text{ сек}} \approx 72 \text{ см/сек.}$$

О нүқта учун

$$v_0 \approx \tan \alpha_0 \approx \frac{3,1}{0,025} \approx 124 \left(\frac{\text{см}}{\text{сек}} \right).$$

H нүқта учун $v_H = \tan 0^\circ = 0$.

745. Олдинги масала ечимини гармоник тебранма ҳаракат тезлиги формуласи бўйича текшириб кўринг.

Ечилиши. $v = A\omega \cos \omega t = 40\pi \cdot \cos 4\pi t$;

$$v_0 \approx 125,6 \frac{\text{см}}{\text{сек}} \approx 126 \frac{\text{см}}{\text{сек}}; v_A \approx 74 \frac{\text{см}}{\text{сек}}; v_H = 0.$$

Хисоблашларнинг график асосида топилган натижаларга мос келиши кўриниб турибди. Бунда, агар графикада A нүқтага бирмунча яқинроқ B' , C' нүқталар олинса, у ҳолда v_A ни топиш аниқлиги ортиб боришини ўқувчиларга айтиш керак.

Шу каби график масалаларнинг қийинлигига қарамасдан, уларни ечишни қатъий талаб қилиш керак, чунки бусиз ўқувчилар гармоник тебранишларнинг ўзига хос томонларини „сезмайдилар“ ва графиклар чизишда ожизлик қилиб қоладилар.

Бу типдаги битта масалани синфда батафсил муҳокама қилиш ва етарлича катта масштабларда жуда ҳам аниқ чизишни талаб қилган битта ёки иккита масалани ўйга бериш керак.

746. Гармоник тебраниш графикини қўлда чизинг ва ундан фойдаланиб, ҳаракатда тезланишининг қандай ўзгаришини кўрсатинг.

Ечилиши. Тезланиш $a = \frac{dv}{dt}$ берилган нүқтага ўтказилган уринманинг (234- расм) тезлик графикига эгрлигига оғиш бурчаги тангенсига сон жиҳатидан тенг. Тезлик графикига косинусоидадан иборат бўлгани учун, кўчиш графикига нисбатан чорак даврга силжиган. Нүқтанинг тезлиги энг катта бўлганда

тезланиш 0 га тенг (уринма вақт ўқига параллел) ва, аксинча, тезлик нолга тенг бўлганда тебранувчи нуқта тезланиши максимум бўлади.

747*. Моддий нуқта тебраниши $x = 15 \cos \pi(t+1)$ см қонун бўйича бажарилади. Тебранувчи нуқтанинг амплитудаси, даври, бошлангич фазаси, максимал тезлиги ва максимал тезланишини тоининг.

Е чилиши. Тенгламани $x = A \sin(\omega t + \varphi_0)$ см кўринишга келтирамиз ва уни масалада берилган

$$x = 15 \cos \pi(t+1) \text{ см} = 15 \sin \left[\frac{\pi}{2} - \pi(t+1) \right] \text{ см} = -15 \sin \left(\pi t + \frac{\pi}{2} \right) \text{ см} \quad (1)$$

тенглама билан таққослаймиз. Минус ишора берилган синусоиданинг графиги синусоидадаги вақт ўқига нисбатан симметрик эканини билдиради

$$x' = 15 \sin \left(\pi t + \frac{\pi}{2} \right) \text{ см}. \quad (2)$$

Бироқ (1) тебрашиш (2) тебранишдан фаза бўйича π га олдинга кетади. Демак, $x = 15 \sin \left(\pi t + \frac{3\pi}{2} \right)$ см деб ёзиш мумкин.

Амплитуда $A = 15 \text{ см}$; $\varphi_0 = \frac{3\pi}{2}$; $\omega = \frac{2\pi}{T} = \pi$;


$$T = 2 \text{ сек}; v = 15 \pi \cos \left(\pi t + \frac{3\pi}{2} \right); v_{\max} \approx 47 \frac{\text{см}}{\text{сек}}$$

$$a = -15 \pi^2 \sin \left(\pi t + \frac{3\pi}{2} \right); a_{\max} \approx 150 \frac{\text{см}}{\text{сек}^2}.$$


Бу мисолда $x = \cos(\omega t + \varphi_0)$ қонун бўйича бўладиган ҳаракат $x = A \sin(\omega t + \varphi_0)$ тенглама билан баён этилган гармоник тебранма ҳаракатдан фақатгина фаза бўйича $\frac{\pi}{2}$ га олдинда кетиши билан фарқ қилиши тушунтирилади.

2. Математик маятникнинг тебраниши

Бу темага доир масалаларни ечишда гармоник тебранишлардаги силжиш, тезлик ва тезланиш учун юқорида қаралган формуулалардан, масалалар ечишда келтириб чиқариш мақсадга



234- расм.



235- расм.

мувофиқ бўлган математик маятникнинг $T = 2\pi \sqrt{\frac{l}{g}}$ тебраниш даври формуласидан фойдаланилади. Математик маятникнинг тебраниш даври формуласи амалий мақсадлар учун, фақат ипнинг вертикальдан унча катта бўлмаган оғиш бурчаклари ($\approx 3^\circ$) учун ўринилдири.

748. Математик маятникнинг гармоник тебранма ҳаракат қилишини исботланг.

Ечилиши. 235- расмдан $F_1 = \frac{F}{l}x = kx$ экани келиб чиқади, бунда $k = \frac{F}{l} = \frac{mg}{T}$. Тебрашаётган нуқтанинг мувозанат вазиятидан силжишини мусбат деб ҳисоблаб, формулани $F_1 = -\frac{mg}{T}x$ кўринишда ёзиш керак.

749. Ньютоннинг иккинчи қонунидан ва олдинги масалада берилгандардан фойдаланиб, математик маятникнинг тебраниш даври формуласини келтириб чиқаринг.

Ечилиши. $F_1 = -\frac{mg}{T}x$. Гармоник тебранишларда

$$x = A \sin \frac{2\pi}{T} t. \text{ Демак, } F_1 = -\frac{mg}{T} A \sin \frac{2\pi}{T} t; F_1 = ma;$$

$$a = -A \frac{4\pi^2}{T^2} \sin \frac{2\pi}{T} t;$$

$$\frac{mg}{T} A \sin \frac{2\pi}{T} t = mA \frac{4\pi^2}{T^2} \sin \frac{2\pi}{T} t;$$

$$\text{бундан } T = 2\pi \sqrt{\frac{l}{g}}.$$

750 (э). Узунликлари бир хил бўлган ясси (235- расм) ва конуссимон (121- расм) маятникларнинг тебраниш даврлари ўзаро тент эканини тажрибада текширинг. Бундан фойдаланиб конуссимон ва ясси математик маятникларнинг тебраниш даврлари формулаларини келтириб чиқаринг.

Ечилиши. m массали маятник айланга бўйлаб ҳаракат қиласи. Ньютоннинг иккинчи қонунига кўра $\sum \vec{F} = \vec{ma}$. Маятникка оғирлик кучи \vec{F} ва ипнинг таранглик кучи \vec{F}_t таъсири қиласи. Бу кучлар таъсирида маятник марказга интилма $a = \omega^2 R$ тезланиш олади; $\vec{F} + \vec{F}_t = m\omega^2 \vec{R}$ ёки радиус йўналишига проекцияси

$$F_t \sin \alpha = m \omega^2 R; F_t = \frac{F}{\cos \alpha} = \frac{mg}{\cos \alpha}.$$

Демак, $\frac{mg}{\cos \alpha} \cdot \sin \alpha = m\omega^2 R$, бундан $gtg \alpha = \omega^2 R$; $\operatorname{tg} \alpha = \frac{R}{h}$.

Кичик бурчаклар учун $\frac{R}{h} \approx \frac{R}{l}$. Шунинг учун

$$\frac{gR}{l} = \omega^2 R; \quad \frac{g}{l} = \frac{4\pi^2}{T^2},$$

буйдан

$$T = 2\pi \sqrt{\frac{l}{g}}.$$

751. Ўқувчи қўйидаги формуланинг қандай ёзилишини эсдан чиқарди: $T = 2\pi \sqrt{\frac{g}{l}}$ ёки $T = 2\pi \sqrt{\frac{l}{g}}$.

У ёки бу формуланинг тўғрилигини тасдиқловчи далилларни келтиринг.

Ечилиши. 1- усул. Тажрибадан маълумки, узун маятник калта маятникка нисбатан катта тебраниш даврига эга; демак, l катталик илдиз остидаги касрнинг суратида туриши керак. Тезланиш g қанча катта бўлса, тезлик шунча катта ва тебраниш даври эса шунча кичик бўлади. Демак, g катталик касрнинг махражида туриши керак.

2- усул. Ушбу ифодаларнинг СИ системасидаги ўлчамлигини аниқлаймиз:

$$1) \sqrt{\frac{\frac{m}{сек^2}}{m}} = \frac{1}{сек}; \quad 2) \sqrt{\frac{\frac{m}{m}}{\frac{сек^2}{сек^2}}} = \text{сек.}$$

Давр вақт бирлигида ифодаланганни учун иккинчи формулатўғри.

752. Оғир маятники соатнинг юришини тоғ чўққисида ва этагида; қутбда ва экваторда; Ойда ва Ерда; Ерда ва Ернинг сунъий йўлдошларида солишириб кўринг.

Жавоби. $T = 2\pi \sqrt{\frac{l}{g}}$. g кам бўлган ерда (тоғ чўққисида, экваторда ва Ойда) маятник тебраниш даврининг катта бўлиши туфайли соат орқада қолади. Вазнисизликда $g = 0$ ва $T = \infty$. Бунда соат юрмайди.


753. Оғир маятники иккита бир хил соатлардан бирини баландлиги $h = 5 \text{ км}$ бўлган тоғ чўққисига, иккинчисини денигиз сатҳига ўрнатилса, бир суткада уларнинг кўрсатишида қандай фарқ пайдо бўлади?

Ечилиши. Ҳар иккала соат маятникларининг тебраниши даврларини солиширамиз:

$$T_0 = 2\pi \sqrt{\frac{l}{g_0}}; \quad T_1 = 2\pi \sqrt{\frac{l}{g_1}},$$

бунда g_1 — тоғ чўққисидаги оғирлик куч тезланиши.

$$\frac{T_1}{T_0} = \sqrt{\frac{g_0}{g_1}}.$$



236- расм.

Бутун олам тортишиш қонунига күра
 $g_0 = \pi \frac{M}{R^2}$ ва

$$g_1 = \frac{\pi M}{(R+h)^2}, \text{ бунда } R - \text{Ер радиуси.}$$

$$\frac{T_1}{T_0} = \sqrt{\frac{(R+h)^2}{R^2}} = \sqrt{\frac{R^2 + 2Rh + h^2}{R^2}}.$$

h^2 катталағын ҳисобға олмай, құйидегини ҳосил қиласыз:

$$\frac{T_1}{T_0} = \sqrt{\frac{R^2 + 2Rh}{R^2}} = \sqrt{\frac{6400^2 + 2 \cdot 6400 \cdot 5}{6400^2}} = \sqrt{\frac{6404,2}{6400}} = 1,00066.$$

Демак, тоғ чүккисида маятникнинг тебраниш даври $0,00066$ қисмга ортади, бу эса ҳар суткада $24 \cdot 3600 \text{ сек} \cdot 0,00066 = 57 \text{ сек}$ ни ташкил қиласыз. Тоғ чүккисига ўрнатылған соат 57 сек га орқада қолади.

754 (9). Даври 2 сек бўлган маятникнинг узунлигини ҳисоблаңыз ва уни қўлда ясанг. Соат ёрдамида маятникнинг тебраниш даврини ўлчанг ва уни маятникнинг массасига ва амплитуласига боғлиқми ёки йўқ эканлигини текшириб кўринг.

Жавоби. $l \approx 1 \text{ м.}$

755. Минут стрелкасининг узатиш механизми 236-расмда кўрсатилған девор соат „ходик“ маятникнинг узунлигини¹ ва тебранишлар даврини ҳисоблаб топинг.

Ечилиши. Минут стрелкаси $1 \text{ соат} = 3600 \text{ сек}$ да бир марта айланади. Оралиқ шестеря бу вақтда $\frac{66}{6} = 11$ марта айланади. Оралиқ шестеря бир марта айланганда юқориги шестеря $\frac{60}{6} = 10$ марта айланади. Демак, юқориги шестеря ҳаммаси бўлиб 110 марта айланади. Маятник тўлиқ бир тебрангандан бир тишга буриласди, шунинг учун маятник бир соатда $110 \cdot 40 = 4400$ марта тебранади.

$$T = \frac{3600 \text{ сек}}{4400} = 0,82 \text{ сек};$$

$$T = 2\pi \sqrt{\frac{l}{g}}; l = \frac{g T^2}{4\pi^2} = \frac{0,82^2 \text{ сек}^2 \cdot 9,8 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}}{4 \cdot 3,14^2} \approx 0,17 \text{ м.}$$

¹ Физик маятникнинг келтирилған узунлиги назарда тутилади.

3. Эластик тебранишлар. Тебранма ҳаракатда энергиянинг бир турдан бошқа турга айланиши

Бу темани ўрганишда эластик тебранишлар кинематикаси ва динамикаси бўйича масалалар ечилади. Бунда тебранишларнинг умумий ва ўзига хос томонларини аниқлаш учун эластик тебранишларни юқорида қаралган маятник тебранишлари билан солишириш фойдалайдир.

Масалаларни ечишда Ньютоннинг иккинчи қонунини, Гук қонунини ва гармоник тебранма ҳаракат кинематикаси формуласини қўллаш талаб қилинади.

Массаси m бўлган жисмнинг эластик гармоник тебранишлар даври $T = 2\pi \sqrt{\frac{m}{k}}$ формула бўйича аниқланади (№758). Агар k нинг қиймати мъълум бўлса, бу формуладан турли гармоник тебранишлар даврини аниқлаш мумкин. Эластик тебранишлар учун k — бикрлик коэффициенти, математик маятник тебранишлари учун эса $k = \frac{mg}{l}$ (№ 748).

Тебранма ҳаракатда энергиянинг бир турдан бошқа турга айланиши ҳақидаги масалаларда зоссан кинетик энергиянинг потенциал энергияга айланиши қаралади. Бироқ сўнчувчи тебранишларда эса механик энергиянинг ички энергияга айланиши ҳисобга олинади.

Эластик тебранишларнинг кинетик энергияси

$$W_k = \frac{mv^2}{2} = \frac{mA^2\omega^2 \cos^2(\omega t + \varphi_0)}{2}.$$


$$\text{Потенциал энергия } W_u = \frac{kx^2}{2} = \frac{kA^2 \sin^2(\omega t + \varphi_0)}{2}.$$

756 (Э). Битта пружинага осилган турли массали жисмларнинг тебраниши фарқ қиласими? Қандай? Жавобни тажрибада текшириш.

Жавоби. Жисмнинг массаси катта бўлса, унинг тебраниш даври ҳам катта бўлади. $a = \frac{F}{m}$ формуладан, бир хил эластик-лий кучи таъсирида катта массали жисм кичик тезланишга эга бўлади ва, бинобарин, у секин ҳаракат қиласди. Буни динамометрга осилган турли массали жисмларни ҳаракатга келтириб текшириш мумкин.

757 (Э). Пружинага юқ осиб, уни чўзилмайдиган қилиб ушлаб турнилди. Агар пружинадан таянч олиб ташланса, юкнинг қандай ҳаракатланишини тушутириб беринг. Жавобингизни тажрибада текшириш.

Ечилиши. Юкни пастга эркин тушадиган қилиб қўйиб юборамиз. У ҳолда юк пружинани h катталикка чўзади, буни $\frac{kh^2}{2} = mgh$; $h = \frac{2mg}{k}$ муносабатдан аниқлаш мумкин.



237- расм.

Энергиянинг сақланиш қонунига кўра юк юқорига ҳаракатланиб h баландликка кўтарилади, яъни амплитудаси h га тенг бўлган тебранма ҳаракат қиласди. Агар юк пружинага осиб қўйилса, у пружинани x_{ct} (237-расм) катталикка чўзади. $mg = kx_{ct}$ бўлгани учун $k = \frac{mg}{x_{ct}}$ ва $h = 2x_{ct}$. Демак, юкинг тинч осилиб турган ҳолати унинг маркази бўлиб, бу тебранишлар маркази бўлади. Бу холосани „юмшоқ“ узун пружинада, масалан, „Архимед ҷелакчи“ деб аталган асбобда ишлатиладиган иружина ёрдамида текшириб кўриши мумкин.

758. Массаси $m = 1,00 \text{ кг}$ бўлган жисем бикрлиги $k = 400 \text{ н/м}$ бўлган пружина таъсирида горизонтал текисликда a стержень бўйлаб (238-расм) ишқаланишсиз тебранади. Энергиянинг сақланиш қонунидан фойдаланиб, жисмнинг тебраниши даврини аниқланг.

Ечилиши. Четки ҳолатларда жисмнинг барча энергияси потенциал энергия, ўртада эса кинетик энергия ҳисобланади. Энергиянинг сақланиш қонунига асоссан

$$W_{\text{п мак}} = W_{\text{k мак}};$$

$$W_{\text{п мак}} = \frac{kA^2}{2}; \quad W_{\text{k}} = \frac{mv^2}{2} = \frac{mA^2\omega^2 \cdot \cos^2 \omega t}{2}.$$

Мувозанат ҳолати учун $\omega t = 0$. Демак,

$$W_{\text{k мак}} = \frac{mA^2\omega^2}{2} = \frac{mA^22\pi^2}{T^2} \cdot x \cdot \frac{kA^2}{2} = \frac{mA^22\pi^2}{T^2},$$

бундан

$$T = 2\pi \sqrt{\frac{m}{k}} \approx 2 \cdot 3,14 \cdot \sqrt{\frac{1,00 \text{ кг}}{400 \text{ н/м}}} = 0,314 \text{ сек.}$$

759 (э). Резинка ипининг бикрлик коэффициенти k ни топинг ва унга осилган массаси $m = 100 \text{ г}$ бўлган юкинг тебраниши даврини ҳисобланг. Жавобни тажрибада текширинг.

Ечилиши. Масалада берилган саволларга жавоб бериш учун ўқувчиларда резинка ип, массаси 100 г бўлган юкча,



238- расм.

чиғич ва секундомер бўлиши керак. Юкни ипга осиб аввал k катталик ҳисоблаб топилади. k катталик сон жиҳатидан ипни узунлик бирлигига чўзадиган кучга тенг. Тажрибалардан бирда қўйидаги натижалар олинган. Ишининг дастлабки узунлиги $l_0 = 37 \text{ см}$, кейинги узунлиги $l_1 = 90 \text{ см}$. Буидан $\Delta l = 90 \text{ см} - 37 \text{ см} = 53 \text{ см}$.

$$k = \frac{F}{\Delta l} = \frac{1 \text{ Н}}{0,53 \text{ м}} \approx 0,019 \frac{\text{Н}}{\text{м}}.$$

$$T = 2\pi \sqrt{\frac{m}{k}} \approx 2 \cdot 3,14 \sqrt{\frac{0,1 \text{ кг}}{0,019 \frac{\text{Н}}{\text{м}}}} \approx 2,4 \text{ сек.}$$

Юкнинг 10—20 марта тўла тебраниши учун кетган вақти секундомер ёрдамида аниқлаб, ҳисоблаб топилган даврининг тажрибадан олинган натижага мос тушишинга ишонч ҳосил қилинади:

760*. 757- ва 758- масалаларнинг ечимларидаи фойдаланиб, вагонининг рессорларда тебранишлари даврини аниқланг. Вагонинийг статик ўтириши 250 мм га тенг.

$$\text{Ечилиши. } T = 2\pi \sqrt{\frac{m}{k}}; k = \frac{mg}{x_{ct}}.$$

$$\text{Демак, } T = 2\pi \sqrt{\frac{mx_{ct}}{mg}} \approx 2 \sqrt{x_{ct}}.$$

x_{ct} ни билган ҳолда жисмнинг эластик тебраниш даврини осон аниқлаш мумкин бўлган формулати топдик.

$$T = 2 \cdot \sqrt{0,25} = 1 \text{ сек.}$$

761 (э). Массалари 100, 300, 400 г юк солинган „Архимед челякласи“ таъсиридан пружинанинг тебраниш даврини $T = 2\sqrt{X_{ct}}$ формуладан фойдаланиб ҳисобланг, сўнгра тажрибада текшириб кўринг.

762. $T = 2\sqrt{\frac{m}{k}}$ формуладан фойдаланиб, математик маятникнинг тебранишлар даври формуласини чиқаринг.

Ечилиши. Математик маятник учун $k = \frac{mg}{l}$, шунинг учун

$$T = 2\pi \sqrt{\frac{m}{\frac{mg}{l}}} = 2\pi \sqrt{\frac{l}{g}}.$$

763. 758- масаланинг шарти ва ечимидаи фойдаланиб, пружинанинг эластиклик кучи ўзгарадиган қонуни топинг ва агар четки ҳолатларда жисм 2 жа энергияга ҳизга бўлса, мавжуд гармоник тебранма ҳаракат тенгламасини ёзинг.

Ечилиши. $F = -mA\omega^2 \sin(\omega t + \varphi_0)$.

$\varphi_0 = 0$ деб қабул қиласиз. Тебраниш амплитудаси A ни $W_n = \frac{kA^2}{2}$ формуладаи топамиз.

$$A = \sqrt{\frac{2W_0}{k}} = \sqrt{\frac{2 \cdot 2 \text{ ж}}{400 \text{ н/м}}} = 0,1 \text{ м};$$

$$F = -1 \text{ кг} \cdot 0,1 \text{ м} \frac{4\pi^2}{(0,314)^2 \cdot \text{сек}^2} \sin \frac{2\pi}{0,314 \cdot \text{сек}} t = -40 \sin 20t (\text{н}).$$

Шунга ўхшаш, масса, амплитуда ва даврнинг қийматларини силжиш, тезлик ва тезланишларнинг умумий формуласига қўйиб, қўйилагани ҳосил қиласиз:

$$x = 0,1 \sin 20t; v = 2 \cos 20t; a = 40 \sin 20t.$$

Шунингдек тезланиш формуласини куч формуласи $a = \frac{F}{m}$ даи фойдаланиб ҳосил қилиш мумкин.

764. Массаси $m = 0,1 \text{ кг}$ ва узунлиги $l = 1 \text{ м}$ бўлган математик маятник 5 см га четлатилди. Мувозанат ҳолатидан $x = 2 \text{ см}$ масофада у қандай тезлик v , тезланиш a ва потенциал энергия W га эга бўлади?

Ечилиши. Даставвал тебраниш даври T , бурчак частотаси ω ва маятникнинг мувозанат ҳолатидан бошлаб қилган ҳаракат вақти t ни топамиз:

$$T = 2\pi \sqrt{\frac{l}{g}} \approx 2 \cdot 3,14 \sqrt{\frac{1 \text{ м}}{9,8 \frac{\text{м}}{\text{сек}^2}}} \approx 2 \text{ сек}; \omega = \frac{2\pi}{2 \text{ сек}} = \pi \frac{1}{\text{сек}},$$

t ни топни учун $x = A \sin \omega t; 2 \text{ см} = 5 \text{ см} \cdot \sin \pi t$ формуладан фойдаланамиз, бундан

$$t \approx 0,13 \text{ сек}; v = A \omega \cos \omega t = 5 \text{ см} \cdot \pi \frac{1}{\text{сек}} \cos \pi t = 8,5 \frac{\text{см}}{\text{сек}}.$$

$$\text{Абсолют қиймат бўйича } a = A \omega^2 \sin \omega t \approx 20 \frac{\text{см}}{\text{сек}^2}.$$

$$W = \frac{kx^2}{2} = \frac{mgx^2}{2l} \approx 2 \cdot 10^{-4} \text{ ж.}$$

765 (э). Маятник ясанг ва тебранма ҳаракатнинг сўниши ортгандада унинг тебранишлар даври қандай ўзгаришини тажрибада текнириб кўринг. Сўнувчи тебранишларда энергия нималарга сарф бўлади?

Ечилиши. Тажриба учун столга суркалувчи чўткага эга бўлган маятник тебранишларининг сўнишидан, сувга қисман ёки тўлиқ ботирилган (шу жумладан пружинали) маятник тебранишларининг сўнишидан фойдаланиш мумкин.

Тажрибалардан бирда қўйидаги маълумотлар олинган эди. Маятникнинг узунлиги $l = 90 \text{ см}$, массаси $m = 100 \text{ г}$ (механикала берилиган тарози тошлари наборидан олинган). Ҳавода маятникнинг тебраниш даври $T = 1,9 \text{ сек}$. Тош сувда бўлганида маятникнинг тебраниш даври $T = 2,3 \text{ сек}$. Сўнувчи тебранишлар қанча кучли бўлса, унинг даври ҳам шунча катта бўлиши тажрибадан кўриниб турибди. Буни маятникка таъсир

этувчи ишқаланиш күчлари унинг ҳаракатини секнилаштиришидан ҳам билиш мумкин. Маятникнинг механик энергияси жисмнинг (хаво, сув, ип ва бошқалар) ички энергиясига айланади, бунда жисм қизиди.

4. Фаза силжиши. Тебранишларни қўшиш

Фаза ҳақидаги, айниқса фаза силжиши ҳақидаги тушунчаларни ўқувчилар яхши ўзлаштира олмайдилар. Фаза -- бу маълум бир вақтдаги тебранишни характерловчи физикавий катталиқдир. $x = A \sin(\omega t + \varphi_0)$ формуласига мувофиқ тебранишнинг ҳолатини, масалан, нуқтани мувозанат ҳолатидан четга оғиши билан характерлаш мумкин. A , ω ва φ_0 ларнинг берилган қийматларида x нинг қиймати $\varphi = \omega t + \varphi_0$ бурчак катталигидан бир қийматли топилгани учун тебранма ҳаракат тенгламаларидаги φ бурчак қийматини одатда фаза деб атайдилар.

t вақт давр улушлари билан ўлчаниши мумкин. Демак, фаза тебраниш бошлангандан ўтган давр улушига пропорционалдир. Шунинг учун тебраниш фазаси деб, тебраниш бошлангандан ўтган давр улушлари билан ўлчанадиган катталикка айтилади.

Гармоник тебранма ҳаракатларни қўшишга онд масалаларни кўпинча шартларни аста-секин қийнилаштира бориб график усула ечилади. Дастрлаб фақат амплитуда жиҳатидан фарқ қилувчи тебранишлар, сўнгра амплитуда ва бошлангич фаза жиҳатидан фарқ қилувчи тебранишлар ва ниҳоят амплитудаси, фазаси ва даврлари турлича бўлган тебранишлар қўшилади.

Бу масалаларнинг ҳаммаси бир типдаги масалалар бўлиб, ечин методикаси бўйича мурakkab эмас, бироқ чизмаларни синчиклаб аниқ бажаришни талаб қиласди. Жадваллар тузишини ва синусоидалар чизишни енгиллаштириш учун уларнинг шаблонларини картон ёки тунукдан қирқиб тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Бир трафаретда уч-тўртта синусоида ясаш мумкин. Бу мослама ўқувчилар диққатини синусоидаларнинг чизилишига эмас, балки тебранишларни қўшишга ва синусоидаларнинг ўзаро жойлашишига қаратиш имкониятини туттиради. Бироқ ўқитувчиларниң синусоида ва косинусоида графикларини чиза олимларига ишончи комил бўлиши керак. Ўқувчиларнинг асосий диққатини бир хил даврли ва фазали тебранишларни қўшишга қаратиш керак, бу уларнинг резонанс ҳодисасини тушунишларига имкон беради.

Ўқувчиларнинг математикадан олган билимларидан фойдаланиб, гармоник тебранишларни аналитик усула қўшишга онд қатор масалаларни ечиш мумкин. Бунда қўйидаги ҳоллар катта қизиқиш туғдиради:

1) Даврлари ва фазалари бир хил бўлган икки тебраниши қўшиш:

$$x = A_1 \sin \omega t + A_2 \sin \omega t = (A_1 + A_2) \sin \omega t.$$

Тебраниш амплитудалари бир хил ва турлича бўлиши мумкин.

2) Даврлари бир хил, бироқ амплитудалари ва фазалари ҳар хил бўлган икки тебранишини қўшиш. Умумий кўринишда бундай тебранишларни қўшиши натижаловчи сизжишини беради.

$$x = A_1 \sin(\omega t_1 + \varphi_1) + A_2 (\omega t_2 + \varphi_2) = A \sin(\omega t + \varphi),$$

бунда

$$A = \sqrt{A_1^2 + A_2^2 + 2A_1 A_2 \cos(\varphi_1 - \varphi_2)},$$

φ нинг қиймати эса

$$\operatorname{tg} \varphi = \frac{A_1 \sin \varphi_1 + A_2 \sin \varphi_2}{A_1 \cos \varphi_1 + A_2 \cos \varphi_2}$$

формуладан тоинлади.

Урга мактабда бу масалани бундай умумий кўринишда барча ўқувчилар билан бирга ечишга эҳтиёж йўқ. $A_1 = A_2$ ва фазалар фарқи $\varphi_1 - \varphi_2 = \pi$ ёки $\frac{\pi}{2}$ бўлганда хусусий ҳолни қараб чиқиш кифоя. Бу ҳол масалани (771- масалага, қаранг) ўқувчиларга тўлиқ тушунарли бўлишига имконият яратади ва ундан даврлари бир хил, лекин фазалари турлича бўлган иккита гармоник тебранишларнинг қўшилишидан ҳосил бўладиган тебранишлар ҳақида муҳим хуносалар чиқаришга тус-қинзик қўйтмайди.

766. Учаётган қушнинг қаноти бир хил фазада бўладими ёки турличами? Юриб бораётган одамнинг қўллари-чи? Теплохол тўлқинининг чуқур ва дўнг қисмига тушиб қолган иккита пайраха-чи?

Ечилиши. Саноқ боши, шунингдек ҳаракатнинг мусбат ва манфиий йўналиши (масалан, чапга ва паствга) ҳақида шартлашиб олиниб, учиб бораётган қушнинг қаноти бир томонга ва бир хил ҳаракатлашади, улар бир хил фазада бўлади; одамнинг қўли ва шунингдек пайрахалар мувозанат ҳолатдан бир хил масофага четлашган бўлиб, қарама-қарши томонларга ҳаракатлашади — турли, яъни „қарама-қарши“ фазаларда бўлади.

767 (Э). Иккита бир хил маятникни осиб, уларни турли томонига бир хил масофага оғдириб, тебранма ҳаракатга келтиринг. Юзага келган тебранишларнинг фазалар фарқи қандай? Вақт ўтиши билан фазалар фарқи камаядими?

Ечилиши. Маятникларнинг ҳаракати $x_1 = A \sin \omega t$; $x_2 = -A \sin \omega t = A \sin(\omega t + \pi)$ тенгламалар ёки умумий ҳолда $x_2 = A \sin(\omega t + 2k\pi)$ тенглама билан баён этилади, бунда $k =$

бутун сон. Берилгаш ҳаракатлар учун фазалар фарқи

$$\omega t + 2k\pi - \omega t = 2k\pi$$

вақт ўтиши билан ўзгармайды.

768 (Э). Узунликлари ҳар хил бўлган маятниклар олиб, аввалигига ўхшаш тажриба қилинг. Маятниклар бир хил йўналишда ҳаракатланадиган момент юзага келадими? Олинган маятниклар учун қанча вақт ўтгандан кейин бу ҳол содир бўлишини ҳисобланг.

Ечилиши. Ҳаракатлар тебраниш даврлари ва фазалари билан фарқ қиласидилар:

$$x_1 = A \sin \omega_1 t;$$

$$x_2 = A \sin (\omega_2 t + \pi).$$

Маятникларнинг тебраниш фазалари бир хил бўлганда, улар бир йўналишда ҳаракатланадилар:

$$\omega_1 t = \omega_2 t + \pi, \text{ бундан } t = \frac{\pi}{\omega_1 - \omega_2}.$$

769. 239- расмда тўртта тебранма ҳаракатнинг графиги берилган. Ҳар бир тебранма ҳаракатнинг бошланғич фазасини ва I ва II, I ва III, I ва IV; II ва III, II ва IV; III ва IV (21, № 528) тебранишлар учун фазалар силжишини аниқланг.

Ечилиши. 1- усул. Графикларда $t=0$ да тўртта маятникнинг тебранишлари кўрсатилган деб фараз қиласиз. I маятник тебрана бошлаганда II маятник энг четки ҳолатига четлашган, III маятник мувозанат ҳолатига қайтган, IV маятник эса қарама-қарин томонда энг четки ҳолатига четлашган бўлади. Бу мулоҳазалардан фазалар фарқи

$$\varphi_2 - \varphi_1 = \Delta\varphi_{21} = \frac{\pi}{2}; \quad \Delta\varphi_{31} = \pi; \quad \Delta\varphi_{41} = \frac{3}{2}\pi;$$


$$\Delta\varphi_{32} = \frac{\pi}{2}; \quad \Delta\varphi_{42} = \pi \text{ ва } \Delta\varphi_{43} = \frac{\pi}{2}$$

екани келиб чиқади.

2- усул. Барча тебранишлар гармоник бўлгани учун уларни

$$x = A \sin (\omega t + \varphi_0) \quad A \sin \varphi$$

тенглама кўринишida ёзиш мумкин.



239- расм.

Барча тебранишларни бирор аниқ вақтда, масалан, $t = 0$ да қараб чиқамиз. Бунда x нинг ишораси тригонометрик функцияниң ишораси билан аниқланишини эътиборга оламиз. А нинг қиймати абсолют қиймат бўйича, яъни мусбат ишорада олинади.

I. $x_1 = 0; 0 = A \sin \varphi_1$; чунки бундан кейинги вақт моментларида $x > 0$, бинобарин, $\varphi > 0$, шунинг учун $\varphi_1 = 0$.

II. $x_2 = A; A = A \sin \varphi_2$; $\sin \varphi_2 = 1$; $\varphi_2 = \frac{\pi}{2}$.

III. $x_3 = 0; 0 = A \sin \varphi_3$; чунки кейинги вақт моментларида $x < 0$, бинобарин, $\varphi > \pi$, $\varphi_3 = \pi$.

IV. $x_4 = -A; -A = A \sin \varphi_4$; $\sin \varphi_4 = -1$; $\varphi_4 = \frac{3}{2} \pi$.

Тегишли ҳисоблашларни бажариб, биринчи ечимда олган $\Delta\varphi_{21} = \frac{\pi}{2}$, $\Delta\varphi_{31} = \pi$ ва ҳоказо натижани оламиз.

Иккинчи ечимининг узундан-узоқ бўлишига қарамай, ундан ўқувчиларда гармоник тебранма ҳаракат тенгламасини қўллаш малакасини шакллантиришда фойдаланиш керак.


770. Даврлари ва фазалари бир хил, бирининг амплитудаси $A_1 = 2,5 \text{ см}$, иккincinnиши $A_2 = 5 \text{ см}$ бўлган иккита тебранма ҳаракатни қўшинг. Натижаловчи тебранма ҳаракат қандай амплитудага эга бўлади?

Ечилиши. I. усул. I ва II тебранишларниң синусоидаси. чизилади (240- расм).

Жадвал бўйича синусоида чизганда фазанинг; $0, 45^\circ, 90^\circ$ ва бошқа 9 та характерли қийматларини олиш кифоя. Натижаловчи тебраниш амплитудаси, биринчи ва иккинчи тебранишлар амплитудалари йигинидиси каби ўша фазалар учунгина топилади (III график).

2- усул.

$$A_1 \sin \omega t + A_2 \sin \omega t = (A_1 + A_2) \sin \omega t = A \sin \omega t.$$



240- расм.

Демак, натижаловчи тебраниш амплитудаси $A = 2,5 \text{ см} + 5 \text{ см} = 7,5 \text{ см}$ ва тебраниш $x = 7,5 \sin \omega t$ қонуни бўйича бажарилади. Тригонометрик жадваллардан фойдаланиб, берилган формула бўйича натижаловчи тебраниш синусоидаси чизилади.

771. Даврлари ва амплитудалари бир хил бўлган иккита тебранишни қўшинг. Бунда қийидаги ҳолларни кўринг: тебра-

нишлар бир-бiriдаи фаза бүйича фарқ қилмайды; фазалар фарқы $\pi/2$ га тенг; фазалари π га фарқ қилады.

Ечилиши. 1- усул. Биринчи ҳол ($\Delta\varphi = 0$) буидан аввалги масалада берилған ҳолга ўхшаш бўлиб, алоҳида тушунтиришларни талаб қилмайды.

Иккинчи ҳол учун ($\Delta\varphi = \frac{\pi}{2}$) тебранишларни қўшиш 241-*a* расмда кўрсатилган.

Фаза бўйича π га фарқ этувчи тебранишларни қўшиш 241-*b* расмда кўрсатилган.

2- усул. Ҳар бир ҳол учун натижаловчи тебраниш тенгламасини келтириб чиқарамиз: $x = A \sin \omega t + A \sin \omega t = 2A \sin \omega t$. Натижаловчи тебраниш аввалгидек частотага ва икки марта катта амплитудага эга.

Иккинчи ва учинчи ҳол учун қуйидаги тенгламаларни ёзиш мумкин:

$$x = A \sin(\omega t + \varphi_0) + A \sin \omega t = A 2 \sin \left(\frac{\omega t + \varphi_0 + \omega t}{2} \right) \times \\ \times \cos \left(\frac{\omega t + \varphi_0 - \omega t}{2} \right) = 2A \sin \left(\omega t + \frac{\varphi_0}{2} \right) \cos \frac{\varphi_0}{2},$$



бунда φ_0 — икки тебраниш орасидаги фазалар фарқи.

$$\varphi_0 = \frac{\pi}{2} \text{ да тенглама } x = 2A \cos \frac{\pi}{4} \sin \left(\omega t + \frac{\pi}{4} \right) = \\ = \sqrt{2} A \sin \left(\omega t + \frac{\pi}{4} \right) \approx 1,41 A \sin \left(\omega t + \frac{\pi}{4} \right) \text{ кўринишни олади.}$$

Бу формуладан фазалар бўйича фарқ қилувчи бир хил даврли икки гармоник тебранишларни қўшганда шундай даврли, бироқ амплитуда ва бошланғич фазаси қўнилувчи тебранишларнига қараганда бошқачароқ бўлган гармоник тебранишлар ҳосил бўлиши кўриниб турибди.

$\varphi_0 = \pi$ да $x = 0$. Демак, қўшиш натижаси фазалар фарқига боғлиқ. Фазалар фарқи $\Delta\varphi = \pi$ ва амплитудалар тенг бўлганда бир тебраниш иккинчисини бутунлай „сундиради“.

Ечимларни анализ қилиб, қўшилувчи тебранишларниң фазалар фарқи ноль (резонанс) бўлган ҳолда натижаловчи тебранишнинг энг катта амплитудага эга бўлишига алоҳида эътибор бериш керак.



241- расм.

772. Кеманинг чайқалини тўлқининг тебраниш даврига қандай боғлаиган?

Жавоби. Тўлқининг тебраниш даври кеманинг хусусий тебраниши даврига мос келганда чайқалиш энг катта бўлади.

773. Нима учун каръердан тош, қум ва ҳоказолар ташибдиган самосваллар юрадиган йўлларда вақт ўтиши билан даврий такрорланиб турувчи чуқурчалар ҳосил бўлади?

Жавоби. Сезиларсиз иотекисликнинг бўлиши маълум тебраниш даврига эга бўлган кузовнинг ҳаракатга келишига сабаб бўлади, натижада самосвал ҳаракатланганда тупроқда даврий равишда кучли ва кучсиз юкланиш юзага келади, бу эса йўлда чуқурчалар ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

774. 760- масала ечимида фойдаланиб, ҳаракат тезлиги v қандай бўлганда вагоннинг энг катта вертикаль тебраниши юзага келишини аниқлаанг. Рельсининг узушилиги $l \text{ м.}$

Ечилиши. Вагоннинг тебраниш даври $T = 1 \text{ сек.}$

Агар шу тебраниш частотаси билан гидравликнинг рельс туташмаларига урилиши мос тушса, у ҳолда резонаанс юз беради.

$$v = \frac{l \text{ м}}{1 \text{ сек}} = l \frac{\text{м}}{\text{сек}} \quad (775-\text{ масалага қаранг}).$$

775. Тебранувчи жисмининг хусусий частотаси мажбурий куч частотасига тенг бўлгандагина мажбурий тебраниш энг катта ўлчамга эга бўлади деб айтилган даъво тўғрими? Даъвони таасиқлашига мисоллар келтиринг.

Жавоби. Гармоник қонун бўйича ўзгармасдан балки даврий қонун бўйича ўзгарадиган куч даври, жисмининг хусусий давридан бутун сои марта кичик бўлган ҳолда ҳам резонаанс содир бўлиши мумкин.

Арғимчоқин тебратганда унга айрим тебратишларда таъсир этувчи даврий турткilar мисол бўлиши мумкин. Шунга мувофиқ олдинги масаланинг жавобини ойдинлаштириш керак. Резонаанс, поезднинг тезлиги $v = l \text{ м/сек}$ бўлгандагина эмас, балки ундан n марта катта бўлган тезликда ҳам содир бўлиши мумкин, бунда n — бутун сои.

5. Тебранишларнинг эластик муҳитда тарқалиши. Тўлқинлар

Бу темада асосан турли муҳитларда товуш тўлқинларининг тарқалиши ҳақидаги масалалар ечилади. Масалаларнинг асосий типлари қўйидаги формулалар бўйича ечилади.

1. $s = at$. Бу формулага мувофиқ тўлқин босиб ўтган s масофа, t вақт ва у ёки бу муҳитда тебранишининг тарқалиш тезлиги a топиладиган масалалар тузилади ва ечилади. Бунида a тезлик тушунчасининг нуқтанинг гармоник тебраниш тезлиги

у дан кескин фарқ қилишини ўқувчилар онгига сингдириш керак, а тезлик берилган мұхит учун ўзгармас катталиктады. Бұт тезлик фазода түлқиннің бирор-бір фазаларининг тарқалиш тезлігіні харakterлагани учун уиін фазавий тезлик ҳам деб іоритилады.

Гармоник тебранма ҳаракат тезліги v эса ўзгарувчан катталиктады. Ү $v = A \omega \cos(\omega t + \varphi_0)$ қонун бүйіча ўзгаради. Бұт t вақтдаги нүкта тебранишнің оный тезлігі.

2. $\lambda = aT; T = \frac{1}{f}$, бунда f — тебраниш частотасы (ғәд да).

Бу тема бүйіча масалалар етгандың даставвал асосий формула сифатида $\lambda = aT$ формуладан фойдаланып мақсадға мұвофиқтар (бу формуладан кейинчалик керакты ҳосилавий ифолалар олинады: $\lambda = \frac{a}{f}; f = \frac{a}{\lambda}$ ва бошқалар), чунки бу бөрлашиш аёний талқын этишгә имкон беради: λ түлқин узунлик a тезликли түлқин жараённің T вақтдаги тарқалған мағасасынша тең.

3. $x = A \sin \omega \left(t - \frac{l}{a}\right)$ түлқин тенглама, бунда A — тебраниш амплитудасы, t — саноқ бошланған вақт, l — тебраниш марказидан нүктеге бір мұрагердің орналасуынан шынайынан ажыратылған тарқалиш тезлігі.

Ұқувчилар түлқин тенгламасын гармоник тебранма ҳаракат тенгламасы $x = A \sin(\omega t + \varphi_0)$ билан қалкастырылғандар керак, чунки гармоник тебранма ҳаракат тенгламасы бир нүктесінде мұвозанат ҳолатдан четте силжишини харakterласса, шу вақтда түлқин тенгламасы түрли нүктелердегі түлқиннің тарқалиши йұналишида мұвозанат ҳолатдан четләнешини ифодалайды. Түлқин тенгламасы күп ҳолларда табиатда яққол құрыш мүмкін бүлған (шнурдагы түлқин, сувдаги түлқин вәжібкоз) манзаралынан чызыла, гармоник тебранма ҳаракат тенгламасы эса x силжишиннің t вақттағы бөрлиқтігіннің математик ифодасынан харakterлайды.


Товуш ҳақида масалалар етгандың рояль интерваллари мисолида музика интерваллары ҳақидағы түшүнчәні киритиш мақсадға мұвофиқтар.

Иккі хил мусиқий тоң тебранишларининг нисбати үлар орасындағы интервал деб аталады. Агар бу нисбат 2 га тенг бўлса, у ҳолда тоналар оқтавага фарқ қиласы дейилади.

776. Ховузининг ўртасында копток сузиб юрибди. Бола коптокни қырғоққа ҳайдаш учун ёғоч билан түлқин ҳосил қиласы. У шу йўл билан коптокни четте чиқара оладими?

Жаһобий. Йўқ. Күндаланған түлқиннің тарқалиши йұналишида мөддий нүкта силжимайды.

777. „Чуюнда товушининг тарқалиши тезлігінің биринчи марта француз олимі Био құйындағы аниқлаган зерттеуші. Чуюн трубанинг бир учыда занғ урилди, бунда трубанинг иккинчи учы-



жинсли мұхитда $s = at$ формулага мұвоғиқ текис тарқалади. Товушнинг ҳавода тарқалиш вақти $t_x = \frac{s}{a_x}$; чүнди тарқалиш вақти әса $t_q = \frac{s}{a_q}$. Шартта күра $t_x - t_q = \frac{s}{a_x} - \frac{s}{a_q} = 2,5$ сек. Бұй формулага катталикларнинг сон қийматларини қўйиб, қўйидагини топамиз: $a_q = 3950$ м/сек.

778. Ўқувчи, $a = \frac{\lambda}{T}$ бўлгани учун узун тўлқинлар катта тезлик билан тарқалади деб жавоб беради. Ўқувчининг бу жавоби тўғрими? Ўзингизнинг жавобингизни мисоллар билан асосланг.

Жавоби. Нотурни, бирор мұхитда тебрашаётган тўлқиннинг узунлиги қанча катта бўлса, даври ҳам шунча марта катта бўлади. Шунишг учун частотаси ҳар хил бўлган тебрашишларнинг тарқалиш тезлигини бир хил бўлади. Акс ҳолда биз концерт залида дастлаб паст, сўнгра баланд товушларни эшигтан бўлур эдик.

779. 242- расмда тасвирланган эгри чизик темирда товушнинг тўлқин узунлиги тебраниш частотасига боғлиқ ҳолда қандай ўзгаришини кўрсатади ($t = 20^\circ\text{C}$ да). Графикдан товушнинг темирда тарқалиш тезлигини аниқланг. Товуш тезлигининг катталиги тўлқин узунликка боғлиқми?

Ечилиши. 100, 200 ва 600 м тўлқин узунлик учун товуш тезлигини аниқлаймиз.

$$a_1 = 100 \text{ м} \cdot \frac{1}{50 \text{ сек}} = 5000 \text{ м/сек}, \quad a_2 = 200 \text{ м} \cdot \frac{1}{25 \text{ сек}} = 5000 \text{ м/сек}, \\ a_3 = 500 \text{ м} \cdot \frac{1}{10 \text{ сек}} = 5000 \text{ м/сек}.$$

Товуш тезлиги тўлқин узунликка боғлиқ эмас.

¹ А. Б. Пёришкин ва бошқалар. Физика, VIII синф учун дарсланк. М., Просвещение, 1965, 17- бет.

даги кузатувчига иккита товуш: дастлаб чўян бўйлаб келгай бир товуш, бироз вақт ўтгандан сўнг ҳаво бўйлаб келган иккинчи товуш эшигтildi. Трубанинг узуилиги 930 м, етиб келган товушлар орасидаги вақт оралиги әса 2,5 сек бўлган. Берилган маълумотларга кўра товушнинг чўянда тарқалиш тезлигини топинг. Ҳавода товушнинг тарқалиш тезлигини 340 м/сек деб олинг¹.

Ечилиши. Товуш бир

жинсли мұхитда $s = at$ формулага мұвоғиқ текис тарқалади.

Тарқалиш тезлигидан тарқалиш вақти $t_x = \frac{s}{a_x}$; чўнда тарқалиш

вақти әса $t_q = \frac{s}{a_q}$. Шартга кўра $t_x - t_q = \frac{s}{a_x} - \frac{s}{a_q} = 2,5$ сек. Бу

формулага катталикларнинг сон қийматларини қўйиб, қўйидагини топамиз: $a_q = 3950$ м/сек.

778. Ўқувчи, $a = \frac{\lambda}{T}$ бўлгани учун узун тўлқинлар катта тезлик билан тарқалади деб жавоб беради. Ўқувчининг бу жавоби тўғрими? Ўзингизнинг жавобингизни мисоллар билан асосланг.

Жавоби. Нотурни, бирор мұхитда тебрашаётган тўлқиннинг узунлиги қанча катта бўлса, даври ҳам шунча марта катта бўлади. Шунишг учун частотаси ҳар хил бўлган тебрашишларнинг тарқалиш тезлигини бир хил бўлади. Акс ҳолда биз концерт залида дастлаб паст, сўнгра баланд товушларни эшигтан бўлур эдик.

779. 242- расмда тасвирланган эгри чизик темирда товушнинг тўлқин узунлиги тебраниш частотасига боғлиқ ҳолда қандай ўзгаришини кўрсатади ($t = 20^\circ\text{C}$ да). Графикдан товушнинг темирда тарқалиш тезлигини аниқланг. Товуш тезлигининг катталиги тўлқин узунликка боғлиқми?

Ечилиши. 100, 200 ва 600 м тўлқин узунлик учун товуш тезлигини аниқлаймиз.

$$a_1 = 100 \text{ м} \cdot \frac{1}{50 \text{ сек}} = 5000 \text{ м/сек}, \quad a_2 = 200 \text{ м} \cdot \frac{1}{25 \text{ сек}} = 5000 \text{ м/сек}, \\ a_3 = 500 \text{ м} \cdot \frac{1}{10 \text{ сек}} = 5000 \text{ м/сек}.$$

Товуш тезлиги тўлқин узунликка боғлиқ эмас.

¹ А. Б. Пёришкин ва бошқалар. Физика, VIII синф учун дарсланк. М., Просвещение, 1965, 17- бет.

780. Ҳавода тарқалған товушни сув, ер ва пўлат орқали ўзгаринисиз эшитиш мумкин. Буни қандай тушунтириш мумкин, ахир частота $f = \frac{a}{l}$, товушинг сувдаги, айниқса пўлатдаги тезлиги ҳаводаги тезлигидан бир неча марта катта-ку?

Жавоби. Тўлқин узунилк неча марта ортса, тебранишнинг тарқалиш тезлиги шунчак марта ортади. Шунинг учун тебраниш частотаси ўзгармайли.

781. Стержендаги бўйлама тўлқин тезлигини $a = \sqrt{\frac{E}{\rho}}$ формуладан топиш мумкин, бунда E – эластиклик модули (Юнг модули), ρ – мұхит зичлиги. Бу формуланиң ундаги катталикларнинг ўлчамлиги ёрдамида текшириб кўринг. Формула бўйича алюминийда товушнинг тарқалиш тезлигини ҳисобланг.

Ечилиши. Формуланинг чап томонидаги ўлчамлик *м/сек*, ўнг томондагиси эса

$$\sqrt{\frac{\frac{H}{M^2}}{\frac{Kg}{M^3}}} = \sqrt{\frac{H \cdot M^3}{M^2 \cdot Kg}} = \sqrt{\frac{Kg \cdot M \cdot M}{сек^2 \cdot Kg}} = \frac{M}{сек},$$

яъни формуланинг ҳар иккى қисмидаги ўлчамлик бир хил бўлиб, бу формуланинг тўғрилигини (гарчи тўлиқ бўлмаса да) характеристловчи етарли шарт ҳисобланади.

Алюминий учун

$$a = \sqrt{\frac{0,70 \cdot 10^{11} \frac{H}{M^2}}{9,7 \cdot 10^3 \frac{Kg}{M^3}}} = 5,2 \cdot 10^3 \text{ м/сек}$$

бўлиб, жадвалда кўрсатилгандек товушнинг алюминийдаги тезлиги қиймати билан мос тушади.

782. Частотаси $f = 500$ гц ва амплитудаси $A = 0,25$ мм бўлган товуш тебраниши ҳавода тарқалади. Тўлқин узунилти $k = 70$ см. Ҳавода тебранишларнинг тарқалиш тезлигини ва зарраларнинг максимум тезлигини топинг (18, № 12, 57).

Ечилиши. Тебранишларнинг тарқалиш тезлиги $a = \frac{s}{T} = \lambda f = 0,70 \frac{1}{50 \text{ сек}} = 350 \text{ м/сек}$. Зарра тебраима ҳаракатининг максимум тезлиги

$$v = \omega A = 2\pi f \cdot A = 2 \cdot 3,14 \cdot 500 \text{ сек}^{-1} \cdot 0,25 \cdot 10^{-3} \text{ м} = 0,785 \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$

Олинган маълумотларни анализ қилиб, ўқувчилар диккатини a ва v катталикларнинг турли қийматга эга эканлигига жалб қилиш керак. Ушбу ҳолда фазавий тезлик тебранувчи ҳаво заррасининг силжинишидаги максимум тезлигидан юзлаб марта каттадир.

783. Түлкүн резина шнур бүйлаб 2 гц частотада 3 м/сек тезлик билан тарқалади. Бир-биридан 75 см масофада турган нүкталар қаңдай фазада бўлади? (22, № 525)

Ечилиши. 1- усул. Түлкүн узунликий аниқлаймиз: $\lambda = \frac{a}{f} = \frac{3 \text{ м/сек}}{2 \text{ сек}^{-1}} = 1,5 \text{ м}$. Нүкталарниг қарама-қарши фазаларда тебраниши тушунарли, чунки $0,75 \text{ м} = \frac{\lambda}{2}$;

2- усул. $x_1 = A \sin \omega t$; $x_2 = A \sin (\omega t - \frac{\omega l}{a})$. Фазалар фарқи

$$\Delta\varphi = \frac{\omega l}{a} = \frac{2\pi l}{Ta} = \frac{2 \cdot 180^\circ \cdot 0,75 \text{ м}}{\frac{1}{2} \text{ сек} \cdot 3 \text{ м/сек}} = 180^\circ.$$

Демак, нүкталар қарама-қарши фазаларда тебранади.

784*. Рояль 7 та оқтавага эга. Энг наст тои $la_1 \sim 27 \text{ гц}$; Башка оқтаваларда la тоңга қаңдай частота мос келади?

Ечилиши. $la_0 = 27 \text{ гц} \cdot 2 = 54 \text{ гц}$; $la_1 = 54 \text{ гц} \cdot 2 = 108 \text{ гц}$;

$$la_2 = 108 \text{ гц} \cdot 2 = 217 \text{ гц}; la_3 = 217 \text{ гц} \cdot 2 = 435 \text{ гц};$$

$$la_4 = 435 \text{ гц} \cdot 2 = 870 \text{ гц}; la_5 = 870 \text{ гц} \cdot 2 = 1740 \text{ гц};$$

$$la_6 = 1740 \text{ гц} \cdot 2 = 3480 \text{ гц}.$$

785*. Агар la_3 иотага 435 гц частота мос келса, 3- оқтаваништасосий иоталарига мос келувчи тебранишлар сонини ҳисобланг, оқтава тоналари орасида қўйидаги муносабат мавжуд:

do_3	re_3	mi_3	fa_3	sol_3	la_3	si_3	do_4
1	$9/8$	$5/4$	$4/3$	$3/2$	$5/3$	$15/8$	2

Ечилиши. $do_3 = \frac{435 \text{ гц}}{\frac{5}{3} \cdot 2} = 261 \text{ гц}$. Шунга ўхшашиб қўйидагиларни топамиз: $re_3 = 294 \text{ гц}$; $mi_3 = 326 \text{ гц}$; $fa_3 = 348 \text{ гц}$; $sol_3 = 392 \text{ гц}$; $si_3 = 489 \text{ гц}$ ва $do_4 = 522 \text{ гц}$.

786*. Одам қулоғи эшитадиган товуш нечта оқтавадан иборат?

Ечилиши. 1- усул. Одам қулоғи 16 дан 20000 гц гача бўлган товушларни эшитади. Биринчи оқтава 32 гц гача, иккичинчи 64 гц гача ва ҳоказо частоталарга эга эканини ҳисоблаш қийин эмас. Ҳаммаси бўлиб тахминан 10 та оқтава.

2- усул. Оқтавалар сонини бевосита ҳисоблаш ўринига қўйидаги боғланишдан фойдаланиш мумкин: $16 \text{ гц} \cdot 2^n = 20000 \text{ гц}$. Мавжуд ифодаларни логарифмлаймиз:

$$\lg 16 \cdot n \lg 2 = \lg 20000; n = \frac{\lg 20000 - \lg 16}{\lg 2} = 10,3 \text{ (октава).}$$

787*. Зўрга эшитиладиган шарла товуши 1000 гц да $I_o = 10^{-9} \text{ эрг/см}^2 \cdot \text{сек}$ товуш кучига эга, кучли момақалдироқ эса товуни кучи $I = 10^{-3} \frac{\text{эрг}}{\text{см}^2 \cdot \text{сек}}$ бўлган тўлкунни юзага келти-

ради. Бу ҳоллар учун нормал шароитда товуш түлкінің ұзғасынан максимум тезлигі ва силжиш амплитудасын анықланғ.

Ечилиши. Түлкінде зарранинг тебранма ҳаракат энергиясы $\frac{mv^2}{2}$ га тең, бунда v — зарранинг мувозанат ҳолатдаги максимал тезлиги. Агар товуш тезлигі $a \text{ см/сек}$ бўлса, у ҳолда 1 см^2 юз орқали ўтувчи түлкін 1 сек дан кейин $a \text{ см}$ масофага тарқалади ва $a \text{ см}^3$ ҳажмдаги барча зарралар $\frac{mv^2}{2}$ энергияга эга бўлади. Фараз қилайлик, 1 см^3 ҳажмда n зарра бўлсин, у ҳолда 1 сек даги энергия оқими ёки товуш кучи $I = \frac{nmv^2}{2} \cdot a$ бўлади. Бироқ nm — ҳавонинг ризичлигини ифодалайди, шунинг учун товуш кучи $I = \frac{pv^2}{2} \cdot a$ га теңг. Бу формулани унга кирувчи каттапликларининг ўлчамларни ёрдамида текширамиз. Товуш кучи $\frac{\text{эрз}}{\text{см}^2 \cdot \text{сек}}$ ларда ўлчанади. Формуланинг ўнг қисмининг ўлчамлиги

$$\frac{2}{\text{см}^3} \cdot \frac{\text{см}^2}{\text{сек}^2} \times \frac{\text{см}}{\text{сек}} = \frac{\text{дин} \cdot \text{см}}{\text{см}^2 \cdot \text{сек}} = \frac{\text{эрз}}{\text{см}^2 \cdot \text{сек}}.$$

Шундай қилиб, формуланинг ўнг ва чап қисмининг ўлчамларни мос тушади, бу формуланинг түғрилигини исботлашда етарли шарт бўлмаса-да, жуда муҳим ҳисобланади.

Биринчи ҳолда зарра тебранма ҳаракатининг максимал тезлиги

$$v_1 = \sqrt{\frac{2I}{\rho a}} = \sqrt{\frac{2 \cdot 10^{-9} \frac{\text{эрз}}{\text{см}^2 \cdot \text{сек}}}{0,00129 \frac{2}{\text{см}^3} \cdot 332 \cdot 10^2 \frac{\text{см}}{\text{сек}}}} = 6,9 \cdot 10^{-6} \frac{\text{см}}{\text{сек}}.$$

Тебраниш амплитудаси

$$A_1 = \frac{v_1}{\omega} = \frac{v_1}{2\pi f} = \frac{6,9 \cdot 10^{-6} \frac{\text{см}}{\text{сек}}}{2 \cdot 3,14 \cdot 1000 \frac{1}{\text{сек}}} = 10^{-9} \text{ см.}$$

Шунга ўхшаш иккичи ҳол учун қуйидагиларни топамиз:

$$v_2 = 6,9 \cdot 10^{-3} \frac{\text{см}}{\text{сек}} \text{ ва } A_2 = 1,1 \cdot 10^{-6} \text{ см.}$$

782-масаладаги сингари, ўқувчилар диққатиши товуш тебранишларыда ҳаво зарраларининг жуда кичик масофаларга, яъни молекулаларнинг ўлчамига яқин бўлган масофаларга силжинига, уларнинг тебранма ҳаракатининг максимум тезлиги эса, товунийнг тарқалиш тезлигидан юз ва ҳатто миллион марта кам бўлиши мумкин эканлигига қаратиш керак.

6. Тұлқинлар интерференцияси ва дифракцияси

Интерференцияга оид масалалар ечилгандың үзгармас фазалар фарқига эта бўлган бир хил частотали ва бир хил йўналишдаги тебранишлар берувчи „когерент“ манбалар томонидан яратиладиган тұлқин интерференциясининг баъзи бир хусусий, лекин муҳим бўлган ҳоллари қаралади.

Тұлқинлар интерференциясида тұлқинлар фаза бўйича мос тушса тебраниш кучаяди, фазалар π ёки $(2\pi + 1)\pi$ га фарқ қилиса тұлқинлар бир-бириниң сўндиради, бунда n — бутуи сони (№ 789).

Агар тебранишлар муҳитининг бирор иштасига l_1 ва l_2 ма-софаларда жойлашган иккита когерент манбалардан келса, у ҳолда қуйидаги тұлқин тенгламаларини ёзиш мумкин:

$$x_1 = A_1 \sin \omega \left(t - \frac{l_1}{a} \right); \quad x_2 = A_2 \sin \omega \left(t - \frac{l_2}{a} \right).$$

Фазалар фарқи $\Delta\varphi = \frac{\omega l_2}{a} - \frac{\omega l_1}{a} = \frac{2\pi}{T a} (l_2 - l_1)$; $a = \frac{\lambda}{T}$; шунинг учун $\Delta\varphi = \frac{2\pi T}{T\lambda} (l_2 - l_1) = \frac{2\pi (l_2 - l_1)}{\lambda}$ катталикка тұлқинларниң йўл айрмаси дейилади.

Агар $\Delta\varphi = \frac{2\pi (l_2 - l_1)}{\lambda} = 2n\pi$ бўлса, у ҳолда тебранишларниң максимум кучайиши содир бўлади. Бу ҳол учун $l_2 - l_1 = n\lambda$, яъни йўл айрмаси тұлқин узуилигининг бутуи сонига тенг.

Агар $\Delta\varphi = \frac{2\pi (l_2 - l_1)}{\lambda} = (2n + 1)\pi$ бўлса, у ҳолда тебранишлар кўининча бир-бириниң сўндиради. Бу ҳол учун $l_2 - l_1 = (2n + 1) \frac{\lambda}{2}$, яъни йўлтар айрмаси ярим тұлқин узуилигининг тоқ сонига тенг.

Частоталари бир хил бўлган, бир-бирига қарама-қарши йўналган иккита тұлқинниң қўшилишидан ҳосил бўлган интерференция катта қизиқиш туғдиради. Бу ҳолда турғун тұлқинлар ҳосил бўлади. Демак, турғун тұлқинлар бирор-бир тўсиққа тушувчи ва қайтувчи тұлқинларниң қўшилиши натижасида ҳосил бўлади. Турғун тұлқинлар ҳосил бўлишининг бундай ҳоли торларда, эластик стерженларда ва ҳаво устунарида турғун тұлқинлар ҳосил бўлиши мисолида масалалар ечганда бирмунча батафсилроқ қараб чиқилади.

Тұлқин қўзғалмас девордан қайтганда фаза жиҳатидан π бурчакка орқада қолади (ярим тұлқин йўқотади). Бу ҳодисани юзага келтириш ва сўнгра масала ечганда ундан фойдаланини мумкин.

Агар ясси тұлқин үзининг тұлқин узуилигига қараганда катта бўлган ясси сиртга тушса, у ҳолда түшиш бурчаги қайтиш



бүрчагига тенг бўлади, буни катта сиртлардан қисқа импульсларнинг қайтишини кузатиш ёрдамида текшириш мақсадга мувофиқдир.

Тўлқинлар дифракцияси ҳодисаси сифат жиҳатидан қаралади.

788. Эластик пластинка—вибратор ёрдамида (243-расм) сув сиртида иккита тўлқин ҳосил қилинади. Тўлқинлар интерференцияси натижасида ҳосил бўлган чуқурлик ва дўнгликлар ҳолатини чизма орқали аниқланг. Когерент манбалар орасидаги масофа 10 см, тўлқин узунлик 5 см.

Ечилиши. Дафтарнинг тўлиқ бетига *a* ва *b* когерент манбаларни белгилаймиз (244-расм) ва уларнинг ҳар бирининг атрофига радиуслари $R_1 = \frac{\lambda}{2}$; $R_2 = \lambda$; $R_3 = \frac{3}{2}\lambda$ ва ҳоказо бўлган концентрик айланалар чизамиз. Радиуси тоқ ярим сонли тўлқинларга тенг бўлган айланани пунктир, жуфт ярим сонли тўлқинларга тенг бўлган айланани эса туташ чизик билан чизамиз. Айланаларнинг *a*б чизиқда ва ундан юқорида кесишган нуқталарни кетма-кет қараб чиқамиз. Йўллар айирмаси жуфт ярим сонли тўлқинларга тенг бўлган (дўнглик) нуқтани, масалан, доирачалар билан, тоқ ярим сонли тўлқинларга тенг бўлган (чуқурлик) нуқтани эса, крест билан белгилаймиз. Натижада 244-расмда кўрсатилган манзарани ҳосил қиласиз. *ab* чизиқдан пастга жойлашган соҳалар учунечимни симметриялар мулоҳазасидан топамиз.

243- расм.



244- расм.

789. 788- масаланинг шарти бўйича *a* ва *b* тебраниш манбаларидан мос ҳолда: а) $l_1 = 50$ ва $l_2 = 40$ см; б) $l_3 = 50$ ва $l_4 = 32,5$ см ва в) $l_5 = 45$ ва $l_6 = 61,25$ см масофаларда жойлашган нуқталардаги тўлқин интерференцияларидан ҳосил бўлган тебраниш амплитудаларини аниқланг. Кўрсатилган нуқталардаги қўшилувчи тебранишларнинг амплитудаларини бир хил деб ҳисобланг.

Ечилиши. Түлқин узунликнинг йўл айирмасини аниқлаймиз ва уни түлқин узуилик билан солиштирамиз. а) $\frac{l_1 - l_2}{\lambda} = \frac{50 \text{ см} - 40 \text{ см}}{5 \text{ см}} = 2$. Йўллар айирмаси бутун сонли түлқинга тенг, демак, натижаловчи тебраниш амплитудаси интерференцияланувчи түлқин амплитудасидан икки марта катта.

б) $\frac{l_3 - l_4}{\lambda} = \frac{50 \text{ см} - 32,5 \text{ см}}{5 \text{ см}} = 3,5$. Йўл айирмаси тоқ ярим сонли түлқинга тенг, бунда тебраниш бир-бирини сўндиради. Амплитуда 0 га тенг. в) $\frac{l_5 - l_6}{\lambda} = 3,25$. Фазалар фарқи $\Delta\varphi = 6\pi + \frac{\pi}{2}$.

Хисоблашларнииг осон бўлиши учун $\Delta\varphi = \frac{\pi}{2}$ деб ҳисоблаб, ушбу тебранишларни қўшиб чиқамиз. $x_1 = A_0 \sin \omega t$, $x_2 = A_0 \sin (\omega t + \frac{\pi}{2})$; $x = x_1 + x_2 = 1,41 A_0 \sin (\omega t + \frac{\pi}{4})$;

$$A = 1,41 A_0 \quad (771\text{- масалага қараинг}).$$

790*. С нуқта (245- расм) A ва B тебраниш манбаларидан $AC \gg AB$ масофага узоқлаштирилган. Бу ҳолда түлқиннинг нуқтагача йўл айирмаси $AB = d$ масофага ва φ бурчакка қандай боғланган бўлади?

Ечилиши. С нуқтадан $CB' = CB$ кесмани ажратамиз. $d \ll AC$ бўлгани учун $\angle C$ кичик, $\angle 1 \approx \angle 2 \approx 90^\circ$; $\angle \varphi = B'BA$. Тўлқиннинг йўл айирмаси $AB' = d \sin \varphi$.

Тебранишларнииг максимум ва минимумлари учун формула мос ҳолда $n\lambda = d \sin \varphi$; $n\lambda + \frac{\lambda}{2} = d \sin \varphi$ кўрининши олади.


791. Одам қулоғи товушни $3 \cdot 10^{-5}$ сек да эшитади. Одам анча узоқда турган товуш манбанинг силжинини сезинши учун манбани қандай φ бурчакка кўчириш керак? Кулоллар орасидаги масофа $d = 20 \text{ см}$.

Ечилиши. Агар товуш манбаси C' нуқтадан С нуқтага силжиган бўлса (245- расм), у ҳолда $\sin \varphi = \frac{AB'}{d}$; $AB' = at = 340 \frac{\text{м}}{\text{сек}} \cdot 3 \cdot 10^{-5}$ сек = $0,01 \text{ м}$; $\sin \varphi = \frac{0,01}{0,20} = 0,05$. $\varphi \approx 3^\circ$.

792. Камертон резонатор яшигининг l узунлиги бўйича улинг тебраниш частотасини аниқланг.

Ечилиши. Яшикнинг остида тугун, тешик оғзида эса турғун тўлқинлар дўнглиги ҳосил бўлади, шунга кўра $l = \frac{1}{4} \lambda$,

$$\lambda = \frac{a}{f}; f = \frac{a}{4l}.$$



245- расм.

793. (ә). Водопровод жүмрагидан чуқур идишга сув тұлдирілганды ҳосил бўлган товуш баландлигининг қандай ўзгаришини кузатишга тушуптиринг.

Жавоби. Идии сувга тўлган сари резонанс натижасида (№ 792) товуш баландлиги кучайиб боради.

794. Сувдаги тўсиқ — қозиқ оёқ, қайиқ ва ҳоказоларни қайси тўлқин яхши айланаб ўтади: узун тўлқинми ёки қисқа тўлқинми?

795. Нима учун биз уй муюшидан, девор орқасидан ва ҳатто ўрмон ёки тоғ орқасидан тарқалған товушни эшитамиз?

796. Акс-садога қулоқ солинг. Унинг товуши уни ҳосил қилган товушдан баландми ёки пастми?


Жавоби. Узун тўлқинлар тўсиқни яхши айланаб ўтади. Қулоқ яхши эшитадиган 2000 гц частотали товуш тўлқинлари $\lambda = \frac{340 \text{ м/сек}}{2000 \text{ гц}} = 17 \text{ см}$ тўлқини узунилкка эга бўлиб, ўлчами жиҳатидан унга бир хил бўлган тўсиқдан яхши айланаб ўтади. Қисқа тўлқинлар яхши қайтади, шунга кўра акс-садо товушлар тони жиҳатидан уни ҳосил қилган товушдан баланд бўлади.

7. Инфратовуш ва ультратовуш

797. Медузалар, академик Шулейкиннинг қайд қилинчика, довул пайтида тўлқинларнинг ҳавога ишқаланишидан ҳосил бўлган, одам қулоғи эшитмайдиган 8 — 13 гц частотали инфратовушларни „эшитади“. Медузанинг эшитиш органини имитация қиласидиган асбобда (246- расм) керакли тебраниш частоталарини ўтказувчи резонатор, шу тебранишларни электр ток импульсига айлантириб берувчи пъезодатчик мавжуд. Кейинчалик бу импульслар кучайтирилиб ўлчаниди. Асбоб довул бўлишини 15 соат илгари аниқлаш имконини беради. Агар температураси 0°C бўлган денгиз сувидаги товуш тезлиги 1550 м/сек бўлса, 10 гц частотага эга бўлган инфратовуш тўлқинининг узунилиги қанча? Агар резонаторнинг ишлаши комертои резонатори яшигининг ишлаш принципига ўхшашибўлса, унинг ўлчами тахминан қандай бўлиши керак?

Ечилиши. Тўлқин узунилик $\lambda = \frac{1550 \text{ м/сек}}{10 \text{ сек}^{-1}} = 15,5 \text{ м}$. Агар резонаторнинг узунилиги $1/4 \lambda$ бўлса, у ҳолда $l = \frac{15,5 \text{ м}}{4} \approx 4 \text{ м}$. Агар резонатор бирмунча юқори частоталарга мўлжалланган бўлса, у ҳолда унинг ўлчами кичик бўлади.

246-расм.



798. Товуш тебранишларининг частотаси қанча юқори бўлса, у масофа ортиши билаи шунча тез сўнади. Шундай экан, нима учун айрим жониворлар (кўршапалак, дельфин, денгиз чўчқалари ва бошқалар) эхолокация учун ультратовушдан фойдаланадилар?

799. Дельфинлар ўзаро алоқа боғлаш учун 10 дан 400 гц гача бўлган товуш тарқатадилар, товуш тутиш учун эса 750—300 000 гц частотали товушчи чиқарадилар. Турли мақсадлар учун чиқарилган бундай товуш фарқини қандай тушунтириш мумкин?

Жавоби. Катта частотали (қисқа тўлқин узунликли) товуш тебранишлари локация аниқлигини орттиради, чунки тўлқиннинг кўзгусимон қайтиши ўлчамлари товуш тўлқин узунлигидан катта бўлган буюмларда содир бўлади. Ўлчамлари товуш тўлқинидан кичик бўлган предметлар эса кучсиз акс-садо ҳосил қиласиди. Алоқа учун эса кам сўнувчи товушлардан фойдаланилади. Паст частотали товушлар бу талабни қашоатлантиради.

800. Тебраниш амплитудалари бир хил, частоталари эса мос ҳолда $1 \text{ кг} \cdot \text{с}$ ва 1 Мгц бўлган товуш ва ультратовуш тўлқини энергиясини солиштиринг (21, № 573).

Ечилиши. Биринчи ҳолда тебранма ҳаракат энергияси


$$W_1 = \frac{mv_1^2}{2} = \frac{m\omega_1^2 A^2}{2} = \frac{m4\pi^2 f_1^2 \cdot A^2}{2}.$$

Иккинчи ҳолда

$$W_2 = \frac{m4\pi^2 f_2^2 A^2}{2}; \quad \frac{W_2}{W_1} = \frac{f_2^2}{f_1^2} = \frac{10^{12} \text{ гц}^2}{10^6 \text{ гц}^2} = 10^6.$$

801. Ультратовушлар, шу жумладан айрим тахминларга кўра кашалот (сувда яшовчи тишли ҳайвон) лар томонидан тарқаладиган товушлар балиқларни ҳалок этиши мумкин. 800- масалада берилганлардан фойдаланиб, бу масалани қандай тушунтириш мумкин?

Жавоби. Ультратовуш генераторлари оддий товуш манбаларига қараганда ўша тебраниш амплитудасида катта энергия тарқатади. Бу энергия уича катта бўлмаган ҳайвонларни ҳалок бўлиши учун кифоя қиласи.



247- расм.

802. Пўлат детални (247- расм) 1 Мгц частотада ишловчи ультратовуш дефектоскопи билан текширилади. Биринчи қайтган сигнал, юборилгандан 8 мксек ўтгач қабул қилинди, иккинчиси эса 20 мксек ўтгандан сўнг қабул қилинди. Деталнинг нуқсони қандай чуқурликда қайд қилинган? Деталнинг баландлиги

қандай? Ультратовушнинг пўлатдаги тезлиги 5000 м/сек [21, № 571].

Ечилиши. Асбоб сигналини деталдаги нуқсонга бориб ундан қайтиб келгунигача кетган вақтни қайд қиласди. Демак, деталь нуқсонигача бўлган масофа $h_1 = a \frac{t}{2} = 5000 \text{ м/сек} \cdot 4 \cdot 10^{-6} \text{ сек} = 20 \text{ мм}$. Деталнинг баландлиги

$$h_2 = 5000 \text{ м/сек} \cdot 10 \cdot 10^{-6} = 50 \text{ мм.}$$

31- Б О Б

ЎЗГАРУВЧАН ТОК

Ўзгарувчан электр токи мактаб программасида мажбурий электр тебранишлари сифатида талқин этилади. Шунинг учун ўзгарувчан токка доир масалалар ечганда мажбурий механик тебранишларда қўлланилган усуллардан фойдаланилади (тригонометрияда олган билимлардан, тебранишлар графикларидан ва бошқалардан фойдаланиш).

Ўрта мактабда фақат техник (синусоидал) ўзгарувчан ток ўрганилади, бунда кучланиш $U = U_{\max} \sin \omega t$ қонуни бўйича ўзгаради. Шунинг учун кейинчалик ўзгарувчан ток тўғрисида ганирилганда синусоидал токни назарда тутамиз. Занжирдаги ток $I = I_{\max} \sin(\omega t + \varphi)$, бунда φ ток ва кучланиш теб ранишлари орасидаги фаза силжиши.

Кейинчалик „ўзгарувчан ток кучи“ термини остида ток кучи I_t нинг таъсир этувчи қиймати, яъни шундай ўзгармас ток кучи тушуниладики, бунда ўзгарувчан токнинг битта даврида ўзгарувчан ток ўтказгичда қанча иссиқлик миқдори ажратган бўлса, ўзгармас ток ҳам шунича иссиқлик миқдори ажратади. Синусоидал ток бўлганда эса $I_t = \frac{I_{\max}}{\sqrt{2}}$. Шунга ўхшаш кучланишининг таъсир этувчи қийматини қисқалик учун кейинчалик „ўзгарувчан ток кучланиши“ деб атамиз, яъни $U_t = \frac{U_{\max}}{\sqrt{2}}$.

Ўзгарувчан ток занжирдаги C сиғим туфайли юзага кела-диган X_C қаршиликни сиғим қаршилик деб аталади, ўзгарувчан ток занжирда ўзиндукуция ҳодисаси туфайли содир бўлган X_L қаршиликни индуктив қаршилик деб аталади. Сиғим ва индуктив қаршиликлар ҳам актив қаршилик сингари om ларда ўлчанади ва $X_C = \frac{1}{\omega C} = \frac{1}{2\pi f C}$ ва $X_L = \omega L = 2\pi f L$ формуласида бўйича ҳисобланади, бунда ω — доиравий частота, f — ўзгарувчан ток частотаси, C ва L — занжирининг сиғими ва индуктивлиги.

Соф сиғими нагрузкада ($R = 0$) ток тебраниши кучланиш тебранишидан $\varphi = \frac{\pi}{2}$ бурчакка олдинга кетади, соф индуктив

нагрузкада эса ток тебраниши күчланиш тебранишидан $\varphi = \frac{\pi}{2}$ га орқада қолади. Аралаш нагрузкада эса ток ва күчланиш орасидаги φ фаза силжиши $-\frac{\pi}{2} < \varphi < \frac{\pi}{2}$ оралиқда бўлади. Соф актив нагрузкада $\varphi = 0$ бўлади.

Ўзгарувчан ток занжирда ток кучи ва күчланишларнинг амплитудавий (максимал) қийматлари орасида Ом қонунига ўхшаш боғланиш мавжуд:

$$I_{\max} = \frac{U_{\max}}{Z}, \text{ бунда } Z = \sqrt{R^2 + \left(\omega L - \frac{1}{\omega C}\right)^2} -$$

занжирининг тўлиқ қаршилиги дейилади.

Ўзгарувчан токнинг ўртача қуввати $P = \frac{I_{\max} U_{\max}}{2} \cos \varphi = I_t U_t \cos \varphi$, бунда $\cos \varphi$ — қувват коэффициенти бўлиб $\frac{R}{Z}$ га тенг. Соф реактив қаршилик бўлган ҳолда ($R=0$) $\cos \varphi = 0$, соф актив нагрузкада эса ($X_L=0$ ва $X_C=0$) $\cos \varphi = 1$. Ўртача қувват вақт бирлиги ичida занжирининг маълум қисмига электр токи қанча энергия узатишни кўрсатади. Актив қаршилик энергияни истеъмол қилиши туфайли бу қувватни одатда актив қувват ҳам дейилади:

$$P_{\text{акт}} = I_t U_t \cos \varphi = I^2 R.$$

$I_t U_t = S$ кўпайтма туюлма қувват деб ном олган. $P_{\text{акт}} = S \cos \varphi$ деб ёзиш мумкин, бунда $\cos \varphi = \frac{P_{\text{акт}}}{S}$.

Ўзгарувчан ток занжиридаги амперметр ва вольтметр¹ ток ва күчланишининг таъсир этувчи қийматини ўлчашини билиш мухимдир. Ваттметр эса ўртача ёки актив қувват $P_{\text{акт}} = I_t U_t \cos \varphi$ ни ўлчайди, яъни қувват коэффициентини ҳисобга олади.

R актив қаршиликлари ўтказгичдан ўзгарувчан ток ўтганда $Q = I_t^2 R t$ иссиқлик миқдори ажralади. Индуктив ва сифимий қаршиликларда иссиқлик ажralмайди. Шунинг учун ўзгарувчан токда Жоуль — Ленц қонунини фақат $Q = I_t^2 R t$ кўринишда қўллаш керак. $Q = \frac{U_t}{R} \cdot t$ ва $Q = I_t U_t t$ формулалар бўйича соф актив нагрузка бўлган ҳолдагина ҳисоблаш мумкин.

Ўзгарувчан ток бўйича масалалар ечганда катталикларнинг аналитик боғланишигина эмас, балки график ва осциллограммалар ҳам катта аҳамиятга эга.

Ўзгарувчан ток бўйича масалалар ечишни энг яхшиси график, осциллограммаларнинг анализ қилишдан ва $I = I_{\max} \sin \omega t$

¹ Бу ҳол амплитудали (чўққили) катод вольтметрдан бошқа барча системаларга та аллуқлидир.

боғланиш мазмунини аниқлашдан бошлаш керак. Сұнгра амплитуда қийматлары бүйіча ток, кучланишынг таъсир этувчи қийматларини ҳисоблашга оид ёки аксингча масалалар ечилади. Сигимий ва индуктив қаршилик катталикларини аниқлашга оид масалалар ҳам мұхым масалалар ҳисобланади. Үрта мактабда занжирнинг тұлық қаршилиги Z , үзгаруучан токнинг қуввати P ва қувват коэффициенти $\cos \varphi$ ҳақидағы тушунчалар танишириб үтиш мақсадида баён этилиб, буларга масалалар ечиш шарт әмас.

Үзгаруучан ток занжиридаги резонанс ҳақида фақат сифатта оид масалалар ечиш билан чегараланиш мүмкін. Үқувчилар үзгаруучан ток занжирида $f_{\text{мажб}} = f_{\text{хусусн}}$ ҳолда резонанс ҳодисасы юз берішини билишлари керак. Бунда $X_L = X_C$ ва занжирдаги ток фақат R актив қаршилик билан аниқланади. R ның қиймати кичик бўлганда ток катта қийматларга эришиши мүмкін.

Электр энергияни узок масофаларга узатышда үзгаруучан ток кучланишини үзартыришга тұғри келиб, буни трансформатор ёрдамида амалга ошириш мүмкін. Ток трансформацияси ҳақида масалалар ечганда қуйидаги катталиклар ва боғланишлардан фойдаланилади.

Трансформация коэффициенти $k = \frac{N_1}{N_2} = \frac{U_1}{U_2}$, бунда N_1, N_2, U_1 ва U_2 лар мос ҳолда трансформаторнинг бирламчи ва иккяламчи чулғамларидаги ўрамлар сони ва кучланиш.

Трансформаторнинг фойдали иш коэффициенти $\eta = \frac{I_2 U_2}{I_1 U_1}$. Ҳисобланыштарда үни одатда 100 % га яқин деб олиш ва трансформатор чулғамларидаги кучланиш тушувини ҳисобга олмаслик мүмкін. Шунингдек, қайта магнитланишдаги энергия исрофини ҳам ҳисобга олмаслик мүмкін.


Занжир ва чулғамнинг тұла истеъмол қуввати $N = I(U + IR)$, бунда U — қисқичлардаги кучланиш, R — трансформатор чулғамишиниң қаршилиги.

803. Таъсир этувчи қийматлари мос ҳолда 4 а ва 5 а, даврлари 0,01 сек ва 0,02 сек га тенг бўлған иккита үзгаруучан ток графигини чизинг.

Ечилиши. Үзгаруучан токларнинг графиклари 248- расмда келтирилган. Графикларни чизиш учун даставвал $I_{\text{макс}} = I_t \sqrt{2}$ ни топиш, сұнгра $I = I_{\text{макс}} \cdot \sin \omega t$ боғланишдан фойдаланиб, график чизиш керак.

804. 249- расмда иккита токнинг осциллограммаси келтирилган. Улар орасида қандай умумийлік ва қандай фарқ бор?

Ечилиши. Бу токлар бир хил частотага, лекин турли амплитуда ва фазага эга. 2 ток 1 токка қараганда катта $I_{\text{макс}}$ амплитудага эга, і ток тебраниши фаза бўйича 2 ток тебранишидан $\varphi = \omega \Delta t = \frac{2\pi}{T} \Delta t$ га олдин кетади.



248- расм.

Агар осциллограмманинг устига маълум бирликларда дарожаланган координата қўйилса, у ҳолда I_{\max} , T ларни аниqlаш ва ϕ ни ҳисоблаш мумкин бўлади.

805. $\frac{\pi}{6}$ фаза учун ток кучининг оний қиймати 6 а га тенг. Ток кучининг амплитуда ва таъсир этувчи қийматларини аниqlанг.


Ечилиши. Токнинг оний қиймати $I = I_{\max} \cdot \sin \omega t$. Масала шартига кўра $\omega t = \frac{\pi}{6}$, яъни $\sin \frac{\pi}{6} = \frac{1}{2}$, $I = I_{\max} \cdot \frac{1}{2}$ ёки $I_{\max} = 2I = 12a$. Токнинг таъсир этувчи қиймати

$$I_t = \frac{I_{\max}}{\sqrt{2}} = \frac{12a}{\sqrt{2}} \approx 8,6 \text{ a.}$$


806. Конденсаторнинг тешилиш кучланиши $U_{\text{теш}} = 450$ в га тенг. Конденсаторни кучланиши $U = 380$ в бўлган занжирга улаш мумкиними?

Ечилиши. Вольтметр кучланишининг таъсир этувчи қиймати U_t ни ўлчайди. Кучланишининг U_{\max} амплитуда қийматини аниqlаймиз:

$$U_t = \frac{U_{\max}}{\sqrt{2}}, \text{ бунда } U_{\max} = \sqrt{2} U_t \cdot U_{\max} = \\ = 380 \text{ в} \cdot \sqrt{2} \approx 500 \text{ в.}$$



249- расм.



250- расм.

Максимал кучланиш тешилиш кучланишидан катта экан. Конденсаторни $U_t = 380 \text{ в}$ ли занжирга улаш мүмкін әмас. **807***. Неон лампа саноат частотасига зәг бўлган 127 в кучланишли ўзгарувчан ток занжирига уланган. Лампанинг ёниш кучланиши $U_{\text{ен}} = 84 \text{ в}$. Неон лампасининг чақнаш муддати ва ҳар бир чақнаш орасидаги вақтни топинг.

Ечилиши. 1-усул. $U \geq U_{\text{ен}}$ га эришилганда неон лампа ёнади ва $U_{\text{ын}} = U_{\text{ен}}$ дан камаймагунга қадар ёруғлик сочиб турди. Шундай қилиб, лампа чақнаб биринчи ярим даврда маълум вақт ёниб турди, сўнгра ўчади ва неон лампанинг ёруғлик сочиши учун электродларнинг қутблари роль йўнамаганилиги туфайли иккинчи ярим даврнинг маълум қисмida яна чақнайди. Частотаси $f = 50 \text{ гц}$ бўлган ўзгарувчан токда неон лампа бир секунд давомида 100 марта ўчиб ёнади.

Кучланишнинг таъсир этувчи қиймати $U_t = 127 \text{ в}$ га асосан $U_{\text{макс}} = \sqrt{2} U_t \approx 178 \text{ в}$ ни топамиз. Давр $T = 0,02 \text{ сек.}$ 250-расмда бу ўзгарувчан кучланишнинг графиги ифодаланган. 84 в — 84 в га мос келувчи MN ва FE тўғри чизиқларни ўтиказамиз. Лампанинг ёниш вақти $A'B'$, $K'L'$, $C'D'$ кесмаларга мос келади, чақнашлар орасидаги вақт эса $B'K'$, $L'C'$ ва $D'T'$ кесмаларга мос келади.

2-усул. $U_{\text{ен}} = U_{\text{макс}} \sin \frac{2\pi}{T} t_1$, бунда t_1 — лампанинг ёнишига ўтган вақт моменти. Масала шартида берилганларни ўрнига қўямиз: $84 = 178 \sin \frac{2\pi}{T} t_1$, бунда $\sin \frac{2\pi}{T} t_1 \approx 0,47$. Бундай қийматга функция 28° бурчакда эришади, яъни $\frac{360^\circ}{0,02} t_1 = 28^\circ$, бундан $t_1 = 0,002 \text{ сек.}$ Функция $180^\circ - 28^\circ = 152^\circ$ бурчакда ҳам шу қийматга зәг бўлади. Кучланиш пасайганда лампа ўчади.

Ўчиш вақтини $\frac{360^\circ}{0,02} \cdot t_2 = 180^\circ - 28^\circ$ шартдан топамиз. $t_2 \approx 0,008 \text{ сек.}$ Лампанинг ёруғлик сочиб туриш вақти $t_{\text{чак}} =$

$t_2 - t_1 = 0,008 - 0,002 = 0,006$ сек. Лампанинг чақнаш оралығи $t_{\text{оралиқ}} \approx 0,004$ сек.

Масала ечимини текшириб күриш мүмкін. 0,02 сек га тенг давр ичидә иккита чақнаш содир бўлиши керак ва мос ҳолда чақнашлар ўртасида иккита оралық ҳам бўлади. Ҳақиқатан ҳам, $2 \cdot 0,006 \text{ сек} + 2 \cdot 0,004 \text{ сек} = 0,02 \text{ сек}$.

808. Техник ўзгарувчан ток занжиридаги конденсатор $X_C = 1000 \text{ ом}$ қаршиликка эга. Конденсатор $f_2 = 5 \text{ кгц}$ частотали ўзгарувчан ток занжирига уланганда унинг қаршилиги нимага тенг? Конденсаторнинг сиғими қандай?

Ечилиши. Техник ўзгарувчан токнинг частотаси $f_1 = 50 \text{ гц}$, f_1 частотада конденсаторнинг сиғим қаршилиги $X_{C_1} = \frac{1}{\omega_1 C_1} = \frac{1}{2\pi f_1 C_1}$, бундан конденсаторнинг сиғими $C_1 = \frac{1}{2\pi f_1 X_{C_1}} = \frac{1}{2 \cdot 3,14 \cdot 50 \cdot 1000} = 3 \cdot 10^{-6} (\phi) = 3 (\mu\text{k}\phi)$.

f_2 частотада конденсаторнинг сиғим қаршилигини $X_{C_2} = \frac{1}{2\pi f_2 C_1}$ формуладаи ёки $\frac{X_{C_1}}{X_{C_2}} = \frac{f_2}{f_1}$ муносабатдан аниқлаймиз. Ҳисоблашлардан $X_{C_2} = 10 \text{ ом}$ экани келиб чиқади.

809. Галтак учларига уланган электромагнит системадаги вольтметр $U = 110 \text{ в}$ кучланишни, амперметр эса $I = 10 \text{ а}$ токни кўрсатса, галтакнинг индуктивлигини топинг. Ток частотаси $f = 50 \text{ гц}$. Галтакнинг актив қаршилигини ҳисобга олманг.

Ечилиши. $Z = X_L = \omega L$. Ом қонунига асосан амплитуда қийматлар учун $I_{\text{макс}} = \frac{U_{\text{макс}}}{Z}$, бундан $Z = \frac{U_{\text{макс}}}{I_{\text{макс}}}$. Амплитуда қийматларнинг нисбати ўрнига, вольтметр ва амперметрнинг кўрсатган таъсир этувчи қийматларнинг нисбатини олиш мүмкін:

$$\frac{U_t}{I_t} = 11. \text{ У ҳолда } \omega L = 2\pi f L = Z = 11,$$

$$L = \frac{Z}{2\pi f} = \frac{11}{2 \cdot 3,14 \cdot 50} \approx 0,035 (\text{н.})$$

810. Кундузги ёруғлик лампаси занжирига паст частотали дроссель уланади, бунда ташқи занжир кучланишининг қисман тушуви содир бўлади. Нима учун реостат эмас, балки дроссель улаш мақсадга мувофиқдир?

Ечилиши. Дроссель ва реостат занжирга уланганда токни чегаралайди, бироқ бунда реостатда маълум миқдорда иссиқлик ажралади ($Q = I^2 R t$). Занжирга дросселнинг ўзи уланганда унинг исиши учун сарф бўлган энергия минимал бўлади, чунки амалда дроссель актив қаршиликка эга эмас деб ҳисоблаш мүмкін, реактив қаршиликда эса иссиқлик ажралмайди.

811. Резистор, галтак ва конденсаторлар кетма-кет уланган занжирдан $0,8 \text{ а}$ ток оқмоқда. Занжирнинг актив қаршилиги

50 ом, бутуи занжирга келтирилган кучланиш 200 в. Занжирнинг тўлиқ қаршилиги, қувват коэффициенти ва актив қувватни топинг.

Ечилиши. Занжирнинг тўлиқ қаршилиги $Z = \frac{U_t}{I_t} = \frac{200 \text{ в}}{0,8 \text{ а}} = 250 \text{ ом}$. Актив қувват $P_{акт} = I^2 R$, туюлма қувват $S = I_t \cdot U_t$. Иккинчи томондан актив қувват $P_{акт} = I_t \cdot U_t \cdot \cos \varphi = S \cdot \cos \varphi$. Бу муносабатлардан $P_{акт}$, S ва $\cos \varphi$ ларни топамиз.

$$P_{акт} = I_t^2 R = (0,8 \text{ а})^2 \cdot 50 \text{ ом} = 32 \text{ вт}, S = I_t \cdot U_t = 0,8 \text{ а} \times 200 \text{ в} = 160 \text{ вт},$$

$$\cos \varphi = \frac{P_{акт}}{S} = \frac{32 \text{ вт}}{160 \text{ вт}} = 0,2.$$

812. Ўзгарувчан ток занжиридаги амперметр 6 а токни, вольтметр 220 в кучланишни, ваттметр эса 600 вт қувватни кўрсатади. Қувват коэффициенти ва ток билан кучланиш орасидаги фаза силжишини аниқланг.

Ечилиши. Амперметр ва вольтметр токнинг $I_t = 6 \text{ а}$ ва кучланишнинг $U_t = 220 \text{ в}$ таъсир этувчи қийматларини кўрсатади. Ваттметр ўзгарувчан токнинг актив қуввати $P = I_t U_t \cos \varphi$ ни кўрсатади. Ваттметр, амперметр ва вольтметрнинг кўрсатишини билгаи ҳолда, қувват коэффициентини аниқлаймиз.

$$\cos \varphi = \frac{P}{I_t U_t} = \frac{600 \text{ вт}}{60 \cdot 220 \text{ в}} \approx 0,45.$$

Ток ва кучланиш тебранишлари орасидаги фаза силжиш бурчаги

$$\varphi = \arccos \frac{P}{I_t U_t} = \arccos 0,45 \approx 63^\circ.$$

813. Ўзгарувчан техник ток занжирига электродвигатель уланган. Ваттметр 600 вт қувватни кўрсатади, вольтметр ва амперметр эса мос ҳолда 200 в ва 4 ани кўрсатади. Электродвигатель қандай қувват коэффициенти билан ишлашини аниқланг.

Ечилиши. 812- масалага ўхшаш $P = I_t \cdot U_t \cos \varphi$ ни топамиз, бундан $\cos \varphi = \frac{P}{I_t U_t} = \frac{600 \text{ вт}}{200 \text{ в} \cdot 4 \text{ а}} = 0,75$.

814. Трансформаторнинг бирламчи чулғамида ток 0,5 а. Қисқичлардаги кучланиш 220 в. Трансформациялаш коэффициенти $k = 22$. Иккиламчи чулғамдаги кучланишни топинг.

Ечилиши. Агар истрофи ҳисобга олмасак, у ҳолда $k = \frac{U_1}{U_2}$, бундан $U_2 = \frac{U_1}{k} = \frac{220 \text{ в}}{22} = 10 \text{ в}$.

815. Трансформациялаш коэффициенти $k = 10$ бўлган пасайтирувчи трансформатор кучланиши $U_1 = 127 \text{ в}$ бўлган тармоқка уланган. Иккиламчи чулғамнинг қаршилиги $R_2 = 2 \text{ ом}$, ток кучи $I_2 = 3 \text{ а}$. Иккиламчи чулғам қисқичларидаги кучла-

нишни аниқланг. Бирламчи чулғамдаги энергия исрофини ҳисобга олманд.

Ечилиши. Пасайтирувчи трансформатор учун бирламчи чулғамдаги энергия исрофини ҳисобга олмаслик мүмкін бўлиб, иккиласми чулғамдаги энергия исрофини ҳисобга олмаслик мүмкін бўлмаган ҳол учун

$$k = \frac{N_1}{N_2} = \frac{U_1}{U_2 - I_2 R_2}$$

ифодани ёза оламиз. Бундан

$$U_2 = \frac{U_1 - kI_2 R_2}{k} = \frac{127 \text{ в} - 10 \cdot 3a \cdot 2 \text{ ом}}{10} = 6,7 \text{ в.}$$

816. Узуилиги 100 км бўлган электр узатиш линияси 200 000 в кучланишида ишлайди. Линиянинг ф. и. к. ини, яъни нагрузкадаги кучланишинг линияга келтирилган кучланишга нисбатини аниқланг. Линия кўндаланг кесим юзи 150 мм^2 бўлган алюминий кабелдан ишланган. Узатилувчи қувват 30 000 квт га тенг.

Ечилиши. Линиядаги ток кучи $I = \frac{P}{U} = \frac{30000000 \text{ вт}}{200000 \text{ в}} = 150 \text{ а.}$

Линиянинг иккита симдан иборатлигини ҳисобга олганда, узатиш линиясининг қаршилиги $R = \rho \frac{2l}{S} = 0,028 \cdot 10^{-6} \text{ ом} \cdot \text{м} \times \frac{2 \cdot 100000 \text{ м}}{150 \cdot 10^{-6} \text{ м}^2} \approx 37,3 \text{ ом.}$

Узатиш линиясида кучланиш тушуви:

$$U_{\text{теш}} = I \cdot R = 150 \text{ а.} \cdot 37,3 \text{ ом} \approx 6000 \text{ в. га тенг.}$$

Нагрузкадаги кучланиш $U_{\text{нагр}} = U - U_{\text{теш}} = 200000 \text{ в} - 6000 \text{ в} = 194000 \text{ в.}$ линиянинг ф. и. к. и

$$\eta = \frac{U_{\text{нагр}}}{U} \approx \frac{194000 \text{ в}}{200000 \text{ в}} \approx 0,97 \text{ ёки } 97 \text{ %.}$$

32- Б О Б

ЭЛЕКТРОМАГНИТ ТЕБРАНИШЛАР ВА ТУЛҚИНЛАР

Ўқувчилар тебрацииш частотаси ва даври тушунчалари билан механик тебранишларни ўрганганиларида, тўлқин узунлиги билан эса эластик мұхитдаги тўлқинларни ўргаңганиларида танишган эдилар. Электромагнит тебранишлар ва тўлқинларни ўрганишида асосан, тебрацииш контурида электромагнит тебранишлар даври T ни аниқлашга, шунингдек ʌ электромагнит тўлқин узушлигини ҳисоблашга доир масалалар счилади. Мавжуд темада сифатга оид масалалар катта ўрин эгаллади.

Масала ечгандың үқувчилар вакуумда түлкін узунлик бүйінча тебранишлар частотасының ва аксина частота бүйінча түлкін узунліктері аниқташ бүйінча малака ҳосил қилишлари керак.

Тебраниш контурининг актив қаршилиги R реактив қаршилика нисбатан жуда кичик бұлғаны учун мактабда уни ҳисобға олмаган ҳолда қаралғанда.

Бундай контурда электромагниттің тебранишлар даври T фақат конденсаторнинг сифимі C га ва ғалтак индуктивлигі L га бағылған. Даврни секундтарда үлчаб, Томсон формуласы $T = 2\pi\sqrt{LC}$ бүйінча ҳисобланады, бунда C сиғым фардаларда, индуктивлик L эса генриларда үлчанаады.

Электромагнит түлкін узунлигі $\lambda = c_0 T = \frac{c_0}{f}$, бунда c_0 электромагнит түлкінларнинг вакуумдагы тарқалиш тезлигі бўлиб, вакуумдаги ёруғлик тезлигига тең. Тебранишларни бирор-бир бошқа муҳитда тарқалишида v түлкін тезлигі үзгараради ва $\lambda = v \cdot T$ бўлади. Атмосферада электромагнит түлкін тезлигини амалда вакуумдаги ёруғлик тезлигига тең деб қабул қилиш мумкин.

Тебранишларнинг асосий характеристикаси f частота (ёки T давр) эканига үқувчиларнинг диққатини жалб қилиш ва масала ечгандың үндән фойдаланиш керак. Бир муҳитдан иккінчи сияқта λ түлкін узунлик үзгараади, частота эса үзгартмасдан қолади.

Ҳисоб масалалар, шунингдек радиолокацияда сигналларнинг тарқалиш вақтини аниқташ юзасидан ҳам ечилиши мумкин.

817. Агар вақтни конденсаторнинг разрядланышдан бошлаб ҳисобланса, $t = 0, \frac{T}{4}, \frac{T}{2}$ ва $\frac{T}{8}$ вақт моментида энергия берк тебраниш контурининг қайси элементида (конденсатор ёки ғалтакда) түпланаади?

Ечилиши. Контурни даставвал идеал деб қабул қиласыз ($R = 0$). Бу ҳолда энергия иерофи юз бермайды ва фақатгина электр майдон энергиясининг магнит майдон энергиясына айланып содир бўлади ва аксина. Биринчи ғалда энергия конденсаторда түпланаади. Бу электростатик майдон энергиясидир. $T/4$ вақтдан кейин (чорак давр) электростатик майдон энергияси магнит майдон энергиясына айланади, яъни энергия индуктивлик ғалтагида түпланаади. $T/8$ вақтдан сўнг конденсаторнинг қисман разрядланыш содир бўлади. Конденсатор ҳам, ғалтак ҳам энергияга эга, бироқ энергияшын сақланиш ва айланыш қонунига мувофиқ бу энергияларнинг йиғинидиси конденсатордаги бошлангич энергия запасига тең. $t = \frac{T}{2}$ да энергия конденсаторда түпланаади.

Агар $R \neq 0$ бўлса, у ҳолда контурдаги тебраниш сўнувчи бўлади, бунда энергиянинг бир қисми қайтимсиз ҳолда иссиқликка айланади.

818. Контурдаги конденсатор пластинкалари орасидаги масофа ортирилганда унинг тебраниш даври ва частотаси қандай ўзгарилиши? Контурдаги индуктивлик ғалтагининг ичига темир ўзак киритилганда-чи?

Ечилиши. Тебраниш даври $T = 2\pi \sqrt{LC}$.

Конденсаторнинг сиғими $C = \frac{\epsilon_0 \cdot \pi S}{d}$, бунда S — пластинканынг юзи; d — улар орасидаги масофа. Масофа d ортгандан C сиғим ва T давр камаяди, тебраниш частотаси $f = \frac{1}{T}$ ортади.

Ғалтак индуктивлиги L темир ўзак киритилиши билан ортади, демек T тебраниш даври ҳам ортади.

819. Индуктивлиги $L = 1,5 \text{ мГн}$ ли ғалтакдан ва сиғими $C = 450 \text{ пФ}$ ли конденсатордан иборат бўлган контурнинг тебраниш частотасини аниқланг.

Ечилиши. $T = 2\pi \sqrt{LC}$ ёки $f = \frac{1}{2\pi \sqrt{LC}}$. С ва L нинг қийматларини қўйиб,

$$f = \frac{1}{2 \cdot 3,14 \cdot \sqrt{1,5 \cdot 10^{-3} \text{ Гн} \cdot 450 \cdot 10^{-12} \text{ ф}}} \approx 2 \cdot 10^5 \text{ гц} = 200 \text{ кгц} = 0,2 \text{ Мгц}$$

ни ҳосил қиласиз.

Бирликлар устида қуйидаги амалларни бажарамиз: $1 \text{ Гн} = 1 \frac{\text{в.сек}}{a}$, $1 \text{ ф} = 1 \frac{c}{a}$, у ҳолда илдиз остидаги ифода:

$$\frac{\text{в.сек} \cdot c}{a \cdot v} = \frac{\text{в.сек} \cdot a \cdot \text{сек}}{a \cdot v} = \text{сек}^2 \text{ ўлчамликка эга бўлади.}$$

820. Радиолокация станцияси 10 сантиметрли тўлқин тарқатади. Бунда тебранишлар частотаси қандай?

Ечилиши. Масаланинг шартига кўра радиотўлқин узунлиги $\lambda = 10 \text{ см} = 0,1 \text{ м}$ га тенг. Маълумки, $\lambda = \frac{c}{f}$, бундан $f = \frac{c}{\lambda}$. Вакуумда радиотўлқинларнинг тарқалиш тезлиги $c = 3 \cdot 10^8 \text{ м/сек}$. У ҳолда $f = \frac{3 \cdot 10^8 \text{ м/сек}}{0,1 \text{ м}} = 3 \cdot 10^9 \frac{1}{\text{сек}} (\text{гц}) = 3 \text{ Ггц}$.

821. Радиостанция передатчиги ҳосил қилган электромагнит тебранишлар частотаси 6 Мгц. Станция тарқататдан электромагнит тўлқиннинг узунлиги қандай?

Ечилиши. Тўлқин узунлик $\lambda = \frac{c}{f}$, яъни

$$\lambda = 3 \cdot 10^8 \text{ м/сек} / 6 \cdot 10^6 \text{ 1/сек} = 50 \text{ м.}$$

822. Радиоприёмник контуридаги ўзгарувчан сиғимли конденсаторнинг сиғими 50 дан 450 пФ гача ўзгариши мумкин. Бунда ғалтакнинг индуктивлиги ўзгармас бўлиб, $L = 0,6 \text{ мГн}$ га тенг. Радиоприёмник қандай тўлқин узуликларда ишлайди?

Ечилиши. Тұлқин узунлик $\lambda = c \cdot T$, $T = 2\pi \sqrt{LC}$. Тұлқин узунлик $\lambda_1 = cT_1$ дан ($C_1 = 50 \text{ нФ}$ сиғимда) $\lambda_2 = cT_2$ гача ($C_2 = 450 \text{ нФ}$ сиғимда) оралиқда ётади.

$$T_1 = 2\pi \sqrt{LC_1} = 6,28 \sqrt{0,6 \cdot 10^{-3} \text{ ГН} \cdot 50 \cdot 10^{-12} \Phi} \approx 1 \cdot 10^{-6} \text{ сек.}$$

$$T_2 = 2\pi \sqrt{LC_2} = 6,28 \sqrt{0,6 \cdot 10^{-3} \text{ ГН} \cdot 450 \cdot 10^{-12} \Phi} \approx 3 \cdot 10^{-6} \text{ сек.}$$

$$\lambda_1 = cT_1 = 3 \cdot 10^8 \text{ м/сек} \cdot 10^{-6} \text{ сек} = 300 \text{ м.}$$

$$\lambda_2 = cT_2 = 3 \cdot 10^8 \text{ м/сек} \cdot 3 \cdot 10^{-6} \text{ сек} = 900 \text{ м.}$$

$$300 \text{ м} \leq \lambda \leq 900 \text{ м.}$$

823. Частотасы $f = 1 \text{ МГц}$ бўлган электромагнит табранишлар бир жинсли муҳитда тұлқин узунлиги $\lambda = 200 \text{ м}$ бўлган электромагнит тұлқинларни ҳосил қиласди. Бу муҳитда тұлқин тезлиги нимага тенг? Бу манбадан чиқувчи электромагнит тұлқинларнинг вакуумдаги тұлқин узунлигини аниқланг.

Ечилиши. Берилган муҳитда $\lambda = \frac{v}{f}$, бундан

$$v = f\lambda = 200 \text{ м} \cdot 10^6 \text{ гц} = 2 \cdot 10^8 \text{ м/сек.}$$

Вакуумда $\lambda_v = \frac{c}{f}$; яъни

$$\lambda_v = \frac{3 \cdot 10^8 \text{ м/сек}}{10^8 \frac{\text{м}}{\text{сек}}} = 300 \text{ м.}$$

824. Радиолокатордан тарқалған сигнал нишондан $3,3 \times 10^{-4} \text{ сек}$ ўтгақ қайтди. Нишон қандай масофада жойлашган?

Ечилиши. Радиолокацион станцияда тарқатувчи ва қабул қилиувчи (приёмник) орасидаги масофа ўзгармайды. Шунинг учун электромагнит тұлқинлар тарқалиш вақтидан бошлаб қабул қилингунга қадар ўтган $t = 3,3 \cdot 10^{-4} \text{ сек}$ да радиолокатордан тұлқинни қайтарувчи предмет (нишон) оралиғигача бўлган масофанинг икки барабарини босиб ўтди. Изланётган масофа $R = \frac{c \cdot t}{2} = \frac{3 \cdot 10^8 \text{ м/сек} \cdot 3,3 \cdot 10^{-4} \text{ сек}}{2} = 50000 \text{ м} \approx 50 \text{ км.}$

825*. Контурдаги конденсатор күчланишининг таъсир этувчи қиймати $U_t = 100 \text{ в.}$ Агар конденсаторнинг сиғими $C = 10 \text{ нФ}$ бўлса, контурдаги галтак ва конденсатор энергиясининг максимал қийматини аниқланг.

Ечилиши. Зарядланган конденсаторнинг энергияси $W = \frac{CU_t^2}{2}$. Максимал энергия $W_{\max} = \frac{CU_{\max}^2}{2} = \frac{2CU_t^2}{2} = 10 \cdot 10^{-12} \Phi \cdot$

$\cdot 100^2 \text{ в}^2 \approx 10^{-7} \text{ ж.}$ 1 $\Phi = \frac{1 \text{ к}}{1 \text{ в}}$, 1 ж = 1 в · 1 к эканини ҳисобга оламиз.

Агар контурда энергия истрофи бўлмаса, галтакнинг магнит майдони $T/4$ даврдан кейин шундай энергияга эга бўлади.

826*. Узунлиги $l = 0,5 \text{ м}$ бўлган диполь керосинли идишга туширилган. Керосиндаги вибратор тарқатган электромагнит

түлқинининг узунлигини, шунингдек идишдан чиққаң электромагнит түлқининиг ҳаводаги узунлигини аниқлаң.

Ечилиши. Узунлиги l бўлган симметрик вибратор түлқин узунлиги $\lambda = 2l$ бўлган электромагнит түлқин тарқатади, чунки диполда турғун түлқин ҳосил бўлиб, бунда ток тугунлари унинг учидаги, дўнгликлари эса, унинг ўртасида жойлашади.

Диполь бўшлиқда бўлганида $f = \frac{c}{\lambda} = \frac{c}{2l} = \frac{1}{2\pi\sqrt{LC}}$ частотали тебранишлар тарқатган бўлур эди. Керосинда диполнинг сиғими ε марта ортади. Бунда частота $f' = \frac{1}{2\pi\sqrt{L\varepsilon C}}$ га тенг бўлиб қолади. Демак, $\frac{f'}{f} = \frac{1}{\sqrt{\varepsilon}}$ ёки $f' = \frac{f}{\sqrt{\varepsilon}} = \frac{c}{2l\sqrt{\varepsilon}}$. Керосиндаги ушбу частотага $\lambda = 2l$ түлқин узунлик, бўшлиқда эса $\lambda = \frac{c}{f'} = \frac{c \cdot 2l\sqrt{\varepsilon}}{c} = 2l\sqrt{\varepsilon}$ түлқин узунлик мос келади.

33- Б О Б

ЁРУГЛИКНИНГ ТҮЛҚИН ХОССАЛАРИ

Бу тема бўйича асосан икки тиپдаги, яъни: ёруғлик тезлигини, масофали ва ёруғлик түлқинларининг тарқалиш вақтини аниқлашга ҳамда ёруғликнинг интерференция ва дифракциясига доир масалалар ечилади.

Бу масалалар кўп жиҳатдан товуш түлқинлари ҳақидаги (30- боб, 5 ва б) масалаларга ўхшаш бўлгани учун уларни қайтариши ёки бирмунча бошқа варианtlарда ечиш фойдали ҳисобланади.

Таништириш мақсадида, шунингдек ёруғликнинг қутбланиши ҳақида бирмунча сифатга оид ва экспериментал масалалар ечиш керак.

1. Ёруғлик тезлиги

Ушбу тема бўйича бериладиган масалалар муҳит хусусиятига боғлиқ бўлган ёруғлик түлқинларининг тарқалиш тезлиги улкан, шу билан бир қаторда чекли эканлиги ҳақидаги тушунчанинг шаклларинига, уни аниқлаш методи билан таништиришга ёрдам бериши керак.

Ёруғлик тезлигини Майкельсон методи бўйича аниқлаш ҳақида кўпинча физика ўқитувчисининг ўзи гапириб бергани, Рёмер методи ҳақида эса, астрономия ўқитувчиси сўзлаб бергани туфайли масала ечганда бошқа методлардан, масалан Физо методи (тишли диска билан тажриба) ва Фуко методи

(айланувчи күзгүни қўллаш) дан фойдаланиш керак. Охирги тажриба турли муҳитларда ёруғлик тезлигини бевосита аниқлаш имконини бергани учун ўқувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотади. Тегишли ҳисоблашлар $s = ct$ ва $c_1 = \frac{c}{n}$ формуласини кўллаш билан бажарилади, бунда c — ёруғликнинг вакуумдаги тезлиги, s — ёруғликнинг t вақт ичидаги ўтган масофаси, c_1 — ёруғликнинг муҳитдаги тезлиги бўлиб, бунда ёруғлик тўлқини вакуумдагига қараганда n марта секунроқ тарқалади.

Ҳисоблашларда ёруғликнинг вакуумдаги тезлигини $3 \cdot 10^8 \text{ км/сек} = 3 \cdot 10^8 \text{ м/сек}$ га тенг деб қабул қиласиз.

827. 251- расмда Галилейнинг ёруғлик тезлигини ўлчашга уриниб кўрган тажрибасининг схемаси келтирилган. Галилей фонаръ заслонкасини очиб, кўзгудан қайтган ёруғликнинг қанча вақт ўтгандан кейин қайтиб келишини аниқлашга уриниб кўрган. Бунда $s = 1,5 \text{ км}$ деб олиб, бу тажрибанинг асосий техникавий қийинчилиги нимада эканлигини ҳисоблашлар орқали кўрсатинг.

Ечилиши. $t = \frac{2s}{c} = \frac{3 \text{ км}}{3 \cdot 10^8 \text{ км/сек}} = 1 \cdot 10^{-5} \text{ сек}$ вақтда ёруғлик $2s$ га тенг масофани ўтади. Бундай тажриба йўли билан бунчалик қисқа бўлган вақт оралигини қайд қилиш мумкин эмас.

828. Бундан олдинги тажрибада видержкаси $1/500 \text{ сек}$ бўлган чақнайдиган лампали фотоаппаратдан фойдаланилган деб фараз қиласиз. Кўзгудан қайтган ёруғлик фотоплёнкага тушмаслиги учун кўзгу энг камида қандай s масофада жойлашиб керак? Фотоаппарат затвори очилган заҳоти лампа ёруғлик тарқатади деган шарт қабул қилинади.


Ечилиши. Агар ёруғлик $1/500 \text{ секунддан}$ кейин қайтса, у фотоплёнкага тушмайди.

$$s = \frac{ct}{2} = \frac{3 \cdot 10^8 \text{ км/сек} \cdot 1 \text{ сек}}{2 \cdot 500} = 300 \text{ км}.$$


s масофанинг катталиги туфайли тажрибани бундай кўринишда бажариш мумкин эмас.

829. 828- масалада баён этилган тажрибани $s = 0,3 \text{ км}$ масофада бажариш мумкин бўлсин учун фотоаппарат қандай видержкага эга бўлиши керак?

Жавоби: $\frac{1}{250000} \text{ сек.}$



251- расм.




252- расм.

830. Француз физиги Физо 1849 йили қуйидаги тажрибани бажарди. Ёруғлик a манбадан (252- расм) $s = 3,733 \text{ км}$ масофада жойлашган b күзгуга тушгац ва ундаң қайтиб кузатувчи нинг күзига тушган. Тез айланувчи тишли диск ёруғлик порциясини ўтказиб, ёруғликнинг күзгугача ва ундаң қайтиб келгунча ўтган t вақт ичидә бурилиб ўзининг энг яқин турған тиши билан қайтган ёруғлик йўлини тўсади ва кузатувчи бунда ёруғликни кўрмайди. Агар $N = 720$ та тишдан иборат бўлган диск $n = 29,2 \text{ айл/сек}$ тезлик билан айланган бўлса, бу тажрибада ёруғлик тезлиги қандай қийматга эга бўлган?

Ечилиши. $c = \frac{2s}{t}$. t вақт давомида диск битта тишга, яъни $\frac{1}{2N}$ га бурилган (тишларнинг кенглиги ва уларнинг оралиқлари бир хил деб олинган). Бир айланиш вақти $T = \frac{1}{n}$. Демак, $t =$

$$= \frac{1}{2Nn}; c = 4Ns = 4 \cdot 720 \cdot 3,733 \text{ км} \times \\ \times 29,2 \frac{1}{\text{сек}} \approx 315000 \text{ км/сек.}$$

831*. Француз физиги Фуко 1862 йили қуйидаги тажрибани қилди¹. Ёруғлик S манбадан чиқиб (253- расм) айланувчи кўзгу A дан маркази A кўзгу билан мос тушувчи кўзғалмас B сферик кўзгуга қайтади. Ёруғлик йўлига сувли труба $AB = 4 \text{ м}$ икки баравар катта масофани ўтиши учун кетган t вақт мобайнида A кўзгу α бурчакка бурилди ва қайтувчи нур S' нуқтада оқ доғ ҳосил қилди. $\angle SAS' = 72,8''$. Кўзгунинг бурилиш тезлиги $n = 800 \text{ айл/сек}$. Бу маълумотлар бўйича ёруғликнинг сувдаги c тезлигини ҳисобланг.



253- расм.

чи нур S' нуқтада оқ доғ ҳосил қилди. $\angle SAS' = 72,8''$. Кўзгунинг бурилиш тезлиги $n = 800 \text{ айл/сек}$. Бу маълумотлар бўйича ёруғликнинг сувдаги c тезлигини ҳисобланг.

¹ Элементар физика дарслиги, Г. С. Ландсберг таҳрири остида, III т. М., „Наука“ нашриёти, 1966 й. 340- бет. Кейинчалик бу китобга берилган изоҳ қуйидагида қисқартирилиб берилади: Лицб, III т.

Ечилиши. $c = \frac{2AB}{t}; t = \frac{\alpha}{\omega} = \frac{\alpha}{2\pi n}; \alpha = \frac{\angle SAS'}{2}$ (№ 856 га қаранг) $\alpha = \frac{72,8''}{2 \cdot 3600 \cdot 57,3} \text{ рад},$

$$c = \frac{2AB \cdot 2\pi n}{\alpha} = \frac{2,4 \text{ м} \cdot 2 \cdot 3,14 \text{ рад} \cdot 800 \frac{1}{\text{сек}} \cdot 2 \cdot 3600 \cdot 57,3}{72,8 \text{ рад}} \approx \\ \approx 2,27 \cdot 10^8 \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$

Масалани геометрик оптикани ўрганғандан кейин қайтариш жарағында ечиш мақсадга мувофиқидир.

832. Қуёшдан Ерга ёруғлик қанча вақтта етиб келади?

Жағоби. 8 мин 16 сек.

833. Ёруғлик Қуёшдан Ерга 8 мин 16 сек да етиб келгани учун, үқувчи Қуёшни зенитда күрган вақтимизда Қуёш аслида у ерда бўлмайди, деган холосага келди. Бу холоса тўғрими?

Жағоби. Нотўғри. Қуёш зенитда бўлган вақтда биз 8 мин 16 сек илгари юборилган нурни кўрамиз. Биз қуёшни осмоннинг қаерида кўрсак¹, у ўша ерда бўлади, бироқ у 8 мин 16 сек илгари қандай бўлса, шундай бўлиб кўринади. Агар Қуёш чиққан вақтда унда бирор ҳодиса содир бўлған бўлса, масалан, янги қуёш доғи ҳосил бўла бошлаган бўлса, у ҳолда биз бу ҳақда 8 мин 16 сек ўтга, яъни Қуёш горизонтдан кўтарилигандан кейин биламиз.

Бу масалани ечиш муносабати билан ўқувчиларга кўпчилик юлдузларни биз юз ва миллион йиллар илгари қандай бўлгап бўлса шундайлигича кўрамиз деб баён этиш мумкин.

2. Ёруғлик интерференцияси ва дифракцияси

Механик ва ёруғлик тўлқинларининг интерференцияси орасидаги ўхшашлиқдан фойдаланиб, дастлаб икки, сўнгра эса учта ва ундан кўп когерент манбалардан келган ёруғликнинг интерференцияси ҳақида масалалар ечилади. Бу ҳол ўқувчиларни дифракцион панжаранинг ишлаш принципи ва ёруғлик тўлқин узунлигини ҳисоблаш билан таништириш имконини беради. Сўнгра юпқа пардаларда ёруғлик тўлқинининг интерференцияси қаралади.

Ёруғлик дифракцияси ҳақидаги масалаларда асосий эътиборни кичик тирқишдан ҳосил бўладиган дифракцияга қаратилади. Бу ҳодисани тушунтириш учун ўқувчиларни, тўлқин етиб келган ҳар бир нуқтани ўзаро интерференцияланувчи иккиласми тўлқинлар манба сифатида қараш мумкин бўлган Гюйгенс—Френел принципи билан таништирилади.

¹ Ёруғликнинг атмосферадаги синиши ҳисобга олинмайди.

834 (э). Қаттиқ қоғоздан (фотоматериалларни жойлаштириш учун ишлатиладиги қора қоғоз яхши бўлади) иккита экран ясанг. Улардан бирида лезвия билан узунлиги $2-3 \text{ см}$ ва кенглиги $0,5-1 \text{ мм}$, иккинчисида эса шу узунликда, лекин бир-биридан $0,1-0,2 \text{ мм}$ оралиқда бўлган иккита тор тирқиши кесинг. Катта тирқишини Қуёш ёки электр нури билан ёритинг ва унга бошқа икки тор тирқиши орқали қаранг. Тирқишининг ён томонларида ёруғ ва қора полосаларининг пайдо бўлишини қандай тушунтириши керак?

Ечилиши. Ҳодиса когерент манбалар ролини ўйновчи иккита тирқишдан келувчи ёруғликнинг интерференцияси билан тушунтирилади. Тушунтиришда 244- расмда тасвирланганга ўхшаш чизмага мурожаат қилинади.

Агар масала синфа ечилса, у ҳолда иккита тирқишли экранлар олдиндан тайёрланган ва ўқувчиларга тарқатилган бўлиши керак. Жуда яхши ёритилган тирқишини (бутун синфга битта) проекцион фонарь конденсорини тирқишли қора қоғоз билан қоплаб ҳосил қилиш мумкин. Тўғри чўғланиш толали лампадан фойдаланилса яна ҳам яхшироқ бўлади.

835. Нима учун бир-бирига боғлиқ бўлмаган иккита ёруғлик манбаларида, масалан, иккита юлдуз ёки электр лампочкаларида ёруғлик интерференцияси кузатилмайди?

Жавоби. Бир-бирига боғлиқ бўлмаган ёруғлик манбалари когерент бўлмайди.

836. Дифракцион полосаларнинг рангларга бўялиб кўришини қандай тушунтириш мумкин (834- масала)? Раңгли полосаларнинг жойланиши тартибини чизинг ва тушунтириб беринг.


Ечилиши. Раңгли бўёқларнинг кўринишига сабаб оқ ёруғликнинг тури узунликдаги ёруғлик тўлқинларига эга бўлиши билан тушунтирилади. 245- расм ва $\lambda = d \sin \varphi$ формуладан λ тўлқин узунлик қанча узун бўлса, биринчи максимумининг шунча катта бурчак остида кузатилиши кўриниб турибди.

Қизил нурлар катта бурчакка оғади, бинобарин, улар энг катта тўлқин узунликка эга бўлади.

837. Бир-биридан $0,02 \text{ см}$ оралиқда жойлашган иккита ингичка тирқишдан ҳосил бўлган интерференцион манзарадан фойдаланиб, оқ ёруғлик тўлқин узунлигининг ўртача қийматини топинг. Экрандаги қора полосалар орасидаги масофа $0,49 \text{ см}$, тирқишдан экрангача бўлган масофа эса 200 см га тенг.

Ечилиши. Ёруғликнинг қора полосалари (минимумлар) орасидаги масофа ёруғ полосалар (максимумлар) орасидаги масофага тенг. Шунинг учун

$$\lambda = d \sin \varphi = 0,02 \text{ см} \cdot \frac{0,49 \text{ см}}{200 \text{ см}} = 4,9 \cdot 10^{-5} \text{ см.}$$



254- расм.

838. Агар; а) тирқишилар сонини орттирасак; б) улар орасидаги масоғани камайтирасак интерференцион манзара қандай ўзгаради (834- масалатага қаранг)?


Ечилиши. Иккита эмас, балки түртта тирқишилар экран оламиз (254-расм). Агар 1 ва 2 тирқишдаги түлқинлар фарқи масалан, λ га тенг бўлса, у ҳолда исталган бошқа икки тирқиши орасида бутун сонли түлқинлар ҳосил бўлади, демак, $l \gg d$ масоғада ϕ бурчак остида ёруғликнинг максимуми кузатилади, лекин 4 та тирқиши 2 тага нисбатан кўпроқ ёруғлик ўтказганилиги туфайли интерференцион полосалар бирмунча равшанроқ бўлади.

б) $\lambda = d \sin \phi$ ёки $\frac{\lambda}{d} = \sin \phi$ формуладан бир хил түлқин узуунлик λ учун тирқишилар орасидаги масофа d қамайниши билан ϕ бурчакнинг ортиши, демак, дифракцион манзаранинг бирмунча аниқроқ бўлиши кўринади.

Бу масалани ечгандан сўнг ўқувчиларга, 834- масаладагига ўхшашиб интерференцион манзараларни кузатиш учун турли даврли дифракцион панжаралар тарқатиш фойдали бўлади. Панжаралар ўрнига ёки уларга қўшимча қилиб пат ёки капрон парчаси ва шунга ўхшашибарни тарқатиб чиқиши ҳам мумкин.

839 (ә). Схемаси 255- расмда кўрсатилган қурилмани йингинг ва экранда дифракцион манзарани ҳосил қилиб, қизил нурнинг түлқин узуулигини аниқланг.

Ечилиши. Тирқиши b иложи борича фонарнинг a конденсоридан йиғилиб чиқувчи нур билан ёруғ қилиб ёритилади. Объектив c ёрдамида экранда тирқишининг тасвири ҳосил қилинади. Сўнгра экран ва объектив орасига g дифракцион панжара жойлаширилади ва e экранда интерференцион манзара кузатилади.



255- расм.

Тажрибалардан бирида қуйидати маълумотлар олинган.

Панжарадан экрангача бўлган l масофа 200 см. Тирқишиңг марказий тасвир ўртасидан биринчи A ва иккинчи B максимумларнинг танланган нуқталаригача бўлган масофа мос ҳолда 13 ва 26 см. Панжара доимилиги $d = 0,001$ см.

$n\lambda = d \sin \varphi = d \frac{AO}{l}$ формуладан қуйидагини топамиз:

$$\lambda_1 = d \sin \varphi_1 = \frac{0,001 \text{ см} \cdot 13 \text{ см}}{200 \text{ см}} = 6,5 \cdot 10^{-5} \text{ см} = 6,5 \cdot 10^{-7} \text{ м.}$$

$$\lambda_2 = \frac{d \sin \varphi_2}{2} = \frac{d \cdot BO}{l} = \frac{0,001 \text{ см} \cdot 26 \text{ см}}{2 \cdot 200 \text{ см}} = 6,5 \cdot 10^{-5} \text{ м.}$$


Агар AO ва BO масофаларни спектрнинг қизил қисмидаги бошқа нуқталаргача бўлган масофа деб қарасак, у ҳолда λ нинг бошқа қийматлари олинади, чунки қизил нур $7,6 \cdot 10^{-7}$ – $6,2 \times 10^{-7}$ м оралиқдаги тўлқин узунликка эга.

840. Бундан аввалги масалада қаралган тўлқин узунлик учун v тебраниш частотасини ҳисобланг.

$$\text{Ечилиши. } v = \frac{c}{\lambda} = \frac{3 \cdot 10^8 \text{ м/сек}}{6,5 \cdot 10^{-7} \text{ м}} = 4,6 \cdot 10^{14} \text{ 1/сек.}$$

841. Патефон пластинкасини кўз олдингизга шундай жойлаштирингки, бунда лампочкадан пластинка текислигига деярли параллел ҳолда қайтган нурлар кўринисин. Кузатиладиган ҳодисани қандай тушунириш мумкин?

Жавоби. Пластинканинг жўяклари орасида ётган қисмидан қайтган ёруғлик интерференцияланади. Бу қисмлар дифракцион панжарадаги тирқишларга ўхшаб, ёруғлик манбалари вазифасини ўтайди.



256- расм.

842. Иккита l ва l' шиша пластинкалар орасида $\alpha = 10''$ бурчакли понасимон ҳаво қатлами ҳосил бўлди (256- расм). Понасимон ҳаво қатламини тик тушувчи $\lambda = 5,8 \cdot 10^{-7}$ м тўлқин узунликли ёруғлик дастаси билан ёритилса, интерференцион манзара қандай кўринишга эга бўлади? α бурчак катталашганда интерференцион манзара қандай ўзгаради?

Ечилиши. Ўтувчи нурда ёруғликнинг максимум шарти $2h_n = n\lambda$. Ёруғликнинг биринчи максимуми $h_1 = \frac{\lambda}{2}$, сўнгра $h_2 = \frac{2\lambda}{2}$ ва ҳоказо ерларда кузатилади;

$$l_n = \frac{h_n}{\sin \alpha} = \frac{n\lambda}{2 \sin \alpha}; \Delta l = l_2 - l_1 = \frac{2\lambda - \lambda}{2 \sin \alpha} = \frac{\lambda}{2 \sin \alpha}$$

Δl — ўзгармас катталик. Кичик бурчак синуси радианларда олинган бурчакка тенг бўлгани учун,

$$\Delta l = \frac{5,8 \cdot 10^7 \text{ м} \cdot 3600 \cdot 57,3}{2 \cdot 10} \approx 6 \cdot 10^{-3} \text{ м} = 6 \text{ мм.}$$

Монохроматик ёруғликда пластинкада унинг қирраларига параллел бўлган ёргу ва қоронги полосалар кўринади. $\Delta l = \frac{\lambda}{2 \sin \alpha}$, у ҳолда α бурчак катталashiши билан полосалар орасидаги масофа қамайиб боради.

843. Энг яхши кўриш масофасида (25 см) нормал кўз бирбиридан 0,07 мм узоқликда турган иккита нуқтани ажратиб кўради. Кўз интерференцион полосаларни ва узунлиги $l = 10 \text{ см}$ бўлган ҳаво қатламининг энг катта қалинлигини ажратса олмагандаги пластинкалар орасидаги α бурчакни аниқланг (842- масала).

Ечилиши. $\Delta l = \frac{\lambda}{2 \sin \alpha}$; $\sin \alpha = \frac{\lambda}{2 \Delta l} = \frac{80 \cdot 10^{-6} \text{ мм}}{2 \cdot 0,07 \text{ мм}} = 4 \cdot 10^{-3}$.
 $\alpha \approx 4 \cdot 10^{-3} \text{ rad} \approx 10'$.

$$h = l \alpha \approx 10 \text{ см} \cdot 4 \cdot 10^{-3} = 4 \cdot 10^{-2} \text{ см} = 0,4 \text{ мм.}$$

Масала нима учун ингерференцион полосалар фақатгина юпқа пардаларда кузатилиши ни маълум бир меъёрда тушунишига имкон беради¹⁾.

844. Вертикал жойлаштирилган сим рамкада совун пардасини ҳосил қилинг. Парданинг қайси ерида, қандай кетма-кетликда ва нима учун биринчи камалак полосалари ҳосил бўлади? Қайтган ёруғликдан ҳосил бўлган полосаларни ёруғлик фильтри орқали қаранг. Полосаларнинг кенглиги ва улар орасидаги масофа нима учун фарқ қиласди?

Ечилиши. Суюқликнинг оқиб тушиши натижасида совун пардаси пона ҳосил қиласди. Полосалар даставвал парданинг юпқа бўлган юқори қисмида ҳосил бўлади. $l_n = \frac{n\lambda}{2 \sin \alpha}$ (№842). Тўлқин узунлик λ қанча узун бўлса, понанинг қиррасидан шунча узоқликда интерференцион полосада тегиншли ранг кузатилади. Кўз юқоридан пастга томон спектрнинг бинафша, кўк, ҳаво ранг, яшил ва бошқа рангларини кўради.

Полосаларнинг кенглиги ва улар орасидаги масофанинг фарқи парда сиртининг нотекис эканлиги билан тушунишилади.

¹⁾ Монокроматик ёруғликда интерференцион полосаларни 0,5 мм гача бўлган пардаларда ажратиш мумкин. Оқ ёруғлик учун парда тахминан юз марта юпқа бўлиши керак.


ГЕОМЕТРИК ОПТИКА

Ушбу бўлимда ёруғлик тўлқинининг физикавий тушунчаси ўрнига ёруғлик нурининг геометрик тушунчаси (ёруғликниң тарқалиш йўналишин кўрсатувчи чизик) қўлланиладиган масалалар ечилади. Маълум тиидаги масалаларни ечишга бундай ёндашиш, ўқувчилардан ҳодисаларнинг ҳақиқий физикавий манзарасини ва „нур оптикасининг“ қўлланиш чегарасини тушуниши талаб қиласди. Шу мақсадда мавжуд бўлимда илгари ўрганилган ёруғликниң тўлқиний хоссалари ҳақидаги маълумотларнинг қўлланилишини талаб қилувчи масалалар бўлиши керак. Қўйидаги темаларга оид берилган масалалар типик ҳисобланади: бир жинсли муҳитда ёруғликниң тўғри чизиқли тарқалиши; ёруғликниң ясси ва сферик кўзгулардан қайтиши; ёруғликниң синиши; юпқа линзаларда ёруғликниң йўли; оптик системаларда ёруғликниң йўли; оптик асбобларнинг тузилиши ва ишланиши.

1. Ёруғликниң тўғри чизик бўйлаб тарқалиши

Мавжуд тема бўйича берилган масалалар ёрдамида ёруғлик нури ва „нур оптикаси“нинг қўлланилиш чегараси ҳақидаги тушунчалар ойдинлаштирилади, шунингдек баъзи амалий билимлар (тўғри чизиқларни „ўлчаш“, масофани аниқлаш ва ҳоказо) шакллантирилади.

845 (Э). Ёруғ нур йўлига, иложи бўлса қуёш нури йўлига бир-бирига параллел бўлган иккита бир хил қалам қўйинг ва уларни суриб ясси экранда турли кенгликдаги ёруғлик дасталарини ҳосил қилинг. Иложи борича ингичка даста ҳосил қилинг ва у бўйича чизик ўтказинг. Бу тажриба асосида ёруғлик дастасининг тарқалиши ҳақида қандай холоса қилиш мумкин?



257- расм.

846. а) Қаламларнинг иккичидан бармоқлар билан сиқиб (257- а расм) ёруғлик дастасининг бирмунча хира, бироқ кенгроқ бўлишига эришинг. Ёруғлик дастасининг бундай ўзгаришига сабаб нима?

б) Аввалига ўхшаш тажрибани иккита лезвия ёрдамида бажаринг (257- б расм). Лезвияни тиркиши ўтириш

пона ҳосил қиласи-
дан қилиб жойлаш-
тиринг. Нима учун
понасимон тирқиши-
нинг учида бирмун-
ча кенг ва „суйка-
га“ ёруғлик дастаси
ҳосил бўлади?

Жавоби. Кичик
тирқишиларда диф-
ракция ҳодисаси таъ-
сир қиласи. Бунда
ёруғлик соя соҳаси-
га ўта бошлади.

847 (ә). Стол лам-
паси билан экран
(девор) орасига ки-
тоб, қўл ва бошца-
ларни жойлаштиринг.
Экранда соя ва ярим соя ҳосил қилинг
ва уларнинг қандай ҳосил бўлишини чизма ёрдамида тушун-
тиринг.


848. Қуёшли кунларда сояга қараб дараҳтлар, миноралар
ва шунга ўхшашларнинг баландлиги қандай аниқланади?

Ечилиши. Даставвал узунлиги $A'B' = h$ бўлган бирор
хода ёки рейка соясининг узунлиги $A'C = l$ (258- расм) аниқ-
ланади. Сўнгра дараҳт соясининг узунлиги $AC = h$ ўлчанади
ва ABC ва $A'B'C'$ учбуручакларнинг ўхшашлигидан дараҳтнинг
баландлиги $H = \frac{lh}{l}$ эканлиги топилади.


849 (ә). Масштаб линейкаси ва қорайтирилган шишадан фой-
даланиб, Қуёш диаметри D нинг тахминий катталигини баҳо-
ланг. Қуёшгача бўлган оралиқ R ни 150 млн. км деб олинг.

Ечилиши. Қорайтирилган шишага линейка қўйилади ва
уни қўлда ушлаб 259- а расмда кўрсатилгандек, шиша ор-
қали Қуёшга қаралади. Линейка орқали Қуёшнинг кўринма
диаметри d миллиметрларда ўлчанади (259- б расм).

Қуёш диаметри $D = \frac{Rd}{l}$, бунда l — кўздан қорайтирилган
шишагача бўлган масофа.



258- расм.



259-расм.

Тажрибалардан бирида қуйидаги натижалар олинган: $d = 6 \text{ мм}$; $l = 60 \text{ см}$, $D = 1,5 \text{ млн. км}$. Қуёшнинг диаметри ер орбитаси радиусидан таҳминан 100 марта кичик.

Шунга ўхшашиб Ойнинг диаметри ёки ўлчамлари маълум бўлган узоқдаги предметга асосан унгача бўлган масофани аниқлаш мумкин.

850 (э). Картон ёки қалин қофозда диаметрлари турлича ($5, 2, 1$ ва $0,1 \text{ мм}$) бўлган бир нечта тешиклар тешинг ва улар ёрдамида экранда лампочка толаси ёки шам алангасининг тасвирини ҳосил қилинг. Нурлар йўлини чизинг ва тасвиirlарнинг қандай ҳосил бўлишини тушунириинг. Бу тасвиirlарнинг фарқи нимада?

851 (э). Агар думалоқ тешик ўрнига таҳминан шундай ўлчамдаги учбурчак ёки квадрат шаклидаги тешик олинса, тасвиirlарнинг сифати ўзгарадими? Жавобингизни тажрибада текшириб кўринг.


Жавоби. Буюмнинг ҳар қандай шуълаланувчи нуқтаси экранда шакли тешикнинг шаклига мос келган ёруғ доғ ҳосил қиласди. Бундай доғларнинг тўплами тешикларнинг шаклига боғлиқ бўлмаган ҳолда буюмнинг тўнтирилган тасвирини беради.

852*. 260- расмда „тешикли камера“ нинг схемаси ва тешикларнинг ўлчамлари: а) 3 мм ; б) 1 мм ; в) $0,5 \text{ мм}$; г) $0,03 \text{ мм}$ бўлганда „стрелка“ тасвирининг кўринини берилган (Лидб, Шт., 198- бет). Тасвиirlар фарқини қандай тушунириш керак? Бу маълумотлар 850 ва 851- масалаларда баён этилган тажриба натижаларига зид эмасми?

Жавоби. а, б, в ва г тасвиirlарнинг характеристи 850—851- масалалардан олинган натижаларни тасдиқлади. Тешик ўлчамининг маълум чегарагача камайиши билан тасвиirlарнинг аниқлиги ортиб боради. Катта ўлчамдаги ёруғ доғлар шуълаланувчи буюм деталлари ва контурларини ноаниқ кўрсатади. Кичик ўлчамдаги ёруғ доғ эса аниқроқ кўрсатади. Бироқ ёруғлик тўлқини узунлигига яқин бўлган жуда ҳам кичик тешикда ёруғлик дифракцияси туфайли тасвиirlарнинг равшанлиги камаяди.

853. Нима учун паркинг соя йўлкаларида „қуёш шуъласи“ думалоқ шаклга эга бўлади?

Жавоби. „Шуълалар“ қуёш нурларининг дараҳт барглари орасидан ўтиши натижасида ҳо-



260- расм.

сил бўлган Қуёш тасвири ҳисобланади. Шу муносабат билан ўқувчиларга Қуёш тутилган вақтда, унинг бир қисми кўрингандага „шуъла“ ўроқ шаклини олишини айтиб ўтиш қизиқарли бўлади. Ойдан ҳосил бўлган „шуъла“, шунингдек ўроқ ёки ярим ой шаклини олиши мумкин.

2. Ёруғликнинг қайтиши

Ушбу темада ёруғликнинг гадир-будурлик ўлчамлари ёруғлик тўлқини узунлигига яқин бўлган оптик силлиқ кўзгусимон сиртлардан қайтишнга оид масалалар ечилади.

Ёруғликнинг қайтиш қонунини қўйидагича таърифлаш мумкин: тушувчи нур, қайтувчи нур ва нурнинг тушиш иуқтасида қайтарувчи текисликка ўтказилган перпендикуляр бир текислика ётади, тушиш бурчаги эса қайтиш бурчагига тенг. Ўқувчиларнинг кўпинча тушиш ёки қайтиш бурчаги сифатида янглишиб нур билан текислик орасидаги бурчакни олишларига алоҳида эътибор бериш керак.


Даставвал, ёруғликнинг ясси, сўнгра, асосан ботиқ сферик кўзгулардан қайтиши ҳақидаги масалалар ечилади. Бу масалалар мазмунига кўра ҳам, ечилиш методларига кўра ҳам турличадир. Турли типдаги масалаларни ёруғлик йўлларини аниқ ясаде ечиш керак.

Сферик кўзгуларга оид ҳисоб масалаларда иккита, яъни $n = \frac{h'}{h} = \frac{f}{d}$ чизиқли катталаштириш формуласидан, бунда h' ва h —тасвир ва буюмларнинг мос ҳолда чизиқли ўлчамлари, f ва d —тасвир ва буюмдан кўзгулача бўлган масофалар ва $\frac{1}{d} + \frac{1}{f} = \frac{1}{F}$ сферик кўзгу формуласидан фойдаланилади, бунда $F = \frac{1}{2}r$ бўлиб, r —сферик сирт радиуси.

Кўзгудан ҳақиқий тасвир ёки иуқтагача бўлган масофани $\ll + \gg$ ишора билан, мавҳум тасвиргача бўлган масофани эса $\ll - \gg$ ишора билан олиш керак.

Кўзгу формуласи тақрибий бўлиб, буюмдан келаётган нур билан кўзгунинг оптик ўқи орасидаги бурчак қанча кичик бўлса, у шунча аниқ бўлади.

Сферик кўзгулардан қайтган дастлабки нур йўллари қайтиш қонуиларидан фойдаланилган ҳолда, яъни тушиш ва қайтиш бурчакларини ясаш йўли билан чизилади. Ўқувчилар бунинг мазмунини ўрганиб олганларидан кейин йўллари маълум бўлган нурлар, яъни: қайтгандан сўнг кўзгунинг фокуси орқали ўтган, оптик ўққа параллел бўлган нурлар; фокус орқали ўтган, оптик ўққа параллел қайтган нурлар; кўзгунинг маркази орқали ўтиб, ўша йўналишда қайтувчи нурлар; кўзгунинг қутбига тушиб, бош оптик ўққа симметрик ҳолда қайтган нурлар ёрдамида ясашга ўтилади. Кўзгунинг эгрилик



261- расм.

яққол күрниси туребди.


855. Ясси күзгуга тушгаш наараллел нурларнинг параллелигича қолишини ишботланг.

Ечилиши. AB күзгуга тушувчи (262- расм) иккита a ва b параллел нурларнинг йулларини қараймиз. Қайтувчи a' ва b' нурларнинг AB түғри чизик билан кесишувидан ҳосил бўлган 1 ва 2 мос бурчаклар тенг. Демак, a' ва b' нурлар параллел.


856. Агар кўзгу $α = 15^\circ$ бурчакка бурилса, кўзгудан қайтган нур қанча градусга бурилади?

Ечилиши. S манбадан AB кўзгуга тушувчи a нурни ясаймиз (263- расм). Тушиш ва қайтиш бурчаги β га тенг. Агар кўзгу $α$ бурчакка бурилса, у ҳолда OC перпендикуляр ҳам a бурчакка бурилади. Янги тушиш бурчаги $\gamma = \beta - \alpha$ бўлади. Кўзгунинг бурилишигача ва бурилгандан кейин кўзгудан қайтган нурлар орасидаги бурчак

$$2\beta - 2\gamma = 2\beta - 2(\beta - \alpha) = 2\alpha = 30^\circ.$$




262- расм.



263- расм.

857. S манбадан a тирқиши
орқали ясси кўзгуга a бурчак
остида тарқалувчи ёруғлик
дастаси тушмоқда (264- расм).
Кўзгудан қайтган нурлар ора-
сидаги бурчакни топинг.

Ечилиши. Ёруғлик дас-
тасини чегараловчи икки чет-
ки нурлар йўлини ясаймиз ва
уларни кўзгунинг орқасига S'
нуқтада кесишгунча давом эт-
тирамиз. a' топилиши керак
бўлган бурчакнинг ўзгинаси-
дир. SAB ва $S'AB$ учбурчак-
ларни қараб чиқамиз. $\angle 1 =$
 $= \angle 3$, чунки уларнинг ҳар
иккаласи $\angle 2$ га тенг. $\angle SAB =$
 $= \angle S'AB$, чунки улар
 $90^\circ + \beta$ га тенг. Демак, $a = a'$.



264- расм.

Олинган натижадан, ясси кўзгу фақат нурларнинг тарқа-
лиш йўналишини ўзгартириб, улар орасидаги бурчак эса ўз-
гармасдан қолишини ўқувчиларга тушунтиришда фойдаланиш
керак. Қаралаётган буюмнинг исталган нуқтасидан кўзга доимо
тарқалувчи нурлар тушади ва биз бу нуқтани (шуълала-
нувчи нуқта ёки кичик ўлчамдаги ёритилган буюм) нурлар-
нинг кесишган жойида кўрамиз. Бу қонда кўзгудан тарқалув-
чи нурлар учун ҳам ўрицлидир. Нурларнинг давомида кўз S
нуқтанинг тасвири ҳисобланган S' нуқтани кўради.


858. Аввалги масаланинг ечимидан фойдаланиб S' нуқта-
нинг тасвири қаерда ҳосил бўлишини аниқланг.

Ечилиши. S ва S' нуқталарни тўғри чизиқ билан бир-
лаштирамиз ва $\triangle SAB = \triangle S'A'B'$ эканини топамиз.

$\triangle SBC = \triangle S'BC$, чунки улар тенг томонлар орасига жой-
лаштан 1 ва 3 тенг бурчакларга эга. Шунга кўра $SC = S'C$;
 $\angle 4 = \angle 5 = 90^\circ$. Демак, S ва S' нуқталар кўзгу сиртига нис-
батан симметрик жойлашган.

859 (э). а) Картон варагига иккита тўғнафич қаданг ёки
кўздан турли масофаларда иккита қаламни тик ҳолда яқинда-
гиси узоқдагисини беркитиб турадиган қилиб ушланг. Кўзни
чапга ва ўнга салгина силжитиб, узоқдаги буюм яқиндагига
нисбатан қайси томонга силжишини аниқланг.

б) a кўзгу олдига b қалам ϑ тасвири
кўзгу орқасида қаерда бўлишини аниқланг. Бунинг учун ик-
кинчи ϑ қаламни кўзгунинг орқасига ўрнатинг (265- расм) ва
биринчи топцириқдаги сингари кўзни ўнг ёки чапга силжитиб
ва ϑ қаламни суриб унинг ϑ тасвирига нисбатан силжимайдиган
ҳолатини топинг. Тажриба асосида ϑ тасвирининг қаерда бўли-
ши ҳақида холоса чиқаринг.




265- расм.

баландлигини аниқланг.

Е ч и л и ш и. 266- расмдагига ўхшаш чизамиз. Ёруғликнинг қайтиш қонунига мувофиқ $\alpha = \alpha'$, Шунга кўра $\angle 1 = \angle 2, \triangle ABC \sim \triangle CDE$. Демак, $\frac{H}{l_1} = \frac{h}{l_2}$ бўлиб, бундан дарахтнинг баландлиги $H = \frac{l_1 h}{l_2}$ га тенг, бунда h — киши кўзидан ергача бўлган масофа. l_1 ва l_2 эса мос ҳолда кўзгудан дарахтгача ва кишининг оёғигача бўлган масофа.

861*. Яйловдаги дарахт учига қуш қўниб турибди. Қуш яйловнинг иккинчи томонидаги дарахтга энг қисқа масофа орқали учиб ўтиши учун у ер сиртининг қаеридағи мевани чўқиб кетиши керак?

Е ч и л и ш и. Фараз қиласайлик, қуш дарахтнинг A учидан B учига учиб ўтиши керак бўлсин (267- расм). Ер сиртига нисбатан B нуқтага симметрик бўлган B' нуқтани ясайдиз



266- расм.

Ж а в о б и а) Кўз қайси томонга силжиса, узоқдаги буюм ҳам яқиндагига нисбатан ўша томонга силжийди. б) Қаламнинг кўзгу олдидаги тасвири ҳандай масофада бўлса, унинг кўзгу орқасидаги тасвири ҳам шундай масофада бўлишини ўлчаш орқали топамиз. Бу 858- масалада чиқарилган холосани тасдиқлади.

860 (э). Оёғингиздан унча узоқ бўлмаган масофага кўзгуни қўйиб, унда дарахт, столба ёки бошқа баланд буюм учларининг тасвирини топинг ва тегишли ўлчаш ва ҳисоблаш ишларини бажариб, уларнинг


ва AB' ва OB түгри чизиқни ўтказамиз. A ва B' нүкталар орасидаги энг қисқа йўл AB' , бироқ $OB' = OB$, шунинг учун AOB йўл масала шартларига кўра энг қисқа йўл ҳисобланади. Исталган бошқа йўл, масалан $AO_1B' > AOB$, чунки $AO_1B' > AOB'$.

267- расмдан $\alpha = \alpha'$ экани кўринади, демак, AOB энг қисқа масофа O нүктадан қайтган ёруғликнинг йўлига мос келади.


Қадимги грек олим Герон (бизнинг эрадан 120 йил олдин) нинг ёруғликнинг яси кўзгудан қайтганда энг қисқа йўл босиб ўтишини исботлаганлиги ҳақида ўқувчиларга сўзлаб бериш мумкин. Олим Ферма эса (1601—1665) ёруғликнинг минимум вақт талаб қиласидаги энг қисқа йўлда тарқалишини кўрсатди (Ферма принципи).

862. Эгрилик радиуси 5 см бўлган кўзгусимон ботик ярим сферани тасвирланг ва чизма орқали нурларнинг бош оптик ўқ билан кесишган нүктасини топинг. Нурлар кўзгуга унинг бош оптик ўқига параллел ҳолда ундан 1,2 ва 4,5 см масофаларда тушади. Нурнинг бош оптик ўқдан 1 см масофада у билан кесишган нүктасини, шунингдек ҳисоблаш орқали топинг.


Ечилиши. Бош оптик ўқдан мос ҳолда 1, 2 ва 4, 5 см масофаларда турган ва кўзгуга параллел ҳолда тушувчи нурларни a , b , c орқали тасвирлаймиз. Ҳар бир нурнинг тусиши нүктасини кўзгу сиртининг маркази билан туташтирамиз ва α , β ва γ тусиши бурчаклари бўйича транспортир ёки циркуль ёрдамида уларга тенг бўлган α' , β' ва γ' қайтиш бурчакларини чизамиз (268- расм). a нур қайтгандан сўнг бош оптик ўқ билан тах-



267- расм.



268- расм.



269- расм.

ифода, ушбу мисолда $2AP$ га тенг бўлган кўзгунинг тирқиши ўлчами эргилик радиуси $R = PC$ дан бирмунча кичик эканини билдиради.

F нуқтанинг ҳолатини қўйидагина ҳисоблаш мумкин.

$\angle ACP = \angle \alpha$, $\triangle ACF$ — тенг ёнли, $AF = FC$. $\angle AFP$ кичик бўлгани учун $AF \approx PF$ бўлади, демак, $PF = FC = \frac{R}{2}$.

863. Ёруғлик нурининг қайтувчалик хоссасидан фойдаланиб, 862- масала ечимига кўра, ботиқ сферик кўзгудан қайтгани, F фокус орқали ўтувчи нурларнинг қандай йўналишида кетиши ҳақида хулоса чиқаринг.

Жавоби. Бош оптик ўқ билан кичик бурчак ташкил қилиб фокус орқали ўтувчи нурлар¹ бош оптик ўқка параллел ҳолда қайтади.

864. Бош оптик ўқда ётувчи шуълаланувчи нуқтанинг тасвири қаерда, яъни: а) ботиқ кўзгу марказининг орқасида; б) фокус билан марказ орасида; в) фокус билан қутб орасида ётишини чизма ва ҳисоблашлар ёрдамида аниқланг.

Ечилиши. 1- усул. а) Кўзгунинг C маркази орқали CP ўқка тенгдош, ажратилиши деярли шартли бўлган қўшимча CP' ўқ ўтказамиз (269- расм). Сўнгра S нуқтадан CP' га параллел бўлган SA нурни ўтказамиз. Нур кўзгудан қайтганда $P'C$ кесманинг ўртасида ётувчи F' фокус орқали ўтиши керак. SA ва SP нурларнинг кесишинидан ҳосил бўлган S' нуқта S

¹ Бундан кейин фақат бош оптик ўқ билан кичик бурчак ташкил этган нурларгина қаралади.

минан P кўзгу қутби ва C сферик сирт маркази орасидағи F нуқтада кесишиади.

Нур b бош оптик ўқ билан P қутбга бирмунча яқинроқ масофада кесишиади.

Нур v эса F нуқта соҳасига мутлақо тушмайди ва кўзгудан кўп марта қайтади.

Чизмадан шундай хулоса қилиш мумкин: бош оптик ўқка яқин бўлган параллел нурлар тахминан кўзгунинг фокуси деб аталувчи бир нуқтада кесишиади.

„Оптик ўқка яқин бўлган нурлар“ дейилган

иүқтанинг тасвири бўлади. Бу иүқта кўзгунинг фокуси билан унинг оптик маркази орасида жойлашган.

б) Нурларнинг қайтувчалик хоссасидан фойдаланиб, қўйи-дагиларни тасдиқлаш мумкин: агар S' шуъланувчи иүқта кўзгу фокуси билан маркази орасида жойлашган бўлса, у ҳолда унинг тасвири бўлган қўшма иуқта кўзгу марказининг орқасида жойланади. Бу даъвони олдингига ўхшаш ясаш йўли билан текшириб кўриш мумкин: CP' ёрдамчи ўқ ўтказамиз ва унга параллел бўлган SA нурининг йўлини қараб чиқамиз. Бу нур кўзгудан қайтиб ёрдамчи ўқ фокуси орқали ўтади ва бош оптик ўқ билан S' иүқтанинг тасвири ҳисобланган S' иүқтада кесиниади (269- б расм);

в) CP' ёрдамчи ўқ ўтказамиз ва унга параллел бўлган SA нурининг йўлини қараб чиқамиз. Нур кўзгудан қайтиб F' фокусдан ўтади ва бош оптик ўқ бўйлаб ўтувчи нур билан кесишмайди. Тасвир ҳосил бўлмайди. Агар тарқалувчи нурлар кўзга туписа, у ҳолда кўз кўзгунинг орқасида нур давомида S' иүқтада мавҳум тасвирни кўради (269- в расм).

2· у с у л. $\frac{1}{f} + \frac{1}{d} = \frac{1}{F}$ кўзгу формуласини ёзамиз ва ундан бизни қизиқтирувчи $f = \frac{F}{1 - \frac{d}{a}}$ катталикини аниқлаймиз. Агар

$d = 2F$ бўлса, у ҳолда $f = 2F$ бўлади.

а) $d > 2F$ да маҳраж $1/2$ дан катта, бироқ 1 дан кичик қийматга эга, шунга кўра $F < f < 2F$ бўлади.

б) $F < d < 2F$; $f > 2F$ (a ва b ҳолларни солиштириб, d ва f масофаларда ётган иүқталар қўшма иүқталар эканини кўрамиз).

в) $d < F$. Бунда маҳраж манғий катталиkdir. Мавҳум тасвир кўзгу орқасида ётади.


865 (ә). Ботиқ сферик кўзгу ёрдамида экранда одам башарасининг тасвирини ҳосил қилиш мумкинми? Қандай қилиб? Жавобингизни тажрибада текширинг.

Жавоби. Экрандаги тасвир ҳақиқий, шунга кўра одам башараси кўзгудан фокус масофада каттароқ масофада жойлашган бўлниши керак. Мавжуд қурилма 270- расмда кўрсатилган. Тажрибада сферик кўзгу фақат шуъланувчи иүқта тасвиринингина эмас, балки ёритилган жисмларнинг ҳам тасвирини беришни кўриш мумкин.


866. Ботиқ сферик кўзгу ёрдамида қандай қилиб буюмнинг:
а) кичрайган; б) катталашган тасвирини ҳосил қилиш мумкин?



270- расм.



271- расм.



272- расм.

түнтирилган тасвир кўзгунинг фокуси билан маркази орасида жойлашади (271- расм);

б) Ёруғлик нурларининг қайтувчалилигига асосан, агар буюм кўзгу фокуси билан маркази орасида жойлашган бўлса, у ҳолда унинг ҳақиқий, катталашган ва түнтирилган тасвирни кўзгунинг маркази орасида жойлашган бўлади деб холоса қила оламиз.

Масала шартида, катталашган тасвирниң ҳақиқий ёки мавҳум бўлиши кераклиги ҳақида гапирилмаганлиги туфайли, бу саволга бошқача жавоб бериш мумкин. Агар буюм кўзгу билан унинг фокуси орасида жойлаширилган бўлса, буюмниң катталашган (мавҳум) тасвири ҳосил бўлади (272- расм).

Кўзгудан қайтган нурларнинг тарқалиб кетиши 272- расмдан кўриниб турибди. Шунинг учун ҳақиқий тасвир ҳосил бўлмайди. Бироқ кўз, масалан A нуқтаниң мавҳум тасвирини кўзгунинг орасида DE ва AC нурларнинг давомида кўради. Буюмниң мавҳум тасвири катталашган бўлади, бундан масалан, соқол олишда қўлланиладиган кўзгуларда фойдаланилади.

Бу масалани ечганда кўзгуларда тўғри тасвирниң ҳамма вақт мавҳум, тескари тасвирниң эса ҳақиқий бўлишига ўқувчилар диққатини қаратиш керак.

867 (э). Ҳисоблаппурдан фойдаланмасдан, қандай қилиб ботик кўзгунинг әгрилик радиусини топиш мумкин? Жавобин-

Жавобин чизма ва тажрибалар ёрдамида текшириб кўриниб.

Ечилиши. а) Агар буюм кўзгунинг марказидан (иккиласланған фокус масофадан) узоқда жойлашган бўлса, кичрайган тасвир ҳосил бўлади. Чизмани соддалаштириш учун буюмниң („стрелканинг“) бир учи бош оптик ўқда жойлашади деб тасвирлаймиз (271- расм). Бу ҳолда B нуқтаниң тасвири 864- масалада кўрсатилганидек бош оптик ўқда бўлганлиги туфайли биргина A нуқтаниң тасвирини топиш кифоя. Тасвирни ясашда масалан, бош оптик ўққа параллел бўлган нурдан ва C марказ орқали ўтувчи нурдан фойдаланамиз. Хақиқий, кичрайтирилган ва

гизин тажрибада текши-
рин.


Ечилиши. 866- масала-
да күрсатылғаныдек, агар
буюм күзгү марказидан
узоқда турған бұлса, тасвир
кичрайған бўлади, агар яқин
бўлса катталашган бўлади.
Агар буюм кўзгунинг ра-
диусига teng масофада тур-
ған бўлса, у ҳолда тасвир
катталик жиҳатидан буюм-
га teng бўлади, бундан кўз-
гуларнинг радиусини аниқ-
лашда фойдаланиш мумкин.

Бу холосани кўзгунинг
катталаштириш формуласи
 $n = \frac{f}{d}$ асосида тасдиқлаш
мумкин. $n=1$ да $f=d$ бў-
лади. У ҳолда $\frac{1}{F} = \frac{1}{f} + \frac{1}{d}$ кўзгү формуласидан $d = 2F$ экан-
лиги келиб чиқади.


Тажрибани қўйишда b қирқимли a картон бўлаги ва v
кўзгү штативга маҳкамланади (273- расм). Қирқим ёруғлик-
нинг параллел дастаси билан ёритилади (проекцион фонаръ
били). Картонни кўзгунинг бош оптик ўқи бўйлаб силжитиб,

уида катталиги „қир-
қим“ ўлчамига teng
бўлган z тескари тас-
вир ҳосил қилинади.
Тасвир кўзгү радиуси-
га teng бўлган иккি-
ланган фокус масофада
ҳосил бўлади.

868. Ёруғлик ман-
бай эргилик радиуси
 $R = 20$ см бўлган кўз-
гү марказидан унинг
қутбиға томон 2 м сек
тезлик билан текис
силжитилмоқда. Бунда
ёруғлик манбанинг
тасвири қандай сил-
жиди ва унинг тезли-
ги қандай ўзгарили?
Тасвиргача бўлган ма-
софанинг ёруғлик ман-




273- расм.



274- расм.

байдан күзгугача бўлган масофага боғлиқлик графигини чизинг.

Чилиши. 1- усул. Ёруғлик манбай күзгунинг марказидан унинг фокусига томон силжийди, унинг тасвири эса қарманга көрини томонга марказдан исталганча узоққа силжийди. Ёруғлик манбанинг ўртача силжиш тезлиги, бир хил вақтда кўпайул утадиган тасвирнинг тезлигига қараганда кичикдир.



$$\frac{1}{F} = \frac{1}{f} + \frac{1}{d}, \text{ буида } f = \frac{Fd}{d-F}$$

Жадвал тузамиз ва шу асосда график ясаймиз (274- расм).

<i>d, см</i>	20	15	16	14	12	11	10	9	8	6	4	2	0
$f = \frac{Fd}{d-F} \text{ см}$	20	25	27	36	59	110	∞	-90	-40	-15	-6,7	-2,5	0

Жадвал

Жадвал ва графикдан, тасвирдан кўзгугача бўлган f масофа майбагача бўлган d масофага қараганда тезроқ ўзгариши кўринниб турибди. $d = F = 10 \text{ см}$ нуқта — махсус нуқта. Бу нуқта учун $f = \infty$ ва функция узилган бўлади. f нинг манфиий қийматига манбанинг кўзгу орқасида ҳосил бўлган мавжум тасвирга бўлган масофа мос келади. Ёруғлик манбай кўзгу марказидан кўзгуга томон яқинлашиб борган сари ҳақиқий тасвир ортиб борувчи тезлик билан кўзгудан узоқлашади, мавжум тасвир эса камайиб борувчи тезлик билан унга яқинлашади.

2- усул. Ўқувчиларни математик анализдан олган билимларини хисобга олиб, тасвирниң силжиш тезлигини ҳосила тартибасида толамиз:

$$v_{\text{тасвир}} = \frac{df}{dt} = \frac{d}{dt} \left(\frac{Fd}{d-F} \right) *$$

Формулани ёзиш осон бўлсин учун d катталикини l ҳарфи билан белгилаймиз. F — ўзгармас катталик. Агар $u = \frac{u}{v}$ бўл-

са, у ходда ҳосила $\frac{dy}{dt} = \frac{\frac{du}{dt} v - u \frac{dv}{dt}}{v^2}$ бўлишини ўқувчиларга эслатиб ўтамиз. Шунга кўра

$$\frac{df}{dt} = \frac{\frac{d}{dt}(Fl)(l-F) - \frac{d}{dt}(l-F)Fl}{(l-F)^2} = - \frac{F^2 \frac{dl}{dt}}{(l-F)^2}$$

Масаланинг шартига кўра $\frac{dl}{dt} = v_{\text{манба}}$ майбанинг силжиш тезлиги ўзгармас катталик бўлиб, $2 \frac{\text{см}}{\text{сек}}$ га teng ва $F = 10 \text{ см}$. Шунинг учун тасвирининг оний силжиш тезлиги

$$v_{\text{тасвир}} = - \frac{F^2 v_{\text{манба}}}{(l - F)^2} = \frac{-200}{(l - 10)^2} \frac{\text{см}}{\text{сек}}.$$

Минус ишора тасвирининг ёруғлик манбанинг силжиши йўналишига қарама-қарши йўналишда силжишини кўрсатади.

Харакатланувчи манба фокусга яқин бўлганда ($l \approx 10 \text{ см}$), тасвир энг катта тезлик қийматига эришади. $l = F$ бўлганда $v_{\text{тасвир}} = \infty$ эканлиги сифат жиҳатдан график ёрдамида кўрсатилган эди (274- расм).

3. Ёруғликнинг синиши

Мазкур темада $\frac{\sin \alpha}{\sin \gamma} = n$ қонунга асосан икки муҳит чега-расида синувчи нурларнинг йўли топиладиган масалалар ечилади, бунда α —тушиш бурчаги, γ —синиш бурчаги, n эса иккинчи муҳитнинг биринчи муҳиттага нисбатан синдириш кўрсаткичи бўлиб, ёруғлик нури биринчи муҳитдан бу муҳит чегарасига тушади. Берилган молданинг вакуумга нисбатан (амалда ҳавога нисбатан) синдириш кўрсаткичи, абсолют синдириши кўрсаткичи дейилади. Иккинчи муҳитнинг биринчи муҳиттага нисбатан синдириш кўрсаткичи $n = \frac{n_2}{n_1}$, бунда n_2 ва n_1 —берилган муҳитларининг абсолют синдириш кўрсаткичлари.


Масалалар ёрдамида, шунингдек синдириш кўрсаткичининг физик моҳияти, яъни унинг берилган муҳитда ёруғлик тезликларининг (c_1 ва c_2) нисбатига teng катталик — $n = \frac{c_1}{c_2}$ эканлиги ҳақидаги тушунча чуқурлаштирилади.

Ёруғликнинг ясси-параллел пластинкада, сув сиртида ва уч ёқли призмада синишига доир масалалар типавий масалалар ҳисобланади.


Масалаларда, шунингдек синдириш кўрсаткичининг частотага боғлиқлиги ва тўла ички қайтиш ҳодисалари ҳам қаралади.

869. Шинадан ясалган эшикнинг икки томонида бир-бираiga қараб турган икки кимси бир вақтда уйнинг ични кўриши мумкин. Нима учун шундай бўлишини тушунтиринг. Улардан қайси бирита ва нима учун кузатилаётган манзара равшанроқ кўринади?

Жавоби. Улардан бирни уйнинг ички қисмини келаётган нурлар ёрдамида, иккинчиси эса қайтувчи нурлар ёрдамида кўради. Қайтган нур учун қайтиш бурчаги кичик бўлган ҳолларда қайтган ёруғлик энергиясининг миқдори уича катта



275- расм.



276- расм.

эмас, у ҳолда манзара келаётган ёруннигиң қараганда бир-мунча хира бўлади.

870. Дераза ойнасига *a* қаламни текказиб тутиб туринг ва қаламиниг ойнадаги *b* тасвирини яққолроқ кўриш учун иложи борича кўзингизни қаламдан узоқроқ жойлаштиринг (275-расм). Қаламни шиша бўйлаб кўз томонга аста-секин силжитиб яқинлаштиринг. Тасвир *b* нинг равшанилиги қандай ўзгаради ва нима учун?


871 (ә). Шаффоф бўлмаган идишнинг тубига миллиметрларга бўлинган шкала жойлаштиринг ва идиши деворининг ҳосил қилиган сояси унинг тубининг кўпроқ қисмиин қоплайдиган қилиб ёритинг. Сўнгра идишга сув қўйинг ва соянинг янги ҳолатини белгиланг. Соянинг узуилиги, сувининг чуқулиги ва идишининг баландлигига асоссан сувининг синдириш кўрсаткичини ациқланг.

Е чилиши. Идишга сув қўйилмасдан олдин ёруелик тўғри чизик бўйлаб тарқалади. Соя соҳасининг чегараси *AB* тўғри чизик бўлади (276-расм). Соянинг узуилиги *I₁* га тенг. Идишга сув қўйилгандан кейин нур оптик зичлиги кичик бўлган муҳитдан оптик зичлиги катта бўлган муҳитга ўтади ва тушиш ишқасига ўтказилган иериндикуляр томонга оғали, $\alpha > \gamma$. Соянинг узуилиги қисқаради: $I_2 < I_1$. Синдириш кўрсаткичи $n = \frac{\sin \alpha}{\sin \gamma}$, α ва γ бурчакларни уларнинг тангенсси бўйича топамиз:

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{l_1}{H}; \operatorname{tg} \gamma = \frac{l_2 - l_1}{h}; l_3 = -(H-h) \operatorname{tg} \alpha; \operatorname{tg} \gamma = \frac{l_2 - (H-h) \operatorname{tg} \alpha}{h}.$$

Тажрибалардан бирида қўйидаги натижалар олингани эди: $H = 177$ м.м.; $h = 91$ м.м.; $l_1 = 77$ м.м.; $l_2 = 59$ м.м.; $\operatorname{tg} \alpha = 0,66$; $\sin \alpha = 0,55$; $\operatorname{tg} \gamma = 0,46$; $\sin \gamma = 0,42$; $n = 1,3$, булар жадвал мазътуматларига мос келади.

872 (ә). Идиш деворига линейкани вертикал жойлаштириң (277- расм) ва қарама-қарши девордаги *B* нүктадан күзга ташланувчи *A* нүктаны белгиланғ. Сүнгра күзни силжитмасдан шкаланинг ноль бўлинмаси кўрингунга қадар идишга сув қўйинг. Тегишли ўлчаш ва ҳисоблашларни бажариб, тажриба натижалари асосида сувнинг ҳавога нисбатан синдириш кўрсаткичини аниqlанти.



277- расм.

Ечилиши. Бу масала-пинг олдинги масаладан асосий фарқи ёруғлик нурининг оптик зичлиги катта бўлган мұхитдан оптик зичлиги кичик бўлган мұхитга ўтишиладир. Агар кўз шкаланинг ноль бўлинмасини кўрса, у ҳолда нур сувда *OE* йўналиш бўйича ҳаракатланади ва *E* нүктада сишиб *EB* йўналиш бўйича кетади. Одам шкаланинг ноль бўлинмини *BE* тўғри чизигининг давомида, яъни идишда сув бўлмаган вақтда белгиланган жойда кўради.

Бу ҳолатда тушиш бурчаги γ , синиш бурчаги эса α бўлади. Ёруғлик оптик зичлиги катта бўлган мұхитдан оптик зичлиги кичик бўлган мұхитга ўтади ва шунинг учун тушиш нүктасига туширилган перпендикулярдан оғади, $\gamma < \alpha$. Лекин масалада сувнинг ҳавога нисбатан синдириш кўрсаткичики аниqlаш талаб қилинади, шунинг учун ёруғлик нурларининг қайтувчаник ҳусусиятини ҳисобга олиб, қарама-қарши йўналган нур учун $n = \frac{\sin \alpha}{\sin \gamma}$ деб ёзини мумкин. α ва γ бурчакларни уларнинг тангенси бўйича топамиз: $\operatorname{tg} \alpha = \frac{a}{H-l}$, бунда a — идишининг кенглиги, $\operatorname{tg} \gamma = \frac{OD}{h}$;

$$OD = a - EC = a - (H-h) \operatorname{tg} \alpha; \operatorname{tg} \gamma = \frac{a-(H-h) \operatorname{tg} \alpha}{h}.$$

Тажрибаларининг бирнада қўйидаги маълумотлар олинган: $H = 117 \text{ мм}$; $a = 155 \text{ мм}$; $h = 80 \text{ мм}$; $l = 40 \text{ мм}$. Берилганларни формулага қўйиб, қўйидагиларни топамиз: $\operatorname{tg} \alpha = 2$; $\sin \alpha = 0,90$; $\operatorname{tg} \gamma = 1$; $\sin \gamma = 0,71$; $n = 1,3$.

Масаланинг ечимини анализ қилиб, одам сувга қараганда унда ётган нарсаларнинг кўтарилишларини туюлишига ва идиш тубининг саёздек бўлиб кўринишига, бундан ташқари буюмларининг вертикал йўналиш бўйича сиқилгандек бўлиб туюлишига ўқувчилар динқатини қаратиш керак. Масалан, мазкур

холда линейканинг O ва F орасидаги бўлимлари AF кесма узуилигига „сиқилгаидек“ туюлади.

873. Жадвал маълумотларидан фойдаланиб, муздан сувга ва аксийча, сувдан музга келаётган нур учун нисбий синдириш кўрсаткичини аниқланг.

Ечилиши. $n_{mc} = \frac{n_c}{n_m}$ („mc“ индекс муздан сувга бўлган нур йўлини кўрсатади)

Жадвалдан сувнинг абсолют синдириш кўрсаткичи $n_c = 1,33$ ва музнинг абсолют синдириш кўрсаткичи $n_m = 1,31$ эканини топамиз.

$$n_{mc} = \frac{1,33}{1,31} = 1,02.$$

Музнинг сувга нисбатан синдириш кўрсаткичи

$$n_{cm} = \frac{1}{n_{mc}} = 0,982.$$

Ечимни ациализ қилишда ўқувчиларнинг дикқатини қўйидаги-
ларга қаратиш керак: а) бир хил модданинг синдириш кўрсат-
кичи турли ҳолатларда (масалан, сув, муз) турлича бўлиши
мумкин; б) нисбий синдириш кўрсаткичи бирдан кичик бў-
лиши мумкин; в) абсолют синдириш кўрсаткичи ҳамма вақт
бирдац катта бўлади.

874. Ёруғликнинг сувдаги ва олмосдаги тезлигини ҳисоблаанг.

Ечилиши. $\frac{n_c}{n} = \frac{c}{c_c}$, буида c_c — ёруғликнинг сувдаги тезлиги, $c = 3 \cdot 10^8$ м/сек эса ёргуларнинг вакуумдаги тезлиги.
Сувнинг абсолют синдириш кўрсаткичи $n_c = 1,33$. Вакуумнинг
абсолют синдириш кўрсаткичи $n = 1$,

$$c_c = \frac{c}{n_c} = \frac{3 \cdot 10^8 \text{ м/сек}}{1,33} = 2,25 \cdot 10^8 \text{ м/сек.}$$

Олинган натижа Фуко методи билан ёргулар тезлигини
аниқлашга доир масалани ечишда олинган натижани тасдиқ-
лашига ўқувчилар дикқатини қаратамиз (№ 831).

Ёруғликнинг олмосдаги тезлиги

$$c_o = \frac{c}{n_o} = \frac{3 \cdot 10^8 \text{ м/сек}}{2,42} = 1,24 \cdot 10^8 \text{ м/сек.}$$

875. Сув—ҳаво чегарасига 30 ва 60° бурчак остида тушаёт-
ган нурларнинг йўлини чизинг.

Ечилиши. Фараз қилайлик, a нур мұхит чегарасидаги O нуқтага $\alpha=30^\circ$ бурчак остида тушаётган бўлсин (278- расм).


Синиши қонунинга кўра $\frac{\sin \alpha}{\sin \gamma} = \frac{n_{саво}}{n_{сув}}$.

Бу формулани ўқувчилар механик тарзда ёзиб олмаслиги
ва хато қилмаслиги учун тахминан қўйидагича мулоҳаза юри-
тиш лозим.

Нур оптик зичлиги катта бўлган муҳитдан оптик зичлиги кичик бўлган муҳитга ўтади ва, бинобарин, перендикулярдан четга оғади, $\alpha < \gamma$, $\sin \alpha < \sin \gamma$. Шунинг учун синдириш кўрсаткичлари инсабатининг маҳражида катта миқдор туриши керак, яъни

$$n_{\text{сув}} = 1,33, n_{\text{ҳаво}} \approx 1.$$

$$\sin \gamma = \sin \alpha \cdot n_{\text{сув}} = 0,5 \cdot 1,33 \approx 0,67. \gamma \approx 42^\circ.$$



278- расм.

Худди шунингдек иккинчи б нур учун $\sin \gamma_1 = \sin \alpha_1 n_{\text{сув}} = 0,87 \cdot 1,33 \approx 1,2$ эканини топамиз. Синус бирдан катта бўлолмайди, демак, нур ҳавога чиқмайди, балки кўзгудан қайтганидек сув сиртидан тўла қайтади.

876. Сув, шиша ва олмос, шунингдек сув—шиша (енгил флинт) чегараси учун тўла ички қайтишининг чегаравий бурчагини топинг.


Ечилиши. Тўла ички қайтишининг чегаравий бурчагида синиш бурчаги $\gamma = 90^\circ$ ва $\sin \gamma = 1$. Муҳит—ҳаво чегараси учун $\sin \alpha = \frac{1}{n}$, бу ерда n — мазкур муҳитнинг абсолют синдириш кўрсаткичи. Сув учун $\sin \alpha_0 = \frac{1}{1,33} \approx 0,75$; $\alpha_0 \approx 49^\circ$. Худди шунингдек, шиша учун $\alpha_{\text{шиша}} = 42^\circ$ ва олмос учун $\alpha_{\text{олмос}} = 24,5^\circ$ эканини топамиз.

877. Нима учун сувдаги ҳаво пулфакчалари ялтирайди?


Жавоби. Пулфакчаларга тущаётган қўёш нурлари кўзгулан қайтгандек, уиниг ичига ўтмай сиртидан тўла қайтади.

878. Улуғ Ватан уруши йилларида танклар баёнинисига призматик перископлар (279- расм) қўйишган. Бундай перископларнинг вазифаси ва ишлаш принципини тушунитиринг.

Жавоби. Перискоидан кузатиш вақтида танкчининг боши А тирқишида настда бўлади, шунинг учун, масалан, ўқнииг бошга тегиши ҳавфи бўлмайди. BC ва DE ёқларга



279- расм.



280- расм.

қараган киши аквариумнинг қарама-қарши деворига яқин жойлаштирилган иситувчи ва ёритувчи лампани A бурчак қархисида кўради (280- расм). Агар аквариумнинг эни 30, бўйи 40 см бўлса, лампа қаерда жойлангани? Аквариумдан ўтuvchi нур қандай масофага сизжиган?

Ечилиши. Бу масалани дарсда нурларнинг ясси-параллел пластинкадаги йўли ўтилгаидан кейин ечиши керак. Аквариум деворининг қалилиги юпқа бўлгани учун унда нурларнинг силжишини ҳисобга олмаса ҳам бўлади.

Ёргулук нурларининг қайтувчанлигидан фойдаланиб, B нуқтадан чиқиб, E кўзга тушувчи нур йўлини чизамиз.

Агар нур EB йўналиш бўйича кетса, у ҳолда нур B нуқтада синади ва перпендикуляр томон ўнгга оғади. α — тушиш бурчаги, γ — синиш бурчаги, $\beta = 90^\circ - \gamma$. Бурчак β ни унинг тангенси бўйича топамиз:

$$\operatorname{tg} \beta = \frac{AC}{CB} = \frac{30}{20} = 1,5; \quad \beta \approx 56^\circ, \quad \alpha = 34^\circ.$$

Энди синиш қонунидан фойдаланиб γ бурчакни топамиз:

$$\frac{\sin \alpha}{\sin \gamma} = n = 1,33; \quad \sin \gamma = \frac{\sin \alpha}{1,33} = \frac{0,56}{1,33} = 0,42; \quad \gamma = 25^\circ.$$

BAD учбурчакдан $AD = DB \cdot \operatorname{tg} \gamma = 30 \text{ см} \cdot 0,47 = 14 \text{ см}$ ни топамиз. Демак, лампа кўзга кўринга жойига қараганда аквариумнинг қарама-қарши девори томонидан $A_1A = 20 \text{ см} = 14 \text{ см} = 6 \text{ см}$ чеккароқда жойлашган экан. Нурнинг дастлабки ҳолатдан силжиши AF ни тўғри бурчакли учбурчак A_1AF дан топамиз: $\angle A_1AF = \alpha$ (томонлари ўзаро перпен-

писбатан 45° бурчак остида жойлашган. Бу ҳолда α горизонтал нурнинг α тушиш бурчаги 45° га тенг, яъни тўла ички қайтишнинг чегаравий бурчагидан катта. Нур BC ва DE ёқулардан тўла қайтиб кузатувчининг кўзига тушади ва кузатувчи танк ташқарисидаги жисмларни яхши кўради.

Бу масалани ечишида ўқувчиларга призматик перископ моделинин йиғиши имконини бериш учун уларга уч бурчакли призмаларни тарқатиши мақсадга мувофиқдир (279- б расм).

879. Аквариумнинг ўртасига маъшуум бурчак остида

879. Аквариумнинг ўртасига маъшуум бурчак остида

қараган киши аквариумнинг қарама-қарши деворига яқин жойлаштирилган иситувчи ва ёритувчи лампани A бурчак қархисида кўради (280- расм). Агар аквариумнинг эни 30, бўйи 40 см бўлса, лампа қаерда жойлангани? Аквариумдан ўтuvchi нур қандай масофага сизжиган?

Ечилиши. Бу масалани дарсда нурларнинг ясси-параллел пластинкадаги йўли ўтилгаидан кейин ечиши керак. Аквариум деворининг қалилиги юпқа бўлгани учун унда нурларнинг силжишини ҳисобга олмаса ҳам бўлади.

Ёргулук нурларининг қайтувчанлигидан фойдаланиб, B нуқтадан чиқиб, E кўзга тушувчи нур йўлини чизамиз.

Агар нур EB йўналиш бўйича кетса, у ҳолда нур B нуқтада синади ва перпендикуляр томон ўнгга оғади. α — тушиш бурчаги, γ — синиш бурчаги, $\beta = 90^\circ - \gamma$. Бурчак β ни унинг тангенси бўйича топамиз:

$$\operatorname{tg} \beta = \frac{AC}{CB} = \frac{30}{20} = 1,5; \quad \beta \approx 56^\circ, \quad \alpha = 34^\circ.$$

Энди синиш қонунидан фойдаланиб γ бурчакни топамиз:

$$\frac{\sin \alpha}{\sin \gamma} = n = 1,33; \quad \sin \gamma = \frac{\sin \alpha}{1,33} = \frac{0,56}{1,33} = 0,42; \quad \gamma = 25^\circ.$$

BAD учбурчакдан $AD = DB \cdot \operatorname{tg} \gamma = 30 \text{ см} \cdot 0,47 = 14 \text{ см}$ ни топамиз. Демак, лампа кўзга кўринга жойига қараганда аквариумнинг қарама-қарши девори томонидан $A_1A = 20 \text{ см} = 14 \text{ см} = 6 \text{ см}$ чеккароқда жойлашган экан. Нурнинг дастлабки ҳолатдан силжиши AF ни тўғри бурчакли учбурчак A_1AF дан топамиз: $\angle A_1AF = \alpha$ (томонлари ўзаро перпен-

дикуляр бурчакларга ўхшаш).

$$FA = A_1 A \cos \alpha = 6 \text{ см} \times \\ \times 0,83 \approx 5 \text{ см.}$$

880. Синдирип бурчаги $P = 30^\circ$ бўлган оғир крондан (ойнада) ясалган уч ёқли призмага $\alpha = 20^\circ$ бурчак остида тушаётган нурнинг оғиш бурчагини ясаш ва ҳисоблаш орқали топинг.

Ечилиши. Призманинг (281- расм) AB ёғига иктиёрӣ O нуқтани танлаб оламиз ва бу нуқтага (транспортир ёрдамида) тушниш бурчаги — $\alpha = 20^\circ$ остида нур ўтказмиз. Синиш бурчаги ӯзи тонализ:

$$\frac{\sin \alpha}{\sin \gamma} = 1,80, \quad \sin \gamma = \frac{\sin \alpha}{1,80} = \frac{0,34}{1,80} = 0,19. \quad \gamma = 11^\circ.$$

Нурнинг BC ёққа тушниш бурчаги $\gamma_1 = 10^\circ$. Синиш бурчаги α_1 ни ҳисоблашимиз, $\frac{\sin \alpha_1}{\sin \gamma_1} = 1,80, \sin \alpha_1 = 1,80 \cdot 0,31 = 0,56. \alpha_1 = 34^\circ$. Нур MO бўйлаб йўналтирилган бўлиб, призмадан $O_1 N$ йўналиш бўйича чиққаи. Оғиш бурчаги $D \approx 25^\circ$ эканини транспортир ёрдамида тонализ.


881. Агар призманинг P синдирип бурчаги кичик ва нурнинг α тушниш бурчаги унча катта бўлмаса, у ҳолда D оғиш бурчагини $D = (n - 1) P$ формула ёрдамида ҳисоблаб топиш мумкин. Бунда n — призманинг нисбий синдириш кўрсаткичи. Бу формула 880- масала шартини қаноатлантирадими, текшириб кўринг.

$$\text{Текшириши. } D = (1,80 - 1) \cdot 30^\circ = 24^\circ.$$


Формула ёрдамида топилган жавоб ясалшлар ёрдамида топилган жавобга кичик хатоликлар чегарасида мос келади.

$D = (n - 1) P$ формуладан нурнинг юнқа призмадан оғиш бурчаги ва нурнинг кичик бурчак остида призма ёғига тушниш тушниш бурчагига боғлиқ эмаслиги келиб чиқади. Қизиқувчи ўқувчилар бу факти мустақил текшириб кўришлари мумкин.

882. Ҳаво билан тўлдирилган ва сувга жойлаштирилган говак шиша призмада нурнинг оғиш бурчагини топинг. Призма ёғига нурнинг тушниш бурчаги $\alpha = 22^\circ$, призманинг синдириш бурчаги $P = 30^\circ$.



281- расм.



282- расм.

фойдаланиб ү силжиш бурчагини тонашимиз.

$$\sin \gamma = \sin \alpha \cdot n = 0,37 \cdot 1,33 = 0,49; \gamma = 29^\circ.$$

Чизмадан призманинг BC ёғига тушувчи нурнинг тушиш бурчаги нолга тенглиги кўришиб туриди. Шунинг учун BC ёқда нур симайди.


Оғиш бурчаги $D \approx 8^\circ$ бўлиб, бу формула ёрдамида олингани қийматга мос келади. Нурнинг призма асосидан оғишига ўқувчилар диққатини жалб қиласиз. (Кўпинча ўқувчилар нур уч ёқли призмада доимо призма асосига оғади деб хато ўйлайдилар.)

883* (Э). Стаканинг ярмигача сув қўйинг ва уни қийшайтириб пастдан сув сиртига қаранг. Сўнгра сув сиртига қаламни яқинлантиринг. Қалам сув орқали кўзнинг қандай ҳолатида кўринади ва қандай ҳолатида кўринмайди ва нима учун? Қалам кўринмайдиган ҳолатда, унинг учни сувга ботиринг (283- а расм). Нима учун пастдан қарагандза сувиниг сирти симобга ўхшайди? Қаламнинг сувга ботирилган a қисмининг кўзгусимон б тасвири қандай ҳосил бўлади ва нима учун?

Ечилиши. Агар кўз 1- ҳолатда турса (283- б расм), сув сиртидан қайтаётган ва шу жумладан, қаламнинг сувга ботирилган қисмидан келаётган нурлар сиртга ички тўла қайтиш бурчагидан катта бурчак остида тушади. Сувиниг сирти кўзгусимон бўлиб қолади ва унда қаламнинг сувга ботиган OA қисмининг тасвири яққол кўринади. Қаламнинг OB қисмидан келаётган нурлар CDE сув призмада синади ва 1- ҳолатда улар кўзга тушмайди. Шунинг учун ҳам қаламнинг бу қисми кўринмайди (283- а расм). Агар кўзни пастроқ, 2- ҳолатда жойлаштирилса, у ҳолда кўз қаламни бутушилай кўради.

Ечилиши. 1- усул. $D = (n - 1) R$ формуладан фойдаланамиз. Сувдан ҳавога ўтувчи нур учун $n = \frac{1}{1,33} = 0,75$. $D = (0,75 - 1) \cdot 30^\circ = 7,5^\circ$. Минус ишора нурнинг призма асосидан оғишини билдиради.

2- усул. Нурнинг O нуктада оптик зичлиги катта бўлган муҳитдан оптик зичлиги кичик бўлган муҳитга ўтиши ва шунинг учун унинг перпендикулярдан четга оғишига ўқувчилар диққатини жалб қилувчи чизма чизамиз (282- расм). $\frac{\sin \gamma}{\sin \alpha} = n$ формуладан



283_ж расм.

884. Құйшаги жадвалда түрли түлқин узунликтер күзга күриналадын нурлар учун иккі хил шишиштегінг нур синдириш күрсатқичи күрсатылған.

Түлқин узунлығы, 10^{-7} м	Ранги	Синдириш курсатқичи	
		Оғир флинт	Еңгил крон (шиша)
6,563	қизил	1,6444	1,5145
5,893	сақыр	1,6499	1,5170
5,461	яшіл	1,6546	1,5191
4,800	күк	1,6648	1,5235
4,047	бинафша	1,6852	1,5318


Жадвалда берилғанлардан фойдаланып, оғир флинт нур синдириш күрсатқичининг түлқин узунликка бөлгеләнеш графигини чизинг.

Графикдан фойдалашиб: а) $\lambda_c = 5,550 \cdot 10^{-7} \text{ м}$ түлқин узунликка эга бўлған, ишші кўзи яхши сезадиган сақыр-яшил ёргулук нуришининг синдириш күрсатқичини; $\lambda_b = 6,500 \cdot 10^{-7} \text{ м}$ түлқин узунликка эга бўлған қизил нурнинг ва $\lambda_a = 4,000 \times 10^{-7} \text{ м}$ түлқин узунликка эга бўлған бинафша нуришининг тезлигини топинг.

Ечилиши. Масштабни қўйидагича ташлаб, график чизамиз (графикни миллиметрли қоғозга чизган маъқул): түлқин узунликни нанометрларда ифодалаймиз ($1 \text{ н.м} = 10^{-9} \text{ м}$).

Жадвалдаги энг узун түлқин қиймати $\lambda_c = 656,3 \text{ н.м}$, энг қисқасишики эса $\lambda_b = 404,7 \text{ н.м}$; $656,3 \text{ н.м} - 404,7 \text{ н.м} \approx 250 \text{ н.м}$.

Масштаб: 10 см — 250 н.м ёки 1 см — 25 н.м.



Шунга үхшаш синдириш күрсаткичлари учун: $1,6852 - 1,6444 = 0,0418 \approx 0,0400$.

Масштаб: $8 \text{ см} = 0,0400 \text{ ёки } 1 \text{ мм} = 0,005$.

Графикдан (284- расм) түлкүн узунлиги $\lambda = 555 \text{ нм}$ бўлган ёргулук учун синдириш күрсаткичи $n = 1,6530$ эканини топамиз (бунга мос ишқа графикда крест билан белгиланган).

Қизил нурнинг тезлиги $c_k = \frac{c}{n_k}$.

Графикдан $n_k = 1,6450$ эканини топамиз.

$$c_k = \frac{3 \cdot 10^8 \text{ м/сек}}{1,6450} \approx 1,82 \cdot 10^8 \text{ м/сек.}$$

Тўлқин узунлиги $\lambda = 400 \text{ нм}$ бўлган бинафша ёргулукнинг синдириш күрсаткичини топиш учун график чизигини n ўқ-қача давом эттирамиз ва $n_0 = 1,6880$ эканини топамиз.

$$c_0 = \frac{3 \cdot 10^8 \text{ м/сек}}{1,6880} \approx 1,78 \cdot 10^8 \text{ м/сек.}$$

Келтирилган ҳисоблашлардан муҳим хулоса келиб чиқади. Ёргулукнинг тўлқин узунлиги қанча катта бўлса, унинг муҳитда тарқалиш тезлиги ҳам шунча катта бўлади. Шу мусносабат билан 831- масаланинг ечимига аниқлик киритиш лозим: ёргулукнинг сувдаги тезлигини Фуко методи билан тажриба орқали аниқлаши барча ёргулук тўлқинларида таркиб топган оқ ёргулук тезлигинини ўртача қийматини топишга имкон беради.

885. Аквалангист сувда оқ ёргулук ёрдамида 20 м оралиқдаги шеригига сигнал беради. Бу масоғада қизил нур бинафша нурдан қанча масоғага ва қанча вақтга ўзиб кетади? Қизил нурнинг синдириш күрсаткичи $n_k = 1,329$; бинафшанини эса $n_0 = 1,344$.

Ечилиши. Қизил ва бинафша шурларниң сұздаты тезлигінің аниқтамасы:

$$c_k = \frac{3 \cdot 10^8 \text{ м/сек}}{1,329} = 2,257 \cdot 10^8 \text{ м/сек};$$

$$c_b = \frac{3 \cdot 10^8 \text{ м/сек}}{1,344} = 2,232 \cdot 10^8 \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$

Қизил нур 20 м масофаны

$$t_k = \frac{20 \text{ м}}{2,257 \cdot 10^8 \text{ м/сек}} = 8,861 \cdot 10^{-8} \text{ сек}$$

вақтда ўтади.

Бинафша нур эса

$$t_b = \frac{20 \text{ м}}{2,232 \cdot 10^8 \text{ м/сек}} = 8,960 \cdot 10^{-8} \text{ сек} \text{ вактда ўтади.}$$

Қизил нур бинафша нурдан вакт жиҳатидан

$$\Delta t = t_b - t_k = 9,9 \cdot 10^{-10} \text{ сек}$$

га ўтиб кетади.

Вакт жиҳатидан бунчалик фарқланиб етиб келаётган ёргулук сигналларини одам күзи пайқай олмайды. Шунинг учун ҳам киши ёргулукнин ажралишини (дисперсиясини) сезмайды.


Қизил нур бинафша нурдан $s = c_b \Delta t = 2,232 \cdot 10^8 \text{ м/сек} \times 9,9 \cdot 10^{-10} \text{ сек} = 22,096 \cdot 10^{-2} \text{ м} = 0,220 \text{ м}$ масофага ўзиди кетади.

886. Оғир крондан (шишадан) ясалған түғри бурчаклы уч ёқли призманиң AB ёғидағы бирор O нүктеге перпендикуляр ҳолда қизил ($n_k = 1,640$) ва бинафша ($n_b = 1,69$) ёргулук нурлары түшмөқда (285-расм). Нурлар призмадан чиққанда қандай ғ бурчакка тарқалади? Нурлар орасидаги масофа 10 см бўлиши учун экранни қаерга ўрнатиш керак? Призманиң синдириш бурчаги $P = 10^\circ$.

Ечилиши. 1-усул. Тушиш бурчаги нолга teng бўлгани учун O нүктада нурлар синмайды. BC ёққа нурларниң тушиш бурчаги $\gamma = P = 10^\circ$ (ўзаро перпендикуляр томонлар орасидаги бурчакка ўхшаш):

$$\frac{\sin \alpha_k}{\sin \gamma_k} = n_k = 1,640.$$

$$\sin \alpha_k = 0,1736 \cdot 1,640 = 0,2847, \alpha_k = 16^\circ 32'.$$



285-расм.

$$\frac{\sin \alpha_6}{\sin \gamma_6} = 1,690; \sin \alpha_6 = 1,1736 \cdot 1,690 = 0,2934.$$

$\alpha_6 = 17^\circ 4'$. Нурлар орасидаги бурчак $\beta = 17^\circ 4' - 16^\circ 32' = 32'$. Экрангача бўлган масофа $l = \frac{10 \text{ см}}{\sin 32'} = \frac{10 \text{ см}}{0,0093} \approx 1,1 \cdot 10^3 \text{ см} = 11 \text{ м.}$

2*- у с у л. $D_k = (n - 1) \cdot P$ тақрибнй формуладан фойдаланиб, бурчак β нинг тахминий қийматини аниқлаймиз. Қизил нурнинг оғиш бурчаги $D_k = (1,64 - 1) \cdot 10^\circ = 6,4^\circ$. Бинафша нур учун $D_b = (1,69 - 1) \cdot 10^\circ = 6,9^\circ$. $\beta = 6,9^\circ - 6,4^\circ = 0,5^\circ = 30'$ бўлиб, биринчи усулда топилган жавобга мос келади.

4. Линзалар


Урта мактабда ушбу тема юзасидан қатинлиги сферик сиртларининг радиусига иисбатан кичик бўлган юпқа сферик линзаларга доир масалалар ечилади.

Дастлабки масалаларда нурларнинг уч ёқли призмада синиши ҳақидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда асосий эътиборни нурни сферик сиртларининг иккала томонида синишига қаратиб, линзаларнинг иш принципини қараб чиқиши керак. Бусиз нурларнинг лиизадаги йўлини чизиш қоидасини ўқувчиликлар юзаки ўзлаштиришлари мумкин.

Дастлабки масалаларни ечганда ўқувчилар диққатини қуидаги тушунчаларни мустаҳкамланашга қаратиш керак (286-расм).

Икки синдириувчи сферик сиртларнинг марказидан ўтувчи тўғри чизиқ — бош оптик ўқ (C_1C_2) ёки бундан кейин қисқалик учун бош ўқ деб юритилади. Оптик марказ (O) — нурлар синмасдан ўтувчи нуқта; фокус¹ — лиизага учинг бош оптик ўқига параллел ҳолда келиб тушиган нурлар кесишишидац ҳосил бўлган нуқта. OF — фокус масофа. Оптик марказдан ўтувчи ҳар қандай тўғри чизиқ ёрдамчи ўқ бўлади. F' — ёрдамчи фокус ҳисобланади.

Линзанинг нур тушадиган томонида жойлашган фокус F_1 ни олд фокус, F_2 ни эса орқа фокус деб аталади. Линзанинг оптик ўқдан юқори қисмининг нур синдириш таъсири худди уч ёқли призманикига ўхшашиб бўлади, шунинг учун нурнинг оғиш бурчаги ва бинобарин, F_1 нуқтанинг вазияти линзанинг



286- расм.

¹ Кўпгина ўқув қўлланималарда бу нуқтани ёрдамчи ўқларга параллел бўлган нурлар кесишлигиган ёрдамчи нуқтадан фарқ қиласин учун бош фокус деб аталади.

шаклига ва у ясалган моддага бөлди. F нинг қийматини $\frac{1}{F} = \left(\frac{n_p}{n_m} - 1\right) \left(\frac{1}{R_1} + \frac{1}{R_2}\right)$ формуладан топиш мумкин, бунда n_p, n_m — мос ҳолда линза ясалган модданинг ва мухитнинг абсолют синдириш күрсаткичи; R_1 ва R_2 — сферик сиртларнинг радиуси.

Үрта мактабда асосан ҳавода жойлашган, -эгрилик радиуси тенг бўлган сферик сиртлар билан чегараланган линзалар қаралади. Бундай ҳол учун формула $\frac{1}{F} = \frac{2(n-1)}{R}$ кўринниши олади.

Масалалар ечишда ўқувчилар диққати асосан юпқа линза формуласи $\frac{1}{F} = \frac{1}{d} + \frac{1}{f}$ бўйича ҳисоблашларга ва линза ёрдамида тасвириниң ҳосил қилинишига қаратилади.

Йигувчи линза учун F — мусбат катталик, сочувчи линза учун эса манфий катталик бўлди. d катталик ҳамма вақт мусбат. Бундан қуйидаги қоида келиб чиқади. Сочувчи линза учун f катталик ҳамма вақт манфий бўлиши керак. Йигувчи линза учун f катталик ҳам манфий, ҳам мусбат бўлиши мумкин. Агар тасвир ҳақиқий бўлса, у ҳолда f мусбат, тасвир мавҳум бўлса f манфий бўлди. Юпқа линза формуласи тақрибийдир. Ёруғлик нури кўзгуга қанчалик кичик даста ва оптик ўқ билан кичик бурчак ҳосил қилиб тушса, бу формула кўзгуда нурларнинг йўлини аниқ ўлчашга имкон беради.

Лиззанинг қалинлашуви, ёруғлик дастасининг кенгайиши ва уларнинг оптик ўққа нусбатан тушиш бурчагининг ортиши тасвириниң хиралашига олиб келади. Буни бошқача қилиб сферик, хроматик ва ҳ. к. aberrация дейилади. Булар ҳақида ўқувчиларга қисқача маълумот бериш керак. Чунки кўпинча бу ҳақда ўқувчиларнинг ўзлари савол берадилар ёки проекцион фонардан фойдаланилганда нима учун экранда камалак рангли ҳошиялар ҳосил бўлиши ёки тасвириниң яққол бўлмаслиги каби ҳолларнинг бўлиши ҳақидаги тахминларни ўзлари айтиб қоладилар.

Үрта мактабда чизмаларни бажаришда ва ҳисоблашларга доир масалаларни ечишда юпқа линза формуласини қўллашлаги чекланишлар ва мумкин бўлган хатоликлар ҳисобга олинмайди, лекин ўқувчилар уларни билишлари ва эсда сақлашлари лозим.

Кўргазмали бўлиши учун чизмаларни чизишда предметлар („стрелкалар“) бирмунча йирик ўлчамда, шу жумладан линза ўлчамидан катта қилиб олинади (№ 891 га қаранг).

Бу теманинг охирида чизиқий ва бурчакий катталаштиришларга доир масалалар ечилади.

Сферик кўзгуларга ўхшаш, чизиқий катталаштириш $k = \frac{f}{d}$ формула бўйича аниқланади.

Шунингдек, линза ва кўзгулар системасига оид икки-учта масала ечиш мақсадга мувофиқлар. Бу ерда яхши эслаб қолниши мумкин бўлган битта қоида ўқувчилар учун яшгилик бўлади. Жисс жойлаштирилган бир печта линзадан ташкил топган системанинг оптик кучи $D = \frac{1}{F}$ барча линзалар оптик кучларининг йиғинидисига тенг $D = \pm D_1 \pm D_2 + \dots$ ёки $\frac{1}{F} = \mp \frac{1}{F_1} \mp \frac{1}{F_2} \mp \dots$

887 (Э). Линза қалинлигини билмай туриб, йиғувчи линзани сочувчи линзадан қандай фарқлаш мумкин? Жавобни тажрибада текширинг.

Ечилиши. а) Йиғувчи линза экранда ҳақиқий тасвир, масалан, Қуёш ёки лампочкалинг тасвирини ҳосил қиласди. Сочувчи линза эса экранда ёруғ ҳалқали ҳония билан уралган доирравий соя ҳосил қиласди.

б) Йиғувчи линза орқали предметларнинг, масалан, китобдаги ҳарфларнинг катталашган тӯғри тасвирини, сочувчи линза орқали эса кичиклашган тасвирини кўриш мумкин.

888 (Э). Проекцион фонаръ конденсоридаги ясси-қавариқ линза берилган. Шишининг синдириш кўрсаткичини $n=1,5$ деб ҳисоблаб, ясаш йўли билан унинг фокус масофасини аниқланти. Жавобни ўзингизга маълум бўлган формула ёрдамида ва тажрибада текширинг.


Ечилиши. Линзани чизиш учун унинг сферик сиртининг радиусини билиш лозим. Бунинг учун линза тешигининг диаметрини, $D = 11,5 \text{ см}$ ва унинг қалинлигини $h = 22 \text{ см}$ ўлчаймиз (287-расм). Геометриянинг маълум теоремасидан $h(2R - h) = (\frac{D}{2})^2$, бундан $R = \frac{\left(\frac{D}{2}\right)^2 + h^2}{2h} = \frac{(11,5)^2 + 22^2}{2 \cdot 22} = 8,6 \text{ см}$ эканини топамиз.


Линзанинг ҳақиқий катталақдаги ёки $1:2$ масштабдаги тасвирини чизамиз. Бош оптик ўқ C ни ўтказамиз ва ундан унча узоқ бўлмаган жойдан унга параллел нур ўтказамиз (288-расм).

AB сиртдан нур синмасдан ўтади ва сферик сиртининг A_1 нуқтасига тушади.

Нурнинг A_1 нуқтада сингандан кейинги йўлини топиш учун CA_1 радиус ўтказамиз ва нурнинг γ түшиш бурчагини топамиз. Берилган ҳолда $\gamma = 10^\circ$. Силжиш бурчаги α ни синиш қонунидан топамиз: $\frac{\sin \alpha}{\sin \gamma} = n$, $\sin \alpha = n \times \sin \gamma = 1,5 \cdot 0,174 = 0,2610$. $\alpha = 15^\circ$. Нур боин оптик ўқ билан F нуқтада кесишиди. Фокус масофа $FO \approx 20 \text{ см}$.

Ясси-қавариқ (шунингдек, ясси-ботиқ) линзада оптик марказ сферик сирт-





288-pac.

нинг бош оптик ўқ билан кесишига нүктасида бўлади, чунки бош оптик ўққа параллел бўлган нурлар дастаси фақат сферик сиртда синади. Бунга ўқувчилар диққатини жалб қилиш керак.

Текшириш 1.

$$\frac{1}{F} = (n-1) \left(\frac{1}{R_1} + \frac{1}{R_2} \right); R_1 = \infty;$$

$$F = \frac{R}{n-1} = \frac{18,6 \text{ cm}}{1,5-1} = 17,2 \approx 17 \text{ cm.}$$

Текшириш 2 (э). Линза ёрдамида экранда лампочканинг бир неча метр наридаги тасвирини ҳосил қиласиз. Тажрибадан $E \approx 18 \text{ см}$ эканини топамиз.

Учала жавоб бир-бирига мос келади.

Биринчи жавобнинг бошқа жавоблардан фарқ қилишига асосий сабаб бурчакни транспортир билан ўлчашда катта хатоликларга йўл қўйилиши натижасида чизманинг аниқ бажарилмаганлиги дидир. Шинчанинг синдириш кўрсаткичини аниқ билмаслик ҳам хатоликка олиб келади.

Масала шартин анализ қилиб, ўқувчиларга юпқа линза формуласи ёрдамида олинган натижанынг бошқа усуллар билан олинган натижаларға мос келиниң нурнинг оптик ўққа яқин деб қаралышы билац түщүнтириллади ва шунинг учун тасвир A_1B_1O юпқа линза ёрдамида ҳосил бўлди деб ҳисоблаш мумкинлиги айтилади.

Үқдан узоқда бўлган нур йўлини чизиш ҳам мақсадга му-
вофиқдир. Нуринг бу йўли ўқ билан линзага яқинроқ масо-
фада жойлашган бошқа F_1 нуқтада кесишиди. Үқдан узоқдаги
нурлар экранда тасвир атрофида ёруғ шуъла ҳосил қиласди.

Айрим ўқувчиларга картойдан диаметри тахминан AB га тенг бўлган тешикли (диафрагмали) экран ва диаметри AB дан бир оз кичик бўлган доира тайёрлаб келишни топшириш мумкин.

Тешикли экрандаи фойдаланиб, лампочка толасининг *F* ма-софада экран бўлмагандагига қараганда аниқроқ тасвирини

хосил қиласыз. Тасвир атрофида ёруғ шуъла бўлмайди. Линза ўртасини доира билан беркитиб, F дан $3-4\text{ см}$ қисқароқ масофада лампочка толасининг тасвирини хосил қиласыз (сферик аберрация). Бунда тасвир линзадан узоқроқ масофада кўпроқ қизил, қисқароқ масофада эса кўк рангга бўялади (хроматик аберрация).

Лампочка толасининг катталашган тасвирини деворда ёки шинда хосил қилиб, ҳодисани бутун синфга намойиш қилиш мумкин. Тажриба натижаларидан фотоаппаратни ўрганишда фойдаланиш мумкин.


889. Қавариқ линза ҳамма вақт йиғувчи линза ҳисобланадими?

Жаоби. Сувга жойлаштирилган ҳаво призма ҳақидаги масаланинг ечимидан фойдаланиб (№ 882), агар қавариқ линза ўзи ясалган материал зичлигига қараганда оптик зичроқ муҳитга жойлаштирилган бўлса, у ҳолда линза сочувчи бўлади деб хулоса қилиш мумкин. Бу хуносани чизмада ҳар бир сферик сиртда нурларнинг синишини сифат жиҳатдан қараб ва иккита соат шишиасидан клейлаб тайёрланган қавариқ линзани сувга жойлаштириб, тажриба асосида тушунтириш фойдалидир.


890. Оптик ўқда ётган S нуқтанинг тасвирини ясанг.

Ечилиши. Йинза чизиб, оптик ўқ ўтказамиз ва фокусларнинг ўрнини кўрсатамиз (289- расм). Тасвири ясалиши лозим бўлган S нуқтадан линза ўргасидаги A нуқтага бирор бурчак остида нур ўтказамиз.

Бу усульдан биз кейиничалик чизмаларни чизишда ҳам фойдаланамиз: нурнинг синишини линзанинг ҳар бир сиртида кўрсатмай, фақат унинг ўрта чизиғида бир марта кўрсатамиз. Орқа фокус F дан ўқقا перпендикуляр бўлган орқа фокал текислигини ифодаловчи MN тўғри чизиқни ўтказамиз. Сўнгра O оптик марказдан SA нурга параллел қилиб ёрдамчи ўқ ўтказамиз. Ўқ фокал текислик билан бирор B нуқтада кесишади. Чунки бу нуқтада мазкур ёрдамчи ўқقا параллел бўлган барча нурлар йигилади. У ҳолда SA нур линзадан сингандан кейин B нуқтада ўтади ва ўқни бирор S' нуқтада кесади. S' нуқта S нуқтанинг тасвири бўлиб, S нуқтадан чиққан SA ва SO нурларнинг кесишган ерида ётади.



289- расм.



290- расм.

891. Линза тешигидан катта бўлган ва иккиласи фокус масофасидан ташқарида жойлашган буюмнинг тасвирини ясанг.

Ечилиши. Буюмни бир учи бош оптик ўқда жойлашган стрелка шаклида ифодалаймиз (290-расм). Бу ҳол чизмани бирмуича енгиллаштиради, чунки 890- масалада кўрганимиздек B нуқтанинг тасвири линза ўқида ётади. (Бу усулдан биз кейинчалик ҳам фойдаланамиз.) Агар кичик линза ўринига фокус масофаси худди шундай бўлган катта линза қўйсак, у ҳолда тасвирининг ҳолати ўзгармайди. Катта линзани чизишнинг ҳожати йўқ. Ўрта текислик AB нинг ўлчамини катталаштириш ва унда умумий қондида бўйича нурларни сипдириш лозим: бош оптик ўқса параллел бўлган нурлар орқа фокусдан ўтади, оптик марказдан ўтувчи нурлар эса синмасдан ўтади. Нурларнинг кесишган A_1 , нуқтаси A нуқтанинг тасвири бўлади. Бу нуқтадан ўқса перпендикуляр ўтказиб B_1 , нуқтанинг ўринини аниқлаймиз. Дастробки бир неча масалаларда учинчи нурни ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Олдинги фокусдан ўтган нур сингандан сўнг бош оптик ўқса параллел кетади ва A_1 нуқтага туниади.

A нуқтадан чиқиб линзага тушувчи ҳар қандаи нурнинг A_1 нуқтага келиб тушишини алоҳида уқтириб ўтиш керак, чунки кўпинча ўқувчилар буни эътибордан четда қолдирадилар.

Кўриб ўтилган ҳол учун фотоаппаратда тасвир ҳосил қилинишини амалий мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

892 (э). Линза ёрдамида шам алансининг деворда катта-лашган тасвири ҳосил қилинди. Агар линзанинг пастки ярми беркитилса, тасвирининг бир қисми йўқоладими? Жавобингизни тажрибада текширинг.

Жавоби. Тасвирининг ҳеч бир қисми йўқолмайди, фақат у хирароқ бўлиб қолади.

Бирор нуқтадан линзага тушувчи барча нурлар линзанинг исталган қисми ёрдамида ҳосил қилиниши мумкин бўлган тасвирининг бирор нуқтасида кесишувини тажриба яна бир карра исбот қилиши керак.

893. Йигувчи линза формуласи ёрдамида ечиладиган масала тузинг ва чизмалардан фойдаланиб ечинг. Агар ихтиёрийгизд

күзойнек шиши, лупа ва шу кабилар бўлса, счимни тажрибада текшириб кўринг.

Бу масалани уйда счишга топшириш мумкин. Масалани синфда текшираётган вақтда ҳақиқий тасвир чизилишининг характеристерли ҳоллари қараладиган мисоллар танлаш ва уларни анализ қилиш керак:

1. $d \rightarrow \infty$; 2) $d > 2F$; 3) $d = 2F$; 4) $2F > d > F$; 5) $d = F$.

Агар вақт етарли бўлса, бу ҳолларни умумлаштириб, 868- масалага ўхшаш масала ечиш мумкин. Бунда f нинг d га боғлиқ разиша қандай ўзгариши қаралади ва d , f координаталар ўқида график чизилади.

Чизмаларни чизишда 289—290- расмлардан маълум бўлган чизиш методикасидан фойдаланиш билан бирга ботиқ кўзгуда тасвир ясаш аналогиясида ҳам фойдаланиш лозим.

894. Экрандан буюмгача бўлган масофа 4 m бўлса, оптик кучи $D_1 = 2 \text{ дптр}$ ва $D_2 = 5 \text{ дптр}$ бўлган иккита линзадан қайси бири катта тасвир ҳосил қиласди ва ичча марта? Жавобингизни тажрибада текшириб кўринг.

Ечилиши. Чизиқли катталаштириш $k = \frac{f}{d}$. $\frac{1}{F} = \frac{1}{d} + \frac{1}{f}$ линза формуласидан $\frac{1}{d} = \frac{1}{F} - \frac{1}{f} = \frac{f-F}{ff}$; $k = \frac{1}{F} \cdot f - 1 = Df - 1$ ни топамиз. Юқоридаги формуладан кўриниб турибдикি, f ўзгармас бўлганда линзанинг фокус масофаси қанча қисқа бўлса ($\frac{1}{F}$ катта), катталаштириш шунча катта бўлади. (Шунинг учун ҳам $\frac{1}{F}$ ни линзанинг оптик кучи дейилади.)

Оптик кучи ҳар хил бўлган иккита линза ёрдамида экранда лампа толасининг тасвирини бир вақтда ҳосил қилиб, натижани осонгина текшириш мумкин.

895. Шамни линзадан 20 см узоқда жойлаштириб, экранда унинг тасвири ҳосил қилиниди. Катталаштириш $k = 10$. Агар мазкур линзага оптик кучи $D_2 = 2,5 \text{ дптр}$ бўлган линза маҳкам бирлаштирилса, қандай катталаштириш ҳосил бўлади? Оптик кучи $D_3 = -2,5 \text{ дптр}$ бўлган линза бирлаштирилса-чи?

Ечилиши. Агар мусбат (йиғувчи) линзани бирлаштирасак, линзалар системасининг оптик кучи ва катталаштириши ортади. Агар манфий (соҷувчи) линзани бирлаштирасак, система-нинг катталаштириши камайди.

Миқдорий жиҳатдан ҳисоблаш учун мазкур линзанинг оптик кучини қўйидаги тенгликтан топамиз:

$$\frac{1}{F} = \frac{1}{d} + \frac{1}{f}; \quad k = \frac{f}{d}; \quad \frac{1}{f} = \frac{1}{kd};$$

$$D_1 = \frac{1}{F_1} = \frac{1}{d} + \frac{1}{k_1 d} = \frac{1}{0,2} + \frac{1}{10 \cdot 0,2} = 5,5 \text{ (дптр)}.$$

Линзадаи экрангача бўлган масофани топамиз. $f = h_1 d = 10 \times 0,2 \text{ м} = 2 \text{ м}$. Бирлаштирилган линзаларнинг оптик кучини топамиз.

$$D_4 = D_1 + D_2 = 5,5 \text{ дптр} + 2,5 \text{ дптр} = 8 \text{ дптр}.$$

$$D_5 = 5,5 \text{ дптр} - 2,5 \text{ дптр} = 3 \text{ дптр}.$$

$$k_2 = D_4 \cdot f^- = 8 \cdot 2 - 1 = 15; k = 3 \cdot 2 - 1 = 5.$$

896. Баландлиги 10 см бўлган жисм оптик кучи $D = -3 \text{ дптр}$ бўлган кўзойниак шинласидан 50 см нарида жойлашган бўлса, тасвир қандай ва қаерда ҳосил бўлади? Масалани чизиш ва ҳисоблашлар ёрдамида ечинг.


Ечилиши. 1-усул. $\frac{1}{F} = \frac{1}{d} + \frac{1}{f}$ юнқа линза формуласидан фойдаланиб, тасвиргача бўлган f масофани топамиз. Агар формулани $\frac{1}{F} = \frac{1}{d} + \frac{1}{f}$ кўринишда қўлласак, у ҳолда F ва f ни формулага манфий ишора билан қўйиш керак. Агар формулаиги $-\frac{1}{F} = \frac{1}{d} - \frac{1}{f}$ кўринишда ёзадиган бўлсак, у ҳолда барча сонларни формулага мусбат ишора билан қўйиш керак. Формуланинг барча юнқа линзалар учун умумий бўлган олдинги кўринишидан фойдаланиш мақсадга мувофиқроқдир.

$$\frac{1}{f} = \frac{1}{F} - \frac{1}{d}; \quad \frac{1}{f} = -3 \text{ м}^{-1} - \frac{1}{0,5} \text{ м}^{-1} = -5 \text{ м}^{-1};$$

$$f = -\frac{1}{5} \text{ м} = 0,2 \text{ м}.$$

Катталаштириш $k = -\frac{f}{d} = -\frac{20}{50} = -\frac{2}{5}$. Тасвир жисмдан 2,5 марта кичик. Минус ишораси тасвир мавҳум эканлигини билдиради.

2-усул. Тасвирни ясаш учун F цигиг қиймати $F = \frac{1}{-3} = -33 \text{ см}$ га тенг эканини аниқлаймиз ва 1 см — 5 см масштаб танлаймиз. Линзанинг жисмнинг ва фокуснинг ўзаро жойлашиши 291-расмда кўрсатилган. Нуқталарнинг тасвирини йўллари маълум бўлган икки нурдан фойдаланиб, умумий қонда бўйича ясаймиз.



291-расм.

Бош оптик ўққа параллел бўлган нур линзада синиб, унинг давоми ўқ билан F фокусда кесишади. Линзанинг O марказидан ўтвучи нур ундан синмасдан ўтади. Линзадан ўнг томонда жойлашган кўз A нуқтанинг тасвирини нурларининг кесишган A_1 нуқтасида кўради. Чизмадан топилган катталиклар формулла ёрдамида ҳисоблаб топилган катталикларга мос келади. Жавобни тажрибада текшириб кўриш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун бир кўз билан буюмга, масалан, чизгичга, иккинчиси билан унинг тасвирига қаралади. Бунда тасвир кичрайган ва тўғри (демак, тасвир мавҳум) эканлиги кўриниб туради. Маълум малакага эга бўлганда тасвир ўлчамининг тахминан қанча кичрайганини кўз билан баҳолаш мумкин.

5. Оптик асбоблар

Масалалар ечишда оптик асбобларнинг тузилиши ва ишлаш принципини қўйидаги тартибда қараш мумкин: проекцион аппаратлар, фотоаппарат, кўз оптик асбоб сифатида, лупа, микроскоп, телескоп. (Лупа ҳақидаги масалаларни олдин, линзаларни ўрганинда ҳам ечиш мумкин.)

Санаб ўтилган асбоблардан олдинги тўрттаси геометрик оптика нуқтаидан назаридан йиғувчи линзанинг ишлатилиши ҳақида олдин олинган маълумотларни ойдинлаштиради. Микроскоп ва телескопга доир масалалар эса бир неча линзалардан ташкил топган оптик системалар ҳақидаги янги тушунчаларни киритиш билан боғлиқ.

Шунга мувофиқ ҳолда проекцион аппарат ва фотоаппаратга доир масалалар ечганда улар конструкциясининг алоҳида хусусиятларига эътибор берни керак. Шу жумладан фотоаппаратга доир масалалар ечганда диафрагманинг аҳамияти ва вазифасини кўриб ўтиш ва линза тешик диаметри D нинг линза фокус масофаси F га нисбати билан ўлчанадиган нисбий тешик катталиги ҳақидаги тушунчадан ҳамда объективнинг ёруғлик кучи $\frac{D^2}{F^2}$ дан фойдаланиш керак.

Проекцион аппарат ва фотоаппаратларга доир масалалар ечишни уларга тегишли демонстрацион тажрибаларни бажариш билан биргаликда олиб бориш керак.

Кўз ҳақидаги масалалар тасвиirlар чизинши ва редукцияланган кўзга қўлланиладиган формулалар ёрдамида ҳисоблаларни ўз ичига олиши керак. Бунда кўзнинг оптик марказига буюмнинг икки чеккасидан келаётган нур ҳосил қилган бурчак, яъни кўриш бурчаги ҳақидаги тушунчадан фойдаланиш лозим¹. Редукцияланган кўзнинг оптик маркази гавҳарининг орқа сирти яқинида шох парда чўққисидан 7,1 м.м узоқликда

¹ Баъзан кўриш бурчаги деб юқорида айтилган бурчакнинг ярми тушунлади, бу мазкур тушунчанинг туб мазмунини ўзгартирмайди.

жойлашган. Энг яхши аккомодацияда нормал кўз билан ажратиши мумкин бўлган „яқин“ нуқта кишининг ёшига боғлиқ бўлиб, 10–20 см масофада ётади. Одатда, энг яхши кўриш масофаси 25 см га тенг бўлиб, бунда кишининг кўзи буюмларни зўриқмасдан кўради. Узоқни кўрувчи кўз учун бу масофа катта, яқинни кўрувчи кўз учун бу масофа кичикдир. Кўриш нуқсонларини йўқотиш усуслари кўзойнакни қўлланилиши ҳақидаги сифатга оид масалаларни ечиш ёрдамида туширилади.


Лупа ҳақидаги масалаларни, айниқса экспериментал масалаларни ечганда қуйидагиларни эътиборга олиш керак. Агар лунани кўзга яқин тутилса, у ҳолда унинг катталаштириши $k_1 = \frac{S_1}{F} + 1$ (1) бўлади, бунда кўз энг яхши кўриш масофаси S_1 да аккомодацияланади ва кўз чексизликда аккомодацияланганда $k_1 = \frac{S_1}{F}$ бўлади. Агар лупа кўз ва қаралаётган буюм орасидаги бирор масофага жойлаштирилса, у ҳолда $k_2 = \frac{S_2}{F}$ (2) бўлади, бунда S_2 — буюмдан кўзгача бўлган масофа. 1 ва 2 формулалар тақрибий бўлиб, линзанинг фокус масофаси S_1 ва S_2 ларга нисбатан қанча кичик бўлса, улар шунчалик аниқроқ бажарилади. Агар буюм энг яхши кўриш масофасида турса, у ҳолда $S_2 = 25 \text{ см}$ ва $k_1 \approx k_2$ бўлади. Ҳар икки формула лупа катталаштиришининг бир хил қийматини бергани учун, ўқувчиларнинг $k = \frac{25}{F}$ эканини билишлари кифоя. Бироқ лупа қўлланилишининг баси этилган ҳар бир усули оптика нуқтаи назаридан ўзига хос муҳим хусусиятга эга бўлиб, масалалар ечишда буларга ўқувчилар дикқатини жалб қилиш керак (№ 910–911 га қаранг.)

Микроскоп ҳақидаги масалаларни ечганда асосий эътиборни тасвирларнинг ясалишига ва катталаштиришини $k = k_{об} \cdot k_{ок}$ ёки $k = \frac{LS}{F_1 F_2}$ формулалар бўйича топишга қаратиш керак, бунда $k_{об}$ ва $k_{ок}$ — мос ҳолда объектив ва окулярнинг катталаштиришлари; L — тубуснинг оптик узунлиги (объективнинг орқа фокуси билан окулярнинг олд фокуси орасидаги масофа); S — энг яхши кўриш масофаси; F_1 ва F_2 — объектив ва окулярнинг фокус масофаси.

Масалалар ечганда турли хил телескоплардан фақат рефрактор (Кеплер трубаси) ни қараш керак бўлади.

Телескоп-рефрактор, Галилей трубаси, бинокль ҳақидаги масалалар фақатгина айрим ўқувчиларга берилишин мумкин.

Рефрактор ҳақидаги масалаларда асосан $k = \frac{F_{об}}{F_{ок}}$ формула бўйича унинг катталаштириши топилади ва нурларнинг йўли чизилади.




292- расм.

Микрископ ва телескоп ҳақидағи масалалар ечишин лабораторияда құлланиладын линзалардан шу асбоблар модельарини йығиши бүйіча фронтал эксперимент бажариш билан, уй шароитида эса күзейнек, лупа ва бошқалар ёрдамида эксперимент бажариш билан бирга олиб борищ мақсадға мувофиқидір.

897 (ә). 292- расмда проекцион фонарнинг модели күрсатылған. Аппарат барча қисмларының вазифасыни ва улар орасындағы тегишли масофаларни күрсатынг. Нурларның йүйини схемада күрсатынг. Экранда 90×120 см үлчамдаги тасвир ҳосил қилиш учун диапозитивни фокус масофаси $F = 13,6$ см бүлған объективдан (универсал проекцион аппарат учун „Перископ“ типидаги объектив) қандай d масофада жойлаштириш керак? (Шишадың диапозитив үлчами 45×60 мм.)

Ечилиши. Аввало проекцион фонарнинг асосий қисми — a объектив ва b диапозитивни (AB) қараб чизамиз (292- ва 293- расм). Катталашған тасвир ҳосил бўлиши учун диапозитив F ва $2F$ нуқталар орасида бўлиши керак.

Диапозитивни яхши ёритиш керак. Конденсор тешиги c одатда ёритилувчи AB буюмга тенг ёки ундан бирмунча катта бўлғанилиги сабабли нур дастаси параллел ёки йиғилувчи бўлиши керак. Бунинг учун g лампа конденсор фокусида озгина узоқда бўлиши керак. Рефлектор d дан қайтган нурлар лампадан келған нурлар сингари кетиши керак. Буниг



293- расм.

учун лампани таҳмидан d кўзгунинг оптиқ марказига жойлаштириши керак.

d масофани тенгламалар системасини сабиб топамиз:

$$1) \frac{1}{F} = \frac{1}{d} + \frac{1}{f}; \quad 2) \quad k = \frac{f}{d}; \quad d = F \left(1 + \frac{1}{k}\right); \quad k = \frac{90 \text{ см}}{4,5 \text{ см}} = 20.$$

$d = 13,6 \text{ см} \left(1 + \frac{1}{20}\right) \approx 14,3 \text{ см}$. Диапозитивни объектив фокусдан берироқ жойлаштириш керак.

898 (э). Линза ёрдамида экранда қандай қилиб киши юзининг: а) катталашган; б) кичиклашган тасвирини ҳосил қилиш мумкин?

Жавоби. Кишининг юзи: а) линзанинг F ва $2F$ нуқталари орасида жойлашиши керак; б) иккиланган фокусдан орқада жойлашни керак.

Ҳодисани намойиш қилиш учун 294- расмда кўрсатилган қурилма йигилади. Демонстрацион стол орқасига бирор ўқувчини ўтказиб, унинг юзи проекцион аппарат ёки рефлектори бўлган лампадан келаётган нур билан ёритилади. Катта ўлчамдаги линза кишиининг ён томонига қўйилиб, шуълаланувчи экранда юзининг тўнкарилган тасвири ҳосил қилинади. Масала ва тажриба фотоаппаратининг ишлаш принципини тушунтиради.

899. „Киев“ фотоаппаратининг фокус масофаси 5 см. Агар буюм фотоаппаратдан 6 м узоқда бўлса, 3×5 см ўлчамли плёнкада буюминг тўла тасвири ҳосил бўладими?

900. Фотограф аппаратни созлагунича, объект ундан маълум масофага узоқлашди. Шу муносабат билан фотограф фотоаппарат объективини қандай жойлаштириши керак?

Жавоби. Агар буюм объективдан узоқлашган бўлса, у ҳолда унинг тасвири фокусга яқинлашади. Линза билан тасвир орасидаги масофа камайди. Демак, объективни плёнкага яқинроқ жойлаштириш керак.

901. Фокус масофаси 5 см бўлган фотоаппарат билан узоқдаги буюмларнинг, сўнгра фотоаппарат учун энг яқин масофа ҳисобланган



294- расм.

65 см масофадаги буюмнинг расми олиши. Бунда фотоаппарат объективи қанча олдинга сурилган? Ечимни бирор фотоаппаратда текшириб кўринг.

Ечилиши. Линза формуласини ёзамиз: $\frac{1}{F} = \frac{1}{d} + \frac{1}{f}$. Биринчи ҳолда $F \approx f_1 \approx 5$ см. Иккинчи ҳолда $\frac{1}{f_2} = \frac{1}{F} - \frac{1}{d_2} = \frac{1}{5} - \frac{1}{65} = \frac{12}{65}$; $f_2 = 5,42$ см. $f_2 - f_1 = 0,42$ см = 4,2 мм.

902. 901- масалада баён этилган фотоаппарат билан расмга олишда 24×32 мм ўлчамли кадрни тўлиқ эгалловчи буюмнинг минимал ўлчамини топинг.

Ечилиши. Фотоаппаратнинг схематик чизмасини чизамиз (295- расм). Фараз қиласайлик, $A_1B_1 = 24$ мм. AOC ва A_1OC_1 учбуручакларининг ўҳашалигидан $AC = \frac{A_1C_1 \cdot CO}{CO}$ ни топамиз. Линза формуласидан $\frac{1}{CO} = \frac{1}{f} = \frac{1}{F} - \frac{1}{d} = \frac{12}{65}$.

$$AC = \frac{1,2 \text{ см} \cdot 65 \text{ см} \cdot 12 \text{ см}}{65 \text{ см}} = 14,4 \text{ см}. AB = 28,8 \text{ см}$$

Эканини топамиз. Жисмнинг иккинчи ўлчами $\frac{28,8 \cdot 32 \text{ см}}{24} = 38,4 \text{ см}$.

903. 901- масалада баён этилган фотоаппарат ёрдамида ўлчамилари $28,8 \times 38,4$ см дан кичик бўлган буюмларни тўлиқ кадрда расмга олиш учун нима қилиш керак?

Ечилиши. Кичик ўлчамли буюмларни объективга яқин жойлаштириш керак. У ҳолда буюмларининг тасвири объективдан узоқлашади. Демак, объективни янада кўпроқ суриш керак. (Бунинг учун турли ўлчамдаги узайтирувчи ҳалқалар ишлатилади.)

904¹. Объективли фотоаппаратлар „тирқишли“ камерага эга бўлган фотоаппаратга (№ 852) қараганда қандай афзаллик ва қандай камчиликларга эга?

Жавоби. Тирқишли камерада нурлар конуси буюмнинг ҳар бир нуқтасининг „тасвирини“ доира шаклида ҳосил қиласди. Натижада тасвирининг равшанилиги етарли бўлмайди. Объектив шуълаланувчи нуқталарнинг нурларини деярли бир нуқтага тўплайди. Тасвирининг равшанилиги ортади. Тирқишли камеранинг тешиги ёруғликни жуда кам ўtkазади. Натижада фотосуратга олишда видержка катта бўлиши керак. Объективли фотоаппаратнинг камчилиги шундаки, бунда фокуслаш талаб қилилади.

905². Экспозиция фотоаппарат объективи тешигининг диаметри ва унинг фокус масофасига қандай боғланган?

¹ 904—906- масалаларни фотометрияга доир материалларни ўтиб бўлгандан сўнг, қайтариш вақтида ечиш мақсадга мувофиқдир.


Жағоби. Буюм объективидан узоқда жойлашгани учун унинг тасвири деярли фокал текисликда ҳосил бўлади. 295-расмдан (учбурчак $OB'A'$), агар фокус масофаси, масалан 2,3 ва ҳоказо марта қисқартирилса, у ҳолда тасвиринг чизиқли ўлчами ҳам шунча марта қисқаришини кўриш мумкин. Негативининг юзи эса 4, 6 ва ҳоказо марта камайди. Плёнканинг ёритилганлиги эса худди шунча марта ортади.

Объектив тешигининг юзи қанча катта бўлса, у буюмнинг ҳар бир иштасидан шунча кўп ёруғлик олади. Демак, плёнканинг ёритилганлиги объектив тешигининг юзига ёки унинг диаметрининг квадратига пропорционал бўлади. Юқорида қилинган мулоҳазалардан, видержка объективнинг ёруғлик куичи — $\frac{D^2}{F^2}$ га тескари пропорционал эканлиги кўриниб турибди.


906^{*}. Фотоаппарат объективининг оправасида диаграфманни маълум ҳолатини белгилаш учун иисбий тешик катталиги $\left(\frac{D}{F}\right)$ кўрсатилган. Бунда фақат каср маҳражидаги сонни ёзиш қабул қилингаёт, чунки сурат бирга тенг деб олишади. Объективда нима учун 4; 5; 6; 8; 11; 16 иисбий тешик каттаклари кўрсатилишини тушунтириинг.

Жағоби. Кўрсатилган ёзувлар $\frac{D}{F}$ иисбий тешик $\frac{1}{4}; \frac{1}{5,6}; \frac{1}{8}; \frac{1}{11}; \frac{1}{16}$ га тенг эканини билдиради. Бу сонларнинг квадрати $\frac{D^2}{F^2}$ ёруғлик кучининг қуидаги катталикларини беради: $\frac{1}{16}; \frac{1}{31,36}; \frac{1}{64}; \frac{1}{121}; \frac{1}{256}$. Диафрагма босқичлари иккиларини принципи асосида тузилгацлигини кўриш қийин эмас. Тешикни бир бўлимга ўзгартирини плёнка ёритилганлигини билдиради ва бу ўз навбатида вицерджкасинг икки марта ортиши ёки камайишини тақозо қилади.

907. Киши кўзига тушган ёруғликнинг синишида шох парда (296- расм) $a (D = 40 \text{ дптр})$ ва гавҳар $b (D = 20 \text{ дптр})$ асосий роль ўйнайди. Келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, редуцирланган кўзининг фокус масофасининг тахминий катталигини аниқланг.



295- расм.



296- расм.

Е ч и л и ш и. Күзниң оптикалык күчі $D = D_1 + D_2 = 40 \text{ dptr} + + 20 \text{ dptr} = 60 \text{ dptr}$. $F = \frac{1 \text{ m}}{60} = 0,016 \text{ m} = 16 \text{ mm}$. Щеруғликтің күздегі башқа мұхитларда ҳам сингани туфайлы, күзниң үртаса фокус масофасы $F = 15,5 \text{ mm}$ га тең.

908. Күзойнакли кишидан күзойнакни олиб, ушинг күзи олесин күрар күзми ёки яқинни күрар күзми эканлигини қандай аниқлаш мүмкін?

Ж а в о б и. Күзойнак шишаи йигувучи ёки сочувчи линза эканлигини аниқлаш лозим (№ 887). Агар шиша йигувучи бўлса узоқни күрар кўз, агар шиша сочувчи бўлса яқинни күрар кўз бўлади.


909. Киши кўзининг чегаравий кўриш бурчаги тахминан 1' га тең. Энг яхши кўриш масофасида (25 см) турган иккى нуқтанинг алоҳида-алоҳида кўринишни учун улар орасидаги масофа қандай бўлиши керак?

Е ч и л и ш и. Кўриш бурчагининг кичиклиги туфайли иккى нуқта орасидаги масофа $l = 25 \text{ cm} \cdot \tan \alpha = 25 \text{ cm} \alpha$, бунида α — радианларда ўлчанган бурчак. $l = 25 \text{ cm} \cdot \frac{1}{60 \cdot 57,3} \approx 0,073 \text{ mm}$.

Қуролланмаган кўз билан кўришга мўлжалланган шкаалар бўлинмасини миллиметрдан кам қилинмаслик сабабини жавобини анализ қилиш вақтида тушунтириб кетиш фойдалидир.

910 (ә). Фокус масофаси 5—10 см бўлган йигувучи линзани кўзниң энг яхши кўриш масофасида китоб вараги устига қўйинг. Китоб варагидан линзани узоқлаштирганимизда ҳарфларниң мавҳум тасвири қандай ва нима учун ўзгаради? Тасвирининг кўринма ўлчами кўз билан лупа орасидаги масофага боғлиқми? Энг катта тўғри тасвирини ҳосил қилиб, лупа катталаштиришини $k = \frac{25}{F}$ формула ёрдамида ва кўз билан чамалаб аниқланг.

Е ч и л и ш и. AB буюмларни иккى ҳолатида линза ҳосил қилинган тасвирини чизамиз (297- ва 298- расм). Фокусдан ўтувчи



297- расм.

A'F шуриинг йўналиши *AB* жисмининг исталган ҳолатида ҳам ўзгармайди. Жисм линзанинг фокусига қанча яқин жойлашган бўлса, *A'* нуқта оптик ўқдан шунча юқори жойлашади, ўз павбатида *A'B'* тасвир эса шунчага катта бўлади. $k = \frac{25}{F}$ катталаштириш $F = 5 \text{ см}$ да $k = 5$ бўлади.

Кўзнинг исталган ҳолатида тасвир бир хил кўриш бурчаги остида кўринади. Бинобарин, тасвирнинг кўринма ўлчами кўз билан луна орасидаги масофага боғлиқ эмас.


Кўзни лунага яқинлаштирганимизда фақат кўриш майдони катталашади, чунки кўзга кенгроқ нурлар дастаси келиб тушади. Кўзи лупадан узоқ тутганимизда масалан, лупа орқали фақат битта ҳарфни, яқин тутганимизда эса бутун сўзни кўришимиз мумкин.

911 (Э). Лупани кўзга жуда яқин келтиринг ва текстдаги бирор ҳарфнинг яқъол тасвирини ҳосил қилинг. Тасвирнинг равшанилиги ҳарфдан лупагача бўлгаш масофага қандай боғланган? Нима учун? Китоб вараги билан кўз орасидаги масофани ўзгартиргмаган ҳолда лупани олинг. Энди кўз текстни кўриши мумкинми ва нима учун?

Ечилиши. Кўз ва лупа фокус масофаси кўзникига қараганда қисқа бўлган оптик система ҳосил қиласи. Кўзнинг аккомодацияси ҳисобига бу фокус масофанинг ўзгариши жуда кам. Қаралаётган буюмнинг тасвири тўр пардала ҳосил бўлиши учун, у лупадац маълум масофада жойлашиши керак. Кўзнинг аккомодацияси энг катта бўлганида буюм шундай масофада жойлашиши керакки, бунда унинг тасвири кўзга яқин нуқтада, яъни кўздан 15–20 см да ҳосил бўлиши керак. Кўз чексизликка аккомодацияланганда буюм лупанинг фокал текислигига бўлиши керак. Агар лупани олсак, буюмнинг тасвири тўр парданинг орқасида ҳосил бўлади ва шунинг учун у хира бўлиб кўринади.

912 (Э). Иккита қисқа фокусли линза олиниг ва улардан бири билан китобдаги ҳарфларнинг катталашган ҳақиқий тасвирини ҳосил қилинг. Сўнгра кўз билан линза орасига иккичи линзани жойлаштириб, ундан лупа сифатида фойдаланинг ва у орқали ҳарфларнинг тасвирига қаралг. Микроскопнинг модели бўлган бу оптик системада нурларнинг йўлини тажриба асосида чизинг.

Ечилиши. Объектив ҳосил қиласи тасвир проекцион фонаръ учун чизилган 293-расмдаги чизмага ўхшайди. Окуляр лупа хизматини ўтайди, шунинг учун нурларнинг йўли



298- расм.

298- расмда күрсатылған нурлар йүлиға ўшаш. Бунда объектив ҳосил қылған тасвир окуляр орқали қаралаётган буюм ҳисобланади.

913. Микроскоп объективида 40, окулярида эса 10X белгі турибди. Бу объектив ва окуляр ёрдамида микроскоп қандай катталаштириш ҳосил қылади? Шу объективнинг ўзи билан 600 марта катталаштириш ҳосил қилиш учун қандай окуляр олиш керак?

$$\text{Жавоби. } k_m = k_{ok} \cdot k_{ob} = 40 \cdot 10 = 400. \quad k_{ok} = \frac{600}{40} = 15X.$$

914. Энг кучли микроскоплар объективларининг фокус масофаси 1,25 mm га тенг бўлади. Тубусининг узунлиги 16 см, окулярининг фокус масофаси 1,0 см бўлган микроскопнинг катталаштиришини ҳисобланг [21, № 1427].

$$\text{Ечилиши. } k_m = \frac{SL}{F_{ob}F_{ok}} = \frac{25 \text{ см} \cdot 16 \text{ см}}{0,125 \text{ см} \cdot 1 \text{ см}} = 3200.$$


915 (ә). Кўз олдингизга узун фокусли ($F = 15-20 \text{ см}$) линза қўйиб, ўзингиздан бир неча метр¹ масофада жойлаштирилган буюмларнинг ҳақиқий кичрайтирилган тасвирини ҳосил қилинг ва кузатинг. Паралакс методи билан тасвирини тахминан қаерда бўлишини аниқланг. Сўнгра тасвирини лупада кўриштинг. Бир вақтда буюм ва тасвирга қараб, ўзингиз йиққан кўриш трубаси моделининг катталаштиришини чамалаб баҳоланг. Кўриш трубасидаги нурларнинг йўлини чизинг ва тажрибада олинига катталаштиришини $k = \frac{F_{ob}}{F_{ok}}$ формула бўйича ҳисоблаб топилган катталаштиришга мос тушиши-тушмаслигини текширинг.

Ечилиши. Тажриба қилиб ва k_{tr} ни кўз билан чамалаб, F_{ob} ва F_{ok} ии тажриба йўли билан топилади ва k_{tr} ҳисобланади. Ўлчов аниқлнгиги чегарасида бу катталиклар мос тушади. Тасвири ясашда қўйидагиларга эътибор берамиз (299- расм).

Буюм иккиламчи фокус масофадан ташқарида жойлашган. Шунинг учун унинг ҳақиқий кичрайган ва тескари орқа фокал текисликдан унча узоқда бўлмаган орқа фокус билан иккиламчи фокус масофаси орасида ҳосил бўлади. Одатда, буюм ўлчамига кўра объектив тешигидан анча катта бўлади. Тасвир фотоаппаратда ҳосил қилинадиган тасвирга айнан ўшаш. Окуляр лупа ҳисобланади, шунинг учун тасвир лупанинг фокусига яқинроқ жойлашиши керак бўлади.

916*. Агар кўриш трубасида иккиламчи фокус масофаси объективнинг орқа фокуси билан мос тушадиган учинчи линза қўлланилса, у ҳолда труба объективнинг катталиги жиҳатидан ўзгармас, бироқ тўғри тасвирини беради. Шуни исботланг.

¹ Бу масалани синифда фронтал эксперимент методи билан ечганда синиф доскасига бўлинмаси яққол кўринадиган демонстрацион метрия қўйиш мумкин ёки ўқувчиларга кўриниши мумкин бўлган йирик шкалани осиб қўйиш керак бўлади.




299- расм.

Ечилиши, Фараз қилайлик, объектив ҳосил қилган тасвир A_1B_1 бўлсени (300- расм). Агар B_1O_1 — қўшимча (тўшқарувчи) линзанинг иккиласи фокус масофаси бўлса, у ҳолда A_2B_2 тасвир ҳам ушбу линзанинг ўнг томонида иккиласи фокус масофада ҳосил бўлади. A_1B_1 тасвир катталиги жиҳатидан A_2B_2 тасвирға тенг. A_2B_2 тасвир одатдаги окулярдан кўринади. Окуляр эса объективга нисбатан мавҳум ва тўғри A_3B_3 тасвирни беради.


Тўшқарувчи линзанинг ердаги кўриш трубаларида қўллалиши уларнинг узунлигини янада ортиришига ўқувчилар диққатини жалб қилиш мумкин. Шунинг учун тасвирни тўнкаринда кўриш трубасининг узунлигини камайтириш имконини берувчи призмалардан фойдаланилади (призматик биноклар).

Призматик биноклардаги нурларнинг йўлини ўрганишни айрим ўқувчиларга топшириш мумкин.

917. Ой қуродланмаган кўз билан $0,5^\circ$ кўриш бурчаги остида кўринади. Объективининг фокус масофаси 200 см , окулярини эса 10 см бўлган телескопда Ойни қандай бурчак остида кузатиш мумкин? [21, № 1436]. Масала ечимини чизмада тушунтиринг.



300- расм.



301- расм.

Ечилиши. Энг аввал чизма чизамиз (301-расм). Агар трубанинг оптик ўқини Ой гардишининг пастки чегарасига йўналтирилса, у ҳолда юқори нуқтадан келувчи нур ўқ билан $\alpha = 0,5^\circ$ бурчак ҳосил қиласди. Объективга гардишининг юқори нуқтасидан тушувчи бошқа барча нурлар Ойгача бўлган масофанинг амалда жуда катта эканлиги ва объектив диаметрининг шу масофага нисбатан кичиклиги сабабли марказ орқали ўтувчи нурга параллел бўлади. Шунга кўра Ойдаги муайян ва бошқа барча нуқталарнинг тасвири бош фокал текисликда бўлади. Объектив ва окулярнинг фокал текисликлари мос тушганлиги сабабли окулярдан нурлар параллел даста кўришида чиқади. Бурчакий катталаштириш

$$k_{\text{тел}} = \frac{F_{\text{об}}}{F_{\text{ок}}} = \frac{200 \text{ см}}{20 \text{ см}} = 10.$$

Кўз ой гардишини $\alpha_1 = 0,5^\circ \cdot 10 = 5^\circ$ бурчак остида кўради.

35- БОБ

НУРЛАНИШ ВА СПЕКТРЛАР

Бу темада аввал ёруғлик дисперсияси ҳодисаси, чиқарин ва ютилиш спектрлари, инфрақизил, ультрабинафша ва рентген нурланишлари, электромагнит тўлқин ишаласи ўрганилади. Ушбу масалалар юзасидан асосан сифатга оид масалалар ечилиб, улар қуйидаги келтирилган. Масалаларни муваффақиятли ениш учун ўрганилаётган ҳодисаларнинг физикавий мөхиятини чуқур билиш керак. Миқдорий масалалар тўлқин узунликийни ҳисоблаш, шунингдек турли мұхитларда ёруғлик тезлигини аниқлашга келтирилади. Бунда қуйидаги формуулардан фойдаланилади:

- а) $\lambda = vT = \frac{v}{\nu}$, бунда v — тўлқини узунлиги λ аниқланадиган мұхитдаги ёруғлик тезлиги, T ва ν — электромагнит тебризишларнинг даври ва частотаси.

б) $v = \frac{c}{n}$, бунда $c = 3 \cdot 10^8$ м/сек (вакуумдаги ёруғлик тезлиги), n — ёруғлик тарқалувчи мұхиттің абсолют синдириш күрсаткичи.

Биринчи формула ($\lambda = v \cdot T$) үқувчиларга „Электромагнит тебранишлар ва түлқиилар“ темасидан тащиш бўлиб, бу боғланишга оид кўплаб масалалар ечишган. Оптикада частотани электромагнит тебранишлардаги сингари f билан эмас, балки v билан белгилаш қабул қилинган. Шунига кўра $\lambda = \frac{v}{f}$ ва $\lambda = \frac{v}{\nu}$ формулаларнинг бир-биридан электромагнит тебранишлари частотасини белгилашдан ташқари ҳеч қандай фарқи йўқлигини үқувчиларга тушунитириш керак.

Оптикада λ тўлқин узунликни системадан ташқари маҳсус бирлик — 1 ангстрэм (\AA) билан ўлчаш мумкин бўлиб, у $1 \cdot 10^{-10}$ м = $1 \cdot 10^{-8}$ см га мос келади.

Тема фотометрия ва ёритилганлик қонуиларини ўрганиш билан яқунланади, бироқ бу материалларнинг барчаси қисқача таништириб ўтиш планида берилади. Шунинг учун фотометрия ва ёритилганлик қонуилари бўйича берилган масалалар ҳам таништириб ўтиш планида ечилади. Бунда қўйидаги қонун ва формулалардан фойдаланилади.


Ҳар бир ёруғлик манбай манбанинг I ёруғлик кучи ва унинг нурланишидаги Φ ёруғлик оқими катталиклари билан ҳарактерланади. Манба томонидан нурланувчи ёруғлик оқими $\Phi = \frac{W}{t}$ формула билан аниқланади, бунда W — нурланишнинг тўлиқ энергияси, t — ёруғлик манбанинг энергия нурлаш вақти.

Нуқтавий манбанийг ёруғлик кучи $I = \frac{\Phi}{\omega}$ боғланишдан аниқланади, бунда ω — фазовий бурчак бўлиб, стерадианларда ўлчанади. СИ системасида ёруғлик кучининг бирлиги шам (шам) ҳисобланади.


Ўрта мактабда, ўлчамлари ёритилган сиртгача бўлган ма-софага лисбатан кичик бўлган нуқтавий ёруғлик манбалари қаралади.

Ёруғлик оқими люменларда ($лм$) ўлчанади. Ёруғлик кучи I бўлган нуқтавий ёруғлик манбанинг тўла ёруғлик оқими $\Phi_0 = 4\pi I$ га тенг.


Сиртнииг ёритилганлиги $E = \frac{\Phi}{S}$, бунда Φ ёруғлик оқими бўлиб, S юз бўйича текис тақсимланган. S юз ёруғлик оқимига нормал. Агар ёруғлик манбай нуқтавий бўлса, у ҳолда маркази ёруғлик манбай жойлашган нуқтада бўлган сферик сиртгина ёруғлик оқимига нормал бўлади. Ёритилганлик люксларда ($лк$) ўлчанади.



302- расм.



303- расм.



304- расм.

Масалаларда күпинча сферик сиртларнинг эмас, балки ясси сиртларнинг ёритилғанлығы ҳисобланади. Ёруғлик майбандан узок масофада жойлашган ясси сирт бўлганинг кичик қисмини тахминан сферанинг қисми сифатида қабул қилиш ва ёритилғанликни сферик сиртлардагига ўхшаш $E = \frac{\phi}{S}$ формула бўйича аниқлаш мумкин.

Ёритилғанликларни ҳисоблашда ёритилғанликнинг иккита қонунидан фойдаланилади. Биринчи қонун нуқтавий ёруғлик манбалари учун, яъни сочилувчи ёруглик оқими ва шу оқим билан ёритилувчи сферик сиртлар учун тўғридир. Бу ҳолда сиртнинг E ёритилғанлиги манбанинг I ёруғлик кучига тўғри пропорционал ва ёруғлик майбандан ёритилувчи сиртгача бўлган масоғанинг квадратига тескари пропорционал, яъни $E = \frac{I}{r^2}$ (302- расм).

Иккинчи қонунда параллел ёруғлик дастасининг ясси сиртга маълум α бурчак остида тушган ҳоли қаралади. Юзнинг ёритилғанлиги $E = E_0 \cos \alpha$, бунда E_0 — ёруғлик нормал тушгандағи сиртнинг ёритилғанлиги (303- расм).

Масалалар ечганда күпинча ёритилғанликнинг $E = \frac{I}{r^2} \cos \alpha$

бирашган қонунидан фойдаланилади (304- расм).

Ёритилувчи сирт I ёруғлик майбандан шу сиртнинг O' марказигача бўлган r масофага қараганда бирмунича кичик бўлган чизиқий ўлчамга эга бўлгандагина бу формулани қўллаш мумкин.

Фотометрия ва ёритилғанлик қонунлари бўйича қуйидаги типдаги масалалар ечилади:

а) сиртнинг ёритилғанлиги битта нуқтавий ёруғлик манбай билан ҳосил қилинади. Масала шартида ёки манбанинг I ёруғ-

лик кучи, ёки Φ ёруғлик оқими берилади. Сиртнинг ёритилганлиги аниқланади;

б) сиртнинг ёритилганлиги бир нечта нуқтавий ёруғлик манбалари орқали ҳосил қилинади. Бу ҳолда умумий ёритилганлик ҳар бир ёруғлик манбаи ёритилганликларининг йигиндинсига тенг;

в) манба ёруғлик кучини фотометр ёрдамида аниқлашга оид масала;

г) ёруғлик манбаидан ташқари сиртнинг ёритилганлигини ўзгартирувчи кўзгу ва линзалар ҳам мавжудdir. Бунда ёритилганлик I ёруғлик манбаи ёритилганлиги билан унинг кўзгу ёки линзадаги I' тасвиридан ҳосил бўлган ёритилганликнинг йигиндинсига тенг. Идеал ясси кўзгу қўлланилганда $I' = I$. Қолган барча ҳолларда I' ни I ва I' лардан ёруғлик оқими тарқалувчи фазовий бурчакларни назарда тутган ҳолда ҳисоблаб топиш керак.

Охирги типдаги масалалар юқори қийинликдаги масалалар ҳисобланади.

1. Дисперсия ҳодисаси ва спектрлар

918 (Э). Дифракцион ва призматик спектрларни намойиш қилинг. Уларнинг фарқи нимада?

Жавоби. Дифракцион спектрда раңгли полосалар кенглиги деярли бир хил, призматик спектрда эса бу полосалар бир хил эмас, бунда спектрнинг бинафша қисми кенг ёйилган; қизил қисми эса энг тор ёйилган бўлади.

Бундан ташқари, нормал дисперсияда призматик спектрнинг бинафша қисми кўпроқ, қизил қисми эса камроқ оғади. Дифракцион спектрда эса аксинча, қизил нурнинг оғиши бурчаги бинафша нурникидан катта бўлади.

919 (Э). Кронглас ва флинтгласдан ясалган призма ёрдамида спектр ҳосил қилинг ва ёруғлик қайси шишада тезроқ тарқалиши тўғрисида холоса чиқаринг.

Жавоби. Спектрлар ҳар хил кенгликка эга бўлиб, флинтгласдан ясалган призма ёрдамида олинган спектр кронгласдан ясалган призма ҳосил қилган спектрдан кенгdir. Призманинг синдириш кўрсаткичи қанча катта бўлса, нурнинг призмада оғиши бурчаги шуича катта бўлади, демак, флинтгласнинг n_{ϕ} синдириш кўрсаткичи кронгласнигига қараганда катта экан деган холосага келиш мумкин. Маълумки, ёруғликнинг моддада тарқалиш тезлиги $v = \frac{c}{n}$, бу ерда c — ёруғликнинг вакуумдаги тезлиги. Бинобарин, флинтгласда ёруғлик кронгласга қараганда секинроқ тарқалар экан.

920 (Э). Чўғлантирилган темир парчаси қандай спектр беради?

Ж а в о б и. Қиздирилган қаттиқ жисмлар туташ спектр беради. Шунинг учун чүглантирилган темир парчаси туташ спектр беради.

921 (ә). Газ разряди юз беріб шуълаланаёттан найча қаңдай спектр беради?

Ж а в о б и. Газ разряди чизиқий спектр бергәні учун шуълаланувчи пайға спектри ҳам чизиқий бўлади.

920- ва **921-** масалаларнинг жавобларини тўғри кўриш мумкин бўлган спектроскопда текшириб кўриш мақсадга мувофиқдир.

922 (ә). Агар спектроскоп коллиматорининг олдига спирт лампа алансасини жойлаштириб, унинг пилигига ош тузининг бир неча йирик донасасини ташласак, у ҳолда туташ спектр фонида сариқ чизиқларни кўрамиз. Чизиқий спектрнинг пайдо бўлишини қаңдай тушунтириш мумкин?

Ж а в о б и. Буғлар чизиқий спектр беради. Сариқ чизиқ (тўғирорги, бир-бирига жуда яқин жойлашган икки чизиқ — дублет) NaCl ош тузи таркибиға кирувчи натрийга хосdir.

923. Қуёш спектрида фраунгофер чизиқларининг қандай хосил бўлишини тушунтиринг.

Ж а в о б и. Булар ютилиш чизиқларидир. Қуёш (атмосфераси) туташ спектр беради, турли моддаларнинг буғларидан ташкил топган Қуёш атмосфераси эса мос частотадаги нурланишларни ютади. Туташ спектрда қора ютилиш чизиқлари пайдо бўлади.

924. Кундузги ёруғликда материал қизил рангда кўринади. Агар қоронгида шу материал ҳаво ранг нур билан ёритилса, у қандай рангда кўринади?

Ж а в о б и. Материалнинг қизил ранги унинг қизил нурни қайтариб, бошқаларини ютиши билан тушунтирилади. Материал ҳаво ранг билан ёритилганда қора бўлиб кўринади.

925 (ә). Бир варақ қоғозга кўк ва сариқ бўёқ билан иккита ёзув ёзилган. Ёзувларни кўк шиша (ёруғлик фильтри) орқали ўқинг.

Ж а в о б и. Кўк бўёқ билан ёзилган ёзув яхши кўринади ва у осон ўқитади. Сариқ бўёқ билан ёзилган ёзув кўринмайди (ёки кўк ёруғлик фильтрининг сифатига боғлиқ равишда жуда хира кўриниши мумкин). Ёруғлик фильтри фақат кўк нурни ўтказиб, қолган нурларни ютиши керак.

926. Кўзга кўринмайдиган ультрабинафша ва инфрақизил нурларни қандай пайқашади?

Ж а в о б и. Инфрақизил ёки ультрабинафша нурларни уларнинг бирон-бир таъсиридан пайқалади. Масалан, ультрабинафша нурлар фотоэмультсияга таъсир қиласи, люминесценцияни юзага келтиради. Инфрақизил нурлар иссиқлик таъсирига эга (уларни болометр ёки термоэлемент ёрдамида пайқашади), шунингдек, маҳсус фотопластинкаларга таъсир этади.

927. Қүёш нури билан ёритилган, деразаси берк бўлган хонада қуёшдан қорайиш мумкинми?

Жавоби. Йўқ. Қуёшдан қорайиш ультрабинафша нурлар таъсирида бўлади, одатдаги дераза ойнаси ультрабинафша нурларни ўтказмайди.

928. Нима учун симобли лампаларнинг колбалари кварт шишадан ясалади?

Жавоби. Симобли лампалар ультрабинафша нурларга бой бўлган нурлар олиш мақсадида ишлатилади. Кварт шишалар ультрабинафша нурлар учун шаффоф ҳисобланади.

929. Тормозловчи рентген нурларининг спектри қандай?

Жавоби. Тормозловчи рентген нурлари рентген трубкасида электронлар оқимининг тормозланиши натижасида вужудга келади. Электронлар турли энергияга эга бўлиб, улар тормозланганда турли тўлқин узунликдаги рентген нурлари вужудга келади. Демак, тормозловчи рентген нурларининг спектри туваш спектр экан.

930. Кўзга кўринадиган ёруғлик $4 \cdot 10^{14}$ дан $7,5 \cdot 10^{14}$ гц гача частотага эга. Кўзга кўринадиган ёруғлик тўлқинни узунлигининг интервали қандай?

Ечилиши. Тўлқин узунлик $\lambda = \frac{c}{\nu}$.

$$\lambda_1 = \frac{3 \cdot 10^8 \frac{\text{м}}{\text{сек}}}{4 \cdot 10^{14} \frac{1}{\text{сек}}} = 0,75 \cdot 10^{-6} \text{ м.}$$

$$\lambda_2 = \frac{3 \cdot 10^8 \frac{\text{м}}{\text{сек}}}{7,5 \cdot 10^{14} \frac{1}{\text{сек}}} = 0,4 \cdot 10^{-6} \text{ м.}$$


931. Рентген нурлари $6 \cdot 10^{16} - 7,5 \cdot 10^{19}$ гц частотага эга. Бу нурларниң тўлқин узунлигини ангстремларда аниқланг.

Ечилиши.

$$\lambda_1 = \frac{3 \cdot 10^8 \frac{\text{м}}{\text{сек}}}{6 \cdot 10^{16} \frac{1}{\text{сек}}} = 0,5 \cdot 10^{-8} \text{ м} = 50 \text{ \AA};$$

$$\lambda_2 = \frac{3 \cdot 10^8 \frac{1}{\text{сек}}}{7,5 \cdot 10^{19} \frac{1}{\text{сек}}} = 0,4 \cdot 10^{-11} \text{ м} = 0,04 \text{ \AA}.$$

932. Шиша синдириш қўрсаткичининг ёруғлик тўлқин узунлигига боғлиқлик графиги 305-расмда берилган. Агар $\lambda = 8000 \text{ \AA}$ бўлса, ёруғлик тўлқинининг шишадаги тезлигини топинг.



Ечилиши. Графикдан (305-расм) $\lambda = 8000 \text{ Å}$ нинг $n = 1,6$ синдириш кўрсаткичига мос келишини топамиз.

$$v = \frac{c}{n} = \frac{3 \cdot 10^8 \frac{\text{м}}{\text{сек}}}{1,6} = 1,9 \cdot 10^8 \frac{\text{м}}{\text{сек}}.$$

933*. Сув сиртига тўлқин узунлиги $\lambda = 7000 \text{ Å}$ бўлган қизил нурлар тушмоқда. Сувнинг синдириш кўрсаткичиги $n = 1,33$ бўлса, бу нурларнинг сувдаги тўлқин узунлигини тоянинг.

Сув тубида турган киши қандай рангни кўради?

Ечилиши. Вакуумда тўлқин узунлик $\lambda = \frac{c}{v}$, бу ерда v — электр омагнит тебранишлар частотаси. Бундан $v = \frac{c}{\lambda}$. Нур бир муҳитдан бошқа муҳитга ўтганда унинг тебранишлар частотаси ўзгармайди, балки тўлқиннинг тарқалиш тезлиги ва узунлиги ўзгаради. Нурнинг сувдаги тўлқин узунлиги $v_c = \frac{v}{n}$, бу ерда v — тўлқиннинг сувдаги тезлиги — $v = \frac{c}{n}$. Ифодага v ва нурларнинг қийматини қўйиб, λ_c нинг қийматини топамиз.

$$\lambda_c = \frac{c\lambda}{nc} = \frac{\lambda}{n} = \frac{7000 \text{ Å}}{1,33} \approx 5300 \text{ Å}.$$

Вак уумда бундай тўлқин узунликка қизил нур эмас, балки яшил нур эга бўлади. Сув тубидаги киши қизил нурни кўради, чунки кишининг рангни сезиши ёруғликнинг тўлқин узунлигига қараб эмас, балки электромагнит тўлқинларининг частотасига қараб белгиланади.

2. Фотометрия ва ёритилганлик қонунлари

934. Нуқтавий ёруғлик манбанинг кучи $I = 100 \text{ шам.}$ Бу манба сочаётган тўла ёруғлик оқими Φ_0 нимага тенг? Манбадан $R = 10 \text{ м}$ масофада жойлашган, ёруғлик нурларига перпендикуляр бўлган S юзининг E ёритилганлигини топинг.

Ечилиши. Нуқтавий ёруғлик манбай учун $I = \frac{\Phi}{\omega}$. Ёруғликни ирг тўла оқими $\Phi_0 = 4\pi I = 4 \cdot 3,14 \cdot 100 = 1256 (\text{лм})$. Ёритилганликнинг I қонунига асосан

$$E = \frac{I}{R^2} = \frac{100 \text{ шам.}}{100 \text{ м}^2} = 1 \text{ лк.}$$

935. Радиуси $R = 0,5 \text{ м}$ бўлган тўгарак стол марказида $h = 1,2 \text{ м}$ баландликда ёруғлик кучи $I = 150 \text{ шам}$ бўлган электр лампочка осилган. Стол маркази ва чеккаларининг ёритилганлигини топинг.

Ечилиши. Стол марказининг ёритилганлиги (306-расм) ёритилганликни I қонунидан топилади:

$$E_0 = \frac{I}{h^2}, \text{ яъни } E_0 = \frac{150 \text{ шам}}{1,44 \text{ м}^2} \approx 104 \text{ лк.}$$

Стол чеккаларининг ёритилганлигини топиш учун ёритилганликни I қонунидан топилади:


$$E_A = \frac{I}{AS^2} \cos \alpha.$$

Қўйидагилар тахминан ҳисоблаб топилади:

$$AS^2 = h^2 + R^2 = 1,44 \text{ м}^2 + 0,25 \text{ м}^2 = 1,69 \text{ м}^2, AC = 1,3 \text{ м};$$

$$\cos \alpha = \frac{h}{AS} = \frac{1,2 \text{ м}}{1,3 \text{ м}} \approx 0,92.$$

$$E_A = \frac{150 \text{ шам}}{1,69 \text{ м}^2} \cdot 0,92 \approx 81 \text{ лк.}$$



307-расм.

936. Узунлиги 4 м бўлган вертикал ўрнатилган икки столбага ёруғлик кучлари $I_1 = I_2 = 200 \text{ шам}$ бўлган лампалар осилган. Столбалар ўзаро 6 м масофада жойлашган. Ҳар бир лампа остидаги ва столбалар ўртасидаги ер юзининг ёритилганлигини топинг (307-расм).


Ечилиши. Икки манбадан юзининг ёритилганлиги ҳар

бир манба ёритилганликларининг йигиндисига тенг. Ёруғлик манбаларини нуқтавий манба деб ҳисоблаймиз. Ҳар бир лампа тагидаги ер юзининг ёритилганлиги бир хил, чунки $I_1 = I_2$ ва лампалар бир хил баландликка осилган.

Ҳисоблашларни битта, масалан, I_1 лампа тагидаги юз учун бажарамиз.

$$I_1 \text{ лампа берадиган ёритилганлик } E_{A_1} = \frac{I_1}{h^2};$$

I_2 лампа берадиган ёритилганлик эса $E_{A_2} = \frac{I_2}{AE^2} \cdot \cos \beta$. [Юзининг умумий ёритилганлиги



306-расм.

$$E_A = E_{A_1} + E_{A_2} = \frac{I_1}{h^2} = \frac{I_2}{AE^2} \cdot \cos \beta.$$

$$AE = \sqrt{h^2 + S^2} = \sqrt{36 \text{ м}^2 + 16 \text{ м}^2} = \sqrt{52} \text{ м} \approx 7,2 \text{ м};$$

$$\cos \beta = \frac{BE}{AE} \approx \frac{4 \text{ м}}{7,2 \text{ м}} \approx 0,55;$$

$$E_A = \frac{200 \text{ шам}}{16 \text{ м}^2} + \frac{200 \text{ шам}}{52 \text{ м}^2} \cdot 0,55 \approx 14,6 \text{ лк.}$$

Ер юзининг C нуқтасидаги ёритилганлик шунингдек I_1 ва I_2 лампалар берадиган ёритилганликлар йиғиндисига тенг. Симметрия шартига мувофиқ қўйидагини ёзиш мумкин:

$$E_C = E_{C_1} + E_{C_2} = 2E_{C_1} = 2 \frac{I_1}{CD^2} \cdot \cos \alpha,$$

$$CD = \sqrt{h^2 + \frac{S^2}{4}} = \sqrt{16 \text{ м}^2 + 9 \text{ м}^2} = 5 \text{ м},$$

$$\cos \alpha = \frac{CF}{CD} = \frac{4 \text{ м}}{5 \text{ м}} = 0,8, \quad E_C = 2 \frac{200 \text{ шам}}{25 \text{ м}^2} \cdot 0,8 \approx 12,8 \text{ лк.}$$



308- расм.

937. Фотометр бир томондан 70 см нарида турган, кучи $I_1 = 20$ шам бўлган лампа билан ёритилмоқда. Агар фотометрнинг иккичи томонига 50 см масофада лампа жойлаштирилган-

да фотометрнинг қисмлари бир хил ёритилса, иккичи лампа-нинг ёруғлик кучини топинг.

Е чилиши. Масалани фотометрик формула ёрдамида ечиш мумкин. Лекин бу формулани масала ечиш вақтида келтириб чиқариш мақсадга мувофиқдир. Фотометр ярмининг ёритилганлиги (308- расм):

$$E_1 = \frac{I_1}{r_1^2} \text{ ва } E_2 = \frac{I_2}{r_2^2}.$$

Масаланинг шартига мувофиқ

$$E_1 = E_2, \text{ яъни } \frac{I_1}{r_1^2} = \frac{I_2}{r_2^2}.$$

Изланадиган катталик $I_2 = I_1 \frac{r_1^2}{r_2^2}$, яъни $I_2 = \frac{200 \text{ шам} (0,7)^2 \text{ м}^2}{(0,5)^2 \text{ м}^2} \approx 40 \text{ шам.}$

938. Ёруғликнинг нуқтавий манбай экрандан d масофада жойлашган бўлиб, экран марказида $E_1 = 1$ лк ёритилганлик ҳосил қиласди. Манбанинг бошқа томонига худди шундай масофада идеал қайтарувчи ясси кўзгу ўрнатсак, экраннинг ёри-

тилганлиги қандай ўзгара-
ди? Күзгу ва экран текис-
ликлари ўзаро параллел
(309- расм).


Ечилиши. Ёритилган-
лик I манба ва унинг ясси
күзгудаги мавҳум тасвири
 I' томонидан ҳосил қили-
нади. Манбанинг тасвири
экрандан $3d$ узоқликда.

Идеал қайтарувчи күзгу бўлган ҳол учун $I' = I$. Агар экран-
дан d масофада турган I манба $E = 1 \text{ лк}$ ёритилганлик ҳосил
қиласа, у ҳолда $3d$ масофада турган I' манба $E_2 = \frac{1}{9} \text{ лк}$ ($E \sim \frac{1}{r^2}$)
ёритилганлик ҳосил қиласи. Иккинчи ҳолатда экраннинг ёри-
тилганлиги $E = 1 \frac{1}{9} \text{ лк}$.


939. Ёруғлик кучи $I = 100 \text{ шам}$ бўлган нуқтавий ёруғлик
манбайи радиуси $R = 100 \text{ см}$ бўлган ботиқ күзгудаи $d = 30 \text{ см}$
масофада жойлашган. Күзгу чўққисидан $f = 120 \text{ см}$ масофада
бош оптик ўққа перпендикуляр жойлашган экран маркази-
нинг ёритилганлигини аниқланг. Күзгуни идеал қайтарувчи
деб олинг.

Ечилиши. Ёруғлик манбайи, экран ва кўзгунинг жойла-
ниши 310- расмда кўрсатилган. Экран марказининг ёритилган-
лиги I ёруғлик манбайи ва унинг күзгудаги I' мавҳум тасвири
томонидан ҳосил қилинади. Тасвир мавҳум, чунки I манба
кўзгу чўққисидан $F = \frac{R}{2} = 50 \text{ см}$ масофада жойлашган фокус
 билан кўзгу чўққиси орасида жойлашган.


Ёритилганликни ҳисоблаб топиш учун I' манбанинг жойла-
шишини (экрандан манбагача бўлган масофани) ва I' манба
ёруғлик кучининг катталигини аниқлаш керак.



309- расм.



310- расм.



311- расм.

$\frac{1}{F} = \frac{1}{d} - \frac{1}{f}$ күзгү формуласидан фойдаланиб қыйидагини топамиз:

$$f = \frac{df}{F-d} = \frac{0,3 \text{ м} \cdot 0,5 \text{ м}}{0,5 \text{ м} - 0,3 \text{ м}} = 0,75 \text{ м.}$$

Экрандан I' манбагача бўлган масофа $r_2 = l + f = 1,95 \text{ м}$, экрандан I манбагача бўлган масофа эса $r_1 = l - d = 0,9 \text{ м}$.

I' мавҳум ёруғлик манбанинг ёруғлик кучини аниқлаш учун күзгү сиртидаги σ юзни қараш керак (311- расм). Кўзгудан қайтгандаги ёруғлик исрофини ҳисобга олмаймиз.

Энергиянинг сақланиш қонунига мувофиқ, I манбадан ω фазовий бурчак остида тарқалаётган Φ оқим ω' фазовий бурчак остида тарқалаётган Φ' оқимга тенг бўлиши керак.

$$\omega = \frac{\sigma}{d^2}, \quad \omega' = \frac{\sigma}{f^2}, \quad \Phi = I\omega = I \frac{\sigma}{d^2} \text{ ва } \Phi' = I'\omega' = I' \frac{\sigma}{f^2}$$

деб ёзиш мумкин. Лекин $\Phi = \Phi'$, яъни $I \frac{\sigma}{d^2} = I' \frac{\sigma}{f^2}$. Бундан

$$I' = I \frac{f^2}{d^2},$$

$$I' = \frac{100 \text{ шам} \cdot 0,75^2 \text{ м}^2}{(0,3)^2 \text{ м}^2} \approx 622 \text{ шам.}$$

Экран ўртасининг ёритилганлиги I ва I' лардан ҳосил бўлган ёритилганликлар йиғиндисига тенг, яъни $E = E_I + E_{I'}$

$$\text{бунда } E_I = \frac{I}{r_1^2}, \quad E_{I'}, \quad \text{еса } E_{I'} = \frac{I'}{r_2^2}. \quad \text{Ҳисоблашдан}$$

$$E = \frac{100 \text{ шам}}{(0,9 \text{ м})^2} + \frac{622 \text{ шам}}{(1,95 \text{ м})^2} \approx 287 \text{ лк}$$

эканини топамиз.

ЁРУГЛИКНИНГ ТАЪСИРИ. ЁРУГЛИК КВАНТЛАРИ

Ушбу тема бўйича берилган масалалар асосан атомларнинг ёруғлик нурлашида ёруғлик частотаси ва тўлқин узунилигини ҳисоблашга, фотонлар энергияси, импульси ва массасини аниқлашга, шунингдек, фотоэффект қонусларини фотоэффектнинг узун тўлқин чегарасини ва фотоэлектронлар тезлигини аниқлашга қўллашга олиб келади.

Люминесценция ва ёруғликнинг химиявий таъсирига доир фақат сифатга оид масалалар ечилиши мумкин.

Темаларни ўрганиш ва масалалар ечиш натижасида ўқувчилар бир қатор муносабатларнинг, биринчи навбатда фотон энергияси $\epsilon = h\nu$ нинг физикавий маъносини тушунишлари ва эслаб қолишлари керак. Бу ерда h —Планк доимиийси ($h=6,625 \times 10^{-34}$ ж·сек), ν — герцларда ўлчанадиган нурланиш частотаси.

Ўрта мактабда атом тузилиши ва ундаги процесслар ўқитишининг мазкур босқичида тўлиқ берилиши мумкин бўлган Бор назарияси асосида тушунтирилади. Квант-механикавий тасавурларни кўпчилик ўқувчилар яхши тушунмайдилар. Бироқ ўрта мактабда атомнинг энергия сатҳлари ҳақида тушунча берилади. Бу эса атом бирор E_1 энергиявий ҳолатдан E_2 энергиявий ҳолатга ўтганда энергияси $h\nu = E_1 - E_2$ га тенг бўлган фотон нурланиши ҳақида тушунча беришга имкон беради. Мазкур нурланишнинг частотаси $\nu = \frac{E_1 - E_2}{h}$, вакуумдаги тўлқин узунлик $\lambda = \frac{c}{\nu} = \frac{ch}{E_1 - E_2}$, бу ерда c —ёруғликнинг вакуумдаги тезлиги.

Ўқувчилар фотоннинг массага ва импульсга эга эканлиги ни билишлари ҳамда фотон массаси $m = \frac{\epsilon}{c^2} = \frac{h\nu}{c^2} = \frac{h}{c\lambda}$ ни ва фотон импульси $p = mc = \frac{h}{\lambda}$ ни ҳисоблай билишлари керак.

Ўқувчилар фотоннинг массаси, энергияси ва импульсини ҳисоблашга оид масалаларни ечишда айтарли қийинчиликларга дуч келмайдилар. Лекин ҳисоблашлар ва бирликлар устидаги амаллар жуда узундан-узоққа чўзилади.

Ўрта мактабда ташки фотоэффект қонуслари ўрганилади. Масалалар ечишда Эйнштейннинг $h\nu = A + \frac{mv^2}{2}$ тенгламасидан фойдаланилади. Бу тенгламага мувофиқ квант энергияси $h\nu$ металл сиртидан электронни уриб чиқариш иши A ва фотоэлектроннинг $\frac{mv^2}{2}$ кинетик энергияси йигинидисига тенг.

Үқувчилар Эйнштейн тенгламасини механик равища эсда сақламасдан, балки уни энергиянинг сақланиш қонуидан фойдаланган ҳолда ёза олишлари керак (квант энергияси чиқиш иши билан фотоэлектрон энергиясига тенг).

Тенглама фотоэлектронлар тезлигини ҳисоблашга имкон беради.

Эйнштейн тенгламасидан мазкур моддада фотоэффект ҳодисаси кузатилиши мумкин бўлган энг катта λ_{\max} тўлқин узунликни аниқлаш мумкин (фотоэффектнинг узун тўлқин чегараси). Фотоэлектронлар тезлигини ва λ_{\max} ни аниқлаш формулалари масалалар ечиш вақтида чиқарилади.

1. Ёруғлик квантлари

940. Спектр кўзга кўринадиган қисмийнинг энг узун ва энг қисқа тўлқин узунлигига мос келадиган фотонларнинг энергияси, массаси ва импульсини аниқланг.

Ечилиши. Жадвалдан кўзга кўринадиган ёруғликнинг чегаравий тўлқин узунликларини топамиз: $\lambda_1 = 760 \cdot 10^{-9} \text{ м.}$

$$\lambda_2 = 400 \cdot 10^{-9} \text{ м.} \quad \text{Фотон энергияси } \varepsilon = h\nu = \frac{hc}{\lambda}, \text{ яъни}$$

$$\varepsilon_1 = \frac{hc}{\lambda_1} = \frac{6,625 \cdot 10^{-34} \text{ ж.сек} \cdot 3 \cdot 10^8 \text{ м/сек}}{760 \cdot 10^{-9} \text{ м}} \approx 2,6 \cdot 10^{-19} \text{ ж.}$$

$$\varepsilon_2 = \frac{hc}{\lambda_2} = \frac{6,625 \cdot 10^{-34} \text{ ж.сек} \cdot 3 \cdot 10^8 \text{ м/сек}}{400 \cdot 10^{-9} \text{ м}} \approx 5 \cdot 10^{-19} \text{ ж.}$$

$$\text{Фотонлар массаси } m = \frac{s}{c^2}, \text{ яъни}$$

$$m_1 = \frac{\varepsilon_1}{c^2} \approx \frac{2,6 \cdot 10^{-19} \text{ ж}}{9 \cdot 10^{16} \frac{\text{м}^2}{\text{сек}^2}} \approx 0,29 \cdot 10^{-35} \text{ кг.}$$

$$m_2 = \frac{\varepsilon_2}{c^2} \approx \frac{5,0 \cdot 10^{-19} \text{ ж}}{9 \cdot 10^{16} \frac{\text{м}^2}{\text{сек}^2}} \approx 0,55 \cdot 10^{-35} \text{ кг.}$$

Фотонлар импульси $p = mc$, яъни

$$p_1 = m_1 c = 0,29 \cdot 10^{-35} \text{ кг} \cdot 3 \cdot 10^8 \frac{\text{м}}{\text{сек}} \approx 0,87 \cdot 10^{-27} \text{ н.сек},$$

$$p_2 = m_2 c \approx 0,55 \cdot 10^{-35} \text{ кг} \cdot 3 \cdot 10^8 \frac{\text{м}}{\text{сек}} \approx 1,65 \cdot 10^{-27} \text{ н.сек.}$$

941. Водород атомининг бир энергиявий ҳолатдан бошқасига ўтганида нурланиш тўлқин узунлиги λ ни аниқланг. Бу ҳолатларнинг энергия фарқи $E = 1,892 \text{ эв.}$

Ечилиши. Атом бир энергиявий ҳолатдан бошқасига ўтганида энергияси $h\nu = E_1 - E_2 = \Delta E$ бўлган фотон нурлайди. Нурланишнинг тўлқин узунлиги

$$\lambda = \frac{c}{\nu} = \frac{ch}{\Delta E},$$

яъни

$$\lambda = \frac{3 \cdot 10^8 \text{ м/сек} \cdot 6,625 \cdot 10^{-34} \text{ ж} \cdot \text{сек}}{1,892 \cdot 1,6 \cdot 10^{-19} \text{ ж}} \approx 6,625 \cdot 10^{-7} \text{ м} \approx 6625 \text{ \AA}.$$

942. Водород атомининг чиқариш спектрида $v = 4,57 \cdot 10^{14}$ ғц частотали чизиқ бор. Водород атоми мазкур спектрал чизиқка мос ёруғлик нурланаңда, унинг энергия ўзгаришини аниқланг.

Ечилиши. Атом энергиясининг ўзгариши $E_n - E_m$ нурланувчи фотон энергиясига тенг: $hv = 6,625 \cdot 10^{-34} \text{ ж} \cdot \text{сек} \cdot 4,57 \cdot 10^{14} \frac{1}{\text{сек}} \approx 3,03 \cdot 10^{-13} \text{ ж}.$

943. Фотон электроннинг тинчлик массасига тенг массага эга бўлиши учун қандай энергияга эга бўлиши керак?

Ечилиши. Фотон массаси $m = \frac{e}{c^2}$. Электроннинг тинчлик массаси $m_0 = 9,1 \cdot 10^{-31} \text{ кг}$, $m = m_0$ да фотон энергияси $e = m_0 c^2 = 9,1 \cdot 10^{-31} \text{ кг} (3 \cdot 10^8)^2 \frac{\text{м}^2}{\text{сек}^2} \approx 82 \cdot 10^{-15} \text{ ж}$ бўлиши керак.

944*. Стационар орбиталар учун $m r_n v_n = \frac{n \hbar}{2\pi}$ шарт бажарилади деб ҳисоблаб, водород атомининг биринчи стационар орбитаси радиусини аниқланг (Бор назарияси бўйича), бунда m — электрон массаси, r_n эса водород атомининг n -орбита радиуси, v_n — электроннинг r_n радиусли орбитадаги тезлиги.

Ечилиши. Бор назариясига биноан электронлар водород атомида стационар доиравий орбита бўйлаб ҳаракат қилади деб ҳисоблаймиз. Нурланиш электроннинг бир орбитадан бошқасига ўтгацида рўй беради.

Электроннинг n -орбита бўйлаб ядро атрофида айланиши учун электроннинг ядрога кулон тортишиш кучи $F_k = \frac{1}{4\pi\epsilon_0} \frac{e^2}{r_n^2}$ томонидан вужудга келтириладиган $F_m = \frac{mv_n^2}{r_n}$ марказга иштимом куч мавжуд бўлиши керак. Бу ерда e — электрон заряди, ϵ_0 эса вакуумнинг электр доимиёси.

F_m ва F_k ни тенглештириб, $\frac{mv_n^2}{r_n} = \frac{1}{4\pi\epsilon_0} \frac{e^2}{r_n^2}$ ёки $mv_n r_n = \frac{e^2}{4\pi\epsilon_0 v_n}$ ни ҳосил қиласиз. Лекин квантлаш шартига кўра $mv_n r_n = \frac{n\hbar}{2\pi}$, яъни $\frac{e^2}{4\pi\epsilon_0 v_n} = \frac{n\hbar}{2\pi}$ деб ёзиш мумкин. Охирги тенглизмадан тезликни толамиш $v_n = \frac{e^2}{2\epsilon_0 \hbar n}$.

Квантлаш шартидан $r_n = \frac{n\hbar}{2\pi v_n m}$. Агар бу ифодага v_n нинг қийматини қўйсак, изланаётгандай $r_n = n^2 \frac{\hbar^2 \epsilon_0}{\pi e^2 m}$ ифодани оламиз. Биринчи орбитанинг радиусини $n = 1$ деб олиб, иқкинчиси ни-

кини эса $n = 2$ деб олиб ҳисоблаймиз ва ҳ. к. Электрон массаси m ни унинг тинчлик массасига тенг деб оламиз. Электронларнинг биринчи орбита бўйлаб ҳаракатлангандағи тезлигида ($\approx 10^6 \frac{м}{сек}$) шундай деб олиш мўмкин.

$$r_1 = \frac{\hbar^2 \epsilon_0}{\pi e^2 m} = \frac{(6,625 \cdot 10^{-34} \text{ ж.сек})^2 \cdot 8,85 \cdot 10^{-12} \frac{Ф}{м}}{3,14 \cdot (1,6 \cdot 10^{-19} \text{ к})^2 \cdot 9,1 \cdot 10^{-31} \text{ кг}} \approx 0,53 \cdot 10^{-10} \text{ м.}$$

2. Фотоэфект

945. Цезий тўлқин узунлиги $\lambda = 0,589 \cdot 10^{-6} \text{ м}$ бўлган монохроматик сариқ нур билан ёритилмоқда. Электроңнинг чиқиши иши $A = 1,7 \cdot 10^{-19} \text{ ж.}$ Цезийдан учиб чиқаётган фотоэлектронларнинг кинетик энергиясини аниқланг.

Ечилиши. Эйнштейн тенгламасига мувофиқ

$$\frac{mv^2}{2} = h\nu - A = \frac{hc}{\lambda} - A.$$

Ҳисоблашлар кинетик энергиянинг қийматини беради:

$$W_k = \frac{6,625 \cdot 10^{-34} \text{ ж.сек} \cdot 3 \cdot 10^8 \text{ м/сек}}{0,589 \cdot 10^{-6} \text{ м}} - 1,6 \cdot 10^{-19} \text{ ж} \approx 1,8 \cdot 10^{-19} \text{ ж.}$$

946. Калий тўлқин узунлиги 4200 Å бўлган бинафша ёруғлик нури билан ёритилганда унинг сиртидан чиққан фотоэлектронларнинг тезлигини топинг. Калий сиртидан электронларнинг чиқиши иши $A = 1,92 \text{ эв}$ га teng.

Ечилиши. Эйнштейн тенгламасига мувофиқ $\frac{mv^2}{2} = h\nu - A = \frac{hc}{\lambda} - A$. Бундан фотоэлектронларнинг тезлиги $v = \sqrt{\frac{2(hc - A)}{m}}$.

Бу ифодага $\lambda = 4200 \cdot 10^{-10} \text{ м}$, $m = 9,1 \cdot 10^{-31} \text{ кг}$, $h = 6,625 \times 10^{-34} \text{ ж.сек}$ ва $c = 3 \cdot 10^8 \text{ м/сек}$ қийматларни қўйиб, $v \approx 6 \cdot 10^5 \text{ м/сек}$ ии ҳосил қиласиз.

947. Калий учун фотоэфектининг узун тўлқин чегарасини аниқланг. Калий учун чиқиши иши $A = 1,92 \text{ эв}$ га teng.

Ечилиши. $h\nu = A + \frac{mv^2}{2}$ Эйнштейн тенгламасидан фотоэфектининг узуп тўлқин чегараси учун $\frac{mv^2}{2} = 0$. У ҳолда $(h\nu)_{чег} = \frac{hc}{\lambda_{макс}} = A$. Излангаётган тўлқин узунлик $\lambda_{макс} = \frac{hc}{A}$, яъни $\lambda_{макс} \approx \frac{6,625 \cdot 10^{-34} \text{ ж.сек} \cdot 3 \cdot 10^8 \text{ м/сек}}{1,92 \cdot 1,6 \cdot 10^{-19} \text{ ж}} \approx 6,47 \cdot 10^{-7} \text{ м} \approx 6470 \text{ Å}$.

948*. Ёруғлик частотаси $6 \cdot 10^{14}$ гц бўлганда металлда фотоэфект ҳодисаси юз беради. Металлдан учидан чиқаётган электроплар потенциали З в бўлган тўр томонидан тўлиқ ушланадётган бўлса, металлинг нурланиш частотасини топинг.

Ечилиши. Ушбу металл учун фотоэффектнинг узун тўлкин чегарасини билган ҳолда унинг чиқиш ишини топамиз.

947- масалада кўрсатилгандек, $A = h\nu_{\text{чег}}$, бу ерда $\nu_{\text{чег}} = 6 \cdot 10^{14}$ гц. Агар потенциали З в бўлган тўр ҳамма фотоэлектропларни ушлаб қолса, у ҳолда уларнинг кинетик энергияси $\frac{mv^2}{2} \leq eU = Z$ эв бўлади. Эйнштейн тенгламасига мувофиқ $h\nu = A + \frac{mv^2}{2}$, лекин $A = h\nu_{\text{чег}}$ ва $\frac{mv^2}{2} = eU$ бўлганидан $h\nu = h\nu_{\text{чег}} + eU$ ни ҳосил қиласмиз.

Металл нурлаётган ёруғликнинг частотаси $\nu = \frac{h\nu_{\text{чег}} + eU}{h}$, h , $\nu_{\text{чег}}$, e ва U ларнинг қийматини қўйиб,

$$\nu = \frac{6,625 \cdot 10^{-34} \text{ ж}\cdot\text{сек} \cdot 6 \cdot 10^{14} \frac{1}{\text{сек}} + 1,6 \cdot 10^{-19} \text{ к}\cdot\text{з} \cdot 6}{6,625 \cdot 10^{-34} \text{ ж}\cdot\text{сек}} \approx 13,2 \cdot 10^{14} \text{ гц}$$

ни ҳосил қиласмиз.


37- БОБ

НИСБИЙЛИК НАЗАРИЯСИ АСОСЛАРИ

Нисбийлик назарияси асослари темасининг кўпгина масалалари танишириш юзасидан берилади. Жисм массасининг тезликка боғлиқлиги, масса ва энергиянинг ўзаро боғланиш қонуни, шунингдек, ёруғликнинг вакуумдаги тезлиги сигнал узатишнинг чегаравий тезлигидир деган масала бундан мустаснодир.

Тема бўйича асосан узуиликнинг қисқаришини, соат юршининг секинлашувини, жисм массасининг ўзгаришини ва шу кабиларни сонли мисолларда намойиш қилувчи масалалар ечилади. Ўқувчилар махсус нисбийлик назарияси формуулаларидан фойдаланаётгасларида кўпинча у ёки бу катталиктининг қайси саноқ системасига тегишли экавлигини аниқлашда қийналадилар. Шунинг учун турли саноқ системаларига тегишли катталикларни аниқ ажратиш, кўргазмали бўлиши учун координаталар системасини ҳар доим чизиш керак бўлади.

Бу теманинг кўпгина масалалари танишириш юзасидан баён этилади. Шунинг учун айрим масалаларни ўқитувчининг ўзи темани тушунтириш вақтида олинган муносабатларни кўр-



312- расм.

сатиб ечиши керак. Масса ва энергиянинг ўзаро боғланиш қонуну ва жисм массасининг унинг тезлигига боғлиқлиги ҳақидаги масалаларни ўқувчиларнинг ўзлари ечишлари керак.

Масалалар счишда ишлатила-диган боғланиш вв белгилашларни киритамиз. 312- расмда иккита координаталар системаси (K ва K') ифодаланган. K система x , y , z координаталар билан ҳарак-терланади, K' система га нисбатан Ox ўқи бўйлаб v ўзгармас тез-

лик билан ҳаракатланувчи K' система эса $x'y'z'$ координаталар билан ҳарактерланади.

Классик механикада бир воқеанинг K ва K' системалардаги координатлари ўзаро Галилей алмаштиришлари билан боғланган:

$$x' = x - vt; \quad y' = y; \quad z' = z \text{ ва } t' = t.$$

Агарда жисмнинг K системадаги тезлигини \vec{u} ҳарфи билан, K' системадаги тезлигини \vec{u}' ҳарфи билан белгиласак, у ҳолда тезликларни қўшишнинг классик қонунини $\vec{u} = \vec{u}' + \vec{v}$ ёки $\vec{u}' = \vec{u} - \vec{v}$ кўринишда ёзиш мумкин.

Нисбийлик назариясига мувофиқ v нинг катта қийматла-рида Лоренц алмаштиришларини қўллаш керак:

$$x' = \frac{x - vt}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}}; \quad y' = y; \quad z' = z \text{ ва } t' = \frac{t - \frac{vx}{c^2}}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}},$$

бу ерда c — бругликинг вакуумдаги тезлиги.

Жисм K' системада Ox ўқи бўйлаб u' тезлик билан, K система эса K системага нисбатан Ox ўқи бўйлаб v тезлик билан ҳаракатланаётган содда ҳолларда, жисмнинг K система-даги тезлиги қўйидаги формуладан топилади:

$$u = \frac{u' + v}{1 + \frac{uv}{c^2}},$$

бу тезликларни қўшишнинг релятивистик қонунидир.

Махсус нисбийлик назариясида жисмлар узунликларининг қисқариши ва юриб турган соатлар юришининг секунлашуви ҳисобга олинади. Бир стерженнинг ўзи турли системаларда

турли узунликка эга бўлади. Стерженъ тинч турган саноқ системасида унинг узунлиги l_0 максимал бўлади. Стерженга нисбатан v тезлик билан ҳаракатланадиган саноқ системасида унинг узунлиги $l = l_0 \sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}$ га тенг бўлади. Стерженъ кўндаланг кесимининг ўлчамлари ўзгармайди.

Агар фазонинг бирор нуқтасида содир бўлган икки ҳодиса орасидаги вақтни T_0 билан белгиласак, у ҳолда биринчи система га нисбатан v тезлик билан ҳаракатланадиган исталган система учун мазкур ҳодисалар орасидаги вақт $T = \frac{T_0}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}}$

га тенг бўлади.

Классик физикада жисм массаси ўзгармас катталик сифатида қабул қилинади. Нисбийлик назариясида m массанинг v тезликка боғланиши $m = \frac{m_0}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}}$ кўринишда берилган. Бу

ерда m_0 — жисмнинг тинчликдаги массаси.

Бундан ташқари Эйнштейннинг $E = mc^2$ формуласига мувофиқ m масса жисм E тўла энергия запасининг ўлчови ҳисобланади. Жисм энергиясининг ҳар қандай ΔE ўзгариши жисм массасининг Δm га ўзгаришига олиб келади, яъни $\Delta m = \frac{\Delta E}{c^2}$.

Ўқувчилар $m = \frac{m_0}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}}$ ва $E = mc^2$ формулаларни эслаб қолишлари ва уларни оддий масалаларга қўллай билишлари керак. Бундай масалалар қўйида келтирилган.

Лоренц алмаштиришларини, тезликларни қўшишининг релятивистик қонунини, $t = t_0 \sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}$ ва $T = \frac{T_0}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}}$ боғ.

ланишларни v тезлик ёруғликнинг вакуумдаги тезлиги c га яқин бўлган ҳолларда қўллаш мумкинлигини ўқувчилар яхши ўзлаштириб олишлари жуда мухимдир. $v \ll c$ бўлган ҳолларда классик тасаввурларни қўллаш мумкин бўлади.

949. Лоренц алмаштиришларини ёзинг ва $v \ll c$ бўлганда у қандай кўриниш олишини кўрсатинг.

Ечилиши. Лоренц алмаштиришлари қўйидаги кўринишга эга:

$$x' = \frac{x - vt}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}}, \quad y' = y, \quad z' = z \quad \text{ва} \quad t' = \frac{t - \frac{vx}{c^2}}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}}.$$

Бу ҳолда K' система K системага нисбатан Ox ўқ бўйлаб v ўзгармас тезлик билан ҳаракатланади. Агар $v \ll c$ бўлса, у

жолда $\frac{v^2}{c^2}$ ва $\frac{v}{c^2}$ ларни ҳисобга олмаслик мүмкін. Координаталар алмаштиришлари қуйидаги күриншіліктердің олади:

$$x' = x - vt; \quad y' = y; \quad z' = z \text{ ва } t' = t.$$

Бу Галилейнинг классик алмаштиришларини ифодалайды.

950. Космик кема хонасіда соат ва чизғич турібди. Космонавт чизғичнінг l_0 узунлигини ва иккі воқеа орасидаги T_0 вактни ўлчади. Ерда турған кузатувчига чизғичнінг узунлиғи ва иккі воқеа орасидаги вакт қандай?

$$\text{Ечилиши. } l = l_0 \sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}} \text{ ва } T = \frac{T_0}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}}.$$

Формулалардан $l < l_0$; $T > T_0$ әканлығы күрініп турібди. Ердаги кузатувчига ҳаракатланувчи жиһимларнінг узунлиғи қисқаради, воқеалар орасидаги вакт эса ортади.

951. Кузатувчига жиһимнінг бўйлама ўлчамлари 3 марта қисқа бўлиб күрінishi учун у қандай тезлик билан ҳаракатлашиши керак? Бунгача жиһим мазкур кузатувчига нисбатан тинч турған.

Ечилиши. Масала шартига кўра $\frac{l}{l_0} = \frac{1}{3}$, лекин $l = l_0 \sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}$. Бундан $\left(\frac{l}{l_0}\right)^2 = 1 - \frac{v^2}{c^2}$ ва $v = c \sqrt{1 - \left(\frac{l}{l_0}\right)^2} = c \sqrt{1 - \left(\frac{1}{3}\right)^2} \approx 0,94 c \approx 2,8 \cdot 10^8 \frac{\text{м}}{\text{сек}}$. Жиһимнінг кўйдаланг ўлчамлари ўзгармайди.

952. Тинчликдаги массаси $m_0 = 1 \text{ г}$ бўлган зарра қуйидаги тезликлар билан ҳаракатланмоқда:

$$\text{а) } v_1 = 0,1 \text{ с; } \text{ б) } v_2 = 0,9 \text{ с.}$$

Ҳаракатланаётган жиһимнінг m массасини аниқланг (кузатувчига нисбатан зарра v_1 ва v_2 тезлик билан ҳаракатлашиди).

Ечилиши. а)

$$m_1 = \frac{m_0}{\sqrt{1 - \frac{v_1^2}{c^2}}} = \frac{1 \text{ г}}{\sqrt{1 - \left(\frac{0,1 \text{ с}}{c}\right)^2}} \approx \frac{1 \text{ г}}{\sqrt{0,99}} \approx 1 \text{ г.}$$

Зарранинг тезлиги $v_1 = 0,1 \text{ с}$ бўлганда, унинг ҳаракатдаги m массаси тинчликдаги массаси m_0 дан жуда кам фарқ қиласади. б) $m_2 = \frac{1 \text{ г}}{\sqrt{1 - \left(\frac{0,9 \text{ с}}{c}\right)^2}} \approx 22 \text{ г.}$ Шундай қилиб, v тезлик ёргуларининг вакуумдаги тезлиги сағ яқин бўлган ҳолларда, массасининг тезликка боғлиқлигини ҳисобга олиш керак.

953. Жиһим массасининг тезликка боғлиқлигини $\frac{m}{m_0}$ ва v координаталар ўқида күрсатынг.

Ечилиши. Жадвал тузамиз.

v	$0,1 c$	$0,2 c$	$0,3 c$	$0,4 c$	$0,5 c$	$0,6 c$	$0,7 c$	$0,8 c$	$0,9 c$	$0,95 c$	$0,98 c$
$\frac{m}{m_0}$	1	1,02	1,05	1,09	1,15	1,25	1,42	1,66	2,2	3,1	5,0

Жадвал маълумотларига асосан 313-расмда ифодаланган графикни чизамиз.


954. Қандай тезликда ҳаракатланаётган электроннинг масаси унинг тинчликдаги массасидан 4 марта катта бўлади?

Ечилиши. $m = \sqrt{\frac{m_0}{1 - \frac{v^2}{c^2}}}$. Масала шартига кўра

$$\frac{m}{m_0} = \sqrt{\frac{1}{1 - \frac{v^2}{c^2}}} = 4.$$

$$\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}} = \frac{1}{4}, \text{ бундан } v \approx 0,968 c.$$

955. Массаси $m = 1 \text{ кг}$ бўлган жисмнинг тўла энергиясини аниқланг.



313-расм.

Ечилиши. Жисмнинг тўла энергияси $E = mc^2$, яъни $E = 1 \text{ кг} \cdot \left(3 \cdot 10^8 \frac{\text{м}}{\text{сек}}\right)^2 = 9 \cdot 10^{16} \text{ жс}$. Бу ерда m — тўла релятивистик масса.

Кўзғалмас саноқ системасига нисбатан жисмнинг тўла энергияси жисмнинг тинчликдаги энергияси дейилади ва $E_0 = m_0 c^2$ формула ёрдамида аниқланади.

956. Электроннинг тинчликдаги массаси қадар масса ўзгаришига мос келадиган энергия ўзгаришини топинг.

Ечилиши. $\Delta E = \Delta m c^2$. Масаланинг шартига мувофиқ Δm электрон массасига тенг, яъни $9,1 \cdot 10^{-31} \text{ кг}$, $c = 3 \cdot 10^8 \frac{\text{м}}{\text{сек}}$. У ҳолда $\Delta E = 9,1 \cdot 10^{-31} \text{ кг} \left(3 \cdot 10^8 \frac{\text{м}}{\text{сек}}\right)^2 \approx 8,2 \cdot 10^{-14} \text{ жс}$.

957*. K' система K системага нисбатан $v = \frac{2}{3}c$ тезлик билап ҳаракатланмоқда. Зарра K' системага нисбатан $u' = \frac{2}{3}c$ тезлик билан ҳаракат қилмоқда. Зарранинг K системадаги u тезлигини аниқланг.

Ечилиши. Тезликларни қўшишнинг релятивистик қонунига биноан

$$u = \frac{u' + v}{1 + \frac{u'v}{c^2}} = \frac{\frac{2}{3}c + \frac{2}{3}c}{1 + \frac{\frac{2}{3}c \cdot \frac{2}{3}c}{c^2}} = \frac{4c}{3 \left(1 + \frac{4}{9}\right)} = \frac{12}{13}c,$$

яъни $u < c$.

Олинган иттихабни анализ қилиб, шунингдек тезликларни қўшишнинг классик қонунига мувофиқ $u = u' + v$, яъни $u = \frac{2}{3}c + \frac{2}{3}c = \frac{4}{3}c$, яъни $u > c$ бўлиши кераклигини, аммо ёруғликнинг вакуумдаги c тезлиги сигнал узатишнинг чегаравий тезлиги бўлгани учун бунинг мумкин эмаслигини кўрсатиш керак.

958*. Тезликларни қўшишнинг релятивистик қонуни қандай шароитда классик қонунига ўтишини кўрсатинг.

Ечилиши. Тезликларни қўшишнинг релятивистик қонуни $u = \frac{u' + v}{1 + \frac{vu'}{c^2}}$, классик қонуни эса $u = u' + v$. Бу формуулаларни

солишириб, $v \ll c$ ва $u' \ll c$ шартлар бажарилганда $\frac{vu'}{c^2} \rightarrow 0$ да релятивистик қонун классик қонунга ўтишини кўриш мумкин.

АТОМ ЯДРОСИ ФИЗИКАСИ

Атом ядроси физикаси ўрта мактаб программасининг якунловчи бўлимига бағишлиган бўлиб, бунда „Атом ядроси“, „Элементар зарралар“ ва „Ядро энергияси“ темалари ўрганилади.


Ўрта мактабда фақат фундаментал экспериментал маълумотларгина ўрганилиб, бунда ядро энергиясидан фойдаланишнинг асосий принципларини элементар асосда тушунтириш мумкин. Ўрта мактабда атом ядроси физикаси бўйича масалалар ечиш характеристи ҳам шу билан белгиланади. Кўпгина масалалар сифатий характеристерга эга.

Ядро реакцияларини ёзишда атомларнинг кўрсатувчи белгиларидан фойдаланилади: элементларнинг химиявий символида ядро зарядини ва масса сонини билдирувчи шартли сонлар қўйилади. **Масалан**, $^{15}_{\text{P}} \text{P}^{30}$ — тартиб номери (ядро заряди) 15 ва масса сони 30 бўлган фосфор.


Ядро реакцияларини символик ёзишда заряд ва масса сонларининг сақланиш қонунлари асос қилиб олинади.

Масалан, $^{13}_{\text{Al}} \text{Al}^{27}$ алюминий изотопи α -зарралар билан бомбардимон қилингандан $^{1}_\text{H} \text{H}^1$ протон ва қандайдир $^{m}_{\text{Y}} \text{Y}^n$ элементнинг ядроси ҳосил қилганини аниқланган. Бу қандай элемент эканлигини аниқлаш керак.

Бу ҳолда ядро реакцияси қўйидагича ёзилади:



Заряднинг сақланиш қонунига кўра $13 + 2 = 1 + m$, яъни $m = 14$, масса сонларининг сақланиш қонунига кўра $27 + 4 = 1 + n$, бундан $n = 30$. Ҳосил қилинган ядро $^{14} \text{Y}^{30}$ кремний ядроси эканлиги Д. И. Менделеевнинг элементлар даврий системаси ёрдамида топилган. Охирида ядро реакциясини қўйидагича ёзиш мумкин:



Атом ядроларининг ΔE боғланиш энергиясини $\Delta E = \Delta m \cdot c^2$ Эйнштейн муносабати ёрдамида аниқлаш мумкин, бунда Δm ядрони ташкил қилувчи зарралар массаси билан ядронинг ўз массаси фарқидан иборат.

Агар элементнинг тартиб номерини $- Z$, масса сонини $- M$, протон массасини $- M_p$, нейтрон массасини $- M_n$, элемент ядроси массасини $- M_a$ билан белгиласак, у ҳолда

$$\Delta m = ZM_p + (M - Z)M_n - M_a$$

бўлади.

Бироқ одатда экспериментал ҳолда ядро массаси эмас, балки атом массаси M_a аниқланади. Бу ҳолда Δm ни етарлича

аниқлик билан ҳисоблашда протонлар ва элемент ядроси масасини әмас, балки ${}^1\text{H}$ водород атоми ва элемент атоми масаси олинади ҳамда мос ҳолда M_b ва M_a билан белгиланади. У вақтда

$$\Delta m = ZM_b + (M - Z)M_a - M_a.$$

Оғир ядроларниң бўлинишида ва енгил ядроларниң синтезида ажралиб чиқадиган энергия ҳам $\Delta E = \Delta mc^2$ муносабат ёрдамида ҳисобланади.

Атом физикасидаги ҳисоблашларда қўйидагилар қабул қилинишини ўқувчилар ҳисобга олишлари керак: заряд бирлиги қилиб $e = 1,6 \cdot 10^{-19}$ к бўлган электрон зариди; масса бирлиги қилиб $1/12$ углерод атоми массаси: 1 м. а.б. $\approx 1,67 \cdot 10^{-27}$ кг (№ 519 га қаранг); энергия бирлиги қилиб электронвольт — $1_{\text{эв}} = 16 \cdot 10^{-20}$ ж олинган.

Элементлар изотопларининг, протон, нейтрон, водород атомининг массалари махсус жадваллардан олинади.

Рентген ёки γ - нурланиш дозаси рентген бирлигига ўлчанди.

Рентген — нормал шароитда 1 см^3 қуруқ ҳавода $2,082 \cdot 10^9$ ионлар жуфтини ҳосил қилувчи нурланиш дозасидир.

Мактабда радиоактив емирилиш фақат сифат жиҳатидан ўрганилади. Модданинг массаси 2, 4, 8... марта, яъни 2^n марта камайиб борадиган ҳолларда масалалар ярим емирилиш даври ҳақидаги тушунчадан фойдаланиб очилади.

Биринчи навбатда 307- масалани такрорлаш, шунингдек, радиоактив модданинг емирилиш процессини характерловчи диаграмма қўлланиладиган (63- расм) оддий масалаларни қараб чиқиши керак.

959. Маълум миқдорда радиоактив радон бўлган. Радон миқдори 11,4 кунда 8 марта камайган. Радоннинг ярим емирилиш даври қандай?

Ечилиши. Диаграммада (63- расм) модда миқдорини 8 марта камайиши учун учта T ярим емирилиш даврига тенг вақт кераклиги кўриниб турибди. Бинобарин $3T = 11,4$ кун, $T = \frac{11,4 \text{ кун}}{3} = 3,8$ кун экани келиб чиқади.

α - ва β - зарраларнинг электр ва магнит майдонларида оғишини 308, 309- масалаларда кўрган эдик. Бу ерда шу масалаларни қайтариш ва шунга ўхшаш ёки улардан мураккаброқ масалаларни ечиш керак.

960. α - ва β - зарралар 314- расмда кўрсатилгандек оғиши учун магнит майдонининг индукция-вектори \vec{B} нинг йўналишини аниқланг.

Жавоби. α - зарралар оқимини шу йўналишдаги электр токка, β - зарралар оқимини эса



314- расм.

қарама-қарши йўналишдаги электр токка ўхшатиш мумкин. Чап қўл қоидасини қўллаб, \vec{B} вектор биздан чизма текислигига перпендикуляр ҳолда йўналгани аниқланган.

961. 315-расмда магнит майдонига ўрнатилган Вильсон камерасидаги зараларининг изи (трек) кўрсатилган. \vec{B} магнит майдонининг индукция вектори биздан чизма орқасига йўналган (крестчалар билан белгиланган). Зарралар пастдан юқорига ҳаракатланмоқда. Зарралар қандай ишорали зарядга эга?

Жавоби. Чап қўл қоидасини қўллаб, зарранинг манфий зарядга эга экани топилади.



962. Мезонлар ҳаракати йўналишини аниқлаш учун уларнишг йўлига қўйилган Вильсон камерасига қўрғошин пластинкалар жойлаштирилади. Бунда зарранинг ҳаракат йўналиши қандай аниқланишини тушутиришинг.

Жавоби. Катта энергияли мезонлар қалинлиги 1 м гача бўлган қўрғошин фильтрдан ўтиш қобилиятига эга. Мезон қўрғошин пластинка орқали ўтганда ўз энергиясининг бир қисмини йўқотади ва унинг тезлиги камаяди. Магнит майдонида \vec{B} ва v орасидаги бурчак $\alpha = \frac{\pi}{2}$ бўлганда мезон Вильсон камерасида радиуси R бўлган айлана ёйи бўйлаб ҳаракатланади, бунда зарранинг тезлиги қанча катта бўлса, айлана радиуси шунча катта бўлади.


Агар Вильсон камерасида учувчи мезон йўлида қўрғошин пластинка бўлса, у ҳолда мезон пластинкадан ўтгандан сўнг унинг тезлиги камаяди ва мезоннишг барча изи турлича радиусли айланаларнишг иккита ёйи кўринишида ҳосил бўлади. 316-расмда тасвирланишича, зарра пастдан юқорига ҳаракатланади, чунки қўрғошин пластинкага қадар унинг изи жуда катта радиусли ёйни ифодалайди. Пластинкадан ўтгандан кейин эса ёйнинг радиуси кичрайади, чунки зарранинг тезлиги ҳам камайган бўлади.

963. ${}_{7}^{14}\text{N}$ изотопни пейтронлар билан бомбардимон қилганда β -радиоактив нурланишгэ эга бўлган ${}_{6}^{14}\text{C}$ изотоп ҳосил бўлади. Ядрорий реакциялар тенгламасини ёзинг.

Ечилиши. Биринчи ядрорий реакция



315-расм.



316-расм.

Заряднинг сақланиш қонунига мувофиқ $7 + 0 = 6 + m$, яъни $m = 1$. Масса сонининг сақланиш қонунига мувофиқ $14 + 1 = 14 + n$, яъни $n = 1$. Демак, ${}_7Y^1$, бу эса ${}_1H^1$ протондир.

Қуйидагини ёзамиш: ${}_7N^{14} + {}_0n^1 \rightarrow {}_6C^{14} + {}_1H^1$.

Иккинчи ядрорий реакция ${}_6C^{14} \rightarrow {}_{m'}Y^{n'} + {}_{-1}e^0$.

Заряд ва масса сонининг сақланиш қонунига мувофиқ $m' = 7$ ва $n' = 14$, яъни ${}_7Y^{14}$. Элементлар даврий системасидан унинг азот изотопи эканини аниқлаймиз. Ниҳоят, ${}_6C^{14} \rightarrow {}_7N^{14} + {}_{-1}e^0$ эканини узил-кеёсил ёзамиш.

964. Гелий ядросининг боғланиш энергиясини ҳисобланг.

Ечилиши. Масса ва энергиянинг ўзаро боғланиш қонунига мувофиқ $\Delta E = \Delta mc^2$. Масса ўзгариши $\Delta m = ZM_p + (M - Z) \times M_n - M_a$.

Жадвалдан гелий учун M_p , M_n ва M_a ларининг қийматини оламиз. Гелий ядроси α -заррача экан. $\Delta m = 2 \cdot 1,00785$ м. а. б. + $(4 - 2) \cdot 1,00898$ м. а. б. — $4,00274$ м. а. б. = $0,03038$ м. а. б.

Гелий атомининг ядроси ҳосил бўлганда $\Delta E = \Delta m \cdot c^2 = 0,03038$ м. а. б. $\cdot 1,67 \cdot 10^{-27} \frac{\text{кг}}{\text{м. а. б.}} \cdot (3 \cdot 10^8 \frac{\text{м}}{\text{сек}})^2 \approx 0,45 \cdot 10^{-11} \text{ ж} \approx$

≈ 28 Мэв боғланиш энергияси ажralиб чиқади. Жуда катта энергия ажralиб чиқади, бу ерда ҳисоблашлар фақат битта ядро учун олиб борилганлигини ҳисобга олиш керак. (966-масалага қаранг.)

965. ${}_3Li^7$ литий изотопининг боғланиш энергиясини топинг.

Ечилиши. Жадвалларда литий изотопи ядросининг M_a массаси берилмасдан, литий изотопи атомининг M_a массаси берилган. Шунинг учун литий изотопи ядросининг массасини $\Delta m = ZM_p + (M - Z)M_n - M_a$ формула ёрдамида аниқлаш лозим, бу ерда M_p — водород атомининг массаси.

$$\begin{aligned} \Delta m &= 3 \cdot 1,00813 \text{ м. а. б.} + (7 - 3) \cdot 1,00898 \text{ м. а. б.} - \\ &- 7,01822 \text{ м. а. б.} = 0,04209 \text{ м. а. б.} \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} \Delta E &= \Delta m \cdot c^2 = 0,04209 \text{ м. а. б.} \cdot 1,67 \cdot 10^{-27} \frac{\text{кг}}{\text{м. а. б.}} \times \\ &\times (3 \cdot 10^8 \frac{\text{м}}{\text{сек}})^2 \approx 0,6 \cdot 10^{-11} \text{ ж} \approx 38 \cdot 10^6 \text{ эв} \approx 38 \text{ Мэв}. \end{aligned}$$

Бир масса атом бирлигига мос келувчи $\Delta E_{\text{м. а. б.}} = 931,8 \times 10^6 \text{ эв}$ энергия олдиндан аниқланган бўлса, ҳисоблашларни бошқачароқ олиб бориш ҳам мумкин. Ўчолда ${}_3Li^7$ ядросининг боғланиш энергияси қуйидагича бўлади:

$$931,8 \cdot 10^6 \frac{\text{эв}}{\text{м. а. б.}} \cdot 0,04209 \text{ м. а. б.} \approx 38 \cdot 10^6 \text{ эв} \approx 38 \text{ Мэв}.$$

966. Уран ${}_92U^{235}$ изотопи ядроси бир марта бўлинганда 200 Мэв энергия ажralиб чиқади. 1 г уран бўлинганида қанча миқдор энергия олиш мумкин?

Ечилиши. 1 г уран бўлинганида қанча миқдор энергия ажralганини топиш учун мазкур модда массасидаги атомлар сонини аниқлаш керак. Модданинг бир грамм-атомидаги атом-

лар сони $N = 6,02 \cdot 10^{23}$ (Авогадро сони) га тенг. Масалада күрсатылган уран изотопининг атом оғирлиги $A = 235$. У ҳолда 1 г $_{92}\text{U}^{235}$ даги атомлар сони

$$n = \frac{N}{A} = \frac{6,02 \cdot 10^{23}}{235},$$

ажралаётган энергия эса

$$W = 200 \text{ M}_{\text{эв}} \cdot \frac{N}{A} W = 200 \text{ M}_{\text{эв}} \frac{6,02 \cdot 10^{23}}{235} \approx \\ \approx 5,1 \cdot 10^{23} \text{ M}_{\text{эв}} \approx 2,3 \cdot 10^4 \text{ квт} \cdot \text{соат}.$$

Сүнгги алмаштиришларда қуидаги:

$1 \text{ квт} \cdot \text{соат} = 3,6 \cdot 10^6 \text{ ж}$ ва $1 \text{ M}_{\text{эв}} = 10^6 \text{ эв} = 10^6 (16 \times 10^{-20} \text{ ж}) = 16 \cdot 10^{-14} \text{ ж}$ муносабатлардан фойдаланилган,

967. Атом реакторининг суткасига 200 г $_{92}\text{U}^{235}$ уран изотопини истеъмол қилгандаги қуввати 32000 квт. Уран $_{92}\text{U}^{238}$ изотопининг бўлинишидан ҳосил бўлган энергиянинг қанча қисми фойдали ишга сарф бўлади?

Ечилиши. 966- масалада 1 г $_{92}\text{U}^{235}$ бўлингандаги $2,3 \cdot 10^4 \text{ квт} \cdot \text{соат}$ энергия ажралиши аниқланган эди. Бир суткада 200 г $_{92}\text{U}^{238}$ бўлганида $W \approx 200 \cdot 2,3 \cdot 10^4 \text{ квт} \cdot \text{соат} \approx 4,6 \cdot 10^6 \text{ квт} \cdot \text{соат}$ энергия ажралади.

Атом реакторининг t вақт ичидаги бажарган фойдали A ишини реакторининг P қуввати орқали топамиз:

$$A = Pt = 32000 \text{ квт} \cdot 24 \text{ соат} = 7,68 \cdot 10^5 \text{ квт} \cdot \text{соат}.$$

Демак, бутун энергиянинг фақат $\frac{7,68 \cdot 10^5}{4,6 \cdot 10^6} \cdot 100 \% \approx 16,7 \%$ қисми фойдали ишга сарф бўлади.

968. Сигими $C = 3 \text{ нФ}$ бўлган кичкина типдаги (авторучка типидаги) ионизациои камерадан иборат чўнтаки радиоактив нурланиш дозиметри $U_1 = 180 \text{ в}$ потенциалгача зарядланган. Нурланиш таъсирида потенциал $U_2 = 160 \text{ в}$ гача пасайган. Дозиметрнинг электр заряди қанчага камайган? Дозиметр камерасидаги ҳавонинг ҳажми $V = 1,8 \text{ м}^3$. Нурланиш дозасини аниқланг.

Ечилиши. Нурланиш вақтида дозиметр камерасидаги ҳаво ионлашади ва дозиметр зарядининг бир қисми ҳосил бўлган ионлар билан нейтралланади. Кучланиш $\Delta U = U_1 - U_2$ га ўзгаради, $\Delta q = C \Delta U$ заряд нейтралланади. V ҳажмли камерада ҳосил бўлган N ионлар жуфтини Δq зарядни e ион зарядига бўлиб топиш мумкин. Соддалик учун ҳосил бўлган барча ионларни бир валентли леб қабул қиласиз.

1 см^3 ҳажмдаги N' ионлар сони V марта кам бўлади, яъни

$$N' = \frac{C(U_1 - U_2)}{V_e}.$$

Нурланиш дозасини N' ни $2,082 \cdot 10^9 \frac{\text{ионлар жуфти}}{\text{с.м}^3}$ сонига солиштириб аниқлаймиз.

$$\text{Нурланиш дозаси} = \frac{N'}{2,082 \cdot 10^9} (p) = \frac{C(U_1 - U_2)}{2,082 \cdot 10^9 eV} (p) \approx 0,1 (p).$$

АДАБИЁТ

I. Масалалар ечиш методикасидан қўлланма

1. Александров П. А., Швайченко И. М. Методика решения задач по физике в средней школе. Л., Учпедгиз, 1948.
2. Демкович В. П., Прайсман Н. Я. Приближенные вычисления в школьном курсе физики. М., „Просвещение“, 1967.
3. Жемчужный С. М. Формирование физических понятий в решении задач. Минск. Изд-во М-ва высш. и сред. спец. образования БССР, 1963.
4. Казаченко К. И. Основные вопросы методики решения физических задач в средней школе. М., Учпедгиз, 1945.
5. Олагов Ф. М. Решение задач по механике. М., „Просвещение“, 1965.
6. Резников Л. И. Графический метод в преподавании физики. М., Учпедгиз, 1966.
7. Смолов Е. И. Решение задач по физике в средней школе (на укр. языке). Киев, „Радянська школа“, 1964.
8. Соколов А. Н. Процессы мышления при решении физических задач учащимися. М., Изд-во АПН РСФСР, 1954.
9. Франковский В. Н. Методика решения задач по физике (на укр. языке). Киев, „Радянська школа“, 1947.
10. Слеранский Н. М. Физикадан масалалар қандай ечилади. Тошкент, „Ўқитувчи“, 1971.
11. Яворский А. Н. Методика решения задач без вычислений по физике (на укр. языке). Киев, „Радянська школа“, 1961.

II. Масалалар тўплами

12. Балаш В. А. Физика масалалари. Тошкент, „Ўқитувчи“, 1966.
13. Бендриков Г. А. и др. Задачи по физике для поступающих в вузы. Изд-во МГУ, 1966.
14. Берлеев Г. И. Сборник вопросов и задач по физике для средней школы. М., Учпедгиз, 1955.
15. Боровой А. А. и др. Механика. Теория и задачи. М., „Наука“, 1967.
16. Буховцев Б. Б. ва бошқалар. Элемситар физикадан масалалар тўплами. Тошкент, „Ўқитувчи“, 1973.
17. Берлеев Г. И. Сборник задач и вопросов по физике для техникумов. М., „Высшая школа“, 1964.
18. Волькенштейн В. С. Умумий физика курсидан масалалар тўплами. Тошкент, „Ўқитувчи“, 1969.
19. Гольдфарб Н. И. Физикадан масалалар тўплами. Тошкент, „Ўқитувчи“, 1973.
20. Демкович В. П. Сборник вопросов и задач по физике для восьмилетней школы. М., „Просвещение“, 1967.
21. Демкович В. П. Физикадан савол ва масалалар тўплами. Тошкент, „Ўқитувчи“, 1973.
22. Заменский А. А. ва бошқалар. Физикадан савол ва масалалар тўплами (8—10- синифлар учун). Тошкент, „Ўқитувчи“, . . .

23. Золотов В. А. Вопросы и задачи по физике для восьмилетней школы. М., Учпедгиз, 1960.
24. Зубов В. Г., Шальнов В. П. Задачи по физике. М., Физматгиз, 1963.
25. Зибер В. А. Задачи-опыты по физике. М., Учпедгиз, 1953.
26. Иванов А. С. Задачи по физике с использованием техники железнодорожного транспорта. М., Учпедгиз, 1950.
27. Карпович А. Б. Сборник задач-вопросов по физике. М., Изд-во АПН РСФСР, 1956.
28. Козел С. М. и др. Сборник задач по физике. М., „Наука“, 1965.
29. Коган Б. Ю. Сто задач по физике. М., „Наука“, 1965.
30. Куприн М. Я. Задачи и вопросы из области сельского хозяйства. (VI—VII кл.). М., Учпедгиз, 1955.
31. Качинский А. М. и др. Сборник подготовительных задач к олимпиадам по физике. Минск, „Народная асвета“, 1965.
32. Кимбар Б. А. ва бошқалар. Физикадан мустақил ва контрол ишлар түплами. Тошкент, „Ўқитувчи“, 1968.
33. Катушкин В. И. и др. Сборник задач по физике. В помощь поступающему в вузы. Изд-во ЛГУ, 1965.
34. Лукашик В. И. Физикадан савол ва масалалар түплами. Тошкент, „Ўқитувчи“, 1974.
35. Мошков С. С. Экспериментальные задачи по физике. М., Учпедгиз, 1955.
36. Низамов И. М. Задачи по физике с техническим содержанием. М., „Просвещение“, 1967.
37. Разумовский В. Г. Творческие задачи по физике. М., „Просвещение“, 1966.
38. Ротарь А. В. Задачи для юного космонавта. М., „Просвещение“, 1965.
39. Рымкевич П. А. и др. Сборник вопросов и задач по физике. М., „Просвещение“, 1964.
40. Тарасов Л. В., Тарасова А. Н. Вопросы и задачи по физике (Анализ характерных ошибок поступающих во ВТУЗы). М., „Высшая школа“, 1968.
41. Тульчинский М. Е., Зеленов В. С. Программированные контрольные работы по физике. Калуга, Приокское книжное изд-во, 1968.
42. Тульчинский М. Е. Сборник качественных задач по физике. М., „Просвещение“, 1965.
43. Цингер А. В. Задачи и вопросы по физике. М., Учпедгиз, 1951.
44. Шаскольская М. П., Эльцин И. А. Сборник избранных задач по физике. М., „Наука“, 1969.
45. Шутов И. С., Гуринович К. М. Сборник практических задач по физике. VI—VIII классы. Минск, „Народная асвета“, 1965.
46. Штернталль А. И., Гейнбихнер И. И. Контрольные работы по физике в одиннадцатилетней школе. М., Учпедгиз, 1962.
47. Яковлев Ф. И. Сборник задач по физике. М., Изд-во АПН РСФСР, 1960—1962.
48. Эвенчик Э. Е. и др. Контрольные работы по физике в средней школе. М., „Просвещение“, 1969.

III. „Физика в школе“ журналида масалалар ечиш бўйича берилган мақолалар

А. Масалалар ечиш методикасининг умумий масалалари

49. Авербух И. И. О задачах с неполными данными. 1965, № 4.
50. Андрусенко Б. Р. От эксперимента к эмпирическим формулам. 1965, № 4.

51. Белозеров А. В. О записи условий задач. 1960, № 2.
52. Демкович В. П. Решение задач из нового задачника по физике. 1964, № 1.
53. Егоров А. Л. Об анализе хода явлений при решении задач. 1962, № 4.
54. Золотов В. А. Решение качественных задач в VI—VIII классах, 1961, № 3.
55. Казаченко А. С. Составление физических задач. 1948, № 3.
56. Казаченко А. С. О подборе задач по физике, 1953, № 4.
57. Кириллова Г. И. Прием комментирования с места при решении задач. 1966, № 2.
58. Ковалев П. Г. Оформление записи условия и решения задачи. 1954, № 3.
59. Костерева Т. Н. Устные задачи по физике. 1961, № 5.
60. Лысихин С. С. Использование эксперимента при решении задач по физике. 1950, № 4.
61. Михайлик А. Я. и Бурлаченко В. П. Об использовании понятия среднего при решении задач по физике. 1965, № 6.
62. Мерзляков З. С. Использование задач-рисунков при учете знаний учащихся. 1962, № 5.
63. Подковырин И. А. О проверке решений задач. 1953, № 2.
64. Пресман А. А. О проверке решения физической задачи. 1964, № 4.
65. Рымкевич П. А. О решении задач по физике. 1957, № 2.
66. Светицкий А. Н. О составлении учащимися задач по физике. 1962, № 6.
67. Сорокин Г. П. Об уроках решения задач по физике. 1963, № 2.
68. Степанищев А. М. К методике решения задач по физике. 1948, № 6.
69. Сословская А. Т., Полонская Е. Ф. Задачи-рисунки по физике в диаскопической проекции. 1967, № 2.
70. Турышев И. К. Решение задач по физике с исследованием. 1966, № 1.
71. Фитингофф А. Графический анализ при решении задач по физике. 1948, № 4.

Б. Механика

72. Белесков Р. И. Задачи на тяговые расчеты поездов. 1954, № 2.
73. Бугаенко А. Г. Задачи о маятнике Галилея. 1961, № 4.
74. Грабовский М. А. Замечания к задаче о „мертвой петле“, 1959, № 3.
75. Дьячук Д. Н. Задачи по механике с практическим содержанием. 1954, № 4.
76. Коган Б. Ю. Задачи по механике, 1954, № 3.
77. Кип尼斯 И. М. О задачах на вычисление дальности полета тела, брошенного под углом к горизонту. 1963, № 4.
78. Карпович А. Б. Задачи-вопросы по механике. 1954, № 2.
79. Любимов К. В. О задачах на кронштейн и экспериментальная проверка их решений, 1959, № 5.
80. Малобродский Д. Л. Решение задач на второй закон Ньютона. 1957, № 5.
81. Меньших М. П. Некоторые замечания по поводу задач на закон всемирного тяготения. 1966, № 5.
82. Розенблат Г. И. Методика решения задач по закону сохранения количества движения. 1966, № 2.
83. Сиротин Ю. И. Решение задач по динамике. 1955, № 3.
84. Сосновский В. И. Применение графиков при решении задач на движение тела, брошенного под углом к горизонту. 1964, № 4.

В. Иссиқлик ва молекуляр физика

85. Европин Ю. П. Задачи-вопросы по курсу теплоты в 7-м и 9-м классах. 1946, № 5-6.
86. Иванов С. И. Замечания по решению задач на пары и влажность. 1961, № 1.
87. Каменецкий С. Е. Об использовании графиков плотности насыщающихся паров при решении задач на влажность воздуха. 1961, № 4.
88. Лонгинов Д. Н. К изучению темы „Свойства твердых тел“. 1967, № 1.
89. Поступов П. Н. Решение задач на уравнение теплового баланса. 1956, № 5.
90. Попов И. П. Задачи по теме „Тепловые двигатели“, 1955, № 6.
91. Штеренталь А. И. Еще раз о решении задач на составление калориметрических уравнений теплового баланса. 1948, № 6.
92. Фомишенко И. В. Задачи-вопросы по теме „Свойства жидкостей“. 1956, № 6.

Г. Электр

93. Золотов В. А. Система решения задач по темам: „Ток, сопротивление и напряжение“ и „Работа и мощность тока“ в VIII классе. 1965, № 5.
94. Мельниченко Н. И. Практические задачи по электричеству. 1952, № 5.
95. Ратбиль Э. Л. Использование чертежей при решении задач по электричеству. 1959, № 3.
96. Резников Л. И. Несколько задач по электричеству и оптике. 1950, № 3.
97. Шубников А. В. Вопросы по электростатике. 1956, № 2.
98. Шубников А. В. Вопросы, относящиеся к закону Ома (для читателей журнала). 1957, № 2.

Д. Колебания и волны

99. Богма К. К., Зубов В. В. Вывод формулы периода гармонических колебаний. 1967, № 2.
100. Шишов Г. П. Задачи и вопросы по акустике. 1952, № 5.
101. Брадис А. В. Как объяснить кажущееся поднятие дна водоемов и всегда ли оно одинаково? 1953, № 6.

Е. Оптика

102. Дик П. А. Решение некоторых задач геометрической оптики с помощью графиков. 1967, № 2.
103. Демкович В. П. Качественные задачи по оптике. 1957, № 1.
104. Мейльман М. Л. Графические задачи по электричеству и оптике. 1958, № 1.
105. Трахтенберг Л. И. Задачи по оптике. 1966, № 1.

Ж. Политехникавий мазмундаги масалалар

106. Афанасьев П. И. Вопросы и задачи для учащихся сельских школ. 1965, № 3.
107. Бескоровайный И. И. О составлении задач с производственным и техническим содержанием. 1961, № 3.
108. Благонравов И. П. Задачи из области военной техники. 1948, № 2.
109. Жиянова О. П. К методике решения задач с техническим содержанием. 1967, № 4.
110. Иванов А. С. Задачи и вопросы по физике с использованием железнодорожной тематики. 1952, № 4; 1958, № 4.

111. Костил Г. П. Задачи из области сельскохозяйственной техники. 1948, № 2.
112. Костерева Т. И. Решение задач по физике с производственным содержанием. 1953, № 5.
113. Тазетдинов Ш. Т. Задачи и вопросы по физике с техническим содержанием. 1959, № 3.
114. Шилов В. Ф. Задачи с производственным содержанием, составленные учащимися. 1965, № 6.

3. Синфдан ташқи ишлар учун масалалар

115. Асламазов Л. Г., Слободецкий И. Ш. Всесоюзная заочная олимпиада по физике. 1967, № 2, 3.
116. Лукашик В. И. Задачи-опыты для вечера занимательной физики. 1964, № 2.
117. Лукьянов Ю. И. Физическая эстафета. 1965, № 3.
118. Лукашик В. И. Внедришкольная олимпиада по физике учащихся VI—VIII классов. 1964, № 4.
119. Слободецкий И. Ш. Задачи физико-математической олимпиады Московского физико-технического института. 1964, № 3.
120. Слободецкий И. Ш. Всесоюзная олимпиада по физике. 1966, № 5.
121. Шальнов В. П. Несколько задач, предлагавшихся на олимпиаде по физике в МГУ. 1955, № 6.

IV. Методик ва илмий-оммабоп адабиёт

122. Билимович Б. Ф. Физические викторины. М., „Просвещение“, 1964.
123. Власова К. Н. Мир научной фантастики на уроках физики. М., Изд-во АПИ РСФСР, 1963.
124. Вальдгард С. Л. Элементы техники в преподавании физики. М., Учпедгиз, 1950.
125. Внуков В. П. Физика и оборона страны. М., Гостехиздат, 1943.
126. Дерябин В. М. Международная система единиц в курсе физики средней школы. М., Учпедгиз, 1963.
127. Епохович А. С. Физика, техника, производство; краткий справочник. М., Учпедгиз, 1962.
128. Ильин М. Сто тысяч почему. Избранные произведения, ч. I. М., Гослитиздат., 1962.
129. Крылов К. Р. Элементы сельскохозяйственной техники в преподавании физики. М., Учпедгиз, 1955.
130. Кожеворов И. В. Элементы космонавтики в курсе физики и астрономии. М., „Просвещение“, 1965.
131. Перельман Я. И. Занимательная физика, т. I и II. М., Физматгиз, 1959.
132. Перельман Я. И. Занимательная механика. М.—Л., Гостехиздат, 1951.
133. Покровский С. Ф. Опыты и наблюдения в домашних заданиях по физике. М., „Просвещение“, 1965.
134. Резников Л. И. Международная система единиц в курсе физики средней школы. М., „Просвещение“, 1964.
135. Степанов А. И. Вопросы метеорологии в курсе физики средней школы. М., Учпедгиз, 1963.
136. Седов А. А. Связь преподавания физики с производственным обучением. М., Учпедгиз, 1962.
137. Усова А. В. Антропова Н. С. Связь преподавания физики в школе с сельскохозяйственным производством. М., „Просвещение“, 1965.

МУНДАРИЖА

**I ҚИСМ
ҮРТА МАКТАБДА
ФИЗИКА КУРСИДА
МАСАЛАЛАР ЕЧИШ
МЕТОДИКАСИННИГ
УМУМИЙ МАСАЛА-
ЛАРИ**

**II ҚИСМ
ФИЗИКА КУРСИ-
НИНГ БҮЛІММЕРІ
БҮЙІЧА МАСАЛА-
ЛАР ЕЧИШ МЕТО-
ДИКАСЫ**

6- синф

Сұз боши	3
1- боб. Масалаларнинг турлари ва уларни ечиш методикасининг умумий масалалари	6
1. Масалалар ўқывларга физика машғулотларыда тәзілім беріш воситасидір	6
2. Масалаларнинг класификациясы	9
3. Физикавий масаланды ечиш методи	11
2- боб. Турли хылдаги масалаларни ечиш методикасы	16
1. Сифатта ойдан масалалар	16
2. Экспериментал масалалар	20
3. Хисоблаш масалалары	21
4. График масалалар	25
3- боб. Масалалар ечиштеге доир машғулоттарнің үтказиш методикасы	27
1. Масалалар ечиштеге доир маңыздыларнинг турлары	27
2. Дарсларда масалалар ечиш	28
3. Синфдан ташқары маңыздыларда масалалар ечиш	33
4. Турли синфларда масалалар ечиштегі баъзى хусусиятлары ҳақида	39
4- боб. Модда тузилиши ҳақида дастлабки маңыздылар	44
1. Молекулаларнинг мавжудлігі. Молекулаларнинг ўлчамлары	44
2. Молекулаларнинг ҳаракати	46
3. Молекуляр күчлар	48
4. Газлар, суюқликтар ва қаттық жисмлар тузилишининг хусусиятлари	48
5- боб. Ҳаракат ва күчлар	50
1. Механикавий ҳаракат. Тезлік	50
2. Масса. Модданиң зицлигі	54
3. Инерция	56
4. Оғирлик күчи. Жисмларнинг оғирлігі . .	57
5. Күчларның график тасвирлаш ва құышы .	58
6. Босим күчи. Босим	59
7. Ишқаланыш күчи. Молекулаларнинг үзаро таъсер күчлери	59
6- боб. Суюқликтар ва газларнинг босими (гидро- ва аэростатика)	61
1. Паскаль қонуни	61
2. Суюқликтарнинг оғирлик босими	62
3. Атмосфера босими	65
4. Архимед күчи	66

7- СИНФ

7- боб. Иш ва қувват. Энергия ҳақида тушунча	69
1. Механикавий иш	70
2. Қувват	70
3. Ричаглар. Блоклар	71
4. Механикавий энергия	75
8- боб. Иссиқлик узатиш ва иш	77
1. Ички энергия	77
2. Иссиқлик узатиш усуллари	78
3. Иссиқлик міндори. Солиштирма иссиқлик сиғими	80
4. Ёқылғаннинг ёниш иссиқлиги. Иссиқлик бериш	84
9- боб. Модда агрегат ҳолатларининг ўзгариши	86
1. Эриш ва қотиш	86
2. Бугланыш	89
3. Қайнаш ва конденсация	90
10- боб. Иссиқлик машиналари	93
11- боб. Атом тузилиши	95
12- боб. Ток кучи, күчланиш, қаршилик	99
1. Электр токи. Электр занжири	99
2. Ток кучи	102
3. Күчланиш	104
4. Ўтказгичларнинг қаршилиги	105
5. Занжирниң бир қисми учун Ом қонуни	108
6. Ўтказгичларни улаш	111
13- боб. Токнинг иши ва қуввати	115
1. Токнинг иши ва қуввати	116
2. Токнинг иссиқлик таъсирі	118
14- боб. Электромагнит ҳодисалар	121
1. Токнинг магнит майдони. Электромагнитлар	121
2. Доимий магнитлар	124
3. Токли ўтказгичнинг магнит майдонидаги ҳаракати	125
15- боб. Кинематиканинг асосий тушунчалари	129
1. Саноқ системаси. Механикавий ҳаракатнинг инсбийлиги. Күчишларни қўшиш	129
2. Тезлик. Тезликларни қўшиш	132
16- боб. Нотекис ҳаракат	136
1. Ўртача ва оний тезлик	136
2. Тезланиш	139
3. Текис ўзгарувчан ҳаракатда тезлик	141
4. Текис ўзгарувчан ҳаракатда кўчиш ва йўл	145
5. Айлана бўйлаб ҳаракат	151
17- боб. Ҳаракат қонулари	154
1. Ньютоннинг биринчи қонуни (Инерция қонуни)	154

8- СИНФ


9- синф

2. Импульс (ҳаракат миқдори) нинг сақла- ниш қонуни	156
3. Ньютоннинг иккинчи қонули	161
4. Ньютоннинг учинчи қонуни	164
18- боб. Табиатдаги күчлар	166
1. Гравитацион күчлар	167
2. Эластиккүчлар	168
3. Ишқаланиш күчлари	169
19- боб. Жисмларнинг мувозанати (ста- тика)	172
1. Күчларни қўшиш ва ажратиш	172
2. Куч моменти. Айланиш ўқига эга бўл- ган жисмларнинг мувозанати	178
3. Оғирлик маркази. Мувозанат турлари. Жисмларнинг тургунлиги	181
20- боб. Ньютон ҳаракат қонунларининг қўлланиши	186
1. Ўзгармас куч таъсири остидаги тўғри чизиқли ҳаракат	187
2. Горизонтал ва горизонтга бурчак ости- да остилгак жисмнинг ҳаракати	195
3. Айланга бўйлаб ҳаракат	199
4. Планеталар ва сунъий йўлдошларнинг ҳаракати	205
21- боб. Иш ва энергия	209
1. Иш ва қувват	209
2. Механикавий энергия	214
3. Суюқликлар ва газларнинг ҳаракати . .	223
22- боб. Газлар кинетик назариясининг асослари	230
1. Молекуляр-кинетик назария асослари .	230
2. Газларнинг хоссалари	237
23- боб. Идеал газнинг ички энергияси .	245
1. Ички энергиянинг ўзариши	245
2. Газнинг кенгайишида бажарган иши .	246
24- боб. Буғларнинг хоссалари	249
1. Суюқлик билан буғ орасидаги муво- занат	249
2. Қайнаш	252
3. Газларни суюлтириш. Модданинг кри- тик ҳолати	253
4. Намлик	255
25- боб. Суюқлик ва қаттиқ жисмлар- нинг хоссалари	256
1. Сирт қатлам хоссалари	257
2. Ҳўллаш ва ҳўлламаслик. Эгри сирт ос- тидаги босим, капилляр ҳодисалар . . .	263
3. Қаттиқ жисмларнинг хоссалари	267
4. Суюқлик ва қаттиқ жисмларнинг иссиқ- ликдан кенгайиши	271
26- боб. Электр майдони	274
1. Кулон қонуни	274
2. Электр майдонининг кучланганлиги .	281

10- синф

3. Электр майдонининг потенциали	285
4. Электр сиғим	288
27- боб. Занжирнинг электр токи. Ўзгармас ток қонунлари	294
1. Занжирнинг бир қисмига оңт Ом қонуни	294
2. Ўтказгичларни улаш	297
3. Бутун занжирга оңт Ом қонуни	304
4. Токнини ини, қуввати ва иссиқлик таъсири	309
5. Термоток	314
28- боб. Электромагнетизм	315
1. Токнини магнит майдони	316
2. Электромагнитик индукция	323
29- боб. Электроника асослари	329
1. Вакуумда электр токи	330
2. Электролитларда электр токи	337
3. Газларда электр токи	341
4. Ярим ўтказгичларнинг электр хоссалари	342
30- боб. Механик тебранишлар ва тўлқинлар. Товуш	345
1. Гармоник тебранишлар	345
2. Математик майтиқининг тебраниши	349
3. Эластик тебранишлар. Тебранияма ҳаракатда энергиясининг бир турдан бошқа турга айланиши	353
4. Фаза сияжиши. Тебранишларни қўшини	357
5. Тебранишларни эластик мұхитда тарқалиши. Тўлқинлар	362
6. Тўлқинлар интерференцияси ва дифракцияси	368
7. Инфратовуши ва ультратовуш	371
31- боб. Ўзгарувчан ток	373
32- боб. Электромагнит тебранишлар ва тўлқинлар	380
33- боб. Ёруғликпинг тўлқин хоссалари	384
1. Ёруғлик тезлиги	384
2. Ёруғлик интерференцияси ва дифракцияси	387
34- боб. Геометрик оптика	392
1. Ёруғликнинг тўғри чизиқ бўйлаб тарқалиши	392
2. Ёруғликнинг қайтиши	395
3. Ёруғликнинг сиптиши	405
4. Линзалар	416
5. Оптик асбоблар	424
35- боб. Нурланиш ва спектрлар	434
1. Дисперсия ҳодисаси ва спектрлар	437
2. Фотометрия ва ёритилгачлик қонунлари	440
36- боб. Ёруғликнинг таъсири. Ёруғлик квантлари	445
1. Ёруғлик квантлари	446
2. Фотоэффект	448
37- боб. Нисбийлик назарияси асослари	449
38- боб. Атом ядрои физикаси	455
Алабиёт	461

17



н № 2

С. Е. КАМЕНЕЦКИЙ,
В. П. ОРЕХОВ

ҮРТА МАКТАБДА ФИЗИКАДАН МАСАЛАЛАР ЕЧИШ МЕТОДИКАСИ

Ўқитувчилар учун қўлланма

„ЎҚИТУВЧИ“ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ – 1976